

مَدِينَةُ الْمُكَافَعَاتِ 337

مَنْظَرُ الْمُكَافَعَاتِ لِلْمُؤْمِنِينَ



لِيَكَ



CH0000014575

سَارِج

«Фан»

T 24

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ


ТАРИХИЙ МАНБАШУНОСЛИК

ўқув қўлланма

№ 17 24

У-Р

БАКАЛАВРЛАР УЧУН



922141

Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2006

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистоннинг тарихини ўрганишга мўлжалланган бўлиб, унда юнон, лотин, хитой, араб, форс ва туркий тилларда ёзилган манбалар тўғрисида маълумотлар келтирилиб, бўлғуси педагоглар манбалардан ўз фаолиятида фойдаланиши кўрсатилган. Уни яратишда муаллифлар ўзларининг кўп йиллик илмий-педагогик тажрибасига, манбашунослик ва педагогика фанининг сўнгти ютуқларига таянишди.

Ўқув қўлланма тарих фани муаллимлари, Олий ўқув юрти бакалаврлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи талабалари учун мўлжалланган. Ундаги ёзма манбалар тўғрисидаги маълумотлар, асосан Б.Аҳмедовнинг «Ўзбекистон тарихи манбалари» (2001) қўлланмаси ва мавжуд илмий адабиётлардан келтирилди.

Тузувчилар:

т.ф.д. А.А.Мадраимов - Беҳзод номидаги музей директори, ЎзМУ профессори;

т.ф.н., доц. Г.С.Фузаилова - ТДПУ «Манбашунослик ва тарих ўқитиш методикаси» кафедраси мудираси

Масъул муҳаррирлар:

т.ф.д. А.У.Үринбоев,

т.ф.д. Б.А.Абдуҳалимов

Тақризчилар:

т.ф.д. Д.Ю.Юсупова,

т.ф.д., проф. С.В.Телеуколов

СҮЗ БОШИ

Ўзбекистон истиқололи (1991) юргимизда ижтимоий фикр эркинлиги учун кенг имкониятлар яратди. Биз ўзимизнинг бой ва қадимий тарихимизни қайтадан кашф этиш имконига эга бўлдик. Республикамиз Президенти И.А.Каримов тўғри таъкидлаганидек: “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига қўтарилиши зарур”¹.

Сўнгти йилларда манбашунослик фанидан бир неча дарслик ва қўлланмалар яратилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: Б. А. Аҳмедовнинг “Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари” (1991), Т.С.Сайдқуловнинг “Ўзбекистон тарихи тарихнавислигидан лавҳалар”(1993, ўзбек ва рус тилларида), А. Ҳабибуллаевнинг “Адабий манбашунослик ва матншунослик” (2000), Б. А. Аҳмедовнинг “Ўзбекистон тарихи манбалари” (2001), “Манбашуносликдан маъruzалар мажмуаси” (2001, тузувчи А. А. Мадраимов).

Буларда тарихий манбашунослик фани умумий тарзда ёритилган бўлиб, мукаммал дарслик ва ўқув қўлланмаси яратиш йўлидаги биринчи қадамдир. Булардан ташқари тарихчи манбашунослар учун жуда керакли “Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана. История” (Составители Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова. 1998) номли каталог чоп этилган. Манбашуносликка оид бажарилган тадқиқотлар, ёзма манбалар, таржималарнинг чоп этилиши, тарих фанини ўқитиш бобидаги методик тажрибаларни умумлаштирилган қўлланмалар бизнинг ушбу бақалаврлар учун мўлжалланган “Тарихий манбашунослик” номли ўқув қўлланмани яратишимиизга асос бўлиб хизмат қилди. Унга мазкур фанни ўқитиш соҳасидаги Низомий номидаги ТДГУ Тарих факультетидаги “Манбашунослик ва тарих ўқитиш методикаси” кафедрасининг профессор -ўқитувчиларининг амалий тажрибаси асос қилиб олинди.

Ушбу ўқув қўлланма Олий ўқув юрглари учун қабул қилинган Давлат Стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Ҳар бир маъруза бошида мавзу номи, дарснинг мазмуни, унинг режаси, асосий тушунчалар берилади. Асосий матнда маъруза мавзуи режага мувофиқ атрофлича ёритилиб, унинг сўнгига мавзуга оид асосий адабиётлар рўйхати, маъруза материалини мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар илова этилди.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Мулоқот. 1998. 2-сон. 2-3-бетлар.

Биз яратган ушбу ўқув қўлланма илк тажриба бўлгани сабабли унда турли баҳс, мунозара ва фикрларни пайдо қиласидиган ўринлар мавжуд. Шунинг учун ўқув қўлланмаси юзасидан билдириладиган фикр ва мулоҳазалар учун тузувчилар олдиндан ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Ушбу ўқув қўлланма қўлёзмаси билан танишиб фойдали маслаҳатларни бергани учун А. Ўринбоев, Б.А. Абдуҳалимов, С.В. Телеукулов, Д.Юсповага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

1-мавзу. Манбашунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Дарснинг мазмуни: Тарих илмида манбашунослик фанининг туттган ўрни, унинг асосий хусусиятлари, предмети, мақсад ва вазифалари ҳақида маълумот, мавжуд илмий адабиётлар қисқача таҳлили берилади.

Режа:

- 1.1. Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад.
- 1.2. Манбашунослик фанининг предмети ва вазифалари.
- 1.3. Манбалар турлари.
- 1.4. Манбашуносликка оид адабиётларнинг таҳлили.
- 1.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 1.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: манба, тарихий манба, бирламчи манба, асл нусха, автограф, битик, битма, ёзма ёдгорлик, қўллёзма, қўллёзма китоб, тошибосма, литографик китоб, нашр, оммавий нашр, илмий академик нашр, факсимиле, археография, асосий араб ёзувлари, рўйхатга олиш, тавсифга олиш, таснифлаш –кatalogлаштириш, фиҳрист – каталог, карточка, аннотация, монографик тавсиф.

1.1. Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад

Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад талабаларда ушбу фан соҳаси тўғрисида умумий тушунча ҳосил қилиш ва уларда қизиқиш уйғотиши ва Ўзбекистон тарихини манбалар асосида мустақил ўрганиш мамлакасини ҳосил қилишдан иборат.

Тарихий факт ва воқеалар баёни инсон характеристи, маълумот берувчи шахс, гуруҳ, фирмә, сулола, мазҳаб ва мамлакатлар манфаати йўлида турлича талқин қилиниши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон яқин тарихи мамлакатимизнинг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидағи сиёсий воқеалар турли даврларда, манбаларда ва турли муаллифлар томонидан турлича талқин қилинмоқда. Булар ўз даврида яратилган ёзма ёдгорликлар, тарихий ҳужжатлар ва солномаларда қандай баён қилинган? Шўро даврида қандай тушунтирилди?

Ва ниҳояти мустақиллик шароитида тарихий адолатни тиклаш, манбалар асосида холис ва объектив бўлиб ўтган воқеаларни билишимиз мумкин ва керак. Бу эса манбашунослик фанисиз, манбаларга илмий ёндошувсиз мумкин эмас. Чунки, ўша даврдаги ёзма ёдгорликлар аксарияти араб алифбоси асосидаги ёзувимизда, бир қисми рус тилида ҳам битилган ва ўша даврга хос тарихий хусусиятларга эга.

Хулоса, манбашунослик фани юртимиз тарихи түғрисида холис ва объектив билим олишга, ўзлигимизни англашга, бой ва қадимий маданиятимизни билишга хизмат қылувчи тарих фанининг муҳим соҳаларидан биридир.

1.2. Манбашунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Манбашунослик фани тарих илмининг асосий ва муҳим соҳаларидан бири бўлиб, турли (моддий, этнографик, ёзма ва бошقا) манбаларни ўрганиш ҳамда улардан илмий фойдаланишининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганади.

Тарихий манба деганда нимани тушунамиз?

Тарихий манба деганда узоқ ўтмишдан қолган, табиат ва жамиятнинг маълум босқичдаги кечмишини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликларни тушунамиз.

Моддий ёдгорликларга - қадимий обидалар, манзилгоҳлар ва мозарлар, шаҳарлар, қасрлар ва қалъалар харобалари, уй-рўзгор буюмлари ва бошқалар киради.

Маънавий ёдгорликлар деганда қадимги ёзувлар, ҳалқ оғзаки ижоди намуналари, афсоналар, ёзма ёдгорликлар – битик, кўлёзма китоб, ҳужжатлар ва архив материаллари тушунилади.

Умуман, тарихий манба инсон ижтимоий фаолияти натижасида пайдо бўлган ва унинг хусусиятларини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликлардан иборатдир. Уларни ўрганадиган фанни биз манбашунослик деймиз.

Манбашунослик фани ижтимоий фан соҳасида, асосан икки хил бўлиши мумкин – тарихий манбашунослик ва адабий манбашунослик. Бизнинг мақсадимиз тарихий манбашуносликни ўрганишдир.

Манбашунослик фанининг вазифалари тарихий манбаларни қидириб топиш, уларни рўйхатга олиш, туркумлап, чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш, манбада ўз аксини топган ёки баён этилган воқеалар, келтирилган фактларни тўғрилигини аниқлаш, манбанинг тарих фани тараққиётини ўрганишдаги аҳамиятига баҳо беришдан иборатдир.

1.3. Манбалар турлари

Тарихий манбаларни, уларнинг умумий характеристи, ўтмишни ўзида акс эттиришга қараб қўйидаги олти асосий гуруҳга бўлиш мумкин.

1.3.1. Моддий (ашёвий) манбалар

Маълумки, кишилик жамияти тарихи қарийб 40 минг йиллик даврни

ўз ичига олади, лекин ёзув пайдо бўлганига эса нисбатан кўп вақт ўтганича йўқ.

Масалан, цивилизациянинг илк ўчоқларидан бири бўлмиш Марказий Осиёда дастлабки ёзув арамейча хат негизида тажминан эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида пайдо бўлган. Хат тарихчиси Эркин Охунъоновнинг маълумотига кўра, юртимизда араб истилосига қадар ўн саккиз ёзув тури мавжуд бўлган. Лекин, афсуски, кўҳна тарихимизни ўзида акс эттирган ёзма ёдгорликларнинг катта қисми бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Уларнинг кўпчилиги босқинчилик урушлари вақтида, қолаверса табиий оғатлар оқибатида йўқ бўлиб кетган.

Илк тарихнинг айрим лавҳалари ўтмишдан қолган ва инсоннинг ижтимоий фаолияти билан боғлиқ бўлган моддий ёдгорликларда, аниқроғи уларнинг бизгача сақланган қолдиқлари етиб келган.

Хуллас, моддий (ашёвий) манба деганда ибтидоий одамлар истиқомат қилган ва дағн этилган жойлар, уларнинг меҳнат ва уруш қуроллари, бино ва турли иншоотлар (қалъя ва қасрлар, ҳаммомлар ва карвоансаройлар, ҳунармандчилик устахоналари ҳамда сув иншоотлари ва бошқалар)нинг қолдиқлари, уй-рӯзғор буюмлари ва зеб-зийнат тақинчоқлари тушунилади. Моддий ёдгорликларни қидириб топиш ва ўрганиш ишлари билан археология илми (юнон. Архео – қадимий, логос – илм; ўтмиш ҳақидаги илм; кишилик жамиятининг узоқ ўтмишни ўрганувчи илм, қадимшунослик) шгуулланади.

1.3.2. Этнографик манбалар

Халқларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган материал ва маълумотлар этнографик манба ҳисобланади. Масалан, халқ, қабила ва уруғ номлари, инсон кўли ва ақл-заковати билан яратилган қурол ва буюмларнинг нақш ва безаклари, кишилар онгига, шунингдек, оғзаки ва ёзма адабиётда сақланиб қолган ўтмиш урф-одат ва анъаналари, кишиларнинг турмуш тарзи этнографик манба ҳисобланади. Буларнинг барчасини этнография (юнон. Этнос – халқ, грапҳо – ёзаман, халқ ҳақида маълумотлар; халқшунослик) илми текширади ва ўрганади.

1.3.3. Лингвистик манбалар

Лингвистик манбалар деб тилимиздаги, аниқроғи унинг лексик – сўз бойлиги таркибидағи узоқ ўтмишдан қолган, ижтимоий - иқтисодий, маъмурий ва юридик атамалар, масалан, *хирож* - ўрта асрларда аҳолидан, асосан дехқонлардан олинадиган асосий солиқ; даромад солиғи; *ушир* – даромаднинг ўндан бир қисмини ташкил этган солиқ; *закот* – чорва ва мулқдан камбағаллар учун йилига бир марта олинадиган солиқ; *суюргол*

— шаҳзодалар ва амирларга тожу таҳт олдида кўрсатган катта хизматлари учун бериладиган ер-сув; *тансуқот* — камёб, эътиборга молик буюм, мато; подшоҳлар, хонлар ва нуфузли кишиларга қилинадиган тортиқ; *черик* — қўшин; *қороевул* — қўшиннинг олди ва ён томонларида борадиган маҳсус ҳарбий бўлинма; *халифа* — Муҳаммад пайғамбарнинг ўринбосари, ўрга асрларда араб мусулмон феодал давлатининг бошлиғи; *миришкор* — тўғриси — мири шикор, подшоҳ ва хонларнинг ов қушлари ва ов ҳайвонларини тасарруф этувчи мансабдор; *мироб* — сув тақсимоти билан шуғулланувчи мансабдор; *қози* — шариат асосида иш юритувчи судья; *ёрлиг* — ўрга асрларда ҳукмдор тарафидан бериладиган расмий ҳужжат; *вақфнома* — масжид, мадраса, хонақоҳ ва мозорларга инъом этилган ер - сув ҳақидаги тузилган маҳсус ҳужжат ва бошқа атамалар жуда кўп учрайди. Бу ва шунга ўхшаш атамалар, шубҳасиз қимматли тарихий материал бўлиб, аждодларимизнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётини ўрганишга ёрдам беради. Уларнинг келиб чиқиши ва этимологиясини лингвистика (лотин. Lingua – тил) фани ўрганади.

1.3.4. Халқ оғзаки адабиёти

Оғзаки адабиёт маданиятнинг энг қадимги қисми бўлиб, унинг илдизи ибтидоий жамоа ва илк феодализм тузумига бориб тақалади. Оғзаки адабиётнинг айрим намуналари қадимги юонон тарихчилари, шунингдек, Табарий, Масъудий, Беруний, Фирдавсий, Ибн ал-Асир каби Шарқ олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келган. Каюмарс, Жамшид ва Сиёвуш ҳақидаги афсоналар, Аморт ва Спаретра, Тўмарис ва Широқ ҳақидаги қиссалар шулар жумласидандир.

Уруғчилик даври тарихини, айниқса, патриархал муносабатларини ўрганишда “Алпомиши”, “Гўрўғли” каби достонлар, шунингдек, халқ эртаклари, маросим қўшиқлари, матал ва топишмоқларнинг роли ҳам бениҳоят каттадир. Бу халқ дурданалари турли ижтимоий табақага мансуб кишиларнинг туриши - турмуши, маънавий қиёфаси, урф-одати, айниқса, узоқ ўтмишда ҳукм сурган ижтимоий муносабатлар ҳақида қимматли маълумот беради. Тарихий манбаларнинг бу тури билан фольклор (нем. Фольк – халқ, лоре – билим; донишмандлик, халқ донолиги) фани шуғулланади.

1.3.5. Ёзма манбалар

Ёзма манбалар тарихий манбаларнинг муҳим ва асосий туридир. Инсоннинг ижтимоий фаолияти, аниқроғи кишиларнинг ўзаро муносабатининг натижаси ўлароқ яратмияган ва ўша замонларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирган манба сифатига ўрга аср (VI-

XIX асрлар) тарихини ўрганишда мұжым ўрин тутади. Ёзма манбалар ўз навбатида иккى турға бўлинади:

1.Олий ва маҳаллий ҳукмдорлар маҳкамасидан чиққан расмий ҳужжатлар (ёрликлар, фармонлар, иноятномалар, молиявий-ҳисобот дафтарлари, расмий ёзишмалар).

Ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий муносабатларга оид масалаларни ўрганишда расмий ҳужжат, молиявий - ҳисобот дафтар ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Расмий ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум юридик шаклда бевосита ва кўп ҳолларда айнан қайд этиши билан қимматлидир. Лекин уларнинг орасида, айниқса, расмий ёзишмаларда сохталари ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланилганда диққат-эътибор ва зўр эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ҳужжатлар устида иш олиб борганда, ундан бирон ижтимоий-сиёсий воқеа ёки фактни талқин этиш учун фойдаланиш жараёнида, биттаси билан кифояланмасдан, ўхшашиб неча ҳужжат, манбаларни қўшиб ўрганмоқ зарур. Чунки, битта ҳужжатда фақат бир келишув ёки факт устида гап боради. Шунинг учун фақат бир ҳужжат билан маълум ижтимоий-сиёсий масала устида қатъий фикр юритиб, умумлаштириб қатъий хуласага келиб бўлмайди.

2. Тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар.

Тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар тўғрисида шуни айтиш керакки, улар ҳукмрон синфнинг топшириги билан ёзилган ва шу туфайли уларнинг саҳифаларида кўпроқ подшоҳлар ва хонларнинг, амирлар ва йирик руҳонийларнинг ҳаёти ва фаолияти ёритилган, моддий бойлик яратувчи меҳнаткаш ҳалқнинг тарихи эса кўп ҳолларда четлаб ўтилган.

Хуллас, бу асарларда, яъни ёзма манбаларда ҳукмрон феодал синфнинг дунёқарали ўз ифодасини топган, ўша синфнинг мақсад ва манфатлари ифода этилганлиги билан ажralиб туради.

1.3.6. Мўъжаз расм-миниатюралар

X-XIX асрлар давомида қўллэзма китобларини зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расмлар ҳам тарихий манба бўлиб хизмат қиласди. Юргимиз тарихи ва моддий ашёлар, ҳунармандчилик, кийим-кечак, меморлик обидалари ва умуман моддий маданиятимиз хусусиятларини ўрганмоқчи бўлсак, нафис мўъжаз тасвирий санъат намуналари – миниатюра расмлар қимматли манба ролини ўтайди. Чунки, уларда тарихий ашёлар тасвири айнан, баъзан бадиий ижод хусусиятларига мослаштирилган ҳолда акс эттирилади.

Масалан, буюк мусаввир устод Камолиддин Беҳзоднинг “Самарқанд-

даги Бибихоним масжидининг қурилиши” номли машхур расмини эслатиш кифоя. Бу расмда XV асрдаги меҳнат қуроллари, қурилиш жараёни, унда иштирок этаётган усталар тўғрисида мукаммал тасаввур берилади. Бундай расмлардан тарихни ўрганишда тасвирий восита сифатида унумли фойдаланиш мумкин. Биз сўнгги йилларда чоп этилган манбаларда улардан шунчаки бефарқ фойдаланишларини кўришимиз мумкин.

Умуман, бизгача етиб келган қадимги деворий расмлар ва қўлёзма китобларга ишланган ҳамда алоҳида мураққаълардаги расмларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти жуда катта.

Кўриб чиққанимиздек, манбашунослик фани тадқиқот манбалари жуда кўп ва хилма-хил бўлиб, биз энг асосийлари тўғрисида маълумот бердик. Шу кунларда техника тараққиёти муносабати билан яна товушли манба, фото манба, кино-телевидение манбалари ва интернет материалилари ҳам пайдо бўлиб, улар анъанавий манбаларни инкор этмайди, балки қўшимча восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айниқса компакт дискларни яратилиши турли янги педагогик воситаларни қўллаш имконини яратади.

Манбашунослик фани тарих илмининг фундаментал йўналиши бўлиб, бу соҳада фаолият олиб бориш учун бир неча тил ва ёзма манбалар тўғрисида катта билим ва тажрибага эга бўлиш талаб қилинади.

1.4. Манбашуносликка оид адабиётларнинг таҳлили

Бизнинг тарихимиз жуда бой, ёзма ёдгорликларимиз кўп бўлишига қарамай, ўз маданий меросимизни бутун бойлигини намойиш этадиган, унинг ўзига хос хусусиятлари ва жаҳон маданияти хазинасига ҳисса бўлиб қўшилганларини алоҳида кўрсатадиган манбашунослик фани соҳасида яратилган мукаммал дарслик ва қўлланмага эга эмасмиз. Лекин юртимизда тарих фани соҳасида олиб борилган деярли уч минг йилдан узоқроқ давр давомида тўпланган тажриба умумлаштирилгани йўқ.

Ҳозирча мавжуд дарслик ва қўлланмалар ичida академик Б.Аҳмедовнинг “Ўзбекистон тарихи манбалари” дарслигининг иккинчи нашрини энг мукаммал деб тан олишимиз мумкин. Қимматли маълумотлар жамлангани билан ажralиб турган бу асар янада мукаммал дарслик учун асос бўлиб хизмат қиласди.

А.Ҳабибуллаевнинг “Адабий манбашунослик ва матншунослик” қўлланмасида ҳам қатор ижобий хусусиятлар мавжуд бўлиб, улардан тарихий манбашунослик бўйича дарслик тузишда фойдаланиш мумкин.

А.А.Мадраимов томонидан тузилган “Манбашуносликдан маърузалар мажмуаси”да илк бор араб, форс ва турк тилидаги тарихий манбалар хусусиятларини характерлашга ҳаракат қилинган ва манбалар тўғриси-

даги маълумотлар манба номи остида берилиши билан ажралиб туради.

М.Ҳасанийнинг «Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фиҳристлаш» номли рисоласида (2004) магистрантларни ушбу жараён билан таништиради.

Манбашунослик фани кўп асрлик анъанага эга бўлса-да, юртимиз манбашунослиги юқорида зикр этилган асарларда умумлаштиришга ҳаракат қилинди. Манбашуносликни ўрганиш учун биринчи галда тарихга оид илмий тадқиқотлар, ёзма ёдгорликлар нашрлари ва бирламчи ёзма манбалар билан бевосита ишлашга тўғри келади. Бу соҳада Я.Гуломов, Б.А.Аҳмедов, А.Ў.Ўринбоев каби йирик олимлар асарлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар тавсифини ўз ичига олган 11 жилдлик монографик каталог ҳамда маҳсус каталог – фиҳристлар, тадқиқотлар бўлғуси манбашунослар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Талабалар ёрдамчи манба сифатида энциклопедик қомуслардан фойдаланиши мумкин.

Манбашуносликни яхши эгаллаш учун талаба бир неча тил, айниқса араб ёзувидағи туркий тил ва ғарб тилларидан инглиз, немис ва француз тилларидан бирини яхши билиши керак. Бу соҳада рус тили ҳам маълум мавқега эга.

Манбашунослик тарих фанининг бир қатор ёрдамчи соҳалари – палеография, дипломатика, геральдика, сфрагистика, эпиграфика, нумизматика, метрология ва хронология қўлга киритган ютуқларига таянади.

Палеография (юнон. *Палео* - қадимий, *графхо* – ёзаман; қадимий ёзув) қадимий қўлёзма асарларнинг қофози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усулларини текширади.

Дипломатика (юнон. *Диплома* – икки букланган қофоз; ҳужжат) расмий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Геральдика (юнон. *Геральд* – герб, белги, нишон) қадимий герблар, турли-туман нишон ва белгиларни (масалан, қадимги туркий қабилаларнинг тамғалари) ўрганади.

Сфрагистика (юнон. *Спрагис* –муҳр) қадимий муҳрлар (подшоҳлар, хонлар, амирлар ва қозилар муҳрлари) ва уларнинг ёзувларини текширади.

Эпиграфика – (юнон. *Эпи* –устида, тепасида, грапҳо – ёзув; бирон нарса; буюм устидаги ёзув) тош, металл буюмлар, ёғоч ва бошқа қаттиқ буюмлар устига ўйиб ёзилган қадимги битикларни ўрганади.

Нумизматика (лотин. *Нумис* –пул) қадимий пулларни, ашёси, шакли, вазни, ёзувлари, зарб этилган жойи ва вақтини текширади.

Метрология (юонон. *Метрон* -ўлчов, логос – тушунча – билим; ўлчовлар ҳақида тушунча) ўтмишда турли мамлакат ва халқлар орасида амалда бўлган оғирлик, масофа ва сатҳ ўлчовларини ўрганади.

Хронология (юонон. *Хронос* – вақт, логос - тушунча, билим; вақт ҳақида тушунча) қадимги халқлар орасида ва мамлакатларда амалда бўлган йил ҳисоби ва тақвимни ўрганувчи соҳа. Абу Райхон Берунийнинг “Осор ул-боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) номли асари турли тақвимларни ўрганишга бағишилангани учун Европада “Хронология” номи билан машҳур.

1.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001. 7-14-бетлар.
2. Сайдқулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993. 3-9-бетлар.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Ташкент: Фан, 1998. –С. 3-7.
4. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.- М.: Наука, 1987. - С.5-17.
5. Ҳасаний М. Шарқ қўллётзмаларини тавсифлаш ва фиҳристлаш. –Тошкент, 2004.

1.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Манбашуносликнинг мақсади нимадан иборат?
2. Манбашуносликнинг вазифалари нимадан иборат?
3. Қандай манба турларини биласиз?
4. Манбашуносликка оид қайси дарслик ва адабиётларни биласиз?

2-мавзу. Манбашуносликнинг асосий йўналишлари

Назарий ва амалий манбашунослик

Дарснинг мазмуни: Ушбу дарсда талабаларга амалий ва назарий манбашунослик, ёзма манбаларни қидириб топиш, тавсифга олиш ва тадқиқ қилиш тушунтирилади.

Режа:

- 2.1. Манбашунослик йўналишларининг асосий мақсад ва вазифалари.
- 2.2. Назарий манбашунослик (йўналиши).
- 2.3. Манбаларни туркумлаш.

- 2.4. Археография. Тарихий манбаларни аниқлаш, танлаш ва таҳлил этиши.
- 2.5. Амалий манбашунослик (йўналиши).
- 2.6. Манбаларни ички белгиларига қараб таҳлил этиши.
- 2.7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 2.8. Маъруза материалини мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: қоғоз, қоғозрез, оҳорлаш, муҳралаш, мистар, мистар боғлаш, ўлчам, варақлар сони, жилд, муқова, саҳроф, мужаллид, жадвал, жадвалкаш, вассол, жузв, пайгир, наққоп, музахъиб, шамс нақши, сарлавҳа, лавҳа, зарварақ, унвон, лола нақши, турунж нақши, лачак, гириҳ, ислимий нақш, абри баҳор, рассом, мусаввир.

2.1. Манбашуносликнинг йўналишлари асосий мақсад ва вазифалари

Манбашунослик фани асосан икки йўналишга эга бўлиб, у назарий манбашунослик ва амалий манбашуносликтан иборатдир. Биз қуйида назарий манбашунослик хусусиятларини баён этамиз.

2.2. Назарий манбашунослик (йўналиши)

Назарий манбашунослик йўналиши амалий манбашунослик тажрибасини умумлаштиради, ёзма манбаларни вужудга келиши ва уларнинг реал тарихий шароитни ўзида акс эттириш қонуниятлари, манбаларни излаб топиш, туркумлаш, тавсифга олиш, тартибга солиш асосларини ишлаб чиқади ва уларни илмий муомалага киритишнинг, амалий ўрганишнинг энг мақсадга мувофиқ асосий усул ва йўлларини аниқлайди ва амалиётга тавсия этади. Улар қуйидагилардир.

2.3. Манбаларни туркумлаш

Шарқ ёзма манбаларни туркумлашнинг ягона аниқ бир қоидаси ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Мавжуд қўлёзма манбалар фиҳристи бир қисми асарлар тили нуқтаи назаридан келиб чиқиб, тузилган. Масалан, Англияning Британия музейида сақланаётган шарқ қўлёзмалари йирик шарқшунос Чарлз Рё томонидан, уларнинг қайси тилда ёзилганига қараб, араб, форс ва туркий тилдаги қўлёзмаларни алоҳида, алоҳида тавсифга олиб фиҳрист тузган. Франция пойтахти Париждаги Миллий кутубхонадаги сақланаётган шарқ қўлёзмалари ҳақида Эдгар Блоше ҳам шу тартибда каталог тузган.

Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидаги қўлёзмалар биринчи бор сақланаётган ташкилот “Ўзбе-

кистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари мажмуаси” номи остида турли тилдаги ва турли мавзудаги асарлар тавсифга олиниб, уларнинг ўн бир жилди нашр этилган. Ҳозир қўлёзмаларни қайси фан соҳасига оидлигига қараб тавсифга олиш бошлаб юборилган бўлиб, мана шундай каталоглар чоп этилмоқда.

Баъзи манбашунослар қўлёзмаларни мазмунига қараб, асарда қайси масала баён этилганига қараб туркумлашни лозим топсалар, уларнинг бошқа бир гуруҳи асарнинг келиб чиқишига, яъни қаерда ва қачон ёзилганлигига қараб туркумлашни маъқул кўрадилар. Яна бир гуруҳ олимлар эса уларни расмий ҳужжатлар, тарихий, гео-космографик ва биографик асарлар каби турларга бўлиб ўрганишни тавсия қиласидилар. Манбаларни автограф, яъни муаллифнинг ўз қўли билан ёзилганлигига ёки кўчирилган нусха эканлигиги қараб туркумлаш ҳоллари ҳам учрайди.

Ҳозирги пайтда тарихчи манбашунослар манбалар устида ишлашнинг фақат биттасига, яъни уларнинг турларига қараб тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Чунки бошқа тадқиқот йўллари ёзма манбани чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш вазифаларига тўла жавоб берга олмайди.

Биринчидан, тарихий манбалар ичида фақат бир – ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий масала бутунлай бағишланган асар деярли йўқ ёки жуда кам.

Тил бўйича манбаларни ўрганиш ёмон эмас, лекин бирор мавзуга оид манбаларни ўргангандага, фақат бир ёки икки тилда яратилган асарлар билан чегараланиш тадқиқот илмий қийматини пасайтиради.

Мана шуларни инобатга олганда, тарихий манбаларни турларига ва қайси давр воқеаларини акс эттирганлигига қараб туркумлаш мақсадга мувофиқдир. Аввалги пайтларда талайгина марказий олий ўкув юртларида ўқитилган “ССЖМ тарихи манбашунослиги” ва “Ўрта асрлар тарихи манбашунослиги” дарслклари мана шу қоидага асосланган.

Б. А. Аҳмедов Ўзбекистон тарихи (ўрта асрлар) манбаларини (ёзма манбаларни) қуйидаги уч турга бўлиб ўрганишни тавсия қиласидан: 1) Ашёвий манбалар, яъни археологик қазишлар натижасида топилган ашёлар; 2) расмий ҳужжатлар; 3) тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарлар. Ушбу туркумда қайд этилган археологик ёки ашёвий манбалар, яъни қадимда аждодларимиз турмуш тарзи ва ижтимоий фаолиятини ўрганиш учун асосий манба бўлиб хизмат қиласидар, асосан археология фани томонидан ўрганилади ва биз учун қўшимча ёки ёрдамчи далил сифатида тадқиқотларга жалб этилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон тарихи ёзма манбаларини, асосан икки турга бўлиб ўрганиш маъқул кўринади.

1) расмий ҳужжатлар – ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар, вақфномалар, ҳисоб-китоб дафтарлари, раҳномалар, расмий ёзишмалар, мактублар ва бошқалар. Умуман, тарихий ҳужжатларнинг ўттиздан ортиқ тури мавжуд. Ҳужжатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётни бевосита қайд этишлиари, яъни феодал ер эгалиги, ижтимоий муносабатлар, давлат тузилиши ва шунга ўхшаш масалалар бўйича далилий маълумотга бойлиги билан тарихий манбаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Улар, асосан ҳужжатшунослар томонидан маҳсус ўрганилса-да, тарихий манба сифатида манбашуносликда илмий қиймати жуда катта.

2) тарихий, гео-космографик, агиографик ҳамда биографик асарлар.

Тарихий, гео-космографик, агиографик ҳамда биографик асарларда расмий ҳужжатларга нисбатан тарихий воқеа ва ҳодисалар кенг ва тўла ёритилади. Шунинг билан бир қаторда уларда фактик материалнинг бойлиги кўзга ташланади.

Ёзма манбаларни фақат зикр этилганлари билан чеклаб бўлмайди. Хусусан, бадиий адабиётларда ҳам тарихий воқеалар, шахслар тўғрисидаги маълумотлар баёни мавжуд бўлиб, фақат уларнинг ўзига хос баён услуби, бадиатини назардан қочирмаслик керак. Чунки тарихчи бор ҳақиқатни ёзиши керак бўлса, шоир ёки ижодкор бадиий тўқима, бўрттириш, муболағага йўл кўйиши, яъни ўз истагига мувофиқ тасвирлаш имконига эга. Масалан, Алишер Навоий бадиий асарларида шоир даврига ва замондошларига оид қимматли фикр, мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, унинг асарларидаги шоир биографиясига оид маълумотлар асосида Иzzат Султон “Навоийнинг қалб дафтари” номли китоб ёзиб, унда Алишер Навоий биографиясини тиклашга ҳаракат қилган.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асари таркибидаги достонларида ҳам тарихий маълумотлар, хусусан Мирзо Улуғбек шахси ва унинг илмий мероси тўғрисида жуда қимматли фикрлар мавжуд.

Ёзма манбалардаги ўзига хосликнинг бири шуки, уларда баён этилган воқеа, ҳодисаларга субъектив ёндошув, айримларини хаспўшлаш ёки бузиб талқин этиш ҳоллари учраб туради. Бундай асарлар устида тадқиқот олиб борилганда, уларга танқидий ёндошиш талаб этилади. Бу эса манбашуносликнинг асосий илмий талаб ва принципларидан биридир.

2.4. Археография

Археография - ёзма манбаларни илк тавсифга олиш ёки уларни қидириб топиб, биринчи марта тавсифлаш, илмий муомалага олиб киришни назарда тутади. Бу илмий йўналиш Республикасимиз Фанлар академиясинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва собиқ Кўлёзмалар институтида бошланган бўлиб, маълум даврчча Фарғона во-

дийси, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларига қатор археографик экспедициялар уюштирилган. Уларда А. Муродов, А.Ирисов, И.Абдуллаев, А.Аҳмедов, Б.Ҳасанов, О.Жалилов, М.Ҳакимов, Ю. Турсунов ва бошқалар иштирок этганилар. Булар натижасида бир қанча нодир қўлёзмалар ва ҳужжатлар аниқланиб, давлат хазиналарига олиб келинган.

Ҳамид Сулаймон (ваф.1979) Англия, Франция (1968) ва Ҳиндистон кутубхоналарига (1976-1977) археографик экспедициялар уюштирган эди, ва бунинг натижасида қатор ёзма манбалар тўғрисида маълумотлар, айримларининг микрофильм ва фотокопиялари юртимизга келтирилган эди.

Ҳозирги пайтда Шарқшунослик институти ва Ислом университети қошида шарқ қўлёзмаларини қабул қилиш археографик комиссиялари мавжуд бўлиб, уларда аҳоли ўртасида мавжуд ёзма манбаларни қийматини аниқлашга қодир мутахассислар бор.

2.4.1. Тарихий манбаларни аниқлаш, танлаш ва таҳлил этиш

Назарий манбашуносликда энг зарур тарихий манбаларни аниқлаш, танлаш ва ниҳоят уни илмий таҳлил қилиш ҳар қандай катта кичик тадқиқотнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

Танланган мавзунинг илмий ҳамда назарий жиҳатдан тўғри ҳал этилиши кўп жиҳатдан ҳар қандай тадқиқотнинг асосини ташкил этадиган манбанинг сифат ва салмоғига, яъни мукаммалигига ва фактик материалга бойлигига боғлиқдир.

Манбашунослик талабларидан бири шуки, бирор мавзуни тадқиқ этишда бир эмас, балки бир неча манбалар турига – расмий ҳужжатлар, солномалар, гео-космографик, агиографик ва биографик асарларга асосланиб, улардаги маълумотлар қиёсий солиштирилиб таҳлил этилса, илмий тадқиқот савияси ошиб, хулоса ва умумлашмалар ишонарли ва асосли бўлиб, унинг илмий аҳамияти ҳам катта бўлиши шубҳасизdir.

Тадқиқот учун ёзма манбаларнинг қайси бири асосий ва қайсилари ёрдамчи роль ўйнаши танланган мавзунинг характеристига боғлиқдир. Масалан, иқтисодий-ижтимоий масалаларни ўрганишда расмий ҳужжатлар асосий бирламчи манба ролини ўтайдиган бўлса, сиёсий ҳамда маданий ҳаётни ёритиб беришда солномалар – тарихий асарлар ва биографик тазкиралар ҳамда адабий-бадиий асарлар етакчи ўринда турадилар. Лекин шунга қарамай, илмий тадқиқот олиб боришда фақат асосий ҳисобланган биргина бирламчи манба билан кифояланиб қолмай, имкон қадар бошқа иккинчидар даражали манбаларга мурожаат этиш, уларни ҳам тадқиқотга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Манбашунос олимларнинг тажрибаси шунни кўрсатадики, аксарият та-

рихий асарлар ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳамда маданий ҳаётга оид құмматли маълумотларга бой бўлади. Расмий ҳужжатларда ва биографик асарларда эса сиёсий тарихга оид құмматли фактларни, тарихий асарда йўқ маълумотларни учратиш мумкин.

Манбашуносликдаги илмий ишда кўп ва турли типдаги манбаларга асосланиб, тадқиқ этилмиш мавзуга оид барча манбаларни ишга жалб этиш бўлажак илмий асарнинг қийматини ва аҳамиятини белгиловчи асосий ва ҳал қилувчи омиллардан биридир.

2.5. Амалий манбашунослик (йўналиши)

Амалий манбашунослик йўналиши бевосита ёзма манбаларни назарий манбашунослик тавсиясига биноан ўрганиш, излаб топиш, тавсиф этиш ва ўзи топган, мавзу учун янги ва керакли маълумотларни илмий муомалага олиб киришни назарда тутади.

Амалий манбашуносликда тадқиқотчи ўзи учун танлаб олган бирор мавзуга оид манбаларни танлаб олгандан кейин уларнинг ҳар бирини ташқи ёки моддий-техник белгилари ва ички мазмунига кўра гуруҳларга ажратиб илмий таҳлил этиши лозим.

2.5.1. Манбаларни ташқи белгилари моддий-техник маълумотларига қараб таҳлил этиш

Манбаларни ташқи белгилари ёки моддий-техник маълумотлари деғанда қўлёзма китоб ёҳуд ҳужжат битилган қофознинг ўлчами, қофози, варақлар сони, муқоваси, матн ўлчами, хати, сиёхи, хаттоти, асар номи, муаллифи, китобат тарихи, жойи каби маълумотлар назарда тутилади. Бу маълумотлар асар ёзилиш сабаблари, унинг ёзилган жойи ва ўша вақтдаги техник тараққиёт ва ижтимоий-сиёсий муҳитни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотларни аниқламай туриб, асарда баён этилган воқеалар ҳақида, умуман қўлёзма асар ҳақида тўғри ва тўла тасаввурга эга бўлиш, унинг хусусида фикр билдириш мумкин эмас.

Қўлёзма китобларнинг муаллифи, асар номи, ёзилган вақти ва жойини аниқлаш қийин. Чунки қадимги қўлёзмаларда бугунги кундаги китоблардаги каби муқованинг ўзидаёқ асар номи, муаллиф номи, китоб бошланиши ва охиридаги каби зарурий маълумотлар келтирилмаган. Баъзи ҳолларда асар охири–хотимада унинг кўчирилган вақти ва жойи ҳамда котибининг номи қайд этилади, холос.

Маълумотлар келтирилмаган тақдирда, асарнинг матни, ёзилиш ва китобати тарихи, қофози, хати ҳамда тили ва тил услубига қараб тахминан аниқланади. Бундай маълумотларни аниқлаш тадқиқотчидан катта ҳаётий тажриба ва юксак малакани талаб қиласиди! Бу йўналиши ва масъу-

лиятли ишдир. Бундай масалаларни машҳур китоб билимдони Ибодулла Одилов, Абдуқодир Муродов, Абдулла Носиров каби юксак малакали мутахассисларгина бир неча ёзма манбаларни солиштириш, қиёслаш асосида ҳал қилиши мумкин.

Асар муаллифи ва унинг шахсини аниқлаш қўлёзма китобни илмий таҳлил этишда катта аҳамиятга эга. Бу асарнинг яратилиш тарихи ва унинг ёзилишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий муҳитни аниқлаб олиш учун ҳам зарурдир.

Одатда, қадимги қўлёзма асарларда кўп ҳолларда муаллифнинг исми маълум ва кўзга ташланадиган жойда, масалан, асарнинг боши ёки охидида қайд этилмайди. Баъзан, у муқаддима қисмида ёки асар ўртасида, воқеалар баёни орасида бирон масала юзасидан тилга олинади. Кўп ҳолларда эса муаллиф ўзининг ҳақиқий исмини айтмай, “фақиру ҳақир”, “ожиз ва хоксор”, “бу ғариф банд” деб аташ билангина кифояланади. Бундай ҳолларда асар варақма-варақ, сатрма-сатр, алоҳида эътибор ва синчковлик билан ўрганилиши лозим. Шундай ҳам бўладики, асарнинг бирон ерида муаллиф ўзи, отаси ёки яқинлари ҳақида бир-икки калима айтиб ўтади. Ёки баён этилаётган воқеага ўзининг муносабатини (масалан, “Абдуллахон таҳтга ўтирган вақтда камина Ҳофизи Таниш ибн Мир Муҳаммад 33 ёнда эдим”) билдиради.

Асар муаллифининг шахси, яъни унинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги, унинг дунёқарашини аниқлаш учун асарнинг умумий ғоявий йўналишини тўғри белгилаб олиш учун муҳим аҳамият касб этади.

2.6. Манбаларни ички белгиларига қараб таҳлил этиш

Манбаларни ички белгиларига қараб таҳлил этиш деганда қўлёзма асарнинг таркиби ва мазмунини таҳлил қилиш, тушунтириш, ғоявий-сиёсий савияси ва илмий қийматини аниқлаш масалалари англашилади.

Қўлёзма асарнинг илмий қийматини унда нималар баён этилганлиги, воқеа -ҳодисаларга муаллифнинг холис муносабати, келтирилган далил ва маълумотларнинг тўғрилиги ва олдинга сурилган фикр ва ғоялар билан белгиланади.

Тарихий асарнинг асл нусха, оригинал бўлиши ёки компилятив, яъни бошқалар маълумотларни териб ёки айнан келтириши, тўла ва ноқислиги, қисқалиги, воқеаларнинг қай тарзда баён этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқотларда оригинал ва мўътабар қўлёзмаларга таяниб иш олиб бориш ҳар бир далил ва маълумот, рақамлар энг ишончли, нодир, бирламчи манбалардан олиниши керак. Бошқалар китобида келтирилган маълумотлардан сақланиш лозим.

Үтмиш жамият шароитида ёзилган асарларнинг муаллифлари кўпинча ўзлари келтираётган далиллардан тўғри хуроса чиқармайдилар, уларнинг фикрларида ноаниқлик, чалкашлик ва қарама-қаршилик ҳам учрайди. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки, улар яшаб ижод этган муҳитнинг ўзи зиддиятлар билан ажалиб турар эди.

Ёзма манбаларда қарама-қарши фикрлар билан бир қаторда холисона мулоҳазалар ҳам учрайди. Бундай пайтларда муаллиф кўпинча ўз фикр ва мулоҳазаларини пардоэли иборалар ва истиорали сўзлар орасига яширади. Гороскоп – одам туғилганда унинг тақдирини ёки бирон улуғ шахс иштирокида содир бўлиши мумкин бўлган муҳим воқеанинг натижасини сайёраларнинг ўша пайтдаги ҳолати ва ўрнига қараб маҳсус жадваллар воситасида олдиндан белгилаш, шунингдек, кўп аср аввал бўлиб ўтган ва айнан муаллиф баён қилмоқчи бўлган воқеага ўхшаётганларни мисол тариқасида келтириш йўли билан баён этганлар.

“Абдулланома” асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий (XVI аср) машҳур Жуйборий хожалардан бири хожа Муҳаммад Ислом (тахм. 1493-1563) ва унинг “Етти иқлимининг чаққон ҳисобчилари” бир бўлганда ҳам юздан бирини ҳам ҳисоблай ола олмайдиган беҳисоб бойликларига бўлган ўзининг салбий муносабатини Тафсир ва Ҳадис китобларига таяниб, мана шундай сўзлар билан ифодалаган: “Тафсират ул-мубтадин”² нинг учинчи мисбоҳида (бобида) айтилганки, жаҳон аъёнлари бўлганликлари учунгина эмас, (балки) унга тегишли бўлишлари ва мол-дунёга ҳирс қўйишдан ўзини тиймаганликлари учун ёмондир. Шу боис ҳазрат рисолат паноҳ (Муҳаммад пайғамбар)... бу маънидан хабар берди (ва дедики) “Молдунёни дўст тутиш ҳар қандай гуноҳнинг бошидир.”³

Аштархонийлардан⁴ Убайдуллахоннинг (1702-1711) котиби муаррих Мир Муҳаммад Амини Бухорий мазкур хоннинг ўлдирилиши сабабларини унинг фаолиятидаги нуқсонлардан, аниқроғи атрофига тубан ва соғтқин кишиларни тўплаб олиб, салтанат ва ҳалқ аҳволидан бепарво бўлганлигида кўради. У ёzádi: “Равзат ус-сафо”да⁵ айтилганки, (жаҳон устидан ҳукм юргизишнинг) биринчи шарти (шулки) ҳукмдор сир сақлай оладиган, муҳим давлат ишларида мустақил фикрга эга бўлган маслаҳатчиларни тарбиялаб етказмоғи зарур. Жаҳон устидан ҳукм юргизишнинг иккинчи шарти шулки, (ҳукмдор) ўзига еткук, оқил, виждонли, камтарин ва истеъдодли кишиларни яқинлаштирумori лозим... Шунга ўхшаётган, “Сирож

² “Тафсират ул-мубтадин” – “Қуръон” шарҳларидан бирининг номи.

³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома. 1 жилд.-Тошкент, 1966. 148-бет.

⁴ 1601-1757 йиллари Бухоро хонлиги тепасида турган сулола.

⁵ “Равзат ус-сафо” (“Жаннат боғи”) саккиз жилдли умумий тарихга оид Муҳаммад Мирхонд асари (ХУ аср).

ул-мулук” китобида⁶ ҳикоя қилинганки, Нуширвон⁷ кунлардан бир куни бош коҳиндан сўради: “Давлатнинг инқизозига сабаб нима?” Бош коҳин жавоб қилди: “Бунинг сабаби учта. Биринчиси, давлатнинг умумий аҳволи олий ҳукмдордан яширин тутилса; иккинчиси, халқ подшоҳга нафрат руҳида тарбияланса; учинчиси, солиқ тўпловчиларнинг жабр-зулми ошиб кетса.”⁸

Мир Муҳаммад Амин Бухорий зикр этилган лавҳадан хулоса чиқариб бундай дейди: “Афсуски, ҳар уччала зарур шарт Сайид Убайдуллахон ҳукмронлигига тааллуқлидир... Подшоҳ ҳукмронлигининг иккинчи ярмида илгари ўтган подшоҳлар тариқидан, ота-боболарнинг тутимидан четта чиқди. Тамом куч-қувватини тубан ва заиф, суст ва манфур кишиларни тарбиялашга сарфлади, уларни ўзига яқинлаштириди, муттаҳамлар, ҳарам ходимлари ва хотинлар билан яқин муносабатда бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси унинг давлатини инқизозга учратди.”⁹

Манбанинг таркиби ва мазмунини илмий таҳлил қилишдан кузатилган мақсад, унинг муҳим ва қимматли томонларини аниқлаш, унда келтирилган далилларнинг ишончлилиги ва тўғрисини бошқаларидан ажратса олиш ҳамда энг муҳими асарда баён этилган воқеани холис тарихчи нуқтаи-назаридан туриб баҳолай олишдан иборатдир.

Манбашунослик талабларидан бири шуки, ёзма манбани фақат унинг бир ўзида келтирилган далил ва маълумотларга қараб баҳолаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда келтирилган далил сохта, баён этилган воқеа эса сохталаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бирон асар ҳақида қатъий бир фикр айтишдан аввал уни ўзига ўхшаш бошқалари билан солишириб кўриш, келтирилган далилларни бир-бири билан қиёслаш ва текшириш зарур.

Амалий манбашунослик қадимги даврлардан бошлаб то шу кунгача маълум даражада тажриба тўплади. Кўплаб ёзма ёдгорликларнинг энг асосийлари асл нусхада-факсимилеси, танқидий матни, таржима ва изоҳли таржимаси амалга оширилиб, чоп этишга эришилди. Турли қўлёзма фондлари, кутубхона ва музей, шахсий мажмуалардаги ёзма ёдгорликлар тавсифи фиҳрист-каталогларда эълон қилиниб, уларда амалга оширилган манбашунослик соҳасидаги тадқиқотлар натижалари умумлаштирилди.

⁶ “Сирож ул-мулк” (“Подшоҳлар чироги”) Абу Абдулла Муҳаммад ат-Тартусий (1126 ёки 1131 йили вафот этган) асари. Подшоҳлар ва олий табақадаги мансабдорларнинг хулқ-автори кодекси.

⁷ Сосонийлардан Хусрав Анушировон (531-579).

⁸ Убайдулланома.-Тошкент, 1957. 220-бет.

⁹ Ўша асар. 221-бет.

Хуллас, манбаларни ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар, таж-рибалар умумлаштирилиб, келгусида амалга оширилажак тадқиқотлар учун энг қулагай ва истиқболли тадқиқ метод ва усулларини аниқлаб, бел-гилаб ва ишлаб чиқиб, уларнинг энг замонавийлари ва самарадорларини амалиётга қўллашни тавсия этиш зарур.

Сўнгги пайтда замонавий компютерларнинг ёзма манбаларни тадқиқ этиш имкониятидан фойдаланиш вақти келди. Бу ўринда замонавий та-лаба ва педагог интернет хизматидан бемалол фойдалана олиши талаб этилади.

Умуман, назарий ва амалий манбашунослик бири-бирини тўлдира-ди, бири иккинчиси учун асосий тадқиқот йўналиши ва услубларини бел-гиласа, иккинчиси биринчиси учун фактик материал жамлаб, асос бўлиб хизмат қилувчи далилларни йигади.

Амалий манбашунослик назарий билим ва тажриба асосида манба-шуносликнинг конкрет, муайян соҳаси, бўлими, даври масаласи ёки би-рор манба юзасидан амалий, практик тадқиқот олиб боради, архив, му-зей, кутубхона ва шахсий мажмуаларда мавжуд ёзма манбаларни ўрга-ниб, энг қимматлиларини илмий муомалага олиб кириб, кенг жамоат-чиликнинг маънавий мулкига айлантиради.

2.7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 13-20-бетлар.
2. Сайдкулов Т.С. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тархнавислиги-дан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 3-9-бетлар.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Ташкент: Фан, 1998. – С. 3-7.
4. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-М.: Наука. 1987. – С. 5-17.
5. Манбашуносликдан маъruzалар мажмуаси. Тузувчи А. А. Мадра-имов. - Тошкент: ТДГУ, 2001. – 10-18-бетлар.
6. Ҳасаний М. Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фиҳристлаш. -Тошкент, 2004.

2.8. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Манбашуносликнинг қайси йўналишини биласиз?
2. Назарий манбашуносликнинг мақсади ва вазифаси нимадан ибо-рат?
3. Амалий манбашунослик деганда нимани тушунасиз?

4. Манбанинг ташқи моддий белгилари деганда нимани тушунасиз?
5. Манбанинг ички белгилари – таркиби ва мазмуни нимадан иборат?

3-мавзу. Манбаларни ўрганиш ва ўргатиш усуллари

Дарснинг мазмуни: Мавжуд манбашуносликка оид адабиётлар асосида ёзма манбаларни ўрганиш ва талабаларга ўргатиш усуллари ўзига хос хусусиятлари таҳлили берилади.

Режа:

- 3.1. Ёзма манбаларни тавсиф усули ва уларни талабаларга тушунтириш.
- 3.2. Кодикологик маълумотлар.
- 3.3. Асар муаллифи ва унинг даври.
- 3.4. Асарнинг таркиби ва мазмуни таҳлили
- 3.5. Манбанинг ўрганилиши ёки тарихшунослиги.
- 3.6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 3.7. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: қўлёзма техник (моддий асоси) хусусиятлари, рақамлаш, варақлар сонини ёзиб қўйиш–пагинация, матн ўлчами, саҳифада сатрлар сони, дебоча, муқаддима, боб, фасл, қисм, дафтар, хотима-колофон, китобат тарихи, асар номи, унинг мукаммаллиги, муаллиф номи, тарих, хат, хаттот, хат тури ва услублари, муҳрлар, ҳошиядаги изоҳлар, турли ёзув ва қайдлар, асарнинг бошланиши ва охиридаги жумла.

3.1. Ёзма манбаларнинг тавсиф усули ва уларни талабаларга тушунтириш

Бой тарихни ўрганиш ва ўргатиш деганда, фақат ёзма манбаларда мавжуд маълумотлар тўғрисидаги билим ва тушунчаларни шунчаки механик тарзда талаба ва бакалаврларга етказиш эмас, балки анънавий ва замонавий педагогик усулларнинг энг қулай ва самарали воситаларидан фойдаланган ҳолда, уларда манбалар тўғрисида тушунча, билим ва улардан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш билан бирга, тарихимиз тўғрисида мустақил фикр юритишга ўргатишни ҳам тушунамиз.

Буниинг учун эса, юртимиз тарихини ўрганишда ёзма манбалардан фойдаланишнинг илмий ва методик асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсия этиш тарих ва педагогика фанларининг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан биридир. Бу масала жуда кенг қамровли бўлиб, ёзма манбаларни тадқиқ этишининг илмий методик асосларини чуқур ўрганиб чиқишни тақозо этади.

Ёзма манбаларни талабаларга тушунтиришнинг бир неча принципи мавжуд. Биринчиси маҳсус каталоглардаги манбанинг тавсиф принципидир.

XIX аср охирида пайдо бўлган Европа мамлакатларидағи каталоглар ичида инглиз олими Ч.Ръёнинг кўп томлик араб, форс ва туркий тиллардаги шарқ қўлёзмалари каталогларидаги ёзма манбани тавсифлаш принципи ўзининг муқаммаллиги ва пухта ўйланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Куйида тил принципи асосидаги Ч.Ръёнинг «Британия музеидаги туркий қўлёзмалар» (Лондон, 1888, инглиз тилида) (*Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum by Rieu Charles.-London: 1888. 432 р.*) каталогидаги манба тавсифи принципини келтирамиз. Унда ёзма манбанинг музейдаги тартиб рақами биринчи бўлиб сарлавҳа ўрнида берилиб, сўнгра қўлёзманинг кодикологик хусусиятлари, варақлар сони, ўлчами, саҳифадаги сатрлар сони, сатр узунилиги, хати, зийнатлари алоҳида, ихчам тарзда берилган. Сўнгра асар номи асл нусхада, яъни араб алифбосида ва унинг таржимаси ажратилиб берилган. Сўнгра муаллиф номи ва асарнинг бошланиши ва охиридаги жумлалар аслида, араб алифбосида келтирилган. Ана ундан кейин муаллиф тўғрисидаги ва асар таркиби, мазмуни баён этилиб, тавсиф охирида асар тарихнавислиги, яъни ўрганилиши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Қатор мавжуд каталоглар асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари ҳам ўзларича қўлёзма манбаларни илмий тавсифга олиш усулини ишлаб чиққанлар ва бу илмий усул Д.Ю.Юсупова ва Р.П.Жалиловалар томонидан тартиб берилган «Тарих» номли каталогида фойдаланилган. Унда манбанинг қўйидагича тавсифи берилган: Сарлавҳа сифатида асар номи асл нусхада ва унинг таржимаси, қўлёзманинг хазинадаги тартиб рақами ва ушбу каталогдаги рақами келтирилган. Сўнгра асар муаллифи номи билан асосий тавсиф бошланади. Ундан кейин муаллиф тўғрисида (имкон даражасида тўлиқ), асар мазмунининг таркиби ва қисқача баёни (аннотацияси) келтирилади. Тавсиф ихчам кодикологик маълумотлар – хати, қоғози, зийнати, хаттот номи, қўлёзманинг китобат тарихи, нуқсони, варақлар сони, ўлчами ва адабиётлар (библиография) номлари ни келтириш билан тугалланади.

М. Ҳасаний «Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фиҳристлаш» номли рисоласида ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма фонди тажрибасини умумлаштириб, магистрантларга тушунтиришга ҳаракат қилган.

Булардан ташқари ёзма манбаларни тавсифлашнинг қомусий ёки энциклопедик принципи ҳам мавжуд. Биз унинг намунасини «Ўзбекистон

энциклопедияси» ва «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» саҳифаларида кўришимиз мумкин.

Кафедрамизга манбашунослик фани киритилганда, илк бор дарс берган Ҳ.Н.Бобобеков ўз маъruzalariда қомус принципидан ва қомуслардаги ёзма манбалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган.

Мустақиллик даврида манбашуносликка оид Б.А.Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари» ва «Ўзбекистон тарихи манбалари» асарлари чоп этилган эди. Олим манбаларнинг ёзилган тилларига қараб ва яна ҳуқуқий ҳужжатлар, ёзишмалар, география ва космографияга оид асарлар, биографик, мемуар асарлар, сайёҳларнинг, элчиларнинг эсадликлари мавжудлигини қайд этади.

Б.А.Аҳмедов ёзма тарихий манбаларни икки турга бўлади: 1) Олий ва маҳаллий хукмдорлар маҳкамасидан чиқсан расмий ҳужжатлар (ёрлиқлар, фармонлар, иноятномалар ва бошқалар). Ушбу асарларда ёзма манбалар алоҳида эмас, балки муаллиф номи остида келтирилган. Бундан ташқари тарихчи ҳар бир тарихий даврга қисқа таъриф берган. Мазкур дарслернинг ижобий хусусияти сифатида уларда далилий маълумотларни қўплиги, илмийлигини қайд этиш мумкин. Фақат уларда материаллар академик насрлар каби жойлаштирилган ва дарс ўтиш хусусиятлари инобатга олинмаган.

А.Ҳабибуллаевнинг «Адабий манбашунослик ва матншунослик» қўлланмаси ва А.А.Мадраимов тузган «Манбашуносликдан маъruzalар мажмуаси» да ёзма манбалар тўғрисида талабаларга маълумотлар бериш дарс жараёни хусусиятларини эътиборга олишга ҳаракат қилинган. Фақат А.Ҳабибуллаев қўлланмасида адабий манбашуносликка катта эътибор берилган. Унда дарс қўйидаги тартибда тузилган: 1. Мавзу номи. 2. Адабиётлар. 3. Дарс мазмунининг қисқа изоҳи. Сўнгра дарс мазмуни баёни, алоҳида атамалар ва охирида саволлар берилган.

А.А.Мадраимов тузган маъruzalар матнида дарс жараёнининг тартиби қўйидагичадир: 1. Мавзу номи. 2. Дарс режаси. 3. Асосий тушунчалар. 4. Дарснинг муфассал мазмуни. 5. Материални мустаҳкамлаш учун саволлар ва охирида адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ушбу маҳсус каталоглар ва дарслерндан ташқари қўлёзма китоб тўғрисида ва шарқ манбашунослигига оид тўплам ва китоблар ҳам мавжуд бўлиб, улардаги муҳим ёзма манбаларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор берилмаган. Лекин, уларда энг муҳимлари тўғрисида матн орасида маълумотлар келтирилади ҳамда манбаларнинг умумий хусусиятлари тадқиқ этилган. Зикр этилган дарслер қўлланма, маҳсус адабиётларнинг барчасида ўзига хос фойдали маълумотлар мавжудлигини тан оламиз. Лекин, уларнинг биронтасини илмий-методик жиҳатдан талабалар-

га манбалар тўғрисида дарс бериш учун мукаммал намуна деб олиш мумкин эмас.

Мавжуд илмий адабиётларнинг таҳлили ва кафедрамиздаги тажрибалиримиз асосида ёзма манбалар тўғрисидаги техник маълумотлар ва асар мазмуни талабаларга комплекс тарзда тушунтиришнинг энг самарали ва илмий-методик асосларини ишлаб чиқишига ҳаракат қилинди.

Талабаларга манба тўғрисида комплекс тарзда маълумот бериш кепрак. Бу эса ёзма манбанинг кодикологик маълумотлар, муаллиф ва унинг яшаган даври, асар таркиби ва мазмуни таҳлили, унинг тарихнавислиги ни тушунтиришдан иборатdir. Дарснинг ўзига хос хусусиятлари сифатида унинг режаси, мавзуга оид асосий тушунчаларни изоҳлаш ва қўшимча кўргазмали қуроллардан фойдаланишни қайд этиш мумкин.

Ёзма манбалар тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги тартибда тушунтиришни энг маъқул ва самарали илмий методологик услуб деб ҳисоблаймиз.

3.2. Кодикологик маълумот

Кодикологик маълумот ёки таҳлил деганда ёзма манба, унинг муаллифининг номлари ва ноёб қўлёзмалари тўғрисидаги маълумотларни баён этиш тушунилади. Бундай маълумотлар 5 дан 9 гача бўлиши мумкин. (Бундан ортиқча маълумот талабани зътиборини сусайтириши мумкин). Булар кодикологик ёки қўлёзма тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Кодикология сўзи лотинча codex-кодексдан олинган бўлиб, қўлёзма китобнинг ўзига хос хусусиятларини англаради.

Кодикологик маълумотлар асар номидан ташқари яна қўйидагилардан иборатdir:

1. Муаллифнинг номи (ҳаёт йиллари);
2. Асарнинг яратилган вақти;
3. Қўлёзманинг тартиб рақами ва сақланаётган жойи;
4. Энг қадимги қўлёзманинг яратилган вақти ва жойи;
5. Қўлёзманинг варақлар сони ва ўлчами.

Уларнинг айримларини Б.А.Аҳмедов манбанинг ташқи белгилари қўлёзма муқоваси, қофози ва хатидан ташқари асарнинг ёзилган вақти, жойи, муаллифи, ёзилиш сабаблари, асар ёзилган вақтдаги ижтимоий-сиёсий муҳит, деб тушунтиради¹⁰

Булар қўлёзма асар тўғрисидаги энг ихчам кодикологик маълумот ҳисобланади.

Педагог ўрганилаётган манбанинг илмий аҳамиятидан келиб чиқиб, яна қўйидаги қўшимча маълумотлар билан тўлдириш мумкин ва уларни

¹⁰ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001. 17-бет.

қўлёзма асар тўғрисидаги батафсил маълумотлар деб аташимиз мумкин.
Улар қуидагилардир:

1. Хаттотнинг номи ва хат тури;
2. Кўлёзманинг кўчирилган жойи;
3. Палеографик хусусиятлари (сиёҳи, қоғози ва қўлёзманинг ўзига хос хусусиятлари);
4. Кўлёзма хотимаси–колофон.

Педагог-мутахасис ўз билим савиясига кўра ва ихтиёри билан бу маълумотларнинг барчасини ёки улардан айримларини танлаб талабаларга тушунтириши мумкин. Сўнгти тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бир манба, қўлёзма китоб, битик тўғрисида 60 дан зиёд техник, кодикологик маълумот мавжуд. Албатта, буларнинг аксарияти фақат соф илмий академик тадқиқотларда истифода этилади.

Олий таълим тизимининг биринчи босқичи учун асар тўғрисидаги 9 та эслатилган кодикологик маълумотларни кифоя деб ўйлаймиз.

3.3. Асар муаллифи ва унинг яшаган даври

Кўлёзмадаги асар муаллифи ва унинг яшаган даври тўғрисида ихчам маълумот келтирилиши зарур. Одатда, шарқ тарихчилари номлари ихчам тарзда ва тўла келтирилиши, имкон даражасида номлар оригиналда, яъни араб алифбосида берилиши керак. Муаллифнинг туғилган йили ва вафоти, яратган асосий асарлари, уларнинг қисқача мазмуни келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, муаллиф яшаган давр, жамият тўғрисида ҳам талабаларга тушунча бериш зарур.

3.4. Асарнинг таркиби ва мазмуни таҳлили

Талабаларга манбанинг кодикологик хусусиятларидан ташқари ёзма манбалардаги асарнинг таркиби ва умумий мазмунини ҳам тушунтириш лозим. Буларни Б.А.Аҳмедов манбанинг ички белгилари деб атаган¹¹ Асар мазмуни ва унинг таркибини тушунтиришда педагоглар талабаларга қуидаги илмий маълумотларни бериши зарур деб ҳисоблаймиз.

1. Асарнинг умумий характеристи;
2. Асарнинг таркибини таҳлили;
3. Асарнинг мазмунини таҳлил қилиш, гоявий-сиёсий савияси ва илмий қийматини аниқлаш масалалари назарда тутади;
4. Асарнинг ўзига хос хусусиятлари;
5. Асарнинг ўз соҳасига қўшган янгилиги ва унинг илмий аҳамиятини аниқлаш.

¹¹Ўша жойда.

3.5. Манбадаги асарнинг умумий характери

Манбадаги асарнинг умумий характери деганда, асар мазмунининг умумий тарихга, масалан, «Тарихи Табарий», «Жоми ут-таворих», «Равзат ус-сафо» каби асарларга хос хусусиятларини аниқлаш назарда тутилади. Ёки сулолалар тарихи – «Тарихи Байҳақий», «Тарихи салотини манфития» каби асарларга хос хусусиятларини аниқлаш тушунилади.

Булардан ташқари яна хотира характердаги манбалар-«Темур тузуклари», «Бобурнома», «Тарихи Рашидий» каби асарлар хусусиятлари ҳам мавжуд.

Соф тарихий асарлардан ташқари манба сифатида яна тазкиралар-шоирлар, адиллар ва тасавуф намоёндалари тўғрисидаги мажмуалар ҳам катта илмий-тарихий аҳамиятга эга.

Дин намояндалари тўғрисида агиографик характердаги асарлар ҳам муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Булардан ташқари ёзма ёдгорликлардан, айниқса, мактублар ва ҳужжатлар намуналаридан манбашунослик дарсларида ва шу соҳага оид маҳсус тадқиқотларда фойдаланиш мумкин¹².

Бу ерда келтирилган асар характери тўғрисидаги маълумотлар бакалаврлар учун кифоя деб ҳисоблаймиз. Ёзма манба ва ундаги асар тўғрисидаги бошқа тафсилотлар маҳсус илмий тадқиқотларда истифода этилади.

3.6. Асар таркибининг таҳлили

Анъянага кўра, тарихий асарлар «Бисмиллоҳи Раҳмону Раҳим» сўзидан кейин ҳамд, таҳмид – Аллоҳга ҳамду сано билан бошланади. Сўнгра, наът - Муҳаммад Пайғамбарнинг таърифи, мақтови битилади. Яна тўрт саҳобалар – Халифаи Рошидин, яъни тўғри йўлдан юрган халифалар - Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Усмон ва Алиларнинг мадҳи ўрин олади. Шундан кейин тарихчи ўз асарига ҳомийлик қилган шахсни улуғлайди. Алоҳида ибора «Аммо баъд» сўзидан сўнг муаллиф ўзи ва ёзмоқчи бўлган асари тўғрисида ихчам маълумот ёки шу хусусида айрим тафсилотларни зикр этади. Буни муаллифлар муқаддима ёки дебоча деб атайдилар. Мана шундан сўнг асарнинг асосий мазмуни баён этилади. Тарихий асарларда, асосан икки услубда воқеалар баён этилади.

а) Хронологик тартибда, яъни йилма-йил. Бу тартибда «Тарихи Табарий», «Мужмали Фасихий», «Матлаъ ас-саъдайн» ва «Бобурнома» каби асарлар яратилган.

¹² Ўша асар. 68, 263 ва бошқа бетлар.

б) Тарихий асарларда энг муҳим воқеалар алоҳида сарлавҳа остида баён этилади.

Бундан ташқари турли ҳудудларда юз берган воқеалар алоҳида баён этилиши мумкин. Яна айрим тарихий асарларда юқоридаги усуллар аралаш ҳолида ҳам келиши мумкин.

3.7. Манбанинг мазмунига қараб таҳлил этиш

Ҳар бир асарнинг мазмуни муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ёритилган бўлади. Манбадаги асарнинг мазмунини ёртиш жуда муҳим ва масъулиятли иш бўлиб, китоб билан тўла танишиб чиқишини тақозо этади. Педагог-мутахасис ёзма манбалардаги асарнинг бой мазмунини талабаларга ихчам ва лўнда тарзда баён этиши зарур. Бунда ёзма манбалар тўғрисидаги мавжуд тавсиф-кatalogлар ҳамда энциклопедик маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Умумий тарихга оид асарларнинг аксариятида воқеалар баёни ўз хусусиятига кўра икки хил бўлиши мумкин:

а) Бошқа тарихчилар томонидан баён этилган воқеалар зикрини муаллиф ихчам ҳолда ёки айнан келтирилади. Асарнинг бу қисмини компиляция, яъни ўзлаштирма деб аталади. Компиляция сўзи инглизча compile-тузмоқ маъносини англатади.

б) Муаллифнинг шахсан ўзи маълумот йиғиб воқеаларни баён этган қисми оригинал, яъти қисми деб аталади.

3.8. Манбанинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш

Ёзма манбалар тўғрисида талабаларга маълумот беришда уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш жуда муҳимдир. Чунки ҳар бир манба, асар албатта бошқалардан қатор хусусиятлари билан, қайси воқеаларни баёни мавжудлиги билан, қай тарзда баён этилиши билан, қандай манфаатларни ифода этгани билан ўзаро фарқланниб туради. Асарнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда унинг қандай тарихий асарларга ўхшашлиги, улардан фарқи ҳамда қандай манбалардан фойдаланиб яратилганлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

3.9. Асарнинг илмий аҳамиятини аниқлаш

Ёзма манбадаги асар мазмунининг таҳлили, унинг тарих фани тараққиётiga қўшган янгилиги, ҳиссасини белгилаш билан якунланади. Яъни, қайси воқеалар биринчи бор ёритилган. Аввалги ёритилган воқеалар баёни қай тарзда талқин этилган. Асарда баён этилган воқеалар юртимиз тараққиётiga қай тарзда таъсир этган. Айнан шу масалалар асарнинг юртимиз тарихини ўрганишдаги илмий аҳамиятини очиб беришга хизмат қиласиди.

3.10. Манбанинг ўрганилиши, унинг тарихнавислиги

Манбанинг ўрганилиши, унинг тарихнавислиги маҳсус қўшимча тарихнавислик фанида қай даражада ёритилганлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, бўлғуси педагоглар ушбу манбалар устида мустақил тадқиқот олиб боришлари учун илмий асос яратилади. Манбанинг ўрганилиш тарихи маҳсус тарихнавислик ёрдамчи фанида тадқиқ этилса-да, манбашуносликда ҳам унинг тўғрисида ихчам маълумот бериш зарур деб ўйлаймиз.

Бунда, асосан манбанинг қўлёзмалари қай даражада ўрганилгани, асарнинг асл матни, замонавий матбаа усулида-факсимиле, литографик ва терма тарзда чоп этилганми, ношир яъни напротив тайёрловчи номи, нашрга ёзилган сўз боши, илова қилинган изоҳлар ва кўрсаткичлар мавжудлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Манбанинг ўрганилиши, тарихнавислиги охирида асардаги маълумотлар қандай маҳсус тадқиқотларда, дарслер ва қўлланмаларда ёритилганлиги баён этилади.

Бир академик соат давомида талабаларга ёзма манбалар тўғрисидаги юқоридаги маълумотларни бериш кифоя, деб ўйлаймиз. Чунки, бу маълумотларга қўшимча тарзда дарс режаси, камиде 10 та, асосий тушунчалар, энг кўпи билан 15 та атамалар, манба бўйича фойдаланилган асосий (5та) ва қўшимча (10тагача) маҳсус адабиётлар рўйхати талабаларга тавсия этилади. Яна дарс жараёнида кўргазмали қурол сифатида асар қўлёзмаси, нашрлари ва бошқа материаллардан, замонавий техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дарс охирида ўтилган дарсни мустаҳкамлаш учун саволлар тавсия этилиши керак.

3.11. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент: Шарқ, 1998.
2. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
3. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
4. Собрание восточных рукописей АН РУз. История. Составители Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова-Тошкент: Фан, 1998.
5. Рукописная книга в культуре народов Востока. Очерки Ред. О.Ф.Акимушкин и др. Книга первая. - М.: Наука, 1987; Книга вторая. - М.: 1988.
6. Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари (илмий-амалий анжумонлар материаллари). Тузувчилар: А.А.Мадраимов, Г.С.Фузайлова -Тошкент: ТДПУ, 2001.

7. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. -Тошкент: ТДШИ, 2000.
8. Манбашуносликдан маъruzалар мажмуаси. Тузувчи А.А.Мадраимов -Тошкент: ТДГУ, 2001.
9. Тарихий манбашунослик муаммолари//Республика илмий-амалий анжумани материалари (2003 йил 25 апрел).-Тошкент: Университет, 2003.
10. Темурийлар даври маданий ёдгорликлари. 1-китоб. -Тошкент: 2003.
11. Сайдкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар (I қисм). -Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
12. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик синъати тарихидан. Тошкент: Фан, 1971.
13. Восточное историческое источниковедение и специальные исторические дисциплины. Выпуск 1. -М.: Наука, 1989.
14. Ҳасаний М. Шарқ кўлёзмаларини тавсифлаш ва фиҳристлаш. -Тошкент: 2004.

3.12. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Ёзма манбаларнинг қандай тавсиф усуллари мавжуд?
2. Кодикологик маълумотлар деганда нимани тушунасиз?
3. Ёзма манбадаги асарнинг таркиби ва мазмуни қандай таҳлил қилинади?
4. Ёзма манбалар таркиби қандай қисмлардан иборат бўлади?
5. Ёзма манбанинг илмий аҳамияти нима билан белгиланади?

4 - мавзу. Қадимги замон тарихи манбалари (Милоддан аввалги VI–милоднинг V асрлари)

Дарснинг мазмуни: Ўзбекистон қадимги тарихи археологик манбалар, Эрон, ҳинд, Юнон ва Рим манбалари тўғрисида умумий тушунча берилади.

Режа:

- 4.1. Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар.
- 4.2. Қадимги Эрон ва ҳинд манбалари.
- 4.3. Қадимги юнон ва Рим манбалари.
- 4.4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 4.5. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: «Авесто», археологик манбалар, Хитой, Эрон, Юнон ва Рим манбалари, катиба, тасвир, сурат, тарихий ёзувлар, рельеф.

4.1. Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар

Ўзбекистон ҳудуди ҳам Эрон, Ҳиндистон, Месопотамия, Юнонистон, Рим, Миср ва Хитой сингари мамлакатлар каби илк маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Лекин, унинг қадимий маданияти ҳақида маълумотлар жуда кам сақланиб қолган. Биз юртимизнинг фақат милоддан аввалги VI асрлардан кейинги ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида маълум даражада ёзма маълумотларга эгамиз.

Эрон, Ҳиндистон ва айниқса, қадимги Юнонистон ва Рим манбаларида сақланган маълумотларга қараганда қадим замонларда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган сак, массагет ва бошқа қабилалар уруғчилик тузумини бопдан кечирғанлар, чорвачилик, қисман деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланганлар.

Милоддан аввалги VI асрда юртимиз Аҳамонийлар давлати (милоддан аввалги 550 – 330 йиллар) асоратига тушиб қолди. Ана шу даврда бу ерда истиқомат қилган халқлар ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлди. Уруғ жамоалари орасида табақаланиш бошланди: янгидан пайдо бўлган уруғ аслзодалари серунум ерларни эгаллаб олдилар, қул меҳнати ҳамда эркин жамоа аъзолари зулм қилиш йўли билан бойиб бордилар. Шу тариқа жамиятнинг табақаланиш жараёни кучайди ва қулдорлик жамияти пайдо бўлди.

Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, милоддан аввали VII асрда юртимиз ҳудудида, масалан Балх ва Хоразмда оташпаратлилар – зардуштлик дини пайдо бўлди ва кенг тарқалди.

Аҳамонийлар ва уларнинг маҳаллий ноиблари барибир аҳолини тўла итоатда тутиб тура олмадилар. Халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши кураши кучайди. Натижада милоддан аввалги VI аср ўрталарида келиб Хоразм мустақилликни кўлга киритиб олди. Сак ва массагетлар ҳам ўз озодлиги учун тинмай кураш олиб бордилар. Эрон ҳукмдорлари билан юртимиз халқлари ўртасида узлуксиз давом этган урушлар Аҳамонийлар давлатини кучизлантириди ва Эроннинг Искандар Зулқарнайн (милоддан аввалги 336 – 323 йй.) тарафидан босиб олинишини бирмунча осонлаштириди.

Искандар Зулқарнайннинг юришлари (милоддан аввалги 334-324 йй.) юртимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётига таъсир кўрсатди: катта ер эгалири бўлмиш маҳаллий аслзодаларнинг мавқеи янада мустаҳкамланди.

Маълумки, Искандар Зулқарнайн вафотидан (милоддан аввалги 323 йил 13 июнь) маълум вақт (тажминан 75 йил) ўтгач, унинг улкан салтанати майда-майда давлатларга бўлиниб кетди.

Милоддан аввалги тажминан 250 йили Буюк Македония салтанатининг Бақтриядаги ноиби Диодот мустақиллик эълон қилди ва Юон-Бақт-

рия давлатига асос солди. Бу давлат таркибига Сирдарё билан Инд дарёси ююри оқимларигача бўлган ерлар ва халқлар қарап эди.

Ҳозирги Туркманистоннинг жанубий туманлари ҳам мустақилликка эришди. Бу ерла ҳокимият тепасига нуфузли Аршакийлар уругининг бошлиқлари ўтқизилди.

Милоддан аввалги 190 йили Магнесия¹³ ёнида бўлган жангларда Рим қўшинлари Буюк Антиох (милоддан аввалги 242-187 й.) қўшинларини тор-мор келтириб, Салавкийлар ҳукмронлигига қақшатқич зарба бердилар. Бу ҳол Юнон-Бақтрия, айниқса Парфиянинг кучайишига йўл очиб берди.

Милоддан аввалги II асрнинг 40-йилларида Парфия бутун Эрон ва Месопотамиянинг катта қисмини ўзига қаратиб олиб, иирик қулдор давлатга айланди. Пойтахт Экбатана (Ҳамадон)дан Евфрат бўйларига, ҳозирги Бағдод ёнида жойлашган Ктесифонга кўчирилди.

Тахминан ўша вақтларда Юнон-Бақтрия давлати ҳам ўз чегаралари ни бирмунча кенгайтириб олди. Эвфидем, Деметрий ва Эакрадит замонида Сўғдиёна, Бақтрия, Арахосия (ҳозирги Афғонистоннинг Фарбий қисмини ўз ичига олган ҳудуд) ва Ария (ҳозирги Афғонистоннинг марказий қисми), бошқача сўз билан айтганда ҳозирги Ўзбекистон, Тоҷикистон, Эроннинг шарқий қисми ҳамда Афғонистоннинг катта қисми Юнон-Бақтрия давлати таркибига кирап эди.

Лекин, Юнон-Бақтриянинг ички аҳволи у қадар мустаҳкам эмас эди. Маҳаллий халқ билан юнон-македониялик ҳокимлар ўртасидаги зиддият тобора чуқурлашиб борди, чет эл босқинчиларига қарши қўзғолонлар кучайди. Халқ ҳаракати, айниқса, Сўғдиёнада кескин тус олди. Натижада милоддан аввалги II аср охирлари ва I аср бошларида Сўғдиёна мустақилликни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Юнон-Бақтрия империясининг бошқа ўлкаларида ҳам мустақиллик учун кураш кучайди.

Қадимдан Шимолий Хитойда истиқомат қилиб келган хуннлар милоддин аввалги II аср охирларида хитойлар тазиёки остида фарбга қараб чекинипга мажбур бўлдилар ва Шарқий Туркистон ҳамда Еттисув воҳасида кўчиб юрган скиф (хитой манбаларида юэчжи, антик адабиётда тоҳарлар номи билан машҳур) ва усуњ қабилаларини суриб чиқардилар. Оқибатда юэчжи (тоҳар) ва усуналар Сўғдиёна ва Бақтрия ҳудудига кўчиб ўтдилар ва бу ерда сак ва бошқа маҳаллий қабилалар билан қўшилиб, аввал Сўғд, милоднинг тахминан 128-йили Юнон-Бақтрия давлатига қарам бошқа ўлкаларни ҳам то Инд дарёсигача истило қилишга муваффақ бўлдилар.

¹³ Магнесия – Лидиянинг қадимиш шаҳарларидан, Туркиянинг ҳозирги Манисия шаҳри ўрнида бўлган.

Шундай қилиб, Юон-Бақтрия давлати ўрнида юзчилар (тохарлар) давлати ташкил топти. Бу давлат тарихда Кушонлар давлати номи билан машҳурдир. Кушонлар давлатига ҳозирги Ўзбекистоннинг катта қисми, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Покистоннинг шимоли-ғарбий қисми қараган бўлиб, айниқса Канишқа ва унинг тахт вориси Хувишқа ҳукмронлик қилган йиллари кучайди. Лекин, милоднинг 11 асри ўрталарида бу давлатнинг ҳам инқизози бошланди ва 1 У асрга келиб майда давлатларга бўлинниб кетди.

Юртимиз ҳудудида ҳукм сурган қадимиј давлатлардан яна бири – Қанғ ва Фарғона (Парканы)дир.

Қанғ давлати таркибиға Бухоро, Шаҳрисабз, Каттакўрғон, Тошкент вилояти ва Хоразмнинг шимолий қисми кирган. Давлат тепасида жабгу (хитой манбаларида чаову) турган.

Милоддин аввалги II-I асрларда Фарғонада ҳам мустақил давлат бўлган. Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, Фарғонада ҳунармандчилик, айниқса деҳқончилик ривож топган қадимиј мамлакат бўлиб, унинг 70га яқин катта-кичик шаҳарлари Куба-Қува, Гаушан-Ўзган, Эрши – Марҳамат, Гўй-Шань – Косон ва бошқалар бўлган. Маҳаллий халқ деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган, арпа, буғдой, шоли, беда, узум, анор, полиз экинлари ва бошқаларни етиштирган.

104-101 йиллар орасида Хитой қўшинлари Фарғонага икки марта бостириб кирдилар. Биринчи юриш 104 йили хитой қўшинларининг тормор келтирилиши билан тугади. Иккинчи марта 101 йили 60 000 кишилик хитой қўшини Фарғонанинг йирик шаҳарларидан Эршини (ҳозирги Андижон вилоятига қарашли Марҳамат қишлоғи ўрнида бўлган) қамал қилдилар. Лекин, шаҳарни ола олмадилар, сулҳ тузиб ва озгина ўлпон, 3000 бош от олиб қайтиб кетишга мажбур бўлдилар.

4.2. Қадимги Эрон ва ҳинд манбалари

4.2.1. Қадимги Эрон манбалари

4.2.1.1. Тош ва сополга ўйиб ёзилган катибалар (михий ёзувлар)

Бундай ёзувлар Аҳамонийларнинг қадимги пойтахти Персополь, шунингдек Суза ва Экбатана (ҳозирги Ҳамадон) шаҳарлари ва унинг атрофифа топилган.

Масалан, пишиқ сопол таҳтачага ўйиб ёзилган бир катибада Доро 1 (милоддан аввалги 522-486 йй.) ҳукмроилигининг дастлабки йилларида

(милоддан аввалги 494-490 йиллар орасида) Сузада бунёд этилган саройнинг қурилиш тафсилоти, аниқроғи қурилишга кетган материалларнинг қайси мамлакатдан келтирилганилиги ёзилган таҳтачадаги маълумотларга кўра олтин Лидия билан Бақтриядан, қимматбаҳо тошлар, лазурит ва сердолик (қизил ва қизғиши рангли тош) Сўғдиёнадан, фируза Хоразмдан олиб келинган.

Персополдан (Шерознинг шимолий тарафида, ундан таҳминан 50 км масофада жойлашган 520-450 йиллар орасида қурилган шаҳардан) тошлигандан ёзувлар ва тасвирий суратлар – рельефлар катта илмий қийматга эга. Уларнинг айрим намуналари ХУ11-ХУ111 асрларда (1621 й.) италиялик сайёҳ Пьедро Делла Валле ва даниялик олим К. Нибурнинг номи билан боғлиқ. 1931-1934, 1935-1939 ва ундан кейинги йиллари немис олими Э.Херцфильд, америкалик Э.Шмидт, француз А.Годар ҳамда эронлик М.Т.Мустафовий ва А.Сомий тарафидан ўтказилган археологик тадқиқотлар натидаласида Персополда жуда кўп ноёб ёдгорликлар очилди. Улар орасида Ападана зиналари устига ишланган тасвирий суратлар алоҳида аҳамият касб этади. Суратларда (баландлиги 3 фут – инглиз ўлчови 30, 479 сантиметрга тенг) аҳамонийларга тобе бўлган 23 сатрапликдан (қарам мамлакатдан) ўлпон олиб келган кишилар қиёфаси тасвирланган. Булар орасида бақтрияликлар турли идишлар, тери, мўйна ва түя билан, сўғдликлар турли мато, тери ва қўйлар билан, саклар от ва чакмонлар билан, парфияликлар идишлар ва түя билан ва хоразмликлар от ва қурол-аслаҳа билан тасвирланган.

Персополдан 6 миля-қарийб 5 км масофада, унинг шимол тарафида Ҳусайнкуҳ қояларида аҳамонийлардан Доро 1, Ксерекс 1 (милоддан аввалги 486-465 й.), Артаксеркс 1 (милоддан аввалги 465-424 й.) ҳамда Доро 11 (милоддан аввалги 424-404 й.)ларнинг мақбаралари ҳамда уларга кираверишда ўйиб ёзилган катибалар бор. Мазкур ёдгорлик сосоний саркардалардан Рустам (636 йили араблар билан бўлган жангда ҳалок бўлган) номи билан ҳам борлиқ ва тарихда кўпинча Нақши Рустам деб аталади.

Катибаларда, айниқса Доро 1 сурати остига ёзилган катибада, унинг давлати кўкларга кўтариб мақталади, унинг тарафидан босиб олинган ҳалқлар эса итоаткорликка ва ҳалол меҳнат қулишга чақирилади, бўйсунмаганлар ва шу сабабдан жазога маҳкум этилганларнинг номлари қайд этилади. Муҳими шундаки, катибада аҳамонийларга тобе бўлган 23 сатраплик ва ҳалқларнинг тўла рўйхати ёзилган. Булар орасида парфияликлар, бақтрияликлар, сўғдиёналиклар ҳамда хоразмликлар ҳам бор.

Ёдгорлик орасида муҳимларидан яна бири машҳур Беҳистун ёзувларидир. Бу ёзувлар узунлиги 22 м, умумий баландлиги 7,8 м бўлиб, улар

Шимолий Эронда, Кирмоншоқдан 30 км масофада, дарё бўйлаб ўтган қадимги карвон йўли ёқасида, унинг чап тарафида, Загрос номли тик қояга, тахминан 105 метр баландликда Доро 1 нинг амри билан ёзилган ғалаба ёдгорлигидир. Ёзув элам, бобил ва қадимги эрон тилларида битилган ва милоддан аввалги 523-522 йиллари Аҳамонийлар салтанатини ларзага келтирган Гаумата – 522 йил 29 сентябрда ҳалок бўлган, Фрада – марғиёналик, 522 йил 10 декабрида асирга олинган, Скунха - ҳозирги Қозогистон ва Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган сак қабилалари-нинг етакчиси каби бошлиқлар раҳбарлигидаги ҳалқ ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қиласди.

4.2.1.2. «Авесто»

Зороастризм – оташпаратслик (милоддин аввалги VI – милоднинг VI асри) динининг муқаддас китоби бўлиб, милоддин аввалги VI- милоднинг VI асрларида ёзилган, Эрон ҳамда Ўрта Осиё ҳалқларининг қадимги маданияти, эътиқоди, тили, адабиёти ва қисман тарихини ўрганишда асосий манба ҳисобланади.

Асарнинг ёзилган жойи ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар француз Ж.Дармстетер, Озарбайжон олими И.Алиев “Авесто” Мидия - ҳозирги Эроннинг шимоли-ғарбий қисми ва Озарбайжонда ёзилган десалар, кўпчилик В.В.Струве, С.П.Толстов, Ф.Альтхайм ва бошқалар Амударё бўйида жойлашган вилоятларда, Балх ва Хоразм оралиғида яратилган, деб ҳисоблайдилар. Охирги фикр сўнги вақтларда Эрон олимлари, масалан Иброҳим Пур Довуд тарафидан ҳам эътироф этилди.

“Авесто” матни тўлиқ сақланмаган. Бизгача, унинг жуда оз қисми етиб келган, холос. Маълумки, “Авесто” Каёний ҳукмдорлардан Гиштосп – Виштосп замонида китоб ҳолига келтирилган. Ривоятларга қараганда унинг гатлар деб аталувчи асосий қисми худо-Заратуштра томонидан ёзилган ва Масъудий, Табарий ва Берунийларнинг сўзларига қараганда 12 000 ҳўқиз терисидан тайёрланган маҳсус пергаментта олтин ҳарфлар билан ёзилган. Ўша вақтларда унинг уч нусхаси мавжуд бўлган, лекин бир нусхаси Искандар Зулқарнайнинг фармони билан ёқиб юборилган. Иккинчи нусхаси Юнонистонга олиб кетилган, учинчи нусхаси эса оташпаратслар динига ўта эътиқодли бўлган кишилар қўлида сақланиб қолган. Лекин бу нусха тўлиқ эмас.

Асарнинг сақланиб қолган қисмларини тўплаш ва китоб ҳолига келтириш ишлари Парфия подшоси Валгаш 111 (148-192) ҳамда Сосонийлар (милоднинг 111 асри) даврида ҳам давом эттирилди. “Авесто” сосоний Шопур 11 (309-379) даврида тартибга солинди, изоҳлар ва қўшимчалар (занд) билан бойитилди ва тўла китоб ҳолига келтирилиб, асосий

қисмлари паҳлавий тилига таржима қилинди. Бу китоб “Занд Авесто” номи билан машҳур.

Афсуски, “Занд Авесто” ҳам бизнинг замонимизгача тўла ҳолда етиб келмаган. Унинг бир қисми Искандар Зулқарнайн юришлари вақтида, бошқа бир қисми эса араблар истилоси (674-715 йй.) вақтида йўқ қилинган. Асарнинг бизгача етиб келган қисми, профессор Е.Э.Бертельснинг маълумотига қараганда¹⁴, 83 000 сўздан иборатдир. У, асосан тўрт қисмдан – ясна, яштов, висперед, вендидааддан ташкил топган. Ясна таркибиға кирган гат деб аталадиган қўшиқлар “Авесто”нинг энг кўхна ва қимматли қисмларидир.

“Авесто”нинг қўшиқлари ва қиссалари Абулқосим Фирдавсийнинг (тахм.940-1030) “Шоҳнома” достонига манба бўлиб хизмат қилган.

“Авесто” нисбатан яхши ўтганилган (К.Залемен, Х.Бартоломей, Е.Э.Бертельс, В.В.Струве ва бошқалар). У француз (Анкетель дю Перрон, Й.Дармстетер), рус (К.А.Коссович), инглиз (Л.Х.Майлс), Дания (А.Христенсен) ва форс (Иброҳим Пур Довуд) тилларига таржима қилинган. Унинг Копенгагенда (Дания) сақланаётган ягона нусхаси асосида тайёрланган фотоматни 1937-1944 йилларида олти жилд қилиб нашр этилган.

4.2.1.3. Хвадай намак

“Хвадай намак” (“Подшоҳнома”) қадимги Эроннинг 627 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаётидан баҳс этувчи афсонавий тарихий асар бўлиб, паҳлавий тилида ёзилган. Сосонийлардан Яздигард 111 (632-651)га яқин киши томонидан 632-637 йиллар орасида ёзил тамомланган. Асар, айниқса Аҳамонийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади.

“Хвадай намак”нинг ўзи ҳам, машҳур шоир, олим ва таржимон Абдуллоҳ ибн Муқаффа (721-757 йй.) тарафидан қилинган таржима (“Сияр ал-мулук” деб аталган) ҳам бизгача етиб келмаган. Лекин, унинг айrim парчалари Яъкубий (897 ёки 905 иили вафот этган), ибн Қутайба (828-889 йй.), Табарий, Ибн ал-Асир, шунингдек Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида сақланган.

4.2.1.4. Матакдани хазар датастан

“Матакдани хазар датастан” (“Бир минг нафар ҳуқуқий ажрим”) паҳлавий тилида ёзилган (VIII аср) бўлиб, унда Эроннинг Сосонийлар давридаги давлат тузулиши ва унинг ижтимоий ҳаёти ҳақида қимматли маълумот бор. Асарнинг фақат айrim қисмларигина сақланган. Митрополит

¹⁴ Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы.- М., 1960. С. 52.

Ишобаҳт қилған сурёнийча таржима (VIII аср) сақланған. Инглизча таржимаси С.Й.Булсара томонидан чоп этилған (Бомбай, 1937).

Географик асарлардан “Шаҳристонҳои Эрон” (“Эрон шаҳарлари ҳақида рисола”) Эроннинг Сосонийлар давридаги географик ҳолати ва уларнинг бунёд этилиши ҳақида маълумот беради. “Ажойиб ас-Сакистон” (“Сакистон вилоятининг ажойиботлари”) номли асар Эроннинг кўхна вилоятларидан Сакистон (Сеистон)га барашланған. Бу иккала асар ҳам паҳлавий тилида, VIII асрнинг иккинчи ярмида ёзилған. “Шаҳристонҳои Эрон”нинг матни ва қисқача инглизча таржимаси Ж.Асана ҳамда Моди томонидан 1897 ва 1899 йилларида Бомбайдаги чоп этилған.

Қадимги Эроннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид айрим маълумотларни “Корномайи Арташир Папакан” (“Арташир Папаканнинг ишлари ҳақида қисса”), “Маздак намак” (“Маздак ҳақида қисса”), “Аяткари зариран” (“Зарира ҳақида ривоят”), “Подшоҳ Ҳусрав ва унинг маҳрами” каби тарихий қиссаларда учратамиз.

Сосонийлар давлати ички ва ташқи сиёсати асосларини ўрганишда “Андарзнома” (“Насиҳатнома”) ҳамда “Тожнома” каби этик - дидактик характердаги асарларнинг ҳам қиммати каттадир.

4.2.1.5. Шоҳнома

Абулқосим Фирдавсий қаламига мансуб “Шоҳнома” асари уч қисм ва 65 минг байтдан иборат достон бўлиб, у 976 – 1011 йиллар орасида ёзилған.

Унинг биринчи қисми афсонавий бўлиб, “Авесто” материалларига асосланиб ёзилған ва Эрон ҳамда Турон халқларининг диний ақидалари ва ривоятларидан баҳс юритади.

Асарнинг иккинчи ва учинчи қисмлари муҳим ҳисобланади. Иккинчи қисм қаҳрамонлик достони бўлиб, қадимги Эрон подшоҳлари ва улар замонида ўтган қаҳрамонлар Рустам ва Кова сиймолари талқин қилинган.

“Шоҳнома”нинг учинчи қисми тарихий достон бўлиб, унда Эрон ва Туроннинг зардуштийликнинг пайдо бўлишидан то араблар истилосигача бўлган сиёсий ҳаёти талқин этилған.

“Шоҳнома”нинг қўлёзма нусхалари кўп мамлакатларнинг кутубхоналарида, шунингдек ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Асарнинг тўла матни Ҳиндистон (1829), Франция (1838-1878), Олмония (1877-1884), Эрон (1934-1936) ва Россия (1960-1971) чоп этилған, рус ва ўзбек тилларига таржима қилинган.

“Шоҳнома” матнини тиклаш устида манбашунослик тадқиқот ишларини Бойсунғур Мирзо ибн Шоҳруҳ Ҳиротда олиб борган. Кўп тарихчи-

лар, хусусан Муҳаммад Мирхонд ундан манба сифатида фойдаланган. Алишер Навоий бу асарда лоф кўплигини қайд этган.

4.2.1.6. Қадимги ҳинд манбалари

Саклар, массагетлар, тоҳарлар ва қадимги Қанҳа халқи, уларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотларни ҳиндларнинг эпик достони “Маҳобҳарата”да ҳам учратамиз.

“Маҳобҳарата” (“Бҳарата авлодлари жангномаси”) санскрит тилида ёзилган бўлиб, 100 минг байтни ўз ичига олган 18 китобдан иборат. Афсонавий шоҳ Бҳаратанинг икки тоифа авлодлари кавравлар ва пандавларнинг ўзаро адоватлари ва урушлари баён этилади. У милоддан аввалги X-VIII асрларда яратилган.

Асарда, масалан, узоқ Ҳиндистонга, фикримизча савдо-сотиқ ишлари билан борган саклар, тоҳарлар ва қанҳалар ҳақида мана бу муҳим маълумот келтирилган: “Унинг (подшоҳ Юдҳиштранинг) эшиги олдида бошқа халқлар билан бирга саклар, тоҳарлар ва қанҳаликлар ҳам навбат кутиб турардилар. Паҳмоқ соқол, пешоналари шоҳлар билан безатилган, қўлларида турли-туман совғалар, жун, ранг, ипак ва патта (оқ қайниннинг бир тури) дарахти толасидан, шунингдек, камёб матолардан, паҳтадан тўқилган газламалар, майин, нафис терилар, узун ва ўткир қиличлар, шамширлар, темир найзалар, ҳар хил болталар, ичимликлар, хушбўй нарсалар, турли-туман қимматбаҳо тошлилар”¹⁵.

4.3. Қадимги Юнон ва Рим манбалари

Ўзбекистоннинг антик даврдаги тарихини ўрганишда қадимги Юнонистон ва Рим тарихчилари ҳамда географ олимларининг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қиласиди. Қўйида улардан айримлари ҳақида маълумотларни келтирамиз.

4.3.1. Херадот

Херадот (милоддан аввалги 490-480 йиллар ўртаси – 425 й.) – йирик қомусий олим, тарих фанининг “ота”си, асли Кичик Осиёнинг Галикарнас шаҳридан, 455-447 йиллари Европа, Осиё ва Миср бўйлаб саёҳат қиласиди.

Херадот Эллада ва Шарқ мамлакатлари (Ливия, Миср, Ассурия, Вавилон, Элон ва Скифия)нинг қадим замонлардан то милоддан аввалги 479 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаётидан ҳикоя қилувчи 9 китобдан иборат “Тарих” номли асари билан шуҳрат топган. Бу асар уму-

¹⁵ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001. 33-34-бетлар.

мий тарих йўналишида ёзилган биринчи китоб ҳисобланади. Шу туфайли ҳам Херадот, Цицероннинг (милоддан аввалги 106-43 йй.) сўзлари билан айтганда, тарих фанининг “ота”си ҳисобланади.

Херадот, гарчи ўзи баён этаётган воқеалар устида чуқур мулоҳаза юритмаса ҳам, уларни тўғри баён этиши, ўзга халқлар ва мамлакатлар тарихига ҳурмат нуқтаи назаридан қарashi билан баъзи тарихчилардан ажралиб туради.

Херадотнинг асарида Ўзбекистоннинг қадимий халқлари бўлмиш агриппийлар, иссадонлар, массагетлар, дайлар ва саклар ҳақида, уларнинг турмуши, урф-одатлари ҳамда қўшни мамлакатлар билан алоқалари ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз.

“Тарих”нинг Штейн тарафидан тайёрланған танқидий матни 1869-1871 йилларда чоп этилган. Асар инглиз (Роулинсон, Лондон, 1856-1860) ҳамда рус (Ф.Г. Мишченко, Москва, 1858-1860) тилларига таржима қилинган. 1982 йилда асарнинг мамлакатимиз тарихига оид қисмлари зарур изоҳлар билан А.И.Даватур, Д.П.Каллистов ҳамда И.А.Шишова томонидан янгидан нашр этилган.

4.3.2. Диодор

Диодор (милоддан аввалги 90-21-йиллар) йирик тарихчи олим, асли Сицилияга қарашли Аргирия шаҳридан. У “Тарихий кутубхона” номли 40 китобдан иборат асар ёзиб қолдирган. Умумий тарих йўналишида ёзилган бу асар, асосан Юнонистон ва Римнинг қадим замонларидан то милоднинг I аср ўргаларигача бўлган тарихини ўз ичига олади. Унда Шарқ халқлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг қадимий халқлари скиф, сак, масагет, бақтрияликлар, юртимизнинг Эрон билан бўлган муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Диодорнинг мазкур асари кўп жиҳатлари билан қўчирма-компиляция ҳисобланади. Муаллиф Эфор, Полибий асарларидан кенг фойдаланган. Бундан ташқари, кўп ҳолларда баён этилаётган воқеалар узвий боғланмай қолган. Шунга қарамай, бу асар далилларга бой ва катта илмий аҳамиятга эгадир.

Диодорнинг асари тўла ҳолда бизнинг замонамизгача етиб келмаган. Унинг фақат 15 китоби - қадимги Шарқ халқларининг тарихи ва афсоналари ҳақида ҳикоя қилувчи 1-5- китоблари, Юнонистон ҳамда Римнинг Юон-Эрон урушлари(милоддан аввалги 500-449)да то милоддан аввали 301 йилгача бўлган тарихини ўз ичига олган 11-20- китобларигина сақланган, холос.

Бу асар 1774-1775 йиллари И.Алексеев томонидан олти қисмда ва 1874-1875 йиллари Ф.Г. Мишченко тарафидан икки қисм қилиб нашр этилган.

4.3.3. Помпей Трог

Помпей Трог (милодгача 1-милоднинг I асрлари ўртасида яшаб ўтган) – “Филипп тарихи” асари билан машҳур бўлган Рим тарихчиси. 44 китобдан иборат бу асар афсонавий Ассуария подшоҳлари замонидан то Рим императори Август (милоддин аввалги 63 – милоднинг 14-йили) давригача дунёда бўлиб ўтган воқеаларни баён қиласди, лекин асосий эътибор Юнонистоннинг македониялик Филипп II (милоддан аввалги 359-336) ва Искандар Зулқарнайн давридаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этишга қаратилган.

Мазкур асарнинг қиммати шундаки, у бирталай номаълум китобларга суяниб ёзилган, Рим, Юнонистон каби йирик давлатларнинг пайдо бўлиши ва тарихини кенг ёритиб берган. Муҳими шундаки, муаллиф бундай давлатларнинг охир-оқибатда инқирозга учрашини айтади. Помпей Трог тарихни ҳаракатга келтирувчи куч урф-одат ва тақдир деб ҳисоблаган.

“Филипп тарихи”да скифлар, Бақтрия, Искандар Зулқарнайн даврида Бақтрия ва Сўғдда қурилган шаҳар ва катта иморатлар, Искандар Зулқарнайн вафотидан кейин юз берган воқеалар, парфияликларнинг келиб чиқиши, уларнинг урф-одатлари, Парфия подшолигини ташкил тошиши, Бақтрия, Парфия ва Мидиянинг ўзаро муносабатларига оид муҳим маълумотлар мавжуд.

Помпей Трогнинг бу асари Юстин (II-III аср) тарафидан қисқартирилиб қайта ишланган шаклда бизнинг замонимизгача етиб келган ва Рухл томонидан 1935 йили чоп қилинган. Унинг русча таржимаси А.А.Деконский ва М.М.Рижский томонидан “Вестник древней истории” журналиниг 1954 йил 2-4 ва 1955 йил 1-сонларида босилган.

4.3.4. Арриан Флавий

Арриан Флавий (тажминан 95-175) – йирик юон ёзувчиси, тарихчи ва географ олими, асли Кичик Осиёнинг Никомадия шаҳридан. У “Искандар ҳақида”, “Парфияликлар ҳақида”, “Хиндистон” ва 7 жилдлик “Искандарнинг юришлари” номли китоблар муаллифи.

Ўзбекистон ва Эроннинг қадимий тарихини ўрганишда Аррианнинг “Искандарнинг юришлари” номли асари муҳим аҳамият касб этади. Унда фотиҳнинг Ўзбекистон, Эрон ҳудудлари ва бошқа мамлакатларга истилочилик юришлари тарихи батафсил баён қилинган.

Асар панегризм-маддоҳлик руҳида ёзилган. Муаллиф Искандар Зулқарнайн ва унинг фаолиятини кўкларга кўтариб улуғлайди. У кўпгина қўллэзма манбалар ва расмий ҳужжатлар асосида ёзилган бўлиб, мавзу бўйича муҳим ва асосий манбалардан ҳисобланади.

Ариан Флавийнинг “Искандарнинг юришлари” асари немис (Мюллер, Лейпциг, 1886) ҳамда рус (Коренков, Тошкент, 1912 ва М.Е.Сергеенко, М.-Л., 1962) тилларида нашр этилган.

4.3.5. Квинт Курций Руф

Квинт Курций Руф (милодниң I асри) – машхур Рим тарихчisi, Искандар Зулқарнайнинг Эрон, Турон ва бошқа мамлакатларга қилған ҳарбий юришлари ҳақида 10 китобдан иборат “Буюк Искандар тарихи” номли асар ёзиб қолдирган. Муаллиф Птоломей Лаг ва Искандар Зулқарнайнинг сафдошлари Онесикрит ва Каллисфенning хотира ва асарларидан кенг фойдаланган.

Квинт Курций Руфнинг асарида Ўзбекистон ҳудудининг Искандар Зулқарнайн қўшиналари томонидан истило қилиниши, халқларнинг чет эл босқинчиларига қарши кураши, хусусан, Спитамен бошлиқ қўзғолон кенг ёритиб берилган.

“Буюк Искандар тарихи” 1841 йили Мютцель, 1867 йили Т.Нёльдеке ва 1885 йили Фогель томонидан нашр этилган. Русча янги таржимаси В.С.Соколов таҳрири остида чоп этилган (М., 1963).

4.3.6. Гай Плинний Секунд

Гай Плинний Секунд (24-79) – римлик машхур ёзувчи, тарихшунос олим ва давлат арбоби, 79 йили машхур Везувий вулқонининг отилиб чиқиши натижасида юз берган умумхалқ фожеаси вақтида ҳалок бўлган.

Гай Плинний Секунд – сермахсул олим, 20 китобдан иборат “Германларнинг урушлари”, икки жилдан иборат “Помпоний Секунднинг ҳаёти” ва 37 китобдан иборат “Оддий тарих” номли асарлар ёзиб қолдиргани маълум.

Плиннийнинг германлар тарафидан Рейн ва Дунай бўйлари мамлакатларининг босиб олиниши тарихидан баҳс юритувчи “Германларнинг урушлари” номли асари бизнинг давримизгача етиб келмаган, лекин у Корнелий Тацитнинг (тахминан 56-117) “Солномалар” император Октавиан Август вафотидан (милодниң 14-йили) Нероннинг ҳалок бўлишигача (милодниң 68 йили) бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади ҳамда “Германия” (унда герман ва бошқа қабилаларнинг тарихи баён этилган) номли асарлари учун биринчи манба бўлган.

“Помпонийнинг ҳаёти”да Плинний собиқ бошлиғи Помпоний Секунднинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Бу асар ҳам бизнинг замонализгача етиб келмаган.

“Оддий тарих” Гай Плинний Секунднинг шоҳ асари ҳисобланади ва унда антик дунё тарихи, иқтисодий аҳволи ҳамда маданияти баён этил-

ган. Унда муаллифнинг ўз манбаларига жиддий ва танқидий муносабатда бўлмаганилиги, айрим далил ва воқеаларни бузиб кўрсатилганилиги сезилиб туради. Бу китоб антик дунё тарихи бўйича кенг маълумот берувчи қомусий асар сифатида эътиборга сазовордир.

“Оддий тарих”да Ўзбекистоннинг ҳам қадими тарихи, унда яшаган халқлар, масалан, скифлар, Окс-Амударё, Яксарт-Сирдарё ва скифча жой номлари, табиий бойликлари, Антиохия шаҳарларининг барпо этилиши ҳақида қимматли маълумотлар бор.

4.3.7. Полибий

Полибий (милоддан аввалги 201-120) – йирик юон тарихчиси, 40 китобдан иборат “Умумий тарих” асари билан машҳур. У Юонистон, Македония, Карфаген, Миср, Сурия ва Римнинг 220-146 йиллар орасида ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Умумий тарих йўналишида ёзилган бу асарнинг катта қисми сақланмаган, бизгача фақат 1-5-китобларгина етиб келган, холос.

Полибийнинг “Умумий тарихи” далилий маълумотларга бойлиги, воқеаларнинг нисбатан холисона ёритилиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Унда Окс – Амударё ва Яксарт – Сирдарё ҳақида, Антиох 1 нинг Бақтрия подшоҳи Эфтидемга қарши ҳарбий юриши ҳақида муҳим маълумотлар бор.

“Умумий тарих”нинг матни 1889-1905 йиллар орасида тўрт жилдда Лейпцигда чоп этилган. Унинг инглизча (В.Р.Патон, Лондон, 1922-1927; иккинчи нашри, Лондон, 1957-1960) ва русча (Ф.Г.Мишченко, 1-3 жилдлари. М., 1890-1899) таржималари мавжуд.

Ўзбекистоннинг қадими тарихини ўрганишда Юонистон ва Рим тарихчиларининг асарлари бениҳоят қимматлидир.

Эфор (милоддан аввалги тахминан 405-330 йиллар), Клавдий Эллиан (такхинан милоднинг 170-235 йиллари), александрийлик Климент (милоднинг 11 асли), Корнелий Тацит (такхинан милоднинг 56-117 йиллари), Ксенефонт (такхинан милоддан аввалги 430-355 йиллар), Плутарх (милоднинг 46-127 йиллари), Полиен (милоднинг 11 асли) ва бошқаларнинг асарлари ҳам ана шундай қимматга эгадир.

Географ олимлардан Страбон ва Птоломей асарлари ҳам зўр илмий қийматга эгадир.

4.3.8. Страбон

Страбон (милоддан аввалги 63 – милоднинг 23) қадимги Юонистоннинг атоқли географ олимларидан, асли амосиялик (Понт подшоҳла-

рининг қароргоҳларидан), нуфузли ва бадавлат оиласдан чиққан, машҳур юонон файласуфи Аристотельнинг (милоддан аввалги 384-322) шогирди, қарийб 80 йил умр кўрган.

Страбонни дунёга танитган унинг 17 китобдан иборат “География” номли асаридир. Асарнинг 1-2-китоблари “Муқаддима” деб аталади ва унда география илми ва унинг ҳокимлар, саркардалар ва савдогарлар фамилиятидаги ўрни ва роли ҳақида гап боради. Эратосфен, Посейдон ва Полибийнинг Ер тузилиши ҳақидаги таълимоти таңқид қилинади, Ер юзини тавсифлаш ҳақида умумий тушунча берилади.

3-10-китобларида Европа мамлакатларининг тавсифига, шундан 8-10-китоблар Эллада ва унга туташ мамлакатларга бағишлиланган.

Асарда Осиё мамлакатларига катта ўрин берилиб, улар тўғрисида 11-16-китобларда маълумот берилган. 17-китоб Африка мамлакатларига бағишлиланган.

Страбон Полибийнинг “Умимий тарих”ини давом эттириб, унга милоддан аввалги 146-31 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеаларни кўшган. Афсуски, бу муҳим асар бизнинг замонимизгача етиб келмаган, лекин унинг айрим қисмлари, хусусан Ўзбекистон тарихидан хабар берувчи айрим парчалар олимнинг “География” номли асарига кириб қолиб сақланган.

Страбоннинг “География”сида Гиркания, Парфия, Бақтрия ва Марғиёнанинг табиий ҳолати, шаҳарлари, қисман уларга бориш йўллари, Оха (Ҳаррируд), Окс ва Яксарт дарёлари ҳақида, Ўзбекистоннинг қадимий халқлари – сак, массагет, дай, атасия, тоҳарлар ҳамда хоразмликлар ва уларнинг келиб чиқиши, бу халқларнинг турмуши, урф-одати ва эътиқоди, шунингдек Парфия ва Бақтриянинг милоддан аввалги III асрнинг биринчи чорагидаги ички аҳволи ва ўзаро муносабатлари ҳақида муҳим ва қимматли маълумотлар мавжуд.

Страбоннинг ушбу асари 1844 ва 1848 йиллари Крамер ва Мюллер тарафидан, маҳсус харита ва тарҳлар билан қўшиб нашр қилинган. Унинг немисча (Гросскурд, Берлин, 1831-1834) ҳамда русча (Ф.Г.Мишченко. М., 1879; Г.А.Стратанович. М., 1964) таржималари ҳам мавжуд.

4.3.9. Птоломей Клавдий

Птоломей Клавдий (таксинан 90-160) – машҳур қомусий олим, Александряда яшаб ижод қилган. У астрономия, геометрия, физика (оптика, механика) ҳамда географияга оид асарлар ёзиб қолдирган.

Жаҳонга машҳур “Альмагест”- “Ал-мажастий” (18 китобдан иборат, астрономия ва тригонометрия илмларини ўз ичига олади), “Оптика” (5 китобдан иборат), “Германлар ҳақида тушунча” (3 китобдан иборат) ва,

ниҳоят, “География” шулар жумласидандир. Лекин, олимга шуҳрат келтирган асарлари “Алмагест” ва “География”дир.

“География”нинг (8 китобдан иборат) биринчи китоби, аниқроғи унинг 24- боби жаҳон мамлакатларини тавсифлашга бағишиланган ва катта илмий қийматга эга. Шуниси муҳимки, асарда шаҳар, мамлакатлар ва улар нинг координаталари келтирилган ва унга 27та харита илова қилинган.

Птоломейнинг “География”сида Гиркания, Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёна ҳамда скифлар мамлакатининг географик ҳолати, Бақтрия ва Сўғдиёнанинг машҳур шаҳарлари, шунингдек ўша мамлакатлар ва улар билан туаш ўлкалар ва уларнинг аҳолиси ҳақида асл ва қимматли маълумотлар келтирилган¹⁶

Юнон ва Рим олимларининг тарих ва географияга оид асарлари маълум даражада мусулмон, шу жумладан юртимиз олимлари Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Беруний ва бошқаларнинг ижодига асос бўлиб хизмат қилди.

4.4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Ўзбекистон тарихи. Р.Х.Муртазаева таҳрири остида.-Тошкент, 2003.
3. Саъдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон тарихи манбалардан.-Тошкент, 1996.
4. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.-Тошкент, 1964.
5. Беруни. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.-Тошкент, 1968.
6. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь.-Ташкент, 1999.

4.5. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Ўзбекистон тарихига оид қандай Эрон манбаларини биласиз?
2. «Шоҳнома» асарида Ўзбекистон тарихига оид қандай маълумотлар бор?
3. Ҳиндларнинг «Маҳобҳарат» асарида қадимги Ўзбекистон тўғрисида қандай маълумотлар бор?
4. Қайси Юнон тарихчилари асарида Искандарнинг юртимизга юриши акс этган?
5. Авестода қандай тарихий маълумотлар мавжуд?

¹⁶ Юқ. асар. 34-41-бетлар.

5-мавзу. VI – VIII асрлар тарихи манбалари

Дарснинг мазмуни: VI-VII асрлардаги тарихий воқеалар акс этган сўрдий, туркий ва Хитой манбалари тўғрисида маълумотлар келтиради.

Режа:

- 5.1. Муҳим сиёсий воқеалар.
- 5.2. Қадимги Турк манбалари.
- 5.3. Хитой манбалари.
- 5.4. Сўғд тилидаги манбалар.
- 5.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 5.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: эфталийлар, хептал, ҳайтал, ей – да, и – да, руний ёзув, сўғд тили, битик.

5.1. Муҳим сиёсий воқеалар

V-VI асрларда Ўзбекистон тарихи Эфталийлар ва Эфталийлар давлати тарихи билан боғлиқдир. Тарихий манбалар, шунингдек, археологик қазишлар берган маълумотларга қараганда Эфталийлар саклар ва масателларнинг авлодлариидир.

Эфталийлар жуда катта ҳудудда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Уларнинг давлатига Шарқий Туркистондан Каспий бўйларигача бўлган ерлар қарап эди. Эфталийлар милоднинг 457 йилида Чаганиён, Тоҳаристон ва Бадахшонни бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. Эрон шоҳи сосоний Пируз (459-484) Эфталийларга қарши уч бор қўшин тортти, лекин унинг барча юришлари мағлубият билан якунланди. Бунинг устига Эрон Эфталийларга ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлди. Шундан кейин Эфталийлар Марв ва Кобулни, орадан кўп вақт ўтмай, Шарқий Туркистонни ҳам бўйсундиришга муваффақ бўлдилар.

Эфталийлар Турон, Эроннинг шарқий туманлари, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ҳамда Шарқий Туркистон устидан ҳукм юргиздилар.

563-567 йиллари турк хоқони Истеми (Дизовул) Эрон ҳукмдорлари билан иттироқ тузиб, Эфталийлар давлатига зарба берди ва уларга қарашли ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлди. Натижада Турк хоқонлиги Амударё ва Орол дengизигача чўзилган ўлкалар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. VI асрнинг учинчи чорагида турклар Шимолий Хитойда жойлашган Чжау ва Ци давлатларини ҳам бўйсундирдилар, 576 йили Боспорни (Керчь) эгаладилар, 581 йили эса Херсонни қамал қилдилар.

VI аср ўрталарига бориб Турк хоқонлиги заминида илк катта ер эгалиги муносабатлари шаклана бошлади. Шунинг билан бир қаторда ўзаро

урушлар кучайди ва бундан Сүй империяси (581-618) ҳукмдорлари усталик билан фойдаландилар. Оқибатда Турк хоқонлиги икки қисмга – Шарқий ва Фарбий турк хоқонлигига бўлиниб кетди.

Шарқий турк хоқонлиги Марказий Осиёда хоқон Шиби даврида (609-619) Сүй империяси билан кўп урушди ва ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Хоқон Хелу (620-630) даврида ҳам бу кураш давом этди. Ўша йиллари турклар Хитойга 67 марта бостириб кирдилар. Бу даврда солиқлар кўпайди, меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғирлашди. Хитой императорлари бундан усталик билан фойдаландилар ва Шарқий турк хоқонлиги устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатилишга муваффақ бўлдилар. Лекин кўп ўтмай, турклар Хитой истибодига қарши қўзғолон кўтардилар. Бунга дастлаб Элтариш қоон (Қутлуг қоон), кейинчалик эса унинг маслаҳатчиси Тўнюқуқ бошчилик қилдилар. Натижада 681 йили Фарбий турклар яна мустақилликни қўлга киритдилар. Хоқон Билга вафотидан (734) кейин кучайиб кетган феодал курашлар натижасида Фарбий турк хоқонлиги майда қисмларга бўлиниб кетди ва кейинчалик унинг ўрнига Уйғур хоқонлиги ташкил топди.

Фарбий турк хоқонлиги ҳарбий сиёсий жиҳатдан бирмунча қудратли эди. У11 асрнинг ўргаларида унга Шарқий Туркистондан то Каспий денгизигача бўлган ерлар қаарарди. Унинг ижтимоий-сиёсий томондан юксалишида Марв, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд, Чоч, Испижоб каби шахарларнинг ўсиши ва Хитой, Эрон ҳамда Византия билан олиб борилган савдо-сотиқ ҳам сабаб бўлди. Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Фарбий турк хоқонлиги пойтахти Суябда ҳар йили катта ярмаркалар ташкил этилиб, унда кўпгина хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар ҳам қатнашган.

Фарбий турк хоқонлигининг халқи хоқон Шаболо Хилиши ҳукмронлиги йиллари 10 тоифага бўлинган. Масалан, Чу дарёсининг ўнг тарафида истиқомат қилувчи халқлар Нушиби (5 тоифа), дарёнинг сўл соҳилида истиқомат қилувчилар эса Дулу (5 тоифа) деб аталган. Кўп ўтмай бу тоифалар ўзларининг мустақил давлатини тузиб олдилар. Бу ўзаро феодал курашнинг кучайишига олиб келди. Хитой қўшинлари бундан фойдаланиб, 658 йили Фарбий турк хоқонлиги ерларига бостириб кирдилар, лекин уни тамоман бўйсундира олмадилар. Хоқон Ашина Худайдао уни яна тиклапга муваффақ бўлди. Бироқ, катта ер эгалиги, ўзаро курашлар ва шимолдаги қўшни халқлар, хусусан қорлиқларнинг хуружлари натижасида хоқонлик инқирозга юз тутди. VIII асрнинг иккинчи ярмида ҳокимиёт тамоман қорлиқлар қўлига ўтди. Улар 766 йили Суябни босиб олдилар ва уни ўз пойтахтларига айлантирудилар.

Фарбий турк хоқонлиги марказлашмаган давлат бўлиб, 15га яқин мус-

тақыл ҳокимликлардан, Сўғдда юэчжи ҳалқидан чиққан жабғу, Бухорода маҳаллий бухорхудот, Фарғонада ихшидлар кабилардан ташкил топган эди.

Хоқонлик таркибиға кирган ҳалқлар бир қисми Сўғд, Хоразм, Тоҳаристон, Фарғона дәҳқончилик, шаҳар аҳолиси ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан, унинг торли ва чўл туманларида истиқомат қилувчи катта қисми эса чорвачилик билан шуғулланган.

Араблар истилоси арафасида Ўзбекистон майда-майда давлатлардан иборат эди. Шарқ ва хитой тилларида ёзилган манбалар маълумотларига қараганда VIII аср бошларида юргимизда 15 яқин мустақил давлатлар бўлиб, буларнинг энг каттаси Хоразм, Сўғд, Бухоро, Чагониён, Тоҳаристон, Уструшона, Чоч ва Фарғона ҳисобланган. Уларнинг подшоҳлари жабғу (княз), худот, ихшид ва испаҳбед деб аталарди.

Араблар Ўзбекистон ҳудудига 674 йилдан бошлаб бостириб кира бошлидилар. Босқинчи қўшинларга халифаликнинг Хуросондаги ноиби Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилик қиласиди. Ўшанда улар Пойкент ва Бухоро шаҳарлари ҳамда уларнинг теварак-атрофидаги туманларни талон-тарож қилдилар ва катта ўлжа (1 млн дирҳам пул, 4000 асир ва бошқалар) билан қайтдилар. Бундан кейин ҳам араблар Ўзбекистон устига кўп марта талончилик юришларини уюштирудилар.

705 йилдан бошлаб арабларнинг Ўзбекистон устига истилочилик юришлари кучайди. Бунга арабларнинг Хуросондаги янги ноиби Кутайба ибн Муслим (715 йили ҳозирги Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида, ҳозирги Шурунч мозор, аслида Қилич мозор темир йўл бекати ёнида ўлдирилган) бошчилик қилди.

Араб қўшини 706 йили Омул (Чоржўй), Замм (Карки), Бухоро ҳамда Пойкент шаҳарларини, 709 йили эса Бухоронинг мустаҳкам қалъаларидан Шоғурком (Варданза)ни, 710 йили эса Кеш ва Насафни забт этди. Бухоро, Сўғд, Варданза ва Фарғона ҳукмдорлари турклар билан қўшилиб араб истилочиларига қарши иттифоқ тузишга ҳаракат қилдилар, лекин ўзаро келишмовчиликлар ва ихтиофлар иттифоқнинг мустаҳкамлашиига йўл бермади. Кутайба бундан усталик билан фойдаланди ва улар билан бирма-бир курашда ғалаба қозонди.

712 йили Кутайба ўзаро ички курашлардан фойдаланиб, хиёнаткорона тарзда Хоразмни ҳам бўйсундирди. Самарқанд подшоҳи Фурак (710-737) билан тузилган битим шартларига биноан Самарқанд ва Сўғдиёна ҳалқи арабларга ҳар йили 2 миллион 200 минг дирҳам миқдорида ўлпон тўлаш ва араб қўшинига 100 минг киши тўплаб беришга мажбур этилди. 713-715 йиллари Кутайба Чоч (Тошкент) ҳамда Фарғона вилоятларини, шунингдек Еттисув ва Кошғаргача бўлган ерларни босиб олди.

Араб истилоси Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий тарақ-қиётига катта зарап етказди, кўплаб катта ва бой шаҳарларнинг қули кўкка совурилди, минг-минглаб кишиларнинг “ёстиғи қуриди”, Марв, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм кутубхоналарида сақланаётган жуда кўп ноёб асарлар йўқ қилинди.

Араб истилочилари маҳаллий халқларни ҳам мажбуран ислом динига киритдилар, меҳнаткашлар зиммасига оғир солиқлар ва жарималар – хирож, жизя, закот юклатилди, аҳолининг ярим мулки араб қўшини фойдасига мусодара қилинди.

Ўзбекистон халқлари араб истилочилари зулмига қарши бир неча бор кўзғолон кўтардилар. VIII асрнинг ўрталарида бўлган Исҳоқ турк қўзғолони, 769-776 йилларда бутун Мовароуннаҳрни ларзага солган Муқанна (783 йили ўлдирилган) бошчилигига бўлиб ўтган кўзғолон, 806 йили Рафиъ ибн Лайс бошчилигига Сўғдда бўлиб ўтган дәҳқонлар қўзғолони шулар жумласидандир.

Араб халифалиги таркибига кирган халқларнинг иқтисодий ва маданий тараққиётидаги катта тафовут, уларнинг этник жиҳатдан бир хил эмаслиги, улар ўргасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг заифлиги, айниқса, ер-сув ва бойликнинг тобора маҳаллий бошлиқлар қўлида тўплана бориши ва ниҳоят, маҳаллий аҳоли ва босқинчилар ўргасидаги зиддиятларнинг тобора кучайиб бориши халқ ҳаракатлари ва ўзаро курашни кучайтириб юборди. Бу ҳол, ўз навбатида, араб халифалитгининг инқизозини тезлаштириди. IX асрнинг биринчи чорагида унинг заминида мустақил маҳаллий давлатлар пайдо бўлди. Масалан, Мисрда Тулунийлар (868), Табаристонда Алийлар (864), Хуросонда Тоҳирийлар (821), Сеистонда Саффорийлар (867) ва ниҳоят, Мовароуннаҳрда Сомонийлар (819) ҳокимият тепасига келдилар. Бошига ўлкаларда ҳам шундай аҳвол юз берди. Қисқаси, 935 йилдан бошлаб Аббосийлар халифаликда ўз сиёсий мавқеларини тамоман йўқотдилар ва номигагина халифа бўлиб қолдилар.

5.2. Қадимги Турк манбалари

Қадимги Турк манбалари орасида XVII асрда Сибирь ҳамда Мўғилистонда, Олтой ҳамда Ўзбекистонда топилган руний битиклар алоҳида қийматга эга. Бу ёзувларнинг етти гуруҳи – Лена – Байкалбўйи битиклари, Енисей, Мўғулистон, Олтой, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё битиклари маълум. Бу битиклар Ўзбекистон халқларининг араблар истилоси арафасидаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий ҳаётини ўрганишга ёрдам беради.

5.2.1. Енисей битиклари

Енисей битиклари машхур рус хариташунос олими С.У.Ремезов (такминан 1642-1720-й.) тарафидан XVII аср охирида Енисей ҳавзаси (ҳозирги Хакас автоном вилоятига қарайды) топилган. Ундан кейин бу ҳақда швециялик ҳарбий асир Ф.Страленберг (Табберт) маълумот беради. У Енисей ҳавзасидаги қабртошлардан тошга ўйиб ёзилган нотаниш ҳатларни топган. Бу ёзув ҳақидаги маълумотлар биринчи марта ўтган асрнинг биринчи чорагида “Сибирский вестник” журналида эълон қилинди. 1889 йили фин олимлари Енисейдан топилган ёзма ёдгорликлар ҳаритасини туздилар.

5.2.2. Мўғулистондан топилган битиклар

Мўғулистондан топилган битиклар орасида Тўнюқуқ, Кул тегин, Билга ҳоқон ва Онгин муҳим ўрин тутадилар.

Тўнюқуқ битиги Улан-Батордан 66 км жануби-шарқда, Баин Цокто манзилида жойлашган ва иккинчи турк ҳоқонлигининг асосчиси Элтариш ҳоқоннинг (681-691) маслаҳатчи саркарда Тўнюқуққа аталган ва 712-716 йиллари ёзилган. 1897 йили рус олими Д.А.Клеменц (1848-1914) ва унинг хотини Елизавета Клеменцлар тарафидан очилган, В.В.Радлов (1899), В.Томсен (1922), X.Шедер (1924), Д.Росс (1930) ҳамда Г.Айдаров (1971) тарафидан яхши ўрганилган ва матни немисча, данияча, инглизча ва русча таржималари билан чоп этилган. Обида F.A.Абдураҳмонов ҳамда А.Рустамов томонидан ўзбек тилига қисқача таржима қилинган (1982).

Кул тегин битиги Билга ҳоқоннинг (716-734) иниси Кул тегин (731-йили вафот этган) шарафига ёзилган. Мўғулистоннинг Кошо Цайдан водийсидан Кўкшин Ўрхун дарёси бўйидан рус археолог ва этнограф олими Н.М.Ядринцев (1842-1894) томонидан 1889 йили топилган.

Битик В.В.Радлов (1891), А.Хейкел (1892), В.Томсен (1896), П.М.Мелиоранский (1897), X.Шедер (1924), С.Е.Малов (1951), Г.Айдаров (1971) лар томонидан немисча, французча, русча таржималарда чоп этилган. F.A.Абдураҳмонов ва А.Рустамов томонидан ўзбек тилига қилинган қисқача таржимаси (1982) ҳам бор.

Билга ҳоқон битиги Кул тегин битиги топилган жойдан 1 км жануби-шарбда - Кўкшин Ўрхун дарёси ҳавзасида топилган. Бу обида 735 йили битилган. Уни В.В.Радлов, С.Е.Малов, П.М.Мелиоранский ва В.Томсен томонидан ўрганилган ва чоп этилган.

Онгин битиги Мўғулистоннинг Кошо Цайдан водийсидан топилган ва кимга аталганлиги аниқ маълум эмас. Баъзи фикрларга қараганда, юқорида тилга олинган Элтариш ҳоқон ва унинг хотини Элбийга хотун

шарафига қўйилган (735 й.), бошқа фикрга кўра Қопафон хоқонга (691-716-йй.), яна бир маълумотта (Ж.Клоссон) қараганды Билга хоқоннинг ҳарбий бошлиқларидан Алт Элетмиш (тахминан 731 йилда ўлган) шарафига қўйилган.

Обида 1892 йили В.В.Радлов тарафидан (эстомпажи) ва 1957 йили Ж.Клоссон томонидан (инглизча таржимаси ва тадқиқот билан) нашр қилингган.

Булардан ташқари, Қарабалсағун шаҳри (Улан-Батордан тахминан 400 км жанубда жойлашган қадимий шаҳар) харобаларидан, Хайто Тамир, Чўйрен, Бейшин-Удзур, Баян-Хўнгур ва бошқа жойлардан топилган ёзувлар ҳам муҳимдир.

Олтойдан топилган битиклардан Чориш, Катанди дарёлари, Қўшоғоч ҳамда тоғли ноҳияларидан топилган битикларни айтиб ўтиш мумкин. Булар Ўрхун-Енисей битикларидан фарқли ўлароқ, этнографик материалга бойдир. Олтойдан топилган ёзувлар П.М.Мелиоранский, Э.Р.-Тенишев, А.К.Боровков, К.Сейдакматов, В.М.Наделяев ҳамда Д.Д.Васильев томонидан эълон қилингган.

Шарқий Туркистондан топилган битиклар орасида Турфон воҳасидаги форларга жойлашган ибодатхона деворларига ёзилган битиклар алоҳида ўрин тутади. Битиклар В.Томсен тарафидан чоп қилингган.

Қозоғистон ҳамда Қирғизистонда топилган битиклар (асримизнинг 60-70- йилларида топилган) ҳали чуқур ўрганилмаган. Булар орасида Талас воҳасидан (Айритом, Тераксой, Қулоңсой, Толдиқўрон, Уржор, Сирдарё, Ила, Олма Ота, Толғар, Тинбас ва ҳоказо) топилган битиклар муҳим илмий аҳамият касб этади.

Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ҳудудидан топилган битикларнинг баъзилари С.Содиқов, М.Е.Массон, А.Н.Бернштам, А.С.Оманжолов, Г.Мусабоев, Ч. Жумагулов ҳамда Г.Қарағуловалар томонидан эълон қилингган.

Қадимий турк руник ёзувлари (асосан сопол идишларга ёзилган) Фарғона, Олой водийси ҳамда Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудидан, яъни Бекобод, Исфара, Марғилон, Фарғона, Андижон, Қувасой, Ўш, Ўзғанд, Коғирниҳон, шунингдек Сўғдан ҳам топилган ва А.Н.Бернштам, Б.А.Литвинский, В.А.Булатова, Э.Р.Тенишев, Ю.А.Заднепровский тарафидан ўрганилган.

Умуман, қадимий турк руник ёзувлари халқимиз тарихини ёритища жуда қимматли манбадир.

5.3. Хитой манбалари

Хитой манбалари ҳақида сўз бошлашдан олдин шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, улар ҳам хитой ҳукмдорларининг мақсад ва мағфатларини кўзлаб ёзилган, бошқа ҳалқларнинг тарихи кўп ҳолларда бир тарафлама ёритилган. Лекин, хитой манбаларида бўлиб ўтган воқеаларнинг вақти ва ўрни, бир-бирига қарши турган қўшинларнинг умумий сони аниқ кўрсатилади.

Қадимий Ўзбекистоннинг уэоқ ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда куйидаги хитой манбалари муҳим роль ўйнайди.

5.3.1. Ши Цзи

“Ши Цзи” (“Тарихий эсдаликлар”) хитой тарихшуносларининг отаси ҳисобланадиган Сима Цяньнинг 130 бобдан иборат асаридир.

Сима Цянь – (тахминан милоддан аввалги 145 ёки 135-86 йиллар) Лунминъ (ҳозирги Шэнси вилояти) шаҳрида сарой тарихчиси Сима Тхан оиласида туғилган, мамлакат бўйлаб кўп саёҳат қилган, отаси вафот этгандан (милоддан аввалги 108 или) кейин унинг ўрнига сарой тарихчи-си сифатида қабул қилинган. Милоддан аввалги 98 или императорга қарши чиқиб, саркарда Ли Линни ҳимоя қилгани учун қаттиқ жазога тортилиб (бичилган) саройдан қувиб юборилган. Лекин, у руҳий тушкунликка тушиб қолмади ва бўлажак тарихий китоби устидаги ишни давом эттириди. Кўп вақт ўтмай, Сима Цянь яна саройга таклиф этилди ва император Бош маҳкамаси бошлиғи этиб тайинланади, китобини ёзиб тамомлашга шароит яратиб берилди.

Унинг “Ши Цзи” номли асарида Хитойнинг қадим замонлардан то милоддан аввалги I аср бошларига қадар ўтган тарихи баён этилган. Асарда Ўзбекистон, унинг 123 бобида хусусан Фарғона ва унинг қадимий ҳалқи ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотлар мавжуд.

“Ши Цзи”нинг тўла матни олти жилд қилиб 1959 или Пекинда эълон этилган. Рус тилига таржима этилиб (И.Я.Бичурин, Л.С.Васильев, Л.С.Переломов, Ю.Л.Кроль ва бошқалар), 1972, 1975, 1984, 1986 йиллари чоп этилган. Э.Шаванн (1865-1905) томонидан француз тилига таржима қилиниб, 1895-1918 йиллари 5 жилдда босмадан чиққан.

5.3.2. Цянь Хань шу

“Цянь Хань шу” (“Аввалги Хань сулоласининг тарихи”) йирик тарихчи олим Бянь Гу (39-92) асаридир. Тарихчи Аньлин (Шэнси вилояти) шаҳрида Farбий Хань сулоласи (милоддан аввалги 206 – милоднинг 220 й.) хизматида турган йирик мансабдор ва тарихшунос оиласида туғилган, 47-55 йиллари Лоянда олий таълим олган, 58-82 йиллари ўз асарини ёзган.

“Цянь Хань шу”нинг 95-бобида Ўзбекистон (айниқса, кангли, юәчжи ва усуналар ҳақида) ва Шарқий Туркистоннинг қадимий тарихи, халқи ва унинг ҳаёти ҳақида кўп муҳим маълумотларни учратамиз.

“Цянь Хань шу” 1962 йили Пекинда 12 жилдда нашр қилинган. Инглизча таржимаси (Г.Дубс, Балтимор, 1938-1944) ҳам бор.

5.3.3. Хоу Хань шу

“Хоу Хань шу” (“Кейинги Хань сулоласи тарихи”) тарихчи Фань Хуа (398-445) асари. Олим аввалги Хань сулоласи (25-220)га хизмат қилган. Кичик давлат лавозимида турган ва 424 йили вилоят ҳокимлигига кўтариленган. Давлатга қарши исёнда қатнашгандикда айбланиб қатл этилган.

“Хоу Хань шу” Хитойнинг аввалги Хань сулоласи давридаги тарихни ўз ичига олган катта асар (130 бобдан иборат). Унда Ўзбекистон, Шарқий Туркистон ва Жунғориянинг 25-221 йиллар орасидаги тарихи ҳақида диққатга сазовор маълумотлар бор.

5.3.4. Бэй шу

“Бэй шу” (“Шимолий сулолалар тарихи”) 100 бобли асар бўлиб, Тань сулоласи (618-907) даврида яшаган йирик тарихчи Ли Янь-шоу (тахм. 595-678) қаламига мансуб. Унда Шимолий Хитойда Вэй (386-535), Ци (550-577), Чжоу (557-581) сулоласи ҳукмронлиги, яъни 386-581 йиллар тарихи баён этилган.

Асарда Ўзбекистон, хусусан Хоразм ҳамда Шарқий Туркистон ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз.

“Бэй шу”нинг матни 1958 йили Шанхайдаги чоп этилган.

5.3.5. Суй шу

“Суй шу” (“Суй хонадонининг тарихи”) Хитой тарихчилари жамоаси тарафидан ёзилган асар. Уни ёзишда Вэй Чжен (580-643) – Тань сулоласи даврида ўтган тарихчи, император Чжен-Гуань (626-650) даврида унинг ўғли ва тоҷу таҳт ворисига тарбиячи бўлган, Янь Ши-Гу ҳамда Кхун Ин-да билан биргаликда иштирок этиб, асарда Хитойнинг Суй сулоласи даврида, V-VI асрлардаги ижтимоий-сиёсий тарихи 85 бобда баён этилган. Китобнинг 55 боби 637 йили ёзиб тамомланган. Қолган 30 бобига эса 20 йил вақт кетган.

Асарда императорнинг иқтисодий сиёсати, қўшиннинг тузилиши, мамлакатнинг аҳволи, халқнинг урф-одатлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг 83-бобида Ўзбекистон ва Шарқий Туркистон ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотларни учратамиз. Кўп жилдли “Сулолалар тарихи” таркибида 9 жилд сифатида 1958 йили Шанхайдаги босилган.

5.3.6. Цзю Тань шу ва Синь Тань шу

“Цзю Тань шу” (“Тань сулоласининг эски тарихи”) император Жень-Цзун (1023-1063)нинг топшириги билан 940-945 йиллари ёзилган.

Оуян Сю (1007-1072) ва Сунь Ци (998-1061) 960-1279 йиллари ҳукмронлик қилган Сунь (Жанубий ва Шимолий Хитой) сулоласи тарихчила-ри 1043-1060 йиллари шу сулоланинг янги тарихи “Синь Тань шу” (“Тань сулоласининг янги тарихи”)ни ёзганлар. Ҳар иккала асар ҳам ўзига хос афзалликларида эга бўлиб, маълум даражада бир-бирини тўлдиради.

XVIII асрда тарихчи Шэнь Бин-чженъ ҳар иккала тарихни бир-бирига боғлаб, унга “Синь цзю Тань шу хечо” (“Тань сулоласининг бир-бири билан қўшилган янги ҳамда эски тарихи”) деб ном қўйди. Асарда 618-907 йиллар воқеалари баён этилган.

“Синь Тань шу”да Ўзбекистон жануби, Афғонистон, Эрон ҳамда Шарқий Туркистон ҳақида маълумотлар учрайди.

1958 йили кўп жилдли “Сулолалар тарихи”нинг 12 жилди сифатида Шанхайдаги чонг музейда чоп этилган.

5.4. Сўғд тилидаги манбалар

Сўғд тилидаги манбалар, асосан IV-X асрларга оид бўлиб, турли мазмундаги ҳуқуқий ҳужжатлар – аҳдномалар, никоҳ ҳақидаги шартномалар, олди-сотти ҳужжатлари, тилхатлар, Сўғд, Шош, Турк ва Фарғона ҳукмдорлари ўргасидаги ёзишмалар, хўжаликнинг кундалик фаолиятига оид ҳужжатлар, масалан, ҳаражатлар ёзилган ҳужжат ҳамда фармонлардан иборат.

Бу ҳужжатлар Сўғдиёнанинг ўзидан, Муғ қалъадан, Самарқандда Афросиёбдан, Қирғизистон ва Шарқий Туркистонда топилган.

Булар орасида Муғ қалъа ҳаробаларидан 1932 йили топилган ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга. Ҳужжатлар баҳорда Тоҷикистоннинг Варзиминор (ҳозирги Заҳматобод) туманига қарашли Хайробод қишлоғида шу туманинг собиқ биринчи раҳбари А.Пўлотий томонидан очилган. Ҳужжатлар жами 79 та бўлиб, булардан 74 таси сўғд, 1 дона араб, 3 таси хитой ва яна бири турк тилидадир. Улар турли материалларга – чармга, тахтага ва қоғозга ёзилган. Ҳужжатлар сўғд деҳқони, катта ер эгаси, подшоҳи Деваштич (708-722) ва йирик мансабдорлар – фрамандарнинг, шунингдек, Хоҳсар ҳамда Кштут деҳқонларининг шахсий архивига тегишли бўлиб, Сўғднинг VIII асрнинг биринчи чорагидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба ролини ўйнайди.

Муғ қалъасидан топилган ҳужжатлар А.А.Фрейман, А. В.Васильев, И.Ю.Крачковский, М.Н.Боголюбов, В.А.Лившиц, М.Исҳоқов, Ў.Н.Мансуров ҳамда О.И.Смирновалар тарафидан чуқур ўрганилган.

Муг қалъаси ҳужжатларининг топилиши тарихи ва улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1934 йили маҳсус тўплам шаклида (“Согдийский сборник”. Л., 1934) зълон қилинди. Айрим ҳужжатларнинг таржимаси И.Ю.Крачковский ва А.А.Фрейман томонидан 30-йилларида зълон қилинди. Ҳукуқий ҳужжатлар ва мактублар таржимаси, зарур изоҳ ва тадқиқотлар билан (Согдийские документы с горы Муг. Чтение, перевод, комментарий. Вып. II. 1962.) В.А.Лифшиц томонидан чоп қилинди.

1961 ва 1965 йиллари Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти ходимлари илмий сафар чоғида Самарқанднинг Афросиёбидаги V-VI асрларга оид сарой харобаларини очдилар. Сарой меҳмонхонасининг деворлари турли мазмундаги расмлар билан безатилган бўлиб, улар орасида оқ кийим кийган Чағониён элчисининг сурати ҳам бор. Унинг этагига сўғд тилида ўн олти сатрдан иборат ишонч ёрлифи ёзиб қўйилган эди. Бу ёзувлар VII аср ўрталаридағи ҳалқаро муносабатлар тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Самарқандда топилган ёзувлар IX асрга оид уч тилда сўғд, қадимги турк ва хитой тилида ёзилган турк хоқонининг қабр тошидаги битикдир.

Бундай ҳужжатлар сўғдийларнинг Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Шарқий Туркистандаги савдо колониядаридан ҳам топилган. Булар орасида, айниқса А.Стейн (1862-1943) тарафидан 1907 йили Дунъхуан (Хитойнинг Ганьсу вилоятида) ва Турфонда (Шарқий Туркистан) топилган ҳужжатлар, Талас дарёсининг ўнг соҳилида, ҳозирги Талас шаҳридан 7 км шимолда жойдашган Қулонсой ҳамда Тераксой дараларида қоя тошлиарга ўйиб битилган ёзувдар алоҳида эътиборга молик. Бу ёзувлар IV-XI асрларда Сўғд колонияларининг ижтимоий аҳволи ҳақида, айниқса Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалари ва бунда сўғдийларнинг роли ҳақида қимматли маълумот беради.

Дунъхуан ва Хўтан ҳужжатлари А.Стейн, Таласдан топилган ёзувлар эса В.А.Каллаур, М.Е.Массон, Д.Ф.Винник, А.А.Асаналиев, К.Аширалиев, У.Жумагуловлар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимиз тарихи, хусусан унда яшаган қадимий ҳалқлар тарихини ўрганишда, сўғд тилида ёзилган “Ҳалқлар рўйхати” деб аталган бир ҳужжат (VIII аср) ўта муҳимдир. Унда Ўрта Осиёда яшаган 21 ҳалқ ва элатнинг номи келтирилган.

5.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Сайдкулов Т.С. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тархнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

3. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-М.: Наука, 1987.
4. Ўзбекистон тарихи / Р.Х.Муртазаева таҳрири остида.-Тошкент, 2003.
5. Сайдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон тарихи манбалардан.-Тошкент, 1996.
6. Толстов С.П. Қадимги Хорзм маданиятини излаб.-Тошкент, 1964.
7. Беруни. Қадимги халқдардан қолган ёдгорликлар.-Тошкент, 1968.
8. Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь.-Ташкент, 1999.

5.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Қандай туркий тилдаги битикларни биласиз?
2. Қайси Хитой манбаларида VI-VIII аср Ўзбекистон тарихи ёритилган?
3. Муғ қалъасидан топилган Сўрд тилидаги ҳужокатларнинг илмий аҳамияти нимада?
4. Сўрд тилидаги манбаларни кимлар ўрганганд?
5. Туркий тилдаги битикларни кимлар ўрганганд?

6 – мавзу. Ислом манбашунослиги асослари

Дарс мазмуни: Исломий манбаларнинг юзага келиш тарихи, тафсир, ҳадис илми, исломий манбаларнинг тарих фанини ўрганишдаги аҳамияти очиб берилади.

Режа:

- 6.1. Қуръон ва қуръоншунослик.
- 6.2. Ҳадис ва муҳаддислар.
- 6.3. Тафсир илми.
- 6.4. Исломшунослик.
- 6.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 6.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Қуръон, сура, оят, ҳадис, тафсир, қисса, ривоят, пайгамбар, саҳоба, халифа, халифаи рошидин, сияр шариф, имом, сунний, шиа, ҳанафий, мазҳаб, жузъя.

Маълумки, қадим араб тилидаги ёзма ёдгорликлар Арабистон ва Суряянинг жанубидаги қоятошларга эрамизнинг I асрлари атрофида битилган битик тошлардан иборатdir. Жоҳиля даври V-VII асрлар шеърияти ҳам оғзаки тарзда ривожлана бориб, VIII-X асрларга келибгина хатга туширилди. Ёзма адабиёт арабларда VIII асрдан юзага келди.

6.1. Қуръон ва қуръоншунослик

Қуръон 114 та сурадан иборат бўлиб, дастлабки – сураи фотиҳани ҳисобга олинмагандага энг узун суралардан бошланиб, у ёғига қисқара боради ва кам оятли суралар билан якунланади. Қуръон китоб ҳолига келгач, у кўплаб нусхада кўчирила бошланди. Шу билан бирга халқ маънавий эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган бошқа илмлар юзасидан ёзиладиган китобларга ҳам йўл очилди. Масжид ва мадрасаларда, саройларда китоб хазиналари юзага келди. Исломгacha бўлган давр адабий, тарихий ва илмий манбалари бир сидра кўриб чиқилди.

6.2. Ҳадис ва муҳаддислар

Маълумки, ҳадислар ислом оламида Қуръондан кейин иккинчи муқаддас манба ҳисобланиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларига ўз таъсирини кўрсатган. Муҳаддислик (ҳадис йифиш анъаналари) Расулуллоҳ ҳаёт вақтларида ёт юзага келган. Ҳимом ибн Муннабихнинг (вфт. 101ҳ.) «Саҳийфа» асари энг қадимги ҳадис ҳисобланади. У 138 та ҳадисдан иборат бўлган. Бу асарнинг VII аср ҳижрийда кўчирилган нусхаси сақланиб қолган. Исломшунос олим У.Уватовнинг хабар беришича, китоб шаклида, расмий равиша ёзилган биринчи ҳадис китоби хижозлик олим Ибн Шиҳоб аз-Захрий (вфт. 124 ҳ.) қаламига мансуб. Бу тўплам халифа Умар кўрсатмаси билан юзага келган. Умуман, халифа Умар мадиналикларга ҳам худди шундай топшириқлар берган. Ҳижрийнинг иккинчи асрида яратилган ҳадис тўпламлари ичida Молик ибн Анаснинг «Муватта» номли китоби алоҳида қадрланади. Шуни ҳам айтиш керакки, бу асрдан кўплаб нуқсонли ҳадислар, улар қаторида ҳатто сохта ҳадислар ҳам тарқаб кетди.

6.3. Тафсир илми

Ислом дини турли тилларда сўзлашувчи халқлар ўргасида кенг ёйилган бўлса-да, Қуръонни таржима қилиш таъқиқланган, фақат тафсир қилиш (айнан изоҳлаш) анъанага айланган эди.

Маълумки, бирор матннинг маъносини ечиш, шарҳлаш, изоҳлаш тафсир дейилади. Диний маънода Қуръон оятларини изоҳлаш ва шу тўғрисида ёзилган китоб тафсир дейилган. Тафсирда, одатда ҳар бир сура ёки оятнинг қайси ерда нозил бўлгани, сурада нечта оят борлиги ва нималар хусусида гап кетиши, нозил бўлиш сабаблари батафсил ёритилади. Ислом дини тарихида ва қўлёзма фондларимизда форс, турк, урду ва бошқа тилларда бундай тафсирлар жуда кўп. Аммо, улардан тўққизтаси – Тафсири Табарий, Тафсири Саолибий, Тафсири Замахшарий, Тафсири Байзович, Тафсири Фахриддин Розий, Тафсири Жалолайн (икки Жалол) –

суннийликда; Тафсири Табарий, Тафсири Ҳиллий, Тафсири Ҳусайнинй – шиаликда тан олинган ва кенг тарқалган. Марказий Осиё минтақасида кўпроқ Куръоннинг татар тилида қилинган тафсирлари тарқалган эди. Сўнгти пайтларда ўзбек тилида яратилган тафсирлардан Муҳаммад Содикнинг «Тафсири ҳилол» (Т.: Мовароуннаҳр, 1991) ини мисол тариқасида келтириш мумкин.

6.4. Исломшунослик

VII асрда пайдо бўлган ислом дини тез орада улкан ҳудудга тарқалди. Араб халифалиги ташкил бўлгач, бу давлат таркибига кирувчи мамлакатлар, ҳалқлар таріҳи, маданиятига жуда катта таъсир ўтказди. Бизнинг мақсадимиз ислом манбашунослиги асослари Куръон, Ҳадис ва тафсирлар тарих илми, манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганишдир. Чунки, ҳалқимиз ҳаётида XX аср бошлирагача, ҳатто бугунги кунда ҳам эътиқод масалаларида мусулмончиллик қонун-қоидалари амал қилиб келмоқда. Бундан ташқари аксарият ёзма манбалар ислом манбашунослиги қонун, қоидаларига биноан яратилган. Мана шунинг учун ҳам тарихчи педагоглар исломий манба асарларини яхши билиши ва ўз педагогик фаoliyatlariда фойдаланиши лозим. Манбашунослик фанида, талаба диншунослик фанида олган билимларини янада чукурлаштириши назарда тутилади.

6.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислам. Справочник.-М., 1969.
2. Имом Бухорий. Жами-ас-Саҳиҳ. 4-жилдлик -Тошкент, 1991.
3. Муҳаммад Содик. Тафсири Ҳилол.-Тошкент, 1991.
4. Ислам. Энциклопедический словарь.-М.: Наука, 1991.
5. Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.-Тошкент, 1992.

6.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Куръонда қандай тарихий маълумотлар мавжуд?
2. Тарихий манбаларда Куръондан қайси ўринларда фойдаланилган?
3. Ҳадисларнинг тарихий аҳамияти нимада?
4. Тафсир деганда нимани тушунасиз?
5. Исломнинг жамиятимиз тарихида тутган ўрни қандай?

7 - мавзуу. IX-XII асрлар тарихига оид манбалар

Дарснинг мазмуни: Ушбу дарсда талабаларга IX-XII асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ва бу даврда яратилган араб, форс ва туркий тилдаги асосий тарихий манбалар ва уланинг умумий хусусиятлари тўғрисида тасаввур берилади.

Режа:

- 7.1. Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар.
- 7.2. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар.
- 7.3. Араб тилида ёзилган манбалар.
- 7.4. Араб тилидаги манбаларнинг хусусиятлари
- 7.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 7.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Сомонийлар, Қорахонийлар, Фазнавийлар, Бувайҳийлар, Зиёрийлар, қорахитойлар, Хоразмшоҳлар.

7.1. Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар

Бағдод халифалигининг собиқ ҳудудида ташкил топган энг йирик давлатлардан бири Сомонийлар давлати (819-999) эди. Унга Нуҳ ибн Асад (819-842) асос солди. Бу давлат, айниқса X асрнинг биринчи ярмида – Исмоил ибн Аҳмад давридан (892-907) бошлаб кучайди. Сомонийлар Мовароуннаҳр, Хурросон, Эрон, ҳозирги Афғонистоннинг катта қисми, шунингдек, Тошкент, Туркистон ва Испижоб (Сайрам) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар.

Сомонийлар йирик ер эгалари, нуфузли руҳонийлар ҳамда йирик савдогарларнинг кўмагига таяниб, феодал тарқоқлик ва ички урушларга, Ила водийсида ва Сирдарё бўйларида кўчиб юрган қорлиқларнинг Мовароуннаҳрнинг ички туманлари устига қилиб турган хуружларига барҳам бердилар (893). Бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига йўл очди.

Бу сулола даврида марказий давлат бошқаруви бирмунча такомиллашди. Амир давлатни ўнта муассасаси (девон): *девони вазир* (Бош маҳкамаси), *девони муставфий* (молия ишлари маҳкамаси), *девони омид улмулк* (иншо ва элчилик идораси), *девони соҳиб шурат* (амир гвардияси ишлари билан шуғулланувчи идора)¹⁷, *девони соҳиб барид* (почта ишлари маҳкамаси), *девони мушриф* (ўзига хос давлат хавфсизлиги идораси), *девон ад-дия* (амирнинг ер-мulkини бошқарувчи идора), *девони мухтасиб* (шариат ишлари маҳкамаси), *девони вақф* (вақф ишларини назорат қилувчи идора), *девони қуззот* (қозилик маҳкамаси) ёрдамида бошқарган. Лекин, давлатни бошқаришда турк амирларининг роли жуда катта бўлди.

Сомонийлар даврида ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди. Буни Бухоро, Самарқанд, Марв, Балх, Фазни, Ҳирот ва Тошкент каби

¹⁷ Амир гвардияси турк ғуломларидан ташкил топган ва давлатни идора қилишда катта роль ўйнаган.

йирик, тарақкий этган шаҳарлар мисолида кўрамиз. Бу давлатнинг Ҳазар хоқонлиги, Булғор хонлиги, Русь ва Хитой билан иқтисодий-маданий алоқалари бирмунча ривож топди.

Бу давр илм-фан ва маданиятнинг ўрга аср шароитида бениҳоят ривожланган даври ҳисобланади. Рудакий, Дақиқий, Фирдавсий сингари улкан шоирлар, Фаробий, Беруний, Ибн Синодек алломалар етишиб чиқдилар.

Катта ер эгалиги муносабатларининг ривожланиши, маҳаллий ер эгалари билан бюрократик аппарат, катта ер эгалари билан ижарачи деҳқонлар ўртасидаги зиддиятлар натижасида ўзаро феодал кураш ва йирик ер эгаларининг айрмачилик-ажралиб чиқишига бўлган ҳаракати кучайиб кетди.

Х аср охирларига келиб феодал тарқоқлик янада кучайди. Ҳамадон, Исфаҳон ва Райда Буваҳийлар, Табаристон ва Журжонда Зиёрийлар мустақилликка эришдилар. 962 йилда Сомонийларнинг Фазнидаги ноиби Алптакин ҳам мустақиллик эълон қилди. Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар, шунингдек, Чагониён ва Хоразм ҳам Сомонийларга итоат этишдан бош тортдилар.

Мамлакатда юз берган ижтимоий-сиёсий парокандалиқдан Қораҳонийлар усталик билан фойдаландилар. Улар 996 йили Зарафшоннинг шимолий тарафидаги барча ерларни, 999 йили эса Бухорони ишғол этиб, Сомонийлар ҳукмронлигига барҳам бердилар.

Қораҳонийлар (Х асрнинг 90-йилларида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тяньшанинг жанубий қисмида ташкил топган феодал давлатга асос солган сулола) 996-999 йиллари Наср ибн Али (1012 йили вафот этган) бошчилигига бутун Мовароуннаҳрни эгаллади. Фақат Сомонийлар лашкарбошиси Абу Иброҳим Исмоил (Мунтасир) 1001 йилгача Қароҳонийлар билан курашди, лекин улардан устун келолмади.

Наср ибн Алидан кейин Мовароуннаҳрни Илигхон Али такин(1034 йилнинг кузида вафот этган) идора қилди. 1025 йили Кошғар хони Қодирхон (Тамғочхон) билан Маҳмуд Фазнавий (998-1030 йй.) биргалиқда Мовароуннаҳр устига юриш бошладилар. Али такин Бухоро ва Самарқандни қолдирив чўлга чекинишга мажбур бўлди. Иттифоқчилар Мовароуннаҳрда ўзларининг ҳарбий-сиёсий мавқеларини мустаҳкамлай олмадилар ва уни ташлаб чиқишига мажбур бўлдилар.

1032 йили Хоразм ҳукмдори Олгинтош (1017-1032) ҳам уриниб кўрди, лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетди. Тарихий манбалар, масалан, Абулфазл Байҳақий берган маълумотларга қараганда, Али такиндан кейин таҳминан 1040 йилга қадар унинг ўғиллари ҳукмронлик қилдилар. Улардан кейин 1060 йилгача Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср ҳукм юритган. У

Қорахонийлар пойтахтини Ўзганддан (Фарғона водийсидан) Самарқандга кўчириб олиб келди. Унинг вафотидан кейин ўғиллари ўртасида таҳт учун кураш бошланди. Бу курашда Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Насрнинг Шамс ул-мулк Наср исмли ўғли ролиб чиқди.

Шамс ул-мулк Наср даврида (1068-1080) Қорахонийлар ва Салжукийлар ўртасида Термиз ва Балх учун кураш кучайди. Бунинг устига Тамғочхон Қодир Юсуф ва унинг ўғиллари унга қарши кураш бошладилар ва Сирдарёнинг шимолий соҳилидаги ерларни ҳамда Фарғонани ундан тортиб олдилар.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср ва унинг авлоди билан мусулмон руҳонийлари ўртасидаги зиддиятлар Шамс ул-мулкнинг таҳт ворислари Хидир ва Аҳмад (1081-1089) даврида бениҳоят кучайди. Салжукий Малик-шоҳ I 1089 йили Мовароуннаҳрга қўшин тортиб, Бухоро ва Самарқандни забт этди. Лекин, Салжукийлар тез орада сулҳ тузиб, Мовароуннаҳрдан чиқиб кетишига мажбур бўлдилар. Султон Санжар даврида (1118-1157), 1130 йилдан бошлаб, Қорахонийлар унга тобе бўлиб қолдилар. Мамлакатда сиёсий тарқоқлик кучайди – вилоят ва ўлкаларнинг кўпчилиги мустақиллик эълон қилди. Ана шундай мустақил вилоятлардан бири Бухоро бўлиб, бу ерда ҳокимиёт Садрлар (Бурҳонийлар) деб аталувчи руҳонийлар сулоласи (1130-1207) қўлига ўтди.

Қорахонийлар инқирозга юз туттган ва Мовароуннаҳр тарқоқлик исказнисига тушиб қолган пайтда, унинг шимоли-шарқий ва гарбий тарафида икки йирик ҳарбий сиёсий куч пайдо бўлди. Булардан бири қорахитойлар бўлиб (этник таркиби аниқланмаган), баъзи маълумотларга кўра, уларнинг асли тунгус, айрим олимларнинг фикрича мўғул эди. Улар XII аср бошларида дастлаб Чуғучак, кейинчалик Болосоғун шаҳри билан бирга бутун Еттисув воҳасини ишғол қилдилар. Қорахитойларнинг олий ҳукмдори гурхон деб аталган. Яна бир йирик ҳарбий сиёсий куч Хоразмда шаклланди. Илгари Салжукийларга тобе бўлган Хоразм 1127 йили мустақилликка эришиди.

XII асрнинг 30-йиллари бошларидан қорахитойларнинг Мовароуннаҳрга талончилик хуружлари бошланди. Улар Шош ва Фарғона билан кифояланиб қолмай, Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳаларига ҳам кириб бордилар. Қорахитойлар 1138 йили Самарқанд хони Қорахоний Маҳмудхонни (1132-1141) тор-мор келтирдилар ва катта ўлпон олиб, Еттисувга қайтиб кетдилар. 1141 йили улар Самарқандга яқин Катавон деган жойда Маҳмудхон ва Султон Санжарнинг бирлашган кучларини тор-мор келтириб, Самарқанд, сўнгра Бухорони эгалладилар. Лекин, улар Еттисувдан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтмадилар, балки ҳар йили ўлпон олиб туриш билан кифояландилар.

Хоразмнинг мустақилликка эришуви Хоразмшоҳ Отсиз (1127-1156) номи билан боғлиқ. У қисқа вақт ичида Сирдарёнинг қуий оқимида жойлашган Жанд шаҳрини ва Мингқишлоқни эгаллади. Султон Санжар Хоразмни яна бўйсундиришга ҳаракат қилди, лекин бунга эриша олмади. Эл Асрлон (1156-1172) ва Султон Такаш (1172-1200) вақтида Хоразмшоҳлар давлати бирмунча мустаҳкамланди. Хоразмшоҳлар 1156-1192 йиллар орасида Ҳинд дарёсидан Ироққача бўлган ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлдилар. Хоразмшоҳ Муҳаммад (1200-1220) давлати ҳудудини жуда кенгайтирди. 1206 ва 1212 йилларда Бухоро ва Самарқандни босиб олди, 1210 йили эса Еттисувда Гурхон қўшинларига қақшатқич зарба берди ва бу билан қораҳитойларнинг Мовароуннаҳрга бўлган даъволарига чек қўйди. Аммо, бу улкан давлат марказлашган ва мустаҳкам эмас эди. Шунинг учун ҳам у мўгулларнинг кучли зарбасига дош беролмади.

Қораҳонийлар даврида давлат тегасида хон (манбаларда Томғочхон) турган ва у расман олий ҳукмдор ҳисобланган, аслида эса номигагина шундай бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда улус ҳокимларининг, манбаларда улар илигхон аталган, тутган мавқеи кучли бўлган. Улардан айримлари мустақил сиёsat юритганлар. Фарғона (маркази Ўзганд) ҳамда Мовароуннаҳр (маркази Самарқанд) илигхонлари шулар жумласидандир. Қораҳонийлар давдат тузулмаси ҳақида маълумот кам. Лекин вазир, соҳиб барид, муставфий аталмиш лавозимларнинг мавжуд бўлишига қараганда, улар даврида ҳам Сомонийлар давлати идоралари сақланган кўринади.

XI асрдан бошлиб Ўзбекистонда ерга эгалик қилишнинг янги шакли – иктоъ, тожу таҳт олдидаги кўрсатган хизматлари учун шаҳзода ва хонзодалар, амир ва мансабдорларга инъом тариқасида бериладиган ер-сув, тараққий эта бошлади.

Қораҳитойлар босиб олинган ерлардан ўлпон йиғиб олиш (ҳар бир хонадондан бир динор миқдорида) билан кифоялландилар.

Меҳнаткаш ҳалқнинг аҳволи оғир эди. У икки томонлама, маҳаллий ирик ер эгалари ва хорижлик босқинчилар зулми остида қолди, мунтазам равишда хирож ҳамда бошқа солиқ ва жарималар тўлаб туришга, давлат, хон ва ирик ер эгаларининг шахсий қурилишларида текинга ишлаб беришга мажбур эдилар.

Бу даврда чет эл босқинчиларига қарши ҳалқ қўзғолонлари ҳам бўлди. Масалан, 1206 йили Бухорода ва 1212 йили Самарқандда бўлиб ўтган косиблар қўзғолонлари шулар жумласидандир.

X-XII асрларда Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт бирмунча ривож топти, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Марв, Гурганж каби шаҳарлар кенгайди, ривожланди. Бу даврда Абу Райҳон Беруний (973-1048),

Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Бакр Мұҳаммад ибн Жағфар Наршайх (Х аср), Маҳмуд Кошғарий (таксинан 1029-1038 йиллар орасыда туғилған) каби забардаст олимлар, Үнсурый, Амъоқ Бухорий, Сүзаний Самарқандий, Низомий Арузий Самарқандий, Юсуф Хос Хожиб Боласоғуний каби ажойиб шоирлар ва адиллар етишиб чиқдилар. Мамлакатимизда күплөб масжид, мадраса, карвонсаройлар, баланд миноралар ва бошқа монументал бино ва иншоотлар барпо этилди. Ҳазора тумандаги (Бухоро) Дегтарон масжида, ўша атрофдаги Работи малик карвонсаройи (XI аср), Бухородаги масжида калон (1127 йили қурилиб битказилған), Вобкентдаги минора (1198-1199- йиллари қурилған), Шоҳи зинда ва Афросиёбдаги (Самарқанд) айрим бинолар, Хоразмдаги Бўрон қалъа, Ноиб қалъа ва Фахриддин Розий мақбараси (XII аср), шунингдек, ҳозирги Қирғизистон ва Туркманистон ўрнида қурилған бино ва иншоотлар шулар жумдасидандир.

7.2. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар

Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини ўрганишда илмий текшириш институтларининг кутубхоналарида, давлат тарих архивида, ўлкашунослик музейларида сақланған расмий ҳужжат ва ёзишмаларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Лекин уларни топиш, ўрганиш ва ўз ўрнида фойдаланиш ўта қийин бўлиб, тадқиқотчидан чуқур билим, маҳсус малака, қунт ва сабот-матонат талаб қилинади.

Ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам, жамиятда катта нуфузга эга бўлган шахслар ўртасида олиб борилған ёзишмаларни ҳам бир ердан, аниқроғи бир ёки икки асар ичидан, бир музей, архив ва фондидан топиб бўлмайди. Уларни барча музей, архив ва фонdlар ичидан, кўлёзма китоб ва чоп этилган асарлардан қидириб топиш мумкин.

Ҳуқуқий ҳужжатлар – подшоҳ ва хонларнинг фармонлари, ёрлиқлари, иноятномалар, раҳномалар, васиқалар, вақғномалар ва бошқалар Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейларида, маҳсус илмий текшириш институтлари ва университетларнинг кутубхоналарида, шунингдек, Давлат тарих архивларида ҳамда шахсий мажмуаларда сақланади. Аммо IX-XII асрга оид ҳужжатлар ҳали алоҳида тўпланиб ўрганилганича йўқ.

Бу даврда маҳсус котиб ёки дабирликка қанча катта эътибор берилгани Низомий Арузий Самарқандийнинг “Тўрт мақола” асарида баён этилиб, айрим мактублар намуналари келтирилған. Мусулмончилик ҳужжатлари Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида кейинча ўзининг расмий тавсифини топди.

7.3. Араб тилида ёзилган манбалар

Ўзбекистоннинг VII аср охиридан бошлаб, XII асрдагача бўлган тарихи кўпроқ ва деярли араб тилидаги ёзма манбаларда ёритилган ва бу анъана кейинча ҳам Темурийлар давригача давом этган. Бу даврда юртимиз аввал араб халифалиги таркибида, сўнгра Сомонийлар, Қорахонийлар, Фазнавийлар, Хоразмшоҳлар давлатларини бошдан кечирди. Араб тилида ватанимиз тарихига оид ёзма манбаларни муаллифларнинг келиб чиқишига қараб, икки гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ - араб тилида ижод этган юртимиздан чиқкан тарихчи ва олимлар. Булар Мұхаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Сайд Самъоний, Шаҳобуддин Мұхаммад Нисовий ва бошқалардир. Ушбу муаррихлар асарларида она-Ватанга муҳаббат алоҳида намоён бўлади. Бу, айниқса Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия” асарида халқимиз қадимги маданияти тўғрисидаги маълумотларида алоҳида кўзга тапланади.

Иккинчи гуруҳ - хорижлик олимлардан иборат бўлиб, улар яратган араб тилидаги асарларида юртимиз тарихи, маданияти, сиёсий-ижтимоий ҳаёти ёритилган. Ушбу муаллифларнинг энг йириклари Абулҳасан Мадоиний (ваф. 840), Абулабbos ал-Яъқубий (IX аср), Абубакр ал-Балазурый, Ибн Хурдодбех (820-тахм.913), Абу Жаъфар Табарий (839-923), Исҳоқ ал-Истаҳрий (850-934) ва бошқалардир.

Мазкур муаррихлар юртимиз ҳудудини умуммусулмон олами, араб халифалиги бир қисми сифатида ёритганлар. Улар, асосан араб халифалигини икки қисмга, яъни араб ва ажам - файри арабга ажратиб ўрганар эдилар. Араблар томонидан юртимизга берилган ном Мовароуннаҳр – дарёнинг у ёғидаги мамлакат мазмунини билдирувчи жуғрофий ном бизгача етиб келган бўлиб, асосан араб муаллифлари асарларида истифода этилади.

Кўйида араб тилида битилган энг муҳим манбалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида ихчам маълумот келтирилади. (Ушбу маълумотлардан маърузачи ўз хоҳишига биноан танлаб фойдаланиши мумкин.)

7.3.1. Китоб ат-тарих

Ушбу араб тилида битилган қимматли асар муаллифи буюк математик Мұхаммад Мусо ал-Хоразмий(VIII аср охири – IX аср биринчи ярми)дир. Биз уни биринчи ўртаосиёлик тарихчи олим деб атасимиз мумкин. Чунки, ал-Хоразмий биринчилардан бўлиб ўзининг “Китоб ат-тарих” (“Тарих китоби”) асарини ёзган. Аммо, ушбу асар бизгача мукаммал ҳолида етиб келган бўлмаса-да, ундан олинган парчаларни сўнгги давр тарихчилари Ибн ан-Надим, ал-Масъудий, ат-Табарий, Ҳамза ал-Исфаҳонийлар

ўз асарларида келтирадилар. Бу китобни Абу Райҳон Беруний ўзининг “Осор ул-боқия” асарида ҳам эслатади. Мазкур асар халифалик тарихига оид маълумотлардан иборат бўлган.

7.3.2. Китоб сурат ал-ард

Мазкур асар ҳам ал-Хоразмий томонидан яратилган бўлиб, юонон олими Птоломейнинг жуғрофияга оид китобини араб тилига таржима қилган ва уни ўзининг янги маълумотлари билан бойитган. “Китоби сурат ал-ард” (“Ер тасвири китоби”) асарида Каспий денгизи ёки Хоразм денгизи ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ушбу тарихий жуғрофияга оид асардаги Ўрта Осиёга оид маълумотлар катта илмий аҳамиятга эга. Китобнинг 937 мелодий, ҳижрий 428 йили кўчирилган мўътабар қўллөзмаси биззача етиб келган бўлиб, унга турли хариталар чизиб, илова қилинган. Ушбу мўътабар қўллөзма матни 1926 йили шарқшунос Ҳ.М.Мжик томонидан Лейпцигда нашр қилинган. Китобни ўзбек тилига А.Аҳмедов таржима қилиб, илмий шарҳлар билан 1983 йили чоп этган.

7.3.3. Китоб ал-мағозий

Китоб муаллифи Мадоиний Абулҳасан Али ибн Муҳаммад (ваф. 840) Арабистон, Хурросон ва Мовароуннаҳрнинг VII-VIII аср бошларидағи ижтимоий-сиёсий тарихига оид икки юздан зиёд асар ёзган йирик араб тарихчи олимидир. “Ахбор ал-хулафо” (“Халифалар ҳақида хабарлар”), “Китоб ал-мағозий” (“Урушлар ҳақида китоб”), “Китоб футуҳ аш-Шом” (“Шомнинг босиб олиниши ҳақида китоб”), “Тарих ал-булдон” (“Мамлакатлар тарихи”) ана шу асарлар жумласидандир.

“Китоб ал-мағозий” Эрон, Афғонистон ва Ўзбекистоннинг араблар истилоси ва VIII асрнинг биринчي ярмидаги сиёсий тарихи бўйича муҳим манбалардан ҳисобланади. Муаллифнинг тарихий асарлари биззача етиб келмаган, лекин айрим парчалари Балазурий ва Табарий асарларида сақланиб қолган.

7.3.4. Китоб ал-булдон

Асар ижодкори ал-Яъқубий IX асрда ўтган йирик географ тарихчи олимдир. Исми Абулаббос Аҳмад ибн Абу Яъқуб ибн Жаъфар ибн Ваҳб ибн Вадиҳ ал-Котиб ал-Аббосий бўлиб, у йирик мансабдор хонадонига мансубдур. Ал-Яъқубий Бағдодда туғилди, лекин умрининг кўп қисмини Арманистон, Хурросон, Фаластин, Миср ва Мағрибда ўтказди.

Ал-Яъқубийнинг икки йирик ва муҳим асари бизнинг замонамизгача етиб келган. Бири “Китоб ал-булдон” (“Мамлакатлар ҳақида китоб”), иккинчиси эса “Тарих” номи билан машҳурдир.

“Китоб ал-булдон” (тахминан 891 йилда ёзилган) тўрт қисмдан иборат. Асарда араблар қўл остидаги мамлакатларнинг географик ҳолати, йирик шаҳарлар ва қальъалари, аҳолиси ва унинг асосий машғулоти, урфодатлари, ўша мамлакатдан олинадиган хирожнинг умумий миқдори ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Ушбу асарнинг икки мўътабар қўлёзмаси Фарбий Германия кутубхоналарида сақланмоқда. Китобнинг арабча матни голландиялик машҳур шарқшунос М. де Гуе (1836-1909) томонидан 1892 йили Лейденда чоп этилган.

Ал-Яъқубийнинг иккинчи асари “Тарих” умумий тарих типида ёзилган бўлиб, Шарқ мамлакатлари, шунингдек Ўрта Осиёning VII-IX асрлардаги тарихи бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, Одам Атодан исломгача бўлган ва мусулмон мамлакатлари тарихлари, яъни ўша мамлакатларда 873 йилгача содир бўлган воқеалар баён этилган.

“Тарих”нинг арабча матни 1883 йили голландиялик олим М.Т.Хаутсма (1851-1943 й.) томонидан ченг этилган.

7.3.5. Китоб футуҳ ал-булдон

“Китоб футуҳ ал-булдон” (“Мамлакатларнинг забт этилиши”) IX асрда ўтган йирик географ ва тарихчи олими Балазурӣ (ваф. 892)нинг асари дир. Муарриҳ Мадоинийнинг шогирди бўлиб, унинг тўлиқ исми Абубакр Аҳмад ибн Яхъё Жабир ал-Балазурӣ, асли эронлик Аббосийлардан ал-Мутаваккил (847-861) ва ал-Мустаъин (862-866) саройида тарбиячи бўлиб хизмат қилган.

Балазурӣ икки йирик асар “Китоб футуҳ ал-булдон” ва “Китоб ал-ансоб аш-шариф” (“Шарофатли кишиларнинг насаблари ҳақида китоб” нинг муаллифи дир.

“Китоб футуҳ ал-булдон” араб истилолари тарихи бўйича энг яхши асарлардан бири ҳисобланади. Фақат шу асарда арабларнинг халифа Усмон (644-656) ва унинг Хуросондаги ноиби Абдуллоҳ ибн Амр даврида Мовароуннаҳрга бир неча бор бостириб кирганликлари ва Маймурғни (Самарқанд туманларидан бири) талаб қайтганликлари ҳақида маълумот бор.

Асарда араблар асоратига тушиб қолган мамлакатлар, уларнинг диққатга сазовор шаҳарлари ва осори-атиқалари, халқи, пул муомаласи, ундириладиган солиқлар, шунингдек араб тилининг жорий қилиниши ҳақида ҳам қимматли маълумотларни учратамиз.

“Китоб футуҳ ал-булдон”нинг қисқартирилган таҳрири етиб келган, холос. Арабча матни де Гуе тарафидан 1866 йили Лейденда чоп этилган.

Унинг инглизча таржимаси (таржимонлар Хитти ва Мурготтен) ҳам бор. Балазурийнинг ушбу асарининг тўлиқ нусхаси Ёкут ва Ибн ал-Асир асарлари учун манбалардан бири бўлиб хизмат қилган.

7.3.6. Китоб ул-хирож

“Китоб ул-хирож” (“Хирож солиғи ҳақида китоб”) асарининг муаллифи Абу Юсуф Яъқубдир (731-798). Бу қонуншунос олимнинг тўлиқ исми Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Куфийдир. У, асли Шомнинг Куфа шаҳридан, имом Абу Ҳанифанинг (699-767) шогирди, Аббосийлардан ал-Маҳдий (775-785) ва Хорун ар-Рашид (786-809) даврида Бағдод қозиси бўлган.

“Китоб ул-хирож” асарида Араб халифалигининг VII-VIII асрлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, хусусан ер эгалиги ва ундан фойдаланиш каби ижтимоий масалаларни ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Халифа Хорун ар-Рашиднинг топшириғи билан ёзилган бу асарда ўрта асрларда аҳолидан йигиладиган асосий солиқ - хирож, унинг турлари ва миқдори, тўлаш тартиби баён этилган. Бундан ташқари феодал мулкчилик, хусусан корандалик тартиби, йирик ер эгаларининг шахсий хўжаликларида қўл меҳнатидан фойдаланиш ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Асарнинг арабча матни 1884 йилда Мисрнинг Булоқ шаҳрида чоп қилинган. Уни Е.Фанъян французчага таржима қилган.

7.3.7. Китоб ахбор ул-булдон

Ибн ал-Фақиҳ “Китоб ахбор ул-булдон” (“Мамлакатлар ҳақида хабарлар”) асари билан машҳур бўлган тарихчи олим. Унинг тўлиқ исми Абубакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳамадонийдир. Ушбу асаридан (таксминан 903 йили ёзилган) маълум бўлишича, у халифалардан ал-Мўътадид (892-902) ва ал-Муқтафий (902-908) лар билан замондош бўлган. “Китоб ал-фиҳрист” муаллифининг сўзларига қараганда Ибн ал-Фақиҳ ўз замонасининг атоқли адилларидан бўлиб, нақл-ривоят ва адабиётни яхши билган.

“Китоб ахбор ул-булдон” асари сиёsat, тарих ва маданий ҳаётга оид материалларга бойдир. Ибн ал-Фақиҳнинг айниқса йирик шаҳарлар, Балх, Самарқанд ва бошқалар ҳақида келтирган маълумотлари ниҳоятда қимматлидир.

“Китоб ахбор ул-булдон”нинг Али ибн Жаъфар аш-Шайзорий тарафидан бажарилган (1022) қисқа таҳрири де Гуе томонидан 1885 йили Лейденда чоп этилган.

Ушбу асарнинг мўътабар қўллөзмаси, аниқроғи унинг иккинчи қисми,

1923 йили Машҳаддаги (Эрон) Имом Ризо масжиди кутубхонасидан то-пилди. Унда Эрон ва Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ва тарихий географиясига оид диққатта сазовор маълумотлар бор.

7.3.8. Китоб масолик ул-мамолик

Ушбу асар муаллифи Ибн Хурдадбек ёки Абулқосим Убайдуллоҳ Хурдадбек (820 таҳ. 913) асли эронлик бўлиб, у олий мартабали мансабдор хонадонига мансуб эди. Отаси IX аср бошларида Табаристон ҳокими бўлган, Дайlam вилоятини бўйсундириб, халифанинг диққат-эътиборини қозонган. Ибн Хурдадбек Бағдодда ўқитган ва кенг маълумот олган. У халифа Мўътамид (870-892) даврида юксак давлат лавозимларида турган, дастлаб надим, сўнг Эроннинг фарби-шимолий тарафида жойлашган Жи-бал вилоятида соҳиб барид ва-л-хабар (почта ва разведка бошлиги) лавозимини эгаллаган. Ибн Хурдадбек турли мавзуда, адаб, тарих, географияга оид ўнга яқин асар битган бўлиб, улардан энг муҳими “Китоб масолик ул-мамолик” (“Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб”) номли асари бўлиб, у 846 йили ёзиб тамомланган.

Асарнинг қисқартирилган таҳрири бизгача етиб келган ва М. де Гуе тарафидан 1889 йили чоп қилинган. Русча таржимаси (таржимон Ноила Велиханова) 1986 йили Бокуда чоп этилган.

Китобда араб халифалиги қўёл остидаги мамлакатлар, шаҳарлар, уларга бориладиган йўллар, улар орасидаги масофа, аҳолидан ундириладиган солиқ ва жарималарнинг миқдори ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Айниқса, қадимий Сўғд шаҳарларидан Кушония (Самарқанд атрофида жойлашган), Самарқанд, Уструшана, Шахристон (Уструшана шаҳарларидан), қадимги Шош, Испижоб (Сайрам) шаҳарларида аҳоли ўртасида муомалада бўлган пул бирлиги, Нуҳ ибн Асад (ваф. 842) ва Аҳмад ибн Асад (819-846) даврида Сўғд ва Фарғонанинг умумий аҳволи, Мовароуннаҳр ва Фарғонада IX асрда истиқомат қилган туркий халқлар ҳақида-ги маълумотлар бениҳоя қимматлидир.

7.3.9. Тарихи ар-русул ва-л-мулук

Бу асар муаллифи йирик қомусий олим Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий (836-923)дир. У, Эроннинг Табаристон вилоятига қарашли Омул шаҳрида туғилган, умрининг кўп қисмини Бағдодда ўтказган ва шу ерда вафот этган. Тарихчи халифаликнинг кўп шаҳарларини айланиб чиқ-қан, бирмунча вақт Рай, Басра, Куфа, Суря ва Мисрда турган.

Табарий даврининг кенг маълумотли кишиларидан бўлиб, ўндан ортиқ китоб ёзиб қолдирган. Мусулмон қонуншунослари орасида мавжуд

бўлган ихтилофлар баён этилган “Китоб ихтилоф ал-фуқаҳо” (“Фақиҳлар ўртасидаги ихтилофлар ҳақида китоб”), “Қуръони карим” оятлари шарҳига баришланган ўттиз (бошқа маълумотларга қараганда қирқ) жилдан иборат “Жомеъ ал-баён ат-таъвил ал-Қуръон” (“Қуръон” сўзлари маъносининг кенг баёни мажмуаси”) ва ниҳоят, “Тарихи ар-русул ва-л-мулук” (“Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи”) ана шулар жумласидандир. Тарих илми учун энг муҳими сўнгти асар ҳисобланади.

“Тарихи ар-русул ва-л-мулук” ёки қисқа номи “Тарихи Табарий” асари умумий тарих типида ёзилган китоб. Лекин, мукаммалиги ва далилий материалларга бойлиги билан бошқа асарлардан тамоман алоҳида ажраблиб туради.

Асарда оламнинг “яратилиши”дан то 912-913 йилларга қадар Арабистон, Рум (Кичик Осиё), Эрон ва Араб халифалиги асоратига тушшиб қолган мамлакатларда, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳикоя қилинади. Воқелар йилма-йил, хронологик тарзда баён этилган. Бу эса асардан фойдаланишда кўп жиҳатдан қулавийлик яратган. Табарий мазкур асарини яратишда яхудий ва христианларнинг нақл-ривоятлари, Сосонийлар (224-651 й.) солномаси “Хвадай намак” (“Подшоҳнома”), ал-Воқидийнинг (747-823 й.) “Китоб ул-марозий” (“Урушлар ҳақида китоб”), ал-Мадоинийнинг “Тарихи хулафо” (“Халифалар тарихи”), Ибн Тайфурнинг (819-893 й.) “Тарихи Бағдод” (“Бағдод тарихи”) каби асарлардан кенг фойдаланган. Лекин, у кўп ҳолларда “Ҳадис илми” принципига кўра, айниқса асарнинг қадимий тарихига бағишлиланган қисмларида бошқа манбалардан олинган далил ва маълумотларни айнан келтирган.

Китобнинг қадимий тарихидан баҳс юритувчи қисмлари ҳам маълум илмий қийматга эга. Чунки, буларда бизгача етиб келмаган манбаларда (ривоятлар, “Хвадай намак”, “Тарихи хулафо” ва бошқалар) мавжуд бўлган қимматли маълумотлар, лавҳалар сақланган.

“Тарихи ар-русул ва-л-мулук” мусулмон мамлакатлари, шунингдек, Мовароуиннаҳрнинг VIII-IX аср тарихи бўйича асосий ва энг мўътабар манбалардан бири бўлиб, тарих илмининг кейинги тараққиётига катта таъсир ўтказган. Мазкур асарнинг арабча икки хил (муфассал ва қисқартирилган) таҳрири бўлган, лекин бизгача унинг фақат қисқартирилган таҳрири етиб келган ва асар матни голландиялик шарқшунос М.Я. де Гуе томонидан 1879-1901 йилларида 15 жилдда нашр этилган.

Табарий асарининг форсий таҳрири ҳам бор бўлиб, у Сомоний Абу Солиҳ Мансур ибн Нуҳнинг (961-976) вазири, атоқли илм-фан ҳомийиси ал-Балъамий (ваф. 974) томонидан 963 йили ёзилган.

Балъамий таҳрири шунчаки оддий таржима бўлиб қолмай, балки асар-

нинг қайта ишланган ва айрим ҳолларда янги фактлар билан бойитилганидир.

Унда, биринчидан, қисқартирилган таҳририда учрамайдиган маълумотлар мавжуд бўлиб, уларни Балъамий Табарий асарининг тўла нусхасидан олган.

Иккинчидан, Балъамий таҳрири бошқа манбалар асосида янги маълумотлар билан тўлатилган.

Табарийнинг мазкур асаридан айрим парчалар бир неча Европа тилларига таржима қилинган. Унинг тўлиқ французча таржимаси Г.Зотенберг томонидан 1867-1874 йиллари Парижда нашр этилган.

Асарнинг форсий ва туркий таржималари ҳам бўлиб, уларнинг мўътабар қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкент кутубхоналарида мавжуд. Балъамий таҳрирининг матни тўлиқ тарзда Лакхнав, Канпур (1874, 1896, 1916) ва Техронда (1962, 1967) чоп қилинган.

“Тарихи ар-русул ва-л-мулук” асарининг қўлёзма нусхалари МДХ, Англия, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон кутубхоналарида сақланади. Тошкентда, Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳазинасида араб тилида тўртта мўътабар қўлёзмалари, ўзбек ва уйғур тилларидаги таржималари мавжуд. Қисқартирилган русча таржима (таржимон В.И.Беляев) 1987 йилда Тошкентда “История Табари” номи билан чоп этилди.

7.3.10. Китоб ал-масолик вал-мамолик

Ушбу номдаги етти жилдлик улкан асарни ватандошимиз, давлат арбоби ва олим Жайҳоний (870-942 ҳалок бўлган) ёки Абу Абдулоҳ Мұҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср ал-Жайҳоний яратган. У Бухорода Сомонийлар давлатида катта обрўга эга бўлиб, 914 йилдан ҳаётининг охиригача вазир бўлиб хизмат қилган.

Олимнинг асосий асари тарихий жуғрофияга оид бўлиб, у яна “Китоб ал-мамолик фи маърифийи ал-мамолик” (“Мамлакатларни билишда масофалар китоби”) деб ҳам аталган. Бу китоб ўз даврида жуда машҳур бўлиб, барча кейинги олимлар Беруний, Гардизий, Идрисий, Муқаддасий ва бошқалар ундан қимматли ва ишончли манба сифатида фойдаланганлар, иқтибос (цитаталар) келтирғанлар.

Жайҳоний асарида Шарқ мамлакатлари, хусусан Мовароуннаҳр, турк қабилалари тўғрисида қимматли маълумотлар бўлган.

Мазкур асар бизгача етиб келмаган бўлса-да, унинг номи барча йирик олимлар асарларида зикр қилинган ва Беруний, Ибн Хавқал, Гардизий ва Авфий асарларида парчалар келтирилганлиги, унинг қимматли манба эканлигидан гувоҳлик беради.

7.3.11. Китоб ахбор уз-замон ва ажойиб ул-булдон

Бу китоб ал-Масъудий ёки Абулҳасан Али ибн ал-Масъудий (ваф. 956 Қоҳира) X асрнинг кўзга кўрингган географ ва тарихшунос олимни асари дир. Муаллиф IX аср охирларида Бағдодда зодагон оиласида дунёга келган. Жуда кўп (915-945) саёҳат қилган, турли ўлқаларда бўлиб, адабиёт, фалсафа, фиқҳ, география ва тарих илмлари бўйича чуқур маълумотга эга бўлган, хусусан Мовароуннаҳрда бўлганда шаҳарлар ва одамлар ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган.

Ал-Масъудий илмнинг турли соҳаларига оид “Китоб ахбор уз-замон ва ажойиб ул-булдон” (“Давр хабарлари ва мамлакатларнинг ажойиботлари ҳақида китоб”), “Китоб ул-авсат” (“Ўртacha китоб”), “Китоб ат-таворих фи ахбор ал-умум мин араб ва-л-ажам” (“Араб ва Ажам ҳалқлари тарихи”), “Хазоин ул-мулук ва сирр ал-оламайн” (“Подшоҳларнинг ҳазиналари ва икки олам сирлари”), “Китоб ар-расоил” (“Рисолалар тўплами”), “Китоб ат-танбиҳ ва-л-ишраф” (“Огоҳлантириш ва ишонтириш ҳақида китоб”) сингари 20дан ортиқ асар ёзган.

Ал-Масъудийнинг асарлари араб ҳалифалиги, Мовароуннаҳрнинг IX-X асрлар тарихини ўрганишда зўр аҳамиятга эга. Улар ўзига хос географик қомус бўлиб, жаҳон ҳалқлари ва туркий ҳалқларнинг тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволи, урф-одатлари ҳақида бой маълумотга эга.

Тарихчининг яна “Муруж аз-заҳаб ва маъдан ал-жавоҳир” (“Олтин тозалагич ва қимматбаҳо тошлар кони”) номли асари ҳам бор. Бу китобнинг арабча матни французча таржимаси билан бирга, 1861-1877 йиллари Парижда тўққиз жилдда напр этилган.

7.3.12. Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба

Асар муаллифи Абулфараж Қудама, филолог ва географ олимдир. Унинг тўла исми Абулфараж ибн Жаъфар Қудама ал-Басрий ал-Бағдодий (ваф. 922-948). У басралик аслзода бўлиб, аввал насроний бўлган, сарой хизматига қабул қилингандан кейин ҳалифа ал-Муқтафийнинг таъсири остида ислом динини қабул қилган. Дастлаб маъмурий маҳкамалардан бирида (мажлис аз-зимам) хизмат қилган, умрининг охирида эса алоқалар девонига (девони соҳиб барид) бошчилик қилган.

Абулфараж Қудама 928 йили “Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба” (“Хирож ундириш ва мактублар ёзиши санъати ҳақида китоб”) номли икки жилдлик (8 қисмдан иборат) асар ёзган. Мазкур асар араб ҳалифалигининг маъмурий бўлениши, ҳалифаликка тобе бўлган мамлакатлар ўргасидаги алоқа хизмати, солиқ ва молия тизимининг умумий аҳволи ҳақида қимматли маълумот беради.

“Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба” асарида Мовароуннаҳрнинг

географик ҳолати ва унинг туркий забон аҳолиси ҳақида ҳам муҳим далилий маълумотларни учратамиз. Китобнинг фақат иккинчи жилдигина сақланиб қолган. Унинг айрим парчалари франгузча таржимаси билан М. Я. де Гуе томонидан 1889 йилда чоп этилган.

7.3.13. Китоб масолик ул-мамолик

Ушбу китоб муаллифи Истахрий ёки Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий (850-934) номи билан машҳур бўлган сайёҳ ва географ олим. У 915 йилдан бошлаб Эрон, Мовароуннаҳр, Сурия, Миср ва Мағриб бўйлаб саёҳат қилган. Мана шу саёҳат вақтида тўплланган бой далилий материал ва замондоши Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл ал-Балхийнинг (850-934) “Сувар ал-ақолим” (“Иқлиmlар сурати”) китоби асосида 930-933 йилларда ўзининг “Китоб масолик ул-мамолик” (“Мамлакатларга бориладиган йўллар ҳақида китоб”) номли қимматли асарини ёзган.

Асар йигирма бобдан иборат. Унда мусулмон мамлакатлари (Арабистон, Мағриб, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Мовароуннаҳр), шунингдек, Ҳиндистоннинг чегаралари, иқлими, маъмурий бўлиниси, машҳур шаҳарлари, уларга олиб бориладиган йўллар, аҳолиси ва унинг машғулоти, атоқли кишилари, савдо-сотиқ ва бошқа масалалар баён этилган.

“Китоб масолик ул-мамолик” асарининг асл матни уч марта 1870, 1927 ва 1967 йиллари Лейденда чоп этилган. У Абулмаҳосин Муҳаммад ибн Саъд ибн Муҳаммад ан-Нахчивоний томонидан XVI асрнинг иккинчи ярмида форс тилига таржима қилинган, қўллэзма нусхалари Санкт-Петербург ва Тошкентда сақланмоқда.

7.3.14. Китоб ул-масолик ва-л-мамолик

Ушбу китобнинг муаллифи Ибн Ҳавқал (ваф. 976)дир. У ўз даврининг кўзга кўринган йирик географ олими ва сайёҳи бўлган. Олимнинг тўлиқ исми Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Нисибий бўлиб, нисбасига кўра олим Шимолий Месопотамияда жойлашган Насибин шаҳридан чиқкан.

Ибн Ҳавқал 943 йилдан бошлаб савдогар сифатида турли мамлакатлар Марказий Африка, Испания, Италия, Эрон, Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилган. У Истахрий билан шахсан учрашган. Учрашув вақтида Истахрий гўёки ундан ўз асаридаги хато ва чалкашликларни халос қилиш ва кайтадан ишлашни илтимос қилган.

“Мен,-деб ёзади Ибн Ҳавқал,- унинг китобидаги бир эмас, бир неча хариталарни тузатдим, сўнгра ушбу ўз китобимни ёзишга қарор қилдим. Истахрий китобида учраган хатоларни тузатдим, китобимга бир нечта (янги) хариталарни илова қилдим ва уларни изоҳлаб бердим.”

Ибн Ҳавқалнинг асари “Китоб ул-масолик ва-л-мамолик” (“Йўллар

ва мамлакатлар ҳақида китоб") ёки қисқача "Китоб сурат ал-ард" ("Ернинг сурати") номи билан машҳур бўлиб, Ҳамадонийлардан Сайфулла Али I га (945-967) бағишиланган. Уни ёзиша муаллиф саёҳатлари вақтида тўплаган, савдогарлардан сўраб-сuriштириб йиққан материаллардан ҳамда Ибн Хурдодбех, ал-Жайҳоний, Кудама асарларидан фойдаланган. Китобда тавсифланган ҳар бир мамлакат ва вилоятнинг харитаси ҳам берилган. Масалан, Мовароуннаҳр қисмига илова қилинган харитада Жайҳун (Амударё), Бухоро, Самарқанд, Усрушана (Ўратепа), Испижоб (Сайрам), Шош ва Хоразм шаҳарлари ва вилоятлари тасвириланган. Асарда турк ва ғуззлар, уларнинг машғулоти, шунингдек, Мовароуннаҳр шаҳарлари, ҳалқлари хусусида келтирилган маълумотлар ниҳоятда қимматлидири.

"Китоб ул-масолик ва-л-мамолик" асарининг арабча матни икки марта М.Я. де Гуе (1878) ҳамда Крамерс томонидан (1938-1939) чоп этилган. Крамерс нашри (у 1086 йили кўчирилган ва ҳозир Истамбул кутубхоналаридан бирида сақланаётган мўътабар қўллёзмага асосланган) бирмунча ноёб нашр сифатида қадрланади.

7.3.15. Аҳсан ат-тақосим

"Аҳсан ат-тақосим" ёки "Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим" ("Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма") номли асар муаллифи Ҳасрнинг таниқли географ олими ал-Муқаддасийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абубакр ал-Муқаддасийдир. Олим 947 йили Куддиси шарифда туғилган, бутун дунё мусулмон мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган ва 1000 йили вафот этган.

Ал-Муқаддасий саёҳат вақтида тўплаган ҳамда бошқа манбалардан олинган аниқ маълумотлар асосида 985 йили ўзининг қимматли асарини ёзиз қолдирган. Китобнинг иккита таҳрири мавжуд. Биринчи таҳрири 986 йилда амалга оширилган бўлиб, Сомонийларга (989 йилги) иккинчиси эса Фотимийларга бағишиланган.

Асар муқаддима ва иккى қисмдан иборат. Муқаддимада муаллиф асарнинг ёзилиш тартибини баён этган ва ўзидан аввал ўтган географ олимларнинг асарларига тўхталиб ўтган.

Биринчи қисмда араб мамлакатлари, Арабистон ярим оролида жойлашган мамлакатлар Ироқ, Месопотамия, Сурия, Миср, Мағриб ҳамда Кичик Осиёнинг географик ҳолати, машҳур шаҳарлари, осори атиқалари, аҳолиси ва унинг машғулоти, эътиқоди ҳамда урф-одатлари, аҳолидан тўпланадиган солиқ ва жарималар ва уларнинг умумий ҳажми, шунингдек, ҳар бир мамлакат ва вилоятнинг маъмурий тузулиши ҳамда машҳур кишилари ҳақида маълумот берилган.

Иккинчи қисмда Ажам мамлакатлари Хурросон, Сеистон ва Мовароуннахр тавсифланган.

“Аҳсан ат-тақосим” ижтимоий-иқтисодий, тарихий ҳамда маданий ҳаётга оид құмматли аниқ маълумотлари билан бошқа географик асарлардан ажралиб туради ва араб мамлакатлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тарихини ўрганишда мұхим манба бўлади.

Асарнинг арабча матни де Гуе томнидан 1877 йили чоп этилган эди. У, яна 1906 ва 1967 йиллар ҳам нашр этилди.

7.3.16. Тарихи Яминий

“Тарихи Яминий”¹⁸ (“Ямин уд-давла тарихи”) асарининг ижодкори Утбийдир. Унинг ҳақиқий исми Абу Наср Мұҳаммад ибн Абдужаббор Утбий (тахм. 961-1077 ёки 1036) бўлиб, асли Эроннинг Рай шаҳридан. Олимнинг хонадони бадавлат ва нуфузли зодагонлардан бўлиб, унинг тоғалари Сомонийларнинг вазири сифатида хизмат қилишган.

Абу Наср Мұҳаммад Утбий ҳам юқори давлат лавозимларида турган, Сомонийларнинг Хуросондаги ноиби Абу Али ибн Симжур (989-998), сўнгра Зиёрийлардан¹⁹ Шамс ул-Маолий Қобус ибн Вушмагир (998-1030) нинг шахсий котиби, кейинчалик Фазнавийлардан²⁰ Сабуктакин (977-997), Султон Маҳмуд (998-1030) ҳамда Султон Масъуд (1031-1041) саройида хизмат қилган. Масалан, Утбий Султон Маҳмуднинг элчиси сифатида (999) Гарчистонга²¹ борган, кейин Ганж рустакда²² соҳиб барид бўлиб ишлаган ва 1023 йили Султон Маҳмуднинг амри билан хизматдан четла-тилган.

Манбаларда, хусусан ас-Саолибий тазкирасида айтилишича, ал-Утбий бир нечта йирик асар ёзган. Лекин, улардан фақат биттаси – “Тарихи Яминий” номли тарихий асари сақланиб қолган, холос. Унинг яна “Латоиф ал-куттоб” (“Котибларнинг латиф сўзлари”) номли асари бўлиб, у бизгача етиб келмаган²³.

¹⁸ Ямин (араб) - ўнг қўл, Султон Маҳмудга Бағдод халифаси ал-Қодир (991-1031) томонидан берилган лақаб, фахрий ном.

¹⁹ Зиёрийлар – 927-таждиддан 1090 йилларда Эроннинг Табаристон ҳамда Журжон вилоятларида ҳуқмронлик қилган сулола.

²⁰ Фазнавийлар – Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон устидан 977-1186 йиллари ҳуқмронлик қилган сулола.

²¹ Гарчистон – Мурғоб дарёсининг юқори оқимида жойлашган тарихий вилоят. Жанубда Фазни, шимолда Марварруд, шарқда Фур ва ғарбда Бодҳиз, Ҳирот вилояти билан туаш.

²² Ганж рустак – Бодҳизнинг шарқий қисмидә жойлашган вилоят.

²³ Ас-Саолибий. Ятимат ад-даҳр. Араб тилидан И.Абдуллаев таржимаси.-Тошкент, 1976. -95-бет.

”Тарихи Яминий” амир Сабуктакин ҳамда Султон Маҳмуд замонида Фазнавийлар империяси таркибига кирган Афғонистон, Хурросон, Хоразм ва қисман Мовароунаҳрнинг 975-1021 йиллардаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этади. Асарда Қорахонийларнинг Мовароунаҳри босиб олиши (992-996) ҳақида келтирилган маълумотлар бениҳоят қимматлидир.

Асар ўрга аср тарихшунослигига хос оғир саж – қоғияли наср услубида ёзилган. Унда ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатлари ҳимоя қилинади, хусусан Султон Маҳмуд ва унинг яқинлари кўкларга кўтариб мақталади. Шунинг билан бирга, тарихчи узлуксиз давом этган урушлар, зулм, турли-туман солиқ ва жарималар туфайли хонавайрон бўлган меҳнаткаш ҳалқнинг оғир турмушига ҳам айрим ўринларда кўз ташлаб ўтади.

”Тарихи Яминий” асарининг арабча матни 1874 йили Деҳли, 1874 йили Булоқ ва 1883 йили Лоҳур шаҳарларида чоп этилган. Ундан айрим парчалар К.Шефер, Т.Нёлдеке, Г.Эллиот ва Н.Доусон томонидан француз, немис ва инглиз тилларига таржима қилинган. Китобнинг форсча таржималари бўлиб, энг дурусти Абу Шариф Носиҳ ал-Жорбозақопий қаламига мансуб. Бу таржима Эронда 1856, 1956 ва 1966 йиллари чоп этилган. Асарни Лондонда 1858 йили Рейнолдс инглиз тилига таржима қилиган.

7.3.17. Йатимат ад-даҳр

”Йатимат ад-даҳр” ёки ”Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ул-аср” (“Аср аҳлиниң фозиллари ҳақида замонининг дурдонаси”) номли тазкирани ўз даврининг йирик олимни ва шоири Абу Мансур Абдулмалик ибн Мұхаммад ибн Исмоил ас-Саолибий яратган. У 961 йили Нишопурда туғилган, илм-фанинг турли соҳалари тарих, адабиёт, мантиқ, араб тили ва бошқаларни яхши билган, асосан тулки терисидан пўстин тикиб сотиш билан шуғулланган ва ас-Саолибий деган ном билан машҳур бўлган. Олим Эрон ва Ўзбекистоннинг талай шаҳарлари Журжон, Марв, Фазни, Бухоро, Хоразмда турган ва уларнинг маданий ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан яқиндан таниш бўлиб, 1038 йили Нишопурда вафот этган.

Ас-Саолибий элликка яқин асар ёзган бўлиб, Ўзбекистон ҳалқлари нинг X-X1 асрдаги тарихи ва маданий ҳаётини ўрганишда ”Йатимат ад-даҳр” ҳамда ”Китоб ал-ғурап” асарлари алоҳида аҳамият қасб этади.

”Йатимат ад-даҳр” (995-1000 йиллари ёзилган) Ўзбекистон, хусусан Марв ва Бухоронинг X асрдаги адабий муҳитини ўрганишда асосий манбалардан биридир.

”Китоб ал-ғурап” ёки ”Ғурап ахбор мулук ул-фурс ва сиярухум” (”Эрон подшоҳларининг тарихи ва уларнинг ҳаёти”) номли асар Фазна-

вийларнинг Хуросондаги ноibi Абу Музаффар Наср ибн Носурийдин (1020 йили вафот этган)нинг топшириғи билан ёзилган муҳим тарихий асардир.

"Йатимат ад-даҳр"нинг арабча матни 1883 ва 1947 йилларда Байрут ва Қоҳирада чоп этилган. Унинг Ўзбекистоннинг X асрдаги адабий муҳими ҳақида бахс юритувчи тўртинчи қисми ўзбек тилига Исламалла Абдуллаев томонидан таржима қилиниб, 1976 йили Тошкентда чоп этилган.

7.3.18. Мафотих ул-улум

Ўз даври қомуси бўлмиш бу китобни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий яратган. У X асрда ўтган машҳур филолог ва фан тарихчидир. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Котибий ал-Хоразмий бўлиб, олим Сомоний Нуҳ 11 ибн Мансурнинг (976-997) вазири ал-Утбий қўлида дабир бўлиб хизмат қилгани ва, асосан, Нишопурда истиқомат қилиб, фан тарихи ҳамда давлат бош идоралари учун муҳим қўлланма бўлган "Мафотих ул-улум" ("Илмларнинг калитлари") номли асар ёзиб қолдирганлиги маълум. Ушбу асардан маълум бўлишича, Абу Абдуллоҳ юонон, сурёний, араб ва форс тилларини мукаммал билган кенг маълумотли киши бўлган.

"Мафотих ул-улум" 976-991 йиллар орасида ёзилган ўзига хос изоҳли терминологик луғат бўлиб, икки қисмдан иборатдир. Биринчи қисм олти бобдан иборат бўлиб, унда шариат билан боғлиқ илмлар фикр, ақидалар, грамматика, идора ишларини юритиш тартиби, шеърият ва тарих тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Иккинчи қисм тўқиз бобдан иборат бўлиб, у ажам, яъни араб бўлмаган халқлар юононлар, суряликлар, форслар, ҳиндлар ва бошқа халқлар орасида тараққий этган илмлар – фалсафа, мантиқ, тибб, арифметика, ҳандаса-геометрия, фалакиёт-астрономия, механика, мусиқа ва кимиё фанларини ўз ичига олади.

Асарда юртимиз ҳақида, хусусан бу ерда амалда бўлган сугориш ўлчовлари ҳақида муҳим маълумотлар ҳам бор. "Мафотих ул-улум" илмий жамоатчилик, хусусан В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, С.Л.Волин, ван Флотеннинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Унинг арабча матни 1895 йили ван Флотен томонидан, айрим парчалар таржимаси С.Л.Волин томонидан 1939 йили нашр қилинган. Тошкентда бу асарни Р.М.Баҳодиров тадқиқ этиб, маҳсус китоб ёзган.

7.3.19. Осор ул-боқия

Ушбу беназир асар ижодкори қомусий олим Абу Райҳон Берунийдир (973-1048). У табиий ва ижтимоий фанлар бўйича 150 дан ортиқ асарлар

яратиб, асосан табиий фанлар соҳасида улкан кашфиёт ва муваффақиятларга эришган бўлса-да, ўзининг ижтимоий фан, айниқса тарих тўғрисидаги чуқур билимларини “Осор ул-боқия ан ал-қурун ал-холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) ҳамда “Ҳиндистон” ёки “Китаб таҳқиқ молил-Ҳинд мин манқула фи-л-ақл ва-л-марзу ма” (“Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ва сифмайдиган таълимотларини тадқиқ этиш”) ва “Китоб ул-мусамма фи ахбори Хоразм” (“Хоразм ҳақидағи ахборотлар ҳақида суҳбатлар”) номли асарлари билан тарих ва маданият тарихига катта ҳисса кўшиди.

Айниқса, бўлғуси тарихчилар учун “Осор ул-боқия” ҳар томонлама намуна бўладиган қимматли манбадир. Асар 1000 йили Журжон шаҳрида ёзиб тамомланган. Унда қадимги Ўрта Осиё, Юнон, Ҳинд, наслоний, яҳудий ва бошқа халқларнинг исломиятгача бўлган тарихи, урфодатлари, байрамлари ва, асосан, вақтни ҳисоблаш тақвим–хронология тўғрисида мукаммал маълумот беради. Ушбу асарнинг XIV асрда яратилган мўътабар қўллөзмасига нодир расмлар ишланган ва бу ноёб санъат обидаси Шотландия пойтахти Эдинбург шаҳри Университети кутубхонасида 161-рақам остида сақланмоқда.

“Осор ул-боқия”нинг русча ва ўзбекча таржималари Тошкентда 1957 ва 1968 йиллари чоп этилди. Китоб Европада “Хронология” номи билан машҳур. Биз асар тўғрисида ортиқча маълумотларни келтирмадик, чунки бизнинг вазифамиз қимматли ёзма манбалар тўғрисида умумий тушунча, билим ва йўналиш беришдир. Ушбу китоб тўғрисида талабалар мустақил иш жараённида ёки лаборатория иши жараённида чукурроқ ва кенг билимга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Берунийнинг Хоразм тарихига оид асари юқорида зикр этилган номдан ташқари, яна “Тарихи Хоразм” ва “Машоҳири Хоразм” (“Хоразмнинг машҳур кишилари”) номлари билан ҳам машҳур бўлиб, унинг айрим лавҳалари – парчалари Абулфазл Байҳақийнинг 1056 йили ёзиб тамомланган “Тарихи Байҳақ” ва Ёқут Ҳамавийнинг “Мўъжам ул-булдон” асарларида сақланниб қолган.

Берунийнинг “Китоб фи ахборот ал-мубайизот вал-каромита” (“Оқийимлилар ва карматларнинг хабарлари ҳақида китоб”) асари ҳам тарих илми учун алоҳида қийматга эга. Унда ўша замонларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган ижтимоий ҳаракат – карматлар ҳаракати ҳақида диққатта сазовор маълумотлар бор.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Берунийнинг асарларида тарих илми учун маълумотлар жуда қўп учрайди, аммо улардан ташқари номи зикр этилган асари унинг катта тарихчи олим, этнограф бўлганлигини кўрсатади.

7. 3.20. Китоб тажориб ул-улум

“Китоб тажориб ул-улум” (“Халқларнинг тажрибалари ҳақида”) номли улкан машҳур асар ижодкори Ибн Мискавайхдир. Унинг тўлиқ исми Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мушкуя (ваф. 1030) бир вақтлар Бувайхийлар (932-1062) саройида аввал хазинадор, сўнгра вазир бўлиб хизмат қилган.

“Китоб тажориб ул-улум” асари олти жилдан иборат бўлиб, унда мусулмон мамлакатларининг қадим замонлардан 983 йилгача бўлган тарихини ўз ичига олади.

Китобнинг 1-4- жиллари компиляция, яъни аввал ўтган тарихчилар, асосан Табарийнинг “Тарихи ар-русл ва-л-мулук” асари асосида ёзилган.

Унинг 5-6- жиллари эса муаллифнинг ўзи яратган ва IX аср тарихи бўйича муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Унда ўз даври расмий ҳужжатларидан кенг фойдаланган.

“Китоб тажориб ул-улум”нинг Амедроз ҳамда Д.С. Марголиус (1920-1921) ва Каэтани (1909-1917) тарафидан амалга оширилган иккита тўла нашри мавжуд.

7. 3.21. Девону луғат ат-турк

“Девону луғат ат-турк” (“Туркий сўзлар луғати”) – Маҳмуд Кошғарий номи билан машҳур бўлган XI аср йирик тилшунос олимининг ноёб асаридир. Олимнинг тўлиқ исми Маҳмуд ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ал-Кошғарий бўлиб, Қораҳонийлар хизматида бўлган турк бекларидан бирининг оиласига мансуб. У 1029-1038 йиллар орасида тахминан Барсонда туғилган, лекин умрининг кўп қисмини Боласоғун, Кошғар, Баффод ва бошқа шаҳарларда ўтказган.

Маҳмуд Кошғарий ёшлигига яхши маълумот олган ва ўрта аср фанининг кўп соҳаларини, хусусан, араб тили, туркий тилларни, тарих ҳамда география фанларини чуқур билган. Унинг қимматли “Девону луғат ат-турк” асарининг дунёда ягона қўллётмаси ҳозир Истамбулда (Туркия) сакланмоқда.

Ушбу асарнинг арабча матни 1915-1917 йилларда уч жилда Истамбулда, мукаммал ўзбекча шарҳли таржимаси С.М.Муталлибов томонидан амалга оширилди ва 1960-1963 йилларда Тошкентда чоп этилган.

“Девону луғат ат-турк” асарининг усмонли туркча 1939-1941 йилларда Б.Атали, инглизча 1982-1985 йилларда Р.Данкофф билан Ж.Келли, уйғурчаси эса 1981-1984 йилларда бир гуруҳ таржимонлар томонидан амалга оширилиб, чоп эттирилган.

7. 3.22. Нузҳат ал-муштоқ

“Нузҳат ал-муштоқ” ёки “Нузҳат ал-муштоқ фи хтирак ул-офоқ” (“Жаҳон бўйлаб кезиб ҳолдан тойғанинг овунчофи”) номли асарни ўз даврийнинг машҳур сайёҳи ва географ олими Ал-Идрисий яратган. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Идрис ал-Идрисийдир.

Ал-Идрисий 1100 йили Марокашнинг Сеут шаҳрида туғилган, Испаниянинг Кордова шаҳрида таълим олган, Португалия, Франция, Англия ва Кичик Осиё бўйлаб қўлган сафаридан қайтгач, 1138 йили Палермо шаҳрига кўчиб келади ва Сицилия қироли Рожер 11 (1130-1154) хизматига кириб, унинг топшириғи билан ўзининг “Нузҳат ал-муштоқ” асарини ёзган. Олим 1165 йили вафот этган.

“Нузҳат ал-муштоқ” етти иқлим мамлакатларининг, яъни дунёнинг географик ҳолатидан баҳс юритади. Унинг, айниқса Шимолий Африка, Италия, Франция, Германия, шунингдек Марказий Осиёга оид қисмлари қимматлидир. Китобнинг матни 1592 йили Римда чоп этилган. Лотинча таржимаси 1619 йили Парижда босилган.

7.3.23. Китоб ул-ансоб

“Китоб ул-ансоб” (“Насаблар ҳақида китоб”) номли асарнинг муаллифи машҳур биограф, тарихчи ва сайёҳ Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1113-1167)дир. У Марвда йирик қонуншунос олим оиласида дунёга келган, Марв, Бухоро ҳамда Самарқандда таҳсил кўрган, 1155-1156 йиллари Мовароуннаҳр ва Хоразм бўйлаб саёҳат қилган, маълум муддат Нишопур, Исфаҳон, Бағдод, Халаб, Дамашқ ҳамда Куддус (Иерусалим) шаҳарларида ҳаёт кечирган.

Самъоний “Китоб ал-ансоб”дан ташқари йигирма жилдлик “Марв тарихи” номли асарнинг ҳам ижодкоридир. Аммо, бу китоб бизгача етиб келмаган кўринади. Тахминларга кўра, бу муҳим асар Чингизхон ҳуружи вақтида куйиб кетган бўлиши мумкин, чунки ўшанда Марвнинг энг катта ва бой кутубхонаси билан бирга Самъонийлар хонадонига тегишли бўлган икки йирик кутубхона ҳам (Ёкут Ҳамавий Самъонийлар кутубхонасини кўрганлигини айтади) ёниб кетганмикан? Бизгача олимнинг фақат “Китоб ал-ансоб” асаригина етиб келган.

“Китоб ал-ансоб” асари Ибн Халлиқоннинг маълумотларига кўра саккиз жилдан иборат бўлган. Унинг тўлиқ нусхаси ҳам йўқолиб кетган. Китобнинг тарихчи Ибн ал-Асир тарафидан таҳrir этилган уч жилдлик қисқартирилган қисмигина сақланиб қолган, холос.

“Китоб ал-ансоб” асарининг арабча матни икки марта нашр этилган, бош қисми 1835 йили проф. Д.С.Маргоулис тарафидан чоп этилган. Унинг

Байрут напри ҳам бор. Бу асарда исломиятдан то муаллифнинг замонига-ча мусулмон мамлакатларида, кўпроқ Эрон ва Мовароуннаҳрда ўтган машхур кишилар ҳақида кенг маълумот берилади.

“Китоб ал-ансоб” Мовароуннаҳрнинг қадимий тарихи, йирик шаҳарлари, қўшни мамлакатлар, хусусан Хитой билан бўлган савдо ва маданий алоқаларни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Ушбу асар тўғрисида Ш.Камолиддинов номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаган ва рус тилида «Китоб ал-ансаб» Абу Саъда Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самъаний қак источник по истории и истории культуры Средней Азии» (-Т., 1993) номли китоб напр эттирган.

7.3.24. Ал-комил фи-т-тарих

“Ал-комил фи-т-тарих” (“Мукаммал тарих”) номли салмоқли асар муаллифи йирик араб тарихчиси Иzzуддин Абулҳасан Али ибн Мұхаммад (1160-1234) бўлиб, у қўпинча Ибн ал-Асир номи билан машхур бўлган. Муаррих Тигр дарёси бўйида жойлашган Жазират ул-Умар шаҳрида катта ер эгаси оиласида туғилган. Умрининг кўп қисмини Мўсулда (Сурья) ўтказган ва ўша ерда вафот этган.

Ибн ал-Асир ўз даврининг кенг маълумотли кишиси бўлиб, бир неча тарихий асар ёзган. “Ал-комил фи-т-тарих” ва Мұхаммад пайғамбар саҳобалари (издошлари) таржимаи ҳолини ўзида қамраб олган беш жилдли “Китоб усд ал-ғаба фи маълумот ас-саҳоба” (“Саҳобалар ҳақида маълумот берувчи ўрмон шерлари”, 1863 йили чоп қилинган) шулар жумласидандир. Лекин, Шарқ мамлакатлари халқлари, шунингдек Мовароуннаҳр халқлари тарихини ўрганишда унинг биринчи асари “Ал-комил фи-т-тарих” катта аҳамият касб этади.

“Ал-комил фи-т-тарих” асари ўн икки жилдан иборат бўлиб, унда дунёning “яратилиши”дан то 1231 йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар йилма-йил, хронологик, яъни давр тартибида баён этиб берилади.

Асарда кўпгина қимматли манбалар, хусусан Табарий ҳамда ас-Салломийнинг бизгача етиб келмаган “Китоб фи ахбор вулоти Хуросон” (“Хуросон ҳукмдорлари ҳақида ахборот берувчи китоб”) каби қимматли асарлардан кенг фойдаланган.

“Ал-комил фи-т-тарих”нинг биринчи қисми (I-IV жиллари) оламнинг “яратилиши”дан то 931 йилгача бўлиб ўтган воқеалар баёнидан иборат. Булар аввал яшаб ўтган олимлар Балазурий, Табарий, Ибн Мискавайх, ас-Суламий ва бошқаларнинг асарларига таяниб ёзилган. Лекин, бу қисмда ҳам кўп ҳолларда асосий манбаларда учрамайдиган муҳим ва қимматли маълумотлар бор.

Масалан, 751 йили Талас дарёси бўйида араб ва Мовароуннаҳр қўшинлари билан Хитой армияси ўртасида бўлиб ўтган жанг ва унда кўп минглик хитой қўшинининг тор-мор этилиши ҳақидаги маълумот шулар жумласидандир.

Ундан ташқари, ас-Салломий ва унинг муҳим тарихий асари ҳақида маълумот Ибн ал-Асир туфайлигина бизгача етиб келган.

Асарнинг VII-XII жиллари мустақил, алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, 924-1231 йиллар орасида Шарқ мамлакатларида, шунингдек Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади ва, асосан кўлёзма манбалар, шунингдек тарихни яхши билган кишилар берган ахборотлар ҳамда муаллифнинг шахсий кузатишлари давомида тўплаган бой ва фактик материал асосида ёзилган.

“Ал-комил фи-т-тарих” асарининг, айниқса мўгуллар истилосига бағишиланган ХІІІ жилди алоҳида аҳамиятга эга ва Мовароуннаҳр ҳамда Шарқ мамлакатларининг XIII асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

Китобнинг тўла матни икки марта (1851-1876 йилларда ва 1901) чоп этилган. Айрим парчаларни рус тилига Н.А.Медников, А.Е.Крымский, Б.А. Аҳмедов таржима қиласканлар.

Асар Хивада тўлиқ ҳолда ўзбек тилига Муҳаммад Раҳим соний (1863-1910) даврида Нурилло Муфтий, Муҳаммад Шариф охунд ва бошқалар томонидан таржима қилинган бўлиб, Тошкентдаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида ўн учта мўътабар қўлёзмалари сақланмоқда.

7.3.25. Вафаёт ул-аъён ва анбоъ анбоъ уз-замон

1256-1274 йиллар орасида ёзилган “Вафаёт ул-аъён ва анбоъ анбоъ уз-замон” (“Машҳур кишиларнинг вафоти ва замондошлари ҳақидаги хабарлар”) номли муҳим биографик асар муаллифи Ибн Халиқондир (1211-1282). Ибн Халиқон тарихчи-биограф олимдир. Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шамсуддин Абулаббос ал-Бармакий ал-Арбийидир.

Ибн Халиқон Сурияниг Халаб (Алеппо) ва Дамашқ шаҳарларида таҳсил кўрган ва яна 1238 йили Қоҳирага бориб ўз билимини оширган. 1261 йили Дамашқда қози калон, сўнгра Қоҳиранинг “ал-Фахрия” ва бошқа мадрасаларида мударрислик қиласкан, айни вақтда шаҳарнинг қози калонига ноиб ҳам бўлган.

“Вафаёт ул-аъён ва анбоъ анбоъ уз-замон” асарида бизнинг замона-мизгача сақланмаган кўпгина кўлёзма асарлар ва олимнинг шахсий кузатувлари натижасида тўпланган фактик материал асосида ёзилган бўлиб,

бу асарда исломиятдан то муаллифнинг замонигача ўтган, шунингдек Ибн Халиқон билан замондош бўлган машҳур олим ва адибларнинг таржимаи ҳолини ўз ичига олган мұхим маълумотлар мавжуд. Булар орасида бир талай ўргасиёлик адиб ҳамда олимлар номлари ҳам мавжуд.

Мазкур асар XIX асрда Голландия, Франция, Миср, Эрон ҳамда Туркияда чоп этилган. Китобни де Слэн инглиз тилига таржима қилиб тўрг жилда 1842-1871 йилларда чоп эттирган.

7.3.26. Сирот ус-султон Жалолуддин Менкбурни

Халқимизнинг буюк ўғлонига бағишлиланган ноёб асар “Сирот ус-султон Жалолуддин Менкбурни” (“Султон Жалолуддин Менкбурнининг таржимаи ҳоли”) номли китобни ватандошимиз Шиҳобуддин Муҳаммад Нисовий (ваф. 1249 Халаб) ёзган. Муаррихнинг тўлиқ исми Шиҳобуддин ибн Аҳмад ибн Али Муҳаммад Нисовийdir.

Тарихчининг отаси Хоразмшоҳларнинг эътиборли амирларидан бири бўлган. Нисо вилоятига қарашли Хуандиз қалъасининг ҳокими эди. Отаси вафот (1220) этгач, унинг мол-мулки ва мансаби ўғлига ўтган. У 1224 йилга қадар Нисо вилоятининг ҳокими Нусратуддин Ҳамзанинг ноиби бўлиб хизмат қилган. Нашжувон (Нисонинг катта қишлоқларидан) ҳамда ал-Ҳалқа (Журжон қишлоқларидан) да мўгуллар билан бўлган жангларда шахсан иштирок этган. Сўнг Астробод вилоятларидан Кабуд жома (ҳозирги номи Ҳожилар) ҳокими Имом уд-давла Нусратуддин Муҳаммад ҳузурига келган ва унинг ёрдами билан яна Нисога қайтишга муваффақ бўлган, лекин орадан кўп вақт ўтмай, Нисода ўзаро феодал урушлари кучайиб кетганлиги сабабли у Ироққа кетиб қолади ва 1224 йили Султон Жалолуддин Менкбўрнининг (1220-1231) хизматига киради ва унинг котиби (котиб ал-иншо) лавозимига тайинланади. Шиҳобуддин Муҳаммад Нисовий бу лавозимда 1231 йилгача, яъни султоннинг ўлимига қадар хизмат қиласди.

Кейин у Майофарикин (Диёрбакр вилоятида) ҳокими Айюбий ал-Малик ал-Музаффар Фозийнинг (1220-1224) хизматига киради. Бироқ, орадан кўп вақт ўтмай қамалиб қолади. Қамоқдан озод этилгач, Ильдегизийлар (1137-1225) ҳузурида, сўнгра 1238 йили Харрон (Эрон Озарбайжони) қалъасига ҳоким этиб тайинланади. Охири Халаб (Сурія) султони ал-Малик ан-Носир Салоҳиддин Юсуф ибн ал-Азизнинг хизматига киради ва умрининг охиригача Халабда истиқомат қиласди.

Шиҳобуддин Муҳаммад ан-Нисовий Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг мўгул истилоси давридаги (1220-1231) ижтимоий-сиёсий аҳволидан баҳс юритувчи “Сирот ус-султон Жалолуддин Менкбурни” номли қимматли китоб ёзисб қолдирган. Асар 1241 йилда

Халабда ёзиб тугалланган бўлиб, у мемуар – хотира-ёднома тарзидаги ёзилган.

Китоб муқаддима ва 108 бобдан иборат. Асарнинг I-IV бобларида мўфул-татарлар, Чингизхоннинг келиб чиқиши, хон бўлиб кўтарилиши масалалари ихчам тарзда баён этилган.

V-XXII боблар хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган.

XXIII бобдан бошлиб китобнинг то охиригача мўфул истилоси ва хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг фожиали тақдири, сulton Жалолуддиннинг ҳаёти ва кураши, фожиали ҳалокати ҳикоя қилинади.

Ушбу асарнинг 1224-1231 йиллар воқеаларини ўз ичига олган боблари оригинал ва зўр илмий аҳамиятга эга, чунки баён этилмиш воқеаларнинг кўпчилигига муаллифнинг бевосита шахсий иштироки бор.

Мана шунинг учун ҳам бу китоб тарих илми намояндаларининг дикъат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Ундан ҳам ўтмишдаги муаррихлар ал-Футувватий (1244-1323), Ибн Халдун (1332-1406), Бадруддин Айний (ваф. 1451) қимматли манба сифатида фойдаланганлар. Замонавий шарқшунослар ҳам ўша даврга оид тадқиқотларида бу асарни четлаб ўта олмайдилар.

“Сирот ус-султон Жалолуддин Менкбурни” номли асарнинг арабча матни, французча таржимаси билан 1891-1895 йиллари Парижда ҳамда Қоҳирада чоп қилинган. Унинг қисқартирилган туркча (таржимонлар Юсуф Зиё ва Аҳмад Тавҳид) ва форсий (таржимонлар Муҳаммад Али Носиҳ ва Мужтаб Миновий) таржималари мавжуд. Асарнинг туркманлар ва Туркманистоннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволидан ҳикоя қилувчи қисми рус тилида (таржимон С. Л. Волин) нашр этилган эди.

Китобни тўлиқ ҳолда аввал Бокуда, кейин Москвада З.М.Буняятов рус тилига таржима қилиб, илмий изоҳлар билан нашр эттирган.

7.3.27. Мулҳақот ас-суроҳ

“Мулҳақот ас-суроҳ” (“Ас-суроҳ”га илова”) номли китобнинг муаллифи XIII-XIV аср бошларида яшаган тилшунос ва тарихчи олим Жамол Қаршийдир (1230 й. туг.). Унинг асли исми Абулфазл Муҳаммад ибн Умар ибн Холид, аммо олим кўпинча Жамол Қарший (Қарши-мўғулча “қаср” демакдир.) номи билан машҳур бўлган. Олим Олмалиқ шаҳрида (Ила водийсида, Гулжанинг гарби-шимолий тарафида жойлашган йирик ўрта аср савдо ва маданият марказларидан бири) руҳоний оиласида туғилған. Отаси Олмалиқнинг машҳур ҳофизларидан (“Қуръон”ни қироат билан ўқувчи), онаси эса марвлик шайх Абу Алининг авлоди бўлган.

Бўлғуси олим Олмалиқлик машҳур шайх Ашраф ибн Нажиб ал-Ко-

сонийдан таълим олди, сўнг Чингизийларга тобе бўлган маҳаллий ҳукмдор Суфноқ такиннинг (ваф. 1250-1253) ўғли Элбутарнинг тарбиячиси сифатида хизматга киради. Бу ҳол, шунингдек садр Бурҳониддиннинг ҳомийлиги туфайли, унинг кейинги юқори лавозим девони иншога кўтарилишига ёрдам берди. 1264 йили Жамол Қарший, бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра, истеъфога чиқиб, Кошғарга кетиб қолади.

Кошғарда Жамол Қаршийга садрлардан Камолуддин Абу Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ва Саъдуддин ҳомийлик қилдилар. Олим Кошғарда, асосан шеър ёзиш билан машғул бўлди ва садр Саъдуддиннинг таклифи билан 1302 йили ўзининг “Ас-суроҳ мин ас-Саҳоҳ” (“Фойдали (мулоҳаза)дан келиб чиққан очиқ гап”) номли асарини ёзди. Жамол Қарший 1269-1294 йиллар орасида Ўрта Осиёning кўпгина вилоятлари бўйлаб саёҳат қилган.

Масалан, 1269-1270 йиллари Иламишда (Андижондан Таласга борадиган йўл устида жойлашган қадимиш шаҳар), бир неча бор (1272, 1293) Шошда, 1273 йили Барчинлиғкент ва Жандда бўлган. Олим ана шу саёҳатлар вақтида тўпланган маълумотлардан ўзининг юқорида номи қайд этилган асарини ёзишда кенг фойдаланган.

Жамол Қаршийнинг ушбу асари Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод ал-Жавҳарийнинг (ваф. 1008) “Ас-саҳоҳ” (“Муқаммал луғат”) номли асарига ёзилган қўшимча бўлиб, кўпинча “Мулҳақот ас-суроҳ” номи билан машҳурdir.

Асарда XIII асрда Олмалиқ ва унга қарам ерларда ҳукмронлик қилган турк ҳукмдорлари, Қорахонийлар, хусусан уларнинг Кошғарда ҳукмронлик қилган намояндалари; Кошғар, Хўтан, Фарғона, Шош вилоятлари, шунингдек Сирдарёning қуи оқимида жойлашган бир қатор йирик ўрта аср шаҳарлари, масалан Барчинлиғкент, Жанд ҳақида, Жамол Қарший билан замондош бўлган машҳур кишилар – шайхлар, олимлар, шоирлар ҳақида диққатга сазовор маълумотларни учратамиз.

Умуман, Жамол Қаршийнинг ушбу асари Мовароуннаҳр ҳамда Марказий Осиё ҳалқларининг XIII асрдаги тарихи, маданияти, йирик шаҳарлари ва уларнинг аҳволини ўрганишда зарур манбалардан биридир. “Мулҳақот ас-суроҳ” ҳозиргача биронта тилга таржима қилинмаган. Унинг қўллэзма нусхалари Англия, Франция, Германия кутубхоналарида, Россияning Санкт-Петербург шаҳрида ва Тошкентда мавжуд.

7.4. Араб тилидаги манбаларнинг хусусиятлари

Араб тилида яратилган тарихий асарлар ёки ёзма ёдгорликлар қуйидаги умумий хусусиятларга эга. Улар гарчи араб тилида ёзилган бўлсада, барчасида умумий тарихни қамраб олишга, яъни тарихни жаҳон та-

рихи сифатида идрок этишга, талқин қилишга интилиш алоҳида сезилиб туради. Бу манбалар учун илк тарихий асар ва намуна сифатида “Куръони карим” олинади.

Китоблар ичидаги тарихчи ўзининг “Куръони карим”, ҳадислар ва “Пайғамбарлар қиссалари”, диний ривоятларни яхши билишини намоиш этишга ва улардаги машҳур ва маълум воқеа, ҳодиса, ривоят, ақидалардан унумли фойдаланишга интилганлар.

Араб тилидаги ёзма манбаларнинг энг қадимгилари, асосан мумтоз ёзув турларидан куфийда “Куръони карим” ва тафсир, ҳадислар насх, сулс ёзувларида битилган. XV асрдан сўнг истеъмолга настаълиқ ёзуви кирган. Алоҳида фармон ва ҳужжатлар таълиқ ёзувида битилган.

Тарихий асарлар мазмуни ва таркибида келганда шуни айтиш керакки, уларда матн анъанавий Аллоҳ ҳамди – таҳмид, пайғамбаримиз наътлари, тўрт саҳоба ёки саҳобаи рошидин таърифи келиб, ундан сўнг асар кимга баришланган бўлса, одатда улар юксак лавозимдаги шахслар ёки ҳокимлар бўлган, ўша ҳомийларга бағишлов-мақтov ёзилади ва ана шундан кейин камтарин муаллиф ўзи ҳақида, қандай асар ёзмоқчи эканлиги, унинг номи ва асарнинг ихчам мазмуни ёки замонавий тил билан айтилса, аннотацияси баён этилади.

Асарнинг охиридаги хотима – колофонда эса, муаллиф асарини тутгатиб олгани учун Аллоҳга шукроналар келтириб, мазкур қўлёзма асар ва унинг ушбу нусхаси, кўчирилиш жойи ва тарихи, хаттоти ҳақида маълумот келтирилади. Тарихий асарларда келтириладиган “Куръони карим” оятлари ва “Ҳадиси шариф” намуналари, одатда асосий матндан ажратиб, бошқа сиёҳ билан ва кўпинча бошқа сиёҳ билан битилиб, алоҳида зийнатланади.

Тарихий асарлар қўлёзмалари ўз даври анъаналарига мос равища чарм муқова – жилдларга олинган, китоб бошланиши шамс, унвон, сарлавҳа, зарварақ нақшлари билан, матн ўрталарида лавҳа нақшлар ва мўъжаз расмлар билан безатилган. Намуна сифатида Берунийнинг “Осор ул-боқия” асарининг мўътабар қўлёзмасини кўрсатиш мумкин.

Умуман, араб тилида юртимиз тарихига оид манбалар билан танишиб уларнинг ҳам сон жиҳатидан кўплиги, ҳам илмий савияси жуда юқори эканлиги гувоҳи бўламиз. Гарчи, қомусий олимимиз Беруний арабларда тарих яратиш анъанаси жуда қадимий ва бой эмаслигини ҳақли равища қайд этган бўлса-да, араб халифалиги шаклланганидан сўнг, юонон, эрон, яҳудий ва насроний тарих анъаналаридан ижобий ва ижодий фойдаланган араб ва, асосан араб тилида ижод этувчи муаррихлар ҳам араб халифлари, ҳам араб халифалиги ҳудудига кирган

ёки унга қўшни бўлган халқлар тарихини ёзишга жуда катта ҳисса қўшдилар. Шунинг билан бирга, юртимиздан етишиб чиққан тарихчиларимиз ҳам араб тилида, айниқса Беруний, Самъоний, Шаҳобиддин Нисовий каби тарихчилар ажойиб асарлар яратиб араб тилидаги тарих илми тараққиётига муносиб улуш қўшдилар. Яъни, араб тилидаги манбаларни ўрганиш ҳали ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Улар халқимиз бой меросининг ажралмас қисми бўлиб, ўтмишдаги юксак тараққиётимиз гувоҳидир.

Ушбу қўлланмада араб тилида битилган юртимиз тарихига оид энг муҳим ёзма манбалар тўғрисида ихчам ва қисқа маълумот беришга интилдик. Чунки тарихимизнинг бу қатлами, яъни араб тилида VII-XIV асрлар давомида яратилган ёзма манбалар ҳали мукаммал ўрганилган дейиши қийин. Бу келгуси манбашунослар олдидағи шарафли вазифа. Албатта, биз келтирган ёки зикр этган асарлар номлари билан араб тилидаги манбалар рўйхати чегаранланмайди, ёхуд тугамайди, аммо бакалавриат талабаларида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун кифоя қиласи, деб ҳисоблаймиз.

7.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Куръони карим” Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.-Тошкент, 1992.
2. Ислам. Энциклопедический словарь.-М.: Наука, 1991.
3. Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. –М., 1985.
4. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
5. Сайдкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
6. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Ташкент: Фан, 1998.
7. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-М.: Наука, 1987.
8. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература. Соч. IV том. -М., -Л., 1957.
9. Вахабова Б. Памятники арабоязычной биографической литературы XII-XIV веков как источник для истории культуры Средней Азии// Автореф... дисс. канд. филол. наук. -Ташкент, 1970.

7.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Араб тилида ёзилган манбалар ва уларнинг юртимиз тарихини ўрганишдаги аҳамияти қандай?
2. Берунийнинг “Осор ул-боқия” асарининг тарихни ўрганишдаги аҳамияти нимада?
3. Табарийнинг “Тарих ар-русл ва-л-мулук” асари тарихий манба сифатида қандай хусусиятларга эга?
4. Шиҳобуддин Нисовийнинг “Сирот ус-султон Жалолуддин Менкбурни” асари мазмуни нимадан иборат ва унинг манба сифатидаги аҳамияти нимада?
5. «Девони лугати турк » асарининг илмий аҳамияти нимада?

8 - мавзу. XIII-XIV асрлар тарихига оид манбалар

Дарснинг мазмуни: Ушбу дарсда ватанимиз тарихига оид ёзма манбаларнинг яратилишида форс тилининг тутган ўрни у тилдаги асосий манбалар тўғрисида талабаларга тушунча берилади.

Режа:

- 8.1. Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар.
- 8.2. Мӯғул ва Хитой тилиларида ёзилган манбалар.
- 8.3. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар.
- 8.4. Форсий тилининг манбаларда тутган ўрни.
- 8.5. Форс тилидаги манбалар.
- 8.6. Форс тилидаги манбаларнинг умумий хусусиятлари ва аҳамияти.
- 8.7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 8.8. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Форсий тилдаги ёзма манбаларга оид атамалар ҳам деярли араб тилидагилар билан бир хил аталади ёки айнан бир тушунча иккала тилда ҳам ишлатилади.

8.1. Асосий сиёсий–ижтимоий воқеалар

1219-1221 йиллар ичида Ўзбекистон мӯғуллар томонидан истило этилди. 1227 йили Чингизхон Еттисув, Кошғар, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг шарқий қисмини, шунингдек, ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмини иккинчи ўғли Чиратойга (1227-1241 й.) инъом қилди. Бу улус тарихда Чиратой улуси номи билан машҳур. Чиратой улусининг олий ҳукмдорлари ҳам, қорахитойлар сингари; улусни маҳсус ижарадорлар, яъни хоразмлик машҳур савдогар Маҳмуд Ялавоч (1125-1238) ва унинг ўғли Маъсудбек (1238-1289) ёрдамида идора қилдилар.

Мунко қоон (1251-1260) таҳтга ўлтиргандан кейин, Жўжи улусининг олий ҳукмдори Ботухон (1227-1255) билан тил бириттириб, Чигатой авлодининг кўпчилигини қатл эттириди ва Чигатой улусини ўргада бўлиб олишди.

Лекин, орадан кўп вағт ўтмай, Олғу (1261-1266) улус мустақиллигини тиклашга муваффақ бўлди. Муборакшоҳ (1266) ва Бароқхон (1266-1271) даврида мўғул ҳукмдорлари маҳаллий аҳоли билан яқинлашиш мақсадида ислом динини қабул қилдилар. Натижада, 1266 йили хон ҳамда баъзи мўғул уруғлари (масалан, жалоирийлар) Еттисувдан Мовароуннаҳрга кўчиб ўтдилар. Бу ҳол ўз навбатида тарқоқлик ва парокандаликка олиб келди. X1У асрнинг 50-йилларига келиб, Чигатой улуси иккига ажралиб кетди – Еттисув ва Кошарда қолган мўғуллар мустақиллик эълон қилиб, ўз давлатларини тузиб олдилар. Бу давлат тарихда Мўгулистон ёки Жете номи билан машҳурдир.

Мўғуллар ҳукмронлиги йилларида Мовароуннаҳр ҳалқи икки томонлама – мўғул ҳукмдорлари доруғалар, босқоқлар ҳамда маҳаллий ер эгалиари зулми остида қолди. Улар асосий даромад солиги хирождан ташқари талайгина бошқа солиқ ва жарималар –доруғаги, сар шумор, улуфа, тамға, қупчур ясоғи, тағор, бигор ва бошқаларни тўлашга мажбур этилган эдилар.

Оғир чоракорлик меҳнати, мўғул ҳукмдорларининг бебошлиги меҳнаткаш ҳалқнинг сабр косасини тўлдирди. Бухоро вилоятининг ҳалқи косиб Маҳмуд Таробий ва илоҳиёт олими Шамсуддин Маҳбубийларнинг атрофига уюшиб, 1238 йили қўзғолон кўтарди, лекин у бошқа шаҳар ва вилоятларга ёйилмади. Натижада Бухородаги қўзғолон Еттисув ва Хўжанддан Илдиз нўён ҳамда Чуқан қурчи бошчилигига юборилган мўғул қўшини томонидан бостирилди.

XIV аср иккинчи ярмига келиб Чигатой улусининг жануби-гарбий қисмини ташкил этган Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик янада кучайди. Бу, айниқса амир ул-умаро Қазағон вафотидан (1358 йили) кейин кучайиб, мамлакат майда қисмларга бўлинниб кетди. Масалан, Шаҳрисабзда Ҳожи Барлос мустақиллик байроғини кўтарди. Хўжандда Боязид жалоир мустақиллик эълон қилди. Балхда Амир Ҳусайн хон кўтарилиди, Шибирғонни Муҳаммад Апарди эгаллади. Хутталонда Кайхусрав ўзини подшоҳ деб эълон қилди. Бадахшон маҳаллий ҳукмдорлар – Бадахшон шоҳлари қўлига ўтди.

Феодал тарқоқликдан барлос амирзодаларидан Амир Темур усталик билан фойдаланди ва 1370 йили олий ҳокимиятни қўлга одди. У 1370-1378 йилларда мамлакатдаги тарқоқликни тугатиб, Мовароуннаҳр ва Хоразмни ўзига бўйсундириди. 1381-1402 йилларда Амир Темур қўшни мам-

лакатлар устига ҳарбий юриш қилиб, Эрон, Кавказ орти, Ироқ, Кичик Осиё ва Шимолий Ҳиндистонни истило қилди, Олтин Ўрда хони Тўхтамишга (1376-1395) қақшатқич зарба бериб, уни пойтахти Сарой Беркани эгаллади.

Амир Темур ва Темурийлар давлати майда улусларга бўлинган ҳолда идора қилинди. Масалан, Амир Темур салтанати тўрт қисмга бўлинган эди: Хурросон, Журжон, Мозандарон ва Сеистон (маркази Ҳирот шаҳри) Шоҳрухга; Фарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (маркази Табриз), Мироншоҳга; Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз), Умаршайхга; Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази Фазни, кейинчалик Балх). Пирмуҳаммадга суюргол (шаҳзода амирларга тоҷу таҳт олдидаги катта хизматлари учун шартли тарзда инъом қилинган ер-сув ва уни идора қилиш ҳуқуқи) берилган эди.

Амир Темур вафотидан (1405 йил 18 феврал) кейин 1409 йилгача ўзаро кураш давом этди. Шоҳруҳ Мирзо (1409-1447), Мирзо Улугбек (1409-1449), Султон Абу Сайд Мирзо (1451-1469), Султон Ҳусайн Мирзо (1459-1506) даврида давлат нисбатан марказлашган эди ва ҳалқаро обрўга ҳам эга эди.

XV асрнинг 80- йилларидан бошлаб, ўзаро ҳамжиҳатлик жуда сусайди. Мовароннаҳрнинг бир ўзида деярли учта мустақил давлат бўлиб, уларда Султон Абу Сайд Мирзонинг ўғиллари Султон Аҳмад Мирзо Самарқандда, Умаршайх Мирзо Фарғонада ва Султон Маҳмуд Мирзо Ҳисор, Хутталон ҳамда Бадахшонда ҳокими мутлақ ҳисобланар эдилар.

Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳам ер-сув ҳамда ҳунармандчилик корхоналарининг катта қисми подшоҳ хонадони ва бадавлат кишилар қўлида бўлиб, меҳнаткаш ҳалқ уларнинг ерини ижарага олиб кун кечирар эди. Улар хирож, доруғаги, миробона, жон солиги, аворизот, бож, тамға, закот, пешкаш, совари каби солиқ ва жарима тўлашга, ҳукумат ва катта ер эгаларининг турли-туман юмушларини бажаришар эдилар.

Амир Темур даврида давлат тепасида расман Чингиз авлодидан бўлган Суюргатмиш (1370-1380) ва Султон Маҳмудхон (1380-1402) турди. Кейинча хон кўтариш тартиби бекор қилинди ва олий ҳукмдор ўзини подшоҳ деб эълон қилди. Вилоят ва туманларда ҳокимият марказий ҳукумат тарафидан тайинланган доруғалар қўлида бўлди. Давлат ишлари, асосан турли муассаса – девонлар, девони олий – марказий ижроия органи, девони мол – молия ишлари маҳкамаси ва девони тавочи - ҳарбий ишлар маҳкамаси ва бошқалар қўлида бўлган. Дин, шариат билан боғлиқ ишлар қози ва шайхулислом қўлида эди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳрдаги Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро каби шаҳарлар иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўси, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривож топти. Мовароуннаҳрнинг Хитой, Ҳиндистон, Арабистон мамлакатлари, Мўғулистан, Олтин Ўрда ва Европа мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайди. Бу даврда илм-фан ва маданият ривожланди. Низомиддин Шомий ва Ҳофизи Абру, Шарафуддин Али Яздий ва Абдураззоқ Самарқандий, Муҳаммад Мирхонд ва Фиёсиддин Хондамир каби муаррих олимларни, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий, Бисотий Самарқандий ва Ҳожа Исламутла Бухорий, Шайх Аҳмад Суҳайлий ва Камолуддин Биноий каби жуда кўп истеъоддли шоир ва олимлар етишиб чиқди.

8.2. Мўғул ва хитой тилларида ёзилган манбалар

Мўғул ва хитой тилларида ёзилган манбаларда Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрлардаги тарихига оид маълумотлар учрайди. Айниқса, Чингизхон ва мўғуллар хуружи даври тарихи, мўғул императорлари ҳукмронлиги даври тарихини бу манбаларсиз ўрганиб бўлмайди. Шуни алоҳида уқтириб ўтиш керакки, бу манбаларда, хусусан хитой манбаларида, воқеалар, биринчидан, йилма-йил баён этилган, иккинчидан, уларнинг содир бўлган жойи ва вақти аниқ кўрсатилган.

8.2.1. Монгол-ун ниучча тобчан

“Монгол-ун ниучча тобчан” (“Мўғулларнинг махфий тарихи”) XIII аср бошида ўрта аср үйғур имлосида ёзилган ва бизгача хитой имлоси, иерографида хитойча таржимаси билан етиб келган. Асарнинг хитойча номи “Юань-чао би ши” (“Юань сулоласининг²⁴ махфий тарихи”) деб аталади. Унда Хитой, Мўғулистан, Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг XIII асрдаги тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади. Унда найман, керант, ўнфут, үйғур, қорлиқ ва бошқа туркий ҳалқларнинг Чингизхон хуружи пайтидаги тарихи ва уларнинг мўғул асоратига тушиб қолиши ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз.

“Монгол-ун ниучча тобчан” хитой тилига 1404 йили таржима қилинган. 1800 йили истифодага киритилган. Асар 1866 йили П.Кафаров тарафидан рус тилига таржима қилинган ва сўз боши, хитойча матни ва луғатлар билан қўшиб, 1941 йили С.А.Козин томонидан “Сокровенное сказание” номи билан чоп этилган. Асарнинг Э.Хённинг тарафидан амалга оширилган немисча нашри мавжуд.

²⁴ Юань сулоласи – Хитойни 1259-1332 йилларда идора қилган сулола. Асосчиси Хубилайхон (1260-1294).

8.2.2. Цзин-ши

“Цзин-ши” (“Цзин сулоласининг²⁵ тарихи”) номли асар сўнгги юань императори Шинди (Тўғон Темур) даврида, хитой олими ва ёзувчиси Оуян Сиань томонидан ёзилган. Унга мўфул императорлари даврида ёзилган ва кейинча йўқолган “Шилу” (“Саҳиҳ ёзувлар”) номли солномаси асос бўлган.

“Цзин-ши” тўрт қисмдан иборат: 1) Цзин сулолосининг сиёсий тарихи; 2) Цзин давлатининг маъмурий, ҳарбий, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий, маънавий ва илмий тизимлари; 3) Цзин императорлари; 4) императорлар ва уларнинг оиласлари, давлат арбоблари, саркардалари ва маданий арбобларининг таржимаи ҳоли.

Асарнинг тўртинчи қисмида ўша вақтларда Марказий Осиёда истиқомат қилган туркӣ халқлар, уйғурлар, ўнғитлар ва бошқалар, улар билан олиб борилган элчилик муносабатлари, уларнинг бошлиқларини ҳарбий хизматга жалб қилиш ҳақида маълумотлар бор.

8.2.3. Юань-чао мин-ченъ ши-люэ

“Юань-чао мин-ченъ ши-люэ” (“Юань сулоласи машҳур мансабдорларининг қисқача таржимаи ҳоли”) номли асар 15 бобдан иборат бўлиб, уни тарихчи Су Тяньцзюэ яратган. Китобда салтанатда хизмат қилган 47 йирик мансабдорнинг таржимаи ҳоли баён этилган. Улар орасида туркӣ қавмлардан чиққанлари ҳам бор.

Бу уч китобдан иборат асарнинг кўпгина нашрлари мавжуд. Энг яхши нашри 1962 йили Нанкин университети профессори Хань-Жулин тарафидан амалга оширилган. Ноширнинг сўз бошиси муҳим илмий аҳамиятга эга.

8.2.4. Шэн-у цинъ чжен-лу

“Шэн-у цинъ чжен-лу” (“Муқаддас саркарда Чингизхоннинг ҳарбий юришлари тафсилотлари”) номли асар асли мўфул тилида ёзилган, лекин унинг шу номдаги хитойча таржимаси бизгача етиб келган, холос. Унда Чингизхоннинг ҳарбий юришлари ва мўфуллар хуружи вақтида туркӣ халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

“Шэн-у цинъ чжен-лу” асарини биринчи марта Юань Чжон 1894 йили, Ван Говей исмли тарихчи 1925-1926 йиллари кенг изоҳлар билан чоп этган. 1872 йили П. Кафаров асарнинг русча таржимасини, сўз боши ва зарур изоҳлар билан кўшиб, нашр этган. 1951 йили Пельо ва Гамбус унинг французча нашрини амалга оширганлар.

²⁵ Цзин сулоласи – 265-420 йй.

8.2.5. Юань-ши

“Юань-ши” (“Юань сулоласи тарихи”) – Юань сулоласининг тўлиқ расмий тарихидир. Уни Сун-лян (1310-1381) бошчилигидаги 16 муаллиф-тузувчилар яратган деб ҳисоблайдилар. Китоб Мин сулоласининг императори Тайқчунинг буйруги билан 1369 йили ёзиб тамомланган.

Асар тўрт қисмдан иборат:

Биринчи қисмда Юань сулоласи шажараси, яъни Хубилайхондан бошлиб 13 мўғул императори, уларнинг шахсий ҳаётида бўлиб ўтган ва уларнинг даврида мамлакатда кечган асосий воқеалар берилган.

Иккинчи қисмда самовий воқеалар тафсилоти, мамлакатда бўлиб ўтган ҳудудий воқеалар, мамлакатнинг маъмурий бўлиниши ҳақида, мамлакатдаги дарёлар ва наҳрлар, халқининг либослари, амалдорларни мансабга тайёрлаш олдидан ўтказиладиган имтиҳонлар ва бошқалар ҳақида маълумот келтирилади.

Учинчи қисмда император ва унинг хонадони аъзоларининг шажараси ўрин олган.

Тўртинчи қисмда император хонадони аъзоларининг таржимаи ҳоли ва қўшни мамлакатлар ҳақида қисқача маълумот келтирилади.

Туркий халқлар тарихи ва турк аслзодаларининг мўғул империясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида “Юань-ши”нинг тўртинчи қисмida, еттинчи бобда жуда қимматли маълумотлар берилади. Унда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, турклар, жамиятда тутган мавқеига кўра хитойлардан кейин иккинчи ўринда турган халқ бўлган. Йирик турк амалдорлари, асосан уйғур, қорлиқ, қипчоқ, қонғли, ўнфут, аргин, найман ва керайт қавмларидан чиққан. Улар, асосан мўғул империясининг маъмурий идоралари ва ҳарб ишларини бошқарганлар.

Турклар орасида олимлар ҳам кўп бўлган. Булар - қорлуқлардан чиққан Баён, ўнфут Мақчузан, қипчоқ Тойбуға, Бобохуду, Улчайботир, қонғлидан чиққан Бухулу, Ўрус, Табрикчи ва бошқалар. Мўғул императорлари хизматида бўлган турклар орасида уйғурлардан 300 мансабдор ва олим бўлган.

“Юань-ши”нинг айрим қисмлари турли йилларда Н.Я.Бичурин, Пельо, Л.Гамбис, Э.Хёниш, С.А.Козин, А.Вайли, Г.Франко, Ф.В.Клаваза ва Г.Ф.Шурманн тарафидан таржима қилинган.

8.3. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар

Хожа Аҳрорга тегишли васиқа ва вақфномалар. Бу турдаги ҳужжатлар кўп ва уларни архив ва музейларнинг фондларидан, шунингдек кўлёзма китоблар сақланаётган кутубхоналардан топиш мумкин. Йирик шарқшу-

нос олима О.Д.Чехович (1912-1982) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви фондларида сақланётган васиқа ва вақфномалар фондини кўп йиллар давомида қунт билан ўрганди ва улар ичидаги Хожа Убайдулла Аҳрорга тегишиларини ажратиб олиб, матни ва русча таржимаси ва маҳсус тадқиқот билан бирга қўшиб 1974 йили “Самарқандские документы XV-XVI веков” номи билан нашр этди.

Хожа Убайдулла Аҳрор ўз даврининг бадавлат обрўли кишиси бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган. Уни шу даражага етказган омиллардан бири бу унинг қўлида тўпланган катта ер-сув ва мол-мулк бўлди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, унинг 300 жуфтги нов (бир жуфт ҳўқиз ёрдамида ҳайдаб экиласидиган ер) ери, шаҳарларда тим (усти ёпиқ бозор), дўкон, ҳаммом, карвонсарой, тегирмон, мойжувлари бўлган.

Хожа Убайдулла Аҳрор маърифатли ва раиятпарвар киши эди. Даромадининг бир қисмини хайрли ишларга сарфлаган, ҳалқ манфаатини ҳимоя қилган. Масалан, 1463 йили Темурийзода Умаршайх Мирзо Тошкент ҳалқидан катта миқдорда хирож талаб қилганда, Хожа Убайдулла Аҳрор уни ўз ҳисобидан тўлаб юборган; ҳунармандлар ва бозор аҳлидан олинадиган тамға солигига қарши чиққан, унинг ўзи ва мулки барча солиқлардан озод қилинганига қарамай, айрим йиллари ҳамма қатори хирож, ушр ва бошқа солиқлар маъуноти девония ва навоиби султония тўлаб турган.

Хожа Убайдулла Аҳрор ҳар йили Султон Аҳмад Мирзо (1458-1494 Мовароуннаҳр ҳукмдори)нинг девонига 80 минг ман (4,32 кг.га тенг) фаллани хирож ўрнида юбориб турган; йилига унга хирожнинг бир қисмини – 10 минг кумуш танга бериб турган.

Хожа Убайдулла Аҳрорга тегишили васиқа, вақфнома ва бошқа ҳукуқий ҳужжатлар ҳали бошқа ерлардан ҳам топилади. Лекин, О.Д.Чехович нашр қилғанларнинг ўзи ҳам Ўзбекистоннинг XV-XVI аср бошидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганишда биринчи даражали манбалардан бири бўлиб хизмат қиласиди.

8.3.1. Васиқа

Аллоҳ жумлаи жаҳон эгасидир, унинг шон щавкати юқори бўлсин!
(Ҳижрий) 859 йил жумоди ул-охир ойининг 12- куни.

Байрамхўжа ўғли Ҳасан, мулкига мутасаддий бўлишга ҳақ-ҳукуқи бўлган ҳолда, деди: “Самарқанднинг Сўзангарон кўчасида жойлашган икки хоналик уйимни, таҳоратхона ва айвони билан, Убайдуллахожа Жалолиддин Маҳмудга сотдим.

Мазкур ҳовли-жойнинг фарб тарафи олижаноб, ҳурмат-эҳтиромга лойиқ бўлган олғувчининг дўкони билан туташ, шимолий тарафи подшоҳлик ерлари ва қисман Амир Шермуҳаммад хожанинг уйи билан, шарқи-жануб тарафдан эса ҳалқа кўчалар билан туташдир.

Ушбу мулкни, барча ҳақ-хукуқлари билан, ҳозирда муомалада бўлган 1500 динори адлияга²⁶ сотдим.

Мазкур садо-сотиқнинг кафиллиги ўзимнинг зиммамда.

Савдо қуидаги шахсларнинг гувоҳлигига бўлди:

Абу Мансур Муҳаммад;

Саъдулла Муҳаммад ал-Испижобий;

Аҳмад Али ал-Хоразмий;

Хожа Султон Жаҳонгир ўғли;

Байрамшоҳ Жунайд Рамазон ўғли.

Ҳаммаси бўлиб 26 гувоҳ.”²⁷

8.4. Форс тилининг манбаларда тутган ўрни

Араб халифалигининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қурдатининг заифлашуви ва маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши аста-секин марказий ҳукумат номигагина Бағдодда бўлиб, унинг ўлкалардаги ноиблари деярли мустақил давлатлар сифатида фаолият кўрсата бошладилар. Бу эса маданият, илм-фан соҳасига катта таъсир ўтказди.

Номигагина халифаликка қарам мамлакатларда аввал оддий ҳалқ орасида, аста-секин олимлар ва давлат аёnlари ва раҳбарлари орасида араб тили билан форс ва туркий тиллардан фойдаланилиши натижасида араб тили дин ва диний билимлар тилига айланди. Шеърият ва тарихда форсий ва туркий тиллар маълум мавқега эга бўлиб, уларда илмий, бадиий ва тарихий асарлар яратилди, давлат ҳужоқатлари юритила бошланди. Бора-бора форсий тил давлат тили даражасига қўтарилиб, бу тилда жуда катта ҳудудда бадиий ва тарихий асарлар яратилди.

Масалан, Байҳақийнинг «Тарихи Масъудий», Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарлари, Мирзо Улуғбек раҳнамолиги ва иштирокида битилган “Тарихи улуси арбаъ” (“Тўрт улус тарихи”), Муҳаммад Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” (“Жаннат боғи”), Фиёсиддин Хондамирнинг “Хуносат ул-ахбор” ва “Ҳабиб ус-сиар”, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” ва бошқалар форсий тилда битилди. Мовароуннаҳрда форсий ва туркий тилдан доимо ёнма-ён фойдаланилар эди.

²⁶ Динори адлия – Мирзо Улуғбек даврида зарб этилган олтин танга пул, вазни 4,4 гр.га тенг.

²⁷ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. 74-75-бетлар.

Бизнинг тарихимизга оид салмоқли тарихий манбалар аввал араб ти-лида яратилган бўлса, айниқса давлат раҳбарлари ёки ҳокимлар араб бўлгандарида, кейинча форсий тилда битилдиким, бу тил илмий доира-лар, мадраса ва мактабларда умумий тараққиёт даражасини белгиловчи зарурат сифатида ўргатилар ва XIX аср охиригача зиёли оиласарда араб тили дин ва “Қуръни карим” тили сифатида, шеърият ва бошқа соҳалар учун форсий ва туркий тиллари истифода этилар эди.

8.5. Форс тилидаги манбалар

8.5.1. Бухоро тарихи

“Бухоро тарихи”, “Тарихи Наршахий” ва “Таҳқиқул-вилоят” (“Бухо-ро вилояти таҳқиқи”) номлари билан машҳур бўлган бу асар Бухоро ва Кўйи Зарафшон воҳасида жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг жўпро-фий ҳолати, аҳолисининг VII-X асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини акс эттирган қимматли тарихий манбадир.

Китоб муаллифининг номи қисқача Наршахий (899-959) деб атала-ди. Унинг тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шариқ бўлиб, X асрда ижод қилган бухоролик йирик тарих-чи сифатида машҳурдир. Тарихчи Самъонийнинг маълумотига қараган-да Наршахий асли Бухоронинг Наршах (ҳозирги Вобкент ёнида) қишло-ғидан. Наршахий ўз асарини 944 йили ёзиб тугаллаган.

“Бухоро тарихи” асарининг Наршахий ёзган араб тилидаги асли сақ-ланиб қолмаган. Асар 1128 йили фарғоналик (Қува шаҳридан) Абунаср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Кубавий тарафидан илк бор қисқарти-рилиб, форсий тилга таржима қилинган. Орадан тахминан 50 йил ўтгач, 1178 йили котиб Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар томонидан “Бухоро тарихи” асари иккинчи марта таҳрир этилди.

“Бухоро тарихи” асарининг бизгача етиб келган нусхаларида 1178-1220 йилги воқеалар баёни унинг таркибига киритиб юборилган. Шунга қараганда, Наршахийнинг асари учинчи марта номаълум муҳаррир то-монидан тўлдирилган кўринади.

“Бухоро тарихи” Ўзбекистоннинг араблар томонидан босиб олинни-ши, бу ерда ислом динининг тарқатилиши ҳамда мамлакатнинг Сомо-нийлар ҳукмронлиги йилларидаги тарихини баён этадиган ноёб манба-дир.

Бу асарнинг форсий матни 1892, 1894, 1904 ва 1939 йилларда Париж, Бухоро ва Техронда чоп этилган. Китоб рус, инглиз ва ўзбек тилларига (1897, 1954, 1966 йиллари) таржима қилинган.

8.5.2. Ҳудуд ул-олам

“Ҳудуд ул-олам” форс тилида ёзилган (982) биринчи жуғрофий характердаги асардир. Китобнинг тўлиқ номи “Ҳудуд ал-олам мин Машриқ ила-л Мағриб”дир (“Шарқдан Фарбга қараб жойлашган мамлакатларнинг чегаралари”). Асар музаллифи юмаълум. У Гузноно (Афғонистоннинг шарқи-шимолий қисмида жойлашган қадимий вилоят) ҳокимларидан (Фаруғинийлар) бирига атаб ёзилган. Китобнинг ягона кўлёзма нусхаси шарқшунос А.Г.Туманский (1861-1920) томонидан 1892 йилда Бухорадан топилган.

“Ҳудуд ул-олам” асари муқаддима ва 59 бобдан иборат. Унинг 1-7 бобларида ернинг тузилиши, денгиз, орол, тоғ, дарё, чўлу биёбонлар ҳамда дунёнинг инсон яшайдиган тўртдан бир қисми – рубъи маскун ва унда истиқомат қилувчи халқлар, рубъи маскуннинг мамлакат ҳамда вилоятларига тақсимланиши ҳақида умумий мулоҳаза юритилади.

8-59- бобларида Шарқдан Фарбга қараб жойлашган мамлакатлар, уларнинг халқи, ўша мамлакатларда ишлаб чиқариладиган асосий матолар, айрим ўринларда эса савдо-сотиқнинг умумий аҳволи хусусида сўз боради.

“Ҳудуд ул-олам” асарида Ўзбекистоннинг шаҳарлари, аҳолиси ва уларнинг мағбулоти ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз.

Асарнинг матни айнан (фотоматни) факсимилеси, кирипи ва зарур изоҳлар билан бирга, 1930 йили В.В.Бартолд томонидан, инглизча таржимаси эса (тадқиқот ва изоҳлар билан бирга) 1937 йили В.Ф.Минорский томонидан нашр этилган. Унинг форсча матни икки марта (М.Сотудэ ва Сайид Жалолуддин Техроний томонидан) Эронда чоп этилган. 1983 йили асарнинг тожикча нашри амалга оширилган.

Ушбу китоб форс тилидаги илк тарихий-жуғрофий манба сифатида жуда қимматли асар ҳисобланади.

8.5.3. Сиёсатнома

Бу машҳур асар музаллифи Низомулмулк таҳаллусини олган Салжукийлар давлатида вазир сифатида хизмат қилган йирик давлат арбоби ва тарихчи олимдир. Унинг асли исми Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусий (1018-1092) бўлиб, Салжукий ҳукмдорлар Султон Алп Арслон (1063-1073) ҳамда Султон Маликшоҳ I ларнинг бош вазири бўлган ва бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнаган. У салтанатдаги тарқоқликка барҳам бериш, марказий давлат тузумини мустаҳкамлап, давлатнинг молиявий ишларини тартибга солиш учун ҳаракат қилган. Шунинг учун унга мамлакатни тартибга солувчи, яъни Низомулмулк номи берилган. Низомулмулк Бағдодда “Низомия” аталмиш мусулмон ҳуқуқ-ақоид мактабига асос солган.

“Сиёсатнома” асарининг бошқа номи “Сияр ал-мулук” (“Подшоҳларнинг турмуши”)дир. Китоб 1092 йили ёзиб тугалланган. У 51 бобдан иборат бўлиб, унда давлат тизими, молиявий ҳисоб-китоб ишлари, қўшин тузулиши, мансаблар ва уларга амалдорларни тайинлаш тартиби, амалдорлар фаолияти муаммолари хусусида фикр юритилади.

Асарда Ўзбекистон тарихига оид муҳим ва қимматли маълумотлар бор. Сомонийлар замонида турк ғуломларини давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, Туркистон хонлари Қораҳонийлар саройида хизмат қўлувчи ходимларнинг майший аҳволи, Сомонийлар хизматида бўлган амирлар унвонлари, Хоразмшоҳ Олтингтош (1017-1032) билан Султон Маҳмуд Фазнавийнинг вазири Аҳмад ибн Ҳасан ўртасидаги ёзишмалар ана шулар жумласидандир. Асарда, бундан ташқари, карматлар, ботинийлар ҳаракати, Муқанна қўзғолони ҳақида ҳам айрим диққатга сазовор маълумотлар мавжуд.

“Сиёсатнома”нинг форсчаси 1931, 1956 йиллари, французчаси 1893 йили, инглизчаси 1960 йили ҳамда русчаси 1949 йили Б. Д. Заходер томонидан чоп қилинган. Китоб ўзбек тилига ҳам таржима қилинган ва босиб чиқарилган.

8.5.4. Чор мақола

“Чор мақола” номи билан машҳур бўлган бу қизиқарли асар муаллифи Низомий Арузий Самарқандийдир. Унинг ўз исми Нажмуддин Аҳмад ибн Умар ибн Али бўлиб, асли самарқандликдир. Отаси бир вақтлар Салжуқий Алп Арслон хизматида бўлган. Бўлғуси олим IX асрнинг 90- йилларида туғилган, 1116-1119 йиллари Султон Санжар (1118-1157) саройида Нишопурда ҳаёт кечирди, сўнгра Гур ва Бомиёнда (Афғонистоннинг марказий қисмида жойлашган вилоятлар) ҳукм сурган Шансабийлар хизматига кирди ва умрининг охиригача ўша ерда яшади.

“Чор мақола” илмий, этик-дидактик мавзууда ёзилган асар бўлиб, “Мажмаъ ул-ғаройиб” (“Ажойиботлар мажмуаси”) номи билан ҳам аталади. Асар 1156-1157 йилларда битилган бўлиб, тўрт қисмдан иборат:

Дабир (котиб)лар ва дабирлик ҳақида;

Шеърият илми ва шоирларнинг қадр-қиммати ҳақида;

Сайёralар ҳақидаги илм ва мунажжимлик ҳақида;

Тибб (медицина) ва табиблик хусусида.

Биринчи қисмда қорахитойлар билан Султон Санжар ўртасидаги 1141. йилнинг 9 сентябрида Самарқанд атрофида бўлган уруш, Қорахитойлар билан Хоразм, шунингдек, Султон Маҳмуд Фазнавий билан Мовароуннаҳр ҳукмдори Қораҳоний Буғрахон Муҳаммад (1033-1056 йиллар атрофида вафот этган) ўртасидаги сиёсий муносабатлар, қорахитойлар

истилоси арафасида Бухоро садрларининг умумий аҳволи ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар келтирилган.

“Чор мақола”нинг иккинчи қисмida ҳам муҳим маълумотларни учратамиз. Машҳур форсийзабон шоирлар Рудакий (тахм. 860-941), Фарруҳий (1038 йили вафот этган), Фирдавсий (тахминан 940-1020-1030 йиллар ораси)ларнинг ҳаётига оид, шунингдек, Бодҳизнинг табиий шароити, масалан у ерда бўлган 1000га яқин кориз, узумнинг 120та нави, Қораҳонийлар даврида Мовароунаҳрининг адабий ва маданий ҳаётига оид ахборотлар шулар жумласидандир.

Учинчи қисмда Абу Райҳон Беруний ва Умар Ҳайёмнинг (тахм. 1048-1123) ҳаёти (Низомий Арузий Самарқандий у билан яқиндан таниш бўлган) билан боғлиқ маълумотлар берилган.

Тўргинчи қисмда ўзбекистонлик буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг (980-1037) Бухоро ва Хоразмдаги илмий фаолияти билан боғлиқ маълумотларни учратамиз.

Хуллас, Низомий Арузий Самарқандийнинг ушбу асари Ўзбекистоннинг X-XI асрлардаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалардан бири ҳисобланади.

“Чор мақола”нинг форсий матни 1910 ва 1955-1957 йилларда эронлик шарқшунос олимлар Мирзо Муҳаммад Қазвиний ҳамда Муҳаммад Муъин томонидан чоп қилинган. Асар инглиз тилига 1921 йили ва 1963 йили рус тилига таржима қилинган. Шарқшунос Маҳмуд Ҳасаний уни ўзбек тилига таржима қилиб чоп эттирган.

8.5.5. Мужмал ат-таворих ва қисас

Муаллифи номаълум бўлган “Мужмал ат-таворих ва қисас” (“Тарихлар ва қиссалар мажмуаси”) номли бу асар ихчам тарзда ёзилган умумий тарихга оидdir. Унда қадим замонлардан (исломиятдан аввал ўтган Эрон подшоҳлари замонидан то ўғузлар тарафидан Султон Санжарнинг асир олиниши (1153) ва Нишопурнинг вайрон этилишигача бўлган давр ичida Эронда ва қисман Ўзбекистонда юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳикоя қилинади.

Асар 1153 йилдан кейин яратилган. Китобнинг илмий қиммати шундаки, унда туркий халқлар, уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ривоятлар, туркларнинг ватанларидан бири Иссиққўл ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар келтирилган.

“Мужмал ат-таворих ва қисас”нинг ягона қўлёзма нусхаси Париж Миллий кутубхонасининг қадимий форсий китоблар фондидаги, 62-рақам остида сақланмоқда. Унинг матни 1939 йилда эронлик Малик уш-шуаро Баҳор томонидан чоп этилган.

8. 5.6. Зайн ал-ахбор

“Зайн ал-ахбор” (“Тарихлар безаги”) номли китоб муаллифи XI асрнинг йирик тарихчиси Гардизийдир. Унинг тўла исми Абу Сайд Абулҳай ибн Заҳҳок ибн Маҳмуд Гардизий, Фазнига (Афғонистон) тобе бўлган ва унинг шарқий тарафида жойлашган Гардиз қишлоғида туғилган. У ўз замонидаёқ шуҳрат топган олимдир. Бу эса унинг “Зайн ал-ахбор” номли асари туфайли бўлди. Китоб 1049-1050 йиллар орасида ёзиб тамомланган ва Фазнавийлардан Султон Абдурашидга (1049-1053) тақдим этилган.

“Зайн ал-ахбор”, асосан қадим замонлардан (исломиятдан аввал ўтган қадимги Эрон подшоҳлари замонидан) то 1041 йилгача, яъни Фазнавийлардан Султон Мавдуд (1041-1050) билан Султон Муҳаммад (1030-1031, иккинчи марта 1041) ўртасида, яъни 1041 йили Диноварда бўлган урушгача Хурросонда бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳикоя қиласиди. Асарда айниқса Хурросоннинг араб истилосидан 1041 йилгача бўлган тарихи бошқа асарларга нисбатан кенгроқ ёритилган.

Гардизий ушбу асарини ёзишда ас-Салломийнинг “Китоб фи ахбор вулоти Хурросон”, ал-Жайҳонийнинг “Ажойиб ал-булдон”, шунингдек ибн Муқаффа, ибн Халлиқоннинг асарларидан ҳам фойдаланган.

“Зайн ал-ахбор” румликларнинг маданияти (дар маърифати румиён), турли ҳалқларнинг диний маросимлари ва йил ҳисоблари, Мовароуннаҳрнинг туркий аҳолиси ва Ҳиндистон ҳақида, деган боблардан иборат. Асарнинг турли ҳалқларнинг (мусулмон, яхудийлар, христиан ва бошқаларнинг) диний маросимлари ва йил ҳисоблари ҳамда Ҳиндистон ҳақидаги боблари Абу Райҳон Беруний асарлари, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг туркий аҳолиси ҳақидаги боби эса қисман ибн Хурдодбех, Жайҳоний ва Ибн Муқаффа асарларига таяниб ёзилган.

Гардизийнинг “Зайн ал-ахбор” асари Хурросон ва Мовароуннаҳрнинг араблар истилосидан то XI асрнинг ўргаларигача бўлган сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

“Зайн ал-ахбор” асарининг форсча матни эронлик Мирзо Муҳаммад Қазвиний 1937 йили, Муҳаммад Нозим 1928 йили ҳамда Сайд Нафисий томонидан 1954 йили чоп этилган эди. 1969 йили Төхронда асарнинг тўла нашри амалга оширилди. Унинг туркий ҳалқлар ҳақидаги боби рус тилида В.В.Бартольд томонидан 1900 йили нашр қилинган.

Китобнинг Ўзбекистонга алоқадор қисми А.К.Арендс томонидан русчага қилинган таржимаси 1991 йили Л.М.Епифанова томонидан нашрга тайёрланиб, Тошкентда чоп этилди.

8. 5.7. Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд

“Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд” (“Самарқанд тарихи ҳақида қанд китоб”) номли асар муаллифи йирик тарихчи, тилшунос ва фақиҳ Нажмуддин Абу Ҳифс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Луқмон ан-Насафий (1068-1142)дир. У мусулмон қонуншунослигига оид “Манзумот ан-Насафия фи-л-хулофиёт” (“Келишмовчиликлар ҳақида Насафий-нинг шеърий асари”), “Ақоид ан-Насафий” (“(Ислом) ақидаларига ан-Насафий шарҳи”) шариат йўл-йўриқлари ва “Қуръони карим” шарҳига бағишиланган “Ал-явоқит фи-л-мавоқит” (“Қулай вақтлар хусусида ёқутлар”), “Заллат ал-қорий” (“Қориларнинг хатолари ҳақида”) ва тасаввубуф хусусида “Рисолаи Нажмия” каби бир неча китоблар яратган.

Насафийнинг тарих фани учун энг муҳим “Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд” асари дир. Унинг яна бир номи “Китоб ал-қанд фи маърифати уламои Самарқанд” (“Самарқанд олимларини таниш борасида қанд китоби”) ҳам машҳурдир. Ушбу асарда Ўзбекистоннинг исломгача бўлган тарихи, унинг араб истилочилари томонидан босиб олиниши, Самарқанднинг диққатга сазовор осори атиқалари ҳақида маълумот келтирилган.

“Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд”нинг арабча асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Насафийнинг шогирди Абулфазл Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдумалик ибн Ҳайдар ас-Самарқандий (XII аср) ушбу асарнинг қисқартирилган форсча таҳририни яратган. В.В.Бартольднинг фикрича (Асарлар. VIII жилд, - М., 1973, 257 бет) Абулфазл Муҳаммад ас-Самарқандий асарнинг форсча таҳририга Абулфазл Муҳаммад ас-Самарқандий ал-Идрисийнинг (1015 йили вафот этган) “Китоб комил ал-маърифат ар-рижол” (“Машҳур кишиларни таниш ҳақида мукаммал китоб”) номли асаридан ҳам айрим парчаларни олиб кирилган.

“Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд”нинг XV аср охири XVI аср бошлиарида Сайд Аҳмад ибн Мир Вали қаламига мансуб форсча таҳрири ҳам бор. “Қандияйи хурд” (“Кичик қандия”) номи билан машҳур бўлган бу асарнинг қўллёзма нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент ва Душанбе шаҳарларида ҳамда Германия, Ҳиндистон ва Саудия Арабистони кутубхоналарида сақланмоқда.

“Қандияйи хурд” бир неча марта тошбосма усулида Самарқанд (1909), Тошкент ва Техронда (1955) чоп этилган; бир қисми В.Л.Вяткин (1869-1932) томонидан рус тилига таржима қилинган ва 1906 йили нашр этилган.

8. 5.8. Тарихи Муборакшоҳ

“Тарихи Муборакшоҳ” (“Муборакшоҳ тарихи”) асарининг муаллифи Фахриддин Муборакшоҳ Маваррудий бўлиб, у XII асрнинг иккинчи ярми

ва XIII асрнинг бошларида яшаган йирик тарихчи олимдир. Тарихчининг тўлиқ исми Фахриддин Муборакшоҳ ёки Фахри мудир номи билан машҳур бўлган экан.

Фахриддин Муборакшоҳ ўз асарининг дебочасида, шунингдек, Ибн Ал-Асир ва “Ҳафт иқлим” муаллифининг келтирган маълумотларига қараганда, отаси ҳам, ўзи ҳам Фурийлардан²⁸ Шаҳобиддин (ёки Муъиззиддин) Муҳаммад (1173-1206) ҳамда Фиёсуддин Маҳмуд (1206-1212) саройида хизмат қилган ва ўз замонасининг кенг маълумотли кишиларидан ҳисобланган.

Фахриддин Муборакшоҳ 1206 йилда ўзининг машҳур “Тарихи Муборакшоҳ” асарини ёзиб тамомлади ва Лоҳурда Фиёсуддин Маҳмудга тақдим этиб, унинг эътиборини қозонган. Асар, муаллифнинг сўзларига қараганда, 13 йил ичida тамомланган.

“Тарихи Муборакшоҳ” асари 136 қисм (шажара)дан иборат бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбар, хулафойи рошидин (Абубакр, Умар, Усмон, Али), ансорлар²⁹, муҳожир саҳобалар³⁰, Фассанийлар, яъни Сурия ҳукмдорлари, Яман подшоҳлари, жоҳилият замонида, яъни исломиятдан аввал ўтган шоирлар, саҳобалар орасидан чиққан шоирлар, Ажам подшоҳлари (Пешодийлар, Каённийлар, Ашконийлар, Сосонийлар), Умавийлар, Аббосийлар, Тоҳирийлар, Саффориийлар, Сомонийлар, Фазнавийлар ва ниҳоят Фурийлар тарихи баён этилган.

Ушбу асарнинг биз учун қиммати шундаки, унда Туркистоннинг сарҳадлари ва унда ишлаб чиқариладиган мол ва матолар, уларнинг ҳорижий мамлакатларда эътибор қозонган навлари, турк қабила ва урувлари, уларнинг тили ва маданияти, ёзувлари, урф-одатлари ҳақида бой далилий маълумотлар келтирилган.

“Тарихи Муборакшоҳ” асарининг ягона мўътабар қўллэзмаси Англияning Оксфорд шаҳридаги Бодли кутубхонасида сақланмоқда. Китобнинг Фурийлар ва туркий халқлар тарихига оид қисми матнини инглиз шарқшуноси Денисон Росс 1927 йилида чоп қилган.

8. 5.9. Тарихи Масъудий

Анъанавий тарихий асарлардан яққол ажralиб турадиган “Тарихи Масъудий” (“Масъуд тарихи”) асарнинг муаллифи Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-котиб ал-Байҳақийдир (995-1077). У Нишопур вилоя-

²⁸ Фурийлар – 1000-1215 йилларда Хуросоннинг шарқий қисми, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган сулола.

²⁹ Ансорлар – ёрдамчи, сафдош; Муҳаммад пайғамбар 622 йили Маккадан Мадинага кўчиб кетишга мажбур бўлганида уни қўллаб-қувватлаган Авс ва Ҳазраж қабилаларининг аъзолари.

³⁰ Саҳоба - ҳамроҳлар, дўстлар. Муҳаммад пайғамбарнинг ҳамроҳлари, яқин дўстлари.

тига қарашли Ҳарисобод қишлоғида бадавлат мансабдор оилада туғилған, асосан Нишопур шаҳрида таълим олиб, балоғатга етган.

Абулфазл Байқақий таҳминан 1021 йили Фазнавийлар давлатининг девони расоили - хорижий мамлакатлар билан алоқа юритувчи маҳкамага дабирлик мансабига қабул қилинди ва вазир Абу Наср Мишкон раҳбарлигидан 19 йил ўша мансабда хизмат қилди. Абу Наср Мишкон вафотидан сўнг 1039 йили Абулфазл Байқақий унинг ўрнига девон бошлиғи этиб тайинланди. 1041 йили Султон Масъуд ўлдирилгандан сўнг, у сарой хизматидан четлатилди ва фақат Султон Абдурашид 1050 йили ҳокимиёт тепасига келгач, яна ўз ўрнига тикланди. Абулфазл Байқақий бу лавозимда 1059 йилгача, яъни Султон Фарруҳзод (1053-1059) салтанатининг охиригача давлат хизматида бўлди, кейин истефога чиқиб, илмий иш билан машғул бўлди. У 1077 йили вафот этган.

Абулфазл Байқақий “Зийнат ул-китоб” (“Китоблар зийнати”), “Тарихи оли Маҳмуд” (“Маҳмуд хонадонининг тарихи”) ёки “Жомиъ фи тарихи оли Сабуқтегин” (“Сабуктегин хонадони тарихидан ҳикоялар мажмууси”) номли асарлари билан машҳур. “Тарихи Байқақ” (“Байқақ (вилояти) тарихи”) асар муаллифи Абулҳасан Али Байқақий XII асрнинг иккичи ярмида ўтган ва кўпинча ибн Фундуқ номи билан машҳур бўлган олимнинг маълумотига қараганда, Абулфазл Байқақийнинг “Тарихи оли Маҳмуд” асари ўттиз жилдан иборат бўлган. Лекин, бу улкан асарнинг фақат олтинчи жилдининг иккинчи қисми, 7, 8, 9-жиллари ҳамда 10-жилдининг бир қисми этиб келган, холос. Бу қисмлар Султон Масъуд (1030-1041) даври тарихини ўз ичига олади ва “Тарихи Масъудий” номи билан маълум ва машҳур.

“Тарихи Масъудий” асарида бошқа тарихий китоблардан фарқли, муаллиф ўзи кўрган ва ишончли кишилардан аниқлаган маълумотларни, шунингдек, ҳукумат маҳкамаларида сақланган расмий ҳужжатлар асосида ҳамда майший тафсилотларга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Бу хусусият асарнинг далилий маълумотларга бойлиги, воқеаларнинг кенг ва атрофлича баён этилиши ва ниҳояти зўр бадиий маҳорат билан ёзилганлиги, уни бошқа тарихий асарлардан алоҳида ажратиб туради.

Китобда, асосан Султон Масъуд даври Фазнавийлар салтанати ижтимоий-сиёсий аҳволига кенг ўрин берилган. Бундан ташқари, асарда Саффорийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар тарихига оид мұхим маълумотлар ҳам бор. Айниқса, Фазнавийлар билан Хоразм, Салжуқийлар ҳамда Қорахонийлар давлати ўртасида бўлган сиёсий муносабатлар ҳақида қўймалли маълумотлар кўп.

Ушбу асарда Абу Райҳон Беруний ҳаёти тўғрисида тафсилотлар ва унинг бизгача этиб келмаган Хоразм тарихига оид асаридан лавҳалар

биз учун жуда қимматлидир. Чунки, муаррих улуг ватандошимиз билан мuloқотда бўлган, уни яхши билган ва фикрларини қадрлаган.

“Тарихи Масъудий” асарининг форсий матнини У. Морлей Калкуттада 1861 йили, Текронда эса Аҳмад Пешаворий 1886 йили, Сайд Нафисий 1941-1954 йиллари, Фани ва Фаёз 1945 йили чоп этганлар. Унинг арабча таржимаси Қоҳирада Яҳё Ҳашшоб ва Содиқ Нишот томонидан чоп этилган.

“Тарихи Масъудий” асарининг русча таржимаси тадқиқот ва зарур изоҳлар билан маъбашунос олим А.К.Арендс томонидан Тошкентда 1962 йили ва Москвада 1969 йили зълон қилинди. Китобнинг X-XI аср тарихини ўрганувчилар учун манба сифатида аҳамияти жуда катта.

8.5.10. Лубоб ул-албоб

“Лубоб ул-албоб” (“Қалблар қалби”, 1222-1223 йиллари ёзилган) номли асарнинг муаллифи Саъдуддин Муҳаммад Авфий бўлиб, у XII асрнинг сўнгти чораги ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаган адиб, таржимон ва тазкиранавис олимидир.

Авфий 1172-1177 йиллар орасида Бухорода туғилган, асосий маълумотни она шаҳрида олган ва 1201 йили Самарқанд ҳокими Қорахоний Иброҳим IV ибн Ҳусайн (1178-1204) саройига тақлиф этилган. У, бу ерда кўпгина фозил кишилар, жумладан шайх Нажмуддин Кубро (1221 йили Урганҷда мӯғуллар қиррини вақтида ҳалок бўлган) ҳамда шайх Маждиддин Бағдодий (1216 йили хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг амри билан қатл этилган) билан учрашган.

Олим 1205 йилдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросон бўйлаб кўп саёҳат қилган, дастлаб Нисо, Марв, Тус, Ҳирот ва Сеистонда бўлади. У Нишопурда ҳам бўлиб, Хуросоннинг етук арабийнавис ва форсинавис шоирлари билан яқиндан танишади. Хуллас, олим Хуросон шаҳарлари бўйлаб қилган саёҳати вақтида бўлажак тазкираси учун маълумотлар тўплайди.

Авфий мӯғуллар истилоси арафасида Ҳиндистон сафарига отланади. Фазнага етканда Чингизхон (1206-1227) бошлиқ мӯғул қўшинларининг Ўрта Осиёга бостириб киргани ҳақида хабар тарқалади. Олим Хуросон ва Мовароуннаҳрдан келган қочоқларга қўшилиб Ҳиндистонга жўнайди ва 1222 йили Панжобнинг Уч вилоятига келиб, бу ернинг ҳокими Носируддин Қабочанинг (1205-1227) хизматига киради. Орадан кўп вақт ўтмай, Авфий Гужоратга қози қилиб тайинланади. У 1227 йили Деҳлига кўчиб келиб, Султон Шамсуддин Элтутмиш³¹ хизматига киради ва умрининг охиригача шу ерда кун кечиради.

³¹ Шамсуддин Элтутмиш (1211-1236) –XIII асрда Шимолий Ҳиндистонни идора қилган Муъиззийлар сулоласидан.

Нуриддин Мұхаммад Авфий Учда турган вақтида ўзининг “Лубоб ул-албоб” номли тазкирасини ёзди, Гужоратда эса арабийнавис олим қози Мұхсин Тануҳийнинг (940-994) “Ал-фараж баъд аш-шиддат” (“Оғатдан сүнгти овуниш”, 984 йили ёзилган) номли асарини араб тилидан форс тилига таржима қилди. “Жавоми ул-ҳикоят ва лавомиъ ар-ривоят” (“Ҳикоятлар мажмуаси ва ривоятлар шуғласи”) асарини ҳам ўша ерда ёза бошлиди.

“Лубоб ул-албоб” тазкира бўлиб, унда Ўзбекистон, Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, Газна ҳамда Фарбий Ҳиндистонда X-XII асрларда яшаб ижод этган 299 шоир ва адаб ҳақида умумий маълумот берилади. Асар Уч вилоятининг ҳокими Рaziuddin Абубакрнинг топшириги билан ёзилган.

“Лубоб ул-албоб”нинг форсий матни 1903 ва 1906 йиллари Э.Браун ва Мирза Мұхаммад Қазвиний тарафидан чоп этилган.

Авфийнинг иккинчи муҳим асари “Жавоми ул-ҳикоят” бўлиб, 1227-1236 йиллар орасида ёзилган. Асар тўрт қисмдан, ҳар бир қисм эса 25 бобдан иборат. У Ҳиндистон, Эрон, Ўрга Осиё ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид 2113 та тарихий латифадан иборат. Биз учун унинг айниқса тўртинчи қисми алоҳида аҳамият касб этади. Бу қисмда Ўрга Осиёнинг қадимий туркий халиqlари ва Бухоро садрлари ҳақида муҳим маълумотлар бор.

“Жавоми ул-ҳикоят” чоп қилинмаган. Айрим қисмлари И.Низомутдинов ва Т.Файзиев томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

8.5.11. Тарихи жаҳонкушой

“Тарихи жаҳонкушой” (“Жаҳонгир (Чингизхон) тарихи”) номли йирик тарихий асарни яратган тарихчи XIII асрда ўтган йирик олим ва давлат арбоби Жувайнйидир. Унинг тўлиқ исми Алоуддин Отамалик ибн Баҳоуддин Мұхаммад ал-Жувайний. У 1226 йили Фарбий Хуросоннинг Жувайн ҳудудига қарашли Озодвор қишлоғида бадавлат ва нуфузли сиёсий арбоб оиласида туғилган. Отаси Баҳоуддин Мұхаммад Хоразмшоҳ Алоуддин Мұхаммаднинг Хуросондаги ноиби бўлган, мўғуллар хуружи вақтида Султон Жалолуддин билан бирга уларга қарши жангларда қатнашган. Мўғуллар 1221 йили Нишопурни ишғол қилгач, Баҳоуддин Мұхаммад Тусга қочиб борди ва унинг мустаҳкам қалъаларидан бирига яширинди. Лекин қалъя ҳокими уни бандга олиб, мўғул лашкарбошиларидан Қўлбўлотга топширди. Қўлбўлот асирнинг маълумотли ва истеъодли шахс эканлигини англаб, уни тирик қолдирди. Кейинча Баҳоуддин Мұхаммад мўғуллар хизматига қабул қилинди ва то вафотига (1258) қадар Хуросондаги мўғул ҳокимлари Чинтемур, Киркўз, Арғун оға ҳузурида соҳиб девонлик вазифасида турди.

Баҳоуддин Мұхаммаддан икки ўғил қолди. Түнгичи Шамсуддин Мұхаммад 1262-1283 йиллари Эрондаги мұғул ҳукмдорлари Элхонлардан Ҳалокухон (1256-1265) ҳамда Абақахон (1265-1282)нинг вазири, соқиб девони бўлган ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган. Кенжা ўғли Алоуддин ёшлигидан яхши ўқиди, араб, форс, кейинчалик мұғул ва уйғур тилларини мукаммал ўрганди, ўрга аср фанининг бир талай соҳаларини пухта эгаллади. У ёшлигига ёки мұғул ҳукмдорлари хизматига қабул қилинди ва Киркўз ҳамда Арғун оғанинга девонида хизмат қилди. Алоуддин Отамалик Жувайний Арғун оға билан уч марта 1246-1247, 1249-1251, 1252-1253 йиллари Мұғулистанга, Қорақўрумга борди. У 1256 йилнинг бошларида Ҳалокухоннинг буйруғи билан Исмоилийлар ҳукмдори Рукниддин Ҳуршоҳ ҳузурига Маймандуз қальасига элчи бўлиб борди ва унга қаршилик кўрсатмай таслим бўлиш ҳақидаги талабномани топширди. Жувайний Маймандузни мұғул қўшинлари томонидан ишғол қилиш чорида Исмоилийларнинг бой кутубхонасини талонтарождан сақлаб қолди.

Алоуддин Отамалик Жувайний 1259 йили Ироқ ва Хузистонга ҳоким, малик қилиб тайинланди. Ўшанда у Бағдод ва унинг атрофидаги жойларни обод қилди. Тарихчи Вассофининг (XIII аср охири-XIV асрнинг биринчи ярми) маълумотларига қараганда, у катта маблағ, 10000 олтин динор сарфлаб Фрот дарёсидан Куфа ва Нажафга сув олиб келган. Жувайний бу лавозимда 20 йилдан ортиқ турди. 1271 йили рақиблари қози саййид Тожиддин Али ибн Мұхаммад, “Китоб ал-фаҳрий” асари муаллифи Абу Жаъфар Жалолуддиннинг отаси, бошчилигига унга қарши зимидан кураш бошладилар. Қибатда, улар Жувайнийни мансабини суистеъмол қилиб, ҳазинани бир қисмини ўзлаштирганликда айбладилар. Жувайний одам ёллаб қози Тожуддин Алини ўлдиртирди, лекин бу билан мухолифларининг таъқибидан қутулиб қололмади. Ўша йилнинг ўзида Абақахон Бағдод девонини тафтиш қилиш учун одам юборди. Тафтиш натижасида 250 туман (бир туман 10000 кумуш динорга тент) камомад борлиги аниқланди. Жувайний қамаб қўйилди ва камомад ундириб олингандан кейин ҳибсдан озод қилинди ва ўз мансабига тикланди.

Орадан ўн йил ўтгач, 1281 йили, Тожуддин исмли бир шахс уни яна ҳазинага “қўл чўзишда” ва яширинча Миср билан алоқа боғлаганликда айблади. Бағдоднинг молиявий хўжалиги яна тафтиш қилинди ва 300 туман камомад борлиги аниқланди. Жувайний яна ҳибсга олинди, лекин камомадни тўлашга сўз бергани учун қамоқдан озод қилинди. Лекин, бутун ер-сув ва қимматбаҳо буюмларни сотса ҳам, камомаднинг фақат 170 туманини қоплади, холос. Жувайний яна қамоқقا олинди, уни қийноққа солдилар, Бағдод кўчалари бўйлаб яланғоч қилиб олиб ўтдилар.

Жувайний Тўқудар Аҳмад даври (1282-1284) да оғасининг ёрдамида ҳибсдан озод этилди, мусодара қилинган молу мулки қайтариб берилди. Лекин, орадан кўп ўтмай, шаҳзода Арғун Бағдод девонини қайтадан тафтиш қилиши ва Жувайнининг мол-мулкини мусодара қилишни буюрди. Ўша вақтда Жувайний Озарбайжоннинг Аронида эди. Бу хабар фожеага олиб келди – 1283 йили Жувайний юрак хуружидан вафот этди.

Алоуддин Отамалик Жувайний Мўгулистон, Ўзбекистон ҳамда Эроннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан ҳикоя қилувчи асари билан шуҳрат топти. Китоб 1260 йили ёзиб тамомланган.

“Тарихи жаҳонкушой” асари уч қисмдан иборат: 1) Мўгуллар, уларнинг Чингизхон давридаги истилочилик юришларидан то Гуюхон (1246-1249) давригача, шунингдек, Жўйихон, Чигратойхон ва авлодлари тарихи, 2) Хоразмшоҳлар ва Ҳурсоннинг мўгул ҳукмдорлари давридаги (1258 йилгача) тарихи, 3) Эроннинг 1256-1258 йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, Исмоилийларнинг диний-ҳарбий уюшмаси ва Исмоилийлар давлати (1090-1258) тарихи. Исмоилийлар тарихи Маймандуздаги кутубхонада топилган асарлар, хусусан Исмоилийларнинг кўзга кўринган намояндларидан Ҳасан Сабоҳнинг (тажминан 1055-1124) ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи “Саргузашти саййидно” (“Сайдимизнинг саргузаштлари”) номли китоб асосида ёзилган.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи учун “Тарихи жаҳонкушой”нинг I-II қисмлари алоҳида аҳамиятга эга. Асарнинг Хоразм ва Хоразмшоҳлар тарихига оид қисми (II қисм) бизгача етиб келмаган “Машориб аттажориб ва ғавориб ал-ғароиб” (“Имтиҳонни салқинлаштириш жойи ва ажойиб нарсаларнинг юқори даражаси”), Фахриддин Розийнинг (1210 йили вафот этган) “Жавомеъ ул-улум” (“Илмлар мажмуаси”) китоблари асосида ёзилган. Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон тарихи, шунингдек, Мўгулистон ҳақидаги хабарлар, асосан муаллифнинг шу мамлакатларга қилган саёҳатлари вақтида тўпланган маълумотлар асосида ёзилган.

“Тарихи жаҳонкушой”нинг форсийча матни Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний томонидан 1912, 1916 ва 1937 йилларда нашр этилган. Асарнинг инглизча ва туркча-усмонлича (1 жилди) таржималари бор.

8.5.12. Жомеъ ут-таворих

“Жомеъ ут-таворих” (“Тарихлар мажмуаси”) асарининг муаллифи мағұр қомусий олим, тарихчи, тиљшунос, табиб ва йирик давлат арбоби Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Имодуддавла Абулхайр ал-Хамадонийидир. Унинг ота-боболари ҳам ўз замонининг ўқимишли кишиларидан бўлганлар. Масалан, бобоси дастлаб йирик қомусий олим Носируддин Тусий

(1201-1274) билан биргаликда Аламут қалъасида³² Исмоилийлар хизматида бўлган, сўнг мўгуллар тарафига ўтиб кетган. Отаси Имодуддавла Абулхайр ўрга ҳол киши бўлиб, Ҳамадонда табибчилик билан кун кечирган, кейинчалик Элхонийлар саройига тақлиф қилиниб, у ерда ҳам ўз касби билан шуғулланган.

Рашидуддин 1247 йили Ҳамадонда туғилган. Ёшлигидан яхши ўқиб, ота касбидан ташқари, кўпгина илмларни – илоҳиёт, табиий фанлар, мумтоз адабиёт, тарих, география ва бошқа фанларни пухта эгаллаган.

Рашидуддин Элхон Абақахон (1265-1282) даврида унинг шахсий табиби бўлиб хизмат қилган, кейинча Фозонхон (1295-1304) ва Ўлжойтухон (1304-1317)лар вазири бўлган. Ушбу хонларнинг ҳомийлиги, айниқса ўзининг тадбиркорлиги орқасида, давлатнинг молиявий муассасаси тамоман унинг қўлида эди, Рашидуддин вазирлик йиллари (1298-1317) ўз даврининг энг бадавлат ва нуфузли кишиларидан бирига айланди. Ҳалокуийлар давлатининг турли вилоятларида унинг 80 000 гектар ҳосилдор ер-суви, боғлари, ўнлаб ҳаммом, карvonсарой, ҳунармандчилик ва савдо дўконлари, яйловларда эса 250 000 қўйи, 30 000 йилқиси, 10 000 туяси бўлган. Рашидуддиннинг шахсий бойлиги, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, 35 000 000 динорга тенг бўлган. Унинг кўп сонли ўғиллари, 16 нафар Бағдод, Рум, Гуржистон, Ардабил, Исфаҳон, Форс, Хузистон, Кирмон ва Домғон вилоятларининг ҳокими эдилар.

Рашидуддин феодал тарқоқлиқ ва айрмачилик тарафдори бўлган кўчманчи турк-мўгул катта ер эгаларидан фарқли ўлароқ, ўтроқлик ҳамда марказий давлат муассасини мустаҳкамлаш тарафдори эди. Унинг Фозонхон даврида ўтказган маъмурӣ ва молиявий ислоҳотлари шунга қаратилганди. Охири Рашидуддин элхонийлар саройида ҳукм сурган фитна қурбони бўлди. Эндиғина тахтга ўтқазилган Абу Саъидхон (1317-1335) Рашидуддинни саройдан четлаштириди. Орадан бир йил ўтгач, у Ўлжойтухонни заҳарлаб ўлдиришда айбланиб, 1318 йилнинг 18 июлида қатл этилди, барча мол-мулки мусодара қилинди. Ўшанда унинг Табриздаги 600 000 жилд китобга эга бой кутубхонаси ҳам талон-тарож қилинди.

Рашидуддин тарихда ўзининг йирик асарлари билан ҳам ном қолдирди. Илоҳиёт илмининг айрим масалаларига баришланган “Ал-мажмут ар-Рашидия” (“Рашидуддиннинг мажмуалари”), тибиётга оид “Ал-осор ва-л-иҳйа” (“Тирик нарсаларнинг қолдиқлари”), “Баён ал-ҳақоиқ” (“Ҳақиқатлар баёни”), қурилиш масалаларига баришланган “Асила ва ажиба” (“Ажиб ва асил нарсалар”) ва ниҳоят, жаҳон тарихини ўз ичига

Аламут қалъаси - Қазвиннинг шимоли-ғарбий тарафида, Эльбурс тоғида жойлашган мустаҳкам қалъа, Исмоилийларнинг муҳим қароргоҳларидан.

олган “Жоме ут-таворих” унинг қаламига мансуб асарлар жумласидандир.

Олимнинг бизнинг замонамизгача тўла етиб келган бирдан-бир асари ана шу “Жоме ут-таворих” бўлиб, у ўрта аср тарихнавислигининг ўзига хос ноёб обидаси ҳисобланади. Бу китоб ўрта аср Шарқ тарихчилигида янги анъанани бошлаб берган асар. Унда умумий тарих сифатида мусулмон мамлакатлари тарихи билан бирга, Farb мамлакатлари, Хитой ҳамда Ҳиндистон тарихини ҳам ёритишга интилган, Шарқ мамлакатлари тарихи умум жаҳон тарихининг бир қисми, деб ҳисоблаган.

“Жоме ут-таворих” асари 1301-1311 йиллар орасида Фозонхоннинг топшириғи билан ёзилган. Асар уч қисмдан иборат: 1) Мўгуллар ва улар асос солган давлатлар Улуғ юрт, яъни Мўрулистон, Элхонийлар давлати ҳамда мўгуллар асоратига тушиб қолган мамлакатлар, Шимолий Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари ҳалқларининг мўгул истилочисигача бўлган қисқача тарихи; 2) Шарқ мамлакатлари ҳалқларининг исломиётдан аввалги тарихи, Араб халифалиги ва унинг таркибида ташкил топган Фазнавийлар империяси, Салжуқийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати тарихи; Хитой, қадимги яҳудийлар, франклар, Рим империяси ва Ҳиндистон тарихи; 3) Ер курраси ҳамда етти иқлим мамлакатларининг географик ҳолати. Афуски, асарнинг сўнгги, учинчи қисми сақланмаган. Қўлёзма 1318 йили Рашидуддиннинг шахсий кутубхонаси талон-тарож қилинган вақтларда йўқолган бўлиши мумкин.

Мазкур асар, айниқса унинг турк ва мўгул ҳалқларининг Чингизхонга қадар кечган тарихи Маҳмуд Конғарий ва Алоуддин Отамалик Жувайнний асарлари, Элхонийлар кутубхонасида сақланаётган “Олтин дафтар”, Чингизхон ва унинг ота-боболари тарихи, шунингдек, турк-мўгул ҳалқлари тарихи ва ривоятларини яхши билган кишилар, Пўлод, Чженсян, Фозонхон ва бошқаларнинг оғзаки ахборотлари, Farb мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон ҳалқлари тарихига оид қисмлари ўша вақтларда Эронга келиб қолган франциялик икки католик роҳиб, икки хитойлик олим ва кашмирлик роҳибнинг иштирокида ёзилган. Тўпланган маълумотларни тартибга солиш ишларини муаллифнинг ёрдамчилари Абдулла Коғоний ҳамда Аҳмад Бухорийлар бажарганлар.

“Жоме ут-таворих” асарининг айниқса турк-мўгул ҳалқлари тарихини ўз ичига олган қисми Марказий Осиё ҳалқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятта эга. Китобнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Кавказ орти ҳалқларининг XIII аср бошларидағи ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қисмлари ҳам бениҳоятда қимматлидир.

Асарнинг айрим қисмлари Катрмер (1836), Э.Блоше (1911), К.Ян (1941), И.Н.Березин (1858-1888) томонидан рус, француз ҳамда немис

тилларига таржима қилингандык ва форсча матни, сүз боши билан чоп қилингандык. Унинг ўзбек тилига қилингандык иккита таржимаси бор. Улардан бири Шайбонийлардан Кўчкинчихоннинг (1510-1530) топшириғи билан Мұхаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий томонидан қилингандык ва муқаддисма ва уч жилдан иборат. Бу таржиманинг ноёб қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 2-тартиб рақами остида сақланмоқда. Иккинчи таржима эса 1556 йили Нисо шаҳрида Солур бобо ибн Қул Али томонидан Урганч ҳокими Али Султоннинг (1572 йили вафот этган) буйруғи билан бажарилган бўлиб, унинг қўлёзма нусхаси Ашҳободда Туркманистан Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига сақланади.

“Жоме ут-таворих” асарининг тўлиқ русча таржимаси 7 нафар мўътабар қўлёзмалар асосида 1946-1960 йилларда Санкт-Петербургда амалга оширилган.

8.5.13. Тарихи гузида

“Тарихи гузида” (“Сайланган тарих”) асари муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазвиний бўлиб, у XIII аср сўнгги чораги ва XIV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган йирик географ ва тарихшунос олимдир. Унинг тўлиқ исми Ҳамдуллоҳ ибн Абубакр ибн Аҳмад ибн Наср Муставфий Қазвиний бўлиб, келиб чиқиши бўйича араб ва 1281 йили Эрон Озарбайжонининг Қазвин шаҳрида туғилган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний Рашидуддин даврида Қазвин, Абҳар ва Занжон вилоятларининг молия ишларини бошқарган. Рашидуддин қатл этилгандан сўнг, унинг ўғли Фиёсуддин Мұхаммад (1327-1336 йилларда Элжоний Абу Саъиднинг вазири бўлган)нинг хизматида бўлган. Тарихчи 1350 йили вафот этган.

Ҳамдуллоҳ Қазвиний “Зафарнома”, “Тарихи гузида” ҳамда “Нузҳат ул-кулуб” номли асарлар муаллифидир.

“Тарихи гузида” умумий тарих йўналишида ёзилган асар бўлиб, унда қадим замонлардан то 1330 йилгача Эрон ва қисман, Ўрга Осиёда бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Ҳамдуллоҳ Қазвиний вафотидан кейин ўғли Зайнуддин томонидан асар давом эттирилган ва унга 1392 йилгача Эронда бўлиб ўтган воқеалар қўшилган. Китобнинг асосий қисми ҳожи Фиёсуддин Мұхаммадга бағишланган. Асар муқаддисма-фотиҳа ва олти бобдан иборат: 1) Пайғамбарлар ва авлиёлар; 2) исломиятдан аввал ўтган Эрон подшоҳлари; 3) Мұхаммад Пайғамбар, халифайи рошидин, умавийлар ва Аббосийлар тарихи; 4) Аббосийлар даврида Эрон, Афғонистон ва Ўрга Осиёда ҳукмронлик қилган Саффорийлар, Сомонийлар, Фазнавийлар,

Фурийлар, Дайламийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, мӯгуллар ва бошқа сулолалар тарихи; 5) Исломият даврида ўтган шайхлар, олимлар ва шоирлар; 6) Қазвин шаҳрининг тарихи.

“Тарихи гузидা” Эрон, Ўрга Осиё ҳамда Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Китоб 1910 йили инглиз шарқшуноси Э.Браун томонидан матн ва қисқартирилган инглизча таржимасини ҳамда 1960 йили Абдулҳусайн Навоий асар матнини нашр қилган.

8.5.14. Равзат ули-л-албоб

“Равзат ули-л-албоб” ёки “Равзат ули-л-албоб фи тавориҳ ал-акобир ва-л-ансоб” (“Акобир ва асил (кишилар) тарихи хусусида оқиллар боғи”) номли асарнинг ижодкори Фахруддин Абу Сулаймон Довуд ибн Абул-фазл Муҳаммад Банокатий (1330 йили вафот этган) бўлиб, у XIII асрнинг II ярми ва XIV аср I ярмининг биринчи чорагида ўтган шоир ва йирик тарихчи олимдир. У, кўпроқ Банокатий номи билан машҳур.

Банокат Тошкентнинг эски шаҳар номларидан бири бўлиб, у Илоқ, яъни Оҳангарон дарёсининг Сирдарё билан қўшилиш жойи яқинида жойлашган қадимий шаҳар, 1392 йилидан бошлаб Шоҳруҳия номи билан аталган. Тарихчи мана шу шаҳарда туғилган. Элхон Гозонхон ҳамда Ўлжойтухон саройида хизмат қилган ва 1301 йили малик уш-шуаро (шоирлар подшоҳи) унвонига сазовор бўлган.

Лекин, Банокатий кўпроқ тарихчи олим сифатида ва жаҳон тарихини ўз ичига олган “Равзат ули-л-албоб” номли асари билан машҳур бўлди. Асар 1317 йили ёзиб тамомланган ва муқаддима ҳамда тўққиз қисмдан иборат: 1) Одам Атодан то Мусо пайғамбаргача ўтган даврда яшаган пайғамбарлар; 2) Қадимий Эрон подшоҳлари; 3) Муҳаммад пайғамбар, халифайи рошидин, имомлар, Умавия ва Аббосия халифалари даври; 4) Аббосийлар билан ҳамаср бўлган Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқа сулолалар; 5) Яҳудийларнинг пайғамбарлари ва подшоҳлари; 6) Христианлар ва франклар тарихи, христианларнинг дини ва эътиқоди, Арманистон ва франк мамлакатларининг географик ҳолати; 7) Ҳиндистон тарихи, ҳиндларнинг дини ва эътиқоди; 8) Хитой тарихи ва унинг географик ҳолати, хитойларнинг дини ва урфодатлари; 9) Мӯгулларнинг тарихи ва уларнинг истилочилик юришлари.

“Равзат ули-л-албоб” асари Рашидуддиннинг “Жоме ут-тавориҳ” асари асосида ёзилган бўлиб, унинг қисқартирилган таҳрири деб айтиш ҳам мумкин. Лекин, Банокатий асарида Рашидуддин китобида учрамайдиган маълумотлар ҳам бор. Масалан, етти иқлим мамлакатларининг тавсифи,

Эроннинг 1310-1317 йиллар орасидаги тарихи шулар жумласидандир.

Хуллас, Банокатийнинг мазкур асари Ўзбекистоннинг XIII-XIV асрнинг биринчи чорагидаги тарихи, географик ҳолати ва аҳолисининг турмушини ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

“Равзат ули-л-албоб” XVII асрдан буён илмий жамоатчиликнинг дикъат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Унинг айрим қисмлари лотин, турк, инглиз ҳамда француз тилларига таржима қилиниб чоп этилган.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Санкт-Петербург, Қозон, Душанбе ва хорижий мамлакатлар кутубхоналарида мавжуд. Китобдан Алишер Навоий ўзининг тарихий асарларини яратишда фойдаланган.

8.5.15. Зафарнома

Мавлоно Низомуддин Шомий ёки мавлоно Низомуддин Шанбий, Шанби Фозоний асли Табризнинг шимоли-ғарбий тарафида, ундан икки мил масофада жойлашган жойда туғилган тарихчи “Зафарнома” асари билан машҳур бўлган. У 1393 йили Амир Темур хизматига қабул қилинган, 1404 йилгача у билан бўлиб, соҳибқироннинг ҳарбий юришларида воқеанавис ва воиз мансабида иштирок қилган.

1402 йили Амир Темур унга ўзининг тарихини аниқ ва содда тилда ёзиб беришни буюрган. Низомуддин Шомий бу асарни 1402-1404 йиллар орасида ёзиб тамомлаган. Асар жаҳонгирнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 йил.)дан то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. “Зафарнома” асари ҳақиқатан ҳам содда тилда, равон услубда ёзилган, далилий маълумотларга бой. Лекин, Амир Темур ҳаёти мазкур асарда бирмунча, Шарафуддин Алига нисбатан кам, идеалаштирилган.

Асар Ўзбекистон, Қозористон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг XIV аср II ярми ва XV аср бошларидағи ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва ишончли манбалардан бири ҳисобланади.

Низомуддин Шомий ўз асарини ёзишда Фиёсидин Али Яздийнинг “Рўзномайи ғазавоти Ҳиндустон”, Амир Темурнинг уйғур котиблари томонидан яратилган “Тарихи хоний” ва бошқа саройда битилган қундаклардан фойдаланган.

“Зафарнома”йи Низомуддин Шомийнинг иккита таҳрири мавжуд: 1) 1404 йили Амир Темур Озарбайжон юришидан қайтганда унга тақдим этилган нусха. 2) Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга (1404 йил 26 марта Амир Темур “Ҳалокухон тахти”ни, яъни Ғарбий Эрон ҳамда Озарбайжонни инъом қилган) пайтида тақдим қилинган. У юқорида қайд этиб ўтилган биринчи нусхадан деярли фарқ қилмайди. Асар “Зафарнома” деб аталади. Унга айрим услубий тузатишлар киритилган ва дебоча ҳамда Мирзо Умарга бағишинан кичик бир илова (зайл) кўшилган. Шунга

қараганда, Низомуддин Шомий умрининг сўнгти йилларини Мирзо Умар хизматида бўлган ва она юрти Табризда истиқомат қилган.

“Зафарнома”нинг қўлёзма нусхалари Арманистон, Англия, Франция, Ироқ ва Туркия кутубхоналарида сақланмоқда. Асарнинг танқидий матни Ф. Тауэр томонидан 1937 ва 1956 йиллари Прагада чоп этилди.

1996 йили Низомуддин Шомий “Зафарнома” асарини Ю. Ҳакимжонов томонидан амалга оширилган форсча таржимаси А. Ўринбоев томонидан таҳрир қилиниб нашр этилди.

8.5.16. Мунтажаб ут-таворихи Муъиний

“Мунтажаб ут-таворихи Муъиний” номли Темурийлар даврига оид асар муаллифи Муъиниддин Натанзийдир. У Исфаҳон шаҳрига қарапшли, ундан қарийб йигирма фарсаҳ масофада жойлашган Натанз шаҳрида туғилган. Ч.А. Сторининг маълумотига қараганда асли сеистонлик бўлган³³ Форс вилоятининг ҳокими Темурий Искандар Мирзо (Амир Темурнинг набираси, Умаршайхнинг ўғли, 1415 йили иниси Бойқаро Мирзо томонидан ўлдирилган) саройида хизмат қилган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг сўзларига қараганда: “Муъиниддин Натанзий Султон Искандар даврида Ироқи Ажам ва Форсда шуҳрат топган олимлар ва шоирлар жумласидан бўлиб..., илмда ўз замонасининг етакчиси эди ва Мирзо Искандарнинг мақома ва ҳолати ҳамда тарихини ёзган”³⁴

Муъиниддин Натанзий қаламига мансуб бўлган ва бизнинг замонамизгача етиб келган бу асарнинг аниқ номи маълум эмас. У илмий жамоатчилик орасида “Аноним Искандера” номи билан машҳур. Асар 1413 йили ёзиб тамомланган. Унинг иккинчи таҳрири ҳам бўлиб, “Мунтажаб ут-таворихи Муъиний” (“Муъинийнинг сайланган тарихи”) деб аталади ва Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзога бағищланади.

“Мунтажаб ут-таворих” умумий тарих типида ёзилган асар бўлиб, оламнинг яратилишидан то Амир Темур вафотигача, 1405 йил 18 февралгача мусулмон мамлакатларида юз берган воқеалар ҳақида баҳс юритади. Асар муқаддима ва уч бобдан иборат.

Муқаддима диний мазмунда бўлиб, унда оламнинг яратилиши, Одам Ато ва унинг фарзандлари, Нуҳ пайғамбар ва унинг авлоди ҳақида умумий гап боради.

Биринчи бобда қадимий Эрон ва Юнонистон подшоҳлари, Рим ва Византия императорлари, Рим папалари, қадимий араб ҳамда Эфиопия подшоҳларининг қисқача тарихи баён этилган.

³³ Стори Ч.А. Персидская литература. 1 қисм. 339-бет.

³⁴ Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Э.Браун нашри. -Лейден: Лондон, 1901. 371-бет.

Иккинчи бобда Мұхаммад пайғамбар ва унинг авлоди, халифайи рошидин, Умавия ва Аббосия халифалари, Арабистон ҳамда Мисрда подшоҳлик құлган Али ва Фотима авлоди, шунингдек, Аббосийлар билан замондош бўлган Эрон ва Мовароуннаҳр ҳукмдорлари тарихи талқин этилган.

Асарнинг ноёб ва қимматли қисми унинг учинчи боби ҳисобланади. У турк-мўғул қабилалари ва уларнинг келиб чиқиши, Чингизхон ва унинг авлоди, Шимолий Хитойда ҳукмронлик құлган мўғул хонлари, Чигатай улуси ҳукмдорлари, Элхонийлар, Жалоирийлар, Чўпонийлар, Музаффарийлар, Оқ Ўрда хонлари, 1346-1370 йиллар орасида Мовароуннаҳрда ҳукмронлик құлган амирлар тарихини ўз ичига олади.

Асарнинг учинчи қисмини ёзишда муаллиф Табарий, Жувайний, Рашиудуддин ҳамда туркий тилда ёзилган "Тарихи хоний" каби асарлардан кенг фойдаланган.

"Мунтахаб ут-таворихи Муъиний" асарининг матни 1957 йили Эронда Жак Обен тарафидан чоп этилган. Унинг кўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Англия, Франция ва Эрон кутубхоналарида мавжуд. Бу асар тўғрисида ва ундаги айрим лавҳаларни F. Каримов "Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида" (Т, 1996) ва "Темурийлар бунёдкорлиги давр манбалари" (Т, 1997) номли тўпламларда чоп этган.

8.5.17. Мажму ат-таворих

"Мажму ат-таворих" ёки "Зубдат ут-таворих" номли асар муаллифи Ҳофизи Абру номи билан машҳур бўлган йирик географ ва тарихчи олимдир. Унинг ҳақиқий исми Шаҳобуддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид ал-Хавофийдир. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўзларига қараганда Ҳофизи Абру Ҳирот ҳудудидаги Хавофда туғилган, Ҳамадонда таҳсил кўрган ва 1430 йилда Занжонда вафот этган. Бошқа тарихий манбаларнинг маълумотларига ва унинг сўзларига қараганда Ҳофизи Абру Амир Темур ва Шоҳруҳ саройида истиқомат құлган ва ҳар иккала ҳукмдор билан яқиндан муносабатда бўлган. Агар у Амир Темур билан фақат саройдагина яқин суҳбатдош бўлган бўлса, Шоҳруҳ билан унинг юришларида бирга бўлган.

Ҳофизи Абру Шоҳруҳнинг топшириғи билан иккита йирик асар ёзган.

Булардан бири тарихий-географик мазмунда бўлиб, 1414-1420 йиллар орасида ёзилган. У X асрда араб тилида битилган номаълум бир китоб асосида ёзилган. Ю.Е.Борщевскийнинг сўзларига қараганда, бу "Китоб ал-масолик ва-л-мамолик" деб аталиб, Ҳасан ибн Аҳмад Мұхаллабийнинг қаламига мансуб бўлган. Шоҳруҳ Мирзо 1414 йили Ҳофизи Абруга мазкур асарни форс тилига таржима қилиш ва бошқа манбалар асоси

сида қайта ишлашни топширган. Демак, бу асар шунчаки компиляция ва таржима бўлиб қолмай, балки янги далиллар билан бойитилган, диққатга сазовор асардир. Шуни айтиш кифояки, унда ҳар бир вилоятнинг географик ҳолатини тавсифлашдан ташқари, унинг қисқача сиёсий тарихи ҳам баён қилинган. Биз учун асарда Амударёнинг Каспий денгизига қўйилиши ҳақидаги, шунингдек, Мовароуннаҳр ва унинг йирик шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш, Термиз, Хўжанд ва бошқалар ҳақида келтирилган маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Асарнинг яхши қўлёзма нусхалари Англия ва Россияда, Санкт-Петербург шаҳрида сақланмоқда.

Ҳофизи Абру Шоҳруҳнинг кўрсатмаси билан ўзидан аввал ўтган мазкур тарихчилар Табарий, Рашидуддин ҳамда Низомуддин Шомий асарларига қўшимчалар (зайл) ҳам ёзган. 1412-1418 йиллар орасида ёзилган бу қўшимчалар “Мажмуа-йи Ҳофизи Абру” деб аталади.

Табарий асарининг Балъамий таҳририга қилинган қўшимча халифа Муқтадир (908-932) замонидан то Мўътасим (1242-1258) давригача халифаликка кирган мамлакатларда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади.

Рашидуддиннинг “Жоме ут-таворих”ига қилинган қўшимчага Куртлар (Картлар) сулоласидан чиққан подшоҳлар, Туға Темур, Амир Вали ибн Шайх Али Ҳинду, сарбадорлар ҳамда Амир Арғуншоҳ тарихи, яъни Эронда 1306-1393 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалар киритилган.

Низомуддин Шомийнинг “Зафарнома”сига қилинган иловада эса Амир Темур ҳукмронлигининг сўнгти даври ва Шоҳруҳ тарихи 1416 йилга қадар баён этилади.

“Мажмуа”нинг айрим қисмлари матни ва таржимасини Хонбобо Баёний 1938 йилда, Ф. Тауэр 1959 йили ва К.М. Майтра 1934 йили напреттирганлар.

Ҳофизи Абронинг асосий катта тарихий асари “Мажму ат-таворих” бўлиб, уни муаррих Шоҳруҳнинг ўғли Бойсунғур Мирзо (1433 йили вафот этган)нинг топшириғи билан 1423-1425 йиллари ёзилган. Мазкур асар тўрт қисмга бўлинган: 1) исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар ва Эрон подшоҳлари; 2) Мұхаммад пайғамбар ва араб халифалари (ал-Мұхтасимгача); 3) Эроннинг Салжуқийлар ҳамда мўғуллар давридаги (Элхон Абу Сайд давригача) тарихи; 4) “Зубдат ут-таворихи Бойсунқурий”

Асарнинг сўнгги, тўртинчи қисми асли ва мустақил аҳамиятга эга бўлиб, унда Амир Темур тарихи, қайта ишланган ва бирмунча тўлдирилган ҳамда Хурросон, қисман Мовароуннаҳрнинг 1427 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволи баён этилган.

“Мажму ат-таворих” асарининг қўлёзмалари Тошкент ҳамда Туркия,

Олмония, Англия, Франция, Эрон ва бошқа хорижий мамлакатлар кутубхоналарида сақланмоқда.

8.5.18. Тарихнома

“Тарихнома” ёки “Зайли Зафарнома” (“Зафарнома”га қўшимча”) деб аталадиган муҳим тарихий асар муаллифи Хожа Тожуддин ас-Салмонийдир. У етук ҳаттот бўлиб Музаффарийлар³⁵ саройида, девони иншода хизмат қилган. Амир Темур Шерозни эгаллаб, Музаффарийлар сулоласи барҳам топгандан кейин 1393 йили бошқа илм аҳли билан Самарқандга олиб келинган ва сарой хизматига тайинланган. 1409 йили март ойида амирлар исёни бартараф этилгач, олий ҳокимият Шоҳруҳ Мирзо Хожа Тожуддин ас-Салмоний унинг амри билан Ҳиротта олиб кетилади ва олий ҳукмдорнинг топшириги билан ўзининг мазкур асарини ёзишга киришади. Лекин, уни тамомлай олмайди. Орадан кўп вақт ўтмай, саройда вазир Фахруддинга қарши уюштирилган фитнада қатнашганликда айбланиб, қамалиб қолади ва жазога тортилади.

Хожа Тожуддин ас-Салмоний мазкур асарида Амир Темурнинг сўнгги йиллари ва Шоҳруҳ Мирзонинг тарихини ёзишни ният қилган эди. Лекин, тақдир тақозоси билан мақсадига эриша олмайди. Фақат 1404-1409 йиллар тарихини ёзib битиришга улгуради, холос. Асарда 1404 йилда Хитойга юриш олдидан Конигилда ўтган катта тантаналар, шаҳзодалар Улугбек, Иброҳим Султон, Ижил Мирзо, Сиди Аҳмад, Пирмуҳаммад ва Мирзо Бойқароларнинг никоҳ тўйлари, Хитойга юришнинг бошланиши, ҳазрат соҳибқироннинг 18 феврал 1405 йилги вафотидан кейинги оғир аҳвол, Халил Султоннинг ноқонуний йўл билан олий ҳокимиятни эгаллаб олиш воқеалари батафсил баён этилади. Воқеалар тафсилоти 1408 йил март ойида Халил Султоннинг амир Худойдод бошлиқ бир гуруҳ фитначи амирлар тарафидан асир олиниши ҳақидаги ҳикоя билан тугайди.

Хожа Тожуддин ас-Салмонийнинг “Тарихнома” асари бизнинг замонимизгача уч нусхада етиб келган. Улардан бири суқутли ва шу кунларда Англиянинг музейида (Инв.№ 159) сақланмоқда. Яна иккитаси Туркияда, Истанбулдаги Сулаймон Фотиҳ (Инв.№ 4305) ва Лала Исмоил афанди кутубхоналарида (Инв.№ 304) сақланади. Биринчи нусха суқутли, иккинчиси тўла.

Асар Г.Р.Рёмер томонидан немис тилига 1956 йили, Исмоил Ака томонидан 1988 йили турк тилига ва З.М.Буниятов томонидан 1991 йили рус тилига эркин таржима қилинган.

³⁵ 1313-1393 йилларда Форс, Кирмон ва Курдистонни идора қилган сулола. Асосчиси Муборизиддин ибн Музаффар (1313-1359).

8.5.19. Зафарномайи Темурий

“Зафарномайи Темурий”, “Фатҳномайи соҳибқироний”, “Тарихи жаҳонкушойи Темурий” ёки “Зафарнома” номи билан машҳур бўлган асарнинг муаллифи ўз даврининг йирик тарихчиси Шарафуддин Али Яздийдир. У, асли Эроннинг Язд вилоятидаги Тафт қишлоғидан бўлиб, турли фан соҳаларини эгаллаган эди. Шўнинг учун ҳам Алишер Навоий уни “Шарафуддин давлат ва дин”, яъни дин ва давлат шарафи деб таърифлаган.

Шарафуддин Али Яздий Форс вилоятининг ҳокими Темурий ИброХим Султон (1415-1435) саройида хизмат қилган. У илм-фан ҳомийси бўлмиш мазкур шаҳзоданигина эмас, балки Шоҳруҳнинг ҳам зўр ҳурмат-эътиборини қозонган эди.

Шарафуддин Али Яздий 1442 йили Шоҳруҳнинг набираси ва Султония, Қазвин, Рай ҳамда Кум ҳокими Султон Мұҳаммад (1442-1446)нинг таклифи билан Кумга келди ва шаҳзоданинг хизматига кирди. Султон Мұҳаммад 1446 йили Шоҳруҳнинг оғир касаллигидан фойдаланиб, исён кўтарди, Ҳамадон ҳамда Исфаҳонни босиб олди, Шерозни қамал қилди. Шоҳруҳ унга қарши қўшин тортти. Султон Мұҳаммад Шоҳруҳ билан очиқ жанг қилишдан қўрқиб тоққа қочди³⁶. Шоҳруҳ Султон Мұҳаммад билан яқин бўлган кишиларни, шунингдек, маҳаллий саййидлардан бир-мунчасини исёнда иштирок этишда айблаб ҳибсга олди ва кўпларини ўлимга маҳкум қилди. Ўшандা ҳибсга олинганлар орасида Шарафуддин Али Яздий ҳам бор эди. Фақат Мирзо Абдуллатифнинг (Улугбекнинг тўнғич ўғли) аралашуви билан Шарафуддин Али Яздий жазодан қутублиб қолди. Шаҳзода уни Самарқандга, отаси ҳузурига жўнатиб юборди. Шарафуддин Али Яздий Самарқандда бир йил чамаси истиқомат қилди ва фикримизча, Улугбекнинг илмий изланишларида иштирок этган бўлиши керак. Шоҳруҳ вафотидан (1447) кейин 1449 йилда Шарафуддин Али Яздий Хурросонга қайтди ва Султон Мұҳаммаднинг рухсати билан яна ўз ватани Тафтга қайтиб борди ва умрининг охирги қисмини узлатда кечирди. Шарафуддин Али Яздий 1454 йили вафот этди.

“Зафарнома” асосан Низомуддин Шомийнинг шундай номли асари асосида зўр бадиий маҳорат билан ёзилган. Лекин, Шарафуддин Али Яздий Низомуддин Шомий асарида баён этилган воқеаларнинг баъзиларига янги тарихий манбалар асосида аниқликлар киритди, уни янги исбот ва далиллар билан бойитди. Амир Темурнинг шахсияти ва унинг фаолиятидаги қарама-қаршиликлар, яъни бир томондан қаттиқўл эканлиги,

³⁶ Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1447 йили Султон Мұҳаммад яна Форсни эгаллади, Шоҳруҳ вафотидан сўнг (1447 йил 12 март) Хурросонни қўлга киритди, лекин 1451 йили ииниси Абулқосим Бобурдан енгилди ва унинг амри билан қатл этилди.

иккинчи томондан эса Мовароуннаҳрдаги тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлатга асос солғанлиги бирмунча тӯғри ва ҳаққоний ёритилган.

Шарафуддин Али Яздий асарининг зўр қиммати шундаки, унда Мўғул империясининг таркибида ташкил топган Олтин Ўрда, Элхонийлар давлати, Чигатой улуси, шунингдек Мовароуннаҳрниң Чингизхон замонидан то Темур давлатининг пайдо бўлишигача бўлган ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда ёритиб берилган. Асарнинг бу қисми “Тарихи жаҳонгир”, ёки “Муқаддимайи Зафарнома” номи билан аталади ва 1419 йили ёзиб тамомланган.

“Зафарнома” асарининг асосий қисми, муаллифнинг дастлабки ревожалирига кўра, уч қисм – мақоладан иборат бўлмоғи, биринчи қисмда Амир Темур тарихи, иккинчи қисмда Шоҳруҳ Мирзо ва ниҳоят, учинчи қисмда ушбу асар ёзишининг ташаббускори Иброҳим Султоннинг даврида ўтган воқеалар баён этилиши мўлжалланган эди. Лекин, биз ҳозир асарнинг биринчи қисмигагина эгамиз, холос. Унинг иккинчи ва учинчи қисмлари сақланмаган. Эҳтимол, иккинчи ва учинчи қисмлари ёзилмай қолган бўлса керак. “Зафарнома” асарининг асосий қисми 1425 йилда ёзиб тамомланган.

Асарнинг кўлёзма нусхалари қўп, хорижий мамлакат кутубхоналари, хусусан Тошкентда ЎзР ФА Шарқшунослик институтида унинг йиғирма тўрт нусхаси бўлиб, уларнинг иккитасига (Инв. № 3440 ва № 4472) XV ва XVII асрларда расмлар ишланган. “Зафарнома” асари матни Ҳиндистон (1885-1888), Эрон (1957) ва 1972 йили А.Ў.Ўринбоев томонидан Тошкентда чоп қилинган. Асар икки марта ўзбек тилига, инглиз, француз ва турк тилларига таржима қилинган. Ундан айрим парчалар инглиз ҳамда рус тилларида босилган.

“Зафарнома” асарининг муқаддимаси терма таржимаси ва 10 йилги Мовароуннаҳр воқеалари баёни О.Бўриев томонидан таржима қилиниб, 1996 йили нашр қилинди. Китобнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тарихини ўрганишдаги илмий аҳамияти жуда катта. Кейинча яратилган тарихий асарларга бу китобнинг таъсири яққол сезилади.

8.5.20. Улуси арбаъ-йи Чингизий

“Улуси арбаъ-йи Чингизий” (“Чингизийлар тўрт улуси” (тарихи) ёки “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) номли асар асосий муаллифларидан бири, унинг яратилиш ташаббускори XУ асрда ўтган буюк олим, йирик давлат арбоби, Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Муҳаммад Тарагай Мирзо Улугбекдир. У 1394 йил 22 марта Амир Темурнинг Ироқ ва Озарбайжонга қилган навбатдаги беш йиллик ҳарбий юриши вақтида Султония

шаҳрида, Эрон Озарбайжонида туғилган. Амир Темур саройида ҳукм сурган анъанага кўра, шаҳзода Соҳибқироннинг катта хотини Сароймулк хоним – Биби хонимнинг тарбиясига топширилади. Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1395 йили Амир Темур Сароймулк хоним ва набирасини Шоҳруҳга қўшиб Самарқандга жўнатади.

1398 йили Улуғбекка машҳур қиссаҳон, шоир ва олим, шайх Ориф Озарий (1382-1462) муаллим этиб тайинланди ва у дастлабки асосий таълимни ана шу ажойиб инсондан олди. Шаҳзода Амир Темурнинг бир қатор ҳарбий ҳаракатларида, 1399-1404 йиллари Туркия ва Сурияга қарши ўтказилган юришда, 1404-1405 йили Хитойга қарши уюштирилаётган юришда қатнашди.

Амир Темур 1405 йил 18 февралда вафот этгач, Мовароуннаҳр таҳтини набираси Халил Султон зўрлик билан эгаллаб олди. Бу вақтда Улуғбек отаси Шоҳруҳ хизматида бўлди. 1409 йили Халил Султон ўз амирлари томонидан асир олингач, Шоҳруҳ Хуросондан Мовароуннаҳрга келиб, Мирзо Улуғбекни Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳокими этиб тайинланди. У 1449 йилнинг 25 октябригача бу мамлакатни бошқарди.

Мирзо Улуғбек йирик давлат арбоби, саркарда эди. Лекин, у буюк олим ва илм-фан ҳамда маданият ҳомийси сифатида тенги йўқ эди. Самарқанд унинг даврида Шарқнинг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бирига айланди.

Мирзо Улуғбек икки йирик асар яратди. Бири “Зижки жадиди кўрагоний” (“Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали”) бўлиб, 1437 йили яратилган китобда илми нујумнинг назарий ва амалий масалалари қамраб олинган, ўша даврдаги энг юксак илмий жасорат ҳисобланган.

Олимнинг иккинчи асари “Улуси арбаъ-йи Чингизий” бўлиб, унда XIII-XIV асрларда Мўғул империяси таркибига кирган мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий тарихи қисқа тарзда баён этилган. Китоб 1425 йилдан кейин тугалланган.

“Тарихи арбаъ улус” муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Муқаддимада ўрта асрларда тарихчилар ўртасида ҳукм сурган анъанага кўра, исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, туркларнинг афсонавий ота-боболари ҳисобланган Ёғас ибн Нуҳ ва унинг фарзанди Турхон, шунингдек, турк-мўғул қабилалари ва Чингизхон тарихи баён этилган.

Биринчи қисм Улуғ юрт, яъни Мўгулистон ва Шимолий Хитой тарихи, Ўгадайхон (1227-1241), Чингизхоннинг учинчи ўғли давридан то Ариқ Буғо авлоди Ўрдой қоон замонигача юз берган воқеаларни ўз ичига олади.

Иккинчи қисмда Жўжи улуси, яъни Олтин Ўрда тарихи, Жўжихондан давридан то Шоҳруҳнинг замондоши бўлмиш Муҳаммадхон замонигача, XIII-XV асрнинг биринчи чораги тарихи баён этилган.

Учинчи қисмда Элхонийлар, яъни Эрон ҳамда Озарбайжоннинг XIII-XIV асрлардаги тарихидан баҳс юритилади.

Тўртингчى қисмда Чигатой улусининг, Кошғар, Еттисур, Мовароуннаҳр, Шимолий Афғонистон ҳудудидаги XIII-XIV асрлардаги тарихи талқин этилган. Шуни ҳам айтиши керакки, муаллиф мазкур улусда ҳукмронлик қилган ҳар бир ҳукмдор хон устида қисқа ва алоҳида-алоҳида тўхталиб, уларнинг даврида содир бўлган воқеалардан энг муҳимларини баён этган.

“Тарихи арбасъ улус” асарининг айрим қисмлари, хусусан унинг тўртингчى қисми, кўп жиҳатдан Шарафуддин Али Яздийнинг “Муқаддами Зафарнома”сига ўхшаб кетади. Лекин, Улуғбек асари бирмунча мұкаммалдир. Бундан ташқари, унда тўрт улус ўртасидаги сиёсий муносабатлар, “ўзбек” этненининг келиб чиқиши вақти хусусида ҳам қимматли маълумотларни учратамиз.

Ушбу китобнинг фақат қисқартирилган таҳрирининг тўрт мўътабар қўллёзмаси бизгача етиб келган. Уларнинг иккитаси Англияда, биттаси Хиндистонда ва тўртингчى нусхаси АҚШда сақланмоқда.

Мирзо Улуғбек тарихий асарининг инглизча таржимаси 1838 йили Майлс томонидан Англияда чоп этилган. Ўзбекча таржимаси Б.Аҳмедов, М.Ҳасаний ва Н.Норқуловлар томонидан бажарилиб, 1994 йили Тошкентда чоп этилди.

“Тарихи арбасъ улус” Марказий Осиё, Ўзбекистон ва Қозогистоннинг XIII-XIV асрлардаги тарихини, айниқса Чигатой улуси тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири вазифасини ўташи мумкин.

8.5.21. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн

“Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” (“Икки саодатли юлдузнинг чиқиши жойи ва икки азим дарёнинг қўшилиш ери”) номли йирик тарихий асар муаллифи ўз даврининг йирик дипломати ва тарихчи олими Абдураззоқ Самарқандийдир. Унинг тўлиқ исми Камолуддин Абдураззоқ ибн Жалолуддин Исҳоқ Самарқандий (1413-1482) бўлиб, Ҳиротдаги бадавлат ва нуфузли хонадонларнинг бирига мансубдир. Тарихчининг отаси Шоҳруҳ ҳузурида қози аскар ва имомлик лавозимида турган. Абдураззоқ яхши ўқиб, фикҳ, тафсир, ҳадис, араб тили, разал ва тарих илмларини пухта эгаллаган ўз замонасининг етук олимларидан бири бўлиб этишди.

Абдураззоқ Самарқандий 1438 йили ўзининг қози Азизуддиннинг араб тили грамматикасининг баъзи масалалари, юклама ва олмошни тадқиқ этувчи “Рисолайи Азудия” китобига бағишланган шарҳини ёзib тамомлади ва уни Шоҳруҳга тақдим қилди. Ҳукмдор асар билан танишиб ва

ёш олимдаги улкан салоҳиятни кўриб, уни сарой хизматига, девони иншога тайин қилди. Шу вақтдан бошлаб то 1463 йилга қадар Абдураззоқ Самарқандий дастлаб Шоҳруҳ, сўнгра Абулқосим Бобур (1451-1457) ва бошқа Темурий шаҳзодаларнинг саройида хизмат қилди.

Абдураззоқ Самарқандий кўпроқ хорижий давлатлар билан олиб бориладиган дипломатик ёзишмаларни ҳозирлаш, шунингдек элчилик ишлари билан машғул бўлган. Масалан, у Шоҳруҳ даврида 1441 йили Жанубий Ҳиндистонга элчи қилиб юборилади. Коликут шаҳрида ҳамда Вижаянагар рожалигида бўлиб орадан икки йил ўтгач, 1444 йилнинг 27 деқабрида Ҳиротга қайтиб келади. Мазкур элчилик Темурийлар давлатининг Ҳиндистон билан бўлган муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Абдураззоқ Самарқандий Ҳиндистон сафари вақтида кўрган-билигларини тўплаб, бир хотира сифатида ёзib қолдирган ва бу маълумот Темурийлар давлати билан Ҳиндистоннинг ўша вақтлардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, айниқса Ҳиндистоннинг ижтимоий ва маданий ҳаётини ўрганишда катта ўрин тутади.

Абдураззоқ Самарқандий 1447 йили Шоҳруҳнинг топшириғи билан Гilonга борди ва унинг ҳокими амир Муҳаммад билан музокаралар олиб борди. Ўша йили у Мисрга элчи қилиб тайинланди, лекин Шоҳруҳнинг (1447 йил 12 март) вафоти туфайли бу ташриф амалга ошмай қолди.

Абдураззоқ Самарқандий Абулқосим Бобур хизматида бўлган кезларида унинг ҳарбий юришларида, масалан, 1458 йили Мозандарон ва 1454 йили Самарқанд устига қилган юришларида қатнашди. 1458 йили Ҳиротни эгаллаган Султон Абу Саъид Мирзо уни 1463 йили Шоҳруҳ хонақосига шайх қилиб тайинлади ва Абдураззоқ умрининг охиригача ўша манзилда истиқомат қилиб, асосан илмий иш билан машғул бўлди.

Абдураззоқ Самарқандий йирик тарихнавис олим сифатида ҳам ном қолдирди. У Эрон, Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг XIV-XV асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидан, шунингдек, Темурийлар давлатининг кўшини мамлакатлар Ҳиндистон, Хитой ва бошқалар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари тарихидан баҳс юритувчи “Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн” деб аталувчи асари билан машҳур бўлди. Китоб 1467-1470 йиллар орасида якунланган.

“Матлаъ ус-саъдайн” икки қисм – дафтардан иборат: 1) Элхон Абу Саъид (1316-1335) давридан то Амир Темурнинг вафоти ва Халил Султоннинг Самарқанд таҳтига ўтиришигача, яъни 1405 йилгача бўлган давр тарихи ва 2) Шоҳруҳнинг 1405 йили Ҳиротда Темурийлар империясининг олий ҳукмдори деб эълон қилинишидан то Темурий Абу Саъиднинг 1469 йили ўлдирилишигача бўлган тарихи. Асарнинг 1427 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган қисми компиляция бўлиб, Ҳофизи Абу-

нинг “Мажмуъ ат-таворих” китоби асосида ёзилган.

Асарда воқеалар хронологик тартибда, йилма-йил баён қилинган. Бу ҳол китобдан фойдаланишда катта қулайликлар турдиради, албатта.

“Матлаъ ус-саъдайн”нинг қўллэзма нусхалари Санкт-Петурбург, Тошкент, Душанбе ва Англия, Франция, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

Асарнинг иккинчи дафтари матни Мұҳаммад Шафेъ томонидан 1941 ва 1949 йиллари Лоҳур шаҳрида чоп этилган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга қилган сафари баён этилган қисми ҳамда иккинчи дафтарнинг 1405-1427 йиллар воқеаларини ўз ичига олган биринчи қисм-жуз А. Үринбоев томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1960 ва 1969 йиллари чоп этилган.

“Матлаъ ус-саъдайн” асарининг иккинчи қисми, хусусан унинг 1427-1469 йиллар воқеаларини ўз ичига олган қисми янги бўлиб, Эрон, Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг шу давр ичидаги ижтимоий-сиёсий тарихи ва маданий ҳаётини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

8.5.22. Равзат ус-сафо

“Равзат ус-сафо” (“Соф жаннат бοғи”) ёки “Равзат ус-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги соф жаннат бοғи”) номи билан машҳур бўлган асар умумий тарихга оидdir. Унинг муаллифи Мир Мұҳаммад ибн Сайид Бурхониддин Ховандшоҳ ибн Камолуддин Маҳмуд ал-Балхий бўлиб, асосан Мирхонд (1433-1497) номи билан машҳур.

Муаррихнинг ота-боболари асли Бухородандир. Мирхонднинг отаси сайид Бурхониддин Ховандшоҳ ҳам ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, Темурийлар ҳукмронлиги даврида Балхга кетиб қолган ва ўша ерда вафот этган.

Мирхонд Балҳда туғилган, лекин умрининг кўп қисмини Ҳиротда ўтказган. Унинг набираси Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Мирхонд Алишер Навоий билан учрашгунча турли илмлар билан шуғулланган, аммо биронтасида мутаъйин эмас эди. Тарихчи Алишер Навоий билан учрашгач, шоир ўзининг “Ихлосия” хонақоҳидан унга алоҳида хона ажратиб, шахсий кутубхонасидаги китоблардан фойдаланишга ижозат бериб, олимни умумий тарихга оид катта асар ёзишга унданган, уни бу соҳада доимо моддий қўллаб турган. Аммо, Мирхонд улкан асарини мукаммал тугата олмай, яъни еттинчи жилди ва жуғрофий илова материаллари ийғилган мусаввада ҳолида қолганида вафот этади. Унинг асарини набираси Фиёсиддин Хондамир якунига етказади.

“Равзат ус-сафо” асарини яратишда Мирхонд қирқта муаллиф, яъни

араб тилида ижод қилган ўн саккизта ва форс тилида ижод қилган йигирма иккита олим ижодига мурожаат қилган. Шак-шубҳасиз, бу асар замонавий тадқиқот даражасида яратилган тарихий ёдгорликдир.

Китоб муқаддима, хотима ва етти жилдан иборат:

Дунёнинг “яратилишидан” то Сосоний Яэдижард III (632-651) давригача;

Муҳаммад пайғамбар ва халифаи Рошидин даври;

12 имом тарихи; Умавий ва Аббосий халифалари;

Аббосийлар билан замондош сулолалар;

Чингизхон ва унинг авлоди;

Амир Темур ва унинг авлоди то Султон Абу Сайд вафотигача (1469);

Султон Ҳусайн ва унинг авлоди тарихи (1523 йилгача) баён этилган.

Сўнгги 7- жилди мусаввадалигича қолиб кетган ва уни Ҳондамир тўлдирив, оққа кўчирган.

“Равзат ус-сафо” асарининг 1-6- жиллари компиляция – бошқалар асаридаги маълумотлар асосида ёзилган бўлса-да, кўплаб манбалардан фойдаланиш асосида яратилгани учун бу қисми ҳам катта илмий аҳамиятга эга. 6- жилднинг бир қисми ва 7- жилд янги маълумотлар ва муаллиф ўзи кўрган, билган ва шоҳиди бўлган воқеалар баёнидан бўлганлиги учун жуда катта аҳамиятга эга.

“Равзат ус-сафо” асарини энг машҳур ва манзур умумий тарихга оид форс тилидаги китоблардан бири деб баҳолаш мумкин, чунки биргина Тошкентдаги Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номли институт хазинасида унинг юздан зиёд мўътабар қўллётмалари мавжуд. Ушбу улкан асарнинг ўзбек тилига таржимаси Хоразмда бир неча йиллар давомида етук таржимон, шоир ва тарихчилар Мунис ва Огаҳий иштироки ва раҳбарлигига амалга оширилган.

Китоб матни 1845-1848 йиллари Бомбей, 1853-1857, 1960 йиллари Техрон, 1874-1883-1891 йиллари Лакҳнау шаҳарларида чоп этилгани ҳам асарнинг шуҳрати ва аҳамиятидан далолатdir.

Асардан айрим парчалар инглиз, француз, немис ва рус тилларига таржима қилиниб, чоп этилган. Бу китоб тўғрисида 1999 йилда шарқшunos Маҳмуд Ҳасаний рисола эълон қилган.

8.6. Форс тилидаги манбаларнинг хусусиятлари

Форс тилида битилган тарихий асарлар анъанага биноан араб тилида номланар, уларда ҳам исломий манбалар ва исломий тарихий асарлар хусусиятлари яққол кўзга ташланар эди. Ҳатто, ёзув ёки хат тури араб алифбосида бўлиб, кейинча форсий ва туркий тил хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда йигирма саккиз араб ҳарфига тўрт ҳарф қўшилди ва натижага

да араб ёзувига асосланган форс ва туркий тил ёзуви вужудга келди.

XIV асргача, асосан араб ёзувнинг мумтоз турларидан куфий, насх ва сулсдан фойдаланилган бўлса, XV асрдан бошлаб янги ёзув настаълиқ Темурийлар даврида Мир Али Табризий номли хаттот томонидан ихтиро этилиб, истеъмолга киритилди. Бу ёзув бадиий ва тарихий асарларда етакчи ўрин эгаллади.

Аммо, тарихий асар матни ичидаги келган “Куръони карим” оятлари, “Ҳадиси шариф”лар анъанага биноан араб тилида, куфий, насх ва сулс ёзувларида барча ҳаракатлари кўрсатилган ҳолда ажратилиб битилар ва сўнгра уларга форсий ёки туркий тилда изоҳ, тафсир келтирилар эди.

Форс тилининг тарихий манбалар тилига айланиш даври ва тарақкий этиши китобат санъатининг Мовароуннаҳр ва Хурросонда юксак даражада ривожланиши замонига тўғри келди.

Аксарият форс тилидаги тарихий асарлар олий сифатли қофозга битилар, китоб турли ажойиб нақшлар ва мўъжаз расмлар билан зийнатланиб, сарой кутубхоналари ва аъёнлар учун яратилган мўътабар қўллётмалар олтин ва кумуш сувлари, турли бўёқлар билан безатилиб, китобат санъатининг шоҳ асарлари даражасида яратилиб, юксак санъат намуналарига айлантирилар эди.

Анъанавий тарихий асарлар, яъни улкан умумий тарихга оид барча ҳалқлар тарихини ўз ичига қамраб оловчи маҳобатли китоблар ўрнини аста-секин алоҳида давр ва бирон бир сулолалар тарихига бағишланган асарлар пайдо бўлиб, уларнинг ўрнини эгаллай бошлади.

Форс тилида битилган энг қадимги манбалардан бири Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари бўлса, Темурийлар даврида Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий, Мұхаммад Мирхонд, Фиёсиддин Хондамир каби йирик муаррихлар бу тилда асарлар яратдилар. Сўнгги форс тилида яратилган тарихий манбалардан бири сифатида Аҳмад Донишнинг тарихий асарларини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Форсий тилда битилган тарихий манбаларга хос ҳусусиятлардан бири-матн орасида, воқеалар баёни давомида шеърий лавҳаларнинг келтирилишидир. Бу шеърий лавҳалар тарихчининг ўз асари бўлиши мумкин ва у бошқаларнинг шеърий асарларидан ҳам бемалол фойдаланиши мумкин. Бу бадиий-шеърий лавҳаларда конкрет тарихий шахслар номлари образ, тимсол сифатида жуда кўп ишлатилишидир.

Форс тилида битилган айрим тарихий асарларда ўхшатиш, муболагалар кўп ишлатилиб, баён услуби ўта жимжимадор бўлиши мумкин. Мана шундай асарлар тўғрисида Амир Темур тарихчи Низомиддин Шомийга шундай деган: “Шу услугда ёзилган, ташбиҳ ва муболагалар билан оро

берилган китобларда кўзланган мақсадлар ўргада йўқолиб кетади, агар сўз қоида-қонунидан насибадор бўлганлардан биронтаси маънини фаҳмлаб қолса қолар, аммо қолган ўнтаси, балки юзтаси унинг мазмунини билишдан, мақсадга етишдан ожиз. Шу сабабли, унинг фойдаси барчага баробар бўлмайди.”³⁷

Юртимиз ҳудудида форс тилида яратилган тарихий манбаларда ҳам арабий, ҳам туркий, айрим ҳолларда мўғул тили элементлари, сўзлар, иборалар, атамалар ва ҳужжатлар учраши ва мавжуд бўлиши биз учун бир табиий ҳолдир. Чунки, ўтмишда халқимиз зиёлилари ва намояндалари учун бир неча тилни билиш ва уларни ишлатиш одатий ҳол эди.

Ушбу қўлланмада барча форс тилидаги тарихий манбаларни тўла қамраб олишни мақсад қилиб қўймай, уларнинг ичидан энг муҳимларини науна сифатида танлаб олиб, улар тўғрисида ихчам, қисқа маълумотлар келтирдик, холос. Чунки, бу билимларни талабалар ўзлари мустақил кенгайтирадилар деган умиддамиз. Бизнинг мақсадимиз, келтирилган ушбу маълумотлар асосида талабада форс тилидаги тарихий манбалар хусусида умумий тасаввурни шакллантириш ва уни мустақил фикрлашга ўргатишdir.

8.7. Фойдаланиган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Сайдқулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Ташкент: Фан, 1998.
4. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-М.: Наука, 1987.
5. Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии. XVI-XVIII вв. (Письменные памятники).-Ташкент: Фан, 1985.
6. Манбашуносликдан маърузалар мажмуаси. Тузувчи А.А.Мадраимов.-Тошкент: ТДПУ, 2001.

8.8. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Форс тилининг тарихий манбаларни яратилишида қандай ўрни бор?
2. Қайси даврларда бу тилда манбалар яратилган?
3. Форс тилида яратилган қайси манбаларни биласиз?

³⁷ Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 23-бет.

4. “Бухоро тарихи” асари ҳақида нима биласиз?
5. “Равзат ус-сафо” асари муаллифи ким ва у қандай асар?

9-мавзу. Туркий-ўзбек тилидаги тарихий манбалар

Дарснинг мазмуни: Ўзбекистон тарихини ўрганишда туркий-ўзбек тилидаги ёзма манбаларнинг аҳамияти очиб берилади.

Режа:

- 9.1. Тарихий манбаларнинг яратилишида туркий-ўзбек тилининг тутган ўрни.
- 9.2. Ўзбек тилидаги тарихий манбалар.
- 9.3. Ўзбек тилидаги манбалар хусусиятлари.
- 9.4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 9.5. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: туркий-ўзбек тилидаги тарихий манбаларга оид асосий тушунчалар араб ва форс тилидагидан деярли фарқ қилмайди. Шунинг билан бирга туркий тилда ҳарбий термин ва давлат тизими, бошлиқаруви ва жўғрофий атамалар ўрни салмоқлидир.

9.1. Манбаларнинг яратилишида туркий-ўзбек тилининг тутган ўрни

Бой ёзма меросимиз, тарихий манбаларимиз шаклланиши ва яратилишида туркий-ўзбек тилининг алоҳида ўрни бор. Лекин, юртимизда сиёсий ҳокимият аввал арабларда, сўнг форсий забонли султонларда бўлган замонларда араб ва форс тили давлат тили сифатида истеъфода этилиб, бу тилларда расмий ҳужжатлар, тарихий манбалар яратилди. Ўша даврларда ҳам Маҳмуд Кошӣрийнинг “Девони луботит турк”, Юсуф Хос Хожибининг “Қутадғу билик” каби йирик ёзма манбаларнинг яратилиши туркий тилнинг қудрати, салоҳияти ва кучи етарли эканини намойиш этди.

Бундан ташқари, узоқ муддат давомида халқимиз етакчи зиёлилари ва жонкуярлари “Куръони карим” тафсирлари, “Ҳадиси шариф” ва “Қиссада үл-анбиё”ларни ўз туркий тилимизга ўтиришга ва мослаштиришга ҳаракат қилганлар. Бизнинг бой диний меросимиз билан боғлиқ китоблар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Кейинги мустамлака даври сиёсатида халқимизга араб ва форс тили, гўёки чет тили, ёт тил сифатида кўрсатилиб; бу тиллардаги бой меросимиз бизга бегона, эскирган, қолоқ ўтмиш мероси сифатида тушунтирилиб келиндики, натижада бизнинг маънавий дунёмиз маълум даражада камбағаллашди, холос.

Афсуски, араб ёзувидаги бой меросимизни тушунмайдиган, ундан ётсирайдиган, энг фожиалиси – тушунишни ҳам ҳоҳламайдиган зиёлилар гурухи вужудга келди. Улар томонидан араб алифбоси асосидаги ёзуви миз эски ўзбек ёзуви деб атала бошланди.

Ваҳоланки, биз Алишер Навоийни ўзбек адабий тили асосчиси деб тан олганмиз. Унинг “Мұҳокамут ул-лугратайн” номли асарида қайд қилинишича, ҳокимият арабларда бўлганида улар ўз тилидаги маданиятни равнақ топтиришга ҳомийлик қилдилар ва рағбатлантирилар. Ундан сўнг форс тилидаги маданиятга эътибор берилди. Ва ниҳоят Темурийлар салтанати ўрнатилгач, туркий-ўзбек тилининг ва туркий маданиятнинг тараққий этиши учун катта имкониятлар яратилди.

Бизнинг тилимиздаги ёзма манбалар фақат ҳозирги Республика миз ҳудуди билан чегараланиб қолмай, балки Алишер Навоий ибораси билан айтилса, Хитойдин то Хуросонгача, ҳатто Идил (Волга) дарёси бўйлагача бўлган жойларда туркий тил тушунилган, ёзма манбалар, маданият обидалари яратилган.

Биргина характерли мисол. Буюк Бобурийларнинг олтинчиси Аврангзеб Оламгир (1657-1706) ўзининг Рус подшоҳига жўнатган расмий мактубини туркий тилда битган ва бу муҳим ҳужжат асли матни рус солномаларида сақланиб қолган.

XIII асрда Қул Али томонидан туркий тилда “Юсуф ва Зулайҳо” достони Олтин Ўрдада битилган. Туркий тилдаги, биринчи аруз рисоласи XV аср ўрталарида Мисрда яратилган.

Мўфул ҳокимлар ҳузурида бахши – котибларнинг бўлганлиги ва ниҳоят XIV аср охирига бориб “Темур тузуклари”нинг юзага келиши туркий-ўзбек тилининг тараққиёти учун катта хизмат қилди. Носириддин Раббузийнинг “Қисас ул-анбиё” асарининг яратилиши, “Тарихи Табарий”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Муҳаммад Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” каби йирик асарларнинг туркий тилига ўгирилиши, Дурбек, Сайд Қосимий, Лутфий, Алишер Навоий, Ҳофиз Хоразмий каби шоирлар ижоди туркий-ўзбек тилининг жаҳонда тараққий этган адабий ва илмий тил эканлигини кўрсатди.

Алишер Навоий йирик бадиий асарлари “Хамса” ва “Лисон ут-тайр” достонлари, “Хазойин ул-маоний” номли тўрт девонлари қаторида яратилган насрый тарихий асарлари, хусусан тарихга оид “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Хамсат ул-мутахайирин”, “Ҳолоти Сайдид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Вақфия”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Муншаот” асарлари жуда катта тарихий аҳамиятга молик манбаларнинг

яратилганлиги кейинги даврларда туркий-ўзбек тилининг ривожига ул-кан ҳисса бўлиб қўшилди.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Вақойиъ” (“Бобурнома”, 1530) асарининг яратилиши жаҳоншумул аҳамиятга молик манба сифатида ижод этилганлигини кўрсатади. Чунки, бу обида тўрт марта форс тилига, тўрт марта инглиз тилига тўла таржима қилиниб, биргана форсий қўлёзмаларнинг жуда кўп тарқалганлиги, ўн уч қўлёзмага кўплаб мўъжаз расмлар билан зийнатланганлиги, асл матннинг саккиз марта чоп этилиши, ўндан зиёд инглизча қисқа нашрлар юқоридаги фикр исботи учун кифоядир.

Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси ҳам XVI асрда уч марта форс тилига таржима қилинган. Яна Муҳаммад Солиҳ, Абулфозий Баҳодирхон, Мунис, Оғаҳий, Баёний, Ҳакимхон Тўра ва бошқаларнинг тарихий асарлари жуда муҳим ва қўмматли манбалардир.

Айниқса, XIX асрда Хоразмда ва Шарқий Туркистонда туркий тилга катта эътибор туфайли кўплаб тарихий, диний ва бадиий асарлар форсий, арабий тилларидан таржима қилинди, янги асарлар яратилишига имкон яратилди.

Умуман, XX аср биринчи чорагигача туркий - ўзбек тилларида қатор тарихий манбалар яратилган эди. Бу давргача битилган бизнинг тилимиздаги обидалар араб алифбоси асосидаги ёзувларда битилган эди.

1929 йили лотин алифбосига ўтилди.

1940 йили рус-кирилл алифбоси киритилди.

Мустақилликимиз бизга яна лотин алифбосини қайта тиклади. Албатта, лотин алифбоси рус-кирилл алифбосига нисбатан кўплаб туркий халқлар учун қабул қилинганлиги билан қатор афзалликка эга. Лекин, деярли XIII ёки XII аср давомида яратилган манбалар тақдири нима бўлади? деган савол кишини ўйлантиради. Бўлғуси тарихчиларга форс, араб тили асосларини ўргатилиши, араб ёзувидаги манбалардан фойдаланиш мала-касини ҳосил қилиш қай даражада?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг тарихга эътибори ва халқимиз бой маданиятини ўрганишга, қадрлашга интилиши кишида умид ва келажакка ишонч уйғотади. Дарҳақиқат, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”.

Ушбу дарсликда туркий-ўзбек тилида битилган ҳамма манбаларни қамраб олиш мумкин эмас, шунинг учун энг муҳим ва йирик ёзма манбаларнинг характерли хусусиятларни баён этамиз, холос. Умид қиласизки, бу ерда олган билимларини талабалар ўzlари мустақил равишда кенгайтириб, янада чуқурлаштирадилар. Чунки, манбалар барча билим асосидир.

9.2. Ўзбек тилидаги манбалар

9.2.1. Қутадфу билик

Юсуф Хос Хожиб Боласоғунийнинг "Қутадфу билик" ("Саодатга йўлловчи билим") номли асари 1069-1079 йиллари ёзилган достон характеридаги бадиий асар бўлса ҳам, унда давлатни бошқаришга оид қимматли фикрлар баён қилинган ва Қорахонийлар даври маданиятини ўрганишда муҳим манбадир. Ундаги "Идора одоби", "Кудратли давлат қонунлари", "Подшоҳларга маслаҳатлар" каби боблар катта тарихий аҳамиятга эга.

9.2.2. Темур тузуклари

"Темур тузуклари", "Тузукоти Темурий", "Малфузоти Темурий" ёки "Воқеоти Темурий" номлари билан аталган асар Амир Темурнинг етти ёшлигидан бошлаб ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қиласиди.

"Темур тузуклари"- муҳим тарихий манба бўлиб, унда Амир Темур давлатининг тузилиши ва бошқариш хусусиятлари баён этилган. Асар дастлаб туркий-ўзбек тилида битилган. Унинг бир кўлёзмаси Яман мамлакати олий ҳукмдори Жаъфар подшоҳ кутубхонасида сақланган.

"Темур тузуклари"нинг форс тилига таржимони Мир Абу Толиб Ҳусайнин ат-Турбатий таржима муқаддимасида Арабистоннинг муқаддас жойларини ҳаж қилиб қайтишда, Яманда бўлган чоғида Жаъфар подшоҳ кутубхонасида туркий тилдаги мазкур асарни топгани ва у Амир Темурнинг ҳаёт йўли ҳақидаги ўзи ёзган эканлигини таъкидлайди. Мир Абу Толиб Арабистондан қайтиб келгандан кейин, асарни форс тилига таржима қиласиган. Лекин, Арабистондан олиб келинган аслиятдан ёки Ҳиндистонда бўлган бирон кўлёзма нусхадан ўгирилгани айтилмаган.

Мир Абу Толиб 1637 йилда "Темур тузуклари" асарининг форсча таржимасини буюк Бобурийлардан Шоҳижаконга тортиқ қиласиди. Кейин бу таржима Муҳаммад Афзал Бухорий (ваф. 1652 й.) томонидан жиддий таҳрир қилинган.

"Темур тузуклари" икки мақоладан иборат:

Биринчи мақола Амир Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, қўшинни ташкил этиш юзасидан тузуклари, режаларидан тарқиб топган.

Иккинчи мақолада 13 кенгапи ва унинг қисмларида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади.

"Темур тузуклари" XV-XVI асрларда нафақат ҳукмдорлар ва маълумотли кишилар орасида, балки жаҳон илм аҳли ўртасида шуҳрат топти.

Аасарнинг кўлёзма шаклида ҳам, тошбосма шаклида ҳам, шунингдек жаҳоннинг кўп тилларига қилинган таржима шаклида ҳам (инглизча, французча, урду, рус ва ўзбек тилларида) нашр этилиши сўзимизга исбот – далиллариди.

Икки фозил шахслар Мир Абу Толиб ва Муҳаммад Афзал Бухорий хизматлари туфайли “Темур тузуклари” форс тилида бизгача етиб келган. Бу таржиманинг мўътабар қўлёзмалари Россия, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар хазиналарида мавжуд.

“Темур тузуклари”нинг форсий матни 1783, 1785, 1890 ва 1963 йиллари оврупо ва шарқ тилларидаги таржималари билан бирга нашр этилган.

“Темур тузуклари”ни тўлиқ 1857 йили Хивада Муҳаммад Юсуф Рожий томонидан ва 1858 йили Паҳлавон Ниёз девон томонидан туркий-ўзбек тилига таржима қилинган. Уларнинг биринчиси “Тузуки Темурий”, иккинчиси “Малфузот” номи билан маълум. Яна бир таржима Ҳўжанд қозиси Набижон маҳдум тарафидан, Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1858 й.)нинг топширигига биноан амалга оширилган.

“Темур тузуклари” асарини Алихон Тўра Соғуний 1967 йили Мир Абу Толиб таржимасини ўзбекчага таржима қилган эди. 1990 йили Алихон Тўра таржимасини “Темур тузуклари”нинг Бомбай нашри матни асосида Ҳабибулло Караматов яна бир таржимани амалга ошириб, бир неча бор нашр эттириди.

“Темур тузуклари”нинг манба сифатидаги тарихий аҳамияти буюк эканлиги мутахассисларнинг унга бўлган катта эътиборидан билиш мумкин. Аасарнинг саккизта мўътабар қўлёзмаси Тошкентда, Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд.

9.2.3. Таворихи гузида, Нусратнома

“Таворихи гузида, Нусратнома” (“Сайланма солномалар, Фалабалар китоби”) номли тарихий асар ХУ1 асрда яратилган ёзма обидадир. Ушбу асар муаллифининг номи ишонарли ва қатъий аниқланмаган. Тадқиқотчилар орасида бу хусусда турлича фикрлар мавжуд. Шарқшунослардан А.А.Семенов, Р.Г.Мукминова ва В.П.Юдин ушбу китобни Шайбоний-хон томонидан ёки унинг фаол иштирокида ёзилган, деб ҳисоблайдилар.

Ушбу асарни чуқур ва атрофлича ўрганган А.М.Икромовнинг фикрича, “Таворихи гузида, Нусратнома” ижодкори машҳур “Шайбонийнома” достонининг муаллифи Муҳаммад Солиҳдир.

“Таворихи гузида, Нусратнома” асари муқаддимасида муаллиф ўзини “Ожиз”, “Фарид”, “Ҳокисор” деб атайди. У Мунке қоон номига ёзилган

“Таворихи жаҳонкүшой”, Фозонхоннинг қизи номига битилган “Таворихи гузида” ва Мирзо Улурбек номидан ёзилган “Мунтаҳаб ут-таворихи шоҳий” номли китоблардан сайдаб тартиб қилиш ҳақида буйруқ олганилиги ва унда Шайбонийхон тарихини ҳам кўшиб бир асар яратганлиги ва унга “Таворихи гузида, Нусратнома” деб от қўйганлигини очиқ айтади³⁸ Бундан маълум бўлишича, асар Шайбонийхоннинг топширифи билан саройга яқин турган тарихчиларнинг бири томонидан яратилган.

Ушбу асар 1502-1505 йиллар орасида ёзилган бўлиб, икки мустақил қисмдан - “Таворихи гузида” ва “Нусратнома”дан иборат. Биринчи қисмда Ўғизхон ва қадимги турклар, Чингизхон ҳамда унинг Мўгулистон, Дашиби қипчоқ, Мовароуннаҳр ва Эронда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи, иккинчи қисмда эса Шайбонийхон таваллудидан (1451) то унинг Мовароуннаҳрни истило қилишигача (1500-1505) Дашиби қипчоқ ҳамда Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи баён қилинган.

“Таворихи гузида, Нусратнома”нинг иккинчи қисми зўр илмий аҳамиятга эга. Унда Шайбонийлар қўшинининг тузилиши, унинг этник таркиби, шунингдек, кўчманчиларнинг Қоракўл, Ҳисор, Чағониён, Ўратепа ҳамда Хўжанд вилоятларида қилган талон-тарожлари ҳақида муҳим ва қимматли маълумотлар бор. Асарнинг яна бир қимматли томони шундаки, унда содир бўлган воқеаларнинг вақти аниқ кўрсатилган. Бундан ташқари, Шайбонийхон қўшинлари томонидан Фарғона вилоятининг босиб олиниши фақат “Таворихи гузида, Нусратнома” асарида тўғри ва тўлиқ ёритилган.

“Таворихи гузида, Нусратнома” асарининг фақат иккита қўллэзма нусхаси бизгача етиб келган. Улардан бири Санкт-Петербургда, иккинчиси эса Англияning Британия музейида сақланмоқда. Китобнинг матни факсимилемеси (фотонусха) зарур илмий изоҳлар ва тадқиқотлар билан 1967 йилда Тошкентда А.М.Икромов томонидан эълон қилинган. Ундан айрим парчалар рус тилида 1969 йили Олма-Отада В.П.Юдин томонидан эълон қилинган.

9.2.4. Зубдат ул-асар

“Зубдат ул-асар” (“Солномалар сари”) номли туркий-ўзбек тилидаги тарихий асарнинг муаллифи Абдуллоҳ Насруллоҳий ёки Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳ бўлиб, у XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган балхлик тарихнавис олимдир.

Тарихчи XV асрнинг 80-90-йилларида Балх ҳокими Темурийзода Бадиuzzамон Мирзонинг хизматида бўлган. Ҳирот Шайбонийхон томони-

³⁸ Таворихи гузиде, нусратнама. Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М.Икромова.-Ташкент, 1977. 18-19-бетлар.

дан 1507 йили ишғол этилгандан кейин унинг хизматига кирган. 1510 йили Муҳаммад Шайбонийхон ҳалок бўлганидан кейин, унинг ўғли Муҳаммад Темур Султон ҳузурига, Самарқандга келган.

Бобур Мирзо 1511 йили Самарқандга келганида Абдулла Насрулло-ҳий Шайбоний Султонлар билан Тошкентга келган ва Суюнчхожаоннинг хизматига кирган. Орадан кўп ўтмай тарихчи Суюнчхожаоннинг ўғли, Шоҳруҳия ҳокими Келди Муҳаммад номи билан ҳам машҳур, Султон Муҳаммаднинг хизматига ёлланган ва 1525 йили унинг топшириғи билан ўзининг “Зубдат ул-асар” номли китобини ёзган.

“Зубдат ул-асар” умумий тарих йўналишида ёзилган ва қадим замонлардан то 1525 йилгача мусулмон мамлакатларида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни қисқача баён қиласди. Асар II қисм, фаслдан иборат бўлиб, унинг охирги II қисми янги ҳисобланади. Унда XVI асрнинг биринчи чорагида Хуросон ва Мовароуннаҳрда содир бўлган воқеалар бирмунча кенг ёритилган. Айниқса, Шайбоний султонлар Суюнчхожаон, Кўчкинчхон, Жонибек Султон, Убайдуллахон, Муҳаммад Темур Султон билан Бобур Мирзо ва унинг сиёсий иттифоқчилари Сафавийлар ўртасида Мовароуннаҳр учун давом этган қуролли кураш, Суюнчхожаон билан Султон Саидхон ўргаисдаги 1512-1514 йиллардаги тожу таҳт учун бўлган кураш ва Фарғонанинг Шайбонийлар томонидан қайтадан бўйсундирилиши, Шайбонийларнинг 1514, 1520, 1524 йилларда Хуросон устига қилган ҳарбий юришлари ва Балхнинг 1526 йили бўйсундирилиши, Шайбонийларнинг қозоқ султонлари, хусусан Қосимхон (1511-1523 йй.) ўртасида Сирдарё бўйида жойлашган Ясси, Саврон, Сузоқ, Сайрам ва бошқа шаҳарлар учун олиб борилган курашлар тарихи бирмунча кенг баён этилган.

Ушбу қимматли асарнинг фақат иккита қўллэзмаси сақданиб қолган бўлиб, бири Тошкентда, Шарқшунослик институтида (Инв.№ 608) ва иккинчиси Санкт-Петербургдаги РФ ФА Шарқшунослик институти шаҳар бўлимида (Д.104 рақами остида) сақланмоқда.

9.2.5. Вақоийъ

“Вақоийъ”- воқеалар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳонга “Бобурнома” номи билан машҳур бўлган шоҳ асарининг асл номидир. Муаллиф асарда ўзининг ўн икки ёшида Фарғона вилояти подшоҳи, деб кўтарилиган вақтидан бошлаб, ҳаётининг охирига қадар бўлиб ўтган воқеаларни йилма-йил баён қилган. Дунёда мавжуд асарнинг барча қўллэзмаларида бир неча йил, хусусан 1509-1518, 1521-1524 йил воқеалари баёни тушиб қолган.

Бобур Фарғона вилояти ҳокими Темурий Умар Шайх Мирзонинг

(1461-1494) тўнгич ўғли, 1483 йилнинг 14 февралида Андижон шаҳрида туғилган. У 1494 йилнинг 5 июнида, ҳижрий ҳисобда ўн икки ёшида ҳалок бўлган отаси ўрнига Фарғона таҳтига ўтқазилади. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, мамлакатда авж олган ўзаро кураш натижасида мағлубиятга учраб, Фарғонани ташлаб чиқишига мажбур бўлади.

Унинг 1497-1500 йилларда Самарқанд таҳти учун олиб борган кураши ҳам муваффақиятсизликка учрайди.

Бобур 1504 йилга қадар Фарғона ва Самарқанд учун курашди, аммо Темурийлар ўзаро бирлаша олмадилар. Натижада, у тажрибали Шайбонийхон билан бўлган жангларда мағлубиятга учраб, ўз юртини тарқ этиб, омад ва баҳт излаб Кобулга йўл олди. Кобулни эгаллаган Бобур ўз мавзеини аста-секин мустаҳкамлаб борди.

1511 йилнинг кузида Бобур Озарбайжон ва Эрон подшоҳи Шоҳ Исмоил Сафавийнинг (1502-1524) ҳарбий ёрдамига таяниб, Самарқандни учинчи бор эгаллашга муваффақ бўлди. Аммо, унинг ўз ҳалқи эътиқоди – сунний мазҳабни инкор этиб, кишиларга шиалар кийимида кўриниши, аҳолини ундан ихлосини қайтарди. Бу сафарги Бобурнинг бобо мерос пойттаҳт Самарқанддаги ҳукмронлиги бир йилга ҳам етмади.

1512 йилнинг баҳорида Кўли Малик (Хайробод билан Қоракўл орасида жойлашган мавзеъ) деган жойда бўлиб ўтган жангда Шайбонийлардан Убайдуллахон, Муҳаммад Темур Султон, Жонибек Султон ва бошқаларнинг бирлашган кучлари унинг кўшиниларини тор-мор келтирди.

Бобур Ҳисори шодмон томонга чекинди ва қарийб икки йил мобайнида ўша вилоятда кун кечирди ва 1514 йили яна Кобулга қайтди.

У 1514-1525 йиллар орасида Шимолий Ҳиндистонга, уни бўйсунидириш мақсадида беш марта қўшин тортади, лекин фақат сўнгги юриши (1525) натижасида бой ва улкан мамлакатни эгаллади. Бобур тарихда янги салтанатга асос солди. Унинг давлати ғарбда янглиш Буюқ мўғуллар номи билан машҳур бўлиб кетган, аслида эса бу Ҳиндистондаги Темурийлар ёки Бобурийлар давлатидир.

Бобур 1530 йилнинг 26 декабрида Ҳиндистондаги пойттаҳти Агра шаҳрида вафот этди. Аммо унинг васиятига кўра, кейинча унинг хоки Кобул шаҳридаги ўзи асос солиб обод қилган боғга кўмилди. Унинг қабр тоши кейинча чевараси Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир (1605-1627) томонидан ўрнатилган.

Бобур истеъоддли қалам соҳиби сифатида икки девон-шеърлар мажмуаси, аруз илмига оид рисола, ислом қонуншунослиги масалаларига бағишлиланган “Мубаййин” номли маснавийси, Убайдулла Хожа Аҳрорнинг “Волидия” рисоласининг туркий таржимаси, мусиқа ва ҳарбий ишга оид рисолалари муаллифи, маҳсус янги алифбо “Хатти Бобурий” ихти-

рочиси ҳамда “Вақойиъ” асарининг ижодкоридир.

“Вақойиъ” мемуар – хотира типидаги асар бўлиб, ўзининг баён услуби билан “Темур тузуклари”ни эслатади. Китобда Фарғона, Тошкент, Сармарқанд, Ҳисори шодмон, Чагониён, Кобул, Хурросон пойтахти Ҳирот ҳамда Шимолий Ҳиндистоннинг XV аср иккинчи ярми ва XVI аср биринчи ўттиз йиллигидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи батафсил ёритилган. Асар мазмунини шартли уч қисмга бўлиш мумкин:

1. Фарғона ва Мовароуннаҳр воқеалари даври (1494-1504);
2. Кобул ва Хурросон воқеалари даври (1504-1525);
3. Ҳиндистон воқеалари даври (1525-1530).

Сиёсий воқеалар баёнидан ташқари, асар географик ҳамда этнографик маълумотларга бой. Ундан Фарғонанинг турк-мўғул қабилалари, кўчманчи ўзбеклар қўшини тузилиши, Мовароуннаҳр, Хурросон ва Ҳиндистон халқларининг урф-одатлари, ҳайвоноти, набототи, паррандалари ва бошқалар тўғрисида тафсилотлар ҳам ўрин олган.

“Вақойиъ” асари асл матни уч марта, биринчи марта 1857 йили Қозонда Н.И.Ильминский томонидан Бухоро қўлёзмаси ва икки марта 1905 ва 1970 йиллари Англияning пойтахти Лондон шаҳрида А.Бевериж хоним томонидан Ҳайдаробод қўлёзмаси асосида чоп қилинган эди.

1995-1996 йиллари япон олимни Эйжи Ману “Вақойиъ” асари матнини тўргта туркий ва учта форсий қўлёзмалари асосида тузиб, унга муқаммал кўрсаткичларни алоҳида жилд сифатида илова қилди. Бу тадқиқотчи кейинча япон тилида таржима ва кўрсаткичларни икки жилда чоп этди.

Кирилл-рус алифбосида 1948-1949 йиллари икки жилда С.Мирзаев ва П.Шамсиев томонидан биринчи бор ва 1960 йили бир жилд сифатида чоп қилинган эди. М. Салье томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1958, 1993 йиллари Тошкентда босиб чиқарилди.

2002 йили С.Ҳасанов томонидан П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Ману нашрлари асосида “Вақойиъ” асар матнини чоп этди. Аммо, булар ва бошқа нашрлар ушбу жаҳонга машҳур асарнинг асл нусхасининг илмий академик нашри эмас.

Гарчи “Вақойиъ” асл нусха матни илмий асосда тикланмаган бўлсада, уни таржима қилиш, ўрганиш ҳали асар тўла тугамасдан олдин бопшланган эди.

Илк марта “Вақойиъ” асарини форс тилига таржима қила бошлаган ва бир қисмини таржима қилган шахс Бобурнинг сафдоши ва садри Шайх Зайн Хаврфий (ваф.1534 й.) эди.

Асар бутунлай тугамасдан туриб, ундан бир нусхани Бобур кўчиртириб Мовароуннаҳрга жўнатган эди.

“Вақойиъ” билан тасодифан танишган Бобурнинг чевараси Султон Салим, бўлғуси Жаҳонгир оталифи, маънавий устози Кутбиддин Муҳаммад Бекларбеги ўғли Беҳрузхон Наврангхондир. У Мирзо Поянда Ҳасан Фазнавийдан асарни форс тилига таржима қилдира бошлайди. Аммо, таржимон вафот этгач, Муҳаммад Қули Ҳисорийни бу ишга жалб этиб, 1586 иили таржима ниҳоясига ётади.

Учинчи марта “Вақойиъ”ни форс тилига таржима қилиш ташаббускори Бобурнинг набираси Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1556-1605) эди. У асарни Байрамхон ўғли Абдураҳимхонга таржима қилдириб, унинг кўплаб нусхаларини нафис мўъжаз расмлар билан безаттирган. Форсий тилдаги ушбу уччала таржима асл матнни тиклашда катта یлмий аҳамиятга эга.

“Вақойиъ” асари Farb олимлари ичida машҳур ва жуда катта обрў-эътиборга молик. Асар инглиз тилига уч марта 1826, 1921 ва 1990 йиллари тўла таржима қилинган бўлса, унинг ихчам ва қисқартирилган нашрлари ўн бешдан зиёдdir. Айтиш мумкинки, сўнгги икки юз йил давомида инглиз шарқшунослари “Вақойиъ” асарини жуда жиддий ўрганмоқдалар ва маҳсус Бобуршунослик илмий йўналишига асос солғанлар.

Асарнинг форсий тошбосма матни ҳам мавжуд. Китоб яна икки марта француз тилига, немис, турк, рус, япон, ҳинд, урду; турк, қозоқ тилларига таржима қилинган.

Умуман, шарқ тарихига оид асарлар ичida “Вақойиъ” юксак мавқега эга. Шундай тарихий обида тўғрисида С.Азимжонова томонидан рус тилида учта китоб чоп этилган бўлса-да, ўзбек тилидаги тадқиқотлар, асосан филологик йўналишда амалга оширилган.

“Вақойиъ” биринчи галда тарихий манба ва у бошқа соҳа мутахассислари учун ҳам бебаҳо обида ва ибратли намунаидир.

9.2.5. Шайбонийнома

“Шайбонийнома” тарихий достонининг муаллифи Муҳаммад Солиҳ (тахм. 1455-1535 йй.) бўлиб, туркийзабон билкут қабиласидан чиқкан. Шоҳруҳ ва Мирзо Улугбек даврида зўр нуфузга эга бўлган амир Шоҳмаликнинг набираси. Отаси амир Нур Саидбек ҳам йирик амирлардан бўлиб, аввал Мирзо Улугбек, сўнгра Султон Абу Саъид Мирзо хизматида бўлган, 1464-1467 йиллари Хоразмда ҳоким бўлган ва 1467 йили Султон Абу Саиднинг фармони билан қатл этилган. Муҳаммад Солиҳнинг ёшлиги Ҳиротда кечган ва ўша ерда ўқиб нашъу намо топган, сўнгра Султон Ҳусайн, 1494 йилдан Самарқандда катта нуфузга эга бўлган Темурий амирлардан Дарвиш Муҳаммад тархон ва хожа Убайдулла Аҳоронинг ўғли Муҳаммад Яҳё, 1500-1504 йиллари Бухоро ва Чоржўйдаги ноиб

бўлиб, шундан кейин то вафотига қадар, Шайбонийлардан Мұҳаммад Султон (ваф. 1505 й.) ва Убайдуллахоннинг котиби бўлиб хизмат қилган.

Мұҳаммад Солиқнинг яратган тарихий достони “Шайбонийнома”да Мұҳаммад Шайбонийхоннинг ҳаёти ва олиб борган урушлари ҳақида шеърий услубда ҳикоя қилинади. Асар қаҳрамоннинг туғилганидан бошлиб, то 1505 йилгача Даشت қипчоқ, Мовароуннаҳр ҳамда Хоразмнинг ижтимоий-сиёсий тарихидан бахс юритади. Достонда қўшинларнинг ёвузликлари, меҳнаткаш ҳалқнинг оғир аҳволи, Қоракўл, Қарши ва Ҳузорда Шайбонийларга қарши кўтарилган кўзғолонлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди. Асар географик ва этнографик маълумотларга ҳам бойдир.

“Шайбонийнома” асари 1505 йилдан кейин ёзилган. Унинг иккита нодир қўлғозмалари сақланиб қолган бўлиб, бири Австрияниң Вена шаҳрида, иккинчиси эса Санкт-Петербург университети кутубхонасида сақланади. Китобнинг 1885 ва 1908 йилларда асл матни ва 1961 ва 1989 йилларда кирил алифбосидаги табдили чоп этилган.

9.2.6. Шажарайи тарокима ва Шажарайи турк ва мўғул

“Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк ва мўғул” асарларини яратган Абулғози Баҳодирхон Хива хони (1643-1663 йй.) ва тарихчи олим сифатида машҳурdir. У 1603 йил 23 августда Урганчда туғилган ва 1619 йилгача ана шу шаҳарда истиқомат қилган. Сўнгра инилари Ҳабаш ва Илборс билан тожу таҳт учун бўлган курашда мағлубиятга учраб, Бухорога қочиб борди ва Имомқулихон (1611-1642 йй.) саройида паноҳ топди. Акаси Исфандиёр 1623 йили хон бўлгач, яна Хоразмга қайтиб борди ва Урганчга ҳоким этиб тайинланди. Лекин, 1627 йили Исфандиёрхоннинг ўзи билан бўлган курашда мағлубиятга учради. Бу сафар Абулғозиҳон Туркистонга қочиб борди ва қозоқ хонларидан Ишимхон (1598-1628 йй.) ҳузурида паноҳ топди. Орадан бир йил чамаси вақт ўтгач, 1628 йили, яна бир қозоқ хони – Турсунхон уни Тошкентга олиб келди ва Абулғозиҳон Тошкентда 1630 йил охиригача истиқомат қилди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Абулғозиҳон Хива туркманларининг таклифи билан яна Хоразмга қайтиб борди, лекин орадан олти ой ўтар ўтмас, Исфандиёрхон уни Нисо ва Дарунга босқинчлилик юриши уюштирганликда айблаб ҳибсга олди ва Эронга, шоҳ Сафиъ 1 (1629-1642 йй.) ҳузурига омонат³⁹ тариқасида бериб юборди. Абулғозиҳон ўшандада Исфаҳон-

³⁹ Омонат – тобелик аломати. Ўрта аср анъаналарига кўра, тобеликни қабул қилган ҳукмдорнинг саройига фарзандлари ёки яқин қариндошларидан бирини гаров тариқасида юборган. Бу ерда шунга ишорат.

даги Таборак қалъасига қамаб қўйилди ва шу тарзда Эронда 10 йил атрофифа кун кечирди. 1639 йили Абулғози қамоқдан қочди ва кўп машақ-қатлар чекиб, 1642 йили она юртига қайтиб келди. 1643 йили, Исфандиёрхон вафотидан бир йил ўтгач, Орол ўзбеклари уни хон қилиб кўтардилар. Ўша йили Абулғозихон Хивадаги рақиблари устидан ҳам ғалаба қозонди ва Хива таҳтига ўтириди.

Абулғозихон кенг маълумотли бўлиши билан бир қаторда, феодал ҳукмдор ҳам эди. У ўз фаолияти билан ана шу доиралар манфаатларини ҳимоя қилди.

Абулғозихон 1663 йили тоҷу таҳти ўғли Ануша (1663-1687 й.)га қолдиди, умрининг охирини бутунлай илмий ишга барашлади. У 1664 йили вафот этган.

“Шажарайи тарокима” туркман ҳалқи ва Туркманистоннинг ўрта асрлардаги тарихини ўрганишда бош манба бўлиб хизмат қиласди.

“Шажарайи турк ва мўғул” 1664 йили ёзилган, лекин Абулғозихоннинг оғир дардга chalаниб қолиши ва тез орада вафот этиши сабабли тамомланмай қолған. Асар 1Х бобининг давоми, яъни 1644-1663 йиллар воқеалари Анушаҳоннинг топшириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад Урганжий деган олим томонидан ёзилган. Асарнинг I-IV боблари ҳам ўша Маҳмуд ибн Муҳаммад Урганжийнинг қаламига мансубдир.

“Шажарайи турк ва мўғул” асари қисқача муқаддима ва 9 бобдан иборат. Муқаддимада, асосан асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида гап боради. I бобда Одам Атодан то Мўғулхонгача, II бобда Мўғулхондан Чингизхонгача, III бобда Чингизхоннинг туғулишидан то вафотигача, IV бобда Ўгадай қоон ва унинг Мўғулистонда ҳукмронлик қилган авлоди, V бобда Чигатойхон ва унинг Мовароунаҳрда подшоҳлик қилган ворислари, VI бобда Элхонийлар, яъни Эронда ҳукмронлик қилган Чингиз авлоди, VII бобда Жўжихон ва унинг Даشت қипчоқда подшоҳлик қилган авлоди, VIII бобда Шайбонийхон ва унинг Мовароунаҳр, Қозоғистон, Сибирь ва Кримда ҳукмронлик қилган фарзандлари ва, ниҳоят, IX бобда Шайбонийхоннинг 1511 йилдан Хоразмда подшоҳлик қилган авлоди билан боғлиқ воқеалар баён этилган.

Асарнинг I-VIII боблари умумлаштирувчи характерга эга бўлиб, Рашидуддиннинг “Жоме ут-таворих”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зарфнома” ва шунингдек яна ўн саккиз тарихий асарлар асосида яратилгандир. Китобнинг 1Х боби янги ҳисобланади ва унда Хоразмнинг 1512-1663 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ва атрофлича баён этилади. Бундан ташқари, асарда Абулғозий Баҳодирхон замонида обод бўлган Хоразмдаги Урганч, Вазир, Тирсак, Янги шаҳар, Булдумсоз, Бағдод, Кот, Дурун, Қумкент, Миздаҳкан, Доруған ота, Боқирғон, Хос ми-

нора, Исм Маҳмуд Ота, Чилик каби шаҳарлар, Амударё ва дарё ўзанининг ўзгариши, хивалик туркманларнинг оғир аҳволи, XVI-XVII асрларда Хива хонлиги билан Бухоро ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди.

Абулғозий Баҳодирхон ва унинг “Шажарайи турк ва мӯфул” асари тез орада илмий жамоатчиликнинг дикқат-эътиборини қозонди. У XVIII асрдаётқ бир неча, немис ва француз (1726 й.), рус (1770 й.) ва инглиз (1780 й.) тилларига таржима қилинди. Ўтган асрда бу асар немис (Г.Я.-Кер), рус (Я.О.Ярцев ва Г.С.Саблуков), француз (П.И.Демезон), турк (Аҳмад Вефиқ поша) тилларига таржима қилинди. Асар 1897-1913 йиллари яна турк (таржимон Ризо Нур) ва 1935 йили форс тилларига таржима қилинди. Асарнинг Г.С.Саблуков (1906 й.) ва П.И.Демезон (1871-1874 йй.) амалга оширган нашрлари мукаммал ва зўр илмий қимматга эгадир.

Абулғозий Баҳодирхон асарининг хорижий тилларига таржима қилиниши ва дунё бўйлаб тарқалиши бўйича “Темур тузуклари” ва Бобурнинг “Вақойи” асари билан қиёслаш мумкин. Улар туркий тилдаги тарихий асарларнинг жуда катта илмий қийматга эга эканлигини кўрсатади.

9.2.7. Фирдавс ул-иқбол

“Фирдавс ул-иқбол” (“Жаннат боғи”) номли Хоразм тарихи бўйича яратилган шоҳ асарнинг ижодкорлари XVIII аср сўнгги чораги ва XIX асрда ўтган йирик шоир, таржимон ва тарихнавис Шермуҳаммад ибн Авазбий Мунис (1778-1829) ва унинг жияни Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳийдир (1809-1847).

Мунис Хоразмнинг қадимда йирик шаҳар бўлган Кот қишлоғида дунёга келган, Хива мадрасаларида таҳсил кўрган, 1800 йилдан бошлаб хон саройида саркотиб бўлиб хизмат қилган. У 1829 йили 51 ёшида вафот этган.

Мунис атрофлича маълумот олган, турли фанлар, хусусан адабиёт ва тарихдан кенг хабардор бўлган етук олим ва истеъододли шоир сифатида тарихда қолди. У 1806 йили Элтузархон (1804-1806)нинг топшириғи билан “Фирдавс ул-иқбол” асарини ёза бошлайди. Лекин, асар айрим сабабларга кўра, тугалланмай қолган.

Мунис ажойиб хаттот сифатида “Саводи таълим” номли маҳсус рисола ёзган. У зўр таржимон бўлиб, Муҳаммад Мирхонднинг “Равзат уссафо” асари таржимасини ҳам бошлаб берган ва унинг биринчи жилдини таржима қилиб тутгатган эди.

Огаҳий ҳам асли Кот қишлоғидан. Муниснинг жияни ва унинг қўлида тарбия топган. Яхши ўқиб, турли фанларни, хусусан тарих ва адабиётни чуқур эгаллаган. Муниснинг вафотидан (1829) кейин саройни тарк этиб,

ота касби- мироблик билан кун кечирган. У 1847 йили вафот этган.

Огаҳий ҳам истеъдодли шоир, йирик тарихнавис олим ва моҳир таржимон сифатида шуҳрат топти. У тоғаси Мунис бошлаган “Фирдавс ул-иқбол” асарини охирига етказди. Ундан ташқари, “Риёз уд-давла” (“Давлатнинг жаннат бори”), “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар сараси”), “Жомиъ ул-воқеоти султоний” (“Султон воқеаларининг мажмуаси”) ва “Гулишан уд-давлат” (“Давлат гулшани”) каби тарихга оид асарларни ҳам ёзган.

Булардан ташқари, Огаҳий забардаст таржимон сифатида 19 асарни ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, уларнинг ичида Муҳаммад Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Низомуддин Аҳмад Ҳиравийнинг “Табақоти Акбарий” каби улкан тарихий асарлар ҳам бор.

Мунис ва Огаҳийнинг тарих соҳасидаги энг катта илмий иши “Фирдавс ул-иқбол” асарининг яратилиши эди. Китобда Хоразмнинг қадим замонлардан то Қўнғирот сулоласидан⁴⁰ чиққан Аллоҳқулихон (1825-1842) замонигача бўлган тарихдан баҳс юритади.

“Фирдавс ул-иқбол” асари муқаддима ва беш бобдан иборат. 1806 йили бошланган ва 1840 йили ёзиб тамомланган.

Муқаддимада Элтузархон номига ҳамду сано ўқилади, Муниснинг хон хизматига кириш сабаблари айтилади ва асар мундарижаси келтирилади.

Асарнинг I-II бобларида исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, эски тарих китобларида турк-мўғул қабилаларининг аждоди ҳисобланган Ёфас ибн Нуҳ ва Қўнғирот амирларининг илк тарихига бағишланган.

Учинчи бобда Буртажон ва Чингизхон тарихи, Мўғул империясининг Чингисхон замонидан то Олтин Ўрда хони Бердибек (1357-1361) давригача бўлган тарихи баён этилган.

Тўртингчи боб Хоразмнинг Шайбонийлар даври (1511-1804)даги ижтимоий-сиёсий тарихи ҳақидадир.

Бешинчи боб Хива ҳонлигининг 1804-1825 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади.

Мунис ва Огаҳийнинг мазкур асарининг асосий аҳамияти шундаки, унда Хоразмнинг қарийб 300 йиллик (1511-1825) тарихи яхлит, хронологик тартибда баён этилган. Асар турли мавзудаги далилий маълумотларга ниҳоятда бой. Китобда, масалан, Хоразм (Хива ҳонлиги) ўрамида истиқомат қилган туркман, қорақалпоқ ва қозоқ ҳалқлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, катта ер эгалиги,

⁴⁰ Қўнғирот сулоласи – Хоразмни 1804-1920 йиллар орасида идора қилган сулола. Асосчиси Элтузархон(1804-1806 йй.).

меҳнаткаш халқ аҳволи, солиқ ва жарималар, хирож, закот, пешкаш, тансуқот ва ҳоказо, ўн тўрт уруғнинг тарқатиб юборилиши, 1714, 1722-1723 ва 1768 йиллари содир бўлган очарчилик ва қаҳатчилик, Хоразм шаҳарлари Урганч, Кот, Вазир, Янги шаҳар, Тирсак, Гандумкон, Ҳазорасп, Шаҳободларнинг умумий аҳволи, туркманлар ва ўзбекларнинг этник таркиби, Хива хонлигининг бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон, Бухоро хонлиги ва Россия билан бўлган иқтисодий ва сиёсий муносабатлари хусусида қимматли маълумотларни учратамиз.

“Фирдавс ул-иқбол” асари тарихчилар томонидан кам ўрганилган. Унинг қўллэзма нусхалари Ўзбекистон, Россия ва бошқа мамлакатлар кутубхоналарида сақланади.

9.2.8. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин

“Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” (“Султонлар шажараси ва хоқонлар тарихи”) асарининг муаллифи Мирза Олим Тошкандийдир. Унинг тўлиқ исми Мирза Олим ибн домла Мирза Раҳим Тошкандийдир. У ўз даврининг кенг маълумотли ватанпарвар кишиларидан бўлган. Асар XIX аср охирида ёзиб тамомланган.

“Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” Фарғонанинг ёки Кўқон хонлигининг XV-XIX асрлар орасидаги тарихини ўз ичига олади. Муаллиф, айниқса 1842-1875 йиллар тарихини кенг ёритган.

Китобнинг тўртта мўътабар қўллэзмалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд. У Кўқон хонлиги тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бўлиб хизмат қилади.

9.2.9. Шажарайи Хоразмшоҳий

“Шажарайи Хоразмшоҳий” ва “Хоразм тарихи”(1910-1918) асарлари муаллифи серқирра истеъдод соҳиби Муҳаммад Юсуф ибн Бобоёнбек Баёний (1858-1923)дир. Баёнийнинг насли-насаби Хива хонлигини кўп йиллар идора қилган Кўнғиротлар сулоласига бориб уланади. Отаси Бобоёнбек Хива хони Элтузархон (1804-1806)га набира бўлади.

Муҳаммад Юсуф Баёний ёшлигидан яхши тарбия топди, кенг маълумот олди. Араб ва форс тилларини яхши ўрганди, адабиёт, тарих, тибб ва мусиқа илмларини эгаллади. Шу билан бирга хаттотлик илмини ҳам яхши ўрганди. У, айниқса хатларнинг райҳоний, сулс, куфий ва шикаста турлари бўйича моҳир хаттот, мусиқа илмида, айниқса танбур ва фижжак чалишда маҳоратли созанда бўлиб етишди.

Баёний мумтоз адабиётни, хусусан шеър илмини ҳам пухта эгаллади, ўз замонининг шоири сифатида донг таратди. У мумтоз шеъриятнинг барча турларида ижод қилди. Ўзидан бир шеърий тўплам, девон қолдир-

ди. Девони қўллёзмаси ЎзР ФА нинг Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

Баёний, асосан йирик тарихнавис олим, Мунис ва Огаҳийларнинг давомчиси сифатида шуҳрат қозонди. Бу соҳада у икки йирик асар яратди.

Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарида Хоразмнинг туркларнинг қадимги подшоҳи Ёфас ўғлон, Ёфас ибн Нуҳдан то Қўнғирот сулоласигача кечган тарихӣ баён этилган. Асарнинг энг қўмматли қисми Муҳаммад Раҳим аввал (1806-1873 йй.) ва Асфандиёрхон (1910-1918) давригача бўлган сўнгти қисмидир.

Олимнинг иккинчи тарихий асари “Хоразм тарихи” китобида Хоразмнинг 1910-1918 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ёритилган.

Муҳаммад Юсуф Баёний моҳир таржимон сифатида ҳам ном қолдирган. У, кўпгина муҳим тарихий асарларни араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилган. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг “Китоб ар-расул ва-л мулук ва-л-хулафо”, Дарвеш Аҳмаднинг “Саҳойиф ул-акбар”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” асарлари ана шулар жумласидандир.

Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” асарининг (1911-1913 йиллари) ёзib тамомлаган қисми, яъни Муҳаммад Раҳимхон соний замонидан саййид Асфандиёрхон ҳукмронлиги даврини ўз ичига олган 15- ва 16-боблари Иқболой Азизова тарафидан сўз боши ва зарур изоҳлар билан, 1991 йилда “Мерос” тўпламида нашр этилган.

9.3. Ўзбек тилидаги манбалар хусусиятлари

X-XIV асрларга оид туркий тилдаги ёзма манбалар нисбатан кам сақланиб қолган. Мавжудлари эса ҳали муносиб тарзда манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилиб, илмий муомалага киритилгани йўқ. Яъни, у манбалар тарих илмida ўз ўрнини эгаллагани йўқ.

X-XIV асрларга оид туркий тилдаги ёзма манбалар тўғрисида шуни ҳайд этиш зарурки, уларда ҳам араб ва форс тилларидаги манбаларга хос умумий хусусиятлар ўхшаш десак бўлади. Ёзув хусусида туркий ва форс тили ҳарфлари айнан бир хил, яъни 32 ҳарфдан иборат.

Туркистон китоби тарихининг тадқиқотчisi Э.О.Охунжонов ўз илмий изланишларида ёзма манбадарни китобат тарихи нуқтаи назаридан очиб берган.

XV асрдан бошлаб яратилган тарихий, бадиий ва илмий асарлар қўллёзмалари, китоблари биринчи навбатда ёзув, хат тури хусусиятлари, китобат фани, санъати жиҳатидан алоҳида юксак савияси, бадиий зийнат-безаклари билан ажралиб туради. Аксарият манбалар Темурийлар даврида

Мир Али Табризий томонидан ихтиро қилинган энг гўзал настаълиқ хатида битилган.

Темурйлар ва Шайбонийлар даврида ҳамда кейинроқ яратилган қўлёзмалар асосан подшоҳ ва аъёнлар учун мўлжалланган. Мана шунинг учун ҳам улар китобат санъатининг шоҳ асарлари даражасида яратилган.

XVIII-XIX асрлардаги ёзма манбалар қўлёзмаларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бир гуруҳи – шоҳона қўлёзмалар. Иккинчи гуруҳи эса кенг жамоатчилик ва ўрта ҳол зиёлилар учун яратилган қўлёзмалар. Буларнинг ҳар бири материал ва савия билан ажралиб туради. Иккинчи гуруҳ қўлёзма китобларида матн мазмунига ҳам эътибор берилган, лекин қўлёзма учун ишлатилган материаллар, зийнат ва безаклар ўрта миёна, баҳошли қудрат, аммо етарли санъат асари ва илм-фан учун bemalol фойдаланса бўладиган манба савиясида яратилган.

XIX асрда кўпроқ қўлёзмаларни ёзишда илм аҳли орасида хатти муллойи, талабалар хати ва янги ихтиро қилинган шикаста хати кенг тарқалдиким, шиддатли тараққиёт, айниқса тошбосма ва михбосма китобларнинг кўпайиши, анъанавий мўътабар қўлёзмаларни яратилишини камайишига олиб келди. Бу давр қўлёзмалар хусусиятлари китобат санъати нуқтаси назаридан олима Э.М.Исмоилова томонидан аниқланган ва унинг асарларида баён этилган.

Кўён хонлиги тарихи манбалари хусусиятлари олимлардан Р.Н.Нашибов, Ҳ.Н.Бобобеков, Ш.Воҳидов, Т.Бийсембиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида таҳлил этилган.

XIX аср Хоразм тарихий асарлари қўлёзмалари Қ.Муниров ва Н.Комилов тадқиқотларида ўрганилган.

Юртимизда яратилган аксарият қўлёзмалар, хусусан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидагилар машҳур хаттот Абдуқодир Муродов томонидан тадқиқ этилган. Аммо, шу пайтгача туркий-ўзбек китоби тарихий манба сифатида алоҳида ўрганилмади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳали туркий тилдаги жаҳон қўлёзма фондларида мавжуд ёзма манбалар тўла аниқланганни ва илмий муомалага киритилгани йўқ. Мавжуд ва аниқланган ёзма манбалар юртимизнинг кўп асрлик узоқ тарихи, унинг бой ёзма маданиятидан гувоҳлик бериб, келажаги порлоқ эканлигига тўла ишонч уйғотади.

9.4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Сайдкулов Т.С. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тарихнавислиги-

дан лавҳалар.-Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

3. Собрание восточных рукописей Академии Наук Республики Узбекистан. История. Составители Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова.-Ташкент: Фан, 1998.

4. Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература. Средней Азии XVI-XVIII в.-Тошкент, Фан, 1985.

5. Бейсембиев Т.К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. Алма-Ата. 1987.

6. Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик.-Тошкент, 2002.

7. Бобобеков Ҳ.Н. Историческая литература о Кокандском ханстве. Ташкент, 1977.

9.5. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. «Кутадғу билик» асарининг тарихий аҳамияти нимада?

2. «Темур тузукларида» асарининг ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишдаги ўрни?

3. Бобурнинг «Вақойиъ» асарининг тарихий аҳамияти нимада?

4. Хоразм хонлигига яратилган ўзбек тилидаги қандай тарихий асарларни биласиз?

10-мавзуу. Алишер Навоийнинг асарлари тарихий манба сифатида

Дарснинг мазмуни: Алишер Навоий насрый асарларининг тарихий манба сифатида асосий хусусиятлари, уларнинг манбашуносликдаги илмий аҳамияти талабаларга тушунтирилади.

Режа:

10.1. Алишер Навоийнинг ижодида тарихий мавзудаги асарлар.

10.2. Алишер Навоийнинг тарихий мавзудаги асарлари тавсифи.

10.3. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.

10.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Хамса, ҳолот, вақфия.

10.1. Алишер Навоийнинг ижодида тарихий мавзудаги асарлар

Ушбу маъruzada Алишер Навоий (1441-1501) насрый асарларининг тарихий манба сифатидаги хусусиятларига эътибор бермоқчимиз. Чунки, Навоийнинг улкан шеърий мероси, достонлари ва асарлари бадий адабиёт намунаси сифатида кейинги XX асрда ҳам юргимизда жуда катта

эътиборга сазовор бўлган бўлса-да, аммо унинг тарих илмига қўшган улкан ҳиссаси, бизнинг фикримизча, тарихчи олимларимиз эътиборидан четда қолиб келди. Махсус тарихий асарлари ҳам фақат филологик нуқтати назардан ўрганилди, холос.

Алишер Навоий асарларини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш учун мукаммал асарлар йигирма томлигини асос қилиб олиш мумкин.

Алишер Навоий насрда «Муножот», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Вақфия», «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат», «Мезон ул-авzon», «Муншаот», «Муҳокамат ул-лугатайн» каби асарлари билан ҳам аруз назарияси, ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик билан бир қаторда тарихи илми тараққиётига катта ҳисса қўшди.

10.2. Алишер Навоийнинг тарихий мавзудаги асарлари тавсифи

10.2.1. Тарихи анбиё ва ҳукамо

Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари 890/1485 ва 904/1498-1499 йиллар орасида тасниф этилган бўлиб, унда Одам Атодан бошлиб, олтмиш олтита пайғамбарлар ва ўн битта донишмандлар тўғрисида ихчам, лекин жуда жонли ва қизиқарли маълумотлар баён этилган.

Маълумки, Алишер Навоийга қадар ҳам анбиёлар ҳақида турли ривоятлар, қиссалар мавжуд бўлган. Айниқса, «Қуръони карим»да ва энг қадимий манбаларда, умумий тарихга оид Абу Жаъфар Табарийнинг (836-923) «Тарихи ар-русул ва мулук», Абу Райҳон Берунийнинг «Осор улбоқия» ҳамда Абу Сулаймон ибн Довуд бинни Абу-л-Фазл Муҳаммад бинни Довуд ал-Банокатийнинг (ваф. 730/1330) «Равзату Оли ал-боб фитаворих ал-акобир ва-л-ансоб» (1317) ёки «Тарихи Банокатий» (XIV аср) номли, Ҳамдуллоҳ бинни Абу Бакр бинни Аҳмад бинни Наср ал-Муставфи Қазванийнинг (ваф. 750/1350) «Тарихи гузида» (744/1343), Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса» ва бошқа шу каби асарларда тарихий воқеалар, шунингдек, диний тарихга оид маълумотлар кўп.

Ўз даврининг йирик олими ва тарихчиси сифатида Алишер Навоий ҳам бундай манбаларни ўрганиб чиқсан, улар билан яқиндан танишган. Бу асарлар аксарияти араб ва форс тилида бўлгани учун, Алишер Навоий туркий-ўзбек тилида, кўплаб қиссаларни қиёсий ўрганиш асосида ўз асарини яратди. У асар мазмун жиҳатидан умумий тарихга оидdir.

Бу асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда Одам Атодан тортиб, Нуҳ, Исо, Мусо, Яқуб, Сулаймон, Довуд, Юсуф ва бошқа пайғамбарлар ҳаётига оид турли нақлларни баён этади, ҳар бир тарих охирида рубоий келтирилиб, уларнинг ҳаётига лирик хотима ясади.

Китобнинг иккинчи қисмida машҳур донишмандлар ҳаёти лавҳалари, уларнинг ҳикматлари келтирилади. Масалан, Фарбда Пифагорга нисбатан берган бир иборани Алишер Навоий Буқротус ҳаким номидани шундай келтирган: «Яхши сўз кўнгулни ёритур ва яхши хат кўзнинг неъмати арусидурким, анинг маҳри шукрdir».

Бутун умри ва фаолияти давомида олимларни қадрлаган Алишер Навоий уларнинг тарихини анбиё, пайғамбарлар тарихидан кейин, уларни биргаликда битгани алоҳида таҳсинга сазовор ҳолдир. Бу китоб тарихчи, олим ва шоирларга қадимги давр изоҳи учун муҳим манба вазифасини ўташи мумкин. Бу асарни манбашунослик фанида алоҳида ўрганиш шуннинг учун ҳам зарурки, тарихга оид асарларда тафсилотлари келтирилмай, жуда кўп ўринларда пайғамбарлар ва уларнинг ҳаётига оид воқеаларга муржаат қилиш учрайди. Мана шу жиҳатдан Алишер Навоий асари ҳам тарихчи олимлар, ҳам тарихни ўрганувчи талабалар учун катта аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга, у асарда Алишер Навоийнинг машҳур тарихчи Шарафуддин Али Яздийга муносабати баён этилган. Навоий унинг «Зафарнома» асари муқаддимасини зикр қиласр экан, тарихчини «мавлоно шараф ул-миллат ва давла», яъни «давлат ва миллат шарафи» деб таърифлайди.

10.2.2. Тарихи мулуки Ажам

Алишер Навоийнинг иккинчи тарихий асари «Тарихи мулуки Ажам» дир. 890/1485 йилдан сўнг яратилган бу асарда Эронда ҳукмронлик қилган тўрт сулола: Пепидодийлар, Каёнийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар тўғрисида маълумот келтирилган. Асар охирида Султон Ҳусайн Мирзо мадҳи ўрин олган. Агар биз аввалроқ яратилган «Садди Искандарий» достонида ҳам тўрт сулола ҳақидаги маълумот борлигини назарда тутсак, достон яратиш жараёнида Алишер Навоий тўплаган маълумотларни маҳсус тарихга оид асар сифатида ижод қилган қўринади. Бунда Алишер Навоий юқорида номлари зикр этилган асарлар қаторида яна Абу-л-Ҳайр Насириддин Абдуллоҳ бинни Умар ул-Қози Байзавийнинг (ваф.685/1266) «Низом ут-таворих» (ёзилган 674/1275), Абу Ҳомид Фаззолийнинг (1058-1111) «Насиҳат ул-мулук» ва бошқа асарларни, хусусан ўз замондоши Мир Муҳаммад Мирхондининг «Равзат ус-сафо» асаридан бохабар ҳолда, Эрон тарихига оид араб ва форс тилларида тарихий асарлардан фарқли, бу китобни туркий тилда яратди. Ушбу асардаги шахслар тўғри-

сидаги маълумотлар Алишер Навоий ўзининг достонларида ҳам мавжудлигини эслатиб ўтган. Бу асар илмий танқидий матнини шарқшунос Л.Халилов тузиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди. Афсус, ҳамон унинг танқидий матни чоп этилмаган.

«Тарихи мулуки Ажам» асарини маълум даражада, «Хамса», хусусан «Садди Искандарий» достонига тарихий-илмий илова сифатида ҳам қабул қилиш мумкин. Унинг ичидаги маълумотларнинг шеърий ифодаси «Садди Искандарий»да келтирилган бўлиб, уларни бошқа тарихий асарлар билан қиёсий ўрганиш Алишер Навоийнинг тарихчи олим сифатидаги ижод қирраларини очишга ёрдам бериши мумкин.

10.2.3. Хамсат ул-мутаҳайирин

Алишер Навоийнинг учинчи мемуар биографик асари «Хамсат ул-мутаҳайирин»дир. У Абдураҳмон Жомий вафотидан сўнг, яъни 898/1492 йилдан кейин яратилган. Бу рисола Алишер Навоийнинг пири, устози ва дўсти Абдураҳмон Жомийга бағишлиланган бўлиб, икки буюк ижодкор ўртасидаги гаройиб воқеалар баёни, Жомийнинг шажараси, асарлари номлари ва уларга берилган баҳолардан иборат. Уни мемуар-ёднома асар деб аташ мумкин. Ушбу рисола мазмунини икки буюк шахс асарларидаги лавҳалар, хусусан «Насойим ул-муҳаббат», «Мажолис ун-нафоис» ҳамда уларнинг ўзаро хатти китобати, айниқса, «Мураққаъи Мир Алишер» тўпламидаги Жомийнинг дастхат мактубларини бойитишга хизмат қиласи.

10.2.4. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер

Алишер Навоийнинг тўртгинчи тарихий асари, мемуар биографик характердаги рисола бўлиб, у «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» деб номланади. Ўзига «отадай» меҳрибон бўлган Сайид Ҳасан Ардашер тўғрисидаги асар тўғридан тўғри «Ҳолот», яъни биография деб аталади. Асар тасниф одобига кўра, «Бисмиллоҳир-раҳмонир - раҳийм» сўзидан сўнг келадиган «Ҳамд» Аллоҳ мадҳи ўрнига насимга мурожаат билан бошланади, асар мазмуни шундай характерланади: «Солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний Сайид Ҳасани Ардашер (раҳматуллоҳи) сияр ва ҳолотида». Яъни, бу асар «ўткинчи фоний дунёдаги солик, гавҳарлар кони ва маънолар орифи Сайид Ҳасан Ардашер биографияси» деб аталади.

Асар бошида муаллиф Сайид Ҳасани Ардашернинг отаси тўғрисида қисқа маълумотларни келтиради. Ундан сўнг, Алишер Навоий унинг ўзи ҳам ёшлигида отаси каби Бойсунғур Мирзо хизматида бўлгани, турли соҳалар бўйича билим олганини ёзади. Темурийлар саройида хизмат қилиб, доим ҳурмат ва эътиборда бўлгани, ҳатто Султон Ҳусайн Мирзо

унга катта давлат лавозимини таклиф қылганида, дунё ишларидан юз ўгириб, дарвешликни ихтиёр этганини зикр этади. Рисолада Сайид Ҳасан Ардашернинг тарихи, унинг бадиий диди, туркий ва форсий тилдаги адибиётни яхши билиши, имом Фаззолийнинг «Кимиё-и саодат», Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарларини хуш кўриши, ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар тафсилотиларининг энг муҳимлари зикр этилади. Натижада, китобхон кўз ўнгига Темурийлар замони зиёлиларининг ёрқин вакили сиймоси тарихи намоён бўлади. Ўша давр ижтимоий ҳаётига тасаввур таълимоти катта таъсир ўтказганини кўрамиз. Чунки, эътиқод юзасидан Сайид Ҳасан Ардашер давлат лавозимидан воз кечган шахсdir.

Сайид Ҳасан Ардашер номини Алишер Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳабbat» асарларида чуқур ҳурмат билан ёд этади. Умуман, «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» рисоласи Темурийлар даври ижтимоий-маданий ҳаётини акс эттирган муҳим тарихий манбадир. Унда Алишер Навоий ўзининг ҳаётида жуда катта рол ўйнаган катта замондоши Сайид Ҳасан Ардашерга муносиб тарихий ёдгорлик ўрнатади.

10.2.5. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад

Алишер Навоийнинг бешинчи тарихий асари ҳам мемуар биографик характердаги рисола бўлиб, унда ўша даврининг энг машҳур ва беназир курапчиси ва турли фанлар билимдони тўғрисидаги «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»dir. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида ушбу шахс тўғрисида қўйидаги маълумотни келтиради: «Паҳлавон Муҳаммад Куштигирким, кўп фазойил била орастадурким, кушти бовужуд улким, унинг андоқ ҳақ ва мулкидурким, маълум эмаским, ҳаргиз бу фанда андоқ пайдо бўлмиш бўлғой. Ўзга фазойилига кўра ва дин мартабасидур, мусиқийда идвор илмида даврининг беназиридур, чун камолоти изҳор мин аш-шамсдур, шарҳ қилмоқ эҳтиёж эрмас».

Рисолада биз Паҳлавон Муҳаммаднинг ўз даврининг беназир кишиси бўлғанлиги, қирқ йил давомида Алишер Навоийга меҳрибончилик кўрсатганлиги, фавқулодда хотирага эгалиги, барча замондошлари иззат-хурматига сазовор бўлган, юксак ахлоқий фазилатларга эга курашчи эканлигини кўрамиз. Уни барча кечик замондошлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Зайниддин Восифий, Мирза Муҳаммад Ҳайдар ҳам ажойиб курашчи ва олижаноб инсон, бастакор эканлигини тасдиқлайдилар.

Бу асарда Темурийлар даври XV аср иккинчи ярми маданий ҳаётига оид қимматли маълумотлар келтирилиши билан муҳим хусусият касб этади. Бу рисола ҳам аввалги «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» ва «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» каби XV аср иккинчи ярми Темурийлар даври тарихи тўғрисидаги қимматли манбадир.

Номлари зикр этилган беш соф тарихий асарлардан ташқари Алишер Навоий қуидаги асарлари, яъни «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис», «Муншаот», «Насойим ул-муҳаббат» ва ҳатто соф лингвистик характердаги «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ҳам тарих илми учун муҳим маълумот бор.

Алишер Навоий тарихчи олим сифатида асарларида, хусусан «Маҳбуб ул-қулуб»да ижтимоий гуруҳлар тўғрисидаги мулоҳазаларни баён этган, «Мажолис ун-нафоис» асарида 450 дан ортиқ давлат арбоби шоир ва санъат шайдолари ҳақида, «Насойим ул-муҳаббат» асарида эса 750 дан зиёд авлиёлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилгандир.

«Вақфия» асарида эса Алишер Навоийнинг қандай мол-мулк эгаси бўлгани, ҳамда уларни жамият учун васият қилганлиги баён этилади. Алишер Навоийнинг «Муншаот» асари, ҳамда у тартиб берган «Мураққаъ Мир Алишер»да жамланган мактублар мазмуни, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти турли қирраларини ва ўз даври ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётини ёритищда жуда катта тарихий, илмий аҳамиятга эга ҳужжатлардир.

У Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, унинг муридлари ва Абдураҳмон Жомийнинг дастхат мактубларини тартибга келтириб, маҳсус «Мураққаъ Мир Алишер» номли дастхат автографлардан иборат қимматли 594 та мактубни китоб ҳолига келтириб, бизга мерос қолдирган. Ушбу мураққаъ асосида докторлик диссертациясини ёзиб, шарқшунос Асомиддин Ўринбоев тарих фанлари доктори деган унвонга эга бўлди. Кейинги йилларда олим улар тўғрисида рус, тоҷик, форс ва инглиз тилларида бир неча китоб чоп этиб Алишер Навоийнинг тарих соҳасидаги кўрсатган хизматини дунёга намойиш этди.

Алишер Навоий йирик тарихчилар Муҳаммад Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий ва Фиёсиддин Ҳондамирларнинг ҳомий ва мураббийсигина эмас, балки оригинал тарихий асарлари ижодкори сифатидаги хизматлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, деб ўйлаймиз.

Амир Темурнинг ўзи тарих илми тараққиётiga жуда катта эътибор берди. Султони соҳибқирон ўз «Тузуклар»ини яратиб, ўзбек давлатчилиги тараққиётiga бебаҳо ҳисса қўшди. Мирзо Улугбек «Тарихи арбаъи улуси Чингизий»номли жуда қимматли тарихий асарни таълиф қилишда шахсан ўзи қатнашди. Бундан ташқари бу даврда яшаб ижод этган жаҳонга машҳур тарихчилар Фиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарофуддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, Муъиниддин Натанзий, Абдураззоқ Самарқандий, Муҳаммад Мирхонд, Фиёсиддин Ҳондамир ва бошқалар асарлари ҳамон мутахассислар учун қимматли тарихий манба, битмат-туғанмас ҳазинадир.

Алишер Навоийнинг «Вақфия» асарида зикр этилган мол-мулк ҳам унинг ўз даври йирик мол-мулк, давлат эгаси эканлигини кўрсатади. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Алишер Навоийнинг бир кунлик даромади ўн саккиз минг шоҳруҳий экан. Тарихчининг ёзишича, Султон Ҳусайн давлат тепасига келгач, бутун марҳаматини Алишер Навоийга кўрсатади. У эса ўз ўрнида мол-мулкини юрт ободончилиги, олиму фозилларга ҳомийлик қилишга қаратган. Тарихчилар Фиёсиддин Хондамир, Заҳириддин Бобур ва бошқаларнинг ёзишича, Алишер Навоийча ҳеч ким кўп бинои-ҳайр, халқ учун иморатлар ва бинолар қурмаган экан. Аҳли фазл ва ҳунарга мураббий ва муқаввийлиги ҳам жуда машҳур.

Алишер Навоий ўзининг тарихий асарларида бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларга, шахсларга баҳо беришда юксак инсонпарварлик ғояларидан келиб чиқди. Унинг тарихчи олим сифатидаги амалий фаолияти туркӣ ўзбек тилидаги тарих илмини юксакликка кўтарди. Махсус асар, ихчам рисола, тазкира ва мактублар яратиб, туркӣ тилдаги тарих илмининг кейинги ривожи ва тараққиети учун замин яратди.

Алишер Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-лугатайн» асарида сиёсий ҳокимият ва тил, маданият сиёсати хусусида қўйидаги ҳақли фикрларни баён этади: «...то мулк араб хулафоси ва салотинида эрди, фалак ул вақтда назм дабирига араб тили бирла жилва берди...» Яъни мамлакатлар араб халифалари ва султонлари даврида шеърият котиби араб тилида ижод этди.

Мамлакатларнинг баъзиларида «сорт салотини мустақил бўлдилар, ул муносабат била форсигўй шуаро зуҳур қилдилар».

«То мулк араб сорт салотинидин турк ҳонларға интиқол топти, Ҳуло-гухон замонида султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди ҳалафи Шоҳруҳ Султоннинг замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар».

Алишер Навоийнинг юқорида келтирган мұхим фикри фақат шеъриятга эмас, балки умуман маданият, шу жумладан тарих илмига ҳам тўла тадбиқ этса бўлади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Алишер Навоий яратган насрый асарлар бўлиб, уларни кейинча Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Дарвиш Муҳаммад Бухорий, Абулғозий Баҳодирхон, Мунис, Огаҳий, Баёний ва бошқалар давом эттирилар.

10.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. XV асрнинг иккинчи ярми.-Тошкент, 1972.
2. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Матнни нашрга тайёрловчи Л.Халилов.-Тошкент: Фан, 2000. 97-194-бетлар.

3. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. Тарихи мулукки Ажам. Нашрга тайёрловчи Л.Халилов.-Тошкент: Фан, 2000. 196-257-бетлар.
4. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн бешинчи том. Ҳамсат ул-мутаҳайирин. П.Шамсиев матни асосида таржима ва изоҳларни тўлдириб, нашрга тайёрловчи С.Фаниева.-Тошкент: Фан, 1999. 5-85-бетлар.
5. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн бешинчи том. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. П.Шамсиев матни асосида таржима ва изоҳларни тўлдириб, нашрга тайёрловчи С.Фаниева.-Тошкент: Фан, 1999. 87-120-бетлар.
6. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн бешинчи том. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. П.Шамсиев матни асосида таржима ва изоҳларни тўлдириб, нашрга тайёрловчи С.Фаниева.-Тошкент: Фан, 1999. 103-120-бетлар.
7. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн тўртингчи том. Маҳбуб ул-қулуб. Матнни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Фаниева.-Тошкент: Фан, 1998. 5-130-бетлар.
8. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар С.Фаниева, М.Мирзаҳмедова.-Тошкент: Фан, 2001.
9. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн тўртингчи том. Вақфия. Муқаддима матнини тайёрловчи И.Шамсимуҳаммедов. Матнни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Фаниева.-Тошкент: Фан, 1998. 232-270-бетлар.
10. Subtelny M.E. The vaqfia of Mir Alisher Nava’I as apologia|| Journal Turkish Studies. V.15. Department of Eastern languages and civilizations. Harvard University. 1991.
11. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн тўртингчи том. Муншашт. Матнни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи С.Фаниева ва Қ.Эргашев.-Тошкент: Фан, 1998. 131-229-бетлар.
12. Письма-автографы Абдурахмана Джами из «Альбома Навоий»/ Предисл. Перевод и комм. А.У.Урунбаева.-Ташкент: Фан, 1982.

10.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Алишер Навоийнинг тарихга оид қайси асарларини биласиз?
2. «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари нимага бағишланган?
3. «Тарихи мулукки Ажам» асарида қайси сулолалар ҳақида сўз боради?
4. «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» асари кимга бағишланган?

5. «Ҳолот Сайид Ҳасан Ардашер» асари ким тұғрисида?
6. «Ҳолот Паҳлавон Мұхаммад» асари мазмунини сүзлаб беринг?

11-мавзу. XVI-XIX аср биринчи ярмига оид форс тилидаги манбалар

Дарснинг мазмуні: XVI-XIX аср биринчи ярмида яратылған форс тилидаги манбалар таҳлил этилади.

Режа:

- 11.1. Мұхим ижтимоий сиёсий воқеалар.
- 11.2. Форс тилидаги манбалар.
- 11.3. Фойдаланилған адабиётлар рўйхати.
- 11.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: манбалар, аштархонийлар, манғитлар, минглар, Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги, Хива хонлиги.

11.1. Мұхим ижтимоий–сиёсий воқеалар

XV асрнинг 80-90- йилларида кучайиб кеттган тарқоқлик, хусусан Тошкент, Фарғона ва Ҳисорнинг марқазий ҳукуматта итоат құлмай қўйиши, айрим амирларнинг сиёсий нуфузи ўта кучайиб кетиши ва ёш Темурийларнинг тожу таҳт учун курашлар давлатнинг инқизорини тезлаштириди.

1500 йили Мұхаммад Шайбонийхон (1500-1510) Даشت қипчоқ ўзбекларига таянған ҳолда Мовароуннаҳр, Хоразм, Ҳурросон ва Бадаҳшонни бўйсундириб, янги сулола – Шайбонийлар давлатига (1500-1601) асос солди. Лекин, Шайбонийлар маълум даражада иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳада тараққиётга эришган бўлсалар-да, лекин улар ҳам маҳаллий йирик ер-сув эгаларининг айримачилик ҳаракатига барҳам бера олмадилар.

Шайбонийхон ҳалокатидан (1510 й. 10 декабр) сўнг узоқ вақт давомида мамлакатда парокандалик ва тарқоқлик ҳукм сурди.

Убайдуллахон вафотидан (1539) кейин эса Мовароуннаҳрда қўш ҳокимиятчилик бошланди: Самарқандда Абдуллатиф Султон, Бухорода Абдулазиз Султон хон қилиб кўтарилилар (1540-1550).

1551-1556 йиллари эса мамлакат тожу таҳт даъвогарлари Наврўз Аҳмадхон, Бурхон Султон, Абдуллахон соний ўргасида уруш майдонига айланди.

Абдуллахон соний 1557 йили Бухорони эгаллади ва узоқ давом этган урушлардан (1557-1582) сўнг Мовароуннаҳрни бирлаштириши,

Тошкент ва Туркистонни бўйсундирди, 1584 йили Бадаҳшон билан Кўлобни, 1588 йили Ҳиротни эгаллади. У давлатни марказлаштириди, лекин унинг вафотидан (1598 й. 8 феврал) кейин айрмачилик ҳаракати авж олди. Унинг ўғли ва тахт вориси Абдулмўминнинг ҳукмронлиги олти ойдан (1598 й. феврал-июл) нарига ўтмади. Ундан кейин хон кўтарилган Мирмуҳаммад соний (1598-1601) эса номигагина хон ҳисобланаб, аслида ҳокимият нуфузли катта ер эгалари қўлига ўтиб қолди. Бу вақтда қозоқ хонлари ва сultonларининг Мовароуннаҳр устига босқинчилик юришлари кучайди. Улар 1599 ва 1600 йиллари Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Миёнқолгача бостириб кириб, ўтроқ аҳолини талонтарож қилдилар. Жанубдан эса Эрон ҳукмдорлари юртимизга таҳдид сола бошладилар.

Мана шундай бир шароитда мовароуннаҳрлик йирик ер-сув эгалари руҳонийлар ва зодагонлар билан тил бириктириб, Жўжихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темур наслидан бўлган Ёрмуҳаммадхонни тахтга ўтқиздилар. Янги сулола тарихда Аштархонийлар (1601-1785) номи билан машҳур⁴¹

Бу даврда мамлакатда тарқоқлик янада кучайди. Даشت қипчоқликлар, асосан қозоқ хонлари ва қалмоқлар, Хоразм ҳукмдорлари Абулғозихон ва Анушахон Мовароуннаҳрга тез-тез бостириб кириб, унинг Чоржўй, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари ва қишлоқларини талон-тарож қила бошладилар.

Эрон ва Шимолий Ҳиндистон ҳукмдорлари Бобурийларнинг Бухоро хонлиги ички ишларига аралашуви кучайди. Мамлакатдаги беқарорлик Убайдуллахон соний (1702-1711) ҳукмронлиги йилларида жуда кучайди. Улус ҳукмдорлари, Балхдаги Маҳмудбий қатағон марказий ҳукуатга бўйсунмай қўйдилар. Самарқанд ва Ҳисор вилоятларида юз қабиласи, Шаҳрисабз ва Қаршида кенагас ва манғит қабилалари хонга қарши исён кўтардилар. Убайдуллахон соний ўрнига хон кўтарилган Абулфайз (1711-1747) номигагина хон бўлиб, ҳокимият бир гуруҳ йирик бойлар қўлига ўтиб қолди.

Эрон подшоҳи Нодиршоҳ (1736-1747) Мовароуннаҳрдаги парокандалик ва беқарорликдан фойдаланиб, 1740 йилнинг кузида Бухоро хонлигини ўзига бўйсундирди. Шундан кейин ҳокимият, асосан Нодиршоҳ тарафдори, манғит қабиласидан чиқсан нуфузли, катта ер эгаси Муҳаммад Раҳимбий қўлига ўтди. Абулфайзхон ўлдирилганидан кейин тахтга ўтқизилган Абдулмўмин (1747-1751) ва Убайдуллахон соний (1751-1753) номигагина хон бўлиб, давлатнинг муҳим ишларини Муҳаммад Раҳимбий бошқарган.

⁴¹ Асли Ҳожи тархон (Астрахон)лик бўлганлари учун сулола шундай аталған.

1753 йилнинг 16 декабрида Муҳаммад Раҳимбий хон бўлди. Шу кундан бошлаб Бухоро ҳонлигига ҳокимият Манғитлар сулоласи қўлида бўлиб, улар 1920 йилнинг сентябр ойигача хукмронлик қилган.

1709 йили марказий ҳукуматнинг заифлиги туфайли Фарронга водийсида Қўкон ҳонлиги (1709-1876) ташкил топди.

XVIII-XIX асрда юртимиз ҳудудида Бухоро амирлиги, Хева ва Қўқон ҳонлиги мавжуд бўлиб, Россия аста-секин бу ҳудудга сиқилиб келиб, ўз мустамлакасини ўрнатди.

11.2. Форс тилидаги манбалар

11.2.1. Фатҳнома

“Фатҳнома” номли тарихий мавзудаги шеърий достон муаллифи Мулла Шодийдир. Унинг ҳаёти ва илмий –адабий фаолиётiga оид маълумотлар жуда кам. Шайбонийхоннинг иниси Маҳмуд Султон хизматида бўлганлиги ва унинг топшириғи билан ўзининг “Фатҳнома” достонини ёзганлиги, уни 1502 йили тугатган бўлиб, айни шу даврда 55 ёшда бўлганлиги маълум, холос.

“Фатҳнома” тарихий достон бўлиб, унда Шайбонийхон таваллуд топган 1451 йилдан то Даشت қипчоқ ўзбеклари томонидан Самарқанднинг истило этилиши, сўнгги марта 1501 йил июн ойигача бўлган асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг ёритилган. Хоразм ва унинг Урганч, Вазир ва Адоқ сингари шаҳарлари, Даشت қипчоқнинг аҳолиси, хусусан манғитларнинг туриш-турмуши, шунингдек, Шайбонийхон аскарларининг Туркистон, Андижон, Бухоро, Дабусия ва Қарши вилоятларини ишғол қилганларни ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Асар ҳозирча биронта тилга таржима қилинмаган. Унинг қўлёзма нусхалари кўпгина мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланади. Россия ва МДҲ мамлакатларида “Фатҳнома” достонининг бешта қўлёзмаси мавжуд. Булардан иккитаси Санкт-Петербург Давлат университети кутубхонасида, иккитаси Душанбеда ва биттаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида (Инв. № 5369) сақланади. Тошкентдаги қўлёзма жуда қимматли бўлиб, XVI асрда кўчирилган ва унда турли мавзудаги 9 та ажойиб миниатюра билан безатилган.

11.2.2. Шайбонийнома

“Шайбонийнома” форс тилида битилган шеърий достон бўлиб, унинг муаллифи шоир ва тарихнавис олим Камолиддин Биноийдир (1453-1512). Унинг асли исми Али ибн Муҳаммад ал-Ҳаравий. Кўпроқ Камолиддин Биноий номи билан машҳур. Ҳиротда кўзга кўринган меъмор устод Му-

ҳаммадхон Сабз оиласида дунёга келган. Ёшлик пайтлари оғир шароитда, Шоҳруҳ Мирзо вафотидан кейин мамлакатда кучайиб кетган тожу таҳт учун кураш ва ўзаро урушлар шароитида кечди.

Маълумки, 1458 йили Қора қўюнлулар сулоласидан⁴² бўлган Жаҳоншоҳ (1438-1467) Хурсонга бостириб кирди ва Ҳиротни эгаллади. Лекин, орадан кўп вақт ўтмай, 1459 йили Темурийзода Султон Абу Сайд Мирзо қўшинларининг тазиёни остида пойтаҳт шаҳар ва мамлакатни бўшатиб чиқишига мажбур бўлди. Ўшанда Жаҳоншоҳ юз нафар ҳунарманд оилани ўзи билан бирга Форс вилоятига олиб кетди. Булар орасида меъмор Муҳаммад Сабз ва унинг оиласи қарийб уч йил Шерозда истиқомат қилиб, 1461 йили яна Ҳиротга қайтиб келди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Камолуддин Биноий кенг маълумотли киши бўлиб, шеърият, иншо, илоҳиёт, мусиқа ва тарих илмларини чуқур билган. Бундан ташқари у меъморчилик санъатида ҳам ўз замонасининг пепшадамларидан ҳисобланган. Муҳаммад Сабз ва унинг ўғли иштирокида қурилган бинолар Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида жуда кўп бўлган. Масалан, 1481 йили ҳозирги Афронистоннинг Мозори шариф шаҳрида, эски номи Ҳожа ҳайрон, Али ибн Абу Толиб (656-661) мозори тепасига қурилган муҳташам мақбара ва бошқа бинолар шулар жумласидандир. Шоир ва олимнинг “Биноий” деб тахаллус танлаши ҳам мана шундандир.

Биноий орадан кўп вақт ўтмай Табризга келиб қолди ва 1492 йилга қадар Султон Яъқуб Оқ Қўюнлу (1478-1490) саройида хизмат қилди. 1492 йили у яна Ҳиротга қайтди. 1495 йили айрим сабабларга кўра, ўзининг сўзларига қараганда, баъзи ҳасадгўйларнинг иғвоси туфайли, Самарқандга кетиб қолди.

Биноий дастлаб хожа Убайдулла Аҳоронинг тўнғич ўғли ва сулукда вориси хожа Қутбuddин Яҳё, сўнг Захирiddин Бобур, ундан кейин 1501 йили то умрининг охиригача, Шайбонийхон ҳузурида унинг сарой шоири ва тарихчиси бўлиб хизмат қилди.

1507 йили Биноий Шайбонийхон билан бирга Ҳиротга келди ва 1510 йилгача она шаҳрида истиқомат қилди. 1511 йили шаҳарга И smoil Сафавий қўшинлари яқинлашиши билан, у яна Мовароунаҳрга кетиб қолди ва Қарши шаҳрида кун кечирди. Камолуддин Биноий 1512 йили Қарши мудофаачилари сафида туриб шаҳарни Сафавийлардан ҳимоя қилди ва ўша жангда ҳалок бўлди.

Камолиддин Биноий истеъодли шоир ва улкан тарихшунос олим сифатида тарихда қолди. У Марказий Осиё, Ўзбекистон ва Қозогистоннинг

⁴² Қора қўюнлу – 1380-1468 йиллари Ироқи Ажам ва Озарбайжонни идора қилган сулола, асосчиси Қора Муҳаммад Турмуш (1380-1389 йй.).

XV асрнинг сўнгти чораги ва XVI асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда алоҳида қийматга эга бўлган “Шайбонийнома” номли тарихий достонини ёзди.

Бинойнинг “Шайбонийнома” асари ҳам “Тавориҳи гузида, нусратнома” ва Мулла Шодийнинг “Фатҳнома” асалари билан бир режада ёзилган бўлиб, Шайбонийхон таваллудидан то Дағти қипчоқ ўзбеклари томонидан Мовароуннаҳр ва Хоразмни 1505 йили бўйсундирилишига қадар шу ҳудудда бўлиб ўтган тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Асар 1505-1507 йиллар орасида ёзилган.

“Шайбонийнома”да 1450-1505 йиллар орасида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар қисқа, лекин аниқ баён этилган. У муҳим географик, масалан, Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган Саброн, Сифноқ, Арқуқ, Ўтрор, Ясси, Ўзганд, Оққўрғон ва Хоразмга тобе шаҳарлардан Урганч, Вазир, Булдумсоз, Адоқ ва бошқа жойлар ҳақида ҳамда этнографик, масалан Дағти қипчоқлик ўзбек қабилалари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеи ҳақидағи далилларга бой асардир. Бундан ташқари, асарда Шайбоний амирлар ва аскарларининг фаолияти ҳақида муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

“Шайбонийнома” асари матни чоп этилмаган. Лекин, унинг қўлёзма нусхалари кўп тарқалган. Фақат ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалари хазинасида етти мўътабар нусха мавжуд. Булардан бири инв. № 844, энг қадимги бўлиб, Шайбонийхон ҳаёт чоғида унинг шахсий котиби Муҳаммад Мўмин тарафидан кўчиролган, айrim сатрлари эса Шайбонийхоннинг ўз қўли билан кўчирилган. Яна бир эътиборли қўлёзма рақами № 3422 бўлиб, ушбу асарнинг хоразмлик машҳур тарихчи ва таржимон Муҳаммад Юсуф Баёний (1858-1923) томонидан қилинган ўзбекча таржимасидир. Китобдан айrim парчалар рус тилидаги мажмуаларда эълон қилинган.

11.2.3. Меҳмонномайи Бухоро

“Меҳмонномайи Бухоро” номли нафақат Ўзбекистон ва Қозогистон, балки Марказий Осиёнинг XV аср II ярми – XVI аср бошларидаги воқеалар баёни мавжуд қимматли тарихий асар ижодкори Фазлуллоҳ ибн Рузбехондир. Унинг тўлиқ исми Фазлуллоҳ ибн Рузбехон ал-Исфаҳоний бўлиб, кўпинча хожа Мулло номи билан машҳур бўлган. Рузбехон 1457 йили Форс вилоятининг Хуњки қишлоғида таваллуд топган. Отаси Жалолуддин Рузбехон йирик илоҳиёт ва фиқҳ олими, мансабдор бўлган.

Фазлуллоҳ ибн Рузбехон асосий маълумотни Исфаҳон мактаблари ва мадрасаларидан бирида олди, сўнг билимини янада кенгайтириш ва чуқурлаптириш мақсадида икки марта 1474 ва 1482 йиллари Арабистонга

борди ва йирик илоҳиёт олими шайх Жамолуддин Ардастоний (1474 йили вафот этган) ҳамда мисрлик машҳур тарихшунос ва тилшунос олим Шамсуддин Муҳаммад ас-Сақавий (1427-1497)дан таълим олди.

Хуллас, Фазлуллоҳ ибн Рузбехон ўрта аср фанининг бирмунча соҳаларини, хусусан, илоҳиёт, фиқҳ, фалсафа, тарих ва Шарқ адабиётини кенг ва чуқур эгаллаган олим бўлиб етишган. Бу ҳол унинг Султон Яъқуб Оқкуюнлу (1479-1490), Султон Ҳусайн Мирзо (1470-1506), Шайбонийхон, ва, ниҳоят Убайдуллахон саройида зўр эътибор қозонди ва хизмат қилди. Бунда ташқари ва энг муҳими, у бир неча фан соҳаларида йирик асарлар ёзиб қолдирди.

Фазлуллоҳ ибн Рузбехон “Ҳалли тажаррид” (“Абстракциянинг ҳал этилиши”), “Таълиқот бар мухолот” (“Ақлга сифмайдиган (нарсалар)нинг изоҳи”), “Бадиъ уз-замон фи қиссайи Хайй ибн Яқзон” (“Хайй ибн Яқзон” қиссасида замон бадиалари”), “Тарихи оламоройи Аминий” (“Аминийнинг оламга безак бўлувчи тарихи”), “Ибтол нажҳ ал-ботил ва ахмол кашф ал-оътил” (“Нотўғри йўлдан воз кечиш ва бидъатни инкор этиш”), “Сулук ал-мулук” (“Подшоҳларнинг хулқ-атвори ҳақида (рисола)”) ва “Меҳмонномайи Бухоро” номли асарларни яратган.

1509 йили яратилган “Меҳмонномайи Бухоро” асари Муҳаммад Шайбонийхоннинг 1508-1509 йил қиши ойларида қозоқ султонлари Жониш Султон, Аҳмад Султон ва бошқаларнинг улуси устига уюштирган ҳарбий юриши тарихини баён этади. Бу юриш Фазлуллоҳ ибн Рузбехон келтирган маълумотларга қараганда, мазкур султонларнинг 1508 йилнинг кузида ва 1508-1509 йилнинг қиши ойларида Мовароуннаҳрнинг ўтроқ туманлари устига қилган талончилик хуружларига жавобан уюштирилган. Фазлуллоҳ ибн Рузбехон бу юришда шахсан иштирок этган, юз берган воқеаларнинг кўпчилигини ўз кўзи билан кўрган, баъзиларини эса хон ва унинг яқин кишиларидан эшитган. Асар XV асрнинг иккинчи ярмига оид, шунингдек, ўзбек ва қозоқ хон ва султонларининг келиб чиқиши ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги воқеалар эса Шайбонийхоннинг қўлида бўлган “Насабнома” ёки “Тарихи Ҳумоюн” деб аталувчи китоб асосида ёзилган.

“Меҳмонномайи Бухоро” асарининг кўлёзма нусхалари кам. Ҳозиргача дунёда унинг фақат иккита нусхаси борлиги аниқланган. Улардан бири муаллиф дастхати бўлиб, ЎзРФА Шарқшунослик институтида 1414 тартиб рақами остида сақланмоқда. Иккинчиси Туркияда, “Нури Усмония” кутубхонасига қарашлидир (Тартиб рақами 3431). Ушбу қўлёзма асосида асар матнини эрон олими Манучеҳр Сетуде 1962 йили чоп этган. Русча қисқартирилган таржимасини Р.П.Жалилова фото матни билан Москвада 1976 йили нашр этган.

Асарнинг биз учун қиммати шундаки, унда Дашиби қипчоқ, Туркистон ва қозоқ улуси географик ҳолати, ўзбек ва қозоқларнинг келиб чиқиши, уларнинг этник таркиби, турмуши, урф-одати, шунингдек, бойларнинг хўжалигида қул меҳнатидан фойдаланиш ҳоллари ҳақида бениҳоят қимматли маълумотлар учрайди.

Унда Шайбонийхоннинг қозоқлар устига юришини ғайридинлар устига юриш деб оқлашга ҳаракат қилинган.

11.2.4. Ҳабиб ус-сияр

“Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар” (“Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли”) номли машҳур тарихий асар муаллифи Фиёсиддин Хондамирdir (1475-1535). Унинг тўлиқ исми Фиёсиддин Муҳаммад ибн хожа Бурхониддинdir. Отаси хожа Ҳумомиддин Муҳаммад Темурийлардан Султон Маҳмуд Мирзо (1459-1494 йиллари Чагониён, Ҳутталон, Қундуз, Бағлон ва Бадаҳшон ҳокими)нинг вазири бўлган. Она тарафидан тарихчи Муҳаммад Мирхонд набирасидир.

Хондамир 15-16 ёшдалиги чорида Алишер Навоийнинг эътиборини қозонади ва унинг кутубхонасига хизматга қабул қилинади. У то Навоий вафотига қадар, яъни 1501 йил 3 январигача хизматда бўлди ва бой кутубхонасига мутасаддилик қилди. Хондамир ўзининг кенг ва чуқур маълумотлилиги, илм-фанга чанқоқлиги ва салоҳияти билан кўпларнинг таҳсинига сазовор бўлди. У ҳақда Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида мана буларни ўқиймиз: “Мавлоно Хондамир Мирхондинг фарзандидир ва салоҳиятли йигитдир. Тарих илмида маҳорати бордир...”⁴³

Алишер Навоий вафот этгандан кейин Хондамир мамлакатда кучайиб кетган ўзаро кураш, айниқса саройда авжига минган фиску фужурлар оқибатида Балхга кетиб қолди ва Бадиъуззамон мирзо (1496-1506 йиллари Балх ҳокими, 1517 йилда вафот этган)нинг шахсий котиби сифатида хизматига кирди. 1507 йили Ҳирот Шайбонийхон томонидан ишғол этилгандан кейин, у Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳузурига кетиб қолди. 1512 йили Бобур Мовароуннаҳрдан сиқиб чиқарилгач, Хондамир Гаржистонга борди ва то 1514 йилгача Пашт қишлоғида истиқомат қилди. У, асосан илмий фаолият билан машғул бўлди.

1514-1517 йиллари Хондамир Балх учун кураш олиб борган Бадиъуззамон мирзонинг ўғли Муҳаммад Замон билан бирга бўлиб, унинг котиби сифатида хизмат қилди. Муҳаммад Замон Сафавийлардан енгилгач, Хондамир яна Гаржистонга қайтиб борди ва илмий фаолиятини давом эттирди.

⁴³ Алишер Навоий. Асарлар. 12-жилд.-Тошкент, 1966.-125-бет.

1521 йили Хондамир вазир Ҳабибулло Соважийининг таклифи билан Ҳиротга қайтиб борди ва унинг тоғширири билан ўзининг йирик тарихий асари “Ҳабиб ус-сияр”ни ёзишга киришди. Орадан олти йил ўтгач, 1527 йилнинг июл ойида Хондамир Ҳиротни тарк этди ва бу сафар Ҳиндистонга кетиб қолди. Қишини у Қандаҳорда кечирди ва 1528 йилнинг 17 сентябринда Аграга келиб тушди ва Бобур хизматига қабул қилинди. Бобур вафотидан сўнг унинг тўнрич ўғли ва таҳт вориси Ҳумоюн (1530-1542, иккинчи марта 1555-1556) билан бирга бўлди. Тарихчи Деҳлида вафот этди ва васиятига кўра машҳур Низомуддин Авлиё мозорида Амир Ҳусрав ёнига дағн этилди.

Хондамир сермаҳсул олим эди. Мовароуннаҳр, Туркистон, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалқлари тарихи ва маданиятига оид ўнга яқин асар ёзиб қолдирган. “Хулосат ул-ахбор” (“Ҳабарлар хулосаси”), “Маосир ул-мулук” (“Подшоҳлар асрдошлари”), “Номайи номий” (“Атоқли мактублар”), “Макорим ул-ахлоқ” (“Олижаноб ҳулқлар”), “Дастур ул-вузаро” (“Вазирларга қўлланмана”), “Қонуни Ҳумоюни” (“Ҳумоюн қонунлари”) ва “Ҳабиб ус-сияр” шулар жумласидандир.

Хондамирнинг илмий меросида “Ҳабиб ус-сияр” номли йирик тарихий асари алоҳида ўрин тутади ва Мовароуннаҳр ҳамда Ҳурросоннинг XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва қимматли манбалардан бири бўлиб хизмат қиласиди. Асар 1521-1524 йиллар орасида ёзилган. Лекин, олим Ҳиндистонда турган йиллари ҳам асари устида мунтазам иш олиб борди, уни янги далиллар билан бойитди, таҳрир қилди. Китоб тўла равишда 1529 йили ёзиб тамомланди.

“Ҳабиб ус-сияр” умумий тарих йўналишидаги асар бўлиб, муқаддис (ифтигоҳ), хотима (иҳтитом) ва уч жилд (мужаллад)дан иборат. Ўз навбатида ҳар бир жилд тўрт қисм (жуз)га бўлинади. Асарнинг I-II жилдлари ҳамда III жилднинг 1-2- қисми, жузлари Туркистон хонлари, Чингизхон ва унинг Мўгулистон, Даشتги қыпчоқ, Мовароуннаҳр ва Эронда ҳукмронлик қилган авлоди, Мамлюклар⁴⁴, Кирмон Қорахитойлари, Картлар ва Ҳурросон сарбадорлари тарихини ўз ичига олади. III жилднинг 3- ва 4- қисмлари, жузлари эса янги бўлиб, Ҳурросон ва Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг 90- йилларидан то 1524 йилгacha бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволини чукур ва атрофлича баён этади.

“Ҳабиб ус-сияр” асарида катта ер эгалиги, иқтисодий аҳвол, тинимизиз урушлар туфайли вужудга келган шароит тўғрисида айрим, диққатга

⁴⁴ Мамлюклар – турк ва черкас қулларидан чиққан сулола, 922-1217 йиллари Мисрни идора қилган.

сазовор далиллар ва маълумотларни учратамиз. Масалан, асарда ўз акси-ни топган 1498 йилги Самарқанд қамали пайтидаги шаҳар халқининг аян-чили аҳволи, 1512 йилги Сафавийлар томонидан Қарши шаҳрида уюшти-рилган қирғин-қатли ом, 1514, 1515 йиллари хуросонда юз берган қаҳат-чилик ва очлик ҳақидаги маълумотлар ана шулар жумласидандир.

Хондамирнинг ушбу асарида муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид, ер эгалиги, тархонлар, суюрғол эгалари ва уларнинг жамиятда туттган мавқеи, Темурийлар давлатининг маъмурий тузулиши ҳақида қим-матли маълумотлар бор. Шунингдек, асар этнографик ва географик маъ-лумотларга ҳам бойдир.

“Ҳабиб ус-сияр” асарининг қўлёзма нусхалари кўп. Асарнинг матни 1857 йили Бомбай шаҳрида ва 1954 йили Төхронда чоп қилинган. Ундан айрим парчалар рус, француз ва инглиз тилларида турли тўпламларда зълон қилинган. Хондамир ижодини Ўзбекистонда Б. Аҳмедов, Д. Юсу-пова, М. Аҳмедов ва бошқалар тадқиқ этганлар.

11.2.5. Тарихи Рашидий

“Тарихи Рашидий” (1544-1546 йилларда Кашмирда ёзилган) номли машҳур асар муаллифи Бобурнинг кичик холаваччаси Мирзо Муҳам-мад Ҳайдар бўлиб, унинг ота-боболари Ўртубу, Пўлодчи, Худойдор, Саид Аҳмад, Сонсиз Мирзо, Муҳаммад Ҳайдар, Муҳаммад Ҳусайн турклашган мўғул уруғларидан дуғлот (мўғулча “доролот”-чўлоқ) қаби-ласига мансубдир. Улар Мўғулистан хонлари, Чифатойлар даврида улусбеги, Кошғар ҳокими лавозимида турганлар. Олимнинг отаси амир Муҳаммад Ҳусайн бир вақтлар Андиконда Умаршайх Мирзо, сўнгра Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон (1487-1508) хизматида бўлган. У 1495-1503 йилларда ана шу Султон Маҳмудхон номидан Ўратепа-ни идора қилган.

1503 йили Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхон Аҳси атрофида Шайбонийхон қўшинлари томонидан тор-мор келтирилгани ва асир олин-ганини эшишиб, амир Муҳаммад Ҳусайн Қоратегинга, ундан Қундуз, сўнг Ҳиротга, Султон Ҳусайн ҳузурига қочиб борди. Муҳаммад Ҳусайн кўп ўтмай Кобулга, Бобур Мирзо ҳузурига келди. 1507 йилги Бобурга қарши фитнада айбланиб, яна Ҳиротга қочиб борди. 1508 йили Шайбонийхон-нинг амри билан Муҳаммад Ҳусайн қатл этилган.

Муҳаммад Ҳайдар 1500 йилда Тошкентда туғилди. Отасининг ўлди-рилганидан кейин Муҳаммад Ҳусайнга содиқ кишилар уни бирмунча вақт Бухорода асрарилар, сўнг Бадахшонга олиб бориб қариндоши Султон Увайс Мирзонинг (Хон Мирзо деб аталган) қўлига топшириллар. Муҳам-мад Ҳайдар кейинча Кобулга келди ва Бобур хизматида 1512 йилгача

бўлди. 1512 йил кузида у Андижонга, Султон Саъидхон ҳузурига келди ва у билан қўшилиб Кошарарга кетиб қолди. Султон Саъидхон кўп ўтмай бу ерда Абубакр дуғлот устидан ғалаба қозонди ва Кошар ҳамда Ёркандини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Муҳаммад Ҳайдар 1533 йилгача, яъни Султон Саъидхон вафотига қадар, унинг хизматида бўлди. Дастрраб хонзода Абдурашидхонга тарбиячилик–оталик қилди, сўнг йирик ҳарбий бўлинмаларга қўмондонлик қилди ва хоннинг Бадахшон, Лодак, Кофиристон ва Тибет устига қилган ҳарбий юришларида фаол иштирок этди.

Отаси ўрнига таҳтга ўтирган Абдурашидхон (1533-1570) дуғлот амирларини таъқиб остига олди, уларнинг баъзиларини қатл этди. Буларнинг орасида Муҳаммад Ҳайдарнинг тоғаси Саид Муҳаммад мирзо ва қариндошларининг кўпчилиги бор эди. Тибетда бўлган Муҳаммад Ҳайдар бундан хабар топиб, Бадахшон тарафга қочди ва кўп машаққатлардан кейин Кобулга, Бобур Мирзонинг ўғилларидан Комрон Мирзо ҳузурига келди, сўнг у ердан Аграга, Ҳумоюн подшоҳ ҳузурига борди ва унинг хизматига кирди.

Муҳаммад Ҳайдар 1541 йили, Ҳумоюннинг ҳарбий ёрдами билан Кашмирни бўйсундирди ва у ерда қарийб 10 йил ҳукмронлик қилди. У 1551 йили тоғлик қабилаларнинг бири билан бўлган тўқнашув пайтида ҳалок бўлди.

Муҳаммад Ҳайдар замонасининг ўқимишли ва кенг маълумотли кишиларидан эди. Бобурнинг гувоҳлик беришига қараганда, у дурустгина шоир, хаттот, рассом, шунингдек, найза ва камон ясовчи уста бўлган. Муҳаммад Ҳайдарнинг бизнинг замонамизгача икки йирик асари етиб келган. Булардан бири “Жаҳоннома” деб аталиб, эртак тарзида ёзилган. Унинг ягона қўлёзмаси Германиянинг Берлин шаҳри кутубхоналаридан бирида сақланмоқда.

Олимнинг искинчи йирик ва машҳур асари “Тарихи Рашидий” дир. Китоб икки қисм, дафтардан иборат бўлиб, биринчи қисмида Мўғулистон халқларининг тарихи Туғлуқ Темур (1348-1363)дан то Абдурашидхоннинг таҳтга ўтиргуни (1533 й.)гача бўлган даврни ўз ичига олади.

Асарнинг биринчи дафтари турли нақл-ривоятлар, шунингдек, Ёкут Ҳамавийнинг “Мўъжам ул-булдан”, Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой”, Рашидуддиннинг “Жомеъ ут-таворих”, Жамол Қаршийнинг “Муллақот ус-суроҳ”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Мирзо Улугбекнинг “Тарихи арбаъ улус” ва ниҳоят, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-саъдайн” китобларидағи маълумотлар асосида ёзилган. Лекин, унда ҳам Марказий Осиёнинг XIV-XV асрлардаги ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янги, асл нусхада бўладиган маълумотлар кўп. Қолаверса,

биринчи дафтар Кошгар, Қозогистон, шунингдек, Мовароуннахр ва Туркестоннинг XIV-XVI аср бошларидағи сиёсий тарихини мукаммал қамраб олиши билан құмматлидир.

Иккінчи дафтар бириңисидан кескин фарқылы үлароқ, эсдалик, хотиралар тарзида ёзилған бўлиб, Кошгар, Мовароуннахр, Афронистон ҳамда Шимолий Ҳиндистоннинг XVI асрнинг бириңчи ярмидаги тарихини ўрганишда асосий ва құмматли манбалардан ҳисобланади.

Мұхаммад Ҳайдар ва унинг “Тарихи Рашидий” асари ўтган асрнинг ўрталаридан бери илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини жалб этиб келади. Унинг айрим қисмлари уйғур, ўзбек ва рус тилларига таржима қилинганды. Асарнинг қисқартирилған инглизча таржимаси бўлиб, 1895 йили Лондонда нашрдан чиққан. Тўлиқ русча таржимаси сўз боши ва зарур изоҳлар билан, 1996 йили Тошкентда чоп этилган.

“Тарихи Рашидий” асарининг қўлёзмалари Санкт-Петербург, Тошкент, шунингдек, кўпгина хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда.

11.2.6. Аҳсан ут-таворих

“Аҳсан ут-таворих” 12 жилдан иборат умумий тарих йўналишида яратилған йирик асар бўлиб, унинг муаллифи XVI асрда ўтган эрон тарихчиси Ҳасанбек Румлудир. Тарихчи йирик ҳарбий саркарда оиласига мансуб бўлиб, бобоси Амир Султон (1539-1540 йили вафот этган) ўз вақтида Қазвин ҳамда Соужбулоқ ҳокими бўлган. Ҳасанбек 1530-1531 йиллари Қум шаҳрида туғилған, яхши ўқиб таълим олган ва 1541-1542 йилдан бошлаб отаси билан бирга қурчи бўлиб шоҳ Тахмосиб (1524-1576)нинг ҳарбий юришларида қатнашган ва асарида ёзилған воқеаларнинг кўпларини ўз кўзи билан кўрган.

XII жилдли “Аҳсан ут-таворих” асарининг фақат XI-XII жиллари сақланиб қолган бўлиб, уларда 1405-1577 йиллар орасида Эронда, шунингдек, Мовароуннахр, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон ва Гуржистонда бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар йилма-йил баён этилган. Асарнинг 12-жилди бутунлай янги ҳисобланади ва у асосан Эроннинг 1495-1577 йиллардаги сиёсий тарихини ўз ичига олади. Асар 1572-1577 йилларда ёзиб тутатилган.

Ҳасанбек Румлунинг асарида Сафавийлар сулоласига мансуб шоҳлар таърифланади, уларнинг фаолияти ва босқинчилик урушлари бир томонлама ёритилади. Асарда 1495-1577 йиллар орасида қўшни мамлакатлар, шунингдек, Ўрга Осиё хонликлари, Бухоро, Хива билан бўлган сиёсий муносабатларига оид құмматли маълумотлар кўп. Бобур билан шоҳ Исмоил ўртасида Шайбонийларга қарши тузилған ҳарбий-сиёсий иттифоқ,

Шайбонийлар билан Эрон шоҳлари ўртасидаги Хурросон учун узоқ йиллар давом этган куролли кураш ва унинг оқибатлари, Хоразмнинг XVI асрнинг биринчى ярмидағи ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақидағи маълумотлар ана шулар жумласидандир.

“Аҳсан ут-таворих”дан айрим парчалар рус ва грузин ва немис тилларига ўтирилиб, түпламларда чоп этилган. Форсча матни, инглизча таржимаси билан бирга, 1931 ва 1934 йилларда Ч.Н.Седдон тарафидан Ҳиндистоннинг Барода шаҳрида чоп қилинган.

11.2.7. Абдулланома

“Абдулланома” ёки “Шарафномайи шоҳий” асарининг ижодкори XVI асрда яшаб ўтган бухоролик шоир ва иирик тарихчи олим Ҳофиз Таниш Бухорийдир. У 1549 йили Бухорий шарифда нуфузли мансабдор хона-донида дунёга келган. Отаси Мир Мұҳаммад ал-Бухорий Бухоронинг кўзга кўринган боёнларидан бўлиб, шайбоний Убайдуллахоннинг яқин кишиларидан бўлган, 1550 йилнинг бошларида Кошғарга кетиб қолган ва орадан икки йил чамаси вақт ўтгач, ўша юртда вафот этган.

Ҳофиз Таниш Бухорий ўз даврининг чуқур ва кенг маълумотли кишиларидан бўлиб, 1584 йили Абдуллахон сонийнинг (1583-1598 йй.) яқин одами Қулбобо кўкалтошнинг тавсияси билан Абдуллахоннинг хизматига қабул қилинган ва унинг шахсий воқеанависи, тарихчиси вазифасига тайинланган. Ҳофиз Таниш Бухорий умрининг охиригача шу лавозимда ишлаган. Малеҳо Самарқандийнинг маълумотига кўра, Ҳофиз Таниш 1589 йили хотини тарафидан заҳарлаб ўлдирилган.

Ҳофиз Таниш ўзининг “Абдулланома” ёки “Шарафномайи шоҳий” асари билан ном чиқарган. Китобда Ўзбекистон, Қозогистон, шунингдек, қисман, Афғонистон ва Эроннинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён қилинади. Ундан ташқари, асарда Бухоро хонлиги билан Эрон, Ҳиндистон, Кошғар ва Россия ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор. Асар XVI асрнинг 80-йиллари охирида ёзib тамомланган. Ҳофиз Танишнинг замондоши шоир ва адабиётшунос олим Мутрибийнинг гувоҳлик беришига қараганда, асарнинг охирги қисмини, хоннинг топшириғи билан, қози Поянда Зоминий (1602 йили вафот этган) ёзган. Лекин, бу фикрни бошқа манбалар тасдиқламайди.

“Шарафномайи шоҳий” муаллифининг режасига кўра асар муқаддиси, икки қисм ёки мақола ва хотимадан иборат қилиб ёзилиши мўлжалланган. Масалан, муқаддисма, одатдагидек Аллоҳнинг мадҳу саноси, ҳомий, олий ҳукмдор Абдуллахоннинг шаънига айтиладиган таърифу тавсиф, асарнинг ёзилиши тарихи, Абдуллахоннинг ота-боболари, қадимда Марказий Осиёда истиқомат қилган турк-мўғул қавмлари, Чингизхон ва унинг

авлоди ҳақида маълумот, биринчи мақолада Мовароуннаҳрда 1533-1583 йиллар орасида содир бўлган воқеалар, иккинчи мақолада эса Ўзбекистон, Қозогистон ва қўпши хорижий мамлакатларда 1583 йилдан кейин юз бериши мумкин бўлган воқеалар, хотимада эса Абдуллахоннинг олижаноб фазилатлари, унинг билан замондош бўлган шайхлар, олимлар, шоирлар, вазирлар ва амирлар, шунингдек, Абдуллахон замонида қурилган бинолар ҳақида маълумот бериши мўлжалланган. Лекин, асар ёзилиши жараёнида режа ўзгарган – биринчи ва иккинчи мақолалар кўшиб ёзилган, хотима эса муаллифнинг бевақт вафоти сабабли ёзилмай қолган.

Муаллиф асар муқаддимасини ёзишда Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”, шайхулислом Сафиуддин Абубакр Абдулло Балхийнинг “Фазоили Балх”, Истахрийнинг “Китоб масолик ул-мамолик”, Жувайнининг “Тарихи жаҳонкушой”, Рашидуддиннинг “Жомеъ ут-таворих”, Мирхондинг “Равзат ус-сафо”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” ва Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарларида келтирилган маълумотлардан фойдаланган. XVI асрнинг 30-60- йиллари орасида юз берган воқеалар саройда мунтазам юритиб турладиган кундалик дафтар, содир бўлган муҳим сиёсий воқеаларнинг шоҳиди бўлган кекса кишиларнинг оғзаки ахборотлари асосида, 70-80-йиллар воқеалари эса муаллифнинг бўлиб ўтган воқеаларда шахсан ўзи қатнашиб тўплаган далилий маълумотлар асосида ёзилган.

“Шарафномайи шоҳий” асари қофияли наср, яъни саж – мураккаб бадиий услубда ёзилган. Унда шеърий парчалар Фирдавсий, Рудакий, Саъдий, Камолиддин Биноий, Мушфиқий ва муаллифнинг ўз шеърлари, “Куръони карим” оятлари, “Ҳадиси шариф”лардан парчалар ҳам кўп.

Китобда сиёсий воқеалар билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий мавзудаги маълумотлар, масалан, ер эгалигининг иқто, суюрғол, танҳоҳ каби шакллари, турли-туман солиқ ва жарималар, масалан, хирож, ихрожот, тафор, улуфа, қўналға, мадади лашкар, бож, томға, бегар; ўлжа ва унинг жамиятдаги ўрни, асири қулга айлантириш ҳоллари; Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва ҳунармандчиликнинг умумий аҳволи; Шайбонийлар давлатининг маъмурий тузулиши, Бухоро хонлиги билан Россия, Ҳиндистон ва Кошғар ўртасидаги муносабатлар ҳақида қимматли далил ва маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, асар этнографик, масалан, ўзбек халқи таркибига кирган уруғ ва қавмлар номлари ҳамда топографик маълумотлар, масалан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Термиз, Кўлоб, Балх каби йирик шаҳарлардаги диққатга сазовор бинолар, осори атиқалар, шунингдек, мазкур шаҳарларнинг географик ҳолати ва топографияси ҳақидаги ахборотларга ниҳоятда бойдир.

Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари кўп, асл матнининг учдан икки қисмини Санкт-Петербурглик олима М.Салоҳутдинова русча таржимаси билан чоп этган. Китоб 1942-1952 йиллари Содиқ Мирзаев ва охирги қисми Ю.Ҳакимжонов томонидан 60- йилларда ўзбек тилига таржима қилиниб, 1-2- жилдлари, зарур тузатишлар, тадқиқот ва изоҳлар билан 1966 ва 1969 йилларда Б.Аҳмедов томонидан чоп қилинган. 3-4- жилдлари босилмай қолган эди. 1995-1997 йилларда икки китоб ҳолида Б.Аҳмедов томонидан нашр этилди.

11.2.8. Акбарнома

“Акбарнома” ёки “Иқболнома” номли асар муаллифи Абулфазл Алломийдир. У XVI асрда Ҳиндистонда яшаган йирик тарихнавис олим ва давлат арбобидир. Олимнинг тўлиқ исми Абулфазл ибн Муборак бўлиб, билим доираси жуда кенг бўлгани учун Алломий, билимлар соҳиби деб аташганлар. У 1551 йил 14 январда Аграда туғилган. Отаси шайх Муборак ибн Хизр ўз даврининг машҳур илоҳиёт олимларидан ҳисобланган. Акаси Абулфайз йирик шоир ва олим бўлган.

Абулфазл Алломий 1574-1602 йиллари Бобурнинг набираси Жалолуддин Муҳаммад Акбар (1556-1605 йй.)нинг Бопи вазири бўлган ва Ҳиндистоннинг XVI асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган. 1602 йил 22 августда Декан субасидан қайтиб келаётганида шаҳзода Султон Салим, бўлгуси Жаҳонгир ёллаган қотил томонидан йўл устида ўлдирилган.

Абулфазл Алломийнинг асосий асари “Акбарнома” ёки “Иқболнома” Ҳиндистон ва Афғонистоннинг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихидан баҳс юритади. Маълум даражада “Вақоевъ” ёки “Бобурнома” асарини давоми сифатида яратилган бу улкан асар уч китобдан иборат. Биринчи китобда Акбарнинг туғилиши, ота-боболари – Бобур, Ҳумоюн, шунингдек Акбар подшоҳлигининг дастлабки 17 йил ичидаги бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар баён қилинади.

Иккинчи китоб Ҳиндистон ва қисман Шимолий Афғонистоннинг 1573-1601 йиллардаги тарихини ўз ичига олади.

Учинчи китобда Бобурийлар давлатининг тузилиши, Ҳиндистоннинг маъмурий таркиби, аҳолидан йигиладиган солиқ ҳамда жарималар ва уларнинг миқдори, ҳиндларнинг дини ва урф-одатлари каби масалаларга кенг ўрин берилган. Учинчи китоб мустақил мазмунга эга ва у “Ойини Акбари” (“Акбар қонунлари”) номи билан аталади.

“Акбарнома” асарнинг матни 1872-1877 йиллари, Г. Бевериж томонидан инглизчага қилинган таржимаси 1903-1921 йиллари Калкуттада чоп этилган.

“Акбарнома” Бобурийлар саройида мунтазам юритилган маҳсус кундалик дафтар, расмий давлат ҳужжатлари, шунингдек, бўлиб ўтган воқеаларнинг иштирокчилари бўлган, ёки ўша воқеаларни билган кишиларнинг оғзаки ахборотлари асосида ёзилган. Асарнинг ноёблиги ва аҳамияти ҳам шундандир.

Абулфазл Алломий асари Бобурийлар давлати ва Бухоро хонлиги ўртасидаги сиёсий ва маданий муносабатларни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

11.2.9. Мусаххир ал-билод

“Мусаххир ал-билод” (“Мамлакатларни бўйсундирувчи”) номли асарнинг муаллифи Муҳаммадёр ибн Араб Каттагондир. Унинг ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам. Ўзининг сўзларига қаранди, у XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII аср бошларида яшаб ўтган Шайбоний Абдуллахон соний ва Аштархонийлардан Боқи Муҳаммадхон (1603-1606)нинг хизматида бўлган.

Муҳаммад ибн Араб Каттагон ва унинг “Мусаххир ул-билод” асари яқин вақтларгача илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган, қолаверса асар ҳақида турлича, кўп ҳолларда бир-бирига зид фикрлар ҳукм суради. Масалан, К.Г.Залеман (1849-1916) “Мусаххир ул-билод”ни Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномайи шоҳий” асарининг қисқартирилган нусхаси, деб айтган⁴⁵ бўлса, инглиз шарқшуноси Ч.А.Стори ҳамда “Собрание восточных рукописей АН УзССР” кеталогини тузувчилиари уни “Тарихи Шайбоний” деб атаганлар⁴⁶. Яқинда Санкт-Петербурглик олимма М.А.Салоҳитдинова “Мусаххир ул-билод”ни мустақил асар эканлигини аниқлади ва асар ҳамда унинг муаллифи ҳақида қисқа илмий ахборот эълон қилди.

“Мусаххир ул-билод” Шайбонийлар сулоласининг Абулхайрхондан бошлаб шажараси баёни бўлиб, Ўзбекистон ва Қозогистоннинг XV-XVI асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим қўлланмалардан бири ҳисобланади. Асар 1610 йил атрофида ёзилган.

Китоб таркиби муқаддима ва олти бобдан иборат.

Биринчи боб Абулхайрхоннинг ўрли ва тахт вориси Шоҳ Булоғ Сulton, унинг ўғиллари Муҳаммад Шоҳбахт, Шайбонийхон ва Маҳмуд Сulton ҳамда уларнинг авлоди тарихини ўз ичига олади.

⁴⁵ Умняков И.И. “Абдулла-наме” Хафиза Таниша и ее исследователи/Записки колледжи востоковедов. У том.-Л., 1930. С. 322.

⁴⁶ Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. 2 часть. С.117; Собрание восточных рукописей АН УзССР.-Ташкент: 1 том.1952. С. 80.

Иккинчи бобда Кўчкунчихон (Кўчумхон) ва унинг Самарқандда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи баён этилган.

Учинчи бобда Суюнчожохон ва унинг Тошкент ҳамда Туркистонда ҳукмронлик қилган авлоди тарихи келтирилган.

Тўртингчи бобда хожа Муҳаммадхон ва унинг Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилган авлоди тарихи келтирилган.

Бешинчи боб Абдулмўминхоннинг тахтга ўтириши (1598) ва қисқа ҳукмронлиги ҳақида.

Олтинчи бобда Бухоронинг диққатга сазовор жойлари, муаллиф билан замондош бўлган ва Бухорода истиқомат қилган шайхлар, олимлар ва шоирлар ҳақида қисқача маълумот берилади.

“Мусаххир ул-билод” кам ўрганилган, қўлёзма нусхалари ҳам кам. Ҳозир унинг фақат икки қўлёзма маълум: бири ЎзР ФА Шарқшунослик институтида (Инв.№ 1505), иккинчиси Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида (Инв.№ С. 465) сакланмоқда. Афсуски, иккала нусха ҳам тўла эмас. Биринчи нусхада муқаддима ва биринчи бобнинг катта қисми етишмайди, иккинчи нусханинг эса энг керакли V-VI боблари йўқ.

Асарнинг I-IV бобларида XVI аср тарихига оид манбаларни, хусусан “Шарафномайи шоҳий” дек йирик асарларни ҳам маълум даражада тўлатувчи, уларда баён этилган воқеаларга аниқлик киритувчи қимматли маълумотлар кўп. Шайбонийхон томонидан 1507 йили ўтказилган пул ислоҳоти; Шайбонийлар ўртасида келишмовчиликлар ва ўзаро низолар, унинг сабаблари; Шайбонийлар билан қозоқ хонлари ўртасидаги сиёсий муносабатлар; ўша замонларда Сирдарё бўйида истиқомат қилган қорақалпоқлар ва уларнинг XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларидағи аҳволи; Тошкент, Туркистон, Сайрам, Андижон ва Ахсикет каби шаҳарларнинг XVI асрнинг сўнгти чорагидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

11.2.10. Ҳафт иқлим

“Ҳафт иқлим” (“Етти иқлим”) номли географик-биографик асарининг ижодкори машҳур адабиётшунос олим Амир Аҳмад Розийдир. У асли Эроннинг Рай шаҳридан, бадавлат ва ўқимишли хонадондан чиқкан.

Амир Аҳмад Розий ўз асарини 1594 йили тутатган бўлиб, унда VII асрдан то XVI аср охиригача етти иқлим мамлакатлари ва шаҳарларида истиқомат қилган 1560 нафар йирик шайх, олим, ёзувчи, шоир ва давлат арбоблари ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар беради. Муаллиф ўзигача бўлган даврга тегишли масаларни ёритища “Сувар ал-ақолим” (“Иқлимнинг кўриниши”), “Масолик ул-мамолик” (“Мамлакатлар ораси-

даги масофалар”), “Тарихи Банокатий” каби асарларга таянган, лекин улардан танқидий фойдаланган, уларни янги далиллар ва маълумотлар билан бойитган.

Шаҳарлар ва мамлакатларни тавсиф қилганда уларнинг географик ўрни, диққатта сазовор жойлари, осори атиқалари, халқи ва унинг ҳаёти, машғулоти ва урф-одатлари, баъзида аҳолисининг умумий сони, хўжалигига оид қимматли маълумотлар келтиради. Масадан, Чингизхон хуружидан аввал Балҳда 50 мингдан ортиқ одам истиқомат қилган, XV-XVI асрларда Тошкент атрофидаги тоғларда темир, фируза, оҳак конлари, Хўжандда фируза, Бадаҳшонда лаъл конлари ишлаб турган.

“Ҳафт иқлим”да Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлоди даврида Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Шарқий Туркистон, Кошғарнинг XVI аср иккинчи ярмидаги умумий аҳволи ҳақидаги зарур маълумотларни учратиш мумкин.

Асарда VII-XVI асрларда Ўзбекистон ва Хуросонда ўтган йирик олим ва шоирлар ҳақидаги маълумотлар ўта муҳимдир. Булар орасида “шоирлар подшоҳи” Рашидуддин Вотвот (1088-1182), “Олимлар фахри” Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (1074-1144), бухоролик буюк ҳадис олими Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870)лар бор.

“Ҳафт иқлим” асарининг қўлёзма нусхалари мумлакатимиизда ва хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида кўп, лекин ҳали тўлиқ нашр қилинмаган. Ундан тарихчилар ёрдамчи манба сифатида фойдаланиши мумкин.

11.2.11. Тарихи оламоройи Аббосий

“Тарихи оламоройи Аббосий” (“(Шоҳ) Аббоснинг оламни безовчи тарихи”) номли асар гарчи XVI асрда ўтган йирик Эрон тарихчиси Искандарбек Мунший томонидан яратилган бўлса-да, унда Ўзбекистоннинг тарихи ва унинг бошқа мамлакатлар билан муносабатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Искандарбек Мунший ўз асарида келтирган айрим далил ва маълумотларига қараганда, 1561 ёки 1562 йили туғилган. У сарой юмушига қабул қилингунга қадар кичик молия хизматчиси бўлиб ишлаган, кейинчалик девони иншога қабул қилинган. Бўлғуси тарихчи 1587 йили ҳарбий хизматга жалб этилган ва шоҳ Аббос Сафавий (1587-1629)нинг ҳарбий юришларида воқеанавис бўлиб иштирок этган, 1593 йили эса сарой муншийси ловозимига тайинланган ва умрининг охиригача шу лавозимда турган. Искандарбек Мунший 1634 йили вафот этган.

Искандарбек Муншийнинг “Тарихи оламоройи Аббосий” номли асарида Эроннинг 1588-1634 йиллар орасидаги тарихи хронологик, йилмайил тартибда баён қилинган. Бу асар ҳам “Акбарнома” сингари саройда юритилган кундалик дафтар, расмий ҳужжатлар, баён этилган воқеалар иштирокчиларининг оғзаки ахбороти ҳамда муаллифнинг шахсий кузатувлари билан тўпланган маълумотлар асосида ёзилган.

“Тарихи оламоройи Аббосий” асари таркиби муқаддима, уч жилд ва хотимадан иборат. Асарнинг I-II жиллари 1616, учинчи жилди эса 1628 йили ёзиб тамомланган.

Китобнинг биринчи жилди компиляция, умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Мир Яҳё Қазванийнинг “Лубб ат-таворих” (“Тарихлар мағзи”) ва муаллиф номаълум икки асар “Тарихи шоҳ Исмоил Сафавий” ва “Тазкирайи шоҳ Таҳмосиб” ҳамда бошқа асарларга таяниб ёзилган. Унда, асосан шоҳ Аббоснинг ота-боболари, шунингдек, шоҳ Исмоил аввал (1502-1524), шоҳ Таҳмосиб аввал (1524-1576), Исмоил соний (1576-1578) ва Султон Муҳаммад Худобанда (1578-1587) ҳукмронлиги йилларидағи тарихи умумий тарзда баён этилган.

“Тарихи оламоройи Аббосий” асарининг II-III жиллари мазмуни янги бўлиб, мустақил аҳамиятга эга. Уларда Эроннинг 1588-1628 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ёритиб берилган. Учинчи жилд охирида шоҳ Аббос билан замондош бўлган шайхлар, олимлар, шоирлар ва хаттотлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Асар Ўзбекистон тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамият касб этади. Унда Ўзбекистоннинг XVI аср охири ва XVII асрнинг биринчи чорагидаги сиёсий аҳволи ҳақида ноёб маълумотларни учратамиз. Бундан ташқари, асар XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг биринчи чорагида Эрон билан Бухоро хонлиги ўртасидаги сиёсий муносабатларни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

Асадар айрим парчалар Б.Дорн (матни) ва В.В.Вельяминов-Зернов томонидан матни ва қисқартирилган русча таржимаси нашр этилган. Китоб матни яна икки марта Төхронда 1896 йили тошбосма ва 1956 йили босмаси чоп этилган.

11.2.12. Баҳр ул-асрор

“Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр” (“Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақидаги сирлар денгизи”) номли асар муаллифи XVII асрда ўтган балхлик йирик қомусий олим Маҳмуд ибн Валидир. Унинг отаси Мир Муҳаммад Вали асли фарроналик, косонлик бўлиб, Шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон аввал (1546-1567 й.) даврида Балхга бориб қолган. У

ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, асосан фиқҳ илмида замона-сининг пешқадам кишилардан ҳисобланган. У Мир Хислат тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган.

Маҳмуд ибн Валининг амакиси Муҳаммад Поянда (1602 йили вафот этган) Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад (1603-1606 йиллари Бухоро хони) девонида хизмат қилган. Акаси амир Абулборий эса фиқҳ, тафсир ва тиб илмини яхши эгаллаган олим киши эди.

Маҳмуд ибн Вали 1596 йили туғилган. 19 ёшга борганда, яъни 1614 йили у йирик фиқҳ ва ҳадис олими Миракшоҳ Ҳусайнининг хизматига киради ва қарийб ўн йил ундан сабоқ олади. Миракшоҳ Ҳусайнининг бой кутубхонаси бўлиб, унда, Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда, тарих, география, мумтоз адабиёт, фиқҳ, ҳадис ва бошқа илмларга доир жуда кўп китоблар сақланар эди. Бу илмга чанқоқ ёш олим учун бебаҳо хазина бўлди, албатта. Кейинчалик Маҳмуд ибн Валининг ўзи кутубхонадаги кўп китобларни ўқиб фойда топганини айтади.

Миракшоҳ Ҳусайний вафот этган 1624 йил 13 апрел кунидан кейин Маҳмуд ибн Вали китобий илмини амалий билимлар билан бойитиши мақсадида бошқа мамлакатларга саёҳат қилишга қарор қилди ва бир йиллик тайёргарликдан кейин, 1625 йилнинг июл ойида савдо карвонига қўшилиб Ҳиндистон томон йўл олди. У Ҳиндистонда қарийб етти йил истиқомат қилди ва унинг Пешовар, Лоҳур, Деҳли, Агра, Ҳайдаробод, Вижаянагар, Калькутта, Биҳар каби қатор йирик шаҳар ва ўлкаларни бориб кўрди ва уларнинг аҳолиси, халқининг урф-одати, тарихи, маданияти, ва ниҳоят, осори атиқалари ҳақидаги қимматли маълумотлар тўплади.

1631 йил 20 августда Балхга қайтиб келгандан кейин Надр Муҳаммадхон (1606-1642 йиллари Балх, 1642-1645 йиллари Бухоро хони)нинг хизматига кирди ва то умрининг охиригача унинг кутубхонасида китобдор бўлиб хизмат қилди. Маҳмуд ибн Валининг қачон вафот этганлиги маълум эмас.

Маҳмуд ибн Вали фаннинг жуда кўп соҳаларини, тарих, география, илми нужум, маъданшунослик, ботаника ва бошқа соҳаларни қамраб олган “Баҳр ул-асрор фи маноқиб ул-аҳёр” ёки “Баҳр ул-асрор” номли ўта қимматли қомусий асарини яратди. Бундан ташқари у қатор илмий ва бадиий асарлар яратган бўлиб, улар бизгача етиб келмаган.

1634-1640 йиллар орасида ёзилган “Баҳр ул-асрор” асари мундарижасида кўрсатилишича, етти жилдан иборат бўлган. Унинг II-VII жилдлари жаҳон тарихига бағишлиланган бўлиб, Ўзбекистон ва у билан қўшни мамлакатларнинг қадим замонлардан то 1640 йилгача кечган тарихидан баҳс юритади. Асарнинг биринчи жилди илми нужум, география, маъданшунослик ва ботаника фанларига оид маълумотларни ўз ичига олади. Аф-

суски, бу муҳим ва қимматли асарнинг фақат I ва VI жилдларигина топилган, холос.

Асарнинг биринчи жилдида етти иқлим мамлакатларининг, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги шаҳар ва вилоятларининг географик ҳолати, ҳалқи ва унинг турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

“Баҳр ул-асрор”нинг VI жилди алоҳида қимматга эга. Унда XIII-XVII асрнинг биринчи ярмида Чиратой улуси, Ўрта Осиё, Мўгулистон ва Шимолий Афғонистон тарихи кенг ва атрофлича ёритилган.

Маҳмуд ибн Вали ва унинг мазкур асари илмий жамоатчиликка 1902 йилдан бери маълум бўлса-да, ҳали жуда кам ўрганилган. Ундан айрим парчаларнинг русча таржимаси В.В.Бартольд, Б.А.Аҳмедов ва К.А.Пишигулина томонидан зълон қилинган.

“Баҳр ул-асрор” асарининг олти нафар қўлёзмаси мавжуд. Уларнинг тўртгаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтига I жилд ва VI жилднинг 1-З қисмлари, иккитаси эса Англия ва Покистонда, VI жилднинг 4 қисми сақланмоқда.

11.2.13. Дастур ул-мулук

“Дастур ул-мулук” (“Подшоҳларга қўлланма”) номли қимматли асарнинг муаллифи XVII аср тарихчиси Хожа Самандар Термизийдир. Унинг ўз исми Муҳаммад Бақохожа бўлиб, асли Насаф(Қарши)лик, Мир Ҳайдарий тариқати шайхларидан бири оиласида дунёга келган.

Хожа Самандар Термизий Аштархонийлардан Абдулазизхон (1645-1681) ва Субхонқулихон (1681-1702) билан замондош бўлган. У 1702 йилгача Қаршида раислик лавозимида⁴⁷ турган, Абдулазизхон ва Субхонқулихоннинг ҳарбий юришларида иштирок этган. Охири ана шу Мир Ҳайдарий тариқати шайхларидан баъзиларининг иғвоси билан 1702 йили раислик лавозимидан истеъфога чиқишига мажбур бўлди ва умрининг охиригача, у 1735 йили ҳали ҳаёт бўлган, фақат илмий фаолият билан машғул бўлган.

Хожа Самандар Термизий ўз даврининг кенг маълумотли кишилари жумласидан бўлган. Ўша вақтларда ёзилган бир қатор китоблар, жумладан “Музаккири аҳбоб”, “Муҳит ат-таворих”нинг маълумотларига қаранганд, у етук шоир, ёзувчи ва тарихчи олим бўлган, илоҳиёт илмини ҳам яхши билган, кўп саёҳат қилиб, назарий билимини мустаҳкамлаган.

⁴⁷ Раис – XVII-XIX асрларда мусулмонлар томонидан шариат қўрсатмаларини қандай бажарилишини назорат қилиб турувчи мансабдор. X-XVI асрларда муҳтасиб деб аталган.

Бизнинг замонимизгача олимнинг икки муҳим асари етиб келган. Булардан бири “Дастур ул-мулук” бўлиб, у 1695 йили ва иккинчиси “Анис ул-фуқаро” (“Фақирлар дўсти”) номи билан машҳур бўлиб, 1735 йили ёзилган.

Ўзбекистон тарихини ўрганишда Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асари зўр қимматга эга. Асар Бухоро хонлигининг XVII асрнинг 70-90- йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволини, шунингдек, Бухоро билан Хива хонликлари ўртасидаги сиёсий муносабатларни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Асарда ўзаро қурашлар, олий мартағали мансабдордар орасида кенг тарқалган бузуқлик, порахўрлик, зулм ва меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. “Дастур ул-мулук” да ўзбекларнинг этник таркиби ҳақида ҳам муҳим далил ва маълумотларни учратамиз.

1971 йили “Дастур ул-мулук” асарининг форсий матнини, русча таржимаси, зарур изоҳлар билан М.А.Салоҳитдинова чоп этди. Асарнинг ўзбекча нашри 1997 йили Жаббор Эсонов томондан амалга оширилди.

11.2.14. Тарихи Муқимхоний

“Тарихи Муқимхоний” номли тарихий асар муаллифи XVII асрда ўтган йирик олим Муҳаммад Юсуф Муншийдир. Асарида келтирилган маълумотларга қараганда, асли балхлик бўлган ва Субхонқулихон (1651-1680 йиллари Балх, 1680-1702 йиллари Бухоро хони) ҳамда Муҳаммад Муқимхон (1697-1707 йиллари Балх хони) саройида мунший бўлиб хизмат қилган.

Муҳаммад Юсуф Мунший Муҳаммад Муқимхонга бағишлиланган “Тарихи Муқимхоний” номли асарини ёзган. Мазкур асар 1697-1704 йиллар орасида ёзилган бўлиб, Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этади. Муҳаммад Юсуф Мунший агар “жаҳон ҳодисаларининг кучли шамоли унинг (Муҳаммад Муқимхоннинг) ҳаёт ўтини ўчирмаса, йўқсизлик денгизининг тўлқинлари ўйноқи отини ўз гирдобига тортиб кетмаса”, ушбу асарининг иккинчи қисмини ҳам ёзиш ниятида эканлигини айтади. Лекин, “Тарихи Муқимхоний” нинг иккинчи китоби ёзилмай қолган. Фикримизча, бунга қандайдир кутилмаган ҳодиса, балки муаллифнинг бирон фалокатга учраб қолганлиги сабаб бўлган.

“Тарихи Муқимхоний” муқаддима ва уч бобдан иборат.

Муқаддимада туркий халқларнинг афсонавий онаси Алан қува, Чингизхоннинг ота-боболари, мўғул қўшинлари томонидан Мовароунаҳр, Балх ва Бадахшоннинг босиб олиниши тарихи қисқача баён этилган.

Асарнинг биринчи боби Шайбонийлар даврида Мовароуннаҳрининг умумий аҳволидан ҳикоя қиласи.

“Тарихи Муқимхоний”нинг янги ва муҳим қисми унинг II-III бобларидир. Иккинчи бобда Балх ва қисман Бухоро хонлигининг XVII асрдаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, Бухоро ва Балх хонликларининг Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Кошгар билан бўлган сиёсий муносабатлари, учинчи бобда эса 1702-1704 йиллар воқеалари, хусусан Бухоро билан Балх ўртасида бошланган куролли кураш ўрин олган.

Асарда хонлар ва катта ер эгалари тўғрисида, меҳнаткашлар оғир аҳволи тўғрисида айрим қимматли маълумотлар учрайди.

“Тарихи Муқимхоний” асарининг қўлёзма нусхалари кўп ва Санкт-Петербург, Тошкент, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Асар тўла ўзбекчага 1861 йили таржима қилингандан, ундан айрим парчалар француз ва рус тилларида эълон қилингандан 1956 йили тўлиқ русча таржимаси А.А.Семенов томонидан чоп этилган.

11.2.15. Убайдулланома

“Убайдулланома” XVII асрда ўтган Мир Муҳаммад Амини Бухорий асариdir. У ўқимишли ва фозил кишилардан бўлиб, 1645 йилда тугилган, вафот йили маълум эмас. Аштархонийлардан Субхонқулихон ва Убайдуллахон (1702-1711) саройида бош муншийлик вазифасида хизмат қиласи.

“Убайдулланома” Бухоро хонлигининг 1702-1716 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қиласи. Асар 1716 йилдан кейин ёзилган, муқаддима, хотима ва 80 бобдан иборат.

Муқаддимада муаллифнинг ҳол-аҳволи, яъни Субхонқулихон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида хизматдан четлаштирилиб, оғир аҳволга тушиб қолганлиги ва Убайдуллахон хизматига қабул қилиниши, Абулазизхон ва Субхонқулихон даврида Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи қисқа тарзда баён қилинганди.

1-80- бобларда Бухоро хонлигининг қарийб 15 йиллик (1702-1711) ижтимоий-сиёсий тарихи батафсил ёритилган. Муаллиф мазкур асарида катта ер эгалиги, аҳолидан йириладиган солиқ ва жарималар, Бухоро хонлигининг маъмурий тузулиши, тарқоқликнинг кучайиши, мамлакат бошига тушган иқтисодий қийинчиликлар ва унинг айрим сабаблари каби масалаларга кенг ўрин берган. Асарда географик ва этнографик маълумотлар ҳам кўп.

Хотимада муаллиф билан замондош бўлган ва Бухорода истиқомат қиласи олимлар, шоирлар, масалан, Сайидо Насафий, Қосимхожа, мулла Сарфароз, Фитрат, Мулҳам, машҳур қозилар ҳақида қисқача, лекин

зътиборга молик маълумотлар келгирилган.

“Убайдулланома” асарининг 10 дан ортиқ қўлёзма нусхаси мавжуд. Асар А.А.Семенов томонидан рус тилига таржима қилинган ва 1957 йили Тошкентда нашрдан чиқарилган.

11.2.16. Тарихи саййид Роқим

“Тарихи касира” ёки “Тарихи саййид Роқим”, “Тарихи саййид Роқим Самарқандий” номлари билан машҳур бўлган асарни Мулла Шарафуддин Аълам яратган. У XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган шоир ва тарихчи олимдир. В.Р.Розен ва А.А.Семеновлар келтирган маълумотларга қараганда, Мулла Шарафуддин Аълам асли андижонлик, ёш пайтида Самарқандга, отаси ҳузурига келиб қолган. Отасининг исми мулло Нуриддин бўлиб, халқ орасида охунд мулла Фарҳод номи билан машҳур бўлган.

Мулла Шарафуддин ёшлигидан меҳнатсевар ва илмга чанқоқ бўлган. Отасининг ёрдами билан яхши ўқиди, турли илмларни касб этди ва кенг маълумотли олим ва шоир бўлиб етишди. В.Р.Розен ва А.А.Семеновларнинг тадқиқотларидан англашилишича, мулла Шарафуддин Самарқанднинг энг маълумотли олимларидан мулла Боқижон Бухорийнинг хизматида бўлган ва унинг вафотидан кейин ўрнига аъламлик вазифасига ўтирган. Баъзи маълумотларга қараганда, у қозилик мансабида ҳам турган.

Олим “Тарихи касира” асари билан машҳур. Унда машҳур шахсларнинг ҳаётига оид мамлакатда бунёд этилган катта бинолар, усти ёпиқ бозор, тимлар, ҳаммомлар қурилиши ва машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ саналарга бағищланган тарих-хронограммалар мажмуудан иборатdir. У Амир Темур таваллуди (1336)дан то XVIII асрнинг ўрталари-гача кечган воқеаларни ўз ичига олади.

“Тарихи касира” асарининг қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрлари кўп. Асарнинг биринчи тошбосма нашр олим ва йирик давлат хизматчиси Мирза Салимбек тарафидан 1913 йили Тошкентда амалга оширилган. Мазкур асар “Тарихи томм” номи билан 1998 йили босмадан чиқсан.

“Тарихи касира” баъзи муҳим воқеалар тарихини аниқлашда қимматли манба ролини ўйнайди. Даил сифатида бир неча мисоллар келтирамиз.

Йирик тарихнавис олим ва вазир Рашидулдиннинг ўлдирилиши воқеаси 1318 йил 27 октябр куни содир бўлган.

Шоир Камол Хўжандийнинг вафоти 1391 йили юз берди.

Амир Темур замонида ўтган йирик аллома Тафтазоний ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади: 1322 йили таваллуд топган. 18 ёшлик пайтида Фиждувонда “Шархи Зандоний” асарини ёзган. 1347 йилнинг 10 июн куни Жом вилоятида “Шархи муллаҳас ал-мифтах” китобини ёзib

тамомлаган. 1373 йил 23 май куни Самарқандда “Мақосид ул-калом ва шарҳи мақосад” китобларини ёзиб тамомлаган. Вафоти 1392 йили содир бўлди.

“Тарихи касира”да Амир Темур даврида ўтган яна бир йирик олим Мир Сайид Шариф Журжоний ҳақида қўйидагиларни ўқиймиз: Асли Мозандароннинг Тоъун қишлоғидан. 1377 йили туғилган. Шероздаги “Дор уш-шифо” ўқув юртида мударрислик қилган. Амир Темур Шерозни иш-ғол қилган 1393 йили Самарқандга кўчиб келган ва ҳазрат соҳибқироннинг иноят ва марҳаматларига сазовор бўлиб, унинг саройида хизмат қилган. 76 ёшида Шерозда вафот этган.

Мовароунаҳрлик илоҳиёт олими хожа Муҳаммад Порсонинг вафти 1419 йили юз берган.

Мирзо Улугбекнинг биринчи муаллими шайх Озарий, ҳақиқий исми Ҳамза ибн Абдулмалик ат-Тусий 1440 йили вафот топган. “Тарихи касира”да унинг ҳақида яна қўйидагилар айтилади: Отаси сарбадорлар жамо-асига мансуб бўлган. Ўз даврининг етук олими ва шоирлари жумласидан бўлган. Шеърлари машҳур бўлиб, назм ва насрда бир неча асар ёзиб қолдирган. “Жавоҳир ал-асрор”, “Туғройи ҳумоюн” ва “Ажойиб ул-гаройиб” шулар жамласидандир.

Шайбонийлар, хусусан, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон соний даврида Мовароунаҳр ва Балх шаҳарларида бир талай катта қурилишлар, мадрасалар, масжиду хонақолар, тимлар, йирик сув иншоатлари қуриб ишга туширилган. “Тарихи касира”да булар ҳақида ҳам муҳим маълумотларни учратамиз. Бир неча мисол:

Кеш(Шаҳрисабз)да Оқсанарой биносининг қурилиши, асосан 1382 йилда тамомланган⁴⁸

Мирзо Улугбекнинг Самарқанддаги мадрасаси 1425 йили қуриб битказилган.

Мирзо Улугбекнинг расадхонаси 1429 йили қуриб ишга туширилган. Алайка кўқалтошнинг Самарқанддаги жомеъ масжидида Кўччиничон тарафида қурилган мармар минбар 1528 йили битказилган.

Бухорода Убайдуллахон томонидан Мир араб мадрасасининг бино қилиниши 1536 йили содир бўлган.

Мавлоно Мир муфтий томонидан Бухоройи шарифда қурилган кутубхона 1558 йили битказилган.

Жувонмард Алихон томонидан Бухорода ҳаммом қурилиши 1574. йили поёнига етган.

⁴⁸ Лекин, Испания элчиси Луи Гонсалес де Клавихонинг сўзларига қараганда бу ерда қурилиш ишлари 1404 йилда ҳам давом этган.

Мұхтар Қосым тарафидан Фиждувон ёнида, Күҳак дарёси устига қурилған күп ошиёналик сув айирғич иншооти 1576 йили қурилиб ишга туширилған.

Абдуллахон соний томонидан Бухорода бунёд этилған чорбор 1584 йили қуриб тамомланди.

Мазқур хон томонидан Бухорода Чорсу бозорининг қурилиши 1587 йили тамомланди.

Кармина ёнида, Күҳак дарёси устига кўприк қуриш ишлари 1587 йили тамомланди.

Китобда машҳур асарларнинг ёзиган тамомланган вақти ҳам кўрсатилған. Масалан, Улугбек Мирзонинг “Зиёжи жадиди кўрагоний” китоби 1437 йили, Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асари 1469 йили, “Хусни Ҳусайн” китоби 1606 йили ёзиган тамомланган.

“Тарихи касира” асари, унинг қиймати ва илм-фан учун зарурлиги келтирилған мисоллардан ҳам кўриниб турибди.

11.2.17. Тарихи Абулфайзхон

“Тарихи Абулфайзхон” асарини Убайдуллахон ва Абулфайзхон (1711-1747) саройида хизмат қилған мунахжим, шоир ва тарихчи олим Абдураҳмон Дағлат ёзған. Муаллиф кўпроқ Абдураҳмон Толе номи билан машҳур.

Мазқур асар ҳажм жиҳатдан кичик, 161 варақ бўлиб, “Убайдулланома”нинг давоми ҳисобланади ва Бухоро хонлигининг 1711-1723 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Маълумки, XVIII асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлигининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи заифлашади, улус бошлиқларининг, яъни маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақиллик учун олиб борган ҳаракати кучайди, уларнинг айримлари, масалан, Балх ва Самарқанд марказий ҳукуматга бўйсунмай қўйдилар, Фарғона XVIII аср бошларида, 1709 йили Аштархонийлар давлатидан ажralиб чиқди ва ўлкада мустақил Қўқон хонлиги ташкил топди, 1722 йили Самарқанд ҳам мустақиллик эълон қилди ва Ражабхон исмли кимсани хон қилиб кўтардилар (1722-1728), ўзаро уруслар бошланиб кетди.

“Тарихи Абулфайзхон” асарида мана шу масалалар кенг ёритиб берилди. Бундан ташқари, асарда Бухоро хонлигининг маъмурий тузулиши ва ўзбек халқининг ўша йиллардаги этник таркиби ҳақида ҳам айрим, диққатга сазовор далил ва маълумотлар бор.

“Тарихи Абулфайзхон”нинг тўлиқ русча таржимаси, зарур изоҳлар билан 1959 йили А.А.Семенов томонидан Тошкентда нашр қилинган.

11.2.18. Силсилат ус-салотин

“Силсилат ус-салотин” Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг асаридир. Унинг қўлёзма нусхалари жуда камёб бўлиб, бир нусхаси Англияниң Оксфорд шаҳридаги Бодли кутубхонасида (рақами № 269) сақланмоқда.

Ҳожи Мир Муҳаммад Салим ҳеч бўлмагандан бирон кичик вилоятта ҳоким бўлиши шарафига муйассар бўлолмаган ва бошидан кўп оғир кунларни кечирган Аштархонийлар жумласидандир. Унинг бобоси Турсун Муҳаммад султон 1578-1598 йиллари Самарқанд ҳокими бўлган. Унинг тўнгрич ўғли Поянда Муҳаммад Султон Балх хони Надр Муҳаммадхонга яқин бўлган, хоннинг синглиси Зубайдада бонуга уйланган ва 1611-1642 йиллари Қундуз вилоятига ҳокимлик қилган. Ана шу Поянда Муҳаммад султон билан Зубайдада бонудан туғилган Муҳаммадёр султон Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг бобосидир. У 1645 йилгача Шаҳрисабз вилоятига ҳоким бўлган ва Надр Муҳаммадхон Бухоро таҳтини ўғли Абдулазизхонга қолдириб кетгандан кейин у билан бирга Балхга қочиб борган. Орадан бир йил ўтгач, 1646 йили, Балх Бобурийлардан Шоҳи Жаҳон қўшинлари томонидан ишғол этилганлан сўнг, хоннинг онаси Шаҳрибону ҳамда Надр Муҳаммадхоннинг бошқа оила аъзоларини олиб Бухорага қочиб келди, Абдулазизхоннинг қалмоқлар, қорақалпоқ ва қозоқ сultonларига қарши ҳарбий юришларида иштирок этди, тожу таҳт олдида кўрсатган катта хизматлари учун Шаҳрисабзга ҳоким қилиб тайинланди. Муҳаммадёр султон 1647 йилнинг 14 июнида Аврангзеб қўшини билан Балх қишлоғи-Темурободда бўлган жангда ҳалок бўлган. Ҳожи Мир Муҳаммад Салимнинг отаси Муҳаммад Рустам султон 1645 йили ҳали ёш бўлган ва Абдулазизхон унга иқтоъ⁴⁹ тарзида Самарқандга қарапшли Сарипул туманини инъом қилган, унга оталиқ⁵⁰ қилиб эса Мир Шоҳжоҳа Шавдарийни тайинлаган. Лекин, 1671 йили Абдулазиз ундан ҳавфсираб кўзига мил тортириб кўр қилган. Муҳаммад Раҳим султон орада кўп вақт ўтмай, амир Муҳаммадёр оталиқнинг воситачилиги билан, хондан рухсат олиб ҳажга жўнаган. Лекин, Декан вилоятида давом этиб турган уруш ҳаракатлари сабабли, бандаргоҳ шаҳарларидан бирон-тасига ўтолмай, Шоҳижоҳонободга қайтиб келган ва орадан икки йил ўтгач, ўша ерда вафот этган.

Мир Муҳаммад Салимнинг ўзига келсак, у, асарда баён этилган во-кеаларга қараганда, отасидан кейин Бухорода қолган. 1711 йили Убай-

⁴⁹ Иқтоъ (араб. қесим) - ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида олий ҳукмдор тарафидан шаҳзода ва йирик амирларга катта хизматлари эвазига инъом қилинган ер-сув, мулк.

⁵⁰ Оталиқ - ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳонликларида амалда бўлган олий мансаб эгаси, шаҳзодаларнинг тарбиячиси ва валийси.

дуллахон ўлдирилгандан кейин, ҳаж қилиш баҳонаси билан Арабистонга жүнаган. Бир йилча Исфаҳонда истиқомат қилиб, 1712 йили Туркияга борган. Султон Аҳмад 111 (1703-1730) уни эхтиром билан кутиб олган. Тұрт йилча Туркияда туриб, мазкур султоннинг ҳарбий юришларида қатнашган. Мир Мұхаммад Салим 1716 йили Маккага борган ва ҳаж мароси мини адо этгандан кейин, денгиз орқали Ҳиндистонга келган ва Бобурий Носируддин Мұхаммадшоҳ (1719-1748)нинг хизматига кирган. “Силсилат ус-салотин” асарини Носируддин Мұхаммадшоҳнинг тоғшириғи билан ёзған. Ҳожи Мир Мұхаммад Салимнинг қачон ва қаерда вафот этгандығы аниқланмаган.

“Силсилат ус-салотин” 1731 йилда ёзилған бўлиб, муқаддима ва тўрт қисмдан иборат.

Муқаддимада асарнинг ёзилиши ҳақида сўз боради ва муаллифнинг 1711 йилдан кейинги ҳаёти ҳақида айрим, диққатта сазовор маълумотлар келтирилади.

Биринчи қисмда исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, қадимги турклар ва мўғуллар, хусусан барлослар ва Амир Темурнинг ота-боболари, Амир Темур ва Темурийлар, шунингдек, ҳазрат соҳибқироннинг Ҳиндистонда ҳукмронлик қўлган авлоди тарихи қисқача баён этилади.

Асарнинг иккинчи қисми Мўгулистаннинг Туғлуқ Темурхон (1348-1363) дан то Суюргатмишхонгача (1370-1388) ўтган даврдаги тарихини ўз ичига олади.

Муқаддима ва I-II қисмларни ёзишда муаллиф ўзидан аввал ёзилған асарлардан, масалан, Жувайнининг “Тарихи жаҳонкүшой”, Рашидуддиннинг “Жомеъ ут-таворих”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Мирзо Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус”, Хондамирнинг “Маосир ул-мулук”, “Холосат ул-ахбор” ва “Ҳабиб ус-сияр” асарлари, Абулфазл Алломийнинг “Акбарнома”, Ҳофиз Дўстмаҳаммад ибн Ёдгорнинг “Мажмая ул-ажойиб” (1606 йили ёзилған) ва бошқа 20 га яқин китоблардан фойдаланган.

“Силсилат ус-салотин”нинг III-IV қисмлари фавқулодда аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг XVI-XVIII асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён қиласади.

Асарда Бухоро хонлигининг Эрон, Ҳиндистон ва Коғифар билан бўлган алоқалари, Бухоро хонлигига ҳокимиятнинг Шайбонийлардан Аштархонийлар қўлига ўтишининг аниқ тафсилоти, XVII асрда Балх ва Бадаҳшон, шунингдек, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти, Шоҳижаҳоннинг Балх ва Бухоро хонлиги ички ишларига қуролли аралашуви ва Бобурийлар қўшинининг Балх ва унга тобе бўлган ерларни босиб олиши, Хоразмнинг XVI-XVII асрлардаги сиёсий аҳволи хусусида

бошқа манбаларда учрамайдиган қимматли далил ва маълумотлар келтирилади. Асарда улус тизими, тиул ва солона каби солиқлар, Ўзбекистон шаҳарлари, уларнинг аҳолиси ва турмуш тарзи ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам алоҳида қимматга эгадир.

Ҳожи Мир Муҳаммад Салим Бухоро хонлари, Абдуллахон II, Абдулмўминхон, Динмуҳаммадхон, Имомкулихон, Абдулазизхон, Субхонкулихоннинг Ҳиндистон, Эрон ва Туркия ҳукмдорлари билан ёзишмаларининг 20 нафар мактуби нусхаларини ҳам келтирган. Бу мактублар, шубҳасиз, Бухоро хонлиги билан мазкур мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тарихини ўрганишда муҳим маъно касб этади.

11.2.19. Номайи оламоройи Нодирий

“Номайи оламоройи Нодирий” (“Нодиршоҳнинг оламга безак бўлувчи тарихи”) асарининг муаллифи XVIII асрда ўтган марвлик машҳур тарихчи олим Муҳаммад Козимдир. У 1721 йили Марвда туғилган. Отаси, 1737 йили вафот этган. У машҳур фотиҳ Нодиршоҳ (1736-1747)нинг яқин кишиларидан бўлиб, унинг дастлабки ҳарбий юришларида қатнашган ва муҳим дипломатик топшириқларини бажарган. Кейинча, у Нодиршоҳнинг иниси Иброҳимхон, дастлаб Хуросон, сўнгра, 1736 йилдан, Озарбайжон ҳокими саройида хизмат қилган.

Муҳаммад Козим бошлангич маълумотни Марвда олди, сўнг 1731 йили отаси уни Машҳадга олиб келди ва бу ердаги мадрасалардан бирига ўқишига берди. Муҳаммад Козим бу ерда сайид Мир Шамсуддин Али Мозандаронийдан таълим олди. 1736 йили у Дарбандга, Иброҳимхон хузурига чақиртириб олинди ва 1739 йилгача хоннинг ясовули лавозимида хизмат қилди. 1739 йили Муҳаммад Козим Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули мирзо хизматига қабул қилинди ва 1741 йилгача лашкарнавис, ҳарбий котиб вазифасида хизмат қилди. 1744 йилдан у Нодиршоҳ ҳузурида хизмат қила бошлади, 1744-1747 йиллари молия маҳкамасида котиб ва 1747 йилдан подшоҳ қурол-яроғ омборининг мутасаддиси, вазир бўлиб ишлади. Муҳаммад Козим таҳминан 1752 йили вафот этди.

Муҳаммад Козим ўзининг тарихий асари “Номайи оламоройи Нодирий”ни 1750-1753 йиллари ёзган. Асар уч жилдан иборат.

Биринчи жилди Эроннинг 1688-1736 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади.

Иккинчи жилдда 1736-1743 йиллари Эронда, шунингдек, Ўрта Осиё ва Кавказ орти мамлакатларида бўлиб ўтган воқеалар баён этилган.

Асарнинг учинчи жилди Эрон ва қисман, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Туркия ва Кавказ орти мамлакатларининг 1743-1747 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихига баришланади.

Ўзбекистоннинг XVIII асрдаги тарихини ўрганишда “Номайи оламоройи Нодирий”нинг II ва III жиллари асосий манбалардан бири ўрнини ўтайди. Айниқса, асарда Эрон қўшинининг 1737 йили Ўзбекистон ҳудудига бостириб кириши ва Фузор, Қарши, Шуллуқ ва бошқа шаҳар ва туманларнинг талон-тарож қилиниши, 1740 йили Бухоро ҳонлигининг Нодиршоҳ тарафидан бўйсундирилиши, 1746 йилдаги Хоразмнинг оғир аҳволи, 1747 йили Эрон аскарларининг Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларига яна бостириб кириши ва оқибатда меҳнаткаш халқнинг аянчли аҳволга тушиб қолиши, 1741-1742 йилларда Кўлоб, Хисори шодмон, Бадахшон, Балх ва бошқа вилоятлар халқининг катта ер эгаларининг зулм ва чет эл босқинчиларига қарши қўзғолонлари ҳақидаги маълумотлар зўр илмий қимматга эга.

“Номайи оламоройи Нодирий”нинг қўлёзма нусхалари кам. Шу пайтгача асар тўла равишда бирон тилга таржима қилинмаган. Ундан айрим парчалар баъзи илмий тўплам ва журнallарда чоп этилган. II жилднинг бир қисми, яъни Нодиршоҳнинг Ҳиндистонга юришини баён этувчи қисми П.И.Петров томонидан рус тилида нашр этилган. 1960, 1965 ва 1966 йиллари “Номайи оламоройи Нодирий”нинг матни фотофаксимил нашри Москвада Н.Д.Миклухо-Маклай томонидан чоп этилган.

11.2.20. Туҳфат ул-хоний

“Туҳфат ул-хоний” (“Хоннинг туҳфаси”) ёки “Тарихи Раҳимхоний” (“Муҳаммад Раҳимхон тарихи”) номли асар Бухоро ҳонлигининг 1722-1782 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Уни тарихчи олим Муҳаммад Вафойи Карминагий (1685-1769) яратган. Тарихчининг тўла номи Мулла Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карминагийдир. У Бухоронинг ўқимишли ва таниқли кишиларидан биридир. Карминагий нисбасига қараганда, асли Бухоронинг Кармана туманидан бўлган. “Убайдулланома” китобининг муаллифи Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг гувоҳлик беришига қараганда, Муҳаммад Вафойи Карминагий Аштархонийлардан Убайдуллахон саройида китобдор бўлиб хизмат қилган. Фикримизча, у Убайдуллахондан кейин таҳтга ўтирган Абулфайзхон даврида ҳам шу лавозимда турган. Мулла Муҳаммад Вафо Карминагий “қози Вафо” номи билан ҳам машҳурдир. У қозилик лавозимига янги сулола-Мангитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхон (1753-1759) замонида эришган.

Муҳаммад Вафо Карминагий 1769 йили “Туҳфат ул-хоний” номли асарида фақат 1722-1768 йиллар воқеаларини ўз ичига олган қисминиги-на ёзиб улгурган, холос. Унинг давомини, яъни 1768-1782 йиллар воқеа-

ларини баён этувчи қисмини насафлик домла Олимбек ибн Ниёзкулибек ёзган.

“Түхфат ул-хоний” қофияли наср, саж билан ёзилган, лекин воқеаларнинг тўла ва кенг ёритилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, географик ҳамда этник далилларга бойлиги билан биринчи даражади манбалар қаторида туради. Асар Бухоро хонлигидаги XVIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб кучайиб кетган иқтисодий ва сиёсий тангликни, ижтимоий-сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ва бунинг натижасида марказий давлат бошқарувининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва қабилаларни бўйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари ва бунинг оқибатида кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг вайрон этилиши, меҳнаткаш халқ турмушининг оғирлашиб бориши ва унинг асосий сабабларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган далилий маълумотга ўта бойдир.

Асарда яна ўзбек қавмлари, улуғлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, Аштархонийлар ва Манғитлар ҳукмронлиги даврида ўзбек қўшини ва манғитлар давлатининг тузилиши, 1722-1782 йилларда Бухоро хонлигининг Эрон, Афғонистон, Қозоқ ва Кўқон хонликлари ҳамда Кошгар билан олиб борган сиёсий муносабатлари ҳақидаги ҳам эътиборга молик маълумотлар кўп учрайди.

“Түхфат ул-хоний” асарининг қўллэзма нусхалари кўп. Масалан, факат Санкт-Петербург, Ўзбекистон, Тоҷикистон кутубхоналарида ундан 23 қўллэзмаси мавжуд. Асар бирон тилга тўла таржима қилинмаган ҳам. Асардан кичик бир парча, яъни Муҳаммад Раҳимхоннинг 1747 или Сарахс атрофида Эрон қўшинлари билан тўқнапшуви рус тилида 1938 или эълон қилинган, холос.

11.2.21. Тарихи Амир Ҳайдар

“Тарихи Амир Ҳайдар” XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида ўтган бухоролик Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шариф асаридир. Китобнинг номаълум мұҳаррир томонидан қисқартирилган нусхаси етиб келган бўлиб, қўллэзма ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 1836 рақами остида сақланмоқда.

“Тарихи Амир Ҳайдар” кичик ҳажмдаги асар, жами 96 варақдан иборат, муҳим тарихий манбалар асосида ёзилган, Бухоро хонлигининг Аштархонийлар, шунингдек, асосан, Манғитлар сулоласидан бўлган амир Ҳайдар ҳукмронлиги (1800-1826 й.) давридаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади.

Асар 81 боб, ёки достондан иборат. 1-2 - боблари Бухоро шаҳри тарихига бағишлиланган, 3-6 - бобларда Аштархонийлар тарихи қисқача баён

этилган, 7-81- бобларида эса Бухоро амирлиги амирзода Ҳайдарнинг туғилишидан то унинг 1826 йил 6 октябридаги вафотигача бўлган тарихи ҳикоя қилинади.

Китоб 50- йилларда А.А.Семенов томонидан рус тилига таржима қилинган, лекин нима сабабдандир қўлёзма напр этилмай қолган. Таржима қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ кутубхонасида сақланмоқда.

11.2.22. Фатҳномайи султоний

“Фатҳномайи султоний” (“Султон фатҳномаси”) асари муаллифи Мир Олим Бухорий бўлиб, китобини Амир Насруллоҳ даври (1826/27 – 1869/79)да Fузор ҳокими бўлган Муҳаммад Олимбекнинг хизматида бўлган ва унинг топшириғи билан ёзган.

“Фатҳномайи султоний” амир Шоҳмурод (1785/86-1800) давридан то Насруллоҳ ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади, лекин Шоҳмурод ва амир Ҳайдар даврлари қисқача (ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1838, вв.76-556), Насруллоҳ даври эса батафсил ёритилган.

Мазкур қўлёзма асарнинг биринчи жилди бўлиб, иккинчиси бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра ёзилмай қолган.

“Фатҳномайи султоний”нинг биринчи қисми марҳум О.Д.Чехович тарафидан рус тилига таржима қилинган. Таржима қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланмоқда.

11.2.23. Мунтахаб ут-таворих

“Мунтахаб ут-таворих” (“Сайланма тарих”) асарининг муаллифи қўйонлик йирик тарихчи олим Ҳакимхон тўрадир (тахм.1802-вафот этган йили маълум эмас). Ота тарафидан нақшбандия тариқатининг йирик намояндадаридан бири, йирик илоҳиёт олими Маҳдуми Аъзам Косоний (1461/62-1542/43)нинг авлоди, она тарафидан Қўқон хони Норбўтахон (1770-1800)нинг набирасидир.

Отаси саййид Маъсумхон тўра Умархон даври (1809-1822)да ва Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги(1822-1842)нинг дастлабки йилларида хонликнинг шайхулисломи лавозимини эгаллаб турган. Ҳакимхон тўра Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги аввалида Наманган, Тўрақўрон ва Косонсойда ҳоким бўлган. Лекин, кўп ўтмай отаси ҳам, ўзи ҳам хоннинг ғазабига дучор бўлиб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилгандар ва ҳаж маросимини адo этиш учун Арабистонга жўнатаб юборилган. Отаси йўлда, Мозори шарифда 1834 йили вафот этган. Ҳакимхон тўра эса кўп машаққатлар чекиб, етти йилдан кейин Россия, Туркия, Ироқ, Сурия ва Фаластин орқали Маккага етиб борди. Ўшанда 1834 йили у Оренбургда

подшоҳ Александр I билан учрашиш шарафига муссар бўлган. Ҳакимхон тўра Макка ва Мадина зиёратидан қайтгач, 1828 йили, Муҳаммад Алихондан чўчиб Кўқонга бормади ва қолган умрини Китобда кечирди. Ўзининг ёзишича, Китобда унинг қариндошлари ва озми-кўпми ер-суви бўлган.

Ҳакимхон тўра йирик тарихнавис олим бўлиб, ўзининг “Мунтахаб ут-таворих” асарини 1843 йилнинг 29 май куни ёзиб тамомланган.

“Мунтахаб ут-таворих”да қадими замонлар, исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар, қадимги Эрон подшоҳлари, Хитой ва Европанинг қадими подшоҳлари, халифайи Рошидиндан то Мовароуннаҳрнинг Манғит ва Минг сулоласидан чиққан олий ҳукмдорлар замонигача кечган тарихи баён этилади.

Асарда Кўқон хонлигининг хонлик асосчиси Шоҳруҳхон(1709-1721)нинг ўғли ва тож-тахт вориси Абдураҳимхон (1721-1724) замонидан то Норбўтахон, Олимхон ва Умархон даври тарихи яхши ёритилган. Асарда муаллифнинг Россия, Туркия, Ироқ, Шом (Сурия) ва бошқа мамлакатларга қилган саёҳати чоғида олган таассуротлари ва ўша мамлакат халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тарихи ва ҳаёт тарзи ҳақида келтирган маълумотлари ҳам диққатга сазовордир.

“Мунтахаб ут-таворих”нинг қўлёзма нусхалари кам. Унинг Душанбеда, Тожикистонда А.А.Семеновнинг уй музейида сақланётган форсча фотонусхасини Аҳрор Мухторов 1983 йили икки китоб ҳолида чоп этди. Асарнинг ўзбекча нусхаси ҳам бўлиб, ҳозирда ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинасида (рақами № 594) сақланмоқда.

11.2.24. Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад

”Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф аз амир Дониёл то асли амир Абдулаҳад” (“Бухоройи шариф амирларининг таржимаи аҳволи. Амир Дониёлдан то амир Абдулаҳадгача”) асарининг муаллифи Аҳмад Дониш ёки Аҳмад Калла номи билан машҳур бўлган, XIX асрда кўзга кўринган мутафаккир шоир, адаб, олим ва дипломатdir. Унинг тўла исми Аҳмад ибн Носир ибн Юсуф ал-Ханафий ал-Бухорийдир. Бўлгуси тарихчи 1827 йили Бухорода туғилган. У ёшлигидан яхши ўқиб тарих, мумтоз адабиёт, риёзиёт-математика, илми нужум-астрономия, мусиқа ва тиббиёт илмларини яхши ўрганганди, ҳусниҳат ва мусаввирлик сирла-рини ҳам эгалланган.

Аҳмад Дониш ўз фаолиятини хаттотлиқдан бошлаган ва 50- йил бошлирида амир Насруллоҳ хизматига қабул қилинганд, 1870 йили истеъфога чиқиб, илмий фаолият билан машғул бўлган.

Аҳмад Дониш 1857 йили амир Насруллоҳ, 1869 ва 1974 йиллари амир Музаффар (1860-1885) элчилиги таркибида Петурбургда бўлди ва Россиянинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишди. Бу сафарлар олимнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатди. Лекин, у Бухоронинг Россияга қараганда қолоқлигининг ҳақиқий сабабларини тушуниб етмади. У жамиятни мавжуд қонун ва тартибларини такомиллаштириш йўли билан, одил подшоҳнинг қўли билан қайтадан қуриш мумкин деб ҳисобларди. Олимнинг бу қарашлари унинг “Наводир ул-вақо’еъ” (“Нодир воқеалар”) номли асарида ўз аксини топган. Аҳмад Дониш ушбу асарида амирга давлатни бошқариш ишларини қайтадан қуришни маслаҳат берди. Лекин, амир бундан дарғазаб бўлди ва 70- йиллар охирида Аҳмад Донишни пойтахтдан узоқлаштирги ва Фузорга қози қилиб юборди.

1885 йили, амир Музаффар вафотидан кейин, у Бухорага қайтиб келди ва умрининг қолган қисмини илмий машғулотлар билан кечирди. Аҳмад Дониш 1897 йили вафот этди.

Аҳмад Дониш сермаҳсул ижодкор бўлиб, илоҳиёт, илми нужум, география, адабиёт ва тарихга оид 20 га яқин асар ёзиб қолдирди. “Манозир ул-кавокиб” (“Сайёраларнинг манзаралари”), “Наводир ул-вақо’еъ” ва “Таржимаи аҳволи амironи Бухоройи шариф” (1885 йилдан кейин ёзилган) асарлари ана шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда олимнинг сўнгги асари катта илмий аҳамиятга эга. Китобда катта сўз боши, сайёраларнинг инсон тақдиридаги аҳамияти, дин ва унинг жамиятдаги ўрни тўғрисидаги фикрлардан кейин қисқа тарзда амир Дониёл (1758-1785), Шоҳмурод (1785-1800), Ҳайдар ва амир Насруллоҳ ҳукмронлиги йилларида бўлиб ўтган воқеалар баён этилган.

Асарнинг катта ва сўнгги қисми амир Музаффарга бағишиланган. Бу қисмда Бухоро хонлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, чор Россияси қўшинлари томонидан 1866 йили Жиззах ҳамда 1868 йили Самарқанднинг ишғол қилиниши воқеалари батафсил баён этилган.

“Таржимаи аҳволи амironи Бухоройи шариф” асарининг қўлёзма нусхалари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Душанбе кутубхоналарида мавжуд. Асарнинг матни А.Мирзоев томонидан чоп этилган. 1960 йили китобнинг қисқартирилган русча таржимаси Душанбеда нашр қилинган.

11.2.25. Тарихи салотини Манғития

“Тарихи салотини Манғития” (“Манғит султонларининг тарихи”) асари бухоролик машҳур тарихчи олим ва шоир Мирзо Абдуазим Сомий Бўстоний (1838/39-1914 йилдан кейин) қаламига мансубдир. Бўлғуси тарихчи бошланғич маълумотни она юрти Бўстон қишлоғида, Бухоронинг шимолида, ундан 40 км нарида олган, сўнгра Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган, дастлаб вилоят ҳукмдорлари қўлида котиб, амир Музaffer таҳтга ўтиргандан кейин унинг шахсий котиби, муншийси бўлиб хизмат қилган. Амир Абдулаҳад ҳукмронлиги (1885-1910)нинг сўнгтида 1898 ёки 1899 йилда подшоҳликка қарши фикрлари учун саройдан четлатилиб, умрининг охирини ночорликда кечирган.

Сомий бир неча адабий ва тарихий асар ёзиб қолдирган. “Миръот ул-ҳаёл” (“Хаёл кўзгуси”), “Иншо”, “Туҳфайи шоҳий” (“Подшоҳнинг туҳфаси”), “Тарихи салотини Манғития” шулар жумласидандир. Буларнинг ичida тарих илми учун энг муҳими сўнгти икки асардир.

1900-1902 йиллар орасида ёзилган “Туҳфайи шоҳий” ва 1907 йили ёзиб тамомланган “Тарихи салотини Манғития” бир давр, Бухоро хонлигининг амир Музaffer давридаги тарихга бағишлиланган. Бироқ, улар маълум даражада бир-биридан фарқ қиласиди. Масалан, “Туҳфайи шоҳий” тўлароқ, лекин олий ҳукмдорни кўкларга кўтариб мақташ, панегрик руҳида битилган.

“Тарихи салотини Манғития” эса нисбатан холисона ёзилган. Асарнинг илмий аҳамияти шундаки, унда Бухоро амирлигининг Ўрта Осиёнинг Россия тарафидан босиб олиниши арафасидаги иқтисодий ва сиёсий аҳволи, шунингдек, Бухоро-Россия муносабатлари бирмунча кенг ёритилган. Китобнинг қўлёзма нусхалари кўп. Унинг ўзбекистонлик олима Л.М.Епифанова томонидан қилинган русча таржимаси, сўзбоши ва зарур изоҳлари билан бирга, 1962 йили, Москвада чоп этилган.

11.2.26. Тарихи Салимий

“Тарихи Салимий” (“Салимийнинг тарихи”) асари муаллифи XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорагида ўтган Мирза Салимбек бўлиб, унинг тўлиқ исми Мирза Салимбек ибн Муҳаммад Раҳимдир. Олим 1850/51 йиллари Бухоройи шарифда бадавлат ва нуфузли хонадонда таваллуд топган.

Мирза Салимбек 1871 йили Наҳрпой (Норпой) ва Зиёвуддин ҳокимига котиб бўлиб ишга киради, лекин олти ойдан кейин амир Музafferнинг фармойиши билан Тошкентта рус маъмурларининг хатти-ҳаракати ва айниқса Бухоро хусусида туттган сиёсатини кузатиб борувчи қилиб юборилди.

Мирза Салимбек Тошкентга чойфуруш қиёфасида келди ва бу ерда 12 йил истиқомат қилди. 1880-1883 йиллари у амир ҳузурида, 1884-1885 йиллари Туркистан генерал-губернатори ҳузурида Бухоро вакили бўлиб хизмат қилди. 1885 йили Мирза Салимбек Сомжин туманига амлакдор қилиб тайинланди. Шундан кейин унинг мартағаси йил сайин ортиб борди. 1881-1893 йиллари Бухоро шаҳрининг миршаби, 1893-1920 йиллари Яккабор, Нурота, Бойсун, Шеробод, Шаҳрисабз, Чоржўй вилоятларининг ҳокими ва бош закотчи вазифаларида турди. 1920 йилги инқилобдан кейин Мирза Салимбек шўро ташкилотларида, Бухорода ташкил этилган «Анжумани тарих» («Тарихшунослар жамиятида»)да хизмат қилди. Мирза Салимбекнинг вафот этган йили маълум эмас.

Мирза Салимбек бир неча йирик тарихий ва адабий асар ёзиб қолдирган. «Қашкули Салимий» («Салимийнинг қашкули»), «Жомиъ ул-гулзор» («Гулзорлар мажмуи»), «Қаъб ал-ахбор ҳикоялари», «Ҳикояти Абдулла ибн Муборак», «Тарихи Салимий» шулар жумласидандир.

Тарихчилар учун энг муҳими унинг сўнгти асари «Тарихи Салимий» дир. Н.Норқуловнинг фикрига қараганда, XX асрининг 20- йилларида ёзилган. Унинг бош қисми, Чингизхондан то амир Музаффар давригача бўлган тарих умумлаштирувчи характерга эга. Асарнинг 1860-1920 йиллар воқеаларини ўз ичига олган катта қисми бутунлай янги бўлиб, муаллифнинг ўзи бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган.

Асада амир Музаффар даврида Ҳисор, Кўлоб, Балжуан, Қоратегин ва Дарвозда бўлиб ўтган исёнлар, Бухоро-Қўқон ва Бухоро-Россия муносабатлари, шунингдек, Бухоро амирлигининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги умумий аҳволи ва маъмурӣ тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар бор.

«Тарихи Салимий» асарининг қўллёзма нусхалари кўп. Асар 1968 йили Н.Норқулов томонидан рус тилига таржима қилинган, лекин ҳали чоп этилмаган.

11.2.27. Тарихи жадидайи Тошканд

“Тарихи жадидайи Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) номли асар муаллифи Муҳаммад Солиҳ Тошкандийдир. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад Солиҳ домла Раҳим Қораҳожа ўғли. Тарихчи 1830 йилда туғилган, вафот этган йили номаълум. Бошланғич маълумотни бобоси мулла Абдураҳимхожадан (у Қиёт маҳалласида жойлашган Бекмуҳаммадбий масжидида имом бўлган) олган, сўнг Бекларбеги ва хожа Аҳрор мадрасаларида ўқиган. Фарғонанинг Кўқон (1853 й.), Марғилон, Наманган ва Ўш (1853 й.) шаҳарларида, кейинчалик Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда бўлиб, мадрасада олган билимини кенгайтирган.

ди. 1863 йилдан бошлаб, илгари бобоси имомлик қилиган масжидда имом бўлиб хизмат қилди, айни пайтда дарс ҳам бериб турди.

Муҳаммад Солиҳ турли илмлар, тарих, география, адабиёт, тибдан хабардор бўлган кенг маълумотли киши эди, лекин унинг тарихга рафбати кўпроқ бўлган. У Абу Тоҳирхожа(XIX аср)нинг “Самария”сига ўхшаш Тошкент, унинг тарихи ва осори атиқаларига бағишлаб бир асар ёзишни кўпдан орзу қилиб юрган ва ниҳоят, 1863-1888 йиллари маҳсадига эришган. Асар икки жилдан иборат.

Биринчи жилдда қадим замонлардан то XV аср охиригача Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар, иккинчи жилдда эса Кўқон хонлигининг XV аср охиридан Заҳириддин Муҳаммад Бобур давридан то XIX асрнинг 80- йилларигача бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволи, маданий ҳаёт ҳақидаги қўмматли маълумотларни учратамиз.

Асар ҳали бирон тилга таржима қилинмаган қўлёзма. Фақат Тошкентда, ЎзРФА Шарқшунослик институтида унинг уч нусхаси мавжуд, тартиб рақамлари № 7791, 11072-73, 5732. Китоб ва унинг муаллифи тўғрисида А.Ўринбоев, О.Бўриевлар 1983 йили “Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида (XIX аср)” номли рисола чоп этганлар.

11.2.28. Тарихи Шоҳруҳий

«Тарихи Шоҳруҳий» («Шоҳруҳ (бек) тарихи») номли асар муаллифи XIX асрда яшаб ўтган фаргоналик тарихчи олим Ниёз Муҳаммад Хўқандийдир. У тахминан 1803 йили Кўқонда йирик ҳарбий хизматчи оиласида туғилган, Худоёрхон қўшинида лашкарнавис, яъни ҳарбий котиб лавозимида хизмат қилган, 60-йиллар бошларида истеъфога чиқиб, илмий фаолият билан машғул бўлган.

Ниёз Муҳаммад кенг маълумотли киши бўлиб, «Ниёзий» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Лекин, йирик тарихий асари «Тарихи Шоҳруҳий» билан кўпроқ машҳур. Бу асар Кўқон хонлигининг 1709-1876 йиллар орасидаги тарихи тўғрисида мукаммал маълумот бериб, унда ушбу хонликка қарам бўлган бошқа Тошкент, ҳозирги Қирғизистон, Қозоғистоннинг жанубий вилоятлари ҳудудларининг ижтимоий-сиёсий тарихи ҳам баён этилган. Унда Кўқон хонлигининг Бухоро, Шарқий Туркистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар келтирилган.

«Тарихи Шоҳруҳий» асарининг матни Н.Н.Пантусов томонидан 1885 йили Қозонда чоп этилган. Айрим парчалари В.В.Бартольд, Н.Г.Маллиций ва В.А.Ромодин тарафидан рус тилига таржима қилинган. Бу асар Т.К.Бийсембиев томонидан чуқур ва атрофлича ўрганилиб, 1987 йили рус тилида Олма-Отада алоҳида китоб чоп этилди.

11.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Сайдкулов Т.С. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тарихнавислиги-дан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Ташкент: Фан, 1998.
4. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая. - М.: Наука, 1987.
5. Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии. XVI-XVIII вв. (Письменные памятники).-Ташкент: Фан, 1985.
6. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
7. Манбашуносликдан маърузалар мажмуаси. Тузувчи А.А.Мадраимов.-Ташкент: ТДПУ, 2001.

11.4. Мавзуни мустакамлаш учун бериладиган саволлар

1. Шайбонийлар даврига оид қайси манбаларни биласиз?
2. “Абдулланома” асари муаллифи ким?
3. “Тарихи Рашидий” асарини ким ёзган?
4. “Силсилат ул – салотин” асари неча қисмдан иборат?
5. “Тарихи жадидайи Тошкент” асари мазмунини сўзлаб беринг?

12-мавзу. XVI-XIX аср биринчи ярмига оид ҳужжатлар

Дарснинг мазмуни: XVI-XIX аср биринчи ярмига оид ҳужжатлар, уларнинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти очиб берилади.

Режа

- 12.1. Ҳужжатлар Ўзбекистон тарихининг муҳим манбалари.
- 12.2. Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатлар.
- 12.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 12.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Жўйборий хожалари, амирлик, ҳонлик, ёрлик, васиқа.

12.1. Ҳужжатлар Ўзбекистон тарихининг муҳим манбалари

Расмий ҳужжатларни ўрганиш – дипломатика тарих фанининг ёрдамчи илм соҳаларидан бири бўлиб, шунинг учун жуда муҳимки, ҳужжатлардаги қимматли маълумотлар бошқа ёзма манбалардаги тарих ва та-

рихда ўтган воқеа, ҳодисаларни ойдинлаштиришга, уларни тушунишга ва ҳатто қайта кўриб, янги фикр, мулоҳаза ва тасаввурга олиб келиши мумкин.

Юртимизнинг кўп асрлик тарихига оид ёзма манбалар қаторида юз ёки юз эллик мингдан зиёд ҳужжатларни ўрганиш, улардаги қимматли маълумотлардан фойдаланиб, ўз тарихимизнинг қоронғу саҳифаларини ёритиш катта илмий аҳамиятга эга. Биз ҳужжат деган сўзнинг икки маъноси борлигини эслатмоқчимиз. Биринчиси – ҳужжат, документ, акт маъносида бўлиб, ҳокимлар – подшоҳлар, амирлар, хонлар, йирик давлат амалдорлари ва қозилар номидан битилиб, уларнинг шахсий дастхати ва муҳр билан тасдиқланган ҳужжатлар. Булар жуда кам ҳолларда асл нусхада учрайди, аксарият ҳолларда эса, уларнинг нақл қилинган, қайта кўчирилган нусхалари сақланган. Иккинчи маъноси - ўтмишдан қолган ҳоким, давлат идоралари, хусусий шахсларга тегишли мактублар, иншолар, арзнома ва қайдларни билдиради.

Республикамизда юртимиз тарихига оид бой ҳужжатлар хазиналари бўлиб, мутахассислар фикрича, уларда жами юз эллик мингдан зиёд ҳужжат мавжуд.

Ҳужжатларнинг энг бой хазинаси Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида бўлиб, уларнинг умумий сони юз мингдан кўпdir. Улар, асосан Қушбеги архиви, Бухоро амирлари, Хива хонлари, вилоятлар ҳокимлари девон ва маҳкамаларига тегишли ҳужжат, XV-XIX асрларга оид вақфномалардан иборатdir.

Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўллётма хазинасида таҳминан ўн мингдан зиёд ҳужжат мавжуд бўлиб, улар, асосан вақфномалар, ёрлиқлар, савдо битимлари, қарз васиқалари, ижарага оид тилҳат, даъво аризалар ва бошқа турли мазмундаги расмий ҳужжатларни ташкил қилади. Улар Ўрта Осиё ҳудудида яратилган.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа вилоят ва шаҳарлардаги музей ва архивларда ҳам бир неча минг ҳужжатлар сақланмоқда.

1873 йили Хоразм Россия томонидан забт этилганидан сўнг Хива хони девонидаги ҳужжатлар мўътабар қўллётмалар қаторида Санкт-Петербург шаҳрига олиб кетилган эди. Анча муддатдан сўнг, яъни 1936 йили шарқшунос олим П.П.Иванов Россия Миллий кутубхонаси собиқ М.Е. Салтиков – Шчедрин номли Халқ Давлат кутубхонасида Хивада олиб кетилган ҳужжатларнинг бир қисми сақланаётганини аниқлади. Улар 137 та ҳужжат эди. Кейинчалик М.Ю.Йўлдошев Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида тўққизта ҳужжатни аниқлаб, уларни ўрганиб, нашр этди. Шундай қилиб, жами 155 та Хива ҳужжатлари чоп этилди.

Мазмунига кўра уларни икки қисмга: кирим-чиқум қайдлари дафтарлари (Меҳтар, Күшбеги, Девонбегига тегишли) ва хон амалдорлари номлари қайд этилган дафтарларга ажратиш мумкин.

1967 йили Россия Миллий кутубхонасида яна уч мингдан кўпроқ Хива хонлари ҳужжатлари борлиги аниқланди ва 1962 йили аввал аниқланган ҳужжатлар билан бирга Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат архивига келтирилди. Бу ҳужжатлар, асосан, Хива хони номига ёзилган арзномалар, турли амалдорларга мурожаатнома, солиқ йигини тўғрисида маълумотнома, юрга олиб борилган турли тадбирлар, канал қазиш, турли таъмир ишлари тўғрисида.

Хива ҳужжатларининг маълум қисми ЎзР ФАНИНГ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида ҳам мавжуд. Бу ерда тўртта қозихона фаолиятини қайд этган дафтарлар бўлиб, уларда қозиҳоналарда амалга оширилган тадбирлар – савдо, қарз, даъво, васият ва бошқалар тўғрисида маълумотлар битилган. Бу ҳужжатларда Хива хонлиги ҳудудига кирувчи Ҳазорасп, Қыпчоқ, Манрит, Қатағон, Қўнғирот, Шаҳобод, Тошовузларда амалга оширган ишлар зикри мавжуд. Бу дафтарларда 1893-1912 йилларда тузилган 28 205 та ҳужжат қайд этилган.

Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни О.Д. Чехович, П.П. Иванов, М.Йўлдошев, Э.Ю. Брегель, Т.Неъматов, А.Шайхова ва бошқа олимлар ўргангандар. Аммо, уларнинг тадқиқотлари чукур илмий характерга эга бўлиб, асарлари анча вақт илгари чоп қилинган, ҳозирги кунда улар камёб нашрларга айланган.

Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни ўрганиш муаммолари О.Д. Чехович томонидан 1969 йили алоҳида мақолада ёритилиб, олима уларнинг ўзига маълум бўлган ўттиз тўрт тури борлигини қайд қилган бўлиб, уларнинг номларини келтирган. Улар қўйидагилар:

1. Омоннома – ҳарбий вазиятда тинч қўйиш ва хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги ҳужжат;
2. Ариза – мурожаатнома билан таъминлаш;
3. Аҳднома – келишув;
4. Барот – солиқ олиш ҳукуқини берувчи ҳужжат;
5. Вақфнома – маълум мол-мулкни вақф қилиш, яъни хайрия ташкилотларига ўтказиш хусусидаги ҳужжат;
6. Васиятнома;
7. Васиқа;
8. Васиқаи батот – савдо хусусидаги васиқа;
8. Васиқаи баҳшиш–туҳфа қилинганилиги тўғрисидаги ҳужжат;
9. Васиқаи жоиз–гаров тўғрисида ҳужжат;
10. Васиқаи ижоза – ижара тўғрисидаги ҳужжат;
11. Дафтар – солиқлар ҳақидаги ёки амалдорлар номлари ва маошлари қайд қилинган рўйхат;
12. Иноятнома – туҳфа – олий мансабдор шахс томонидан берилган ҳужжат;
13. Истимолатнома – солиқни ундириш ҳақидаги буйруқ;
14. Кабола – савдо ҳақидаги (X-XVI асрларга оид) ҳужжат;
15. Маҳзар – жанжал қайди;
16. Маншур – фармон;
17. Мисол – вилоятни бош-

қариш ҳуқуқини берадиган фармон; 18. Муборакнома – ҳоким девони буйруғи ёки у тұғридаги маълумот; 19. Нишон – маншур билан бир маънодаги ҳужжат; 20. Ривоят – муфтий томонидан баҳсли масала бўйича чиқарилган юридик қарор; 21. Сулҳнома – сулҳ тұғрисидаги шартнома; 22. Тилхат - қарз олингандылық тұғрисидаги ҳужжат; 23. Фатҳнома – ҳарбий ғалаба тұғрисидаги эълон; 24. Фатво – ривоят маъносида; 25. Фармон; 26. Хатти ваколат; 27. Хатти даъво, ариза; 28. Хатти никоҳ – никоҳ шартномаси; 29. Хатти тарака – мерос тақсимлаш ҳақидаги ҳужжат; 30. Хатти ибро - қарздан озод қилиш ёки даъводан воз кечиш тұғрисидаги ҳужжат; 31. Ҳукм - қофози ёки ҳоким ҳужжати; 32. Ҳукмнома – ҳукм ҳужжати; 33. Ёрлиқ – хон томонидан лавозимга тайинлаш ҳақидаги ҳужжат.

Ушбу құлланмада ҳуқуқий ҳужжатлар (подшо ва хонларнинг фармонлари, ёрлиқтар, иноятномалар, раҳномалар, васиқалар, вақфномалар) ҳақида тушунча берилиб, айрим намуналар таржималари ҳамда расмий ёзишмалар характеристика, айрим мактублар мажмуаларининг қисқа мазмұни бағын қилингандар.

Ҳужжатларни ўрганиш кенг маънода тарих илми, хусусан манбашуносликка киради. Шунинг билан бирга ҳужжатларни алоҳида ўрганиш маҳсус илмий соҳа, йұналиш бўлиб, дипломатика деб аталади. «Дипломат» – италянча сўз бўлиб, «букланган қоғоз» «ҳужжат»ни билдиради.

Мисол тариқасида «Хива қозилик ҳужжатлари (XIX – XX аср бошлиари)» хусусида кенгроқ тұхтамоқчимиз.

«Хива қозилик ҳужжатлари» давлат идоралари қайдига тушмаган 1992 йили Япон олимни Тору Хорикава томонидан хивалик Алиакбаров Абдуҳамидинг қизи Аклия Алиакбаровага тегишили бўлган ҳужжатлардир. Уларни япон олимни сотиб олиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшunoslik институтига совға қилган эди. Шундан сўнг, ушбу ҳужжатлар устида япон ва ўзбек олимлари А. Ў. Ўринбоев, Т.Хорикова, К.Исогай, Т.Файзиев, А.Жўраева бир неча йиллар давомида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, ниҳоят 2001 йили уни маҳсус каталог шаклида рус тилида нашр этдилар. Бу китобда 1713 расмий ҳужжат рус тилида илмий тавсифланган китоб охирига шахслар номлари, жўкрофий номлар ва бошқа энг муҳим маълумотлар кўрсаткичи ва ўттизта ҳужжат фотонусхаси илова қилингандар.

Ушбу ҳужжатларнинг аксарияти XIX асрға оид ва қисман XX аср бошлиарида тузилган. Айрим ҳужжатлар XVIII да яратилган бўлиб, энг қадимгиси 1762 йилда тузилган. Энг сўнгги ҳужжатлар Шўро даврига оид бўлиб, 1924 йилда тузилган ва муҳрда «Хоразм Ҳалқ жумҳуриятининг Хива қозилиги» муҳри билан тасдиқланган.

Хужжатлар яратылған даврда Хива хонлиги тарихидаги мұраккаб си-еңшій қолатлар юз берган: Құнғирот сүлоласи намояндалари хонлик қилған, үзаро қокимят учун курашлар, уруғлар жанжалы, құшнилар билан жанглар бўлиб турган. Айни шу даврда, 1873 йили Хива хонлиги рус қўшиналари томонидан босиб олинган, 1920 йили эса ушбу ҳудудда шўролар қокимияти жорий этилган.

Мажмуа ҳужжатларининг аксарияти мазмун жиҳатидан хусусий (шахсий) ҳужжатлар бўлиб, қозихоналарда тузилиб, қози муҳри билан тасдиқланган. Уларда турли шахслар орасидаги муносабатлар ўз аксини топган бўлиб, аксарияти савдо ҳужжатлари – «байъи бот-батот» ва «байъи жоиз» деб номланган. Уларда ер, уй, дўкон, устахоналар каби мулклар олди-соттиси қайд этилган.

Сон жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи ҳужжатлар «байъи жоиз» деб номланиб, уларда мулк (ер, уй ва бошқалар) кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага қўйилган.

«Ибро» номли, даъводан воз кечиш ҳужжатлари ҳамсон жиҳатдан кўп бўлиб, унда даъвогар ва жавобгар орасидаги баҳсни тўхтатилгани қайд этилади. Бу ҳужжатлар мазмунига кўра, даъвогарга жавобгар маълум миқдор пул бериш эвазига унинг даъвосини ҳайтариб олишга эришганини кўриш мумкин.

Бу мажмуада вақфномалар ҳам бор. Уларда масжид, қабристон, мадраса ва бошқалар учун турли кўчмас ва бошқа мулк-ер, дўкон, нақд пул ва бошқалар вақф қилингани қайд этилган. Вақфномалар ичida шундайлари ҳам борки, мазмунига кўра, вақф қилинган мулк фойда олиш мақсадида, бирорвларга ижарага берилган ва фойда хайрия идоралари ва уларнинг хизматчиларини моддий таъминлаш учун ишлатилган.

Шунингдек, ердан фойдаланиш, уни суғориш бўйича тузилган ҳужжатлар ҳам бор.

Ушбу қозихона ҳужжатлари ер ижараси, мерос тақсимоти, хатти никоҳ, васиятнома, тухфа, ҳомийлик тўғрисидаги ҳужжат, жанжалли масалалар, қўйди-чиқди муносабатлари, мулк учун мутасадди таъминлаш ва бошқалар бор. Шунингдек, қуллик масаласига оид ҳужжатлар ҳам бор. Улар 1873 йилнинг 12 июня қадар тузилган бўлиб, шу тарихда Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон Хива хонлиги ҳудудидаги барча қулларни расман озод қилиш тўғрисида фармон берган эди. Бу пайтда Хива хонлиги расман Россияга қарар бўлган эди. Ҳужжатлар ичida қарз, мол-мулкка берилган васиқалар ҳам бор.

Хусусий ҳужжатлардан бири (86-рақамли) Хива хони Сайид Муҳаммад Раҳим соний (1865-1910) ёрлиғи бўлиб, унда ўн учта хожалар – Муҳаммад ҳир Эшон авлодларини давлат солиқлари, солқут, олфут, ҳам би-

гар, ҳашар, қазув ишларидан озод этганилигини кўрсатди.

Ҳужжатлар орасида «ривоят» номи остида юридик, ҳукуқий ажримлар ҳам бор. Уларда фиқхий китобларга асосан хусусий мулк можаролари ажрим қилинган. Бундай ажримлар ушбу мажмуа ҳужжатлардан фарқли ўлароқ, «ривоят» лар йирик фақиҳлардан бир нечтаси, муфтий, раислар төмонидан ҳам тасдиқланган.

Ҳар бир ҳужжат тузиш учун маълум қонун - қоида, тартибга риоя қилинганини кўришимиз мумкин. Масалан, ҳужжатта дахлдор шахслар номлари аниқ-тиниқ кўрсатилади, уларнинг жойи, ер чегараси, уй, дўкон тафсилотлари қайд этилиб, уларга қўшни жой номлари, гувоҳлар ва ҳужжатни тузувчи котиб номи битилади. ҳужжат қози муҳри билан тасдиқланиб, тарихи ёзилади. Агар ҳошияга биронта қўшимча киритилса, у ҳам қози муҳри билан тасдиқланган.

Шундай қилиб, «Хива қозилик ҳужжатлари» мажмуаси Хива ҳонлигининг XIX аср ва XX аср бошидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ёритувчи бой маълумотларга эга.

12.2. Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатлар

12.2.1. Бухоро амири Ҳайдарнинг фармони

У абадий тирик!

Каттабек эшик оға⁵¹ га маълум ва равшан бўлсин ва (у) билсинки, мулоzимингиз Раҳимқулибекбий олижаноб, қутблар қутби жаноб хожа Аҳороннинг, қабри нурга тўлсин, Камонгарондаги вақф ерларига қасд қилган. Бу гапни (подшоҳ ҳазратларининг) олий узангисини ўпиш пайтида саодатмаоб эшон Олимгирхожа шайхулислом айтган.

Шунга асосланиб, Сиз жанобга буюрамиз:

Агар (ҳақиқатан) шундай қилинган бўлса, Аллоҳнинг лаънатига қолмаслик учун бу ишни дарҳол тўхтатсинглар, мазкур вақф ерни, мазкур фармони олийга асосланиб, эгасига қайтарилсин, (Фармонга) асло монеълик қилмасинлар.

12.2.2. Жуйбор хожаларининг ҳужжатлари

Жуйбор хожаларининг ҳужжатлари XVI асрга доир бўлиб, улар Бухоро ҳонлигининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Йирик ер-сув ва мол-мулк эгаси бўлган хожа Муҳаммад Ислом ва хожа Саъднинг, у хожа Калон номи билан машҳур

⁵¹ Эшик оға, эшик оғаси – саройбон, подшоҳ, ҳон саройига арз билан келувчиларни, шунингдек элчиларни кутиб олувчи мансабдор.

бўлган, жамиятдаги мавқеига оид ҳуқуқий ҳужжатлардир. Тўпламдаги ҳужжатлар форсий матни ва русча таржимаси П.П. Иванов (1893-1942) нинг тадқиқотлари билан 1938 ва 1954 йилларда икки жилд қилиб Санкт-Петербургда нашр қилинган.

Тўплам Жуйборий хожаларидан хожа Саъд (1531/32-1589)нинг молмулкига оид 288 ҳужжатдан иборат. Улар ер-сув, дўкон, ҳаммом, карвонсарой, тегирмон, ошхона ва бошқа даромад келтирувчи мулкнинг олди-соттисига оид васиқалардир.

Жуйбор хожалари ўз даврида катта мол-мулкка эга бўлган бой-бадавлат кишилар эдилар. Хожа Муҳаммад Саъд икки минг жуфти гов, 100 минг таноб ери, йигирма минг қўйи, минг бош туяси, бир ярим минг оти, йирик шаҳарларда кўплаб дўконлари, тимлари, тегирмон, ҳаммом, мойжувоз ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари бўлган. Булар Хожа калоннинг отасидан қолган мерос мулки, хонлар ва бой-бадавлат одамларнинг ҳайр-эҳсонлари, шунингдек сотиб олинган, зархарид мулкдир.

Кўйида ушбу тўпламдаги айрим ҳужжатлар матни ўзбек тилида келтирилди, токи талабалар улар тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлсинлар.

12.2.3. Васиқа

Ҳижрий 973 йил ражаб ойининг 22-кун (1566 й. 14 феврал)да амирзода Мирза Муҳаммад Шариф марҳум Муҳаммад Латиф Мирак ўғли, ўз мулкини қонун бўйича идора этишга ҳақ-ҳукуқли бўлгани учун, қонун-қоида бўйича мана бу арзни баён қилди: "Эски қалъя ташқарисида, Пули саррофон ёнида, мулла Ашраф масжиди кўчасида жойлашган, дўконими-ни, дўконча ёнидаги ошхонаси билан қўшиб, шунингдек у билан туташ бўлган еримни, ундаги бинолар ва нарсалар билан қўшиб, узил-кесил ва қонун-қоида билан хожа Калонхожага Муҳаммад Ислом ўғилларига соф кумушдан зарб қилинган 160 танга бадалига сотдим.

Ушбу мулк ғарб тарафдан марҳум хожа Юсуф Али саббоғ (бўёқчи) устод Садриддин саббоғ ўғлига тегишли дўконга, шимол тарафдан шаҳар наҳрига, жанубда бозор ёнидан ўтадиган катта жамоат йўлига туашгандир.

(Мазкур) васиқа қўйидаги гувоҳлар иштирокида тузилди:

Мавлоно Содик;
Устод Турди меъмор;
Хофиз Пахса;
Мир Қаландар;
Мавлоно Абдувоҳид;

Мавлоно Ҳусайннинг биродари саййид Муҳаммад;
Муҳаммад Латиф Ҳофиз Пахса ўғли;
Шайх Ҳасан Қоракўлий.”⁵²

12.2.4. Васиқа

Ҳижрий 960 йил шаввол ойининг 19-куни (1553 й. 29 сентябр).

Хожа Мир Ҳошим Малик Бухорий ўғли, ўзига қарашли мулкни қонуний равишда тасарруф этишга ҳақ-ҳуқуқли бўлгани учун, ўз ихтиёри билан ва қонуний равишда қуидаги арзни баён қилди: “Ўзимга тегишли бўлган ва Бухоронинг Эски қалъси ташқарисида, марҳум Абдулазизхон масжиди ёнида жойлашган, отхонаси ва сомонхонаси, тош ва ёғоч асбоблари бўлган тегирмонимни хожа Муҳаммад Ислом хожа Аҳмад ўғилларига соғ кумушдан зарб қилинган, вазни бир мисқоллик 170 кумуш тангага сотдим.

(Ушбу) мулк ғарб тарафдан (номи юқорида зикр этилган) харидорнинг уйи билан, шарқ тарафдан наҳр бўйи ва жануб тарафдан Мир Тайибхожа Малик ўғлининг ҳовлиси билан туташидир.

Гувоҳлар:

Хожа Сайд Ҳасан;
Мир Муҳтасиб;
Мавлоно Али имом;
Мир Тайиб”⁵³

12.2.5. Васиқа

Ҳижрий 966 йил зулқаъда ойининг 21-куни (1559 й. 25 сентябр).

Хожа Зинда Али арбоб хожа Юсуф ўғли... ўзига тегишли мулк ҳусусида қонуний тарзда ва қуидаги мазмунда арз қилди: “Бухоронинг Эски қалъаси ташқарисида, маҳсидўзлар бозорида, қалқон ясовчилар тимида жойлашган тўрт нафар дўконимни, узил-кесил ва қатъий савдо билан сотдим.

Унинг бир тарафи мамлакайи подшоҳийга,⁵⁴ иккинчи тарафи шаҳар ҳандақига,⁵⁵ учинчи тарафдан номи зикр этилган олувчига тегишли тегирмоннинг айвонига туташидир. Дўконга кириш йўли ҳам ўша тарафдан.

(Ушбу васиқа) қуидаги одамлар иштирокида тузилди:
Жўра Муҳаммад ҳожи Калон шайх ўғли;

Аҳмедов Б. Юқ. асар. 78-бет.

⁵³ Ўша асар. 78-79-бетлар.

⁵⁴ Мамлакайи подшоҳий – подшоҳ, хон девонига тегишли ер-сув.

⁵⁵ Ҳандақ - қалъя девори ташқарисига қазиб сув тўлатилиб қўйилган зовур, маҳсус мудофаа ишшооти.

Абдулмуҳаммад;
Муҳаммад Амин Абди Калонхожа ўғли;
Мир Фазулла;
Мавлоно Маҳмуд хатиб Калотий.”⁵⁶

12.2.6. Мажмуъайи васойиқ

“Мажмуъайи васойиқ” (“Васиқалар тўплами”) – Самарқанд қозихо-насига тегишли ва XVI асрнинг охирида тузилган ҳуқуқий ҳужжатлар, васиқалар тўпламидир. Унда жамъи 735 та ҳужжат бўлиб, хронологик жиҳатдан 1588-1591 йилларни ўз ичига олади. Ушбу ҳужжатлар турли ижтимоий-иқтисодий масалалар, мерос тақсимлаш, касб-ҳунар, шогирдлик билан боғлиқ, савдо дўконлари, ер-сув ва ҳовли-жойни ижарага қўйиш каби масалаларни расмийлаштиришга бағишиланган. Ҳужжатларнинг яна бир муҳим томони шундаки, уларда XVI асрда Самарқандда амалда бўлган касб-ҳунарлар, заргарлик, кулолчилик, рангрезлик, атторлик, кимухгарлик, читбофлик, сангтарошлиқ, шамширгарлик, қофоз ишлаб чиқариш, зардўзлик, саррожлик, дурадгорлик, кулоҳгарлик, саҳрофлик-муқовасозлик, хаттотлик, китобфурушлик ва тўқсондан ортиқ касб-ҳунар ҳақида маълумот мавжуд.

“Мажмуъайи васойиқ”нинг яхши қўллэзмаси ҳозирда ЎзРФА Шарқшунослик институтининг ҳазинасида 1386 тартиб рақами билан сақланмоқда. Ҳужжатларнинг бир қисми рус ва ўзбек тилиларига таржима қилиниб, чоп этилган. Абдурауф Фитрат ва В.С. Сергеев улардан фақат 36 нафарини таънлаб олиб рус тилига таржима қилганлар ва 1937 йили Тошкентда нашр этганилар. Ҳужжатлардан 237 таси, яъни таҳминан учдан бир қисми шарқшунос олим Б.Иброҳимов (1908-1978 йй.) тарафидан ўрганилиб, ўзбек тилига таржима қилинган эди. Бу иш 1982 йили Б.Аҳмедов, О.Жалилов, М.Каримова, Т.Файзиев ва Г.Остонова тарафидан нашрга тайёрланди ва чоп этилди. Ундан айрим намуналар қўйида келтирилди.

12.2.7. Хатти иқрор

Ҳижрий 997 йил зулҳижжа ойи бошида (1589 йил октябр ойининг биринчи ярмида) мулло Абдулбоқий Ҳожи боқий ўғли ўз амакиваччаси сағир Мирҳоди марҳум хожа Опоқ ўғли тарафидан унинг ишларини (қози) маҳкамасида амалга ошириш учун тўла ҳуқуқли эканлиги шаръян мулло Курбон Муҳаммад Али нажкорларнинг тўғри гувоҳликлари билан исбот қилингани ҳолда, Самарқанд шаҳри ва унга тобеъ ерларнинг қозилар қозисининг ноиби ва вилоятнинг адолатли ҳокими, Аллоҳ унинг со-

⁵⁶ Аҳмедов Б.А. Юқ. асар.80-81-бетлар.

ясини узун қилсинг, ҳузурига келиб, шаръан тўғри иқрор бўлдики, сафирнинг Самарқанддаги Масжиди нигорон маҳалласида жойлашган, чегаралари аниқ бўлган ва иморат қилишга яроқли бир бўлак ерини Мирза Дўстим Бахтибий ўғлига бир мисқоллик 63 динорга сотди.

(Ушбу) жойнинг чегаралари ғарбий, шимолий ва шарқий тарафдан жойни сотиб олувчининг ҳовлисига ва жануб тарафдан катта жамоа кўчасига туташдир.

Ҳар иккала тараф ўзига тегишлини олди, (яъни) олувчи жойни, сочувчи эса пулни олди. Шаръан келажакда (бир бирини) алдамаслик шарти билан мазкур жойнинг баҳоси шу кунлардаги нарх-навога тўғри ва адолатлидир. Ушбу савдода алдаш ва бузук шарт йўқ. Бу савдо сафирнинг кундалик эҳтиёжи ва нафақасига харж қилинади. Ҳар иккала томон юзма-юз туриб иқрор бўлдилар (ва тузилган хужжатни) тасдиқ қилдилар.

Ушбу савдо-сотиқ ишончли кишилар ҳузурида бўлди.

Қози муҳри.

12.2.8. Хатти иқрор

Ҳижрий 987 йил сафар ойининг, яхшилик ва зафар билан тамом бўлсин, 9- куни (1589 йил 18 декабр куни) Мирзо Ҳалим Мир Зинда Али ўғли жаноблари шаръан тўғри иқрор бўлди, шу хусусдаким, ўз ихтиёрида бўлган ва Самарқанд шаҳрининг Масжиди мулло шайх Муҳаммад девон номи билан машҳур бўлган маҳалласидаги бир бўлак ерини шаръан узил-кесил савдо билан, мулло Турсун Муллоқули ўғлига ҳозирги пайтда муомалада бўлган, тоза кумущдан зарб этилган бир мисқоллик 13 танга хонийга сотган.

(Мазкур) ернинг баъзи қисми ер олувчининг мулкига ва баъзи қисми Турсун зорорапазнинг ери билан туташ, тўрт тарафдан чегаралари маълум бўлиб, ғарби мулло Муҳаммад Сиддиқ мулло Абдукарим ўғлининг ҳовлисига, шимол тарафи Муҳаммад Шариф ибн хожа Аваз аттор ўғлининг, баъзиси Банда Али Шерали ўғлининг ҳовлиси билан жануб тарафи жамоат юрадиган кўчага туташ бўлиб, кириш йўли ҳам ўша тарафдадир. Ҳамма тарафининг белгилари кўриниб туриби.

Шариат бўйича ҳар икки тараф юзма-юз туриб ўзига тегишлини олди. Ушбу савдода алдаш, фириб бериш ва бузук шарт юз бермади.

Гувоҳлар:

Мулла Аҳмад Амин;

Мулла Аҳмад;

Мулла Абдумажид;

Мулла Абдурәҳим.

12.2.9. Васиқа

Хижрий 998 йил жумоди ул-аввал ойининг иккинчи куни (1590 йил 9 марта) устод Мұхаммадхұжа равғангар устод шайх Мұхаммад ўғли ўз тасарруфида бўлган даҳяки ерининг⁵⁷ ҳаммасини, Самарқанд атрофида ги, Мўғулдиза маҳалласида бўлган тўрт томони аниқ бўлган мулкини, тамом ҳақ-ҳукуқ билан Камолиддин Мир Тулак Кутбиддин ўғлига, янги бир мисқолли, тоза кумушдан зарб қилинган 175 тангага сотди.

Ушбу ернинг тўрт томон чегараси аниқ бўлиб, гарб тарафи мавлоно Боқи мулла Султон Мұхаммаднинг ерига, шимол тарафдан баъзи жойлари мулла ҳожи Султон Мұхаммад билан мулла Пирак Ёрмуҳаммад ўғли ўртасида шериклик ер билан. Баъзи жойлари машҳур Сиёб ариғи билан туташ. Шарқий тарафи Пирали Ражаб ўғлининг ерига ва жануб тарафи жамоат қатнайдиган кўчага тугашдир. (Ҳамма) белгилари маълум.

Олувчи мазкур ернинг адолат билан савдо бўлгани, сотувчи мулк бадалига тўланган ақчанинг, амалда бўлган пул эканлигини ва у эътиборли кишилар олдида бўлганлигини эътироф қилдилар ва иқрор бўлдилар.

12.2.10. Васиқа

Хижрий 998 йил жумоди ул-аввал ойининг 9-куни (1590 йил 16 марта) Ашурали Давлатқадам ўзи шаръян иқрор бўлди шу хусусдаки, Самарқанднинг ҳазрати хожа Салмон мозори маҳалласида жойлашган ўзимнинг ҳас-фурушлик дўконимни ва йигирма газ шахсий лалми еримни соф мисдан зарб қилинган, вазни бир мисқолли 30 тангага узил-кесил савдо билан Аваз мавлоно Солиқ ўғлига согдим.

(Мазкур) дўкон ва ернинг тўрт тарафдаги чегараси аниқ, чунончи гарбий тарафи ҳазрат Тоҳир тархон ерига, шимол тарафи жамоат йўлига туташ. (Ҳовлига) кириш йўли ҳам ўша тарафдан. Шимоли-шарқий тарафи шимолга ўхшаш, жануби Тоҳир тархоннинг ерига туташ. Ҳамма белгилари аниқ.

Шартга биноан ҳар икки томон ўз бадалини, яъни дўкон ва ер сотган –пулини, пул тўлаган – дўкон билан ерни олди.

Савдо адолатли бўлиб, фириб ва бузуқликлардан холидир. Ҳар иккила томон юзма-юз туриб, иззат-эътибор ила кишилар олдида мазкур савдонинг тўғрилигига иқрор бўлиб тасдиқ қилдилар.

Хижрий 997 йил шаввол ойининг 29-куни (1589 йил 13 сентябрда) Самарқанд шаҳри ва унга қарашли вилоятнинг адолатли ҳокими ҳузурида, Аллоҳ унинг соясини узун қилсин, Момо Султон Бекмуҳаммад қизига,

⁵⁷ Даҳяки ер – олинган даромаднинг ўндан бири миқдорида солиқ олинадиган ер.

ушбу тарихдан бошлаб ҳар куни 2 динор майда мис танга маош тайинланди, шунинг учунким фақир сафир Фўлод Муҳаммад Ҳўжамберди ўғлини кийинтириб ва овқатлантириб турсин.

Васиқа холис кишилар ҳузурида тузилди.

12.2.11. Васиқа

Ҳижрий 1000 йил раби ул-аввал ойининг 11-сида (1591 йил 28 декабрда) хожа Ҳусайннинг қизи Оға Ҳовандзода шаръян тўғри иқорор бўлди, шу тўғридаким, тасарруфида бўлган битта бўғдорйранг, очиқ чеҳрали ўргадан сал юқори бўйли, соғлом, тахминан 17 ёшлардаги Давлатбаҳт исмли хоназот канизагимни соғ кумушдан зарб этилган бир мисқолли 140 танга бадалига мутлақ озод қилдим. Ва юқорида тилга олинган Давлатбаҳт у берган озодлик туфайли тўла озод бўлиб, ҳур кишилар қаторига қўшилди...

Васиқа холис кишилар ҳузурида тузилди.

12.2.12. Терма ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондида, Ўзбекистон Республикаси Марказий тарих архивида, Бухоро ўлкашунослик музейи ва Абу Али июн Сино номидаги Бухоро кутубхонасида сақданаётган ҳужжатлар: фармонлар, ҳукмномалар, иноятномалар, васиқалар, олди-сотти ҳақидаги ҳужжатлар ва ажримлардан иборат бўлиб, улардан О.Д.Чехович 51-тасини танлаб олиб, рус тилига таржима қилиб, матни билан қўшиб, 1954 йили “Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII – XIX вв.” номи билан алоҳида китоб қилиб чоп этирди.

Китобда келтирилган ҳужжатлар Аштархоний ҳукмдорлардан И момкулихон (1611-1642 йй.) билан Убайдуллахон соний (1702-1711 йй.), манғит сулола вакиллари амир Ҳайдар, амир Музаффар ва Насруллоларнинг фармонлари, ҳукмномалари XVII асрда ўтган йирик ер ва мулк эгалари бўлмиш Ялангтўшбий, Аллоҳёр девонбеги, Одина Муҳаммаджонларга тегишилдири.

Ҳужжатлар ер-сувни солиқлардан озод қилиш, ерни сотиш, гаровга кўйиш - васиқаи жоиз, ерни сотиб олиш ва уни имтиёзли мулкка айлантириш - васиқаи мубодила, ерни инъом қилиш - васиқаи бахшиш, таҳоҳ, мулкни ижарага бериш - васиқаи ижара, маълумот етказиш - ариза ва бошқа масалалар ҳақидадир. Уларнинг ичida алоҳида хирож олинидиган ва давлат ерларини мулки хурри холисга айлантириш, яъни солиқлардан озод этиш ҳоллари учрайди.

Бу тўплам мамлакатимизнинг ўша давридаги ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Куйида мазкур тўпламдан мисоллар келтирамиз.

12.2.13. У (Худо) ғанийдир!

Абулғози Имомқули Баҳодирхон сўзимиз!

Бахтиёр биродарлар, саодатли фарзандлар, зулиқтидор⁵⁸ амирлар, кифоят асар вазирлар, Самарқанд вилоятининг аъёнлари, арбоблари ва қалонтарлари⁵⁹ билсингларки, шу кунларда баҳтиёр хоқоннинг арзига етдиким, амирлар суюнчифи, Ялангтӯшибийнинг зикр этилган вилоятнинг (Самарқанднинг) туманларида сотиб олган ерлари бор. Шариат қоидаларига кўра унинг бир қисмини давлат ҳисобига ўтказганлар, икки қисмини эса мулки хурри холисга⁶⁰ айлантирган ва бу ҳақда унинг қонуний ҳужжати (чеки) бор. Бинобарин, биз мазкур амлокни⁶¹, юқорида тилга олинган ҳужжатларга асосан, унга иноят қилдик.

Мазкур амлокни унинг мулки хурри холис деб ҳисобласинлар ва ҳеч ким унга дахл қилмасин, ундан бирон нарса талаб қилмасин. Моли жиҳот, ихроҳот⁶² ва бошқа олиқ-солиқ талаб қилинмасин.⁶³

12.2.14. У (Худо), ягонадир!

Ҳукми олий содир бўлдики, Тобон деган ердаги даҳяқ ер Муҳаммад Замонхожанинг мулки ва ўғли Чангакнинг мерос мулки бўлганлиги, шу кунларда Чакчак вафот этганлигини эътиборга олиб, юқорида зикр этилган ерни юқорида исми шарифи тилга олинган шахсга (Муҳаммад Замонхожага) инъом қилдик.

Девон хизматчилари ушбу ерни дафтарга, Муҳаммад Замонхожаномига ёзиб қўйсинлар ва мазкур иноятномага ҳурматсизлик қилмасинлар.

Имомқули Баҳодирхон
(ҳижрий) 1036 йил.

⁵⁸ Зулиқтидор – иқтидор (куч-қудрат) эгаси.

⁵⁹ Қалонтар – қишлоқ, даҳа оқсоқоли.

⁶⁰ Мулки хурри холис – солиқ ва бошқа тўловлардан озод этилган ер-сув.

⁶¹ Амлок – мулкнинг кўплиги, нуфузли ва бой-бадавлат шахс қўлида тўпланган катта ер-сув. Бир қисми алоҳида хизматлари учун ҳукумат тарафидан инъом қилинган бўлиши ҳам мумкин.

⁶² Ихроҳот-саройнинг кундалик ҳаражатлари учун раиятдан тўпланадиган маҳсус йигим.

⁶³ Аҳмедов Б. Юқ. асар.87-88-бетлар.

12.2.15. (Ҳукмиома)

Ху, Аллоҳ ал-мустаъин!

Абулмузаффар ва-л-мансур Убайдулла Баҳодирхон сўзимиз!

Бухоронинг Пойариқ (тумани) ҳокимлари, омиллари(омил-қишлоқ оқсоқоли), кадхудолари(оила бошлиғи), элликбошилари, ўнбошилари, шунингдек Шомуҳаммад қишлоғининг кадхудоларига маълум бўлсин-ким, Работак қишлоғидаги 46 таноб ер мулла Мир Шофеъга тааллуқли эканлиги ҳақида берилган шаръий чекка асосан уч қисмга бўлинган эди. Шу кунларда у вафот этган. (Шунинг учун) мазкур ерлар мерос сифатида унинг ўғли Ўзбекхожага тааллуқли деб топилган ва унинг тарафидан тасарруф қилинмоқда ва ҳамма солиқлардан озод этилган.

Шунинг учун бирон важҳ билан дирҳам, ёки динор тўламаган.

Шу сабабдан буюрамиз. Ушбу ерларни қадимдан мулки хурри холис ҳисоблаб, ундан танобона, аворизот ва бошқа олиқ-солиқ талаб қилин-масин. Айтилганлардан ташқарига чиқмасинлар ва ундан янги ҳужжат талаб қилмасинлар.

12.2.16. У, Аллоҳ!

(Ҳижрий) 1131 йил сафар ойининг (1718 й. декабр ойининг...), оли-жаноб ва шуҳрат топган Ёрмуҳаммад қоравулбеги марҳум Тиловбий ўғли мана бу эътиборли (ҳужжат)ни тақдим этди:

“Унда бундай дейилган: Кеш вилоятига қарашли Улуғ ўғил деган жой-даги давлатга қарашли ёбисаларни⁶⁴ ўз ичига олган ерларни, бу ерлар гарб тарафдан қисман Қора ботқоқ билан ва қисман Туғи деган ер билан, шимол тарафдан Қашқадарё билан, шарқ тарафдан қисман Хосёр ва қисман Балхиён билан, жануб тарафдан Хожакент билан туташ, (ораларида-ги) масофа ҳар тарафдан аниқланган ёбиса ерларни ёбиса сифатида оли-жаноб, гозийлик рутбаси билан шарафланган ва Аллоҳ тарафидан маг-фиратланган Фози чуҳра оқоси⁶⁵ Шер чуҳра оқоси ўғлига, у ердаги барча чорполар⁶⁶ ва уч гарам қилинган бичан билан, унинг мулки деб ҳисобланади.

Бундан буён ушбу ёбисага бизнинг даҳлимиз йўқдир. Ўша куни ва ўшал соатда буни юқоридаги тилган олинган Фози чуҳра оқоси ҳам ишон-чили гувоҳлар ҳузурида тасдиқлади.

Ушбу келишувда иштирок этган гувоҳлар:

Олижаноб охунд мулла Муҳаммад ўғли;

⁶⁴ Ёбиса - қўриқ ер.

⁶⁵ Чуҳра оқоси – хон қўриқчилари бошлиғи.

⁶⁶ Чорпо – тўрт оёқли жонворлар.

Қодирберди удаичи⁶⁷;
Турсунхожа садр⁶⁸;
Мирза Абдулла чұхра боши;
Ниёз арбоб ва бошқалар.
Хаммаси 16 киши.”⁶⁹

12.2.17. Ҳу, аллоҳ ал-мустаъон!

Абулмузаффар ва-л-мансур саййид Убайдулла баҳодирхон сүзимиз! Бухорға қарағы Пойируд (тумани)нинг ҳокимлари, аъмоллари, арбблари, қадхудолари, эллиқбошилари ва ўнбошилари ҳамда Шоҳмуҳаммад қишлоғининг қадхудолари билсилларки, Работак қишлоғидаги қонуний ҳужжат асосида қадимда мулки хурри холисга айлантирилган 46 таноб ер эшонимиз мулла Мир Шофеъга тегишли бўлган. У ҳозир вафот этган. Бу ер мерос тариқасида унинг ўғли Ўзбекхўжага ўтган. У ҳозирда шу ерга эгалик қиласи ва солиқлардан озод қилинган, бирон дирҳам ёки динор тўламайди.

Шу важҳдан буюраман. Бу ерлар бундан кейин ҳам мулки хурри холис ва солиқлардан озод этилган деб ҳисоблансан; танобона, аворизот, таклифот ва қора хат ҳамда мардикор бериш мажбуриятлари хусусида ундан бирон дирҳам ёки динор талаб қиласинлар. Бундан бўён бу ерларда қарвон тўхтамасинлар. Фармонни бузмасинлар ва ҳар йили янги ҳужжат талаб қиласинлар⁷⁰.

12.2.18. Амир Насрулло⁷¹ ҳукмномаси

Ҳукми олий содир бўлдики, Қоракўл вилоятидаги Зиёрат ариғи бўйларида жойлашган ва Абдураҳим миробга тегишли таҳминан 100 танобдан иборат даҳяқ ер юқорида исми шарифи зикр этилган Абдураҳим миробга тегишли деб билсиллар ва олий ҳукмга биноан унинг мулки деб билсиллар. Солиқ йигувчилар ва доругалар⁷² унга даҳл қиласинлар ва олиқ-солиқ хусусида аралашмасинлар; мазкур олий ҳукм асосида иш юритсинлар.

Ҳижрий 1212 йил зулҳижжа ойида
(1798 йилнинг май ойида) ёзилди.⁷³

⁶⁷ Удаичи – уруш пайтида навкар ва қўшиннинг тўғри тақсимланиши билан шуғулланган.

⁶⁸ Садр – Бухорои шарифнинг ичкари қисмida жойлашган вақфларнинг ҳисобкитоби билан шуғулланувчи мансабдор.

⁶⁹ Аҳмедов Б. Юқ. асар. 89-90-бетлар.

⁷⁰ Ўша асар. 90-бет.

⁷¹ Амир Насрулло – Мангитлар сулоласидан чиққан ҳукмдор (1826-1860 йй.).

⁷² Доруга – шаҳарнинг ҳарбий бошлиғи.

⁷³ Аҳмедов Б. Юқ. асар. 91-бет.

12.2.19. (Ижара акти)

Ушбу ҳодиса ҳижрий зулқаъда ойида (1856 й. июл ойида) содир бўлди. Бухоронинг Сомжин туманида, Ҳоки мулло Мирза деган жойдаги ва мулла Мир маҳрамага ёзилган таҳминан 5 таноб даҳякий ернинг ўндан бир қисмига бериладиган даромаддан ажратиб мулла Абдураҳим мулло Абдураҳмон ўғлига (бир йил муддатга) ижарага берилди.

Мазкур ҳужжат қуидаги гувоҳлар иштирокида тузилди:

Мулла Аваз;

Боқийхожа;

Арбоб Абдузоҳир;

Арбоб Йўлдош;

Аллоҳбердибой;

Ҳодибой;

Ҳакимбой ва бошқалар.⁷⁴

12.2.20. Расмий ёзишмалар

Расмий ёзишмалар, яъни хонлар, подшоҳлар, амирлар, тариқат етакчилари ва шоирлар ўргасидаги ёзишмалар ҳам тарихий манба бўлиб хизмат қиласиди ва унинг ҳам ижтимоий-сиёсий тарихни ўрганишдаги аҳамияти каттадир. Улар, айниқса мамлакатдаги ички вазият ва мамлакатлараро муносабатларни ўрганишда тадқиқотчиларга катта материал беради. Шундай мактублардан кўплари ўз вақтида кўчирилиб китобат қилинган ва улардан бирмунчалари бизнинг замонимизгача етиб келган. “Мактуботи Темурия” (“Темурийларнинг мактублари”), “Мажмуайи муросилот” (“Мактублар тўплами”) ва бошқалар шулар жумласидандир.

12.2.21. Мактуботи Темурия

“Мактуботи Темурия” ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондида 2278 рақам остида сақланаётган, 191 варақли XVI асрда китобат қилинган мактублар мажмуасининг номидир.

Эронлик олим Абулҳусайн Навоий мазкур мажмууга Эрон, Туркия, Озарбайжон ва Форс ҳукмдорларининг хатларини ҳам қўшиб, 1991 йили “Иснод ва мактуботи тарихи Эрон (аз Темур то шоҳ Исмоил” номи билан нашр этган. Мазкур тўпламга Амир Темур ва Темурийлар (Шоҳруҳ, Султон Ҳусайн ва бошқалар)нинг Форс, Озарбайжон, Ироқ ва Туркия ҳукмдорлари билан ёзишмалари жамланган.

⁷⁴ Ўша жойда.

Бу ёзишмалар Амир Темур ва Темурийларнинг мазкур мамлакатлар билан бўлган сиёсий муносабатлари тарихини ўрганишга, хусусан Амир Темурнинг 1381-1404 йиллари Эрон, Ироқ, Озарбайжон, Суря ва Туркия устига қилган ҳарбий юришларининг сабоқларини тўғри англашга ёрдам беради.

Мазкур тўплам Ҳайдар ва Эр ўғлиниңг “Мажмуайи муншаот”, хожа Шаҳобиддин Абдулла Марвориднинг “Муншаот”, Фрудунбекнинг “Муншаоти Фридунбек” асарларига ҳам асосланган.

“Мактуботи Темурия” хуросонлик машҳур шайх, Амир Темурнинг пирларидан бири Зайниддин Абубакр Тайбодий (1395 иили вафот этганинг ўз муриди Амир Темурга йўллаган бир тарихий мактуби билан бошланади. Амир Темур бу мактубни “Темур тузуклари”нинг “Тадбирлар ва кенгашлар” деб аталган биринчи мақоласида келтирган. “Тузуклар”да келтирилган мазкур мактуб ҳақида, хусусан, мана буларни ўқиймиз: “Пирим Зайниддин Абубакр Тайбодий менга ёзмисларким, “Абулмансур Темур салтанат юмушларида тўрт ишни кўлласин, яъни 1) кенгаш; 2) машваруту маслаҳат; 3) ҳушёрлигу малоҳазакорлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки, кенгаш ва машваратсиз салтанатнинг барча қилган ишлари ва (подшоҳнинг) айтган гаплари хато бўлган. Ундан подшоҳни жоҳил одамга қиёслаш мумкин. Унинг сўзлари ва қилмишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтирган. Шундай экан, салтанатни бошқаришда, машваруту маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Яна шуни ҳам билгинким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлгай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиши билан битур. (Хуллас) тадбирлардан огоҳ қилингандан кейин шуни ҳам айтиш жоиздурким, қатъийлик, сабр-тоқат, чидамлилик, ҳушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижаот билан барча ишлар амалга оширилгай. Вассалом.” Амир Темур пирининг бу ўғитларига умр бўйи, бутун фаолияти давомида амал қилди. “Бу мактуб,-деб ёзади ҳазрат соҳибқирон,-менга йўл бошловчи янглиғ раҳнамолик қилди. У менга салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш билан, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтирилишини англатади”⁷⁵

“Тўплам”даги қуидаги мактублар Амир Темурнинг Эрон(Форс), Озарбайжон ва Туркияга нисбатан 1381-1404 йилларда олиб борган сиёсатини ва номлари санаб ўтилган мамлакат ҳукмдорларининг Амир Темурга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш хусусида олиб борган сиёсатини тупунишда ёрдам беради:

⁷⁵ “Темур тузуклари”.-Тошкент, 1996. 25-бет.

Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад жалоир (1382-1410)нинг Форс ҳукмдори Музаффарий Шоҳ Шужоъ (1359-1384)га ёзган мактуби;

Озарбайжон ҳукмдори Қора Юсуф (1389-1420)нинг Йилдириим Боязид I (1389-1402) га йўллаган мактуби;

Йилдириим Боязид I нинг Қора Юсуфа жавоб мактуби;

Шоҳ Шужонинг биродарзодаси Шоҳ Мансур (1387-1393) нинг Йилдириим Боязид I га ёзган хати;

Йилдириим Боязид I нинг Шоҳ Мансурга жавоб мактуби;

Амир Темур кўрагоннинг Гилон ҳокими Мир Сайд Алига мактуби;

Султони Аъзам Амир Темур кўрагоннинг Саййид Али Киё бузургга (Гилон) юборган хати;

Саййид Али Киё бузургнинг Амир Темурга ёзган жавоб хати;

Амир Темур кўрагоннинг Бағдод подшоси Султон Аҳмад Жалоирга йўллаган мактуби;

Бағдод подшоси Султон Аҳмад Жалоирнинг ҳазрат Амир Темурга жавоб мактуби;

Амир Темур кўрагоннинг Миср подшосига ёзган мактуби;

Султон Аҳмад жалоирнинг Йилдириим Боязид I номига йўллаган мактуби;

Йилдириим Боязид I нинг Султон Аҳмад Жалоирга юборган жавоб хати;

Қора Юсуф Қорақўюнлуниң Йилдириим Боязид Iга юборган номаси;

Амир Темурнинг Йилдириим Боязид Iга йўллаган йўллаган биринчи мактуби;

Султон Йилдириим Боязид I нинг Амир Темурга густохона жавоб хати;

Амир Темурнинг Рум қайсарига ёзган иккинчи мактуби;

Рум подшоси Йилдириим Боязид I нинг Амир Темурга ёзган жавоб хати;

Амир Темурнинг Рум қайсари Йилдириим Боязид I га йўллаган учинчи мактуби;

Йилдириим Боязид I нинг Амир Темурга жавоб мактуби;

Амир Темурнинг Султон Боязидга йўллаган тўргинчи мактуби;

Султон Йилдириим Боязид I нинг ҳазрат Амир Темурга йўллаган жавоб мактуби;

Амир Темурнинг Йилдириим Боязид I га сулҳ тақлиф қилиб Мароғадан жўнаттган мактуби;

Султон Боязиднинг Амир Темурга юборган жавоб хати⁷⁶

12.2.22. Мактуботи Алломий

“Мактуботи Алломий” – “Мактуботи Абулфазл”, “Иншойи Абулфазл” (“Абулфазл (Алломий) тарафидан битилган (ва кўчирилган) мактублар”) и деб ҳам аталади. Мактубларнинг асосий қисми Бобурийлар салтанати (1526-1858)нинг атоқли подшоҳларидан Жалолиддин Ақбар (1556-1605) номидан, бир қисми вазир ва йирик тарихчи олим Абулфазл ибн Муборак Алломийнинг шахсий мазмундаги мактубларидан иборат. Тўплам уч қисмга бўлинган. Ундан бизга учдан икки қисми, яъни иккита дафтари етиб келган, холос. У Алломийнинг қариндоши Абдусамад ибн Афзал Муҳаммад томонидан тузилган.

“Мактуботи Алломий”да 1586-1596 йилларда Бухоро ва Балх хонликлари билан Бобурийлар давлати (Ҳиндистон) ўргасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида ўта қимматли маълумотларни учратамиз. Маълумки, ўша йиллари Ҳиндистоннинг нафақат Бухоро ва Балҳ хонликлари, балки Эрон билан ҳам муносабатлари жиддий тус олган эди. Агар Бобурийлар билан Шайбонийлар давлатлари ўргасидаги сиёсий муносабатлар Бадаҳшон туфайли, тўғриси Бадаҳшонни ўз ҳукмронлигига киритиб олиш хусусида бир қадар бузилган бўлса, Сафавийлар Эрони билан Ҳиндистон ўргасидаги муносабатлар катта сиёсий-стратегик аҳамиятга эга бўлган Қандоҳор хусусида бирмунча бузилиб қолган эди.

Мажмуадаги мактубларда мана шу чигал масалаларнинг моҳиятини тушунтириб бера оладиган далилий маълумотлар кўп. Бу жиҳатдан Ақбарнинг Абдуллаҳонга йўллаган учта мактуби ва Абдуллаҳоннинг мавлоно Мир Қурайш, Аҳмад оталиқ бошчилигига Ҳиндистонга юборган элчилиги, ва Бухоро элчиси олиб борган мактуб, ва Ақбарнинг Балҳ билан Бухорога хожа Афзал, Ҳаким Ҳумом ва Мир Садрижаҳон бошчилигига йўллаган элчиликлари хусусида қимматли маълумотлар келтирилган.

Яна бир муҳим масалани ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Мактубларнинг бирида келгусида тутиладиган сиёsat хусусида икки давлат – Бобурийлар давлати ва Бухоро хонлиги ҳукмдорларининг маҳсус учрашувини ўюштириш масаласи кўтарилади.

“Мактуботи Абулфазл” мажмуасининг яхши бир қўлёзма нусхаси (тартиб рақами 290, 154 вараг) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд.

12.2.23. Мураққаъий Мир Алишер

“Мураққаъий Мир Алишер” ёки “Мажмуаъий муросилот” (“Мактублар тўплами”) ўз даврининг нуфузли руҳонийлари – Абдураҳмон Жомий (1414-1492), хожа Убайдулла Аҳрор (1404-1492), хожа Аҳрорнинг

ўғли хожа Муҳаммад Яҳё (1500 йили ўлдирилган), хожа Аҳрорнинг сафдоши ва куёви Мир Абдуллауввал Нишопурний (1495 йили вафот этган) ва бошқаларнинг Султон Абу Сайд Мирзо (1451-1469), Султон Ҳусайн Мирзо ва Алишер Навоийга йўллаган мактубларини ўз ичига олади.

Ушбу тўплам Алишер Навоий томонидан тузилгани учун “Мураққабий Мир Алишер” ёки “Навоий альбоми” номи билан ҳам аталади. Тўплам XIX асрнинг йирик зиёлиларидан бири Бухоро қози калони Шарифжон Махдум садри Зиё кутубхонасида бўлган ва ундан Алишер Навоий номидаги Халқ кутубхонасининг Шарқ кўлёзмалари бўлимига, ва ундан кейин – 1943 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти кўлёзмалар фондига ўтказилган. У 2178 тартиб рақами билан сақланмоқда.

Тўпламда Абдураҳмон Жомийнинг хатлари 334 та бўлиб, улар шахсий мазмунда. Кўпчилиги ҳар хил илтимосномалардан иборат. Уларда солиқ ва жарималарнинг оғирлиги ва солиқ йиғувчиларнинг зулму бедодлиги, Темурийзодаларнинг ўзаро низоси туфайли мамлакат ва халқ аҳволининг оғирлашгани, шунингдек, мадраса талабаларига ёрдам бериш тўғрисидаги Алишер Навоий, Султон Ҳусайнга илтимосномалардан иборат.

Хожа Аҳрорнинг мактубларига келсақ, улар 128та бўлиб, улар мазмунан Абдураҳмон Жомий хатларига ўхшашиб. Уларда Мовароуннаҳр ва Хурросоннинг XV асрнинг II ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Самарқанд ҳокими Султон Абу Сайд Мирзо ва Хурросон подшоҳи Султон Ҳусайн Мирзо (1469-1506) ўртасидаги оғир муносабатлар, солиқ ва жарималар, хусусан тамға солигининг оғирлиги ва уни имкони бўлса, бекор қилиш масалалари кўтарилади. Тинимсиз ҳарбий юришлар ва ўзаро урушларнинг пировардида фожеага олиб келишини Темурийларга уқдиришга ҳаракат қилинади. Масалан, Хожа Аҳрор Султон Абу Сайдга йўллаган бир мактубида уни Озарбайжон устига, унинг ҳукмдори Қора Юсуф устига қўймоқчи бўлган юришига қарши чиқади. Мактубда, “Ҳаргиз аз Марв магузарид” (“Ҳаргиз Марвдан нарига ўтмасинлар”) деб очиқ огоҳлантиргани ёзилган. Маълумки, ўша юриш натижаси Султон Абу Сайд учун фожеа билан тугади. 1469 йилги жангда у ҳалок бўлди.

12.2.24. Сайид Амир Ҳайдар Баҳодирхон мактублари

Сайид Амир Ҳайдар Баҳодирхон мактублари ёки “Мажмуъайи мактуботи Сайид Амир Ҳайдар Баҳодирхон” номли тўпламда Манғитлар сулоласи (1753-1920)нинг йирик намояндадаридан бири Амир Ҳайдар

(1800-1826) нинг ўзига яқин амирларидан Мұҳаммад Иноққа⁷⁷ (кейинча олий қушбеги⁷⁸) йўллаган турли масалаларга доир муборакномалари⁷⁹, иноятномалари⁸⁰ ва бошқа 900 га яқин 10 йил давомида, 1814-1824 йиллар ёзилган мактублари, жамланган. У 464 варақли, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлләзмалар фондида 2120/II тартиб рақами билан сақланмоқда. XIX асрнинг биринчи ярмида кўчирилиб, китоб ҳолига келтирилган.

Ҳакимбий иноқ кўп йиллар давлат хизматида бўлиб, амир Ҳайдарнинг ишончини қозонган. Унинг ўлимидан (1826) кейин таҳт вориси шаҳзода Умарга хиёнат қилиб, Арк дарвозасини 1723 йилдан бери Қаршида ҳоким бўлиб ўтирган шаҳзода Насрулла тўрага очиб берган. Ҳакимбий қушбеги 1739 йили Эрон подшоҳи Нодиршоҳ (1736-1747) аскарига Қаршини, кейин Бухорони топширган.

Мактубларда Бухоро амирининг маъмурий-хўжалик фаолияти, шунингдек, унинг даврида амалда бўлган қонун-қоидалар, ер эгалигининг турлари, суюрғол, танҳо, мулки хуррий холис ҳамда солиқлар-хирож, закот, ушрлар ҳақида муҳим маълумотларни учратамиз. Қуйида мисол тариқасида, ўша мактублардан баъзиларини келтирамиз.

“Хоқоннинг ҳурматига сазовор бўлган, давлатнинг ишончли одами Мұҳаммад Ҳакимбий меҳтар⁸¹ билсинларки, якшанба куни сиҳат-саломат Қаршига келиб қўндиқ. Иншоаллоҳ, (келаси) якшанба куни Смарқандга жўнаймиз. Бизга лозим бўлган ва (жанобларига) тайин қилинган нарсаларни олиб, агар Қаршига келолмайдиган бўлсалар, Ўрта чўл ва Хузор Буға орқали ҳузуримизга етиб келсинлар. Мадрасайи олийга вақф этилган “Хазонайи муфтадийн” отлиғ китобни меҳтардан талаб қилиб олсинлар ва толиби илмларнинг қўлига топширсинлар.”

“Амирлик паноҳи, вазирликдан огоҳ бўлган, хоқоннинг яқин одами, марҳаматга лойиқ... хоқон ҳазратларининг марҳамати туфайли зўр ҳурмат топган Мұҳаммад Ҳакимбий иноқ билсинларки, Абдурасул тўқсанбо⁸², Сафар баҳодир, Ҳусайн, Алибек ясовул⁸³, Фармонбой, Холбой, Нор-

⁷⁷ Иноқ - қўшинни қуроллантириш ва уни юриш пайтида ва жанг олдидан жойжойига жойлаштирувчи олий мансабдор.

⁷⁸ Қушбеги – тўғриси қушбегийи кулл, олий ҳукмдор турадиган жой мутасаддиси, сарой вазири.

⁷⁹ Муборакнома – бирон мансабга тайинланиши ёки зафар қучганлигини табриклаб юбориладиган мактуб.

⁸⁰ Иноятнома-бирон мулк бериш ёки мансабга кўтариш.

⁸¹ Меҳтар-бошлиқ, бирон давлат муассасаси, қурхона-қурол-аслаҳа омбори, тўшакхона – подшоҳ, хон хобхонаси учун зарур бўлган ашёлар омборининг бошлири.

⁸² Тўқсанбо-подшоҳнинг олий мансабдорларидан, вазифаси шароитга қараб ўзгариб турган.

⁸³ Ясовул-кичик лавозимдаги сарой хизматчиси.

бўта, Мурод, Шомурод ва Тошниёз, ҳаммалари ўн киши бўлиб, закот⁸⁴ йиғиши учун жўнаб кетишган. Улардан қайси бири олти тилло йиққан бўлса, ёзиб юборсинглар.”

Ҳижрий 1224 йил.

“Амирлик таянчи, вазирлик аҳволидан огоҳ бўлган, хоқоннинг яқин одами, баланд мартабалик Муҳаммад Ҳакимбий иноқ, хоқоннинг марҳаматидан сарфароз бўлганлар, билсингларки, алҳамдулиллоҳ ҳол-аҳволимиз соғ-саломатлик ва шод-хуррамлик даражасидадир, муборак хотиримиз жамулжамдир.

Сониян, маҳфий қолмасинки, қутлур узангига юборган арзнома етиб келди. Унинг мазмунидан огоҳ бўлиб, хурсандлик ҳосил бўлди. Ва яна (бilsinlарки), Пашогир тепасига Хўқанд лашкари келиб тушган эди. Биз тарафдан унга қарши лашкар юборганимиздан кейин (душман) зафар асар лашкарнинг қорасини кўриши ҳамоно, юзини чекиниш сари ўгирди ва бизга дохил бўлишга тоб беролмай орқага чекинди.

(Ва яна) Ялангтўшон ҳузуридан икки нафар чўри келган экан, уларга қараб турсинглар.

Ва яна, қачонки, биз тарафдан ул вазирлар таянчи тарафга (Ялангтўшон тарафга) одам юбориладиган бўлса, ёки у тарафдан иноятнома келса, унга рухсат бериб ўтказиб юборсинглар. Иноятномада ёзилгандарга амал қилинглар. У тарафдан юборилган сарупо ва совғаларни эҳтиёт қилиб бир минг танга закот ва 1080 танга хирож⁸⁵ ҳисобидан бизга тегишилиси ни бериб юборсинглар.

Ва яна, Эшмурод ўнбошига жавоб бердик. Кўрган-билган ва эшитганлари хусусида ўзи сўзлаб беради.”

Ҳижрий 1229 йил.

“Вазирлик суяничиғи, амирлик ўрни, хоқон ҳазратларининг яқин одами... Муҳаммад Ҳакимбий иноқ билсингларки, олий оstonага юборган арзномалари етиб келди. Унинг мазмунидан огоҳ бўлганимиздан кейин, алҳамдулиллоҳ муборак хотиримиз ҳар важдан хотиржам бўлди.

Ва яна (шуни маълум қиласизки) чоршанба куни, мазкур ойнинг 25-куни ҳолимизга қараб ҳалифалик эшлиги (бўлмиш) Каттақўронга жўнаймиз. Саркарда, маҳрам, хоссабардор, қалмоқлар ва бошқа амалдорларга меҳрибонлик кўрсатиб, Бухоройи шарифга боришлари учун ижозат бердикки, бирон киши уларга дахл қиласин”

Ҳижрий 1248 йил.

⁸⁴ Закот-йилда даромаднинг қирқдан бир улуши миқдорида олинадиган солиқ.

⁸⁵ Хирож-асосий солиқлардан, даромад солиғи, одатда даромаднинг учдан бир қисмини ташкил этган.

“Вазирлик таянчи, амирлик ўрни, (ҳазрат) хоқоннинг яқин кишиси... Муҳаммад Ҳакимбий иноқ, хоқон ҳазратларининг марҳаматлари сарфароз бўлганлар, билсинарки, мулла Солиҳбойни, Шариф тўқсанни, Худойберди миrzабошини⁸⁶, Шарифхожа ва Мусобекни, Лочин маҳрам⁸⁷, мулла Муҳаммад мулла Восеъ ўғлига рухсат бериб жўнатдик, Қаршига етиб боргандирлар. Ёзиб юборилган кўрсатмага амал қилинлар.”

Ҳижрий 1231 йил, муҳаррам ойининг 17-си.

“Вазирлик таянчи, амирлик ўрни, (ҳазрат) хоқоннинг яқин дўсти... Муҳаммад Ҳакимбий иноқ, ҳазарат хоқоннинг марҳаматлари билан сарфароз этилган эдилар, билсинарки, Урганчдан келган элчилар то эсономон Бухорий шарифга етиб олгуналарича (уларга) озиқ-овқат ва емхаптак берсинарки... Бопшак гапларни ҳумоюн эгар қопидан тутгандарида айтилади. Вассалом”

“Вазирлик таянчи, амирлик кўмакчиси... Муҳаммад Ҳакимбий иноқ, хоқон (ҳазратлари)нинг марҳаматларидан сарфароз этилганлар, билсинарки, саёдат паноҳ Муҳаммад Сиддиқхожа судурни⁸⁸ хоннинг фарзанди ҳисоблаб, амлок билан сийладик.”

Ҳижрий 1229 йил.

12.2.25. “Силсилат ас-салотин” асарида мактублар

“Силсилат ас-салотин” асарида Шайбонийлар ва Аштархонийлар ҳукмронлиги даврида Бухоро ва Балх хонлари, Эрон подшоҳлари – Сававийлар ва Ҳиндистондаги Бобурийлар ўртасида олиб борилган дипломатик ёзишмалардан айримларининг матнлари келтирилган. Улар қуйидагилардир:

Ҳиндистон подшоҳи Акбар (1556-1605)нинг 1586 йили Бухоро хони Абдуллахон II (расман 1583-1598)га ўз элчилари Ҳаким Ҳумом ва Садри Жаҳон орқали юборган мактуби;

Эрон подшоҳи шоҳ Аббос I(1587-1623)нинг 1590-1591 йили элчи Ёдгор сulton эрамли орқали Балх хони Шайбоний Абдулмўъминхон (1582-1598)га юборган хати;

Акбар подшоҳнинг 1591 йили Бухорога Абдуллахон II номига юборган мактуби;

Туркия сultonи Мурод II (1574-1595)нинг 1592 йили Балх хони Абдумўъминхонга юборган хати;

⁸⁶ Миrzaboши – хоқон девонидаги миrzалар бошлиғи.

⁸⁷ Маҳрам – хонга яқин, унинг ҳамма йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор.

⁸⁸ Судур – барча вақфлар мутасаддийси, мамлакат садрларининг бошлиғи.

Балх хони Абдумўминхоннинг Эрон подшоси Аббос I номига элчи Али Ёрбек орқали 1597 йили юборган хати;

Эрон шоҳи Аббос I нинг 1598 йили Балх хони Абдумўминга (ўша йили отаси ўрнига хон этиб сайланган эди) йўллаган жавоб мактуби;

Шоҳ Аббос I нинг 1598-1599 йили элчи Зулфиқорбек Зулқадар орқали Нисо ва Обивард ҳокими Шайбоний Динмуҳаммад султонга юборган хати;

Шоҳ Аббос I нинг 1611 йили Бухоро хони Аштархоний И момқули (1611-1642) номига юборган хати;

И момқулихоннинг шоҳ Аббос I номига 1611 йили элчи Ўзбекхўжа додхоҳ орқали юборган жавоб мактуби;

Ҳиндистон подшоҳи Нуриддин Жаҳонгир (1605-1627)нинг 1611 йили Бухорога, И момқулихон номига йўллаган хати;

Ҳиндистон подшоҳи Шаҳобиддин Шоҳижакон (1627-1667)нинг 1628 йили И момқулихон номига элчи Ҳаким Хозиқдан бериб юборган мактуби;

Эрон подшоҳи шоҳ Сафий I (1629-1642)нинг Бухорога, И момқулихон номига 1629 йили элчи Дониш муншийдан бериб юборган хати;

Ҳиндистон подшоҳи Шоҳижаконнинг 1628 йили Балхга элчи Тарбиятхон орқали юборган мактуби;

Бухоро хони Аштархоний Надр Муҳаммадхон (1642-1655)нинг Шоҳижакон номига элчи Надрбий Шабоят орқали бериб юборган хати;

Ҳиндистон подшоҳи Шоҳижаконнинг Надр Муҳаммадхонга 1645 йили шаҳзода Мурод Бахш орқали йўллаган жавоб мактуби;

Шоҳижаконнинг 1646 йили Надр Муҳаммадхонга юборган мактуби;

Бухоро хони Аштархоний Абдулазизхон (1645-1680)нинг 1666-1667 йили Ҳасан қушбеги элчилиги орқали Эрон подшоҳи шоҳ Сафий номига йўллаган хати;

Ҳиндистон подшоҳи Аврангзеб Оламгир (1658-1707)нинг Бухоро хони Аштархоний Субхонқулихон (1680-1702)га элчи Яккатозхон орқали 1671 йили йўллаган мактуби;

Бухоро хони Субхонқулихоннинг Ҳиндистонга, подшоҳ Аврангзеб Оламгир номига 1687 йили элчи Надр девонбегидан бериб юборган мактуби;

Ҳиндистон подшоҳи Шоҳижаконнинг Балх устига қўшин тепасида юборилган шаҳзода Мурод Бахш ва Асолатхон номига Надр Муҳаммадхоннинг ўғли шаҳзода Ҳусрав Султонга ҳурмат-эҳтиром ва меҳрибонлик қилиш ҳақида юборган хати.

12.2.26. Турли масалалар ҳақидағи ҳужжат, фармон ва мактублар

Ер-сув, Жүйбор хожаларини солиқ ва жарималардан озод қилиш, уларға тегишли ерларға Вахш дарёсидан сув чиқариш учун турли вилоятлардан ҳашарчиларни сафарбар қилиш, олди-сотти ҳақида берилгандар фармонлар ва Жүйбор хожаларига жұнатылған мактублар, масалан, шайбоний сұлтонларининг Абдуллахон сонийдан шикоят қилиб Жүйбор хожаларига юборған арзномалари, Коштар ва Бадахшон ҳукмдорларининг хожа Мұхаммад Саъд (1531-1532 – 1589) номига йўллаган мактублари Бадриддин Каширийнинг “Равзат ар-ризвон” асарида ҳам кўп келтирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, асар муаллифининг ўз сўзларига қараганда, унинг қўлида хожа Мұхаммад Ислом билан хожа Мұхаммад Саъд номига келган жами мактублар сони 500 дан ортиқ бўлган. Шундан у ўз асарига 132 мактубни киритган. Мактублар шайбоний сұлтонлар Мұхаммад Амин Султон, Худойберди Султон, Жувонмард Али Султон, Кепак Султон, Динмуҳаммад Султон, Ҳусрав Султон, Абулқудус Султон ва бошқаларга тегишли бўлиб, улардан мамлакатдаги беқарорлик ва ур-йиқитларининг авж олиб кетганлиги, солиқ ва жарималарнинг ҳаддан ортиклиги ва солиқ йиғувчиларнинг зулми туфайли раият аҳволи оғирлашиб кетганлиги, хон тарафидан қўйилған амалдорларнинг зулмидан шикоят қилинади.

Масалан, Султон Саъидхон (1530-1533)нинг иниси Хубойберди Султонга тегишли бир хатда, хусусан бундай дейилган: “Кўшқокимият орқасида Шайхин ва Офаринкент туманлари халқи Бухоро ва Миёнқол тарафларга кўчиб кетди”. Мактуб охирида Худойберди Султон Хожа Исломдан уларни ватанларига қайтаришда кўмак беришларини илтимос қиласи. Сулаймон Султоннинг ўғли Маҳмуд Султоннинг Хожа Саъдга йўллаган мактуби ҳам эътиборга молиқдир. Мактубда Султон Абдуллахон тарафидан ўзига оталиқ⁸⁹ этиб тайинланган Хушимбий устидан шикоят қиласи. Мактубдан маълум бўлишича, оталиқ султонга тегишли ҳамма нарсани, хусусан давлат ишлари ва мулкидан келадиган барча даромадни эгаллаб олган. Масалан, ҳар йили хирождан тўпланадиган 30 минг хонийдан султонга бир чақа ҳам бермай қўйган.

Мазкур асарда, унинг бешинчи бобида, Ҳиндистон, Коштар, Туркия ва Эрон подшоҳлари тарафидан Жүйбор хожаларига юборилған мактуб-

⁸⁹ Оталиқ - Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар давлатида энг олий мансаб. Улар шаҳзодалар балофатга етгунларича уларнинг мол-мулки ва ҳокимиятини идора қилғанлар.

ларнинг нусхалари келтирилган. Масалан, Кошғар хони Абдурашидхон, Муҳаммад Қурайш Султон ва Бадахшон ҳукмдори темурийзода Сулаймоншоҳнинг мактубларида мамлакатнинг ички аҳволидан ва Балх хонларининг тазиқидан шикоят қилинади.

XVI асрда ўтган хурросонлик ёзувчи Зайниддин Восифийнинг “Бадойиъ ул-воқойиъ” (“Ажойиб воқеалар”) деган мемуар асарида шайбоний ҳукмдорларнинг мактублари, фатҳномалари ва ёрлиқларидан баъзиларининг нусхалари илова қилинган. Масалан, улардан иккитасида шайбоний султонлар Убайдуллахон, Жонибек Султон ва бошқаларнинг 1512 йили темурийзода Бобурнинг Нажми соний бошлиқ Эрон (қизилбош) аскарлари устидан қозонган ғалабаси ва ўша Убайдуллахоннинг Кошғар хони Абдурашидхон билан иттифоқда қозоқ султонлари устидан қозонган ғалабаси муносабати билан Мовароуннаҳрининг барча вилоятлари, Кошғар ва бошқа мамлакатларга юборган фатҳномалари бор.

Мазкур асарда Тошкент хони Наврӯз Аҳмадхон-Бароқхон томонидан берилган бир ҳужжат, ёрлиғ диққатга сазовордир. Ҳужжатда мазкур хоннинг Сайид Шамсуддин Муҳаммад Куртий садрга вилоятда, Тошкент вилоятидаги барча конлар суюрғол⁹⁰ қилиб берилгани айтилган. Ва яна номи тилга олинган садрга ушбу вилоядаги янгидан ўзлаштирилган барча ерлар мулк сифатида инъом қилиб берилгани айтилган.

Ҳуқуқий ҳужжатлар, ёрлиқлар “Равзат ар-ризвон” китобида ҳам бор. Улардан баъзиларини қайд этамиш.

1) Абулғозий Абдулла Баҳодирхоннинг 1579 йилги фармони. Унда Ҳисор, Деҳи нав – Денов, Кубодиён ва шаҳри сафонинг ҳокимлари – арбобон ва калонтаронга хожа Саъдга тегишли ерларни сугориш учун Вахшдан чиқарилаётган ариқни қазиши ишларига 10 минг ишчи, марқидкор юбориш мажбурияти юклатилган.

2) Мазкур хоннинг жўйборий хожаларидан хожа Саъдга Тошкент яқинидаги Заҳ ариқни тортиқ қилингани ҳақидаги 1583 йилги фармони.

3) Тошкент ҳокими Абдулқудус Султоннинг Заҳ ариқ атрофидаги ерларни хожа Саъдга суюрғол қилиб берилгани ҳақидаги ва ўша ерларни барча солиқ ва жарималардан озод қилингани, унинг ерларида ишлаш учун ишчи, коранда юбориш ҳақидаги фармони.

4) Абулғозий Абдулла Баҳодирхоннинг ҳазрат хожа Саъднинг Марви шоҳижаҳон вилоятидаги барча ер-суви ва бошқа мулкини унинг фақат бир ўзига тегишли эканлигини ва уни молу жиҳот, муқаррарий, тарҳ, сабон⁹¹ ва бошқа солиқлардан озод этилганлиги ҳақидаги 1578 йил августдаги фармони.

⁹⁰ Суюрғол – давлат олдиладиги катта хизматлар учун берилган ер-сув, мулк.

⁹¹ Сабон - ҳосил байрами, сабан тўйни ўтказиш учун аҳолидан олинадиган йигим, сабан тўй харажатлари.

5) Абулғозий Абдулла Баҳодирхон тарафидан мулла Мұҳаммадбий номига берилган 1585 йил апрел ойидаги ёрлиғ. Унда Ҳисор вилоятининг ҳокимлари унга хожа Саъднинг мазкур вилоятдаги ерларни суғориши учун Вахш дарёсидан чиқарилаётган наҳрни қазишишига 10 минг ишчи, мардикор түплаб беришлари ва номи зикр этилган амирнинг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари зарурлиги айтилган.

6) Абулғозий Абдулла Баҳодирхоннинг хожа Калонга, хожа Саъдга Язд ва Исфаҳон вилоятларидан ер-сув инъом қилиш – дарубаст ҳақидаги 1588 йил октябр-ноябр ойидаги фармони.

7) Абулғозий Абдулла Баҳодирхоннинг хожа Саъднинг суюргол ерларини ўғиллари хожа Тожиддин билан хожа Абдураҳим ўртасида тақсимлаш ва бу ерларни солиқ ва жарималардан озод қилиш тўғрисидаги 1590 йил январ-феврал ойларидағи фармони.

8) Абулғозий Абдулла Баҳодирхоннинг хожа Тожуддин Ҳасаннинг Марв вилоятидаги ер-сувини барча солиқ ва жарималардан озод қилиш тўғрисидаги 1590 йил феврал-март ойларидағи фармони.

Юртимиз тарихига оид ҳужжатларни ўрганиш ва илмий тадқиқотларга тадбиқ этиш ҳали талаб даражасида эмас. Бу ишни кучайтириш лозим, чунки буларсиз тарихни, айниқса унинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ўрганиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, энг аввало, уларни илмий тавсифлаб, каталогларини нашр қилиш зарур.

12.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. -Ташкент: Фан, 1998.
3. Аҳмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии. XVI-XVIII вв. (Письменные памятники).-Ташкент: Фан, 1985.
4. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
5. Манбашуносликдан маъruzалар мажмуаси. Тузувчи А.А.Мадраимов.-Тошкент: ТДПУ, 2001.
6. Тарихий манбашуносликларнинг долзарб муаммолари (ёзма манбалар асосида). -Тошкент: ТДПУ, 2005.

12.4. Мавзууни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Ҳужжатларни ўрганадиган фан нима деб аталади?
2. Тарихий ҳужжат деганда нимани тушунамиз?
3. Қандай тарихий ҳужжатларнини биласиз?

13-Мавзу. География ва космографияга⁹² оид асарлар

Дарснинг мазмуни: География ва космографияга оид асарлардаги тарих илми учун қимматли томонлари очиб берилади.

Режа:

13.1. География ва космографияга оид асарлар тавсифи.

13.2. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

13.3. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: жуғрофия, космография, иқлим, ҳудуд, мамлакат, вилоят, ўлка.

13.1. География ва космографияга оид асарлар тавсифи

13.1.1. Мўъжам ул-булдон

Мапиҳур қомусий асар "Мўъжам ул-булдон" муаллифи ажойиб саргузаштларни ўз бошидан кечирган олим, сайёҳ ва хаттот Ёқут Ҳамавийдир (1179 й. тур.). У, асли Кичик Осиёлик (Рум) қул бўлган. Отасининг исми ким эканлитини билмагани учун ўзини Ибн Абдуллоҳ (Тангри қулининг ўғли) деб атаган. Болалик вақтида асирлар билан бирга Бағдоддага олиб келинган ва уни Ҳама шаҳрида (Сурия) Аскар ибн Иброҳим ал-Ҳамавий исмлик савдогар сотиб олган ва унга Ёқут деб ном берган.

Ёқут ўша савдогарнинг ёрдами билан хат-саводини чиқарди. Сўнг мадраса таълимини олди. Кейин хўжайиннинг ҳисоб-китоб ишларини бошқарди ва унинг топшириги билан бир қанча мамлакатларга савдотиқ юмуши билан бориб қайтди.

Ёқут 1199 йили хўжайини вафот этиши билан қулликдан озод қилинди ва, асосан хаттотлик ва китобfuруушлик билан машгул бўлди. 1213 йилдан бошлиб Ёқут 16 йил мобайнида Сурия, Миср, Форс, Хурасон, Мовароуннаҳр ва Хоразм бўйлаб саёҳат қилди ва 1220 йили Мўсўлга қайтиб фақат илмий иш билан машғул бўлди.

Ёқут иккита муҳим ва катта илмий аҳамиятга эга бўлган асар ёзиб қолдирди. Булардан бири кўп вақтлардан бери илмий жамоатчилик ўтрасида зўр шуҳрат қозонган «Мўъжам ал-булдон» («Мамлакатлар рўйхати») асари бўлиб, китоб 1224 йили ёзиб тамомланган. Асар Ёқутга ҳомийлик қилган вазир ва файласӯф олим Ибн ал-Қифтийга (1172-1248 й.) бағишланган.

Олим мазкур асарини ёзишда Ибн Хурдодбех, ал-Яъкубий, Жайҳоний, Ибн ал-Фақиҳ, Абу Зайд ал-Балхий (таг. 850-934 й.), Истахрий, Ибн

⁹² Космография – астрономия ва табиий географиядан умумий маълумот берувчи фан.

Ҳауқал, Абулфатҳ Наср ибн Абдураҳмон ал-Искандарий (ваф. 1165 й.) ва бошқа олимларнинг асарларидан ҳам кенг фойдаланган.

Асарнинг энг қимматли томони яна шундаки, олим уни ёзишда кўп йиллик саёчати вақтида тўплаган фактик материал, маълумотларни унумли истеъфода этган.

«Мўъжам ул-булдон» кўп жилдлик салмоқли катта асар бўлиб, унда Арабистон, Хурросон, Мовароуннаҳр, Хоразм ва бошқа мамлакатлар, уларнинг географик ҳолати, иқтисодиёти, тарихи, ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида ихчам, лекин қимматли маълумотлар мавжуд.

Асар 1866-1870 йилларда Ф. Вюстенфенльд томонидан (олти жилда), аш-Шикити томонидан 1906 йилда Қоҳирада (саккиз жилда) босилган; қўшимча 1X-X жилдда (Қоҳира, 1907 йил) ҳам босилган.

Ёқут Ҳамавийнинг яна бир муҳим асари «Мўъжам ул-удабо» («Адиблар рўйхати»)дир. Асар ўзига хос биографик қомус бўлиб, унда аввал ўтган, шунинг муаллиф билан замондош бўлган Шарқ адибларининг ихчам таржимаи ҳоли алифбо тартибида берилган. Асар аслида 4 жилдлик бўлган, лекин унинг фақат биринчи жилди сақланган ва инглиз шарқ шуноси Д.С. Марголиус (1858-1940) томонидан 1908 йили нашр этилган. Ушбу китобдаги маълумотлар. Ёқутнинг аввалги асаридағи тасаввур ва тушунчаларни маълум даражада тўлдиради ва кенгайтиради.

Ўзбекистонда олим ижодини Ш. Шоисломов, Ҳ. Ҳикматуллаев, Ш. Зокиров, Б. Ирматов, И. Элмуродов ва бошқалар ўргангандар.

13.1.2. Китоби Муллазода

“Китоби Муллазода” (“Муллазода китоби”) – Бухоройи шарифнинг XIV-XV асрлардан қолган осори-атиқалари ва машҳур зиёратгоҳлари, у ерда дағн этилган валийлар, шайхлар, умуман машҳур кишилар ҳақида маълумот берувчи асар бўлиб, XIV аср охири – XV аср бошларида ёзилган.

Муаллифнинг исми шарифи Аҳмад ибн Маҳмуд бўлиб, Мўйин ул-фуқаро (фақирлар таянчи) тахаллуси билан машҳур бўлган.

Бу китоб яқин-яқинларгача кўпчилик тадқиқотчиларга маълум эмас эди. Бунга унинг қўлёзма нусхалари маълум бўлмаганлиги сабаб бўлган. 1960 йили асарнинг форсча матни Техронда Гулчин Маъоний томонидан чоп этилгандан кейин илмий жамоатчилик орасида бу китобга қизиқиш бирмунча кучайди. Асар 1992 йили рус тилида Р.Л.Faфурова томонидан зълон қилинди.

“Китоби Муллазода” - қабристонларни эркак ва аёллар зиёрат қиласалар бўлади ва бу зиёратни қандай адo этиш ҳақидаги икки маҳсус боб ва икки қисмдан иборат асар.

Китобнинг биринчи қисмида шаҳар ичидаги ва унинг ташқарисида, шаҳардан ярим фарсах масофада дағн этилган улуг шахслар, шайхлар, дин уламолари ва уларнинг муқаддас мозорлари ҳақида маълумот беради. Булар ичидаги машҳур шайх, имом ва илоҳиёт олими хожа Ҳафс қабир, хожа Абу Ҳафс ибн ал-Забаркан ибн Абдуллоҳ ибн ал-Баҳр ал-Ижлий ал-Бухорий (767-832), шогирди хожа Абдуллоҳ Сафидмуний, Саффария имомларининг мозорлари, Исмолия имомларининг мозорлари, Талли хожа Чоршанбадаги мозорлар, Сафидмун ва хожа Жанди қишлоқларидаги мозорлар шулар жумласидандир.

Китобнинг иккинчи қисмида Бухоройи шарифнинг машҳур қишлоқларидан Фатҳободдаги муқаддас зиёратгоҳлар, масалан, шайх Абулмаалий (1190-1261), унинг икки ўғли Хованд Жалолиддин ва Хованд Мутаҳируддинларнинг мозорлари ва ўзлари ҳақида маълумот келтирилади.

Шу қисмдан жой олган Бухоро садрлари, Бурхонийлар ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам ўта муҳимдир.

Икки оғиз сўз Бухоро садрлари ҳақида. Аслида улар ким эдилар? Бухоро садрлари бир хонадонга мансуб бўлган ва мухтасиб, раис лавозимини эгаллаган олий наасаб шахслар эдилар. «Китоби муллазода»да уларнинг келиб чиқиши, шажаралари ҳақида, ҳаёти ва вафот этган йили ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Бухоройи шарифда ўтган буюк шахслар хожа Абубакр тархон, мавлоно Ҳофизуддин Кабир, Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ал-Бухорий, етти қози – Абу Зайд Абдуллоҳ Умар ибн Исо ад-Дабусий, Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Амр аш-Шаъбий, Исмоил Мустамолий ва бошқалар ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Масалан, имом Абу Зайд Убайдуллоҳ Умар ибн Исо ад-Дабусий ҳам йирик фиқҳ ва илоҳиёт олими бўлган. Унинг мусулмон қонунчилигига оид «Омад ул-Ақсо» (“Сўнгти ҳудуд”) номли асари ўз замонасида жуда машҳур бўлган.

13.1.3. Самария

“Самария” асари муаллифи Абу Тоҳирхожа Самарқанд қозиси Абу Саъид ибн Абдулҳайнинг ўғлидир. Абу Тоҳирхожа отаси ҳам, бобоси мавлоно Мир Абдулҳай ҳам ўқимишли кишилар бўлишган. Мавлоно Мир Абдулҳай (1755-1827) Самарқандда қирқ йил қозикалон мансабида турган. Шу билан бирга у бир талай илмий асарлар ёзib қолдирган. “Ҳавоши шоғий бар шарҳи Байзавий”, “Саҳиҳи Бухорий”нинг форсча шарҳи, “Забури Довудий”нинг форсийча шарҳи, “Ахлоқи Баҳодурхон” шулар жумласидандир. Отаси Абу Саъидхожа (1849 йили 28 августда вафот топган) ҳам кенг маълумотли киши бўлган. Фиқҳ ва калом, диний ақидаларни исботлаш илмида беназир бўлган.

“Самария” XI боб, муқаддима ва хотимадан иборат бўлиб, Самарқанд шаҳриниыг бунёд этилиши, “Самарқанд” деб аталишининг сабаблари, шаҳарнинг географик ҳолати, об-ҳавоси, унинг XIX асрнинг учинчи чорагига қадар сақланиб қолган осори-атиқалари ва машҳур кишилари ҳақида маълумот беради.

Асрнинг ўзбекча таржимаси 1921 йили самарқандлик ёш, салоҳиятли олим Абдулмӯъмин Сатторий тарафидан амалга оширилган эди. Лекин, оғир хасталик ва 1925 йил 23 июлдаги бевақт ўлими унга таржимани чоп қилишга имкон бермади. Садриддин Айний 1925 йили ўша йиллари маориф нозири бўлиб ишлаб турган Абдурауф Фитратнинг таклифи билан, уни таҳрир қилиб, напротив тайёрлаган эди. Лекин, асар чоп этилмай қолган эди. С.Айнийнинг қўлёзмаси ҳозирда ЎзР ФА ШИ фондида 600- рақам остида сақланмоқда.

“Самария” асар Б.Аҳмедов ва А.Жувонмардиев томонидан қайта нашрга тайёрланди ва 1991 йили Тошкентда чоп этилди.

13.1.4. Мажмуъ ал-Фаройиб

“Мажмуъ ал-Фаройиб” (“Фаройиботлар мажмуаси”) 1569 йили Балх хони Шайбонийхон Пирмуҳаммадхон 1 (1546-1566/67)нинг топшириги билан ёзилган. Асар муаллифи балхлик олим Султон Муҳаммад бўлиб, унинг ҳақида бизга қуйидагилар маълум. Отаси мавлоно Дарвиш Муҳаммад Балхнинг ўқимишли ва катта нуфузга эга бўлган кишиларидан бири эди. Шайбоний ҳукмдорлардан Хуррамшоҳ султон (1506-1511) ва Кистинқора султон (1526-1544) даврида Балхнинг муфтийси лавозимида хизмат қилган. Ўзбек тилида шеърлар битган. Унинг шеърларидан намуналар ”Мажмуъ ал-Фаройиб”да келтирилади. Дарвеш Муҳаммад муфтий 1550 йил 19 февралда вафот этган.

Асар муаллифи Султон Муҳаммад Балхий ҳам замонасининг кенг маълумотли кишиларидан бўлган. У, хусусан тарих, география, астрология, минералогия, илоҳиёт, фиқҳ ва адабиёт илмларидан боҳабар киши бўлган. Отаси вафотидан кейин унинг мансабида турган Султон Муҳаммад 1573 йил 12 май куни вафот этган.

”Мажмуъ ал-Фаройиб” асарини ёзишда Султон Муҳаммад ал-Балхий ўзидан аввал ўтган олимларнинг асарларидан, шунингдек Балх мамлакати бўйлаб қилган саёҳатлари пайтида тўплаган маълумотларидан кенг фойдаланган. Олим фойдаланган асарлар ичida бизгача етиб келмаганлари ва кам маълум бўлғанлари кўп. «Ор ал-муқаддимин» («Салафларнинг фикрлари»), «Тарихи сақолиба»(«Славянлар тарихи»), «Анис ул-ваҳдат ва жолис ул-хилват» («Ёлғизлар дўсти ва хизватда ўтирувчилар сұхбатдоши») каби асарлар шулар жумласидандир.

“Мажмуъ ал-ғаройиб” илм аҳли орасида кенг тарқалган асар. Унинг ҳозиргача сақланган кўлёзмалари 80 дан ортиқ. Унинг маълумотларидан жуда кўп олимлар фойдаланганлар. Улардан “Абдулланома” асари муаллифи Ҳофизи Таниш Бухорий, “Ажойиб ат-табақот” китобининг мусаннифи мавлоно Муҳаммад Тоҳир ва XVII асрда ўтган олим Маҳмуд ибн Вали шулар жумласига киради.

Асарнинг айниқса 3, 11, 12- ва 18- боблари муҳимдир. Уларда Бухоро, Балх, Тамғач, Марв, Сиёвуш, Соғониён, Термиз, Тибат, Туркистон, Самарқанд ва Булғор каби йирик шаҳарлар ва улкан мамлакатлар, Мурғоб, Вахш, Жайҳун, Кўҳак, Чирчиқ дарёлари, дунёда юз берган муҳим воқеалар, машҳур шайхлар, олимлар ва ҳукмдорлар, Балх ва Бадахшоннинг минерал бойлиги ҳақидаги қисмлари муҳим аҳамиятга эга.

“Мажмуъ ал-ғаройиб” асарининг таңқидий матни тайёрланган эди, лекин чоп этилгани йўқ. Афғонистонда юз берган сўнгти йил воқеалари тадқиқотчи ва унинг илмий фаолиятига салбий таъсир кўрсатган кўринади.

13.1.5. Ажойиб ат-табақот

“Ажойиб ат-табақот” (“Ер қатламларининг ажойиботлари”) далиллй маълумотларга бой, кам ўрганилган гео-космографик асар. Бир қанча тарихий, географик ва космографик асарлар ҳамда сайёҳларнинг эсдаликлари ва муаллифнинг шахсий кузатувлари асосида ёзилган бўлиб, Ўрта Осиёнинг XVI-XVII асрлардаги тарихи ва географик шароитига оид маълумотларга бой.

“Ажойиб ат-табақот” мавлоно саййид Муҳаммад Тоҳир томонидан Балх хони Аштархоний Надр Муҳаммадхон (1606-1642)нинг топшириғи билан ёзилган. Муаллиф асарнинг муқаддимасида келтирилган айrim маълумотларга қараганда, мазкур хон саройида хизмат қилган олимлар жумласига кирган.

“Ажойиб ат-табақот”нинг ёзилиш тарихини қуйидаги далилларга асосланиб белгилаш мумкин. Муҳаммад Тоҳир асарининг “Балх” қисмида Хожа ҳайрон Қишлоғидаги ҳазрат Али (656-661) мозори тепасига қурилган ҳашаматли бино ҳижрий 886 йилда шоир ва тарихчи олим Камолиддин Биноий ва унинг отаси Муҳаммад Сабз тарафидан қурилганлигини айтиди ва шундан бери 172 йил ўтди, деб ёzádi. Шу 172 га 886 (бино қурилган йили)ни қўшадиган бўлсак, 1648 йил келиб чиқади. Шунга асослашиб, асар ҳижрий 1058, мелодий 1648 йили ёзилган деб айтиш мумкин.

Муҳаммад Тоҳир ўз асарини ёзишда «Мажмуъ ал-ғаройиб»дан ташқари ал-Баттоний (852-929), Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Мастьудий», «Жавоҳирнома», шунингдек, Абулмалик Марварудий, Носирид-

дин Тусий, Наршаҳий ва бошқа олимларнинг асарларидан фойдаланган.

“Ажойиб ат-табақот” кам ўрганилган, нашр этилмаган. Унинг учинчи қисми, табақа катта илмий қимматга эга. Унда Ўзбекистоннинг Самарқанд, Тошкент, Андижон, Гермиз ва бошқа шаҳарлари, шунингдек Шарқий Туркистон-Кошфар ва Афронистон ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

ЎЗРФА Шарқшунослик институти фондида ушбу асарнинг учта қўллэзма нусхаси (рақамлари № 411, 2380 ва № 9654) мавжуд. Уларнинг яна бир қимматли томони шундаки, чиройли настаълиқ хати билан битилган, унвон ва сарлавҳалари рангли ва тилло суви бериб ёзилган, Каъба ва пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг Мадинадаги муборак қабри тасвири ҳам келтирилган.

Китобда шаҳарлар тавсифи баҳоли имкон тўлиқ берилган. Намуна сифатида Балх ва Қубодиён шаҳарлари ҳақида берилган тавсифни келтирамиз.

“Балх – улуғ шаҳар, Хуросонга қарайди, тўргинчи иқлимга киради. Уни қадимги Эрон подшоҳларидан Каюмарс қурган, Таҳмурас обод қилган, Луҳрасип қайтадан қуриб, теварак-атрофини пишиқ девор билан ўраттирган. Бир ривоятга кўра, уни биринчи бунёд қилилган киши Қобил ибн Одам..., бошқа ривоятга кўра шоҳ Гиштосип Айюб пайғамбарнинг амри билан қурдирган... Учинчи ривоятда келтирилишича, (уни) Минучеҳр ибн Ирож бино қилилган. “Тарихи Балх”⁹³ китобида ёзилишича, Балхнинг қалъаси (кўп бор) вайрон қилинган ва 22 марта қайтадан тикланган. Балхнинг энг сўнгги иморати бир вақтлар Хуросон ҳокими бўлиб турган Абу Муслим Марвозий тарафидан қурдирилган. Ундан кейин шаҳид этилган Абдулмўминхон⁹⁴ шаҳарнинг гарбий ва жанубий тарафлардаги деворни таъмирлатган. Унинг узунилиги 20 минг қадам.

Шаҳар икки қисмдан; ташқи шаҳар (шаҳри бирун) ва ички шаҳар (шаҳри дарун)дан иборат.

Ички шаҳар аркдан иборат. Арк шаҳарга асос солингандан бери улуғ подшоҳлар ва қудратли хонларга макон бўлиб хизмат қилилган... Ҳозирги кунларда ҳам шундай. Балх шаҳри Меҳроби сангин деб аталувчи бир масжид бор. Ушбу ривоятни айтувчининг ҳикоя қилишича, шаҳарга мўъминлар ҳукмдори ҳазрат Алининг (худо ундан рози бўлсин), мактубини олиб келганларида, уни баландроқ бир жойдан овоза қилмоқчи бўлдилар, токи унинг мазмунидан ҳамма баҳтиёр бўлсин. Баҳтга қарши

⁹³ «Тарихи Балх» – шайхулислом Сафиуддин Абубакр Абдулла ал-Балхийнинг асари. Ҳақиқий номи «Фазоили Балх».

⁹⁴ Абдулмўминхон – Шайбоний хонлардан, 1598 йили олти ой Бухоро тахтида ўтирган, унга қадар Балхни идора қилилган.

шу пайт қаттиқ шамол туриб, мактубни учирив кетди. Бир пайт мўъминлар Маккани зиёрат этиб юрганларида бир (сөҳрли) тош ва ундаги ёзувга кўзлари тушган. Ёзувда (ҳазрат Алининг) ўша мактуби битилган экан. (Шу сабабдан) тошни муқаддас ҳисоблаб, (Балхга) олиб келганлар ва ўша масжиднинг меҳробига ўрнатган эканлар. Бошқа бир ривоятда бундай гап бор; тошни олиб келганларидан кейин уни уч қисмга бўлганлар ва бир бўлагини ўша масжидда (Муҳроби сангинда) қолдирганлар, яна бир парчасини ташқи шаҳарнинг (шаҳри бируннинг) жанубий тарафида, шаҳардан бир миля⁹⁵ нарида жойлашган Масжиди хожа Нўҳ гунбадон масжидига олиб бориб ўрнатганлар.

Маълумки, Нўҳ гунбадон нур таратувчи манзил бўлиб, Қаъб ал-ахбор ҳазратларининг, ундан худо рози бўлсин, зикр этилган мозорда бино қилинган. Нўҳ гунбадон масжиди гўзал ва мустаҳкам бир бинодир. Айтишларича, Чингизхон хуружи пайтида Балхоб дарёсини шаҳарга буриб юборганлар. Ўшанда масжид олти ой сув остида қолиб кетган. Лекин, унинг қолдиқлари ҳали ҳануз сақланиб қолган. Зикр этилган тошнинг учинчи қисмини шаҳарнинг кун чиқиши тарафида, ундан икки фарсанг нарида жойлашган Хожа Хайрон қишлоғида бино этилаётган масжиднинг меҳробига ўрнатдилар. Қишлоқнинг кун чиқиши тарафида, ундан 100 зираъ⁹⁶ масофада мўминлар амири Али ибн Абу Толибнинг қабри топилган. Ва ҳақ йўлга тушиб олганлар намунаси жаноб мавлоно Биноийки, маълумотли ва бинокорлик илмида тенги йўқ киши эди, аввалги бинокорларнинг ҳаракати беҳуда кетган ва бино бўш қурилган деб ҳисоблаб, ҳижрий 886 йили, падари бузруквори билан биргаликда ўша муқаддас мозорда пишиқ фиштдан баланд бир бино қурди. Лекин, ўша бино, қурилганига 170 йил ўтганига қарамай, унинг бирор жойи бузилмаган. (Аллоҳ тарафидан) мағфиратли қилинган марҳум Вали Муҳаммадхон (1601 йили) Балхга ҳукмдор этиб тайинлангандан кейин баландлиги тахминан 30 зираъ, айланаси бир жарип⁹⁷ бўлган бир олий бино қудирди ва унинг (теварак-атрофини) обод қилди. Атрофида (гўзалликда) Чин санами билан беллаша оладиган бир чорбоғ ва унинг ичида 18 та чаманзор қурдирди. Ўша чорбоғнинг шимолий тарафида жаннат булоғига ўхшаган бир ҳовуз ҳам қурдирди.

Балхнинг ташқи шаҳарида (шаҳри бирунда) ва валийлар қутби хожа Абу Наср Порсонинг⁹⁸ обод мозори бор. Бу мозорнинг айланаси тахминан 15 жарип. Ушбу муқаддас мақбаранинг кун ботиш тарафида иккита

⁹⁵ Миля – турли мамлакатларда турлича бўлган масофа ўлчови, тахминан 7 метрга тенг.

⁹⁶ Зираъ –узунлик ўлчови, 81,28 суга тенг.

⁹⁷ Жарип – ўлчови, бир тоноб, 4097 кв.метрга тенг.

⁹⁸ Хожа Абу Наср Порсо – Балх шайхулисломи, тахминан 1460-61 йили вафот этган.

катта масжид бор. Ҳар чоршанба куни, пешин намозидан кейин, ўша саодатли мақбара теварагида донишманд кишилар, уламо ва шуаро ибодат учун йирилишади. Суфийлар бош эгиб, ярим оҳангда (бир бирлари билан) суҳбатлашадилар, уламолар баҳслашадилар, шуаро мушоира ва ҳазил-мутойибага бел боғлайди. Суҳбат шу зайлда кечгача давом этади.

Ва яна ўша ташқари шаҳарда (шаҳри бирунда) шайх Шақиқи Балхий ҳазратларининг, шунингдек жабрланган хожа Исҳоқ ва бошқа валийларнинг мақбаралари жойлашган.

Ва яна шаҳарнинг кунботар тарафида Султон Иброҳимнинг тўнғич ўғли Адҳам Соқанинг нурга чўмган мақбараси жойлашган. Шу кунларда бу мақбара Хожа рушнойи номи билан машҳур.

Ва яна мазкур шаҳарнинг жануб тарафида хожа Султон Аҳмад Ҳазравия жаноблари ва ул кишининг ёсдиқдоши Биби Фотиманинг маъқулланган мақбаралари жойлашган.

Ва яна шаҳарнинг кунчиқар тарафида хожа Уккоша жанобларининг мақбул мақбараси жойлашган.

Кубодиён Мовароуннаҳрнинг катта қишлоқларидан, тўргинчи иқлимга киради. Қайқубод ибн Ирож асос солган. Айтишларича, Зол ўғли Рустам Қайқубодни ўша ердан Эронга олиб келиб таҳтга ўтқизган. Бу вилоят қадимда Қубодобод деб аталган. Кейинча Кубодиён номи билан шуҳрат топган. Ҳозирги пайтда олий ҳазрат, Аллоҳнинг ердаги сояси Надр Муҳаммаднинг адлу эҳсони туфайли у қадар обод бўлдик, ҳар кимнинг у вилоятдан ўтадиган бўлса елкаси девор ва дараҳтларнинг сояси остида бўлади. Об-ҳавоси юмшоқ. У ерда турли навдаги ширин-шакар мевалар кўп етиштирилади. Ҳусусан, анори кўп машҳур. У вилоятда қовун ва тухум сотиш одати йўқ. Уларни бир ҳарвардан кам бўлса, пулга сотмайдилар ва сотиб олмайдилар, балки ҳарким истаганича олиши мумкин. Эгалари бунга монелик қилмайдилар.

Халқи меҳрибон ва меҳмондўст. Меҳмон учун алоҳида хона тутадилар. Одамлари ўқишига ихлосманд, аксарий қишлоқларда мадраса ва мударрис бор».

“Ажойиб ат-табақот” асарида Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари ҳақида ҳам мана шундай маълумотларни учратамиз.

Мазкур асарнинг яна бир муҳим тарафи шундаки, унда қимматбаҳо тошлар ва металл ва уларнинг конлари ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар бор.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур асарда Абу Райҳон Берунийнинг “Жавоҳирнома” асарининг бизнинг замонамизгача етиб келмаган нусхаларида тушиб қолган парчалар учрайди. Бу парча-

лар буюк олимнинг мазкур йирик асарини қайтадан нашр қилишда жуда зарурдир.

13.1.6. Дили ғаройиб

“Дили ғаройиб” ўзбек тилидаги гео-космографик хилдаги, кўп жиҳатдан умумлаштирма асар бўлиб, 1831-1832 йили хивалик олим Худойберди ибн Кўшмуҳаммад томонидан Раҳмонкули иноқнинг топшириги билан ёзилган. Муаллиф ўзини бир жойда Сўфизода деб атайди. Шунга қараганда, отаси Кўшмуҳаммад ибн Ниёзмуҳаммад Хива масжидларининг бирида сўфилик қилган ва Кубровия тариқатига мансуб бўлган.

Худойберди ибн Кўшмуҳаммад кенг маълумотли, араб ва форс тилларини яхши билган киши бўлиб, асосан таржимонлик билан шуғулланган. У, асосан тарихий ва географик асарларни ўзбек тилига таржима қилиши билан шуғулланган. Масалан, у Шермуҳаммад Муниснинг топшириги билан Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини 1823-1826 йиллари форсчадан ўзбек тилига қисқартириб таржима қилган.

“Дили ғаройиб” умумлаштирма асар, яъни Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” ва мавлоно Муҳаммад Тоҳирнинг “Ажойиб ут-табоқот” асарларига тақлид қилиб ёзилган ва унда аниқ маълумотлар кам учрайди. Ундаги Хоразм ва унинг шаҳарлари ҳақидағи маълумотлар қимматлиdir. Мисол тариқасида баъзиларини келтирамиз.

Хоразм мамлакати. У катта мамлакат. Бир тарафдан Сайхун дарёси билан, иккинчи тарафдан ҳозирги пайтда Бақиртон номи билан машҳур бўлган Оқ қўрғон билан, учинчи тарафдан чўл билан ва тўртингчи тарафдан бир замонлар Фаридун тарафидан қаздирилган наҳрнинг шимолий тарафида жойлашган Ўнгуз отли манзил билан туташ. Хоразмнинг яна бир тарафида Сарой сulton жойлашган. Бу ҳадлар орасида катта-кичик қалъалар ва кентлар жойлашган. Хоразмнинг жанубий тарафида Қизилкум бўлиб, унда саксовул ўсади.

Қадимда Хоразмнинг ўн тўрт дарвозали шаҳарлари кўп бўлган. Шулардан бири Журжония, иккинчиси Урганж бўлган.

Журжония. Журжонияга сув Сирдарёдан олиб келинган. Бу шаҳарнинг жойлашган ўрнини қўйидагича белгилаганлар. Унинг кунчиқиши тарафида Бағлон ва шимол тарафида Оқча денгизи, кунботишида Гурлан, жануб тарафида Кот жойлашган. Уларнинг (Гурганжнинг) харобаликка юз тутиши, айтишларича, сув бўлмай қолиши сабабдан бўлган. Сирдарёдан келиб турган сув зироатига етмай қолган. Шу сабабли уч қирни ошиб наҳр қаздириб Амударёнинг сувини буриб олиб келганлар. Аму Гурганжни сув билан таъминлаб, Ункузнинг жанубидан Урганжга қараб оқар ва жануб бўйлаб оқишини давом эттириб ва жануби-шарқий тарафдан Абул-

хон тоғларни айланиб ўтиб, Ўғирчагача етган ва сўнг Мозандарон денги-зига⁹⁹ бориб қўйилган.

Журжониянинг теварак-атрофи маҳкам қилиб мустаҳкамланган жойлар, экинзорлар ва боғлар бўлган. Вақт ўтиши билан Журжония қалъаси сув остида қолди ва шаҳар ҳаробаликка юз тутди. Айтишларича, ундан фақат битта минора қолган, кейинча уни Бойназар сўфи исмлик бир авлиё буздириб ташлатиб, ўрнига масжид қурдирган. Бу масжид ҳозир ҳам ўз ўрнида турибди. Язир алайҳиссалом ва Юмaloқ авлиё қабри ўша ерда. Саксондан ошган ва буларнинг ҳаммасини кўрган ёки (кимдандир) эшиг-ган кексаларнинг сўзларига қараганда, минорани бузаётгандарида унда бир ёзувга кўзлари тушган. Ёзувдан маълум бўлишича, мазкур минора шу жойдаги жумъа масжидининг кичик минораси бўлган, теварак-атрофдаги одамларни намозга чорловчи миноранинг баландлиги 100 қаридан кам бўлмаган. Бу ерда “Қуръон” тиловат қилувчи қори, имом, муаззин (сўфи) ва фаррошнинг маоши ҳар бирига 300 оқчадан белгиланган. Масжид ёнида мадраса, бозор ва карвонсарой ҳам бўлиб, уларнинг барчаси сув остида қолган.

Хоразмнинг яна бир шаҳри Гурганж бўлиб, Чингизхон тарафидан вайрон этилган. Ушбу золим келгунга қадар унинг 12 жумъа масжиди бўлиб, ...уларнинг ҳар бири уч танобдан майдонни эгаллаган эди. Унинг теварагида дараҳтлар ичida чўмган (обод) намозгоҳлар бўлиб, уларнинг ҳар бирига (намоз кунлари) уч-тўрт лак¹⁰⁰ халқ тўпланар эди. Уларнинг ҳар бирида 1000 нафар одам хизмат қилган.

Шаҳар аҳолисининг катта қисмини Яъқуб пайғамбарнинг ...авлодлари ташкил қиласиди. Унинг ўғли Шамуннинг муқаддас мозори ҳозирда Хожа эли (Хожайди) деб аталмиш Миздахкандадир.

Шу кунларда Урганч вайронагарчиликка юз тутган, жабр етган шайх Нажмиддин Кубро ва Хожа Али Азизон жанобларининг мақбаралари Гурганждадир.

Хоразмнинг яна бир шаҳари Рамлдир. Унга (қадимги Эрон подшоҳларидан) Сом ибн Наримон асос солган...Уни отасининг кемасига ўхшатиб қурдирган. Ҳозирда Хивақ номи билан маълум. Айтишларича, бу сўзда (“Рамл” сўзида) Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари вафот этган йили тарихи яширинган. Шу боис бу тарихни шаҳарга ном бўлиб қолган... Ва яна айтадиларки, Хивақ кўп бор вайрон қилинган ва қайта тикланган. У аъло ҳазратлари хоннинг (Аллоҳқулихоннинг) отаси (Аллоҳ тарафидан мағфират қилинган Абулғози Муҳаммад Раҳимхон¹⁰¹ ва унинг

⁹⁹ Мозандарон денгизи –Каспий денгизининг ўрта асрлардаги номларидан.

¹⁰⁰ Лак – сон бирлиги, юз минг.

¹⁰¹ Бу ерда Хива хони Муҳаммад Раҳим аввал (1825/26-1842 йй.) назарда тутилган.

оғаси марҳум Қутлуг Мурод иноқ тарафидан обод қилинган. Уларнинг саъй-ҳаракати билан шаҳарда олий мадраса бино қилинган. Бунга номи юқорида зикр этилган иноқнинг катта хизматкорларидан бири Шер девонбеки ва вазири аъзам Муҳаммад Ризо девонбекиларнинг ҳиссалари катта бўлган. Жаннатмакон хоннинг амри билан яна бир карвонсарой, тим ва уларнинг ўргасида (яна бир) катта мадраса қурилди. (Хивақ) қалъасида саййид Алоуддин Хивақий ва уч юз машҳур шайх дағн этилган. Шаҳар ташқарисида шайх Абулвафо Хоразмий жаноблари, ёнида эса мингдан ортиқ авлиёлар дағн этилган.

Шаҳарнинг жануби-шарқий тарафида, ундан 200 қадам нарида, ҳазрат шайх Ҳусайн Бобонинг ...манзилгоҳи жойлашган. У ерда соя-салқин берibi турувчи гужум отли катта дарахт бор...

Хивақнинг қовуни ва гурунчи жуда мазали. Унинг об-ҳавоси яхши, одамлари хушфөйл, лекин қиши совуқ келади. Энг совуқ кунлари бир ой давом этади. Шу пайтда ерни тахминан уч қарич муз қоплади. Гурлан, Хўжайли ва Қўнғиротда уч-тўрт газ қалинликда қор ёғади.

Журжониянинг ўрнида ҳозирда сув оқади ва у Сир (денгизи)га бориб қуйилади. Унинг оқибатида Гурганж харобаликка юз тутди ва чўлга айланиб қолди. Бу ҳодиса ҳижрий 984 йили содир бўлди.

Сир (денгизи) ҳеч вақт тўлмайди. Қайиқларда ов қилиб юрган балиқчилар «(денгиз) тубида тошдан қурилган биноларнинг қолдиқларини кўради-лар. Шунингдек, катта бир қалъанинг қолдиги ҳам бор», деб айтадилар...

Хоразмда мевалар ва ғалла яхши етишади, хусусан қовун шундай етиширилган, қовун уруғини янтоқ ўзагига жойлаштириб, уни маҳкам борлаб кўйганлар. У сувсиз, янтоқ томиридан нам олиб, етишган. Лекин жуда ширин бўлган.

Хоразмнинг, хусусан Ҳазораспнинг олмалари жуда ширин. Айтишлирича, бу шаҳарга (Ҳазораспга) Сулаймон пайғамбар асос солган. Ҳазораспда асосан шоли етиширилган.

Хоразмнинг ўриклари ва узуми (ҳам) кўп бўлади. Масалан, Чинкнинг пастида бир қишлоқ бор, номи Экинлик. Унинг узумидан ширин узум (бошқа ерда) учрамайди.

(Хоразмнинг яна бир шаҳари) Замахшар. Хиванинг кун ботиш тарафida, ундан бир кунлик йўлда жойлашган. Жаннатмакон, олий жаноб хон (Аллоҳкулихон)нинг отаси у ерга сув олиб келиб уни обод қилган».

“Дили гаройиб” асарида Гурлан ва унинг осори-атиқалари, Хиванинг кун чиқиши тарафida қурилган катта янги бозор ҳақида ҳам қизиқ маълумот келтирилган. Муаллифнинг гувоҳлик беришича, бу бозор шу ердаги катта бир кўл устига қурилган. “45 кун ичида,-деб ёзди Худойберди ибн Қўшмуҳаммад,-майдони беш-олти таноб келадиган кўл кўмиб ташланди”

ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасида “Дили гаройиб” асарининг учта қўлъёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан бири, рақами №1335 матни тўла ва муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган деб ҳисобланади.

13.2. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Собрание восточных рукописей АН РУз. История. Составители Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова-Тошкент: Фан, 1998.
3. Рукописная книга в культуре народов Востока. Очерки Ред. О.Ф. Акимушкин и др. Книга первая. -М.: Наука, 1987; Книга вторая.-М., 1988.
4. Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари (илмий-амалий анжумонлар материаллари). Тузувчилар: А.А.Мадраимов, Г.С.Фузаилова-Тошкент: ТДПУ, 2001.
5. Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик.-Тошкент: ТДШИ, 2000.
6. Манбашуносликдан маъruzалар мажмуаси. Тузувчи А.А.Мадраимов -Тошкент: ТДПУ, 2001.
7. Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (2003 йил 25 апрел).-Тошкент: Университет, 2003.
8. Темурийлар даври маданий ёдгорликлари. 1-китоб.-Тошкент: 2003.
9. Сайдқулов Т. Ўрга Осиё ҳалқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар (I қисм).-Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
10. Муродов А. Ўрга Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан. Тошкент: Фан, 1971.
11. Восточное историческое источниковедение и специальные исторические дисциплины. Выпуск 1.-М.: Наука, 1989.

13.3. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Географик асарлар деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай географик асарларни биласиз?
3. Космографик асарлар деганда нимани тушунасиз?
4. Қандай космографик асарларни биласиз?
5. География ва космографияга оид асарлар қандай хусусиятларга эга?
6. Географияга оид асарларда қандай тарихий маълумотлар учрайди?
7. Ёқут Ҳамавийни «Мўжам-ул булдон» асарида Марказий Осиё тарихига оид қандай маълумотлар бор?
8. «Самария» асарининг Самарқанд тарихини ўрганишдаги аҳаятини очиб беринг?
9. «Ажойиб ат-табоқат» асари ҳақида сўзлаб беринг?

14-мавзу. Ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар

Дарснинг мазмуни: талабаларни ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар билан таништириш.

Режа:

14.1. Ўзбек халқини шаклланишига оид манбалар умумий хусусиятлари.

14.2. Манбалар тавсифи.

14.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

14.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган саволлар.

14.1. Ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар умумий хусусиятлари

Ўзбек халқининг шаклланиш масаласи яхши ўрганилмаган, ечимини топмаган илмий муаммолардан бири. Масалани бир манба билан, бир тадқиқотчи, у гарча фан миришкори бўлганда ҳам, ечиб беролмайди. Бунинг учун узоқ ўтмишдан қолган ва турли тилларда, қадимги эрон, юонон, рим, хитой, араб, форс ва туркий тилларда ёзилган қўлёзма ва тошига, ёғочга, сополга ва бошقا буюмларга битилган ёзувларни ўқий оладиган мутахассис – манбашунос, археолог, этнограф ва антрополог олим, адабиётшунос (фолклоршунос), тиљшунос ва географ олимлар биргалашиб, бир илмий жамоа бўлиб ишлашлари зарур бўлади. Афсуски, бизга шундай ҳамкорлик етишмай турибди. Лекин, бу ишни ўзбек олимлари ечиб беришлари керак. Пайсалга солмай яқин уч-тўрт йил ичida! Ваҳодланки, муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов жуда тўғри айтганлариdek, «Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, наслу-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди»¹⁰². Демак, бу – халқ талаби, Ватан талаби.

Ўзбекларнинг халқ бўлиб шаклланишига оид бирон алоҳида манба йўқ. Бу масалага оид маълумотлар тарихий, географик, лингвистик ва халқ оғзаки адабиётига оид асарларнинг барчасида мавжуд. Лекин, уларни синчковлик билан битталаб териб олиш керак бўлади. Уларни Табарий ва араб география олимларининг асарларида, Низомуддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, Жувайний ва Рашидуддиннинг юқорида тилга олиб ўтилган асарларида, «Нусратнома» ва «Абдулланома»да ва X-XVI асрда ёзилган барча асарларда учратиш мумкин.

¹⁰² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И.А. Биз кела жагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 132-бет

XV аср охири ва XVI аср бошида икки азим дарё – Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашған күұна мамлакатимизга құшни Дағти қипчоқдан 20 дан ортиқ қавм; құнғирот, найман, минг, дўрмон ва бошқа қавмлар күчиб келиб, маҳаллий туркийзабон халқ таркибиға құшилдилар. «Тарихи Абулхайрхоний», «Абдулланома» ва «Мактуботи Алломий» (XVI аср) китобларида келтирилған маълумотларга қараганда, ўзбек халқи таркибиға кирған қавмлар сони 92 тага етган. Бу ҳақда маълумот берувчи учта-тўртта асарни мисол тариқасида тиљга олиб ўтамиз.

14.2. Манбалар тавсифи

14.2.1. Тарихи Абулхайрхоний

«Тарихи Абулхайрхоний» асарида Бағдод халифалигининг шарқий қисміда жойлашған мамлакатлар ва Мовароуннаұрнинг қадим замонлардан то XV асрнинг 60-йилларигача кечгандар тарихини қысқача баён этади. Китобнинг сўнгти қисми, яъни Дағти қипчоқда Абулхайрхон бош бўлган қисми ноёб ҳисобланади.

«Тарихи Абулхайрхоний» Шайбоний Абдуллатиф Султон (Самарқанд хони, 1540-1551) ҳукмронлигининг бошларида Шайбоний Кўчкунчихон (1510-1530)нинг собиқ котиби Масъуд ибн Усмон Куҳистоний тарафидан ёзилган. Асарда Абулхайрхон давлатига асос соглан ва XVI аср бошида Шайбонийхон билан бирга Мовароуннаұрга күчиб ўтган буркут, дўрмон, ийжон, кенегас, қиёт, құнғирот, күшчи, қурловут, масит, тубойи, уйшин, коонбойли, қудағай, манрит, мулуж, найман, уйғур, чимбой, қорлиқ, ёнқожар, нукуз, тимат, туман-минг, ўтарчи қавмлари ҳақида маълумотларни учратамиз.

14.2.2. Насабномайи ўзбек

«Насабномайи ўзбек» бор-йўғи икки варақдан иборат кичик бир асар. Унда 92 ўзбек қавмининг рўйхати келтирилади. Улар қуидагилар: минг, юз, қирқ, ўзбек, ўн қажот, жалоир, сарой, құнғирот, олчин, аргин, найман, қипчоқ, чақмоқ, азақ, қалмоқ, торлиқ, тудак, бурлоқ, самарчиқ, кибча, келачи, кинакаш, буйрак, урот, қиёт, хитой, туниди, ўзжулачи, қойчи, ўтажи, бўлотчи, жуют, жоб, чилчут, буймаут, орлот, керант, унгут, тангут, манбит, чилчувит, месит, маркит, буркут, қурлас, ўкалан, қори, араб, илочи, жубурған, тишлиқ, керай, туркман, дўрмон, тобин, тама, рамадан, кўйтган, уйшин, бадийи, ҳофиз, қирғиз, можор, кўчалик, саврон, бахрин, уйрис, жуброт, бидай, татар, табаш, мичқор, сулдус, тубойи, тилов, кирдор, бактия, қарқин, ширин, ўғлон, қурлат(қурлавут), бағлон, чинбой, чехилкас, уйғур, агар, ёбу, тарғил, туркан, коҳат.

14.2.3. Асомийи наваду ду фирмайи ўзбек

«Асомийи наваду ду фирмайи ўзбек» («Тўқсон икки ўзбек фирмаси-нинг номлари» тўрт нафар мустақил асар «Мажмаъ ал-ғаройиб», «Солномайи хожа Абдулҳаким Термизий», «Тарихчайи Сомий» ва номи аниқ бўлмаган гео-космографик асар билан бир муқовада, ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги 1330-рақамли китоб таркибида мавжуд. Унда Чингизхондан то Аштархоний Абулфайзхон (1711-1747) давригача кечган воқеалар қисқача баён этилади. «Солномайи Абулҳаким Термизий»дан кейин «Асомийи наваду ду фирмайи ўзбек» асари бошланади ва ўзбек ҳалқи таркибига кирган 92 қавмнинг номи келтирилади. Улар қуйидагилардир: минг, юз, қирқ, ўнг, ункаждот, жалоир, сарой, хитой, қипчоқ, найман, чақмоқ, урмоқ, тудақ, бўстон, самарчик, қалмоқ, қорлик, қатагон, орлот, аргин, барлос, бўйтай, кенагас, келачи, буйрак, уйрот, қиёт, қўнғурот, қонғли, ўз, жуловчи, жусуловчи, каки (хожи), ўтарчи, қирловичи, жуют (жиют), жид, чулчут (чулчут), буёзит (баёзит), уймовут, керай, бағлон, лонғит, тангут, манғит, марки, буркут, моди қиёт, ўкалан, олчин, қори, фарид, шибирғон, қишилик, туркман, дўрмон, табаи, там, тобин, рамадан, митон, уйшун, бўса, ҳафт, қирғиз, татар, бочқир, сулдус, келовчи, дужор, журот, бадайи, ўғлон, қурювут, чимбой, меҳди, чилкас, уйғур, фаркон, нукус, қора тушлуб, ёбу, торғил, кўхат, шуран, ширин, тама, баҳрин, керай, тахтиён, мурол, қоён.

XVII асрда ўтган шоир Турди Фародий ҳам ўзбеклар ўша даврда 92 қавмдан иборат эканлигини айтади.

Топ қўнгиллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,

Тўқсон икки бори ўзбек юртидир, кенглик қилинг!

Бирни қипчоқу, бирни юз, бирни найман деманг,

Қирқу юз, минг сон бўлиб, бир жон ойинлик қилинг!

Бир яқодин бош чиқориб, барча бир тўнға кириб,

Бир ўнгирилик, бир терезлиқ, бир яқо-енглик қилинг!

14.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Собрание восточных рукописей АН РУз. История. Составители Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова. -Тошкент: Фан, 1998.
3. Шониёзов К.Ш. Ўзбек ҳалқининг шаклланиш жараёни.-Тошкент: Шарқ, 2001.
4. Ўзбекистон тарихи. Р.Х.Муртазаеванинг таҳрири остида.-Тошкент, 2003.

14.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Марказий Осиёда ящаган халқлар түғрисида нимани биласиз?
2. Ўзбек атамасининг мазмунини айтиб беринг?
3. Ўзбек халқи таркибига кирган уруғ ва қавмлар?
4. Ўзбек халқи шаклланишига оид қайси манбаларни биласиз?
5. Ўзбек халқи деганда нимани тушунасиз?

15-мавзу. Биографик асарлар

Дарснинг мазмуни: талабаларга биографик асарлар түғрисида тасаввур бериш ва улардаги тарих илми учун муҳим маълумотларни тахлил қилиши.

Режа:

- 15.1. Биографик асарлар хусусиятлари.
- 15.2. Биографик асарлар тавсифи.
- 15.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 15.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: биография, муаллиф, таржимаи ҳол.

15.1. Биографик асарлар хусусиятлари

Ўзбекистон тарихи ва умуман тарих илмини ўрганишда биографик асарлар, тазкиралар, маноқиблар ва мемуар асарларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Баъзан маҳсус тарихий асарларда учрамайдиган маълумотлар биографик ва мемуар асарларда учрайди. Бу асарлар маълум дарражада давр ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шулардан баъзиларига, мисол тариқасида тўхталиб ўтамиз.

15.2. Биографик асарлар тавсифи

15.2.1. Тазқарат уш-шуаро

«Тазқарат уш-шуаро» XV асрнинг кўзга кўринган адабиётшунос олими Давлатшоҳ Самарқандийнинг асари. Муаллифнинг тўлиқ исми шарифи Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ал-Фозий ас-Самарқандий. Ўз асарида келтирилган баъзи маълумотларга қараганда, у иирик ҳарбий хизматчи ва давлат арбоби оиласидан чиқкан. Отаси амир Бахтишоҳ Шоҳруҳ Мирзонинг яқин кишилари ва эътиборли хизматкорлари жумласидан бўлиб, унинг кўпгина ҳарбий юришларида қатнашган ва тоҷу таҳт соҳибига садоқат билан хизмат қилиб, жангларда қаҳрамонлик на-муналарини кўрсатган. Унинг «ал-Фозий» деб аталиши ҳам шундандир.

Давлатшоҳнинг турилган вақти маълум эмас. Лекин, буни бошқа далил ва маълумотларга таяниб, тахминан аниқласа бўлади. Давлатшоҳнинг ўзи мазкур асарини 50 ёшга кирганда ёза бошлаганини айтади. Биз бу асарни 1487 йили ёзиб тамомланганлигини биламиз. Бу катта ва муҳим асарни ёзиш учун камида икки-уч йил вақт сарфланган, албатта. Шундай тахмин қилинганда, Давлатшоҳ 1435-1436 йилларда таваллуд топган бўлиб чиқади.

Давлатшоҳ Самарқандий ёшлигига дурустгина таҳсил қўрди, ўша даврнинг энг кўзга кўринган олимларидан, масалан, фақиҳ ва шоир хожа Фазлуллоҳ Абулайсийдан ҳам таълим олган. Лекин, 1480 йилларга қадар илмий ёки адабий фаолият билан шуғулланмаган, балки сарой хизмати ва ҳарбий юришларга жалб қилинган. Шоҳруҳ Мирзо ва Султон Ҳусайн мирзонинг кўпгина ҳарбий юришларида иштирок этган. У сўнгти марта Султон Ҳусайн билан Темурий Султон Маҳмуд мирзо (Абу Сайднинг иккинчи ўғли, Ҳисори шодмон ва Бадаҳшон ҳокими) ўртасида Чамонсаройда (Афғонистоннинг Андхуй вилоятида жойлашган манзил) бўлган урушда иштирок этган. Бу уруш Хондамирнинг маълумотларига қаранганд, 1471 йилда содир бўлган. Давлатшоҳ Самарқандий 60 йилга яқин умр кўриб, 1495 йили вафот этган.

Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират уш-шуаро» асарини ёзища жуда кўп манбалардан, ўзидан аввал ёзилган тазкиралардан, масалан, Абу Тоҳир Хотунийнинг «Маноқиб уш-шуаро», Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» китобларидан, кўпгина тарихий ва географик асарлардан, хусусан, Истаҳрийнинг «Китоб масолик ул-мамолик», Гардизийнинг «Зайн ул-аҳбор», Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Оли Сабуктакин» ва бошқалардан, шунингдек, тазкирада номлари қайд этилган шоир ва адилларнинг асарларидан кенг фойдаланган.

«Тазкират уш-шуаро» асарида VII-XV асрларда Эрон ва Ўзбекистонда яшаб ижод этган 155 шоир ҳақида қисқача, лекин ниҳоятда қимматли маълумотлар келтирилган. У муқаддима, хотима ва етти қисм (табақа) дан иборат.

Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари, VII-X асрнинг биринчи ярмида ўтган арабийнавис шоирлардан 10 нафари ҳақида маълумот берилган.

Биринчи ва иккинчи қисм X-XI асрда Эрон ва, асосан, Ўзбекистонда яшаб, ижод этган 40 йирик шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли ва ижодига бағишланган.

Учинчи-бешинчи табақаларда Хоразмшоҳлар – Ануштегинийлар (1077-1231), Элхонийлар (1256-1353) ва Музafferийлар (1314-1393) замонида ўтган 54 шоир ҳақида маълумотлар келтирилган.

Сүнгти икки табақада Амир Темур ва Темурийлар замонида ўтган 41 шоир ҳақида маълумотлар келтирилган.

Хотимада XV асрнинг иккинчи ярмида ўтган ва тазкира муаллифи билан замондош бўлган йирик шоир ва адилардан Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, шайх Аҳмад Суҳайлий, хожа Афзалуддин Маҳмуд Кирмоний, хожа Шиҳобуддин Абдулла Марворид ҳамда хожа Асафий ҳақида ҳикоя қилинади.

Тазкирада тилга олинганлар орасида Абу Абдулла Рудакий (тахм. 860-941), форс тилидаги «Қавснома» номли лугат муаллифи Қатрон ибн Мансур (тахм. 1010-1073), хоразмлик машҳур шоир ва адабиётшунос, шеърият илмига оид «Ҳадойиқ ас-сеҳр» («Сеҳр боғлари») номли китоби билан донг чиқарган Рашидуддин Вотвот (тахм. 1087-1182), асли шаҳри-сабзлик бўлиб, Ҳиндистонда кун кечирган ва бой ижоди билан донг таратган буюк шоир, олим ва мусиқашунос Ҳусрав Деклавий (1253-1325), йирик тарихчи Шарафуддин Али Яздий, шоир ва қиссаҳон Ориф Озарий ва бошқалар бор.

Қисқаси, «Тазкират уш-шуаро» асари Ўзбекистон ва Эроннинг X-XV асрлардаги маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба бўлади. Унда тарихий маълумотлар ҳам кўп. XIV асрнинг 30-80- йилларида Хурросонни ларзага келтирган сарбадорлар ҳаракати ҳақида келтирилган маълумотлар айниқса муҳимдир.

Китобнинг тўла матни 1887 йили Бомбайда, 1901 йили Лондонда ва 1958 йили Техронда чоп қилинган. У турли тилларга, шу жумладан ўзбек тилига Б.Аҳмедов томонидан қисқартирилиб таржима қилинган «Шоирлар бўстони» номи билан чоп этилган. Китоб туркий тил (Хоразм шеваси)га 1900 йили Муҳаммад Рафев томонидан таржима қилинган бўлиб, унинг қўлёзмаси ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланади. Асаннинг инглизча тўла таржимаси 1900 йили Э.Браун томонидан Лейденда зълон қилинган.

15.2.2. Музаккири аҳбоб

«Музаккири аҳбоб» («Аҳбоблар (яъни дўстлар) зикрида») номли тазкира муаллифи хожа Баҳоуддин Ҳасан Нисорий (вафоти 1596-1597), XVI асрда ўтган йирик шоир ва олимдир. У асли бухоролик, машҳур шоир Подшоҳхожа (1450-вафот этган йили номаълум) оиласига мансуб. Хожа Баҳоуддин Ҳасан шоирлик билан бир қаторда, тиббиёт, тафсир, ҳандаса, фалакиёт, мусиқа ва ҳаттотликни эгалланган. Сўғд ҳокими бўлиб турган Шайбоний Рустам Султоннинг садри бўлиб хизмат қилган, 1526 йилдан кейин Балҳда Камолуддин қўноқ мадрасасида ҳандасадан дарс берган.

Хожа Баҳоуддин Ҳасан ўзининг «Музаккири аҳбоб» номли асари (1566-1567 йилда ёзилган) билан шуҳрат топган. Асар Жуйборий хожалардан хожа Муҳаммад Ислом (1493-1563)га бағишланган ва XVI асрнинг биринчи ярмида Бухорода ўтган 261 туркийзабон шоирлар ҳақида қисқача маълумот келтирган.

«Музаккири аҳбоб» қисқа сўзбоши, муқаддима, тўрт боб ва хотимадан иборат.

Сўз бошида мазкур асар муаллифи олдига қўйилган вазифа, унинг мазмуни ҳақида маълумотлар келтирилади. Унда айтилишича, олим ўз асарини Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг давоми сифатида ёзган.

Муқаддима қисмида шеъриятда қалам тебратган Шайбоний султонлар; Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллатиф Султон, Рустам Султон, Абдулазизхон, Султон Саъид Султон, Жувонмард Алихон, Дўстмуҳаммад Султон, Абулғози Султон ва Бобурийлардан Ҳумоюн, Акбар, Комрон Мирзо, Мирзо Аскарий, Ҳиндол, Хон Мирзалар ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан намуналар келтирилган. Асарда Шайбонийхоннинг 1487-1488 йиллари Бухорода кечган ҳаёти ҳақида келтирилган маълумотлар бениҳоят қимматлидир.

Айтилишича, Шайбонийхон Бухорога Темурийзода Султон Аҳмад Мирзо (1469-1494) ва Бухоро ҳокими амир Абдуали тархоннинг таклифи билан келган. Шайбонийхон бир йил ичida Бухоронинг Омонкент қишлоғида истиқомат қилган ва хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг набираси хожа Мир Муҳаммад Нақшбанд ўша вақтда бобосининг Қасри орифондаги мозорида мутаваллий бўлиб хизмат қиласр эди. Шайбонийхон ўндан нақшбандийлик таълимотини ўрганди. Пири Шайбонийхонга яқин орада улуғ мартабага эришишини каромат қилган. Тазкиранавис, «кўп вақт ўтмай, 12 йилдан кейин, Шайбонийхон Туркистондан то Домғонгача чўзилган катта мамлакатга эга бўлди», деган. Ундан ташқари, муқаддимада шайбонийзодалардан Рустам Султон, Абдулазизхон ва Жувонмард Алихонларнинг шахсий ҳаёти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилади.

Асарнинг биринчи бобида муаллиф ўзи шахсан таниш бўлмаган, тазкира тузилмасдан анча илгари оламдан ўтган, бухоролик 84 шоирнинг ҳаёти ва ижодидан намуналар келтирилади.

Иккинчи бобда муаллиф билган, лекин тазкира ёзилмасдан сал илгари ҳаётдан кўз юмган 64 бухоролик шоир ҳақида маълумот келтирилади.

Учинчи боб тазкира ёзилаётганда ҳаёт бўлган 59 бухоролик шоир ижодига бағишланади.

Ва ниҳоят, тўргинчи бобда муаллиф билан замондош, лекин у билан таниш бўлмаган 44 нафар мовароуннаҳрлик шоир ижодидан намуналар келтирилган.

Хотимада муаллиф ўзининг ота-боболари ҳақида, хусусан улур бобоси Абдулваҳҳобхожа, отаси Подшоҳхожа ва бирмунча вақт Шайбоний Рустамхоннинг хизматида шайхулислом лавозимида бўлган иниси Абдуссамадхожа ҳақида, шунингдек, рубоийнавис шоир Шоҳхожа ҳақида зарур маълумотлар келтирган.

Тазкирада, шоирликни ўзига касб-ҳунар қилиб олган шоирлар билан бир қаторда, бошқа касб-ҳунар эгалари, масалан, савдо-сотиқ, табиблиқ, хаттотлик, рассомлик, меъморлик ва бошқа ҳунарманд шоирлар ижодидан ҳам намуналар келтирилган. Уларнинг орасида олимлар ҳам бўлган. Масалан, машҳур шоир Муҳаммад Солиҳнинг ўғли Мирзо Улугбек ҳақида бундай маълумот келтирилган; у XVI асрнинг бошларида Нисо вилоятининг ҳокими бўлган. Ҳасан Нисорийнинг отаси Дарун ҳокими Подшоҳхожа билан дўст бўлган. Улар тез-тез бир-бирларини зиёрат қилиб турганлар ва шоирларнинг мажлисларини уюштириб турганлар.

Ушбу асарда Шайбоний ҳукмдорлардан Убайдуллахон замонида Бухоро ва Самарқандда бунёд этилган масжид, мадраса ва хонақоҳлардан ташқари, кўприк, сув иншооти ва кутубхоналари ҳақида ҳам маълумотларни учратамиз. Бухоройи шарифда қурилган Мир Араб мадрасаси, Пирি Марза қишилорида қурилган чорбог, Меҳтар Қосим тарафидан Кўҳак дарёси устига қурилган кўприк, Абдулазизхон тарафидан Бухоро шаҳрида бунёд этилган кутубхона шулар жумласидандир.

Умуман, ҳожа Ҳасан Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» асари Ўзбекистоннинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги адабий муҳити ва маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Асарнинг кўлёзма нусхалари Россия, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар кутубхоналарида мавжуд. Унинг ўзбекча таржимаси 1993 йили Тошкентда Исмоил Бекжонов томонидан чоп этилган.

15.2.3. Хотироти Мутрибий

«Хотироти Мутрибий» («Мутрибий эсадаликлари»), «Тазкират уш-шуваройи Мутрибий» («Мутрибийнинг шоирлар тўғрисидаги тазкираси») ва «Нусхайи забои Жаҳонгирий» («Жаҳонгирнинг зебо тазкираси») номли асарлар муаллифи XVI асрнинг иккинчи ярми-XVII асрнинг 30-йилларида ўтган шоир ва тазкиранавис олим Мутрибийдир.

«Хотироти Мутрибий» деган асаридан маълум бўлишича, у 1559 йили Самарқандда таваллуд топган, ота томонидан бобоси Малик Арғун ва она томонидан бобоси Басрий замонининг машҳур шоирлари жумласи-

дан бўлишган. Мутрибий дастлабки маълумотни она шаҳри Самарқандда олган, сўнг Бухорога бориб, хожа Ҳасан Нисорийга шогирд тушган. 1620 йилдан бошлаб у, асосан Самарқандда истиқомат қилган ва Самарқанд ҳокими Ҳожибий қушчининг хизматида бўлган. 1625 йилнинг кузида ўғли Муҳаммад Алини ўзи билан бирга олиб, Ҳиндистонга жўнаб кетади. Бу вақтда Мутрибий 69 ёшда бўлган ва 1627 йили Самарқандга қайтиб келган. Унинг кейинги тақдири маълум эмас.

Мутрибий уч асар муаллифидир. Улардан бири «Тазкират уш-шуаройи Мутрибий» бўлиб, унда мовароуннаҳрлик 320 шоир ҳақида қисқача маълумот ва шеърларидан намуналар келтирилади.

Иккинчи асари «Нусхай зебойи Жаҳонгирий» бўлиб, уни Мутрибий ҳали Ҳиндистонга кетмай туриб Самарқандда бошлаган ва 1626 йили Лоҳур шаҳрида тамомлаган. Асарда Мовароуннаҳр, Хуросон, Балх, Бадахшон ва Ҳиндистонда XVI асрнинг иккинчи ярмида истиқомат қилган 292 шоир ҳақида маълумот келтирилади ва ўша йилиёқ Жаҳонгир подшоҳга (1605-1627) тақдим этилади. «Хотироти Мутрибий»да айтилишича, тазкира подшоҳ ва унинг яқинларига маъқул бўлган. Жаҳонгир суҳбат охирида Мутрибийга Ҳиндистонда XVI асрнинг иккинчи ярмида, яъни марҳум отаси Жалолиддин Акбар даврида ўтган шоирлар ҳақида тўплаган материалларини берган ва ундан мазкур тазкирага ўз номини қўшишини илтимос қилган. Ушбу материаллар иккинчи тарзкирадан 16 варақ жой олган. «Нусхай зебойи Жаҳонгирий»нинг яхши қўлэзма нусхаси 1665 йилда Шоҳижонахонободда кўчирилган ва шу кунларда «Индия оффис» кутубхонасида сақланмоқда.

Мутрибийнинг учинчи асари «Хотироти Мутрибий» деб аталади ва муаллиф уни 1627 йил 25 феврал куни ёзишга киришган. Асар муаллифнинг Лоҳурда турган пайтида подшоҳ Жаҳонгирнинг 24 мажлисида кўтарилилган масалалар ҳақида ҳикоя қиласи. Унда Мовароуннаҳрнинг XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ва маданий ҳаёти, Самарқанднинг осори-атиқалари ва унинг ўша давридаги аҳволи ҳақида ўта қимматли далил ва маълумотлар келтирилади. Шулардан баъзилари ни келтириб ўтамиз.

Жаҳонгир подшоҳни Бухоро ва Балх хонларининг ҳамда уларга яқин амирлар ва Жуйбор хожаларининг шахсий ҳаёти, турмуши ва феъл-атвори кўпроқ қизиқтирган. Шунингдек, у бошқа Бобурий подшоҳлар каби, Бухоро ва Балх хонларининг қиёфасини чиздириш билан шурулланган. Масалан, 18-чи хотиротда қуидагиларни ўқиймиз: «Кунлардан бир куни подшоҳнинг остонасига бош қўйтгани борган эдим. Подшоҳ қандайдир суратларни диққат билан тамоша қилиб ўтирган экан. Менга «ўлтир!», деб ишорат қилдилар. Сўнг суратларни мен тарафга ўтириб сўрадилар;

«Диққат билан қараб кўрчи, булар кимларнинг суратлари экан?» Қараб кўрсам уларнинг бири Абдуллахон ўзбек (Абдуллахон соний, 1583-1598), иккинчиси (унинг ўғли) Абдумўминхоннинг сурати экан. Подшоҳ мендан сўради: «Суратлар асилми, ёки сенинг бошқа фикринг борми? Агар бўлса, айт». Мен жавоб қилдим: «Абдуллахон сал тўлароқ тасвирланган. Бўйнидаги чандиқ эса ўнг томонда бўлиб қолган. Аслида у кўп ҳам тўла эмас, бўйнидаги чандиқ эса сўл тарафда». Подшоҳ рассомни чақиртириди ва суратни мен айтгандек қилиб чизишни буюрди. Шундан кейин подшоҳ мендан «Абдулмўминхоннинг сурати хусусида нима дейсан?», деб сўради. Жавоб қилдим: «Абдулмўминхонни буғдорай рангли қилиб чизибдилар. Аслида у оқ-сариқдан келган (йигит), саллани сал олдинга қилиб ўрайди, бу анча чиройли чиқади», дедим. Подшоҳ рассомни чақиртириди ва бу суратларни ҳам мен айтгандай қилиб чизишни буюрди».

Хотиротлардан яна бирида Мутрибий 1626 йили Бухородан Ҳиндистонга келган Бухоро хонининг элчиси хожа Абдураҳим билан бўлган суҳбатни келтиради. Жаҳонгир подшоҳ Жуйбор хожаларига зўр ҳурмат-эҳтироми бўлишига қарамай, Мутрибийга: «Нима учундир, Имомқулихон Надр девонбегидай бообрў мулозимлари бўла туриб, ҳузуримизга навкарларни юборибди», - деган.

Олимнинг Кобулдан Лоҳурга меҳмон бўлиб келган Муҳаммад Ҳаким мирзо шарафига уюштирилган зиёфат ҳақида ёзган хотираси ҳам диққатга сазовордир. Мажлисда гап «музиқа» атамасининг келиб чиқиши, маъноси, шашмақом («Ироқ», «Ҳусайнӣ», «Сегоҳ» ва бошқалар)нинг тарихи ҳақида мусиқашунослар ўргасида бўлган баҳс ҳақида боради. Унда Мутрибий ҳам фаол қатнашган.

Хотиротларда Самарқанддаги тарихий обидалар, Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Улуғбек расадхонасининг XVII аср бошларидаги аҳволи, Сиёб (Сиоб) ариғи устига қурилган қофоз корхоналари (жувози қофоз)нинг аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Хулласи, Мутрибийнинг тазкиралари ва эсдаликлари Ўзбекистон, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII асрнинг биринчи ярмидаги фан ва маданияти, Бухоро хонлигининг бошқа мамлакатлар билан алоқалари тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиши мумкин.

15.2.4. Музаккири ал-асҳоб

«Музаккири ал-асҳоб» («Дўстларни эслатувчи китоб») тазкирасининг муаллифи XVII асрда ўтган йирик шоир ва олим Малеҳо Самарқандийдир. Бу асарда XVII асрда яшаб ижод этган 200 дан ортиқ мовароуннаҳрлик шоирларнинг қисқача таржимаи ҳоли ва асарларидан парчалар келти-

рилган. Китоб 1682-1692 йиллар орасида ёзилган.

Малеҳо Самарқандийнинг ҳақиқий исми Муҳаммад Бадиъ ибн Муҳаммад Шариф Самарқандий бўлиб, у 1641 йили Самарқандда ўқимишли фақиҳ ва ўзига тўқ оиласда таваллуд топган. Отаси Муҳаммад Шариф Самарқанд қозиси, сўнг муфтий маҳкамасида хизмат қилган. 1670 йили вафот этганида, унинг бойлиги Абдулазизхоннинг (1645-1680) амри билан ўғли Муҳаммад Бадиъга қолдирилган. Бўлғуси олимнинг ҳаёти қийинчилик ва муҳтожликсиз, яхши кечган. Шунинг учун ҳам у яхши ўқиган ва кўп ерларга саёҳат қилиш имконига эга бўлган.

Муҳаммад Бадиъ бошланғич маълумотни Самарқандда олган. Кўп илмларни, фиқҳ, фалсафа, илоҳиёт ва мантиқни отасидан, шеър илмини қози Лутфуллоҳдан мадрасада олган. У мадрасада тафсир, астрономия, тарих ва адабиётни ҳам ўрганган. «Хусусан,-деб ёзди у ўз тазкирасида, -«Чарминий шарҳи»¹⁰³ ва Али Қупғчининг форсча рисоласини¹⁰⁴ ўша мавлоно Лутфуллоҳдан ўргангандман». Малеҳо 11 ёшида шеър ёза бошлаган ва баъзи қийин атамаларни изоҳлай олган.

Олим 1670 йили, отаси вафотидан кейин, Эрон бўйлаб саёҳат қилган ва уч йил мобайнида мамлакатнинг ўша вақтдаги пойтакти Исфаҳон ва катта шаҳарлари Нишопур, Кошон, Машҳад ва бошқа шаҳарларида бўлган, ўша йиллари бўлажак асар учун маълумотлар тўплланган. 1673 йили у она шаҳри Самарқандга қайтиб келди ва етти йил мобайнида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида фиқҳ, тафсир ва ҳадис илмларидан олган маълумотини Қози хожа Миракшоҳ раҳбарлигида чуқурлаштирган. 1689 йили Самарқанд ҳокими Иброҳимбий уни Шайбонийхон мадрасасига мударрис этиб тайинлайди. Олим ўз асарини шу ерда тамомлади. Унинг қачон вафот этгани маълум эмас.

«Музаккири ал-асҳоб», унда тилга олинган шоирларнинг асарларидан бошқа жуда кўп, турли мавзудаги асарларда келтирилган маълумотларни ўрганиш асосида ёзилган. Манбалар ичida Мирхонднинг «Равзат ус-сафо», имом Абулфазл Муҳаммад ас-Самарқандийнинг «Қандия», Яҳё Сибак Нишопурийнинг «Шабистони ҳаёл», Али ибн Ҳусайн Воиз ал-Кошифийнинг «Рашаҳот ул-айн ул-ҳаёт», мулла Содиқ Самарқандийнинг «Риёз уш-шуаро», Мир Саид Шариф Роқимнинг «Тарихи касира», хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асарлари ҳам бор. Шунинг учун асарда шеърият илмидан ташқари, тарихий ва географик маълумотлар ҳам кўп.

¹⁰³ Саййид Шариф Журжонийнинг «Ал-мулоҳҳас фи-л-ҳайъат» асарига ёзилган шарҳ назарда тутилади.

¹⁰⁴ Олимнинг Мирзо Улугбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарига ёзган шарҳи назарда тутилади.

Тарихий маълумотлардан Хива хони Анушахоннинг 1681 ва 1686 йиллари Бухоро хонлиги ҳудудларига бостириб кириши, 1681 йили Бухоро атрофидаги туманлар ва Бухоро шаҳристонининг босиб олиниши, 1686 йили Самарқанд, Қарши ва Шаҳрисабзининг босиб олиниши ва бунинг оқибатида ҳалқ ва ҳукуматнинг оғир аҳволга тушиб қолиши ҳақидаги маълумотлар дикқатга сазовордир.

Асарда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотлар ҳам учрайди. Ҳунармандчиллик, мисгарлик, кимухтгарлик, бўёқчилик-сабботий, гилкорлик, кавушдўзлик, зардўзлик, қассоблик, карбозфурушлик, атторлик, заркашлиқ, бazzозлик, темирчилик, хиргоҳтарошлиқ, нақ-қошлиқ, саррофлик, жомабофлик, муҳргарлик ва бошқалар, хожа Убайдулла Аҳрор авлодининг мол-мулки ҳақида маълумотлар учратамиз. Аштархонийлар давлати тузилиши, хусусан оталик, муставфий, парвоначи, мироҳур, додхоҳ, тўқсабо, сипоҳсалор, судур, фақиҳ, аълам, муфтий, қози аскар, раис, китобдор, мударрис, мутавалий, юз боши, мири ҳазар, воқеанавис ва бошқа мансаблар ҳақида ўта қимматли маълумотлар мавжуд.

Тазкирада келтирилган Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг топографияси ҳақидаги маълумотлар ҳам дикқатга сазовордир. Масалан, Самарқанд гузарларидан Дегрезон, Ҳовузи сангин, Бўстон Боло, Мир Сайд ошиқ, Кимухтгарон, Бўстини хон, Гавкашон, Собунхона, Атторон, Сангтарошон, Хон Сайд имом, Лаби ҳовуз, Дарвозайи об гузарлари тилга олиниади. Бухоро ва Самарқанддан ташқари, Амир Темур ва Шайбоний Абдуллахоннинг Қарши ва Шаҳрисабзни обод қилиш йўлида олиб борган ишлари ҳам тилга олиниади. «Насаф,- деб ёзади Малеҳо,-обод вилоят. Унинг ободончилиги шу даражадаки, таъриф ва тавсифга муҳтоҷ эмасдир. Масжид ва сардобадан ташқари, бу шаҳарда Абдуллахон тарафидан кўп иморатлар бунёд этилган. (Амир) Боқибий, Абдуллахоннинг кўрсатмаси билан ушбу шаҳарда мадраса, карвонсарой, ҳаммом, (маммар) тошдан тимлар қурдирган. Шаҳрисабз ҳақида ўқиймиз: «Кеш вилояти, худди Самарқанд сингари, аввало салтанат пойтахти бўлган. Шаҳид Султон Улуғбек кўрагон тарафидан бино қилинган жомий масжид, жаноб шайх (Шамсуддин) Кулол мақбараси, мирзо Жаҳонгирнинг мадраса ва мақбараса шулар жумласидандир...»

Хуллас, Малеҳонинг «Музаккири асҳоб» асари Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Асарнинг кўлёзма нусхалари Ўзбекистон, Россия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарда кўп. Фақат ЎзР ФА Шарқшунослик институти ҳазинасида саккиз мўътабар кўлёзма нусхалари мавжуд. Асар матни нашр қилинмаган.

15.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Собрание восточных рукописей АН РУз. История. Составители Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова -Тошкент: Фан, 1998.
3. Рукописная книга в культуре народов Востока. Очерки Ред. О.Ф.Аки-мушкин и др. Книга первая.-М.: Наука, 1987; Книга вторая.-М., 1988.
4. Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари (илмий-амалий анжуман материаллари). Тузувчилар: А.А.Мадраимов, Г.С.Фузаилова-Тошкент: ТДГУ, 2001.

15.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Биография ёки биографик асар деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай биографик характерга эга бўлган асарларни биласиз?
3. «Музаккири аҳбоб» тазкирасида Шайбонийлар даври тўғрисида қандай маълумотлар бор?

16-Мавзу. Агиографик асар, маноқиб ёки ҳолотлар

Дарснинг мазмуни: Жамият ҳаётидаги дин ва диний арбобларнинг роли, улар тўғрисидаги адабиётлар ҳақида талабаларга тушунча бериш.

Режа:

- 16.1. Агиографик асарлар хусусиятлари.
- 16.2. Агиографик асарлар тавсифи.
- 16.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 16.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Газира, маноқиб, ҳолот, рисола, шайх, имом, тасаввуф, мурид, муршид, эшон, саид, хўжа, силсила, тариқат, раşaҳот, мақомат.

16.1. Агиографик асарларнинг умумий хусусиятлари

Маноқиблар ёки ҳолотлар йирик дин ва жамоат арбоблари ва тариқат пешволарининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг кароматлари ҳақидаги биографик асарлардир. Маноқиблар устида ишлаш шуни кўрсатадики, уларда ўта қимматли ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва маданий ҳаётга оид далиллар ва маълумотлар кўп учратиш мумкин¹⁰⁵. Шунга қарамай, бу хилдаги манбалардан фойдаланиш ишини яхши деб бўлмайди.

¹⁰⁵ Аҳмедов Б.А. Жития мусульманских святых, как исторический источник// «Источниковедческие изыскания». Т. 11,- Тбилиси, 1988.-С. 207-214.

Мутахассислар, умумаш тарихшунос-маibашунослар эътиборига ма-ноқиблар ва ҳолотларнинг баъзилари тўғрисида маълумотлар келтирилди.

16.2. Агиографик асарлар тавсифи

16.2.1. Тазкирайи Буғрохоний

«Тазкирайи Буғрохоний» («Буғрохоннинг ҳаёт йўли ва айтганлари») Аҳмад ибн Саъдулла ал-Ўзгандий қаламига мансуб асардир. Китоб машҳур Қорахонийлардан Сотуқ Буғрохон (вафоти 955)га багишланган. Асарда Увайсия тариқати ва унга эргашган толибларнинг, шулар қатори Сотуқ Буғрохоннинг ҳам таржимаи ҳоли берилган. Асар «Увайсия» (машойихлари)нинг таржимаи ҳоли» деб ҳам аталади.

«Тазкирайи Буғрохоний» илк тариқатлардан бўлмиш Увайсия тариқати тарихи ва Ўрта Осиёда ислом дини тарқалиши тарихини ўрганишда муҳим маnbалардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Асар матни чоп этилмаган. Кўлёзма нусхалари ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинасида мавжуд.

16.2.2. Маноқиби хожа Юсуф Ҳамадоний

«Маноқиби хожа Юсуф Ҳамадоний» («Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли») номли асар муаллифи хожагон тариқатининг асосчиси ва назариячиларидан бири Абдухолиқ ибн Абдулжамил Фиждувоний (ваф.1179) бўлиб, у ушбу асарини устози хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли ва таълимотига бағишлиган.

Асарнинг яна бир бошқа номи «Рисолайи шайх аш-шуйух ҳазрат хожа Абу Юсуф Ҳамадоний» («Машойихлар шайхи ҳазрат хожа Юсуф Ҳамадоний ҳақида рисола») деб ҳам аталади.

Асарнинг яхши бир қўлёзма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институтида мавжуд.

16.2.3. Рисолайи шайх Нажмиддин Кубро

«Рисолайи шайх Нажмиддин Кубро» («Шайх Нажмиддин Кубро рисоласи») кубровия тариқатининг асосчиси шайх ва шоир Нажмиддин Кубро (1221) Гурганжни мўғуллардан мудофаа қилиш вақтида жангда ҳалок бўлган) қаламига мансуб асар.

Ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган, ҳаммаси бўлиб 9 варақ, бу асарда тасаввуф ҳақида фикр юритилади, муаллиф ўзининг шахсий кечинмалари ва руҳий изтиробларини баён қиласди.

Асарнинг яхши бир қўлёзма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланади.

16.2.4. Маноқиби Амир Кулол

«Маноқиби Амир Кулол» («Амир Кулолнинг ҳаёт йўли») асари нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндадаридан бири, ҳазрати соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан Амир Кулолнинг ҳаёт йўлига бағишиланган. Амир Кулол асли Бухорий шарифнинг Суҳори қишлоғидан бўлиб, ота-боболаридан тортиб кулолчилик билан тирикчилик ўтказганлар, тариқатда хожа Муҳаммад Бобойи Сомосий (ваф.1354)нинг халфасидир.

Асарнинг муаллифи Амир Кулолнинг набираси Шиҳобиддинцидир.

Асарнинг XVII асрда кўчирилган яхши бир қўлёзма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда. «Маноқиби Амир Кулол»нинг тошбосма нашрлари ҳам бор.

16.2.5. Хожа Муҳаммад Порсонинг «Мақомати хожа Алоуддин Аттор», «Фасл ул-хитоб», «Рисолайи құдсия» ва бошқа асарлари

Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳақиқий исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ҳофиз ал-Бухорий бўлиб, 1419 йили Маккада вафот этган. Нақшбандия тариқатининг назариётчи олимларидан, ушбу тариқат ва унинг кўзга кўринган намояндадарига атаб бир неча асар ёзиб қолдирган.

Улардан бири «Мақомати хожа Алоуддин Аттор» («Хожа Алоуддин Атторнинг ҳаёт йўли») бўлиб, муаллиф унда Нақшбандия тариқатининг йирик вакилларидан бири Хожа Бузург – Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаларидан бири асли хоразмлик хожа Алоуддин (ваф.1400)-нинг айтганлари жамланган.

«Мақомати хожа Алоуддин Аттор» асари нашр этилмаган. Қўлёзма нусхаси ЎзРФА Шарқшунослик институти кутубхонасида мавжуд.

Хожа Муҳаммад Порсонинг яна бир асари «Фасл ул-хитоб» («Равшан фикрлар») бўлиб, унда эътиқод, диний маросимлар, ақидапарастлик ва фалсафий оқимлар ҳақида мутасаввуфона фикр юритилади. «Фасл ул-хитоб» тасаввuf бўйича қомусий асар ҳисобланади.

Асарнинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон, шунингдек, Германия, Франция ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кутубхоналарида мавжуд. 1913 йили амалга оширилган тошбосма нашри ҳам бор.

Хожа Муҳаммад Порсонинг пири муршиди хожа Баҳоуддин Нақшбандга атаб ёзган «Рисолайи құдсия» («Құдсий калималар ҳақида рисола») асари бўлиб, олим бу асарида устозининг айтганларини зўр эътибор билан жамлаган. Хожа Муҳаммад Порсо бу асарини устози хожа Алоуддин Атторнинг илтимоси билан ёзган.

Олимнинг булардан бошқа тасаввуфнинг назарий ва амалий масалалари га бағишиланган «Маҳақ ал-орифин» («Маърифатли кишиларни ажратувчи маҳақ тоши»¹⁰⁶), «Таҳқиқот» («Ҳақиқат излаш») ва «Рисола» деган асарлари ҳам мавжуд.

16.2.6. Маноқиби Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд

Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, унинг ҳаёти, айтганлари, қароматлари ҳақида ҳикоя қилувчи яна бир муҳим асар Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Маноқиби ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд» («Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли») номли китобидир. Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир бу асарини ёзишда Ҳожайи бузургнинг яқин кишилари билан суҳбатлари чорида йиққан маълумотлардан ва ҳожа Муҳаммад Порсонинг китобларидан олинган маълумотлардан фойдаланган.

«Маноқиби ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд» муқаддима, хотима ва учқисмдан (мақсад) иборат.

Муқаддимада Ҳожайи бузургнинг таваллуд топиши ва келиб чиқиши, биринчи қисмда ҳазрат эшон фаолиятининг бошланиши, иккинчи қисмда ҳазрат эшоннинг сулуклари ва айтганлари, ва ниҳоят, учинчи қисмда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг кашфу қароматлари баён этилган.

Хотимада ҳазрати бузургнинг вафоти хусусидадир.

Асар Маҳмуд Ҳасанов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва зарур изоҳлар билан 1993 йилда нашр этилган.

16.2.7. Мақомати ҳожа Аҳрор

«Мақомати ҳожа Аҳрор» («Ҳожа Аҳрорнинг ҳаёти») номли асар нақшбандия тариқатининг яна бир йирик намояндаси, маърифатпарвар ва раијтарвар инсон ҳожа Убайдулла Аҳрор Валининг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишиланган. Бу китоб эшон буванинг набираси ҳожа Абдулло томонидан XVI асрда ёзилган. Ҳожа Абдулло ёшлигидан бобосининг хизматида бўлган ва мазкур асарида ҳазрат эшондан ўзи эшитган, унинг яқинлари ва мулозимлари, беклар ва амирларнинг оғзидан эшитган, шунингдек Темурийзодалар Султон Аҳмад (1469-1494) ва Умаршайхдан эшитганларини қўят билан тўплаб китоб ҳолига келтирган.

Асарда Ўзбекистон ва у билан қўшни мамлакатларнинг XV асрдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига оид ўта қимматли маълумотлар бор.

¹⁰⁶ Маҳақ тоши – кумуш ва олтинларга суртиб, уларнинг соғ ёки қалбакилигини аниқлаб берувчи сирли тош.

Китоб нашр этилмаган, унинг қўлёзма нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг хазинасида сақланмоқда.

16.2.8. Рашаҳоту айн ул-ҳаёт

«Рашаҳоту айн ул-ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар», 1503 йили ёзиб тамомланган) хожа Убайдулла Аҳрор ҳақида ёзилган муҳим бир асардир. Асар муаллифи кўпинча ас-Сафий (1453-1513) тахаллуси билан машҳур бўлган илоҳиёт, ҳадис, тафсир ва адабиёт фанларини чуқур билган олимдир. Унинг тўлиқ исми Фахруддин Али ибн Али ал-воиз ал-Кошифий ал-Байҳақийдир. Асарларидан маълум бўлишича, у Байҳақ (Эрон)нинг ўқимишли хонадонларидан бирига мансуб бўлиб, отаси илоҳиёт, тафсир ва ҳадис илмига оид асарлар ёзган ва Нақшбандия тариқатининг етакчиларидан хожа Убайдулла Аҳрор (1404-1490), хожа Яҳе ва бошқаларнинг диққат-эътиборини қозонган кишидир. Ас-Сафийнинг ўзи хожа Убайдулла Аҳрорнинг муридлари жумласидан бўлиб, унинг котиби лавозимида ишлаган. Хожа Аҳрор вафот этгандан кейин, темурий Султон Ҳусайн хизматига кирган ва унинг воизи бўлиб хизмат қилган.

Ас-Сафий турли соҳаларга оид 10 га яқин асар ёзиб қолдирган. Турли латифа ва бадиъаларни ўз ичига олган «Латоиф аз-зароиф» («Зарофатли кишиларнинг латифалари»), «Маҳмуд ва Аёз» достони, ал-кимёга бағищланган «Тухфат ул-хоний» («Хоннинг тухфаси»), «Ҳирз ал-омон мин фатан аз-замон» («Замоннинг зийраклиги билан жодуни қайтарадиган тумор»), «Ахлоқи Муҳсиний», Нақшбандия тариқатининг таълимоти ва унинг йирик намоёндалари ҳаёти ва фаолиятига бағищланган «Усули Нақшбандия» каби асарлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ас-Сафий таржимонлик билан шуғулланган. Масалан, у шайх Шиҳобуддин Суҳравардийнинг (ваф. 1234 й.) «Уюн ал-ҳақоиқ ва ихоҳ ал-тароиқ» («Ҳақиқатлар булоғи ва тариқатлар изоҳи») китобини арабчадан форс тилига таржима қилган. Бу таржима «Китоб кашф ул-асори Қосимий» («Қосимий сирларининг кашф этилиши ҳақида китоб») номи билан маълум. Ас-Сафий Шарқда машҳур бўлган «Калила ва Димна» асарини ҳам қайта ишлаган ва унга «Анвори Суҳайлий» («Суҳайл юлдузининг нурлари») деб ном берган.

Ўзбекистоннинг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда ас-Сафийнинг айниқса «Рашаҳот» асари муҳим ўрин тутади. Асар Нақшбандия тариқати машоихларининг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда тариқатнинг йирик намоёндаларидан хожа Убайдулла Аҳрорнинг ҳаёти ва мақоматларини ўз ичига олади.

Ас-Сафий ўз асарини ёзишда хожа Муҳаммад Порсонинг «Фасл ул-хитоб», Шиҳобуддин ибн Амир Ҳамза (ваф. 1405 й.)нинг «Мақомати

Амир Кулол», Мұхаммад ал-Бухорийнинг (ХII аср) «Маслак ул-орифин», Мавлоно Мұхаммад қозининг (ваф. 1516 й.)нинг «Силсилат ул-орифин ва тазкират ас-сиддиқин» асарларидан фойдаланган. Лекин, асарнинг катта қисми, яъни хожа Убайдулла Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қисми, муаллифнинг шахсий кузатувлари ва сўраб-суриштириб тўплаган маълумотлари асосида ёзилган.

«Рашаҳот» қисқача сўз боши-дебоча, кириш-мақола ва уч қисмдан иборат.

Сўз бошида мазкур асарнинг ёзилиш сабаблари, муаллифнинг исми шарифи, асарнинг ёзилиб тамомланган вағти, шунингдек, хожа Убайдулла Аҳрорнинг Нақпібандия тариқатига муносабати ҳақида сўз боради.

Кириш қисмida Нақпібандия тариқати машойихларининг, хожа Юсуф Ҳамадонийдан то мавлоно Шамсуддин Руҳийгача қисқача таржимаи ҳоли баён қилинган.

Асарнинг I-III қисмларида хожа Убайдулла Аҳрор ва унинг фарзандлари, хожа Зикриё, хожа Яҳё, шунингдек, хожа Аҳрорнинг яқин муридларининг ҳаёти ва мақоматлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Рашаҳот»нинг биз учун қимматли томони шундаки, унда, айниқса асарнинг учинчи қисмida, Ўзбекистоннинг XV асрдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ахволига оид қимматли маълумотлар мавжуд. Хожа Убайдулла Аҳрорнинг ер-сувлари ва бошқа мулки, тамға солиги, хорижий мамлакатлар билан бўлган савдо-сотиқ алоқалари ва мамлакатда кучайиб кетган ўзаро кураш ва бунда мусулмон руҳонийлари, хусусан хожа Аҳрорнинг иштироки ҳақидаги маълумот ва хабарлар шулар жумласидандир.

«Рашаҳот» Ҳиндистонда 1890, 1897 ва 1906 йиллари ҳамда Тошкентда 1911 йили чоп этилган. Асар араб (1852, 1889 йиллари) ҳамда турк тилига (1888 йили) таржима қилинган.

XVI-XVIII асрларда ёзилган мақоматлар ҳам бир талай. Улар ҳам биографик асарлар сирасига киради. Уларнинг кўплари XVI асрга оидdir. Маҳдуми Аъзам Косонийнинг набираси хожа Абулбақонинг қаламига мансуб бўлган «Жомиль ул-мақомати Маҳдуми Аъзам Косоний» («Маҳдуми Аъзам Косоний мақомотлари мажмуъи»). Мұхаммад Раҳим тарафидан ёзилган «Сирож ус-салокин ва латоиф ул-орифин» («Тўғри йўлдан борувчилар учун чироқ ва доноларнинг лутф сўзлари»). Дўстмуҳаммад ал-Бухорийнинг «Жуйбор ул-асрор» («Қўп ирмоқли манзилнинг сиру асрорлари»). Ҳусайн ибн Мир Ҳусайн Сарахсийнинг «Маноқиби саъдия» («Хожа)Саъднинг мақоматлари»), Мұхаммад Толиб ибн хожа Тожиддиннинг «Матлаб ут-толибин» («Толиблар матлаби») китоби, Бадрид-

дин Кашмирийнинг «Равзат ур-ризвон ва ҳадиқат ул-филмон» («Жаннат боғи ва чангалзор маҳрамлари»), XVII-XIX асрларда ёзилган асарлардан Муҳаммад Қосимнинг «Насимот ул-кудс» («Кудсийликнинг майин шабадаси»), Муҳаммад Авазнинг «Зиё ал-қулуб» («Қалблар зиёси»), хожа Ҳошим Кишмийнинг «Зубдат ул-мақомот» («Мақомотлар зубдаси»), Сайд Али Зинданинг «Самарот ул-машойих» («Машойихлар натижаси»), Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Тайиб Хоразмийнинг «Силсилати хожагони Нақшбандия» («Нақшбандия хожаларининг силсиласи») шулар жумласидандир.

XVI-XVII асрларда яратилган уч-тўрт асарга алоҳида тўхталамиз.

16.2.9. Равзат ур-ризвон ва ҳадиқат ул-филмон

«Равзат ур-ризвон ва ҳадиқат ул-филмон» («Жаннат боғи ва чангалзор маҳрамлари») асари Бадриддин Кашмирий қаламига мансуб бўлиб, унда XVI-XVII асрларда Ўзбекистонда ва қўшни мамлакатлар, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон ва Кошғарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган Жуйбор хожалари, хусусан хожа Муҳаммад Ислом (1493-1563), хожа Саъд (1531/32- 1589) ва хожа Тожиддин Ҳасан (1574-1646)ларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб XVII асрнинг биринчи ярмида ёзиган тамомланган.

Асар муаллифининг тўлиқ исми Бадруддин ибн Абдуссалом ибн сайдид Иброҳим ал-Хусайний ал-Кашмирийдир. Асар муқаддимасида ўзи келтирган маълумотларга қараганда, асли каширилик бўлиб, 1554 йили Бухоройи шарифга кўчиб келган ва хожа Муҳаммад Исломнинг шахсий котиби сифатида хизматига кирган. Унинг вафотидан кейин ўғиллари хожа Саъд ва хожа Тожиддин Ҳасанларнинг хизматида (унинг фаолиятининг бошида) бўлган.

Асар мазмуни, услуби ва унда турли мавзу бўйича тўпланган маълумотлардан кўринишича, Бадриддин Кашмирий кенг маълумотли, тарих, шеърият, иншо илмларини чуқур эгаллаган киши бўлган. У «Равзат ар-ризвон»дан бошқа «Шамъи дилафрўз» («Дилни равшан қитувчи чироғ», 1568/69 йили ёзилган), «Меъроҷ ул-комилин» (“Комил кишиларнинг меъроҷга кўтарилиши”, 1573/74 йили ёзиган тамомланган), “Равзат ул-жамол” (“Гўзал боф”, 1575/76 й. ёзиган тамомланган), “Баҳр ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”, 1583 й.) ва “Расулнома” (1593) каби назмий ва насрий асарлар ёзиган қолдирган. Сўнгти асарининг тўртингчи қисми “Зафарнома” шеърий достон бўлиб, унда Шайбоний Абдуллахон сонийнинг тарихи баён қилинган.

“Равзат ур-ризвон” – 552 варақдан иборат катта асар бўлиб, муқаддима, хотима ва етти бобдан ташкил топган.

Муқаддимада хожа Мұхаммад Исломнинг авлод-аждоди, ҳазрат эшоннинг хулқ-автори, хориқ одатлари ва олижаноб фазилатлари ҳақида маълумотлар келтирилади, Бадриддин Каширийнинг Бухорога кўчидек келиш сабаблари, мазкур асарнинг тўрт йил ичида ёзиб тамомланганлиги ва бунинг эвазига ҳазрат эшондан 2.500 Абдуллахоний кумуш танга ва бошқа инъомлар олгани ҳақида гап боради.

Биринчи бобда Мовароуннаҳрнинг XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, 1556 йили Бухоронинг Абдуллахон соний томонидан ишғол этилиши, Абдуллахоннинг ғалабалари ва бунда хожа Мұхаммад Исломнинг иштироки ва ўрни ҳақида қимматли, кўп ўринларда тарихий асарларда учратиш қийин бўлган маълумотлар мавжуд.

Асарнинг иккинчи боби ўта қимматли. Унда Шайбоний султонлар – Мұхаммад Амин султон, Динмуҳаммад султон, Хисрав султон, Абдукудус султонларнинг хожа Мұхаммад Ислом ва хожа Саъд номига йўллаган арзномалари ва Бухоро, Самарқанд, Марв ва Бадахшон шоирлари Мушфқий, Маҳрамий, Шуурий, Восифий, Сабрий ва бошқаларнинг ҳазрат эшон – хожа Мұхаммад Ислом ва хожа Саъдлар шарафига биттан шеърларидан намуналар келтирилган. Бу ерда келтирилган арзномалар, шунингдек хон ва султонларнинг фармонлари, асосан уч масала: 1) Бухоро ҳонлигининг XVI асрдаги ички аҳволи, яъни марказий ҳукумат билан улус, вилоят, ўлка ҳокимлари ўртасидаги муносабат, 2) ҳонликларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, 3) Бухоро ҳонлиги билан Эрон, Шимолий Ҳиндистон ва Кошғар ўртасидаги муносабатлари масаласига тўхталинган. Арзномалар ва шеърлар Ўзбекистоннинг XVI асрдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва маданиятини ўрганишда катта аҳамиятта зга.

Асарнинг учинчи ва тўртингчи бобларида хожа Мұхаммад Исломнинг XVI аср 60-йиллари бошидаги ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумотлар келтирилади, шунингдек, Жуйбор хожаларининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ишлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Бу маълумотларнинг кўпчилиги ҳатто шу масалаларни маҳсус ўрганган тадқиқотчиларга ҳам маълум бўлмаса керак¹⁰⁷.

“Равзат ур-ризвон”нинг бешинчи боби ҳам ёзишмаларга бағишлиланган. Бу бобда Абдуллахоннинг хожа Мұхаммад Ислом ва хожа Саъдга йўллаган 100 дан ортиқ мактубининг нусхалари, Шайбоний султонлар, йирик олимлар ва вилоят ҳокимлари, шунингдек, Ҳиндистон, Эрон ва Кошғар ҳукмдорларининг Жуйбор хожаларига йўллаган мактубларининг

¹⁰⁷ Из архива шейхов Джуйбари. Материалы по земельным и торговым отношениям Средней Азии XVI века. Под редакцией Е.Э.Бертельса.-М.-Л.: 1938; Иванов П.П. Хозяйства Джуйбарских шейхов. К истории землевладения Средней Азии XVI-XVII вв.-М.-Л., 1945.

нусхалари келтирилган. Булар орасида ҳазрат хожаларга инъом этилган мулклар, ҳазрат эшоннинг ерларини обод қилиш юмушига аҳолини мажбурий сафарбар қилиш ва дехқонларни ерга бириктириш ҳақидаги фармонларнинг нусхалари келтирилган.

Жуйборий хожаларга шеър, қасидалар, маснавийлар, тарихлар бағишлиланган шоирлар Мөхрий Бухорий, Раҳимий Самарқандий, Масиҳо, Фоний, Ҳофиз Ҳусайн, Мөхрий, Ҳофиз Иброҳим ва бошқаларга асарнинг олтинчли боби бағишиланган. Тарихда Абдуллахон ва Жуйборий шайхлар қурдирган бинолар ҳақида муҳим далил ва маълумотлар келтирилган.

Асарнинг сўнгги, еттинчи бобида Бухоро хонлигининг хожа Саъд ва Абдуллахон давридаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида муҳим, диққат-эътиборга сазовор маълумотлар келтирилади.

“Равзат ур-ризвон”нинг яхши ва ягона қўллөзмаси ЎзР ФА Шарқпушнослик инсититутининг хазинасида 2094 рақами остида сақланмоқда. Асар ҳали бирон хорижий тилган таржима қилинмаган. Унинг тўғрисида Б.Аҳмедов ва И.Саидаҳмедов мақолалари эълон қилинган.

16.2.10. Жомиъ ул-мақомати Маҳдуми Аъзам Косоний

«Жомиъ ул-мақомати Маҳдуми Аъзам Косоний» («Маҳдуми Аъзам Косоний мақомотлари мажмуъи») асари Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаларидан бири хожа Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Косоний (1461/62-1542)нинг ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган.

Маҳдуми Аъзам Косоний йирик тариқат етакчиси бўлиши билан бир қаторда, сермаҳсул олим эди. У ахлоқ, сиёsat ва илоҳиётга оид «Танбеҳ ус-салотин» («Султонларга насиҳат»), «Асрор ул-никоҳ» («Ниқоҳ сирлари»), «Рисолайи самоъия» («Дарвешлар учун ихтиро этилган мусиқалар»), «Рисолайи вужудия» («Чин ҳақиқат ҳақида рисола»), «Одоб ус-соликин» («Дарвешлар одоби ҳақида»), «Одоб ус-сиддиқин» («Содиқ кишилар одоби»), «Ганжнома», «Рисолайи бақоъия» («Кўз ёши тўкиб тавба қилиш ҳақида рисола»), «Насиҳат ул-соликин» («Сўфийлик йўлидан борувчилар учун насиҳат»), «Рисолайи зикр» («Зикр ҳақида рисола»), «Рисолайи баёни силсила» («Нақшбандия тариқати бошлиқлари силсиласи»), «Рисолайи чаҳор калима» («Абдухолиқ Фиждувоний айтган тўрт калима ҳақида рисола»), «Рисолайи ботихия» («Ўзини нариги дунёдаги ҳаётга ҳозирлаш ҳақида рисола»), «Миръот ус-сафо» («Поклик кўзгуси»), «Зубдат ус-соликин ва танбеҳ ус-салотин» («Сўфийлик йўлидан борувчилар учун зудба ва султонлар учун танбеҳ»), «Рисолайи Бобурия» каби 30га яқин асар ёзиб қолдирганлар. Маҳдуми Аъзам Косонийнинг илмий меъроси яхши ўрганилмаган.

Бу улуғ зотнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган «Жомиъ ул-мақо-

мат» асарини олимнинг набираси хожа Абулбақо ибн Баҳоуддин ёзган. Асар Маҳдуми Аъзам Косонийнинг яқин халифаларидан Али Ахсиатий, мавлоно Дўст саҳиф, мавлоно Бобойи ҳужрадор, Ҳофиз Иброҳим ва бошқаларнинг берган маълумотларига асосланиб ёзилган.

Асарда келтирилган баъзи маълумотларга қараганда, хожа Абулбақо кенг маълумотли ва ўзига тўқ одам бўлиб, савдо-сотиқ билан ҳам машғул бўлган. Унинг карвонлари Мовароуннаҳр билан Балх, Ҳиндистон ва Кошғар ўртасида қатнаб турган. Ўзи Шайбоний Абдулазизхон (1540-1549)нинг қўлида масъул, ҳукмгар лавозимида турган. Кейинча Фарғона ҳукмдори Муҳаммадшоҳ номидан Қозоқ султони ҳузурига элчи бўлиб борган, сўнг 1556 йили, Абдуллахон соний Бухорони қамал қилиб турганида Бухоро ҳокими Бурхон султон ва номи юқорида зикр этилган, хожа Муҳаммад Исломнинг илтимоси билан унинг ўрдасига элчи бўлиб борган ва сулҳ тузиш хусусида хон билан музокара олиб борган.

«Жомиъ ул-мақомот» қисқача анъанавий сўз боши, хотима ва уч бобдан иборат.

Биринчи бобда Маҳдуми Аъзам Косонийнинг Муҳаммад пайғамбарга уланган шажараси ва улур боболари ҳақида қисқача маълумот келтирилган. Иккинчи ва учинчи боблар тўлиғича Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ҳаёти, фаолияти ва кароматлари ҳақида ҳикоя қиласиди.

Хотимада ҳазрат эшоннинг ҳаёти охири ва унинг 1542 йил 7 май куни юз берган вафоти тафсилоти баён этилган.

Асарда қўйидаги тарихий маълумотлар ўрин олган. XVI асрнинг биринчи ярми Шайбоний султонларнинг ўз улусларида ҳукмронлигини тўла ўрнатиш йўлида олиб борган курашлари, масалан, Кўчкинчихон, Жонибек султон, Дўстмуҳаммад султон ва Кепак султонларнинг Фарғона устига юриши, Тошкент ҳокими Наврӯз Аҳмад-Бароқхоннинг Самарқанд ҳокими Абдуллатиф султон билан биргаликда Бухоро устига қилган юриши, Суюнчхожаҳоннинг Тошкентга юриши ва Тошкентнинг қамал қилиниши, Суюнчхожаҳон билан Кошғар хони Султон Сайдхон ўртасида Тошкент учун бўлган қураш, юқорида номи тилга олинган Султон Сайдхоннинг Аҳси, Андижон ва Косон устига қилган хуружи, Суюнчхожаҳон, Кўчкинчихон ва Убайдуллахоннинг Кошғар хони Султон Сайдхон билан олиб борган уруши ва Султон Сайдхоннинг Кошғардан қочиб кетиши, Тошкент ва Қарши Косонда XVI асрнинг 40-йилларида бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари ҳақида маълумотларни бу китобда учратамиз.

Китобдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳақида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Унда Кўҳак дарёсининг баъзи йиллари тўлиб-тошиб оқиши, айрим йилларда сатҳи пасайиши, ёки ўзанининг ўзгариши оқибатида қурғоқчилик содир бўлиши ва унинг теварак-атрофидаги қишлоқларга

сув чиқмай қолиб, аҳолининг иқтисодий қийинчилликлар искаңжасида қолиши, қурғоқчилик йиллари Мовароуннахрнинг айрим ҳудудларини чигиртка ва қора қузғун босиб кетгандыги, шунингбек, Шайбонийлар даврида ҳам тархонлик тизими, бу тизим Амир Темур ва Темурийлар даврида кенг тарқалган эди, ҳақида ҳам ўта муҳим маълумотлар учратамиз.

«Жомиъ ул-мақомат»да биографик ва географик маълумотлар ҳам жуда кўп учрайди. Биографик маълумотлардан, хусусан Маҳдуми Аъзам, унинг хотинлари ва фарзандлари ҳақидаги маълумотлар диққат-эътиборга сазовордир. Ҳазрат эшоннинг болалари ўз вақтида Мовароуннаҳр, Кошфар ва Бадахшоннинг XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ишлар қилганлар. Масалан, кошфарлик хотини Бибича Кошфарийдан туғилган ўғли хожа Исҳоқ (ваф. 1599 й.) Кошфар хожалари Оғоқхожа ва Қоражаларнинг аждоди бўлган. Асарда тошкентлик машҳур диний арбоб шайх Хованд Таҳур (тахм. 1350 йили вафот этган)нинг авлодлари хожа Муҳаммад Али, Хожа Хурд, хожа Исо ва хожа Тоҳир ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар учратамиз. Баъзи маълумотлар орасида XVI асрда яшаб ўтган йирик шоир ва адабиётшунос олим Подшоҳхожа ва «Абдулланома» асарининг муаллифи, Ҳофизи Таниш Бухорийнинг отаси, мавлоно Мир Муҳаммад ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Асарда келтирилган географик маълумотлардан Тошкентнинг Паркент туманидаги Иссиқ чашма, Миёнқолдаги Гармакўз, Тошкент-Аҳси йўлидаги Қизил кўргон, Кармана туманидаги Хушикиён ва Ануз қишлоқлари, Самарқанд билан Тошкент оралиғидаги чўлда жойлашган Ёғочлик, Бухоро ва Кармана оралиғидаги Жомработ манзиллари ҳақида келтирилган маълумотлар ўта муҳимдир.

Фарғонанинг шарқий тарафида истиқомат қилувчи қирғиз қавмлари, уларнинг ҳаёт тарзи ва ўзаро муносабатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳимдир.

«Жомиъ ул-мақомат» нашр этилмаган, лекин унинг қўлёзма нусхалари кутубхоналарда мавжуд. ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинасида олтига қўлёзма нусхаси сақланмоқда.

16.2.11. Насимат ул-құдс мин ҳадойиқ ал-унс

«Насимат ул-құдс мин ҳадойиқ ал-унс» («Авлиёлик шабадасининг яқинлик боғидан эсиши») номли асар Нақшбандия тариқатининг Ҳиндистондаги foявий раҳбарлардан бўлган Муҳаммад Ҳошим Сирҳиндий томонидан 1622 йили ёзилган бўлиб, у Ҳусайн Воиз ал-Копифийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» асарининг давоми ҳисобланади. Китоб Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистонда XVI-XVII асрларда фаолият кўрсатган Нақшбандия тариқати намояндалари ҳаёти ва фаолиятига ба-

ғишланган ва 754 варақдан иборат. Муаллиф ўз асарини Нақшбандия тариқатининг Ҳиндистондаги йирик намояндадаридан бири Мұхаммад Бақр Сирҳиндий (1563/64-1603/04)нинг топшириғи билан ёзган.

Асарда, айниқса биографик маълумотлар кўп. Шулардан учтасини келтирамиз. XVI асрда Кошғарнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчиллик учун курашган хожа Убайдулла Аҳороннинг авлоди хожа Хованд Маҳмуд билан Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ўғли хожа Исҳоқ ўргасидаги кураш, Кошғарда ислом динининг тарғиботчиларидан бири бўлмиш хожа Тожиддин, хожа Мұхаммад Порсонинг авлоди ҳақидаги маълумот дик-қатта сазовор.

Хожа Хованд Маҳмуд Шоҳибекхон (Шайбонийхон) ўлдирилганидан кейин Кошғарга кетиб қолди. Султон Саъидхон¹⁰⁸ уни хурсандчилик билан кутиб олди, илтифотлар кўрсатди ва унга Кошғарда муридлар ортиришига кўмаклашди. Хожа Юсуф 1532 йилнинг 12 сентябрида оламдан ўтди.

«Тарихи Рашидий» китобининг муаллифи Мирза Мұхаммад Ҳайдар (1500-1551) яна бир қизиқ маълумотни келтиради: «Хожа Хованд Маҳмуд (ҳақиқий исми Шаҳобиддин Маҳмуд, хожа Убайдулла Аҳорор набираси) муридлар ортириш учун Кошғарга келганда унинг билан хожа Юсуф ораларида рақобат бошланди. Шундай бўлдики, бир куни хожа Хованд Маҳмуднинг олдига борсам ҳузурларида хожа Мұхаммад Исҳоқ ўлтирган эканлар. Улар нималарнидир сўзлашиб ўтирган эканлар. Хожа Хованд Маҳмуднинг жаҳли чиқиб деди; «Хожа Исҳоқ! Нима сабабдан сен менга бунаقا гапларни айтиб ўтирибсан? Агар сен отангнинг муроди бўлсанг, мен ҳазрати олийлари (хожа Убайдулла Аҳороннинг муриди-ман. Бундан ташқари, сен ёш жиҳатдан менга ўғил ўрнидасан. Хожа Исҳоқ жавоб қилди: «Мен ҳам ул жанобнинг марҳаматига таянаман». Тортишув тутагач, ўша куниёқ хожа Хованд Маҳмуд Бадахшонга кетиб қолдилар. Орадан икки-уч кун ўтгач, кимдур менга хожа Исҳоқнинг тўсаддан ўсаллаб, вафот этганини хабар қилди.

Маҳдуми Аъзам Косонийнинг ўғли хожа Исҳоқ ҳақида шундай маълумот баён этилган. Олижаноб хожа (Самарқанддан) Кошғар ва Ҳўтанга жўнаб кетдилар. Кошғар ва Ҳўтан халқи ул жанобнинг саъй-ҳаракатлари туфайли чин динни (исломни) қабул қилди. Кошғар ҳокими Мұхаммадхон хожанинг ҳақиқий ва соғдил муриди бўлиб қолди. Ҳуллас, мазкур хожа туфайли Нақшбандия – Хожагон тариқати ўша ўлкада ёйилди. Сўнг ўрнига муриди Девони Аштарни қўйиб, ўз юртига қайтди ва 1599-1600 йили вафот этди. Деҳбед ёнидаги Сафед қишлоғидаги қабристонга дағн

¹⁰⁸ Султон Саъидхон – Мўғулистон (Жете) хони (1514-1532 йй.).

этилди. Отасидан кейин у шу қишлоқда истиқомат қилиб турган эди.

Хожа Мұхаммад Порсонинг улуғ аждоди хожа Тожиддин ҳақида қуйидагича маълумот бор. Хожа Тожуддин хожа Ҳофизиддин Бухорийнинг¹⁰⁹ аждоди, хожа Рашидиддиннинг ўғлидир. Хожа Рашидиддиннинг отаси хожа Шужоъ Чингизхон хуружи вақтида Мўгулистонга кетиб қолган ва хожа Рашидиддин ўша ерда туғилган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан мўгуллар ислом динига киргандар. Хожа Тожиддин хожа Убайдулла даврида Мовароуннаҳрга келган ва мавлоно Ироқий Тусийдан таълим олган. Мавлоно Ироқий Тусий жаноб хожа Аҳрорнинг дўстларидан бўлгани туфайли, хожа Тожиддин ҳазрат эшоннинг (хожа Убайдулла Аҳрор) қабул ва суҳбати шарафига мұяссар бўлган. У кўп вақт унинг остонасини ўпиш шарафига ва хайр-эҳсонига мұяссар бўлган. Шундан кейин Кошғар шаҳарларидан Турфон ҳокими унинг келишини яхшиликка йўйиб, ўзи ва болаларига иззат-хурмат кўрсатган. Улардан баъзилари ҳозирги кунгача ўша мамлакатнинг эҳсонларига мушаррафдурлар.

16.2.12. Матлаб ут-толибин

«Матлаб ут-толибин» («Ҳақиқат изловчиларнинг мақсади») Тожиддиннинг ўғли Абулаббос Мұхаммад Толиб томонидан 1663/64 йили ёзил тамомланган. Унда машҳур Жуйборий хожалардан хожа Мұхаммад Ислом, хожа Саъд, хожа Тожиддин Ҳасан, хожа Абдураҳим (1575-1629), Абдикожа (1577-1607) ва Мұхаммад Юсуфхожа (1595-1652)ларнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти баён этилган.

«Матлаб ут-толибин» фақат биографик асар бўлиб қолмай, унда мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид ҳамда Бухоро ҳонлиги билан Ҳиндистон ўртасида муносабатларга тегишли ўта мұҳим маълумотлар мавжуд. Шунинг учун ҳам ундан В.Л.Вяткин ва П.П.Иванов Жуйборий хожаларнинг ер-суви ва мол-мулкини тадқиқ этишда асосий манбалардан бири сифатида фойдаланишган.

Мұхаммад Толиб ҳақида қуйидагилар маълум. Асарда учраган баъзи маълумотларга қараганда, отаси 1608 йили вафот этганида у 39 ёшда бўлган. Шуни зътиборга олинадиган бўлса, муаллифнинг туғилган йили 1569 йил бўлиб чиқади. У хожа Тожиддин Ҳасаннинг иккинчи ўғли бўлиб, ҳамма вақт отаси билан бирга Бухорода истиқомат қилган. 1623 йили ота-бала Балхга борганлар. Мұхаммад Толибнинг ҳам хўжалиги катта бўлган. Отасидан олган улушидан ташқари, 1632-1633 йиллари бефарзанд холасининг ер-суви ва бошқа мулки ҳам унга берилган. Мулк отаси тириклигида 400 минг тангага баҳоланган.

¹⁰⁹ Хожа Ҳофизиддин Бухорий – Хожа Мұхаммад Порсонинг ҳақиқий номи, 1419 йили вафот этган.

«Матлаб ут-толибин» таркиби анъанага биноан муқаддима, хотима ва саккиз бобдан иборат.

Муқаддимада анъанавий фотиҳа ва ҳамду санолардан кейин, мазкур асарни ёзишда муаллиф ўз олдига қўйган вазифалар ҳақида сўз юритилади ва асар мундарижаси келтирилади.

Асарнинг энг қимматли маълумотлар мавжуд қисми – унинг IV-VIII бобларидир.

Тўртинчи бобда хожа Саъднинг кароматлари «Матлаб ут-толибин», мол-мулки ва хизматкорлари, XVI асрнинг 80-йилларида мавжуд сиёсий вазият ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Айтишларича, хожа Саъднинг Бухоро, Миёнқол, Самарқанд, Саврон, Туркистон, Ахсикат, Насаф, Ҳисор, Термиз, Қубодиён, Балх, Бадахшон, Ҳирот, Марв, Мурғоб, Меҳна, Машҳад, Чоржўй ва Андхуд вилоятларида катта мол-мулки, ер-суви, кўп сонли мол-қўйлари, дўконлари, ҳаммомлари, сардобалари ва қуллари бўлган. Масалан, ҳазрат эшоннинг тилга олинган вилоятларда 2000 жуфт гов¹¹⁰ экин ери, 2500 бош қўйи, 1500 оти, 12 ҳаммоми, 10та сардобаси, кўплаб бозорлари, савдо дўконлари ва устахоналари, 100 нафар қули ва бошқа бойликлари бўлган. Унинг ҳар бир вилоятда ғалла омборлари бўлган. Фақат Бухоройи шарифнинг бир ўзида шундай омборлардан тўртгаси қурилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида 100 мани¹¹¹ ғалла сақланган. Хожа Саъднинг йиллик даромади 60.000 тангага баробар бўлган. Ҳазрат хожанинг мол-мulkини кўп сонли ва турли лавозимдаги саркор, вакил, дафтардор, соҳиби хирож, керак яроқ, баковул, қози, доруга, миришкор каби мансабдорлар бошқариб турганлар.

Тўртинчи бобда келтирилган сиёсий воқеалар ичida Абдуллахон сонийнинг Андижон ва Хоразм устига XVI аср 80- йилларида қилган ҳарбий юришлари, Абдуллахон билан Ўзбек султон ўргасидаги келишмовчиликлар, Шайбоний қўшинларининг Иссиккўл вилояти устига қилган ҳарбий юриши ҳақидаги маълумотлар ўта муҳимдир.

Яна шу бобда баён қилинган воқеалар ичida Самарқанд ҳокими Шайбонийзода Ибодулла Султон, Абдуллахон сонийнинг инисининг ўлдирилиши сабаблари ҳақида айтилган фикрлар зўр аҳамиятга эгадир. «Абдулланома» муаллифининг сўзларига қараганда, Ибодулла султоннинг ўлимига унинг шариат қоидаларини бузганлиги, яъни рамазоннинг биринчи куни рўза тутмай, ичкилик ичганлиги сабаб бўлган. Лекин, 1586 йили Бухоро ва Самарқандда бўлиб ўтган воқеаларни чуқурроқ таҳлил этадиган бўлсак, бу фақат бир баҳона, сабаби эса тамоман бошқача бўлган.

¹¹⁰ Жуфти гов – бир жуфт ҳўқиз билан ҳайдаб экиладиган ер, тахминан саккиз-тўқиз гектарга тенг бўлган.

¹¹¹ Мани- ўрга асрларда бир мани 25,6 килограммга тенг бўлган.

Масалан, «Матлаб ут-толибин»да келтирилган маълумотларга қараганда, XVI асрнинг 80-йиллари бошида Шайбоний султонлар, хусусан Ибодулла султон билан Абдуллахон ўргасида муносабатлар бир қадар бузилиб қолган. Бунга Абдуллахоннинг 1583 йили Андижон устига, Исфандиёр султонга қарши кўшин тортгани сабаб бўлган. Асарда келтирилган маълумотларга қараганда, 1586 йилнинг 3 август куни Тошкент ҳокими Дўстим султон, Андижон ҳокими Исфандиёр султон ва Ҳисор ҳокими Ўзбекхон, ва Самарқанд ҳокими Ибодулла султоннинг элчилари Самарқандга тўпланиб кенгащ ўтказганлар ва гапни бир ерга қўйиб Абдуллахон сонийга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузганлар. Орадан кўп вақт ўтмай, Ибодулла султон Абдуллахоннинг йўқлигидан фойдаланиб, Самарқанд теварагидаги туманларни босди ва талон-тарож қилди.

«Матлаб ут-толибин» муаллифи яна қуидагиларни ёзди: «(Ибодулла) султон рамазон ойи бошларида қаттиқ ичиб маст бўлгани сабабдан Мирзо Абдураҳим кечаси махфий равишда унинг хонасига кирди ва ханжар зарби билан уни ўлдирди. Ўша кунлари ҳазрат эшон (хожа Саъд) Ҳисори шодмонда эдилар. Тун яримлаганда дин суюнчиғи бўлмиш амир ул-умаро Қулбобо кўкалтош (ҳазрат эшоннинг ҳузурига) кириб келди ва Ибодулла султоннинг ўлдирилганлигини айтди. Бундан сал аввал ҳазрат эшон онасини тушида кўрганлигини ва мулизимларига «Яқин орада Ибодулла султон бу дунёни тарк этса керак», деб айтган. Асарда келтирилган бу маълумотларни дикқат билан таҳлил қилинганда Ибодулла султон Абдуллахоннинг одамлари томонидан ўлдирилганлиги ўз-ўзидан маълум бўлади.

Яна шу бобда Абдуллахоннинг 1583 йили Андижон устига, Исфандиёр султонга қарши, ва сал кейинроқ Хоразмга қўшин тортгани ҳақида маълумотлар бор.

Асарнинг бешинчи боби хожа Тожиддин Ҳасанинг туғилган кунидан то вафотигача Мовароуннаҳрда кечган воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ерда келтирилган маълумотлар орасида ҳокимиётнинг Шайбонийлардан Аптархонийлар сулоласи қўлига ўтиш вақти ҳақидаги маълумотлар қимматлидир. Маълумки, баъзи китобларда ва хронологияларга оид асаларда, масалан, С.Лейнпул, Е.Цамбаур китобларида, бу воқеа ҳижрий 1006, мелодий 1598 йилда содир бўлган деб қайд қилинади. Лекин, кейинроқ атрофлича ўрганилган «Баҳр ул-асрор», «Тарихи оламоройи Аббосий», «Силсилат ус-салотин» асаларидан бу воқеа ҳижрий 1009, мелодий 1601 йили содир бўлгани очиқ айтилган. «Матлаб ут-толибин»да шу фикр аниқ ва ишонарли далиллар билан эътироф қилинган.

Яна шу бобда Абдуллахон соний билан унинг ўғли ва таҳт вориси Абдулмўмин султон ўргасида бошланган зиддият ҳақидаги маълумот-

лар тарихимизнинг яхши ёритилмаган масалаларига аниқлик киритишда муҳим аҳамият қасб этади. Бу жиҳатдан бешинчи бобда келтирилган маълумотлар диққатга сазовордир.

Булардан бири – Жуйборий хожаларнинг мол-мулки йил сайин ортиб боришидир. Масалан, хожа Саъднинг вориси хожа Тожиддин Ҳасаннинг мол-мулклари орасида янгилари, янги қурилган Ҳасанобод қишлоғи, 50 нафар чорбоғ, 20 қатор¹¹² түя ва бошқалар ҳам бўлган. Шуну ҳам айтиши керакки, хожа Тожиддин фиқҳ, ҳадис ва тарихга оид қимматли китоблар йиғишга ҳам эътибор берган. «Матлаб ут-толибин»да келтирилишича, унинг кутубхонасида 1000 жилд қимматли қўлёзмалар сақланган. Уларнинг айримлари безакли, тилла суви бериб ёзилган китоблар бўлган.

Иккинчиси Абдуллахон билан унинг ўғли ва таҳт вориси, Балх ҳукмдори Абдулмуъмин султон ўргасида XVI асрнинг 80-йилларидан бошлаб кучайиб кетган зиддиятлар ва Абдуллахоннинг вафоти хусусидадир. «Матлаб ут-толибин»да қуидагиларни ўқиймиз; «Абдуллахон мамлакатни 44 йил идора қилди. Отаси Искандархон тириклиги чоғида 28 йил унинг номидан, отаси вафот этгандан кейин 18 йил мустақил идора қилди. Салтанатнинг бир учи Андижонда, бир учи Хоразмда, учинчи учи Даشت қишлоқда, тўртингчиси Хурросон ва Сеистонда бўлган. Айтишларича, Абдумуъминхон Муҳаммад Боқибий билан тил бириктириб, отасининг овқатига заҳар қўштириб берган ва хон ҳижрий 1006 йили вафот этган.

«Матлаб ут-толибин»нинг олтинчи боби Жуйборий хожаларнинг яна бир намояндаси хожа Абдураҳимнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишлиланган. Бу бобда йирик хўжаликларда қул меҳнатидан фойдаланиш, ер эгалигининг танҳоҳ ва суюргол шакллари, керак яроқ лавозими ва унинг вазифалари, Бухоро ҳонлиги билан Ҳиндистон ўргасидаги муносабатлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Керак яроқчи ҳақида бу асарда, масалан, бундай дейилади: «Мулла Мирмуҳаммад хожа (Абдураҳим)нинг хизматкорлари жумласидан эди. Унинг зиммасига керак яроқчилик вазифаси юқлатилганди. Унинг зиммасига хожанинг хонадони учун керак бўлган ҳарир матолар ва бошқа нарсаларни топиб келтириш мажбурияти юқлатилганди. Бир пайт ҳисобчилар мулла Мирмуҳаммад керак яроқчини тафтиш қилганларида унга хожанинг саркорлигидан берилган нақд пулдан ташқари, унинг савдо-гарлар ва бошқа шаҳарлардан 90 минг хоний қарз олганлиги, лекин шу ҳақдаги тилхатлардан 1000 хоний маблағ тилхатларда хожа (Абдураҳим)нинг муҳри йўқлиги аниқланди. Шундан кейин хожа (Абдураҳим) уни ҳузурига чақириб: «Нега айтилган қарз ҳақида ўз вақтида бизга маълум

¹¹² Бир қаторда таҳминан 150 нафар түя бўлган.

қилмадингиз ва тилхатларни бизга кўрсатмадингиз?», деб сўраганда, мулла Мирмуҳаммад (хожага) бундай жавоб қилган: «Биз сизнинг соҳиби ҳимматлигингизга ишонган эдик». Шундан кейин хожа мулла Ҳожибек девонбеги билан мутаваллийни чақиририб, мулла Мирмуҳаммаднинг барча қоғозларини йўқ қилиб юборишни буюрган». Келтирилган парчадан керак яроқчининг вазифалари ва ҳуқуклари, ортиқча изоҳсиз ҳам кўришиб турибти.

Асарнинг сўнгти, еттинчи боби Абдихожанинг ҳаёти, фаолияти за кароматлари баёнига бағишиланган. Лекин, тадқиқотчи учун ўта зарур бўлган далил ва маълумотлар, масалан, Бухоро хонлигининг Абдуллахон соний вафотидан, 1598 йилдан кейинги ички аҳволи, Жуйборий хожаларнинг, масалан, Абдихожанинг бундаги ўрни ва вазифаси, Шайбонийлар давлатининг тузилиши, хусусан, девонбеги, мирохур, оталиқ, шифовул, ясовул, нақиб, қози, баковул, қурчи боши, додхоҳ, парвоначи, шайхулислом, кўкалтош, кадхудойи даҳа (даҳабоши), чироқчи, мунший ва бошқа лавозимлар ҳақида, шунингдек, ўзбек халқининг этник таркибига кирган сарой, қўнғирот, найман, қатағон, юз, аргин, кенагас ва бошқа қабилалар ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Абдихожанинг XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида Бухоро хонлигининг ички аҳволи ва унинг мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва мавқеи ҳақида асарда қўйидаги маълумотларни учратамиз. Сўнгти Шайбоний Пирмуҳаммад Соний (1598-1601) даврида мамлакатнинг ички аҳволи беқарорликка юз тутди. Шу пайт Абдихожа Бухорони тарк этиб Самарқандга борди. Унинг ҳокими Аштархоний Боқи Муҳаммаднинг омади юришиб, тож-тахтни эгаллагудай бўлса, иккалари давлатни биргалашиб бошқаришга аҳд қилдилар. «Матлаб ут-толибин»да Боқи Муҳаммадхоннинг мана бу сўзлари келтирилади: «Агар биз Бухоро билан Балхни эгаллашга мусассар бўлсак, унда мамлакатни Сиз, мен ва Вали Муҳаммад ўртасида учга тақсимлаймиз...» Эртаси куни эрталаб, ионушта пайтида Абдихожа Боқи Муҳаммадхонга мурожаат қилди: «Табриклиймиз, улуг аждодларимиз Сизга пойтахт шаҳар Бухорони инъом қиласидилар». Боқи Муҳаммадхон (ичига сирмай) суюниб кетди ва синглисини Абзижожага хотинликка берди. Абдихожа ҳаммаси бўлиб Бухорода бир йилга яқин истиқомат қилди. Шундан кейин Абдихожанинг нуфузи ортти. Муҳаммад Толиб бу ҳақда мана буларни ёзади: «Ҳазрат хожанинг улуғлиги ва куч-қудрати шу даражага бориб етдики, жиноят содир эттан киши унинг ҳузурига қочиб бориб, унинг хизматига киргудек бўлса, у жазога тортилмаган. Хожанинг таъсири барча вилоятларда шу қадар кучли эдики, бирон зот унинг сўзини қайтармас эди. Кайфияти йўқ пайтлар-

да Боқи Мұхаммадхонни ҳам менсимас эди. Агар хон бирор шахсни останасидан қувиб юборгудай бўлса, хожа уни ўз ҳимоясига олар эди. Хожа тез-тез хонга ўзгалар олдида таңбеҳ берар эди. Одамлар ва ҳарбийлар фақат хожага ёрдам сўраб мурожаат қиласи билар. Хулласи калом, йирик мансабдорлар, аслзодалар ва сипоҳийлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳазрат хожанинг паноҳига қочиб ўта бошладилар. Баъзи сипоҳийлар хожага: «Сиз бизнинг пушти паноҳимизсиз. Биз Сизни подшоҳ этиб сафламоқчимиз», деб мурожаат қила бошладилар.

«Матлаб ут-толибин» чоп этилмаган. Унинг қўлёзма нусхалари кўпгина кутубхоналарда мавжуд. ЎзРФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида унинг нусхалари сақланмоқда.

16.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари.-Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Собрание восточных рукописей АН РУз. История. Составители Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова-Ташкент: Фан, 1998.
3. Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари (илмий-амалий анжуман материаллари). Тузувчилар: А.А.Мадраимов, Г.С.Фузаилова-Тошкент: ТДПУ, 2001.

16.4 Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Агиография сўзнинг маъносини айтиб беринг?
2. Диндорлар, ҳаётига оид қандай адабиётларни биласиз?
3. Диний адабиётларнинг тарих фани ўрганишдаги аҳамияти нимада?

17- мавзу. Мемуар асарлар

Дарснинг мазмуни: талабаларга мемуар асарлар тўғрисида тушунча бериш ва уларнинг тарих фанини ўрганишдаги аҳамиятини кўрсата бериш.

Режа:

- 17.1. Мемуар асарлар хусусияти.
- 17.2. Мемуар асарлар тавсифи.
- 17.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 17.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: мемуар, хотира, таассурот.

17.1. Мемуар асарлар хусусияти

Мемуар асарлар деб, муаллифларнинг шахсий хотиралари асосида ёзилган китобларга айтилади. Уларда аксарият ҳолларда муаллиф ўзи шахсан кўрган, иштирок этган ёки замондошларидан ўзи эшигтан воқеаларни баён этади. Бу асарларда аксарият ҳолларда воқеа-ҳодисалар тўғри ёритилади. Баъзан муаллифнинг шахсий келиб чиқишига қараб воқеалар турлича талқин қилиниши мумкин.

Мемуар асардаги воқеа-ҳодисалар баёнини бошқа ёзма манбалар билан солиштириб, сўнгра хулоса чиқариш зарур.

Бундай асарларда баъзи ҳолларда воқеа-ҳодисаларни ғаразли баён этиш ҳоллари ҳам учрайди.

Умуман тарихий воқеа-ҳодисаларни чуқур ва атрофлича ўрганиш учун мемуар асарлардан ҳам танқидий фойдаланиш мумкин.

17.2. Мемуар асарлар тавсифи

17.2.1. Мужмали Фасиҳий

«Мужмали Фасиҳий» («Фасиҳийнинг (тарихлар) мажмуаси») XV асрнинг кўзга кўринган тарихчиларидан Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг асари-дир. Муаллифнинг тўлиқ исми Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад бўлиб, у 1375 йили Ҳиротда йирик мансабдор оиласида туғилган, 1405-1424 йилларида Алоуддин Али тархон ва Шоҳруҳ девонида хизмат қилиган. У 1440-1441 йиллари Шоҳруҳнинг суюкли ва нуфузли хотини Гав-ҳаршод бегимнинг амри билан қамоққа тушиб қолди. 1441 йил 2 ноябрда озод қилингандан сўнг фақат илм билан машгул бўлган ва 1442 йили ўзининг йирик-тарихий биографик асари бўлмиш «Мужмали Фасиҳий» асарини ёзиб тамомлаган ва Шоҳруҳга тақдим этган. Тарихчининг вафот этган йили маълум эмас.

Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг мазкур асари кўпгина тарихий, адабий, биографик, географик асарлар, масалан, ал-Масъудий, ибн ал-Асир, ибн Ҳаллиқон, Нисовий, Жувайнний, Рашидиддин, Фахриддин Банокатий, Вассоф, Ҳофизи Абру, Робиъа Фушанжий, Ибн Ямин Фарюмадий, Салмон Соважий ва бошқаларнинг асарлари асосида, шунингдек, муаллифнинг кузатиши ва тафтишлари натижасида тўплаган бой далилий маълумот асосида ёзилган.

Асарда Одам Атодан то муаллиф замонигача Эрон ва Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалар, машҳур олимлар, шоирлар, адиллар ва бошқа таниқли кишиларнинг таржимаи ҳоли, шунингдек, йирик сув иншоотлари ҳамда диққатта сазовор бинолар, масжид, мадраса, сардоба, карвонсарой, ҳаммом ва бошқаларнинг қурилиши ҳақида қисқача,

лекин бениҳоят қимматли далилий маълумотлар келтирилган. Воқеалар йилма-йил, хронологик тартибда берилган. Бу ҳол асардан фойдалиниши бирмунча осонлаштиради.

«Мужмали Фасиҳий» сўз боши—дебоча, кириш—муқаддима, хотима ва икки қисм—мақоладан иборат.

Дебочада тарих фанининг хусияти ва уни ўрганишининг аҳамияти ҳақида гап боради, асарнинг номи ва мундарижаси келтирилади.

Муқаддимада дунёнинг яратилишидан то Мұхаммад пайғамбарнинг туғилишигача бўлган давр ичидагача кечган воқеалар ҳақида маълумот берилади.

Биринчи мақолада Мұхаммад пайғамбарнинг туғилишидан то унинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилиши, 622 йилигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи мақолада жуда катта давр 622 йилдан то 1442 йилгача мусулмон оламида юз берган воқеалар баён этилади.

Хотима маҳсус Ҳирот шаҳарига бағишланган.

Фасиҳ Аҳмад Хавофий ва унинг мазкур асари XIX аср ўрталаридан бери илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда ва машҳур шарқшунос олимларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган.

«Мужмали Фасиҳий»нинг матни 1961-1963 йиллари Эронда Маҳмуд Фарруҳ томонидан, иккинчи мақоланинг русча таржимаси Д.Юсупова томонидан Тошкентда 1980 йили чоп этилган.

17.2.2. Бадойиъ ул-вақойиъ

«Бадойиъ ул-вақойиъ» («Нодир воқеалар») номли асар муаллифи XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида ўтган таниқли адаб ва олим Зайниддин Восифий ёки Зайниддин Маҳмуд ибн Абдулжамилдир. У 1485 йили Ҳиротда туғилган. Отаси ўзига тинч ва маълумотли киши бўлиб, Султон Ҳусайн мирзо саройида кичик лавозимлардан бирида мунший ёки воқеанавис бўлган.

Зайниддин Восифий яхши ўқиди, илоҳиёт, тарих, адабиёт ва бошқа илмларни пухта эгаллади. 16 ёшида қариндоши ва Ҳиротнинг тариқли зотларидан бири бўлган амир Соҳибдоронинг ёрдами орқасида Алишер Навоийнинг диққат-эътиборини қозонишга мусассар бўлди. У 1500-1502 йиллари ҳиротлик нуфузли амир Шоҳвали кўкалгошнинг хонадонида муаллимлик қилди, 1502-1507 йиллари Султон Ҳусайн мирзонинг ўриларидан Фаридун Ҳусайнининг кутубхонасида китобдор мансабида ишлади. 1507-1511 йиллари Восифий Шоҳруҳ мирзо мадрасасида Хурросонда кўзга кўринган илоҳиёт олими Имодиддин Иброҳимдан таълим олди.

Зайниддин Восифий 1511 йили Хурросонда Сафавийлар ҳукмронлиги ўрнатилиши ва сунний мазҳабидаги мусулмонларни таъқиб этиш кучайғанлиги туфайли 1512 йилнинг 17 апрелида бир гуруҳ руҳонийлар сайдид Шамсиддин Курти, амир Ҳусайн ва бошқалар билан бирга Мовароуннаҳрга келди ва умрининг охиригача шу мамлакатда истиқомат қилди. У Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг кўпгина шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Ясси, Саброн, Шоҳруҳия, Тошкент ва бошқаларида истиқомат қилди ва мударрис, имом, тарбиячи, масалан, Суюнчхожанинг кенжаси ўғли Навруз Аҳмадхоннинг тарбиячиси бўлиб хизмат қилди, Шоҳруҳияда бўлган йиллари эса Келди Муҳаммадхон ҳукуматида қози аскар лавозимида турди. Восифий 1551 йили Тошкентда вафот этди ва муқаддас манзилгоҳлардан шайх Хованд Таҳур мозорига дағн қилинди.

Зайниддин Восифий ўзининг «Бадойиъ ул-вақойиъ» номли тарихий-мемуар асари билан шуҳрат қозонди. Асарда 1512-1532 йиллар орасида муаллифнинг Хурросон ва Мовароуннаҳрда кўрган-кечиргандар, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият зўр маҳорат ва юксак санъат билан баён этилади. «Бадойиъ ул-вақойиъ»да Мовароуннаҳрнинг XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид қимматли маълумотлар кўп. Асар 1538-1539 йиллари ёзиб тамомланган.

«Бадойиъ ул-вақойиъ», асосан икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми II боб бўлиб, унда Восифийнинг Ҳиротдан 1521 йили қочиб келишидан то унинг Шоҳруҳияга, Келди Муҳаммадхон саройига 1518 йили келгунига қадар Хурросон ва Туркистонда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади.

Иккинчи қисмда Восифийнинг мазкур хон саройида тез-тез бўлиб турдиган адабий ҳифгинлар ҳақидаги эсдаликлар жой олган.

«Бадойиъ ул-вақойиъ»нинг қўлёзма нусхалари кенг тарқалган. Биргина ЎзР ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида ушбу асарнинг ўндан ортиқ нусхаси сақланмоқда. Асарнинг танқидий матни Санкт-Петербурглик олим А.Н.Болдирев томонидан 1961 йили икки жилд қилиб чоп этилган. У Хоразмда 1826 ва 1907 йилларда Диловархожа ва Муҳаммад Амин тўра томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Айрим парчалар рус тилида А.Н.Болдирев ва В.П.Юдин тарафидан эълон қилинган. «Бадойиъ ул-вақойиъ»нинг айрим қисмлари Н.Норқулов томонидан таржима қилиниб, 1979 йили нашр этилган.

17.2.3. Миръот ул-мамолик

«Миръот ул-мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») XVI асрда ўтган турк адмиралси Сейди Али Рейс асаридир. Муаллифнинг тўлиқ исми Сейди Али

Хусайн ўғли, шеърларини Котибий Румий таҳаллуси билан ёзган.

Сейди Али Реис кенг маълумотли денгизчи бўлиб, сultonнинг Мағриб денгизи, Ўрта Ер денгизи да олиб борган барча урушларида, Хайруддин пошо ва Синон пошо раҳбарлигида иштирок этган. Ота-боболари Фалатиядаги доруссалохийи омира, қурол-яроғ омборига бошлилик қилгандар.

Унинг хавф-хатарлар билан тўла саргузаштлари 1554 йилнинг феврал ойида Суриянинг Басра шаҳридан бошланади. Турли саргузаштларни бошдан кечириб, денгизчи ўз ҳамроҳлари билан Ҳиндистон, Бадахшон, Мовароуннаҳр, Хоразм, Дашиби қипчоқ, Хурросон ва Ироқи Ажам (Фарбий Эрон)да бўлган. У ўз юргига 1556 йилда қайтиб боргунча ўша мамлакатларда кўрган-билгандарини бир китобга жамлаб, уни «Миръот ул-мамолик» деб атади.

Асарда муаллифнинг кўрган-кечиргандарни, ўзи бўлган мамлакатларнинг XVI аср ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ва ҳалқи ҳақида қимматли маълумотлани учратамиз.

Масалан, Сейди Али Реис ўша пайтларда Мовароуннаҳрни эгаллаб турган Наврӯз Аҳмад Бароқхон ва Шайбонийлар билан Туркия ўртасидағи муносабатлар ҳақида мана бу маълумотларни келтиради; «Самарқанди беҳишти монандга доҳил бўлдик. Бу ерда Наврӯз Аҳмадхон, яъни Бароқхон билан кўришиб, унга келтирган фақирона тортиғимизни тақдим этдик. Хон бу фақирга битта от, бош-оёқ сарупо марҳамат қилди. Бундан аввал саодатли подшо (Султон Муҳаммад Фотих) шайх Абдуллатиф ва Додош элчи орқали Бароқхонга бир миқдор милтиқ отувчилар ва бир қанча қалъя тўплари юборган эди. Элчилар келган пайтда Самарқанд подшоси Абдуллатифхон вафот этиб, Бароқхон Самарқандда ҳонлик таҳтига ўтирган, Балхда Пирмуҳаммадхон, Бухорода эса саййид Бурхон сulton ўз номларига хутба ўқитганлар. Бароқхон шу икки хонга қарши бирор чора кўришга қодир бўлмаса-да, кейинроқ уларнинг ўзаро низоларидан фойдаланган. Аввал Самарқандни олгач, кейин Шаҳрисабзга бориб у ерда ҳам кўп уришган. Бу урупда румлиқ(турқ)ларнинг бир қанча бошлиқлари ўлган. Ниҳоят, Шаҳрисабз унинг кўлига ўтган. Яна у ердан Бухорога бориб шаҳарни бир неча вақт қамал қилган. Бухоро хони саййид Бурхон Бароқхонга бардош беролмай, Қоракўлни Балх хони Пирмуҳаммадга берган. Пирмуҳаммадхон ўз иниларини юбориб, Қоракўлни қўлга киргизган. Охири саййид Бурхон дош беролмай, Бароқхондан омонлик тилаб, ўртада сулҳ тузилган. Бароқхон Бухорони яна саййид Бурхонга топшириб, ўзи Қоракўл устига юрган. Пирмуҳаммадхоннинг инилари Бароқхондан омонлик тилаб, Қоракўлни унга топширгандар. Бароқхон уни ҳам саййид Бурхонга қайтариб, ўзи Самарқандга қайтган... Бароқхоннинг ёнида ати-

ги 150 га яқин румлик найзабоз қолган. Қолғанлари унинг ўғиллари ёнида қолган». («Миръот ул-мамолик», 101-102- бетлар).

Сейди Али Рейснинг Қазвина Эрон подшоси шоҳ Таҳмосиб (1524-1576 йй.) билан учрашуви ҳақида келтирган маълумотлар ўша йиллари Туркия Шайбонийлар давлати ва Эрон ўртасидаги муносабатларини тушиунишда жуда муҳимдир. Асарда хусусан мана буларни ўқиймиз: «Шоҳ (Шоҳ Таҳмосиб) нинг элчиси Собит оға Табриз йўли орқали подшоҳ ҳазратлари (Султон Сулаймон соний қонуний, 1520-1566 йй.) ҳузурига биздан олдин жўнаб кетган эди, шоҳ (шу сабабдан) бир неча ойгача бизга кетишга рухсат бермай, бир неча марта чақириб, кўп суҳбатлашди. Бир кун суҳбат вақтида «Рум диёри Бароқхонга ёрдам бериш учун 300 та яничар¹¹³ юборилган экан», - деди. Мен улар Бароқхонга ёрдам бериш учун эмас, балки шайх Абдуллатиф ҳазратларини кўриқлаб Румга олиб кетиш учун юборилган эди, чунки Аштархон (Астрахан) йўлида хожа Аҳмад Яссавийнинг авлодлари Бобо шайхни черкас шаҳид қилгани сабабли, бу йўллар ёлғиз юришга хатарли ҳисобланиб қолган эди. Агар ёрдам учун юборилганда, фақат 300 тагина эмас, балки бир неча минг аскар юбориллар эди», -деб жавоб бердим» («Миръот ул-мамолик». 122-бет).

«Миръот ул-мамолик»да адмирал ва унинг шериклари босиб ўтган мамлакат ва шаҳарлар, уларнинг осори атиқалари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

«Миръот ул-мамолик» матнини Аҳмад Жавдод тошбосма усули билан 1895 йили Истанбулда чоп этган. Уни Г.Вамбери инглиз тилига таржима қилиб, 1899 йили Лондонда чоп этган. Асар Ш.Зуннунов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1963 йили Тошкентда нашр этилган.

17.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Сайдқулов Т.С. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Ташкент: Фан, 1998.
4. Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари (илмий-амалий анжуман материаллари). Тузувчилар: А.А.Мадраимов, Г.С.Фузаилова. Тошкент: ТДПУ, 2001.

¹¹³ Яничар –ени (янги) черик, аслзодалар ва ҳарбийларнинг болаларини йигиб маҳсус ўтгатилган сипоҳий.

17.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Мемуар сўзининг маъносини айтиб беринг?
2. Қандай мемуар адабиётларни биласиз?
3. Мемуар адабиётларнинг тарих фанини ўрганишдаги аҳамияти нимада?

18-мавзу. Сайёҳлар ва элчиларнинг эсдаликлари

Дарснинг мазмуни: талабаларга юртимизда бўлган элчи ва сайёҳларнинг эсдаликлар тўғрисида умумий маълумот бериш, уларнинг тарихни ўрганишдаги илмий аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Режа:

- 18.1. Сайёҳ ва элчиларнинг эсдаликларининг умумий хусусиятлари.
- 18.2. Сайёҳ ва элчиларнинг эсдаликлари тавсифи.
- 18.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 18.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Сайёҳ, элчи, хотира, кундалик, расмий қабул.

18.1. Сайёҳлар ва элчиларнинг эсдаликлари

Араб, Хитой ва Россия элчилари ва сайёҳларининг эсдаликларида ҳам тарихимизни чуқур ва атрофлича ўрганиш учун зарур далилий маълумотлар кўп. Шу боис эсдаликлар ҳам муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Шуни эътиборга олиб, улардан айримларига қисқача тўхталиб ўтишга қарор қилдик.

Марказий Осиё Россия ва унинг сармоядор гуруҳларини ҳар жиҳатдан; ҳарбий стратегик, яъни унинг Ҳиндистон ва Хитойга яқинлиги, заминнинг бойлиги ва халқининг соддадил ва меҳнатсеварлиги билан кўп вақтлардан бери қизиқтириб келган. Марказий Осиё билан қизиқиш, уни Россиянинг мустамлакасига айлантириш йўлидаги ҳаракат подшоҳ Михаил Фёдорович (1613-1645 йй.) давридан бошланди ва икки юз қирқ беш йилдан кейин, 1865 йили Қўқон, Бухоро ва Хива хонликларини бўйсундириш билан якунланди.

Россия ҳукумати ўзининг бу сиёсатини амалга ошириш учун Марказий Осиёни яхши билган, кенг маълумотли дипломатлари ва ҳарбийларидан фойдаланган. Улар оғизда савдо ва маданий алоқаларни ривожлантириш учун, аслида эса мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ўрганиш, Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларининг қўшни давлатлар: Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Хитой билан қандай муносабатда эканлигини аниқ-

лаш ва Марказий Осиё шаҳарларига олиб боридиган яқин ва қулай йўлларни белгилаш учун юборилди.

Ушбу ўкув қўлланмада 1620 йилдан то рус армиясининг Марказий Осиёга бостириб киришигача кечган икки юз йил мобайнида мамлакатимизга Россиядан келиб кетган баъзи элчиликлар ва ҳарбий мутахассисларнинг фаолияти ихчам тарзда ёритилди.

18.2. Сайёҳ ва элчиларнинг эсдаликлари тавсифи

18.2.1. Рисола

”Рисола“ номли асарни X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган араб сайёҳи ва жуғрофий фанлар билимдони олим ва ёзувчи Аҳмад ибн Фадлан ёзган. Ибн Фадланни 921-922 йиллари Булғор, яъни Волга бўйи подшоҳининг илтимосига биноан, булорлар орасида исломни мустаҳкамлаш, булғор подшоҳлигини қўшни хазар ҳоқонларининг ҳужумидан ҳимоя қилиш учун қальялар бино қилишда ёрдам бериш учун халифа Муқтадир (908-932 й.) Бағдоддан юборилган элчи билан унинг котиби вазифасида Булғорга юборди. Бағдод элчилари Булғорга Ҳамадон, Рай, Домғон, Нишопур, Марв, Пойқанд, Бухоро, Хоразм, Устюрт, Ёйиқ (Урол) орқали бордилар.

Ибн Фадлан ана шу саёҳат вақтида кўрган ва эшитганлари ҳақида ”Рисола“ деб аталувчи бир китоб ёзиб қолдирган. Асар этнографик маълумотларга бой, унда турли халқлар, уларнинг туриш-турмуши, машғулотлари хусусида қимматли маълумотлар бор.

Ибн Фадланнинг ушбу асари XII-XIII асрлардан буён жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортган, тарихчи олимлар ундан биринчи манба сифатида фойдаланганлар. ”Рисола“нинг аслидан айрим парчалар Ёқут Ҳамавийнинг ”Мўъжам ул-булдон“ асарида сақланиб қолган. 1923 йили унинг қисқартирилган таҳрири қўлёзмаси Машҳад кутубхоналарининг бирида топилиб, асарни яқиндан, бевосита ўрганишга йўл очилди.

Ибн Фадлан ”Рисола“сининг арабча матни 1823 йили Петербургда, Ёқут Ҳамавий асарида сақланган парчалар асосида ва 1959 йили Дамашқда нашр қилинган. Асар рус тилида (таржимон А.П.Ковалевский) 1939 йилда нашр қилинган.

18.2.2. Рисолат ул-аввал

”Рисолат ул-аввал“ (”Биринчи рисола“) номли китоб муаллифи Абу Дулаф X асрда яшаб ўтган адид, сайёҳ ва географ олимдир. Унинг тўлаMasъар ибн Муҳалқил ал-Ҳазражий ал-Янбуийдир. Мадинанинг машҳур ҳазраж қабиласига мансуб бўлиб, асли Қизил денгизнинг порт шаҳри Янбуликдир.

Абу Дулаф X аср бошларида Бухорога келган ва шоир сифатида Наср 11 ибн Аҳмад Сомоний (тахм. 914-943) хизматига қабул қилингандык. 942 ийли Бухородан қайтгаётган Хитой элчиларига ҳамроҳ бўлиб, Шарқий Туркистон орқали Хитой пойтахтига борган, у ердан Ҳиндистонга ўтган. Муалиф Бухородан Хитой ва Ҳиндистонга қилган сафари вақтида кўрган-билганилари ҳақида “Рисолат ул-аввал” асарини ёзган.

Олимнинг Озарбайжон, Арманистон ва Эроннинг шаҳарлари ва осори атиқалари ҳақида “Рисолат ул-ухро” (“Иккинчи рисола”) асари ҳам Эронда ўша вақтда ёзилган. Улардан айрим парчалар Ёқут Ҳамавий ҳамда Закария ибн Муҳаммад Қазвиний асарлари ичидаги сақланган. Бу парчалар немисча таржимаси билан бирга Ф. Вюстенфельд (1942) ҳамда К. Шлёцер (1844) томонидан чоп этилди.

Абу Дулаф ва унинг асарлари машҳур шарқшунос олимлар дикқат-эътиборини қозонган. “Рисолат ул-ухро” рус тилига таржима қилингандык (1860).

18.2.3. Марко Поло хотиралари

Европалик сайёҳ Марко Поло (1254-1324)нинг 1271-1275 йиллари Мўғулистон ва Хонбалиқ (Хитой)га саёҳат қилган. У 17 ийл давомида Хитойнинг кўп вилоятларини бориб кўрган. У Самарқандда ҳам бўлган ва бу ҳақда мана бу маълумотларни қолдирган: «Самарқанд катта, машҳур шаҳар. Унда сарасинлар билан христианлар ҳам истиқомат қиласидилар». Марко Полонинг китобида Олтин Ўрда ва Чигратой улусига қарашли шаҳарлар, уларнинг халқи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Унинг асари 1298 иили ёзилган ва бир қанча Европа тилларига таржима қилингандык. Асарнинг русча нашри 1955 ва 1990 йиллари амалга оширилган.

18.2.4. Иоганн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб қилган саёҳати

Бавариялик рицарь, қурчи Иоганн Шильтбергер Амир Темур даврига оид ўз эсадаликларини ёзиб қолдирган. У, асли немис жангчиси бўлиб, 1396 йилнинг 15 сентябридаги турклар ва европаликлар умумий қўшини ўртасидаги жангда асир олингандык ва кейинчалик қарийб 8 ийл Боязид 1 нинг хизматида бўлган.

1402 йилги Анқара ёнида бўлган урушда Иоганн Шильтбергер Амир Темур тарафидан асир олинди ва Самарқандга олиб кетилди. Амир Темур вафотидан (1405) кейин у дастлаб Шоҳруҳ, сўнгра Мироншоҳ ва унинг ўғли Абубакр мирзо хизматида бўлди. Шундан бошлаб унинг Осиё ва Африка мамлакатлари бўйлаб жаҳонгашталиги бошланди. Иоганн

Шильтбергер қарийб 31 йил мобайнида қилган «саёҳат»и пайтида кўрган билганиларини эсдалик сифатида ёзib қолдирган. Унда жуда кўп ноаниқликлар, айрим воқеаларни бўрттириб ёки камситиб ёзишлар бор. Шунга қарамай, Иоганн Шильтбергернинг кундаликларида қимматли тарихий маълумотлар, муҳим далилларни учратамиз. Бир-иккита мисол:

1) Темурийлар, хусусан уларнинг Озарбайжондаги ноиблари, масалан Абубакр Мирзо Олтин Ўрда ҳукмдорларининг ўзаро курапсларига аралашиб турганлар.

2) XV асрнинг бошида Олтин Ўрданинг ички аҳволи ва бунда қудратли амир Едигей (Идику Ўзбек)нинг номи кўрсатиб ўтилади.

3) Озарбайжон, Дашти қипчоқ ва унинг халқи ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Масалан, Озарбайжон ҳақида бундай маълумотлар бор: Табриз Эроннинг бош шаҳарларидан. Унинг саводдан оладиган фойдаси тамом бир христиан давлати топадиган фойдадан ортиқ. «Султония, Рай, Мароға, Ахлат, Гилон ҳам ушбу мамлакатнинг йирик шаҳарларидан... Райнинг халқи бошқалардан шу билан фарқ қиласиди, у Муҳаммадга эмас, балки Алига имон келтиради. Уларни рофизийлар¹¹⁴ деб атайдилар». Дашти қипчоқ ва унинг халқи ҳақида Иоганн Шильтбергернинг «Эсадилари» да мана бундай гаплар бор: «Мен, шунингдек, Буюк Татаристонда¹¹⁵ ҳам бўлдим. Халқи дон экинларидан фақат тариқ экади. Улар, умуман нон ва вино истимол қилмайдилар. Вино ўрнига от ва туйнинг сутини ичадилар, шу ва бошқа ҳайвонларнинг гўштини ейдилар. ...Яна шуни ҳам айтиш керакки, хон сайлашда уни оқ кигизга ўтқизиб, уч марта кўтариб ерга кўядилар, сўнг чодир атрофида айлантириб, кейин ичкарига олиб кирадилар ва тахтга ўтқазадилар».

Умуман, бу китоб Шарқий Европа, Кичик Осиё, Эрон, Мовароуннаҳр, Дашти қипчоқ, Ироқ, Сурия ва Миср мамлакатлари тарихи ва халқи ҳақида айрим, диққатга сазовор маълумотлар беради. Иоганн Шильтбергернинг мазкур асари «Иоганн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб қилган саёҳати (1394-1427 йй.)» деб аталади ва унинг рус тилида (немисча нашри 1859 йили амалга оширилган) учта яхши нашри бор. Биринчиси Одесса Университетининг профессори Ф.К.Браун тарафидан 1867 йили, иккинчиси Озарбайжон Фанлар академияси академиги З.М.Бунёдов 1984 йили ва учинчиси 1997 йили Тошкентда амалга оширилган.

¹¹⁴ Рофизийлар - ғайридинлар. Сунна мазҳабидаги мусулмонлар шиаларни шуном билан атаганлар.

¹¹⁵ Буюк Татаристон – европаликлар Дашти қипчоқ (Иртиш дарёсининг бошланishiдан Днепр дарёсигача бўлган ерлар)ни XI асрдан бошлаб шундай атаганлар.

18.2.5. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундаликлари

Луи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундаликлари» (1403-1406) асарида XV аср бошидаги Моваруннахрнинг ички аҳволи, унинг обод шаҳар ва қишлоқлари, хусусан Шаҳрисабз ва пойтахт шаҳар Самарқанд ҳақида, Амир Темур саройидаги удумлар, Соҳибқироннинг хотинлари ва уларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Масалан, Кеш (Шаҳрисабз) ҳақида Клавихонинг «Кундаликлар»ида қуйидагиларни ўқиймиз: «Эртаси куни, 1404 йилнинг 28 август пайшанба куни, тушлик пайтида Кеш деб аталмиш катта бир шаҳар олдига келиб тўхтадик. Шаҳар ҳар бир тарафини сой ва ариқлар кесиб ўтган текислик ерда жойлашган экан. Шаҳарнинг тевараги обод қишлоқлар ва боғлар билан ўралган эди. Унинг теварак-атрофи ҳам текис бўлиб, кўпгина обод қишлоқлар, наҳрлар, ўтлоқлар бор. Ёзда бу ер жуда чиройли. Суфориладиган ерларида буғдой, узум, пахта, қовун-тарвуз етиштирилади, катта мевали дарахтлар ўсади. Шаҳар пахса девор ва чуқур хандақ билан ўралган, дарвозалари қаршисида осма кўприклар ўрнатилган. Темурбекнинг асли Кешдан. Отаси ҳам шу ерда туғилган. Катта иморатлар ва масжидлар кўп. Иморатлардан бири, Темурбек ҳали қуриб битирмаган жуда катта сарой, унинг ичидаги катта бир мақбара жойлашган. Унга Темурбекнинг отаси дағн этилган. Яна битта мақбара ҳам бўлиб, уни Темурбек ўзи учун қурдирган. Лекин, у ҳали битказилмаган. Айтишларича, у бундан бир ой олдин Кешда бўлганида уни қўриб ёқтиргмаган, чунки эшиклари паст қилиб қурилган экан. Темурбек уни қайтадан қуришни буюрган. Ҳозир қурилишда усталар ишлаб турибди. Бундан ташқари, мазкур мақбара ичидаги ҳозир унинг Жаҳонгир исмли тўнрич ўғли ётибди. Масжид билан мақбаранинг девор ва шиплари олтин, ложувард ва кошинлар билан қопланган, саҳни катта ва унга дарахтлар экилиб, ҳовузлар қурилган. У ерга Темурбекнинг амри билан ҳар куни, отаси ва ўғлининг руҳини йўқлаб йигирмата пиширилган қўй гўшти юборилиб турилади. Элчиларни ушбу масжидга олиб бордилар ва уларнинг олдига дастурхон ёзиб, кўп гўшт ва мевалар тортиб зиёфат қиласидилар. Зиёфатдан кейин уларни катта бир қасрга олиб бориб жойлаштирадилар.

Эртасига, жумъа куни, элчиларни Темурбекнинг амр-фармони билан қурилаётган катта бир саройга олиб бордилар. Айтишларича, унда йигирма йилдан бери усталар ва ишчилар тиним билмай ишлаб турибдилар. Саройга кириш йўли узун, дарвозалар баланд. Киришда, дарвозала-рининг ўнг ва сўл тарафида пишиқ фиштдан қурилган ва ҳар хил нақшин

кошинлар ва нақш билан безатилган пештоқ бор. Пештоқ остидаги супаларда Темурбек саройда бўлган пайтларда соқчилар ўтирган. Биринчи дарвозанинг кетидан иккинчи дарвоза келади ва улардан ўтиб саройнинг саҳнига ўтилади. Устига оқ мармар ётқизилган ва атрофи безатилган айвонлар билан ўралган катта ҳовлига кирилади. Ҳовли ўргасида катта ҳовуз бор. Ҳовлининг саҳни энига уч юз қадам келади. Саройнинг энг катта хонасига шу ҳовли орқали кирилади. Унга катта йўлак ва олтин суви берилган, ложувард ва кошин билан қопланган, катта санъат билан ишланган улкан ва баланд эшик орқали кирилади. Эшик тепасида, унинг ўргасида, куёш фонида турган шер тасвири туширилган. Бу Самарқанд подшосининг гербидир...Шу эшик орқали тўртбурчак, олтин, ложувард ва бошқа рангдаги кошинлар билан қопланган қабулхонага кирилади...»

Клавихонинг бу ҳикоясида Амир Темур Шаҳрисабзда қурдирган маҳобатли ва гўзал Оқсарой кишининг кўз олдида намоён бўлади. Лекин, Клавихо бўлган пайтда, сарой қурилиши ҳали охирига етказилмаган эди. Шунинг учун унинг асл моҳиятини, не мақсадда қурдирилганигини бирдан англаш қийин бўлади. Жумбоқни тахминан 90 йил ўтиб кетган Заҳирiddин Муҳаммад Бобур ечиб берган. Унинг сўзларига қараганда ҳазрат соҳибқирон Кешни бошда пойтахт қилмоқчи бўлгани учун оқсаройни ҳам подшоҳнинг аҳлу оиласи билан, турар жойи ҳамда давлат муасасалари жойлашган расмий қароргоҳ сифатида қурдирган. «Бобурнома»да, масалан, мана бундай дейилган: «Темурбекнинг зоду буди Кешдин (бўлғони) учун шаҳар ва пойтахт қилурға кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешда бино қилди. Ўзининг девон ўлтирур учун бир улуг пештоқ ва унинг ёнида ва сўл ёнида тавочиbekлар ўлтирур девон сўрар учун, икки кичик пештоқ қилибдур. Яна саврун эли ўлтирур учун бу девонхонанинг ҳар зилида кичик-кичик тоқчалар қилибдур. Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Хусров тоқидин бу бийироқдур».

Клавихо Амир Темурнинг отаси ва хотинлари ҳақида ҳам ўта қимматли маълумотлар келтирган. Масалан, амир Тарагай баҳодир ҳақида бундай дейди: «Темурбекнинг отаси олижаноб одам бўлган, чигатой уруғидан. Маишати ўртача бўлган. Уч-тўрт йигити бўлиб, Шаҳрисабздан кўп ҳам олис бўлмаган қишлоқларнинг бирида яшаган».

Ҳазрат соҳибқироннинг хотинлари қабул маросимлари ва подшоҳнинг мажлисларида эркаклар билан бир қаторда иштирок этганлар. Клавихо Амир Темурнинг хорижий мамлакатлардан келган элчиларни қабул қилиш маросимларидан бири ҳақида ҳикоя қилар экан, унда ҳазрат соҳибқироннинг хотинлари Сарой мулк хоним (Канъо), кичик хотини

Чўлпон Малик ва катта келини Хонзода бегимлар ҳозир бўлиб, Амир Темурнинг ёнида ўтирганлар.

Амир Темур ўз даврида қонун устуворлигини, у ҳамма учун баробар эканлигини таъминлаган давлат арбоби эди. У етти йиллик (1399-1404) ҳарбий юришдан қайтиб келгач, бозор майдонида мансабини суиистеъмол қилган бир вазирни, молини ортиқ нархда сотган бер неча косибни ҳамманинг олдида тергаб-текшириб жазога буюргани маълум. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган Клавихо бу ҳақда қуйидагиларни ҳикоя қиласди: «Подшоҳ биринчи бўлиб, ўзининг машҳур вазирларидан бирини жазога тортди. Темурбек етти йиллик юришга кетаётгиб уни давлат тепасига кўйиб кетган эди. Темурбек йўқ пайтида ўша вазир, айтишларича, ўз мансабини суиистеъмол қилган... Темурбек баъзи дўкондорларни, гўштни қиммат баҳода сотган қассобни, молини ортиқ баҳода сотган маҳсидўзларни, этикдўзларни ҳам жазога буюрган».

Клавихонинг «Кундаликлар»ида, умуман Амир Темур салтанати, хусусан Самарқанд осори атиқалари ва бозорлари, у ерга кўп мамлакатлардан олиб келинган моллар ҳақида ҳам ўта қимматли маълумотлар келтиради.

Клавихонинг асари бир неча бор испан тилида нашр этилган, бир неча европа тилларида, икки марта рус тилида, охирги марта 1990 йили И.С.Мирокова таржимасида чоп этилган. 1881 йилги К.И.Срезневский таржимаси асосида китобни Очил Тоғаев ўзбек тилига таржима қиласган. Энг муҳим қисмларини И.С.Мирокова таржимасидан О. Бўриев таржи-ма қилиб чоп этди.

18.2.6. И.Д.Хохлов элчилиги ҳужжатлари

Иван Данилович Хохлов XVII асрда ўтган истеъодли рус дипломатидир. Унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганган йирик рус шарқшунос олими Н.И.Веселовский (1848-1918) келтирган маълумотларга кўра¹¹⁶, И.Д.Хохлов асли қозонлик бўлиб, аслзода (боярин) оиласида дунёга келган. Унинг ҳақидаги дастлабки маълумот XVI асрнинг 90- йилларига тегишли. И.Д.Хохлов ўша вақтда оғаси Василий билан бирга, давлат хизматида бўлган ва Қозондаги ўқчилар қисмига бош бўлиб турган. 1600 йили юртига қайтиб кетаётган Эрон элчиси Пирқулибекни Қозондан Саратовгача (شاҳарга 1590 йили асос солинган) кузатиб қўйган.

1606 йили И.Д.Хохлов оғаси Василий ҳамда воевода Головин билан биргаликда Терекка, унинг халқини янги подшоҳ Василий Иванович

¹¹⁶ Веселовский Н.И. Иван Данилович Хохлов (русский посланник в Персии и Бухаре в XVII веке)/ЖМНП, ч. 273. – М., 1891. – С. 48-72.

Шуйский (1606-1610)га қасамёд қилдириш учун юборилади. Лекин, тे рекликлар янги рус подшоҳини тан олмайдилар, И.Д.Хохловни бўлса қаттиқ дўйпослаб, қамаб қўядилар. Маълум вақт ўтиб терекликлар И.Д.Хохловни соқчи қўшиб Астраханга жўнатиб юборадилар. Шу тариқа у Астраханда етти йил, 1613 йилгача қамоқда ўтирди. 1617 йили Астраханда ҳокимият атаман И.В.Заруцкий қўлига ўтди ва у И.Д.Хохловни озод қилиб, Эронга шоҳ Аббос I (1587-1629/30) ҳузурига элчи қилиб юборди. Атаман Заруцкий шоҳдан пул, озиқ-овқат ва аскар билан ёрдам беришини сўради ва Москвани эгаллагандан кейин Астраханни унга инъом қилажагини билдириди. Шоҳ Аббос I бошда бунга кўнди ва атаманга 12 туман нақд пул ва катта миқдорда озиқ-овқат юборишини ваъда қилди. Лекин, кейинча ўз элчиси хожа Муртазодан атаман Заруцкий исёни барбод бўлгани ва тож-тахт Михаил Фёдорович қўлига ўтганини, Эронга Россиядан Алексей Бухарин ва Михаил Тиханов бошлиқ янги элчилар келгани ҳақидаги хабарни эшитгандан кейин, фикридан қайтди. Шоҳ Россия элчиларини катта совфа-саломлар билан қайтариб юборди. Ўшанда И.Д.Хохловга ҳам кетишга ижозат берди. Лекин, Владимирга етганларида подшоҳнинг амри билан уни тутиб қолдилар. 1615 йилнинг июль ойида, Астраханда Заруцкий исёни бартараф қилингандан кейин, И.Д. Хохловнинг гуноҳидан кечдилар ва уни қўйиб юбордилар. И.Д.Хохловнинг тақдидири 1620 йилгача қандай бўлгани бизга маълум эмас.

Эҳтимол, шу давр ичида у Қозон ҳокими (воеводаси)нинг хизматида бўлган.

1620-1622 йиллари у подшоҳнинг фармони билан Марказий Осиёда, Бухоро ва Хива хонликларида бўлди. 1622 йил 12 декабр куни Россияга қайтгандан кейин И.Д.Хохлов бирмунча вақт Москвада истиқомат қилди, 1623 йилнинг бошларида унга Қозонга қайтишига ижозат берилди ҳамда воевода Одоевскийнинг хизматида бўлди. Уни 1624 йилнинг 8 декабряни яна Москвага чақириб олдилар ва Бухоро ва Хива хонликлари ҳақидаги маълумотларни тартибга солиш ҳақида топшириқ олди.

И.Д.Хохловнинг ҳаётига оид сўнгти маълумот 1629 йилга тегишили. Ўша йили Эрон элчиси Муҳаммад Силибек ва Эроннинг савдо карвонини Қозондан Москвагача ва Москвадан Қозонгача кузатиб қўйган.

И.Д.Хохловдан икки муҳим ҳужжат; подшоҳнинг маҳсус топшириғи (наказ) ва И.Д.Хохловнинг Бухоро ва Хива хонликларининг аҳволи ҳақида подшоҳга ёзган ахбороти (Статейный список) қолган.

Биринчи ҳужжатда элчилик зиммасига юқлатилган вазифалар ҳақида сўз боради. Унинг вазифаси, энг аввало, ҳар икки хонлик ҳукмдорларини Россия билан дўстлашиш, савдо ва борди-келди алоқаларини ўрнатишга кўндириш, хонларни Россия қурдатли давлат эканлиги ва унинг бошقا

нуфузли мамлақатлар билан яхши муносабатда эканлигига ишонтириш, хонликлардаги рус асиrlарини озод қилиш, ҳар иккала хонлик ўргасидағи мавжуд муносабатлар, хонликларнинг Эрон, Туркия ва Грузия билан муносабатлар қандай эканлигини аниқлаш, табиий бойликлари ва ҳарбий құдратини аниқлашдан иборат бўлган.

И.Д.Хохловнинг Элчилар маҳкамаси (Посолский приказ)га ёзган ахбороти (Статейный список)га қараганда, у ўзига юқлатилган вазифанинг катта қисмини бажарган.

Масалан, Имомқулихон ўз ихтиёридаги 23 рус асирини озод қилган. Бой-бадавлат кишилар, амирлар ва савдогарлар қўлидаги асиrlар хусусида Имомқулихон элчига «уларни қидиришга ҳозирча фурсат йўқ, хизматкори (Тошкент ҳокими Турсунхон) исёнини бостиргандан кейин император жаноби олийларининг бу илтимосини бажарамиз ва топганларимизни ўзимиз юборамиз», деб ваъда берган.

Ҳар иккила хонликдаги ички вазият ҳақида ҳам Россия элчиси кўп маълумотлар тўплашга муваффақ бўлган. Элчининг ахборотида, масалан, қўйидагиларни ўқиймиз: «...(биз Бухорода бўлган пайтда) Бухоро хони билан Тошкент ҳокими ўргасида уруш бораётган эди. Хон унга қарши ўзининг катта амири Надр девонбегини 40 минг аскар билан жўнатди. Шулардан 10 минг навварини Тошкент ҳокими урушда ҳалок қилди. Шундан кейин Имомқулихоннинг шаҳзодалари бориб Турсун сultonнинг йигитларини мағлубиятга учратдилар. Икки ўргадаги уруш ҳали бир ёқлиқ бўлгани йўқ...»

Имомқулихон Россия элчиси келиб-кетган вақт ичида ўзаро урушлар ва исёnlар туфайли Балх билан Самарқандда турди. Шу вақт ичида элчини икки марта бориб кўрди. Биринчи марта, Бухорога келгандан ўн кун кейин, иккинчи марта юртига қайтиб кетиши, яъни 1622 йил 3 август олдидан. И.Д.Хохловнинг ахборотида ўқиймиз: «Хон ўша вақтларда Самарқандда эмас эди. Иниси Надр ҳузурига қочиб бориб турган эди.» Имомқулихон Самарқандга И.Д.Хохлов Бухорога келгандан бир ҳафта ўтгандан кейин, қайтиб келди. Лекин, қаттиқ оғриб қолди. Рус элчиси билан музокарани Надр девонбеги олиб борди. Музокараларда кўтарилиган асосий масала қалмоқлар, нўғайлар, шунингдек рус асиrlарини озод қилиш масаласи бўлди. Рус асиrlари хусусида Надр девонбеги элчига бундай жавоб берди: «Имомқулихон сизга қўйидагиларни айтишимни буюрди. Бошқаларини иншоаллоҳ, Турсун сulton билан уруш тугагандан кейин қидиртириб топади ва юртига жўнатиб юборади. Сизнинг подшоҳингиз ҳам шу тарзда иш тутиб, қўлидаги Имомқулихоннинг одамларини бўшатиб юборсин».

Бухоро ва Хива хонликларининг ички аҳволи ҳақида ҳам И.Д.Хохлов

муҳим маълумотлар тўплаган. Унинг маълумотларидан маълум бўлишича, мамлакат ўзаро урупшлар исканжасида қолган Балх, Тошкент ва Сармарқанд устида турган ноиблар марказий ҳукуматга бўйсунишдан бош тортиб, ўзларини мустақил тутаётгандиклари натижасида Бухоро ҳукумати кучсизланиб қолган.

Хива хонлигида ҳам айнан шундай вазият ҳукм сурар эди. Бу ерда Араб Муҳаммадхон (1602-1623) билан унинг ўғиллари Аванеш ва Ильборс ўртасида тож-тахт учун кураш борарди. И.Д.Хохловнинг Элчилар маҳкамасига ёзган ахборотида ўқиймиз: «Урганч заминида исён бошланган. Арабхоннинг ўғиллари Аванеш ва Ильборс (отасини) тутиб олиб кўзиға мил тортганлар. Арабхоннинг бошқа ўғиллари: Абулғози билан Шариф Султон Бухоро хони ҳузурига қочиб кетганлар».

Россия элчиси Хива хонлиги ҳудудларига йиқ (Ўрол) казаклари ва қалмоқларнинг тез-тез қилиб турган талончилик хуружлари ҳақида муҳим маълумотлар келтиради. Бу ҳақда И.Д.Хохловнинг маълумотномасида мана буларни ўқиймиз: «Иван Боватда (Боғотда) тутқинда турган пайтда Урганчга қарашли кўчманчи ҳалқ устига босқинлар рус казаклари Тренка Усь ва унинг одамлари бөстириб кириб, туркманларни талонтарож қилдилар, кўп одамларни ўлдирдилар, кўпларини асири олиб кетдилар... Урганч ерларига қалмоқлар ҳам кўп бор бостириб кириб, кўпларини ўлдирган».

Россия элчиси хабарномасида Бухоро, Хива шаҳар ва қишлоқларининг умумий аҳволи ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилади. Улар элчи келган пайтда анча ҳаробаликка юз тутиб қолган эди. Элчининг сўзларига қараганда, бунга тинимсиз ўзаро урупшлар, тожу тахт учун кураш ва қозоқ, қалмоқ ва ёйиқ казакларининг тез-тез қилиб турган хуружлари сабаб бўлган. Маълумотномада божхона тўловлари ҳақи И.Д.Хохловда қимматли маълумотлар учратамиз. Божхона ҳақи, биринчидан, мамлакатдан мамлакаттага ўтгандагина эмас, балки бир мамлакатнинг ўзида бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтганда ҳам олинган. Иккинчидан, у нақд пул билан ҳам, мол билан ҳам тўланган. Масалан, ҳар бир юқдан 33 парча мато ҳажмида бож олинган.

Шунингдек, И.Д.Хохлов Бухоро ва Хива хонликларининг Ҳиндистон ва Эрон билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳам айрим маълумотлар тўплаган. Масалан, унинг хабарномасида бундай гап бор: «И момқулихоннинг, Балх хони Надр Муҳаммаднинг қизилбошлар подшоҳи шоҳ Аббос билан алоқаси ёмон. Улар (бир-бирлари билан) уруш ҳолатидайдирлар. Ҳозирги пайтда улар орасида уруш бўлаётгани йўқ. Тинчлик ҳам ўрнатилмаган. Урушнинг йўқлиги сабаб, шоҳ билан Ҳиндистон ўртасида (Қандаҳор учун) уруш бормоқда». Бухоро ва Балх хонлари билан Ҳин-

дистон ўргасида ҳам муносабатлар айнан шу вақтда яхши бўлмаган. Бунинг сабабини Россия элчиси бундай шарҳлади: «Бухоро хони Имомқулихон Ҳиндистон подшосига лочин юборган эди. Балх хони Надр Мұхаммадхон бўлса, уни (Бухоро элчисидан) тортиб олди. Шу сабабдан Ҳиндистон подшоҳи у билан савдо алоқаларини узди, савдогарларни Балх билан Бухорога юбормай қўйди, Бухоро савдогарларига Ҳиндистон молларини олиб кетишни ман қилди...»

И.Д.Хохловнинг гувоҳлик беришича, Хива хонлиги билан Эрон ўргасидаги муносабатлар ҳам ўша пайтларда яхши бўлмаган. У, масалан, ёзади: «Урганчликлар шоҳ Аббос билан яхши муносабатда эмаслар. Иван (Хоразмда турган) хонзода Ильбарс қизилбошларга қарашли Обивардга ҳужум қилган, обивардликларнинг отлари ва туяларини тортиб олган. Шунингдек, 100 одамини асир қилиб ҳайдаб кетган...»

18.2.7. Ака-ука Пазухинлар элчилиги тўғрисида манбалар

Ака-ука Пазухинлар Марказий Осиё хонликларининг умумий аҳволи, хонликларга, Эрон ва Ҳиндистонга Астрахан орқали олиб борадиган карvon йўли ҳақида кенг маълумот жамлаганлар.

Ака-ука Пазухинлар келиб чиқиши аслзода (дворян) авлоди. Кагта Пазухин – Борис Андреевич Пазухин 1667-1673 йилларда столник мансабида давлат хизматида бўлган ва иниси Семён Иванович билан биргаликда 1669-1671 йилларда Бухоро, Балх ва Урганчга юборилган Россия элчилигига бошчилик қилган. Орадан саккиз йил ўтгач, 1679 иили Қrimга элчи қилиб юборилган. Йўлда исёнчи рус казакларининг ҳужумига дучор бўлган ва олишув пайтида ўлдирилган.

Ака-ука Пазухинлар (элчилик таркибида 10 киши бўлган) Бухорога Ёйиқ-қалмоқ улуси ва Хива орқали борганлар, қайтишда эса Эрон-Шемаха ва Боку орқали қайтишган.

Элчилар Бухоро ва Хивада ҳаммаси бўлиб икки ярим йил турганлар.

Подшоҳ ва элчилик маҳкамаси тарафидан берилган ҳужжатлардан маълум бўлишича, ака-ука Пазухинлар элчилиги олдига қўйидаги вазифалар қўйилган;

1) Ҳар икки давлат: Россия ва Ўрта Осиё хонликлари ўргасидаги дўстлик ва савдо алоқаларини мустаҳкамлаш. Подшоҳ Алексей Махайлович (1645-1676)нинг Бухоро хони Абдулазизхон (1645-1680) номига йўллаган мактубида ўқиймиз: «...Биз ота-боболаримизнинг (ишларини) ўзаро дўстлик ва иззат-ҳурматда бўлиш, борди-келди алоқаларини давом эттириш ҳақидаги кўрсатмаларини эсда тутиб, Сизнинг савдогарларингизга бизнинг мамлакатимизга, бизнинг савдогарларимиз Сизнинг мамлакатингизга бемалол бориб келишларини яхшилайлик».

2) Бухоро, Балх ва Хива хонликларида сақланиб турган рус асирияни озод қилишга ҳаракат қилиш. Элчилик маҳкамаси (Посолский приказ) берган йўриқнома (Наказ)да бундай дейилади: «Бухоро, Балх ва Урганчга қарашли ерларда сақланётган рус асиirlари (барча чоралар билан) озод қилинсин. Шуни ҳам айтиш керакки, элчиликка «Подшоҳ олий ҳазратларига тегишли кишиларни, аслзода (дворян ва бояр)ларнинг болаларини қидириб топиб озод қилишга» алоҳида эътибор бериш топширилди.

3) Ўрта Осиё хонликларининг ички ва халқаро аҳволини, улардан қайсиларига суюниш мумкинлигини аниқлапи. Хусусан, Элчилик маҳкамасининг йўриқномасида (Наказида) мана бундай гаплар бор: «(Хонликлардан) қайсиниси кучлироқ ва ишончлироқ бўлса, ўшаниси билан алоқа ўрнатиш лозим. Борис ва унинг ҳамроҳлари Бухоро, Балх ва Урганчда бўлгандаридан уларнинг хонлари ҳозирги пайтда Туркия султони, Эрон шоҳлари ва Грузия билан қандай муносабатда эканлигини, кимлар билан алоқаси йўқлигини, шу кунларда Хоразм таҳтида ким ўтирганини ҳар қандай йўл билан аниқласинлар; Бухоро, Балх ва Урганч хонларининг хазинаси бойми, аскари кучлими, шуларни ҳам аниқласинлар».

Москва ҳукумати ака-ука Пазухинларга ҳам Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган қулай йўлни аниқлаш вазифасини юклаган эди. Улар бу вазифани бажариш учун таржимонлар Никита Медведев ва Семён Измайловларни Балхга жўнатдилар. Улардан фақат Никита Медведев Пазухинлар ҳузурига қайтиб келди ва Балхдан Ҳиндистон пойтахти Шоҳжаҳонободга олиб борадиган йўл ҳақида маълумот келтирди. У бундай деб ёзган: «Ҳиндистонга олиб борадиган йўл Балхдан аҳоли яшаб турган қишлоқлар орқали ўтади. Йўлда ҳеч қандай одобсизлик, талон-тарож ва бож олиш деган нарсалар йўқ». Таржимон Шоҳжаҳонободга йўл Хинжон, Парвон, Кобул, Пешовар орқали ўтишини айтган. Яна у ёзган: «Хинжон билан Парвон оралиғида Ҳинд торлари (Ҳиндикуш) ётади. Тўғри йўлдан, тоғ орқали борилганда масофа олти кунлик, тоғни айланиб борилганда – тўрт ҳафталик йўл». Иккинчи таржимон Семён Измайлов Кобулда қолган эди.

Ака-ука Пазухинларнинг маълумотномасида Ўрта Осиё хонликларининг иқтисодий аҳволи ҳақида қуидагилар келтирилди. Заминининг бойлигига қарамай, ғалла кам етиштирилиши ва шу сабабдан ғалла танқислиги мавжудлиги айтилади: «Бухоро, Балх ва Хивада ғалла кам экилади. Ғалласи йил сайин камайиб бораётир». Шунинг билан бир қаторда, хонликларда пилла етиштириш яхши йўлга қўйилгани ва ипакни ҳатто Туркия орқали Германияга олиб бориб сотилаётганини маълум қилади. Чунки, элчиликка Осиё ипаги савдосини Россияга буриб юбориш хусу-

сида маҳсус топшириқ берилган эди. Хусусан, «Йўриқнома»да бу тўғрисида «Бухоро ва бошқа шаҳарларида хом ипак етиштирилади. Уни Эрон ва Туркия орқали Германияга элтиб сотадилар, Астрахан ва Москвага эса олиб бормайдилар». Шу сабабдан ака-ука Пазухинларга хом ипак ишлаб чиқарувчилар ва бу маҳсулот билан савдо қилувчиларни қандай бўлмасин, «маҳсулотни Астрахан ва Москвага олиб боришга кўндирусин», дейилган.

Хонликлардаги иқтисодий аҳвол хусусида берилган аҳборотлар ичида мана бу маълумот ҳам ўта муҳимдир: «Хоннинг хазинаси фариб, чунки ҳамма қишлоқлардан ундириладиган хирож ҳарбийлар ва мансабдорларга маоши учун (танҳо) тақсимлаб берилган». Бошқа сўз билан айтганда, солиқлардан келадиган даромад камайиб кетган.

Ака-ука Пазухинлар Ўрга Осиё хонликларидаги мавжуд ҳарбий-сиёсий аҳвол ҳақида ҳам муҳим маълумотларни тўплаганлар. Элчилик маҳкамасига (Посолский приказга) берилган аҳборотдан маълум бўлишича, Бухоро билан Балх хонлари ўртасидаги зиддиятлар ниҳоятда кучайиб кетган. Элчилар келган 1669 йили Балх хони Субҳонқулихон Бухорога итоат этмай қўйган ва мамлакатнинг мустақиллигини эълон қилган эди. Натижада икки ўртада уруш хавфи туғилди. Субҳонқулихон дарёнинг сўл қирғозида катта қўшин тўплади. Абдулазизихон ҳам шундай қилди. Амурдарёнинг ўнг соҳилига қўшин юборди ва хон ўрдасини Бухородан Қаршига кўчирилтириди. Балх хонига қарши Хива хони билан иттифоқ тузди. Анушаҳон (тахм. 1663-1687 й.) 1670 йили катта қўшин билан Балх остонасида пайдо бўлди ва Балхга қарашли барча қишлоқларни талонтарож қилди. Ўшанда Абдулазизхон ҳам, Субҳонқулихон ҳам қўшин билан дарё ёқасида бир ярим йилдан ортиқ турдилар, лекин дарёдан ўтишга ботина олмадилар.

Аҳборотда (Статейный список) Ўрга Осиё хонликларининг, хусусан, Бухоро хонлигининг, маъмурий ва давлат тузилиши ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар келтирилган. Унда, хусусан, юқори мансабда турган амалдорлар, масалан оталиқ, девонбеги, меҳтар, парвоначи, додхоҳ, ясовул, баковул, тўпчибоши, доруға ва уларнинг вазифалари ва мавқеи ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Масалан, доруға билан меҳтарга элчиларни зарур озиқ-овқат, от-улов, ем-хашак билан таъминлаш вазифаси юклатилган. Девонбеги «оталиқдан кейин турган ва элчиларни, улар ўзи билан олиб келган мактублар (ва совға-саломларни) қабул қилган», «тўпчибошилар эса замбараклар ва пиёда аскарларга бошчилик қилган».

Аҳборотномада ўзбек хонлари саройида амалда бўлган қабул маросимлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Унда, хусусан, бундай

дейилади: «(Арк) дарвозаси олдида Борис ва унинг ҳамроҳларини Малайбек (тўғчибоши) кутиб олди. Борис ва унинг ҳамроҳлари (тўғчибоши олиб келган) отларга миндилар. Подшоҳ қасрига етганда уларни отдан туширилар, чунки подшоҳ қасрига отлиқ кириш манъ этилган. Бориснинг ўнг тарафига Бухоронинг атоқли зотлари, хон авлодидан бўлган шаҳзода ва хоннинг яқин мулозимлари, чап тарафда, катта амир (боярин) хоннинг яқин мулозимлари ва бошқа лавозимдаги мансабдорлар, (умуман) 100 дан ортиқ киши жой олдилар... Абдулазизхоннинг ўнг тарафидан хожалар, руҳонийлар ва уламолар ўрин олдилар. Хоннинг олдига унинг қиличи, ўқ-ёйи ва қалқони қўйилган эди. Унинг орқасида 12 нафар найза ва қилич кўтарган ўй хизматкорлари турган эди. Хоннинг олд тарафида 200дан ортиқ ясовул (ва қўриқчилар) тик турар эдилар...»

Ака-ука Пазухинларга берилган яна бир муҳим топшириқ - Ўрга Осиё хонликларида тутқинликда бўлган рус асиirlарини аниқлаш ва уларни озод қилишдан иборат эди. Пазухинлар бу масалада ҳам баъзи ишларни амалга оширилар, хусусан Бухоро, Балх ва Хива хонларининг шахсий хўжаликларида 3000 дан ортиқ рус асири меҳнат қилаётганини аниқлалиар. Шундан 22 нафарини 685 сўм олтин ҳисобида тўлаб озод қилишга муваффақ бўлдилар.

Ахборотномада кўрсатилишича, Пазухинлар бадавлат кишиларнинг қўлидаги рус асиirlари сонини аниқлай олмаганлар. Рус элчиси Элчилар маҳкамасига (посолский приказга) тақдим қилган «Хабарнома»да хусусан мана буларни ўқиймиз: «Бухоролик мансабдорлар қўлида, шаҳарда ва улусларда уларни аниқлаш мумкин бўлмади. Қишлоқлардан келиб турган одамларнинг сўзларига қараганда, улар кўп». Кулга айлантирилган рус асиirlари асли Қозон, Уфа, Симбир уездидан ва Волга бўйи қишлоқларидан бўлгандар ва бошқирд ҳамда қалмоқ босқинчилари уларни тутиб Астраханга олиб бориб, хиваликларга пуллаб турганлар. Ака-ука Пазухинларнинг мана бу гувоҳликлари ҳам диққатга моликдир; («бошқирд ва қалмоқ босқинчиларидан» уларни) хиваликлар сотиб олар эканлар. Улар маҳсус рус товарлари учун Астрахандан (рус юртларига), қалмоқ ва бошқирд улусларига борар, баъзи ҳолларда у ерларда рус асиirlарини кутиб анча вақт туриб қолардилар. Сўнг рус асиirlарини олиб, ўз юртларига ҳайдаб борарадилар. Борис ва унинг ҳамроҳлари Хивага бораётганларида қалмоқ улусидан рус асиirlарини ҳайдаб келаётган хиваликларни учратдилар. (Хивага ҳайдаб келинаётган) асиirlарнинг сони 200, балки ундан ортиқроқ эди. Уларнинг ҳар бирини 40 ёки ундан сал ортиқроқ сўмга сотиб олардилар. Уларнинг кўпчилигини Эрон ва Ҳиндистонга олиб бориб сотар эдилар».

18.2.8. В.А. Даудов ва Мұхаммад Юсуф әлчилиги түғрисида манбалар

Василий Александрович Даудов асли форс (эронлик) бўлиб, 1653 йили Қозонда христианликни қабул қилган, Россия давлатининг хизматига кирган ҳам стольник ва воевода лавозимида хизмат қилган¹¹⁷ Мұхаммад Юсуф эса асли мусулмон (татар). У ҳам русларнинг хизматида бўлган.

Аввало шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, ҳар иккала элчи – В.А. Даудов ва М.Ю. Қосимов Бухорогача бирга боришиган бўлсалар-да, элчилар маҳкамасидан алоҳида алоҳида топшириқ олганга ўхшайдилар, чунки В.А. Даудов ва М.Ю. Қосимовга берилган йўриқнома (наказ) бизгача етиб келмаган. У 1800 йилгача Россия ташқи ишлар маҳкамасининг архивида сақланар эди. 1806 йили ўтказилган текшириш пайтида у турган жойидан топилмаган. Шу сабабдан В.А. Даудов ва М.Ю. Қосимов қандай вазифаларни адо этганликларини аниқ билмаймиз. Буни В.А. Даудовнинг элчилик маҳкамасидан олган йўриқномаси (наказ)дан тахминан билиб олиш мумкин. Улар қўйидагилар:

1. Бухоро ва Хива хонликларининг Москва ҳукумати билан дипломатик алоқаларини ривожлантиришга хоҳиши борми-йўқми, шуни аниқлаш;
2. Хонликларда яшаб турган рус асиirlарини озод қилиш;
3. Икки давлат, Россия, Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги савдо ва элчилик карvonларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Каспий дengизининг кун чиқиши тарафида, дengиз соҳилидаги Саратош тепалигида кемалар тўхтайдиган бандаргоҳ қуришга Хива хонининг розилигини олиш;
4. Амударёнинг боши ва ўзани, дарё соҳилида истиқомат қилиб турган халқлар, уларнинг машғулоти ва турмуш тарзи ҳақида маълумот тўплаш;

5. Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган йўллар, Ҳиндистон ҳукуматининг Россия билан савдо ва дипломатик алоқаларини ўрнатишга хоҳиши бор-йўқлигини М.Ю. Қосимовга берилган топшириқда аниқлаш.

Элчилик Бухоро ва Хивада, йўлга кетган вақтни қўшиб олганда, Бухорода 1675 йилнинг 15 майидан – 1676 йил 2 октябригача бўлган.

Элчилик Бухорога 1676 йил 20 январ куни келиб тушгандан кейин М.Ю. Қосимов ўз вазифасини адо этиш учун Ҳиндистонга жўнаб кетди.

Гарчи, В.А. Даудов ва М.Ю. Қосимов элчилигининг ҳисоботи («Статейный список») 1800 йилдан кейин йўқолган бўлса-да, тадқиқотчилар Н.Селифонтов, В.В. Бартольд ва А.Б. Панков асарларидан (Очерк служеб-

¹¹⁷ Автобиография В.А. Даудова/Русский архив, год 27, 1889. Кн.2. С.5-20.

ной деятельности и домашней жизни стольника и воеводы XVIII столетия Василия Александровича Даудова. Летопись занятий Археографической комиссии, вып.5, СПб., 1871. С.1-41; В.В.Бартольд, История изучения Востока в Европе и России. Соч.Т.IX,-М.,1977.С.372; А.Б.Панков. К истории торговли Средней Азии с Россией в 1675-1725 г.г.,-Ташкент, 1926) маълум бўлишича, Бухоро ва Хива хонлари Россия билан савдо-дипломатик муносабатларини ривожлантиришга тарафдор эканликларини билдирганлар ва шунга ҳаракат қилганлар. Тез орада Каспий денгизи соҳилида Қараған бандаргоҳининг қуриб ишга туширилиши ва Бухоро хони ўз хўжалигида хизмат қилиб турган рус асарларидан 38 тасини озод қилганини ҳам юқорида билдирилган фикрга далил бўла олади.

Хива хони Анушахон бир тарафдан туркманлар билан қалмоқлар ва қозоқларнинг тез-тез Хива худудларига қилиб турган талончилик юришлари, иккинчи тарафдан Бухоро ва Хива ўртасидаги зиддиятлар натижасида Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий ёрдамига муҳтоҷ эди. В.А.Даудовга Бухордан қайтишида Хивада Анушахон оталифи мана бу гапларни айтган: «Анушахон Василийга Хива хони яқинда подшоҳ олий ҳазратлари улут княз Алексей Михайлович дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини давом этиши ва ҳар икки томондан савдо карvonлари борди-келди қилиб туриши (зарурлиги) ҳақида мактуб олдилар. (Ўз навбатида) Хива хони ҳам подшоҳ олий ҳазратлари улут княз билан шундай алоқаларни аввал-гидан ҳам зиёда бўлишини истайдилар».

М.Ю.Қосимов элчилигига келсак, унга Бухородан Ҳиндистонга олиб борадиган йўллар ва Ҳиндистон подшоси Аврангзеб (1658-1707)нинг Россия билан дипломатик алоқаларни ўрнатишга майли борми-йўқми эканлигини аниқлаб келиш топширилган эди. Шунинг учун ҳам, у Бухорога келганидан кўп вақт ўтмай, Ҳиндистонга жўнаб кетди. М.Ю.Қосимов фақат Кобулгача борди. «Шоҳ (Аврангзеб) улут подшоҳ билан дўстона алоқалар ўрнатишни истамагани» учун орқага қайтишга мажбур бўлди ва 1677 йили Москвага қайтиб келди.

18.2.9.Флорио Беневини элчилиги тўғрисида манбалар

Шарққа катта ҳарбий куч юбориш ва уни қурол воситаси билан эгаллаш ҳаракати Пётр I (1682-1725) давридан бошлаб кучайиб кетди. Пётр I Александр Бекович-Черкасскийни мукаммал қуролланган 5000 аскар билан Хивага, уни Россия ҳомийлигига киритиш хусусида хон билан музокаралар олиб бориш учун юборди. Аслида бу шунчаки элчилик эмас, балки хонни чалғитиб, Хива хонлигини куч билан бўйсундиришга қаратилган ҳаракат эди. Лекин Пётр I мақсадига эриша олмади. Бекович-Черкасский экспедицияси муваффақиятсизликка учради. Шерғозихон (1715-

1728 йй.) Россия подшосининг асл ниятини ўз вақтида пайқади ва А.Бекович-Черкасский экспедициясини даф қилиди.

Шундан кейин Россия Хива ва Бухоро хонликларини бўйсундириш пайти келмаганлигини, уни осонликча бўйсундириш мумкин эмаслигиги, уларни ҳали кўп ўрганиш зарурлигини англади.

Россия элчилик маҳкамасининг масъул ходими Флорио Беневини элчилиги шундай мақсад билан Ўрга Осиёга юборилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Бухоро ва Хивада А.Бекович-Черкасский воқеасидан кейин Пётр I Ўрга Осиёга катта кўшин юборади, деган хавф-хатар турилган эди. Шунинг учун бўлса керак, Абулфайзхон 1717 иили Россияяга элчи юбориб, у билан дўстона ва савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш истагини билдириди.

Флорио Беневини учун тузилган ва 1718 йил 13 июль куни Пётр I тарафидан тасдиқланган қўлланмада элчига қуийдаги топшириқлар берилган:

1) Флорио Беневини Бухоро хони ҳузурига подшо ҳазратларининг элчиси сифатида боради. Шу ҳақда унинг қўлига подшо ҳазратларининг Бухоро хони номига ёзилган мактуби топширилди. Элчи Петербургдан Москвага қайтиб бориши ҳамоно Астрахангага жўнаб кетади. Астрахандан Бухорогача Абулфайзхоннинг уни Астраханда кутиб турган элчиси билан бирга боради.

2) Флорио Беневини Абулфайзхоннинг элчисига йўлда ўзини танитмайди. Йўлда, айниқса Бухоро хонлиги ҳудудларидан ўтаётганда, ҳамма ерларни, хусусан бандаргоҳлар, қалъалар ва шаҳарларни диққат билан кўздан кечириб боради.

3) Хон билан учрашганда уни Эрон ва бошқа давлатларининг элчилари қаторида зўр ҳурмат ва эҳтиром билан қабул қилинишига эришсин. Подшо ҳазрати олийлари у билан дўстлик ва савдо-сотиқ алоқаларини илгаридан ҳам зиёда бўлишини истаётганини хонга маълум қилсин.

4) Бухорода бўлганида, қандай бўлмасин, Бухоро хонлиги қалъалари, қўшини, отлиқ ва пиёда аскарларининг умумий сони, уларнинг қуроласлаҳалари ва қанча замбараги борлигини, қўшинидаги умумий аҳвол, қалъаларнинг қўриқланишини билиб олсин.

5) Абулфайзхоннинг Эрон шоҳи ва Хива хонлари билан муносабати қай даражада эканлигини аниқласин. Хива хонига қарши ҳарбий иттифоқ тузиш таклиф этилсин.

6) Бухорода қандай товарлар ишлаб чиқарилади ва улар қаерларга олиб бориб сотилади? Бухорога дengiz ёки қуруқликдан қайси йўл билан бориш мумкин? Бухорода қайси рус товарларига эҳтиёж катта? Россия билан савдо-сотиқни кучайтириш мумкинми? Мана шу масалаларни аниқласин.

7) Амударёда олтин борми? Бухоро хонини қўриқлаш учун неча юз гвардиячи, ёки қўшин юборилса, хон бунга рози бўлади? Шуни ҳам аниқласин.

Ҳар иккила элчилик, Бухоро хонининг Россияядан ватанига қайтиб келаётган элчиси ва Флорио Беневини 1721 йил 6 ноябрда Бухорога етиб олдилар. Флорио Беневини ва унинг ҳамроҳларини Бухорога 10 верст¹¹⁸ қолганда йўл устида Бухоро тўпчибошиси бошлиқ 50 кишидан иборат сарой мулозимлари кутиб олдилар.

Россия элчилиги Бухорода уч ярим йил, 1721 йил 6 ноябридан то 1725 йил 8 апрелигача турди ва подшонинг юқоридаги топшириқлари бўйича қимматли маълумотлар тўплади. Уларнинг энг муҳимларини қўйида келтирилди.

Бухоро ва ҳалқининг қурол-аслаҳалари ҳақида Флорио Беневинининг ўз ҳукуматига берган маълумотнома (реляция)сида шулар ёзилган: «(Қальаси) ярим вайрон бўлган хандақ билан ўралган. Шаҳарда лойдан қурилган 15 минг ҳовли-жой мавжуд. Шаҳар марказида пишиқ фиштдан қурилган баланд минорали хон саройи ва мадрасалар жойлашган.

Жуда кам ўзбекда милтиқ бор. Улар, асосан ўқ-ёй ва найза билан қуролланган. Шаҳарда ҳаммаси бўлиб 15 нафар замбарак бор. Лекин, уларнинг фақат биттасидан байрам кунларида отиш мумкин».

Маълумотномада Бухородаги рус асиirlари ҳақида ҳам маълумот бор. «Бухорода,-деб айтилади бу ҳужжатда,-хон ва бошқа ўзбеклар кўлида 250 га яқин асиир бор... Уларнинг умумий сони 1000 га етади. Айтишларича, уларнинг сони Бухоро хонлигига 2000, Хива билан Оролда 1500 га етади».

Мамлакатнинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида турли вақтларда жўнатилган маълумотномаларда (Флорио Беневини Бухорода тўплаган маълумотларини кўлда сақлашдан қўрқиб одамлари орқали Москва ва Петербургга жўнатиб турган) қуйидагиларни ўқиймиз:

«Амударёning бош қисмида олгин йўқ. Лекин, унга Кўкча дарёси келиб қўшилган жойда қумлоқ ерларда олгин бор, чунки Кўкча дарёси олтин ва бошқа рудаларга бой тоғлардан бошланади. Кўкчанинг бошланниш қисмида, хусусан ёз фаслида маҳаллий аҳоли катта-катта олгин парчаларини топиб оладилар».

«Бадахшондан ташқари, олгин, кумуш, аччиқтош, қўргошин, олий навли темир конлари Самарқанд ва Бухорода ҳам бор».

«(Юқорида) тилга олинган Сирдарёда олгин топса бўлади. Лекин, Андижонда ва Марғilonда кўпроқ. Бошқа ерлардагилар ҳақида чопаримиз

¹¹⁸ Верста – масофа ўлчови, 1,6 км.га teng бўлган.

(Николай Минер) аниқ қилиб айтиб беради. Сирдарё соҳилларида қумдан топилган олтин парчасини ундан бериб юбормоқдаман».

«Ўша дарёда (Сирдарёда) олтия бор. (Теварак-атрофдаги) тоғларда, хусусан Кошарда, Марғилонда, Андижонда ва Тошкентда ҳам бор. Ҳар ҳолда биз шундай деб эшитдик».

Ф.Беневинининг мана бу маълумоти ҳам муҳим: «Бадахшон тоғларидаги олтин, лаъл ва заҳар мӯҳра конларининг барчаси маҳаллий бекларнинг қўлида».

Ф.Беневини Бухоронинг XVIII асрнинг биринчи чорагидаги ички ва халқаро аҳволи ҳақида ўта муҳим маълумотлар тўплаган. Унинг ўз ҳукumatига юборган маълумотнома (реляция)сида бу ҳақда мана буларни ўқиш мумкин:

«Уни (камердинер Н.Минерни) савдогар қиёфасида, мол билан, Балх ва Бадахшонга жўнатган эдим. Ва улардан ўтиб Лоҳургача боришини бу юрган эдим. Лекин, йўлда талончилар кўплигидан Балхдан орқага қайтди».

«Ўша Бадахшон ва Балх мамлакатлари мустақил бўлиб олганлар. У ёки бу хоннинг қўл остида. Лекин, хонларини тез-тез алмаштириб турдилар».

«...Бекларнинг ўзбошимчалиги туфайли бутун мамлакат исён ва түфёнлар исканжасида қолган».

«Хусусан, пойтахт шаҳар тўс-тўпалонлар ва исёnlар дастидан оғир аҳволда қолган. Айниқса, Иброҳимбий кенагас исёни туфайли Абулфайз-хон шаҳарни ташлаб чиқишига мажбур бўлган, сўнг ўғли билан бирлашиб, Бухоро ва унинг атрофини талон-торож қилиб катта зарар етказди». «Шаҳар озиқ-овқат ва ем-хашак хусусида шу қадар фариб бўлиб қолдики, оддий халқ тирикчилик деб ўз болаларини сотди, кўп одам ўлиб кетди, мол-кўйи ва от-туялари қирилиб кетди».

Бухоро хонлигидаги тарқоқлик XVIII асрнинг бошларида шу дараҷада кучайган эдики, масалан, Фарғона водийси ва Самарқанд Бухордан ажralиб чиқиб, Кўқон хонлиги (1709-1876 йй.) ва Ражабхон бошлиқ Самарқанд беклиги ташкил топди. Хусусан, Самарқанд беклигининг ташкил топиши ҳақида Ф.Беневинининг 1723 йил 4 март куни юборган маҳфий ахборотида бундай дейилган: «...собиқ (Бухоро) оталири Иброҳимбий Самарқанд устига юрди ва уни эгаллади. Шундан кейин бошқалар билан қўшилиб, хон авлодидан бўлган Шерғозихонни Ражабхон номи билан (Самарқанд) таҳтига ўтказди ва уни ўзига куёв қилиб олди. Ўзи эса оталиқ лавозимини эгаллади».

Бир фурсат вақт ўтиб, Ражабхон маҳфий тарзда Ф.Беневини билан алоқа боғлади. У рус элчисидан ҳақиқатан ҳам Россия А.Бекович-Чер-

касскийнинг қасдини олмоқ учун Хива устига юришга аҳд қилган-қилмаганлигини билмоқчи бўлди. Бу ҳақда Хиванинг ўзида ҳам гап-сўзлар юрар эди. 1723 йили Шерғозихоннинг ўзи қалмоқ хони Аюқдан «Руслар Саратовда аскар тўплайтибдилар ва балки 1724 йилнинг баҳорида Хива устига юрсалар керак», деган гапни эшитган эди. Шундан кейин, Шерғозихонни Орол ўзбеклари руслар Хива устига бошлиб келмасмикан, муқобил беклар уни тахтдан тушириб, салтанат тепасига Темур султонни ўтқизмасмикан, деган шубҳа босди.

XVIII асрнинг бошларида Бухоро билан Хива ўртасидаги муносабатлар бирмунча оғирлашган эди. Бунга, биринчи навбатда, Хива хонларининг Бухоро, Чоржўй ва ҳатто Самарқанд ҳудудларини талон-тарож қилишлари асосий сабаб бўлди. 1721 йилга келиб икки ўргада уруш чиқиши ҳавфи яққол кўзга ташланиб қолди. Ф.Беневинининг 1721 йил 25 май куни Москвага йўллаган хабарида масалан, қуйидагиларни ўқиймиз: «Хива хони ҳақиқатан ҳам бухороликлар билан урушмоқчи. Шунга тайёргарлик кўрмоқда. Лекин, катта беклари бунга йўл бермай турибдилар. Улар, ҳатто Шерғозихонни тахтдан тушириб, 15 йилдан бери Бухоро хони ҳузурида кун кечираётган Мусахонни тахтга ўтқизмоқчи бўлмоқдалар. Шу ҳақда Хиванинг катта беклари Бухоро хони билан борди-келди қилиб турибдилар». Ф.Беневинини Хиванинг ўзи ҳам нотинч бўлиб, икки йирик арабоб Шерғозихон билан Темур султон ўртасида ҳокимият учун кураш бораётгани ва Россия Темур султонни кўллаб-кувватласа, фойдали бўлишини айтди. «Агар Шерғозихон йўқотилса,-деб ёзди Ф.Беневинини,-бу ерда тинчлик ўрнатилади, ҳамма йўллар очиқ бўлади».

Ф.Беневинин тўплаган маълумотлар Россия ҳукумати, унинг ташқи сиёсати учун келажакда қўл келиб қолди.

18.2.10. Митрополит Хрисанфнинг эсадаликлари

Хрисанф асли грек, венециялик аслзода дворянлардан, Афина яқинида жойлашган Янги Патор черковининг митрополити бўлиб хизмат қилган. Ҳақиқий исми шарифи Контариши. 1724 йили муқаддас патриарх Самуел томонидан Истанбул атрофида жойлашган Хироти нисан черковига митрополит этиб тайинланган. Подшонинг тазиёки оқибатида 1784 йили Истанбулга кетиб қолди. Кўп вақт ўтмай, Хрисанф Ливон орденига қарашли черковлар билан танишиш мақсадида Шом-Сурияга, у ердан Халаб-Алеппога борди. Ўша ерда инглиз савдогарлари билан танишиб қолади ва улар билан бирга Фрот-Евфрат дарёси билан Форс қўлтиғига борди ва у ерда кемага тушиб, Маскат орқали Ҳиндистоннинг Сурат бандаргоҳига келиб тушди. Сўнг Ҳиндистон, Кашмир, Ко-бул, Балх ва Самарқанд орқали Бухорога борди. Хрисанф Ўрта Осиё-

нинг бир қанча шаҳарларида бўлди, бир йил Хивада турди.

Сўнг 1792 йили Аштархонга борди ва бир фурсат ўша ерда истиқомат қилди. Кенг маълумотли ва кузатувчан бу одам тез орада Астраханда кўпларнинг диққатини ўзига тортди. Аштархон епископи унинг ҳақида муқаддас синодга ахборот юборади. Сўнг Хрисанф Москвага чақиртирилади. Муқаддас Синод уни ҳар тарафлама текшириб кўриб ва кенг маълумотли одам эканлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин, Хрисанфни Кавказ ўлкасига, уни батафсил ўрганиш учун юборди.

Сўнг, 1796 йилнинг бошида, Рязань, Тамбов ва Кавказ ўлкаларининг генерал-губернатори граф Гудвич подшойи олий ҳазратларининг амри билан Хрисанфни Петербургга, Невский монастырига митрополит Гавриил ҳузурига жўнатиб юборади.

Митрополит Хрисанфнинг бирдан пойтахтга ҳақирилиши, уни яхши билган шарқшунос В.В.Григорьевнинг фикрича, Россиянинг яқин орада Эронга бостириб кириш режалари билан боғлиқ бўлса керак. Рус ҳарбий экспедициясининг раҳбари Валериян Зубовга сайёхнинг Эрон ва Ўрта Осиё ҳақидаги кенг билими керак бўлиб қолган. Орадан бир йил ўтгач, 1797 йили Хрисанф муқаддас Синоднинг фармони билан Екатринослав епархиясига хизматга жўнатилди. 1798 йилнинг 20 январида Митрополит Хрисанф Феодосияга жўнаб кетди. Унинг кейинги ҳаёти ва фаолијати ҳақида бошқа маълумотга эга эмасмиз.

Митрополит Хрисанфнинг Ўрта Осиёга қилган саёҳати кундалиги бир пайтлар рус ҳарбий экспедициясига бошчилик қилган граф Валериян Зубов қўлида бўлган. Кундалик, баъзи шаҳар ва вилоятлар ўртисидаги масофа, аҳолисининг умумий сони ҳақидаги ноаникликларни ҳисобга олмаганда, катта қимматга эга. Унда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи, ҳалқининг турмуш шароити, эътиқоди ҳақида, шунингдек, Ўрта Осиёда истиқомат қилиб турган рус ва эронлик асиirlарнинг аҳволи ҳақидаги қисқа, лекин ўта муҳим маълумотларни учратиш мумкин.

Масалан, Бухоро хонлигининг йирик шаҳарларидан Самарқанд, Бухоро ва Балх ҳамда Хоразмнинг XVII-XIX асрлардаги пойтахти Хива ҳақида Хрисанф мана буларни ёзади:

Самарқанд ҳақида: «Самарқанд шу кунларда деярли бўш қолган. Уни эгаллаб олган баҳайбат маҳлуқ самарқандлик ноиб (Ражабхон) уни илгаригидек обод қилиш учун қанчалик уринмасин, меҳнати зое кетди. Эшитишимча, унинг теварак атрофдаридағи тоғларда конлар бор, табиати ёқимли... Теварак атрофидаги ҳам ўзбеклар истиқомат қиладилар».

Бухоро ҳақида: «Бухоро – тўқ шаҳар. Унда савдогарлар ва бошқа (бойбадавлат) одамлар кўп. У, асосан кумуш, олтин, марварид ва қимматбаҳо тошлиарга бой. Хон тез-тез Балх ва Машҳад устига талон-тарож юришла-

ри уюштириб туради. Бухороликлар жон-жаҳд билан жанг қиласидилар».

Балх ҳақида: «Балх вилояти ҳақида гапирмасам гуноҳи азим бўлади. Агар Бухоро ҳукмдорлари тез-тез ҳужум уюштириб, уни талон-тарож қилмаганларида у обод, кудратли ва бой вилоят бўлур эди. Нодиршоҳ вафот этгандан бери шу вақтгача афғон подшолари қўлида. Унинг қалъаси чор тарафдан (сув билан тўлдирилган хандақ билан ўралган) тепаликда жойлашган. Балх аталувчи катта қалъаси бор. Қалъа ҳозиргача мустақил. Аҳмадшоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмайди. Деворлари пишиқ ришидан...»

Бухоро хонлигининг минерал бойликлари ҳақида Хрисанф қуйидаги маълумотларни келтиради: «Бухоро билан Балх ўргасида баланд бир тоғ бор. Унда қизил тусли мармар (парчалари)га ўхшаш тусдаги туз конлари мавжуд. Ўша вилоятда шундай тоғлар ҳам мавжудки, уларда ҳар турли маъдан конлари бор. Бу тоғларда ўзбекларнинг қўнғирот қавми истиқомат қиласиди. Бу тоғлар шимолда Самарқандгача, шарқда Бадахшонга ча чўзилган.

Бухорода истиқомат қилиб турган асиirlар ҳақида мана бу маълумот келтирилган: «Бухорода кўп рус асиirlари бор, эронликлардан 6000га яқин асиир бор. Улар хўжайнларига қарши қўзғолон қутариш даражасига етишган».

Хива шаҳри ҳақида ўқиймиз: «Ерли аҳоли икки тоифадан: маҳаллий котликлар (Хрисанф уларни Кидитў деб атайди) ва бошқа ерлардан кўчиб келган қўнғиротликлардан ташкил топган. Улар Котдан чиққан вазир ўлдирилгандан бери ўзаро ёвлшиб келадилар. Котликлар 5000 га яқин хона-дондан иборат. Улар ўта кек сақловчи халқ. Котликларнинг тайёр қўшини йўқ. (Зарур бўлиб қолганда) келишиб одам ёллайдилар. Ойига кимга ўн сўм, кимга бир сўм берадилар. Айтишларича, хиваликларнинг ҳарбий кучи 20 000 кишини ташкил қиласир эмиш. Лекин бу гап тўғри эмас, масалан, ўтган йили, мен ўша ерда эканлигимда Авазбий Иноқнинг¹¹⁹ топшириги билан аҳолини ҳисоб-китоб қилганларида, мамлакатда ҳаммаси бўлиб 3000 хонадон борлиги аниқланган. Лекин, ҳукмдорга яхши кўриниш учун (кўшинсонини) 20 000 кишидан иборат деб айтадилар. Қўнғиротликлар жаҳлдор халқ. Бошлиқлари бой-бадавлат кишилар, оддий халқ эса қашшоқ... Хиваликларнинг кўпчилиги Астрахан ва Бухоро билан савдо-сотиқ олиб боради. Котликлар келгиндиilar (қўнғиротликлар)дан қутилиш учун Россия билан иттилоғ тузишни хоҳлайдилар, лекин (русларнинг уруш очмоқчи бўлиб тургани ҳақида) тарқалган хабарнинг оқибатидан қўрқар эдилар. Мингқишлоқ туркманлари ҳам шуни истар эдилар,

¹¹⁹ Қўнғиротлар сулоласидан, ҳукмронлик йиллари аниқ эмас.

лекин қозоқлар хавфидан қўрқардилар». Бундай далил ва маълумотларни митрополит Хрисанфинг хотиротларида кўп учратиш мумкин.

XVIII асрнинг 70-йилларидан бошлаб Россия ҳукумати Ўрга Осиё ҳонликлари ва Қозоғистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ҳалқаро аҳволини, хусусан ўша мамлакатларга олиб борадиган йўлларни ўрганишда кенг маълумотли ва зеҳн-идрокли ҳарбийлардан ҳам кўпроқ фойдалана бошлиди. Улар Россия ҳукуматига бу ҳақда ўта муҳим маълумотлар тўплаб бердилар. Ана шундай ҳарбий мутахассислардан айримлари ва улар тўплаган маълумотларга қисқача тўхталиб ўтамиш.

18.2.11. Филипп Назаровнинг эсдаликлари

Филипп Назаровнинг ҳаётига оид маълумотлар жуда кам, 1789 йили Омск шаҳрида Осиё билим юртини тутатиб, 1804 йили Тобольск губерниясидаги Иргиши чизигидаги Чарлаковск чегара постига таржимон бўлиб хизматга кирган. Ундан кейин хизмат юзасидан бошқа чегара пунктларига ҳам бориб ишлаган. Кўқонга жўнаб кетиши (1813) олдидан «Алоҳида Сибирь полки»да таржимон бўлиб хизмат қилган.

1813 йили Фарбий Сибирь генерал-губернатори Глаземаннинг маҳсус топшириги билан Петербургдан юртига қайтишда йўлда, Петропавловск (Шимолий Қозоғистон)да ўлдирилган Кўқон ҳонининг элчиси билан боғлиқ жанжални тинчтиши учун Кўқонга юборилди. Шу билан бирга унинг хотира ёзувларидан маълум бўлишича, унга Кўқонга Сибирь орқали олиб бориладиган йўллар, йўл устидаги шаҳар ва қишлоқлар, ҳонликнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи, унинг мудофаа салоҳиятини кузатиш ҳам юклатилган.

Филипп Назаров Кўқонга сибирлик рус савдогарлари карвонига қўшилиб, 1813 йил 16 май куни жўнаб кетди. Карвон Қозоғистон чўллари ва Жанубий Қозоғистондаги Сузоқ ва Чимкат орқали Тошкентга, ундан 1813 йил октябрь ойи бошларида Кўқонга кириб борди. У Кўқонда бир йил атрофида турди ва 1814 йилнинг август ойида, Кўқон хони Умархон (1810-1822)нинг элчиси билан бирга Петропавловск шаҳрига қайтиб кетди.

Филипп Назаров бир йил мобайнида ҳонлик пойтахти Кўқондан ташқари, Марғилон, Андижон, Наманган, Янгиқўрғон ва Хўжанд шаҳарларида бўлди ва бу шаҳарлар, уларнинг ҳалқи ҳамда машғулоти ҳақида қимматли маълумотлар тўплади.

Булардан айримларини намуна сифатида келтирамиз:

«Кўқон катта ва аҳолиси кўп шаҳар. Унда 400 га яқин масжид бор. Текисликда жойлашган, хон саройидан бошқа мустаҳкам бирон иморати йўқ. Теварак – атрофи обод қипилоқлар, булоқларга мўл жилға ва экин-

зорлар билан ўралган. Замини тузли, кўчалари тор. Ерга кўпроқ пахта экилади. Уйлари гувала ва лойдан қурилган. Шаҳар ўргасида тошдан бунёд этилган учта бозор бор. Бозорларда савдо ҳафтасига икки марта бўлади. Хон саройи олдида арғумоқлари учун пишиқ ғиштдан қурилган катта отхона жойлашган.

Кўён ва унга қарашли ерларда пахта етиштирадилар, ипак қурти боқилади. Етиштирилган пахта ва ипакдан мато тўқийдилар ва уни бухороликларга Россиядан келтирилган моллар эвазига, масалан, темирга, сусар териси, тўтиё, бўёқ, қозон, темир ва пўлатдан ясалган ўй-рўзғор буюмлари ва бошқаларга алмашадилар».

Марғилон. Шаҳарнинг айланаси таҳминан 300 верст. Ермозордан бошқа ҳеч қандай ҳарбий истеҳқоми йўқ. Унда 20 000 аскар туради. (Марғилондаги) уйлар ҳам лойдан қурилган, кўчалари тор, уйларининг деразаси йўқ... Бозорлари қатор расталардан иборат, ҳафтада белгиланган икки кун аҳоли келиб эртадан кечгача савдо-сотиқ қиласди. Шаҳарда ҳар турли корхоналар кўп. Уларда Эронда ишлаб чиқарилган парчалар, баҳмал, шарқ газмоллари ишлаб чиқарилади ва Бухоро ва Кошғарга олиб бориб сотилади. Кошғардан эса чой, чинни идишлар, кумуш, хитой атласи, бўёқ ва бошқа зарур хитой моллари олиб келадилар... Шаҳарликлар тўқ ва осуда турмуш кечирадилар...

Бизларни Марғилондан бир кузатувчи билан кичик шаҳар Андижонга жўнатдилар... Андижон Кошғар билан чегарадош. Теварак-атрофи обод қишлоқлар, мевазор боғлар билан ўралган. Аҳолиси ипак қурти боқиш, пахтадан ип-газлама ишлаб чиқариш ва дәҳқончилик билан шуғулланади. Яқин атрофда кўчиб юрган қирғизлар билан савдо-сотиқ олиб борадилар. Андижонда ҳокимнинг уйидан бошқа бирон мустаҳкам кўрғон йўқ. У ерда 10 000 аскар туради.

Наманган. Андижонда икки кун туриб, у ердан Наманганга бордик. Йўлда Кўён ҳокимига қарашли ва ариқлар билан ўралган (икки бетида) қамиш ўсиб турган жилраларни кўрдик. Жилгаларда ов қилиш учун бу ерга ҳокимнинг ўзи, мулозимлари билан келиб туради.

Наманганинг ҳам ҳокимнинг маҳкамасидан бошқа, мустаҳкам иморати йўқ. Шаҳарда 1 500 га яқин киши истиқомат қиласди... Қоғоз ишлаб чиқарадиган корхоналари бор, тут дараҳти кўп ўсади. Тут меваларини Кўённинг барча шаҳарларига олиб бориб сотадилар. Шунингдек, (теварак-атрофдаги) қирғизлар билан ҳам савдо-сотиқ олиб борадилар. Йўлда бир-бирларига туташ жуда кўп қишлоқларга дуч келдик. Янгиқўрғоннинг ҳам, ичига 200 аскар сиғадиган шаҳар бошлиғининг ҳовлисидан бошқа, бирон мудофаа ишшоотини учратмадик.

Янгиқўрғонда бир неча кун тунаб, шаҳардан 10 верст нарида оқиб

турган Сирдарёдан ўтдик ва тахминан 12 верст йўл босиб Қорақалпоқ деган жойга бориб тушдик. Халқи гилам ва жундан мато тўқир экан.

1814 йили Қўқонга қайтдик...

Қўқон ва унга қарашли бошқа шаҳарларда ҳукумат савдогарлар ўлчов ва тарозидан уриб қолмасликлари устидан қаттиқ назорат ўринатган. Қўқонда бўлганимда бир одамни матони газга солишда уриб қолгани учун яланғоч қилиб, қамчилаб шаҳар айлантирганини кўрдим. Қамчи зарбидан у тез-тез «мен газдан уриб қолдим», деб қичқириб борди. Қўқонликлар суд ишини ҳеч қандай ёзувсиз олиб борадилар. Икки киши гувоҳлик берса ва жиноятчи қасам ичса бас.

Ўғрилик қилгани учун қўлинин кесадилар...»

Филипп Назаров ва унинг ҳамроҳлари Қўқон хонлигига қарашли Хўжанд шаҳрини ҳам бориб кўрганлар. Масалан, Хўжанд ҳақида унинг эсдаликларида қуйидагиларни ўқиймиз: «Хўжанд ҳажм жиҳатдан Қўқондан кичик эмас. У Бухоро тарафдан баъзи ерлари нураб қолган девор билан, бошқа тарафдан Сирдарё билан ҳимояланган. Шаҳардан ариқ ва каналлар ўтказилган. Қўқондагига ўхшаш корхоналари ва хордиқ чиқаридиган ерлари кўп...»

Филипп Назаровнинг эсдаликлари «Филипп Назаров: Записки о некоторых народах и землях Средней Азии» номи билан икки марта 1821 ва 1968 йиллари нашр этилган.

Россия ҳарбийлари Ўрта Осиё хонликларини ғарб тарафдан, Астрахан, Каспий ва Орол денгизи орқали ҳам тафтиш қилдилар. Н.Н.Муравьев (1819-1926), Г.И.Данилевский (1842-1843) ва А.Н.Бутаков (1848-1849) экспедициялари шундай мақсадларга хизмат қилган.

18.2.12. Николай Муравьевнинг Туркманистон билан Хивага саёҳати

Николай Муравьев (1794-1866) – маҳаллий ҳарбий мутахассис, 1812-1814 йиллари Россиянинг Эрон ва Туркияга қарши олиб борган урушларида иштирок этган, 1816-1828 йиллари Кавказ армиясида хизмат қилган. 1819-1820 йиллари рус армиясининг Кавказдаги бош қўмондони генерал Ермоловнинг топшириғи билан Боку - Каспий денгизи - Челекан орли - Қорақум орқали Хивага борган.

Н. Муравьев кузатувчан одам эди. Мазкур сафари ҳақида ёзиб қолдирган асарида («Путешествие в Туркмению и Хиву гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьёва». Ч.1-11;-М., 1822) Хива хонлиги ҳақида муҳим ҳарбий, иқтисодий, тарихий ва этнографик маълумотлар тўплаган.

Асарда Хива хонлигининг ҳудуди, иирик шаҳарлари, халқи ва унинг

машғулоти ва мудофаа салоҳияти (ҳарбий құдрати) ҳақида дикқатта сазовор маълумотлар көлтирилади. Үнда хусусан қуидагиларни ўқыймиз:

«Хива хонлиги шимолда Орол денгизи ва унинг шимолида жойлашган чүл билан чегарадош. Җұлда қозоқлар истиқомат қиласылар. Шимоли-ғарбий тарафи чүл ва қумликлардан иборат. Бу ҳудудда туркманларнинг Така қавми истиқомат қиласылар.

Фарбий тарафи 800 верстта чўзилган саҳро бўлиб, у ерларда Каспий денгизи атрофидаги қавмлар истиқомат қиласылар».

Хива хонлигининг бешта катта шаҳари бор. Улар Хива, Янги Урганч, Шовот, Кот ва Гурлан.

«Хива – пойтахт шаҳар. Айтишларича, қадимда Хивақ деб аталган. Амударё ўз ўзанини ўзгартирмасдан аввал бунёд этилган¹²⁰ У катта шаҳар. Машҳур иморатлари мадраса, хон саройи ва ибодат қиласылган масжид бўлиб, масжид гумбази феруза рангли кошин билан қопланган. Хоннинг ҳовлиси кўп ҳам катта бўлмай, унда ҳам бир неча кичик масжид мавжуд. Уйлари лойдан қурилган, кўчалари тор. Шаҳарда бир неча кичик дўконлар ҳам бўлиб, (бозорида) ҳафтада икки марта олди-сотди бўлади. (Хивада) 3000 га яқин хонадон бўлиб, халқи 10 000 жон атрофидаги. Шаҳар хонликдаги бошқа шаҳарлар сингари, экинзорлар ва катта бое-роғлар билан ўралган. Бое ўргасида кичик-кичик қалъалар ва уйлар жойлашган».

«Янги Урганч – шу кунларда хонликнинг янги пойтахти, хон ноиби Кутли Мурод иноқнинг турар жойи. У Хивадан каттароқ, хонликнинг тамом савдо-сотиги шу ерга тўпланган, аҳолисининг кўпчилигини сартлар¹²¹ ташкил қиласылар. Дўконлари кўп ва гавжум бўлган бу шаҳарда Шарқ мамлакатларида етиштириладиган ҳар хил қимматли матолар, зеб-зийнат молларини харид қилиш мумкин. Ҳафтада бир неча кун савдо-сотиқ бўлади. Янги Урганчликлар бошқа мамлакатларга ва хонликнинг бошқа шаҳарларига ҳам ўз молларини олиб бориб, савдо-сотиқ қиласылар. Янги Урганч мустаҳкам девор билан ўралган.

«Шовот билан Кот бир қадар кичикдир. Биринчисида 2 000 га , иккинчисида 1 500 га яқин халқ яшайди. Ҳар иккала шаҳар ҳам мустаҳкам девор билан ўралган.

Хонликнинг бешинчи шаҳри Гурлан деб аталади. Унда тижорат аҳли кўп. Уйлари лойдан қурилган ва ғариф. Масжиддан бошқа яхши бинолари йўқ. Деворларининг асоси тошдан. Уйлари лойдан бўлишига қарамай, пишиқ қилиб қурилган...

¹²⁰ Бу воқеа Араб Мұхаммадхон (1602-1623 йй.) ва Абулғозихон (1643-1663 йй.) замонида содир бўлган. Хива эса 2500 йил муқаддам бунёд этилган.

¹²¹ Сартлар - ўтроқ савдогар халқ.

(Хоразмда) савдо-сотиқда шаҳардан қолнишмайдиган катта қишлоқлар ҳам кўп. Бухоро йўлида жойлашган Ҳазорасп, Қынчоқ, Кўнғирот, Оқсанорай, Хон қалъа, Мойкайти ва бошқалар шудар жумласидандир.

Янги Урганич Кўхига Урганич ўрнида эмас, ундан олисроқда, Хиванинг гарбий тарафида, катта масофа улурвор иморатларнинг вайроналари, пишиқ ғишт ва тошдан ясалган буюмларнинг парчалари билан тўлиб-тозибди. Ўша жойларда ҳозир ҳам олтин топиш мумкин. Бу ҳол Амударёнинг эски ўзани бўйларида (қадимдан) шаҳар ва хонадонлар бўлганидан гувоҳлик беради. Шулардан Луазсан қалъаси, Қизил қалъа, Шоҳсанам, Ўтиш қалъа ва бошқаларнинг харобалари ҳозир ҳам кўзга ташланаб турибди. Хиванинг гарбий тарафидаги чўлда сайданиб қолган уйлар ва наҳрларнинг излари қадимдан бу ерларда маданийти гуллаган Хива ёки Хоразм давлати бўлганидан дарак беради...

Хива хонлигига истиқомат қўялган халқ кўпроқ ғалла етиштириш ва бордорчилик билан машрул. Уларнинг даромади, асосан ғалладандир. Ҳамма ерларда обод қишлоқлар, канал ва ариқларнинг бўйларида экинзорлар, узумзорлар ва серҳосил боғлар...

Уларнинг эгалари бой-бадавлат ва фаровон ҳаёт кечирадилар. Етиштирилган ғалла ва мева истеъмол талаби даражасидан ортиқроқ. Ғалла ва меванинг истеъмолдан ошиб қолган қисмини теварак-атрофда кўчиб юрган қабилаларга, қозоқлар ва туркманларга, Абулхон ва Мингқишлоқ халқига олиб бориб сотадилар.

Хиваликлар кўпроқ бурдой экадилар ва ғалла уларнинг юргида яхши битади. Унинг катта қисми сотувга юборилади. (Хиваликлар) бурдойдан бошқа яна шоли экадилар, лекин кўзланган миқдорда ҳосил ололмайдилар, чунки шоли сувда ўсади, сув эса кам. Шунга қарамай, хиваликлар уни экадилар, чунки ундан тайёрланган таом ўта ширин бўлади... Лекин уни сотишга чиқармайдилар, ўзларига зўрга етади. Хонликда кунжут ҳам яхши ўсади. Ундан мой оладилар ва кўп қисмини кўшини юртларга олиб бориб сотадилар. Ҳаракат қилсалар, уни бундан ҳам кўпроқ миқдорда етиштириш мумкин. Кунжут мойи хонликда кўпроқ етиштирилади. Лекин, арпа билан каноп Хивада яхши ўсмайди. Шу сабабдан уни кам экадилар. Каноп мойи ўрнига кунжут мойини кўпроқ ишлатадилар...

От еми учун кўпроқ юлғун деб аталган ўт ишлатилади. Уруги овқат учун ишлатилади, лекин уни кўп қайнатиш керак бўлади. Бу таом кўжа деб аталади...

Боғларида кўп миқдорда турли навли узум етиштирилади. Аҳоли уни қуритиб сотадилар. Биз уни кишмиш деб атаймиз. Уни узумнинг шундай аталган навидан тайёрлайдилар, унинг уруги бўлмайди.

Хиванинг боғларида кўп миқдорда турли навли олма ҳам етиштири-

лади, олмурут, бодом, нок, гилос, олча, тут ва анор, шунингдек, бошқа мевалар етиширилади.

Сабзавотдан Россияда ўсадиган карам, шолром ва картошкадан бошқа ҳам сабзавот етиширилади. Пиёзи йирик бўлади.

Хиванинг қовуни ва тарвузи катта ва ширин бўлади.

Хива хонлигидан бундан (фаллачилик, бордорчилик, полизчилик ва чорвачиликдан) ташқари, ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланадилар. Улар ўзлари учун зарур бўлган кийимлардан ташқари, ўзлари ишлаб чиқарган ипак ва ип матолардан ва Бухородан сотиб олиб келинган матолардан кийим-кечак тикадилар. Улар тўқиган газмол чиройли ва нафис бўлмасда, пишиқлиги билан ажralиб туради. Корхоналар йўқлиги сабабли кийим-кечак билан ўзларини зўрға таъминлайдилар, бошқа юртларга мол чиқаролмайдилар. Хивалик туркманлар түя жунидан чодир, арқон, чиройли ва пишиқ гиламлар тўқийдилар. Хиваликлар (бундан ташқари) чиройли ипак белбоғлар ҳам тикадилар. Лекин, у ҳам, бошқа қўл маҳсулотлари сингари четга чиқарилмайди, Хиванинг ўзида қолади. Хиваликлар бой-бадавлат ва тўкин-сочин яшамайдилар, пуллари кам. Тошгани кундалик тирикчилик ва хонга солиқ тўлашдан ортмайди.

Умуман олганда, хиваликлар ҳунармандчиликда кўп ҳам малакали эмаслар. Умуман, темир идиш ва буюмларни ясамайдилар, уларни рус асирлари ясайдилар. Гарчи мис ўша ердаги конлардан қазиб олинса-да, ундан буюмлар ясашни билмайдилар. Мисдан ясалган идиш-товоқ ва бошқа буюмларни Россиядан олиб келадилар. Ойна ҳақида эса ҳеч нарса билмайдилар, кўпчилик уни ҳатто кўрмаган ҳам. Шу сабадан Хивада ойна жуда кам ва қиммат».

Хива хонлигининг ҳарбий аҳволи ҳақида Николай Муравьев мана бу маълумотларни келтиради:

«Муҳаммад Раҳимхон¹²² салтанат курсисига ўлтургунга қадар қабила-лар орасида авжига минган ўзаро уруши-талашлар ва ташқаридан қилинган босқинлар оқибатида ҳалқ, (айниқса) бадавлат кишилар ўзини босқин ва талон-тарождан сақлаш учун уйларини мустаҳкамлаб қалъага айлантирганлар. Бу мустаҳкамланган (кичик) қалъалар, ёки қўрғонлар кўпинча ўзларининг далалари, ёки боғлари ўртасида қурилган. Унинг ичидаги турар жойлар, ҳовузлар, қўрғон соҳиби ва хизматкорларининг уйлари, тегирмон, қушхона, молхона, омборхона ва бошқалар фавқулодда юз берган ҳодисалар вақтида 100-150 кишини сақлайдиган нарсалар бор.

Бу қалъалар тўрт бурчакли, пахсадан бино қилинган, баъзиларида девор тагига тош қўйилган. Деворининг паст қисми тўрт аршин¹²³, тепа

¹²² Хива хони Муҳаммад Раҳим I (1806-1825 йй.).

¹²³ Аршин – Россияда амалда бўлган узунлик ўлчов бирлиги, 0,711 метрга тенг бўлган.

қисми ярим аршин, баландлиги – уч сажен¹²⁴ атрофида, девор ташқарисида, (ҳар ер-ҳар ерда) пахсадан думалоқ суюнчиқлар қўйилган. Деворнинг тепа қисмига қунгурулар қилингган.

Хонликнинг юқорида тилга олинган бешта шаҳари Хива, Янги Урганч, Шовот, Кот ва Гурлан ҳам мустаҳкам пахса девор билан уралган. Шу сабабдан хиваликлар уларни қалъа деб атайдилар... Қалъаларда биронта ҳам замбарак йўқ, уларда аскар ҳам йўқ. Шаҳарларини аҳолининг ўзи ҳимоя қилиши керак бўлади.

Хиваликларда мунтазам қўшин йўқ. Уруш чиқиб қолгудек бўлса, қўшин ўзбеклар ва туркманлардан тузилади. Қўшин, асосан сипоҳийлар табақасидан. У хоннинг буйруги билан белгиланган ерга тўпланади ва, асосан отлиқ аскардан иборат бўлади.

Н.Муравьёвнинг эсдаликларида ўзбекларнинг феъл-автори, табиати ва қиёфаси ҳақида эътиборга лойиқ маълумотлар келтирилган. Унда, хусусан ўқиймиз: «Ўзбеклар, умуман ақлли ва ёқимли, ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган, бирон ишга жазм қўлгудек бўлса, қарорида қатъий, тўғри сўз, ёлғонни ва эгриликни ёмон кўрадиган, руҳи тетик, хушбичим ва жисмонан кучли халқ...

Ҳарб ишларида ҳориб-чарчамайдилар, қўрқмас ва жасур кишилардир...»

18.2.13. Дмитрий Гладищев ва Иван Муравинлар Хива хотиралари

Сирдарёнинг қуий оқимидағи шаҳар ва қишлоқлар, Орол денгизини ўрганиш учун 1740 йили давлат арбоби ва тарихчи олим В.Н.Татищевнинг ташаббуси билан Хивага поручик Д.Гладищев ва контр-адмирал, ер ўлчовчи И.Муравинлар юборилган.

Орсқда олган кўрсатмага биноан, улар 1717 йили Пётр I замонида Россия тобелигига ўтган Кичик Жуз хони Абулхайрхон (1695-1748) билан учрашиши зарур эди. Лекин, бу пайтда Абулхайр Оролда эди. Мамлакатни эса Эрон подшоҳи Нодиршоҳ босиб олган эди. Шунинг учун Гладищев билан Муравин Абулхайрхоннинг иниси Нурали ва тоғаси Ниёз билан бирга Оролга жўнаб кетдилар ва хон ҳузурига етиб бордилар. Эртаси куни Хивага бордилар. Ўша вақтда Абулхайр хон деб эълон қилинган эди. Гладищев билан Муравин Шовотда 9 ноябрь куни Нодиршоҳ ҳузурида бўлганлар ва унга Абулхайрхон билан Хива Россиянинг табакалари эканлигини айтиб, Хивага меҳру шавқат қилинишини сўраганлар. Зобитларнинг сўзларига қараганда, уларнинг илтимоси ижобат топ-

¹²⁴ Сажен – 2,13 м.га баробар бўлган узунлик ўлчови.

ган. Лекин, улар Абулхайрхон билан учраша олмаганлар. Шундай бўлсада, Абулхайр шоҳдан чўчиб 12 ноябрда рус зобитлари билан бирга Оролга қочиб кетди. Бу ерда кўп тортишувлардан кейин Нурали хон деб зълон қилинди. Абулхайр Гладишев билан Муравинни олиб, Одам ато арифи бўйида жойлашган эски ўрдасига қайтди. Гладишев ва Муравин 1741 йилнинг апрел ойида у ердан Орскка қайтиб келдилар. Уларнинг мазкур саёҳати пайтида тўплаган маълумотлари «Гладишев – Муравин. Поездки из Орска в Хиву и обратно 1740-1741 годах поручиком Гладищевым и геодезистом Муравиным, ИРГО. Вып.IV. -СПБ.,1850. С.519-599» деб аталган.

Гладишев ва Муравин тўплаган маълумотларнинг аҳамияти шундаки, уларда Орол деңгизининг соҳиллари, Хоразмнинг Хива, Шоҳтемир, Хўжайли, Хонқа ва Шовот шаҳарлари ҳақида, шунингдек, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва туркман аҳолиси ҳақида айрим маълумотлар келтирилган.

Булардан баъзилари келтирилди:

Гладишев ҳамроҳлари билан Хивага келиши билан уни хон қароргоҳига олиб бордилар. Унда хон билан бирга Орол бийлари ва хоннинг амирлари ўлтиришган эканлар. Хон Гладишевдан сўради: «Сен қаердан бўласан?» Гладишев жавоб қилди: «Мени император ҳазрати олийлари жўнатдилар, марҳаматли мактуб билан», - деди ва мактубни хонга узатди. Хон мактубни олиб, муҳрини пешонасига сурди ва уни ёзиб (котибига) узатиб, «ҳамманинг ҳузурида ўқи!» деб буюрди. Мактуб ўқиб бўлингач, ҳузурида ўлтирганларга қараб деди: «Кўрдиларингми, умид боғлаб турган олдимдаги чироғни кўряпсизларми? Шу нур ёрдамида сизларни (Нодиршоҳдан) ҳимоя қилмоқчиман». Шундан кейин менга қараб деди: «Сенинг ҳақингда эшитганман. Йўлда сенга озор етказибдилар. Ҳузуримга эсон-омон етиб келишинг учун одам билан мактуб юбордим. Чунки, маълумки, Эрон подшоси Нодиршоҳ Хива шаҳрини эгаллаш учун келаётир. Мен эсам ўзим ҳам, бу шаҳар ҳам мен каби император ҳазратларининг қўл остида бўлишни истаймиз. Мен унинг ҳузурига бормоқчиман. Сенинг ҳам унинг ҳузурига боришинга тўғри келади. Император ҳазратларининг сен олиб келган мактубини Хивадан унга юборамиз, токи шахсан мен билан жанжаллашиб юрмасин». Гладишев хонга жавоб қилди: «Мен сизнинг ҳузурингизга юборилганман. Шундай бўлгач, сизнинг амр-фармонингизда бўламан».

Шундан кейин (Абулхайрхон) Гладишев одамларидан икки кишини, хусусан ер ўлчовчи Муравин билан таржимон Усмон Арслоновни ажратиб олиб ва император олий ҳазратлари жўнатган мактубни қўлларига бериб, уларга мактуб билан тўрт одамни – ороллик бир қорақалпоқ ва

бир қозоқни қўшиб, Эрон подшоҳи ҳузурига жўнатди. Шоҳ ўша вақтда Хивадан 35 верст нарида жойлашган Хонқада турган эди. Улар шоҳга «Абулхайр)хон император ҳазратларининг табақасидир, ушбу шаҳарни ҳам у ўз тобелигига қабул қилди», дедилар. Хон эшитдики, Эрон шоҳи Россия империяси билан иттифоқ тузмоқчи эмиш. Шу сабабдан у Хивани ва унга қарашли ерларни талон-тарож қилмайди», деган хабарни етказишлари лозим эди».

Д.Гладишевнинг Хивада истиқомат қилиб турган рус асиirlари ҳақида келтирган маълумотлари ҳам ўта муҳимdir. У ёзади: «Ўша ерда асиirda бўлган Ёйиқ казаги Андрей Бородиндан эшитдимки, Хивада Бекович-Черкасский экспедициясидан асирга тушиб қолган руслар, қалмоқлар ва бошқа ерликларнинг сони 3 000 кишига етади. У (Андрей Бородин) уларни яхши билади. Баҳорда уларни Хива теварагидаги ариқларни тозалашга ҳайдаб борадилар. Оролда шундай асиirlар сони 500 киши. Тахминан шунча асиir Қозоқ ва Қорақалпоқ ўрдаларида яшаб турибдилар...»

Шелделтоғда ҳам рус асиirlari турадилар. Ўша тоғда кумуш ва олтин конлари бор. Қазилган рудаларни текшириб қараганларида унинг учдан бир қисми соф олгин бўлиб чиқди. Буни аниқланган одам Шерғозихонга бориб айтди. Хон уни тириклайн кўмиб ташлашни буюрди, «стоки у бу гапни бошқа бирорга бориб айтмасин, деб».

Хиваликларнинг касб-кори ҳақида ҳам Гладишев айrim маълумотлар келтирган: «Улар,-деб ёзган эди у,-буғдоӣ, арпа, жўхори, тариқ, кунжут, пахта ва тамаки экадилар. Ери, баъзи ерлари қумлоқ, баъзилари лойқадан иборат, сугориб экадилар. Уни ҳўқиз билан ҳайдайдилар...

Чорвалари: туж, от, мол, аргумоқлар ва оддий отлар, эшак, кўй, эчки.

Қушлари: ўрдак, товуқ.

Мевадан: олма, анор, узум, тут, шафтоли, жийда, олмурут.

Полиз экинларидан: қовун, тарвуз, турп, шолғом, карам, пиёз етиштирилади.

Дараҳтлар: сада қайрағоч, терак, тол ...ўсади. Шунингдек, тут мева беради, барги билан пилла қурти боқилади.

Хивада мис пул зарб қилинади, милтиқ дори тайёрланади...

Қамиш ва беда етиштирилади.

Дарёларида: Сирдарё, Кувондарёда, Улуғ дарёда кечувлар бор. Икки саженлик, икки ярим саженлик қайиқлар мавжуд. Уларда 5 бошгача отюклаб ўтиш мумкин..Сирдарё билан Улуғ дарёда балиқ кўп.

Қамишзорларда барс, бўри, шағол, тулки каби йиртқич ҳайвонлар яшайди».

Россия учун Орол дengизининг иқтисодий ва ҳарбий-стратегик аҳамиyati катта эди. Шунинг учун ҳам Орол флотилиясининг бошлиғи конт-

адмирал А.И.Бутаков (1816-1869) га 1848 йили Орол денгизини ўрганиш ва уни тавсифлаш вазифаси юклатилди.

А.И.Бутаковнинг кузатишлари унинг «Кундаликлар»ида (тўла номи «Дневные записки плавания по Аральскому морю в 1848-1849 г.», подготовка к печати Е.К.Беттера.-Ташкент, 1953) баён этилган. Унинг ёзишича, «Орол денгизи тинч денгизлардан бўлмай, айниқса шамол турган пайтида паноҳ топиш қийин». «Унинг Фарбий соҳилини суратга туширишни Қумсуат қўлтиғидан бошладик. Қумсуатдан бошлаб менга денгиз чуқурлаша бошлагандай туюлди...» Бутаков ўшандা Орол денгизини ва уни бандаргоҳ қуриш мумкин бўлган ерларини қаричма-қарич ўлчаб чиқди. Умуман, контр-адмирал Бутковнинг кузатишлари, Россия ҳукуматига келажакда денгизда ҳарбий ва савдо флоти қуриш мумкинлигини кўрсатди. Бу режа подшо Россиясиға Сирдарё ва Амударёда ҳам кемалар қатновини йўлга қўйишга ва бу билан Кошфар ва Ҳиндистонга сув йўлини очиб бериш имконини берар эди.

18.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
2. Сайдқулов Т.С. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д. Ю. Юсупова, Р.П.Джалилова. –Ташкент: Фан, 1998.

18.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган саволлар

1. Элчи ва сайёҳларнинг асосий мақсади нима?
2. Элчи ва сайёҳлар эсдаликларида қандай масалалар ёритилади?
3. Элчи ва сайёҳ эсдаликларини тарихни ўрганишдаги илмий аҳамияти нимада?

19-мавзу. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврига оид манбалар

Дарснинг мазмуни: Туркистон ўлкасининг чор Россияси мустамлакасига айланиши, унинг сабаблари, мустамлакачилик тузумининг ҳалқлар бошига солган зулму бедодликлари тўғрисидаги тарихий манбалар асосий хусусиятлари, уларнинг илмий аҳамияти талабаларга тушунтирилади.

Режа:

- 19.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар.
- 19.2. Маҳаллий манбалар.
- 19.3. Россия манбалари.
- 19.4. Расмий ҳужожатлар ва ушбу давр түғрисидаги адабиётлар.
- 19.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 19.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Чор Россияси, Туркистон ўлкаси, мустамлака, оқ подшоҳ, мардикор.

19.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар

Мовароуннаҳрдаги йирик давлат бўлган Бухоро ва Хива хонлиги XVIII асрнинг биринчи ярмида Эрон шоҳи Нодиршоҳ таъсир доирасига тушди. 1753 йили Нодиршоҳни васий сифатида тан олган Муҳаммад Раҳим ўзини Бухоро амири деб эълон қилди ва 1920 йилигача ҳукм сурған манғитлар сулоласига асос солди.

Фарғона водийсида яшаб турган ўзбек қабилаларидан бири минглар ўз етакчиси Шоҳруҳбийни ҳокимият тепасига кўтардилар ва Кўқон хонлиги ташкил топди.

XIX аср бошида Муҳаммад Раҳимхон аввал (1806-1825) мустақил Хива хони сифатида мустақил фаолият кўрсата бошлади. Шундай қилиб, XVIII охири XIX аср бошларида Мовароуннаҳрда учта мустақил давлат фаолият кўрсата бошлади.

Россия иқтисодий ва ҳарбий қудратга эришиши муносабати билан унинг Кўқон, Хива хонликлари ва Бухоро амирлигига бўлган муносабатида истилочилик руҳи устун келиб, XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўлканни забт этишга киришди. 1860 йили Россия Кўқон хонлигига қарши эълон қилинмаган уруш бошлади. Полковник Михаил Черняев 1864 йили Авлиё ота шаҳри томон юриш бошлади ва шаҳарни эгаллаб, генерал даражасига кўтарилди. 1865 йил М. Черняев Тошкентни эгаллади. 1866 йили М. Черняев Бухоро амирлигига қарши истилочилик ҳаракатларини бошлади ва 2 йил давомида унинг ярим ҳудудини эгаллади.

Россия ҳукумати янги босиб олинган ерларни бошқариш учун ва бу ҳаракатни давом эттиришни мувофиқлаштириш учун 1867 йилнинг 11 июлида Туркистон генерал-губернаторларгини таъсис этди ва унинг раҳбари этиб генерал Фон Кауфани (1867-1881) тайинлади.

1872 йил охирларида ҳарбий вазир бошчилигига Петербургда Туркистон, Оренбург генерал - губернаторлари ва Кавказдаги подшоҳ номблари иштирокидаги махфий кенгашда Хива хонлигини босиб олишга

қарор қилинади. 1873 йили май ойида руслар Хива шаҳрини эгаллайдилар.

Бу эса кучайиб бораётган Россия давлатининг осонликча ўлкани ўз таъсир доирасига ўтказиш имконини берди. 1917 йилги Санк-Петербургда юз берган Октябрь тўнгариши Россия давлати тарихида Шўролар ҳукмронлигига асос солди.

Бу даврда юз берган воқеалар бир томонда ўша давр расмий ҳужжатларида маҳаллий ҳалқ вакиллари ва россиялик муаллифлар томонидан турлича ёритилган. Мана шунинг учун ҳар манба алоҳида ўрганилиши, турли томонлар қарашлари ўзаро қиёсий таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу давр воқеалари кейинги давр адабиётларидан ҳам турлича талқин этиб келинди. Чунки, уларга сиёсий тузум тазиёки жуда кучли эди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан мустамлака даври тарихини холислик ва одилона тарзда ёритиш имкони яратилди.

19.2. Маҳаллий манбалар

Бу даврда «Афзал ат-таворих», «Тарихий Умархон», «Рисолаи аскания», Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ут-таворих», Мулла Ниёз Муҳаммаднинг «Тарихи Шоҳрухий», Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тарихий жаҳоннамоий», Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихий жадидайи Тошканд», Мулло Юнусжон Муншийнинг «Амири Лашкар Алимкул тарихи» каби асарлар Кўён хонлигига, «Туҳфат ул-хоний», «Тарихий амир Ҳайдар», «Фатхномаи сultonни», «Манғитлар хонадони тарихи», «Ўзбек подшоҳликлари зикри», Мирзо Абдуллазиз Сомининг «Тарихи Салотини манғития», «Тарихи салотини манғития, узбакиша ва аштархониа», «Шажараи хусрави Комкор» номли асарлар Бухоро амирлигига, Муниснинг «Фирдавс ул-иқбол», Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг «Риёз уд-давлат», «Зубдат ут-таворих», «Жомиъ ал-воқиоти сultonий», «Гулшан уд-давла», Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшохий», «Хоразм тарихи», «Иқболи Ферузий» тарихий асарлар Хоразмда яратилди. Хоразмда яратилган тарихий асарлар ўзбек тилида яратилганлиги билан дикқатга сазовор. Бундан ташқари хоразмлик олим ва таржимонлар кўплаб тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилганлар. Умуман, мустамлакачилик арафасида ва бу даврда кўплаб маҳаллий тарихчилар бўлиб ўтган сиёсий воқеаларга ўз муносабатларини билдирганлар. Бугунги кунда ушбу манбалардаги қимматли маълумотларни бошқа манбалар билан қиёсий ўрганиш асосида тарихни холис ва одилона ёритиш мумкин.

19.3. Россия манбалари

Мустамлакачилик даврига оид Россия манбалари деганда, биринчи галда Чор Россиясининг расмий идоралари, ташқи ишлар вазирлиги, рус амалдорларининг хотиралари ҳамда рус тарихчиларнинг асарларини тушунамиз.

Чор Россиясининг расмий идораларининг Туркистонни забт этилиши ва мустамлакага айлантирилишига оид кўплаб қимматли маълумотлари мавжуд. Аммо, улар яхлит ҳолда чоп этилмаган. Бу манбалардан Ўзбекистон янги тарихининг биринчи жилди «Туркистон Чор Россияси мустамлачилиги даврида» (Ташкент, 2000) китобидан маълум даражада фойдаланилган. Лекин, уларни катта тарихий-илмий аҳамиятга эгалигини назарда тутганда ҳаммасини яхлит ҳолда илмий изоҳлар билан чоп этилиши мақсадга мувофиқдир.

19.4. Расмий ҳужжатлар ва ушбу давр тўғрисидаги адабиётлар

Туркистон ўлкасининг рус мустамлакачилиги ва шўро ҳукмронлиги даврида кечган мазлумона ҳаёти тарихий-илмий адабиётларда, қай нуқтаи на зардан бўлмасин, ҳарҳолда, нисбатан тўлароқ ифода этилган, дейиш мумкин. Бу адабиётларни мазмун ва моҳият эътибори билан тўрт даврга ажратиш тўғри бўлади. Биринчи давр, асосан 1917 йилгача ёзилган тадқиқотларни, иккинчи давр 20—50-йилларда, уччинчى давр эса 50-йилдан то 80-йиллар биринчи ярмига қадар яратилган асарларни қамраб олади. Тўртинги даврга оид адабиётлар тарихшуносликда «қайта қуриш» деб ном олган 80-йилларнинг иккинчи ярмидан то Ўзбекистон Республикасининг мустақилликса эришгунинга қадар ва мустақиллик йилларида вужудга келган асарлар мажмуудан иборатdir.

19.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Масальский В.М. Хлопководство, орошение государственных земель и частная предпринимчивость. – СПб., 1908;
2. Масальский В.М. Туркестанский край. – СПб., 1913.
3. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего земледелием и землеустройством о поездке в Туркестан. – СПб., 1912.
4. Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). -М., 1921.
5. Галузо П.Г. Туркестан – колония. Очерк истории Туркестана от завоевания русскими до революции 1917 года.-М., 1929.

19.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Бу даврга оид қандай тарихий манбаларни биласиз?
2. Баёний асарларида русларнинг босқини қандай тасвирланган?
3. Рус тарихчилари Туркистон ўлкасини забт этилишини қандай ёритгандар?
4. Туркистоннинг тарихи замонавий адабиётларда қандай ёритилган?

20-мавзу. Совет даври манбалари

Дарснинг мазмуни: Ўзбекистоннинг шўролар ҳукмронлик қилган (1917-1991) даврига оид манбалар, умумий хусусиятлари баён этилади.

Режа:

- 20.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар.
- 20.2. Расмий манбалар.
- 20.3. Давр тарихи тадқиқотларда.
- 20.4. Шўро даври тарихи хорижий олимлар асарларида.
- 20.5. Шўро даври тарихи замонавий тадқиқотларда.
- 20.6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 20.7. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар: Совет, шўро, большевик, компартия, съезд, дехқон, ишчи, пионер, комсомол, партия, Ленин, Сталин.

20.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар

Яқин ўтмишимизнинг собиқ совет ҳокимияти ҳукмронлик қилган даври мамлакатимиз тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу давр, гарчи тарихан қисқа бўлса-да, лекин ўзининг мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан ажralиб туради. 1917 йилнинг октяброда большевиклар зўрлик билан амалга оширилган тўнтариш собық Иттифоқ ҳалқлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳалқлари тарихида салкам 75 йил давом этган янги мустамлакачилик саҳифасини бошлаб берди. Натижада чор мустамлакачилик империяси ўрнини «қызил империя» эгаллади. Янги мустамлакачилик зулми остида яшаган ўлка ҳалқлари большевиклар «социалистик тажрибаси»нинг барча машъум мушкулотларини бошдан кечирдилар. Энг ачинарлиси шундаки, республикадаги ижтимоий-сиёсий тарихий жараённинг ўта мураккаб ва зиддиятли кечиши кўплаб қурбонлар берилишига, маданий ва маънавий йўқотишларга олиб келди.

Октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистоннинг Туркистон ҳудудида бўлган анчагина қисми Туркистон Автоном Республикаси сифатида

РСФСР таркибига кўшиб олинди. 1924 йилда зўраки ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида Ўзбекистон ССР ташкил топиб, ССР Иттифоқи таркибига киритилди. ССР Иттифоқи ўз моҳиятига кўра унитар (кўшма) давлат эди. Оқибатда Ўзбекистон тўла-тўқис Москва га қарам бўлиб қолди. Ўзбекистон ССР фақат номигагина мустақил эди. Республикасининг раҳбар органлари Компартия Марказий Кўмитаси (МҚ) ва Иттифоқ ҳукумати томонидан тайинланар, бинобарин, уларга бўйсунарди. Улар республика ва унинг халқлари манфаатлари эмас, балки Совет Россияси манфаатлари йўлида сиёsat юргизишга мажбур эдилар. Ўзбекистон халқларининг суверен ҳуқуқлари асосида уларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ватаншарварлик қайфиятидаги миллий раҳбарларнинг чиқишиларини мустабид тузум ғоят қатъият билан барҳам топтиради.

Мустабид тузум Ўзбекистонни мустамлака сифатида ўз исканжасида доимий сақлаб қолиш ва уни метрополиянинг хом ашё базаси ва маҳсулот бозори сифатидаги ҳолатини янада мустаҳкамлапши интилди. Бундай сиёsat оқибатида республикасининг иқтисодий ривожланиши бир томонлама кечди, унинг қишлоқ хўжалиги тобора кўпроқ пахтачилик йўналишига эга бўлиб борди, шу алфозда пахта яккаҳокимлиги қарор топди. Ўзбекистон саноати, асосан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилишга йўналтирилган эди. Саноатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига дастлабки тарзда ишлов берадиган тармоқлар асосий ўринни эгалларди. Республика хом ашёсининг пировард маҳсулоти Иттифоқ саноат марказларида ишлаб чиқарилар, бинобарин, фойданинг асосий қисми ҳам ўша ерда қоларди.

Марказнинг Ўзбекистондаги мустамлакачилик сиёсати республикасининг маданий ривожида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди. Гарчи, бу соҳада бирмунча ижобий силжишларга эришилган бўлса-да, ўлка халқларининг маънавий ҳаёти тўла-тўқис ўз даврининг ҳукмрон мафкураси ва сиёсати таъсирига олинди, байналмилаллик ниқоби остида республикани руслаштиришга интилиш рўй берди. Ўзбек халқининг миллий, маданий қадриятлари оёқости қилинди, ўзбек тили иккинчи даражали тилга, рус тили эса давлат ва асосий муомала тилига айлантирилди.

Дарвоqe, Марказнинг бундай мафкура сиёсати туфайли халқимиз ҳаётининг барча соҳаларига путур етказилганлигини таъкидлаш баробарида республика тарихий ўтмишининг совет даврида ҳам бир қатор ижобий ишлар қилингандигини айтиб ўтмаслик нохолислик бўлур эди. Зоро, ўша йилларда халқимизнинг фидокорона меҳнати билан кўплаб завод ва фабрикалар қурилди, миллионлаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди, катта-катта каналлар қазилди, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника негизи-

зи мустаҳкамланди, унинг маҳсулотлари ҳажми ортди. Ўнларча олий ва ўрта маҳсус ўқув юрглари очилди, уларда халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун мутахассислар тайёрланди, умумтаълим мактаблари ҳунартехника билим юргларининг кенг тармоғи ташкил этилди, кўпгина маданий-маърифий муассасалар барпо қилинди. Натижада аҳолининг таълимий ва маданий савияси ошди. Тўғри, бу ютуқларнинг барчасига мустабид тузум даврида айтиш одат бўлиб қолган «партиянинг доно сиёсати» туфайли эмас, балки халқимизнинг садоқатли, фидокорона меҳнати туфайли эришилди.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оғир ва машаққатли меҳнатлар эвазига яратилган ана шу моддий бойликлар ўзбек халқи, унинг фаровонлиги учун хизмат қилмади. Аксинча, бу моддий-маънавий бойликлар ўзбек халқини камситиш, миллий фурурини оёқости қилиш, ўзлигини унугтириш, коммунистик мағкуруни янада кучайтириш учун хизмат қилди. Ўзбекистон ҳудудида бунёд этилган корхоналар (айниқса, кимё комбинатлари), керагидан ортиқча ўзлаштирилган қўриқ ва бўз ерлар, қазилган каналлар, курилган сув омборлари республиканинг экологик аҳволини мураккаблаштириди, Орол денгизининг қуриб боришини тезлаштириди, деҳқончилик ерлари таркибини ўзлаштириб юборди, атроф-муҳитни, ичимлик сувини заҳарлади. Модомики шундай экан, Совет давлати «экспериментлари» натижасида барча халқлар бошига тушган фожиалар ва кулфатларни, мустабид тузум, ҳукмрон партия томонидан совет халқларига қарши олиб борилган зўровонлик ва файриинсоний сиёсатни ҳеч қачон оқлаш мумкин эмас.

20.2. Расмий манбалар

Шўро даври расмий манбалари деганда турли давлат идораларининг ҳужжатлари партия тизими органлари қарорларини тушунамиз.

Ўша давр расмий матбуотида уларнинг бир қисми чоп этилган. Лекин турли маҳсус органлар ҳужжатлари маълум давргача кўпчиликдан пинҳон сақланган. Чоп қилинган расмий маълумотларни маҳсус тизимлар ҳужжатлари билан қиёсий ўрганиши жуда муҳимдир. Бу ҳужжатлар ичida шўро даври раҳбарлари ҳаёти ижодига оид маълумотлар уларнинг асарлари муҳим тарихий манба вазифасини ўтайди.

Фақат, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан тарихий ҳақиқатни тиклаш учун, янгича ва холис ёндашув, совет даврида юзага келган Ватанимиз тарихидаги нохолисликлар ва «оқ доғлар»ни миллий мустақиллик мағкураси асосида тутатиш учун қулай шарт-шароит қарор топди. Бунга бош мезон сифатида тарихий далил ва воқеаларга, бутун тарихий жараёнга республика ва унинг халқи манфаатлари-

ни ҳисобга олган ҳолда принципиал баҳо бериш асос қилиб олинди. Айнан шундай ёндашувларнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил декабрдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш» ва 1998 йил июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида баён этилган бўлиб, турли илмий-оммабоп китоблар муаллифлари жамоаси ҳам шу асосда совет даври Ўзбекистон тарихини, совет давлатчилигининг мустабидчилик мөҳиятини холисона ёритишга ҳаракат қилганди.

20.3. Давр тарихи тадқиқотларда

Шўро даврида амалга оширилган тадқиқотлар мавжуд сиёсий йўналиш ва мафкурага бўйсинган эди. Бу даврдаги тадқиқотларни бир неча даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчиси – 1917-30-йилларда амалга оширилган тадқиқотлардир. Уларда шу давр тарихи бутун бор зиддиятлар билан ёритилган. Иккинчиси – 40-50-йилларда амалга оширилган тадқиқотларда тарихий ҳақиқат маълум даражада «социалистик» ғояларга бўйсандирилган ҳолда ёритилган. Учинчиси – 60-70-йилларда амалга оширилган тадқиқотларда маълум даражада шахсга сифинишдан озод бўлинган бўлса-да, умуман, «коммунистик» мафкура руҳида ёритилган.

Мустақиллик туфайли биз шўро даври тарихини холис ва тўғри ёритиш имконига эгамиз.

20.4. Шўро даври тарихи хорижий олимлар асарларида

Ўзбекистоннинг шўро даври тарихи Россия ва маҳаллий олимлар томонидан мавжуд мафкура руҳида ёритилганлиги сабабли чет эл олимларининг уларга муносабати маълум илмий аҳамиятга эга.

Албатта, уларнинг базиларида ғоявий кураш таъсири акс этган. Лекин, айрим йирик олимлар тадқиқотлари, хусусан Аҳмад Закий Валидий Тўғон асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу даврда Ўзбекистонда бўлган чет эл тарихчиларининг таассуротлари ҳам маълум даражада манба сифатида илмий қўмматга эга.

20.5. Шўро даври тарихи замонавий тадқиқотларда

Тарих фани мустабидчилик даврида Ўзбекистоннинг совет даврини (1917-1991), республикамиз давлат мустақиллигини қўлга киритгунга қадар бўлган тарихини ўрганиш борасида муайян ишларни амалга ошириди. Тарихчи олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан, ўша давр нуқтаи назаридан, катта миқдордаги тарихий манбалар тўпланди, улар бир тизим-

га солиниб, илмий жиҳатдан умумлаштирилди. Бироқ, бу асарлар жамиятшуносликда ҳукмрон бўлган марксча услугуб асосида, синфиийлик ва партиявиликнинг асосий принциплари негизида ёзилган эди. Шу боисдан бу асарларда тарихий жараён кўп жиҳатдан бир томонлама, нохолис, тарихий далил ва воқеалар атайлаб бузиб кўрсатилди, коммунистик мафкурага хос хулосалар қилинди.

Бинбарин, чоп этилган ана шу илмий, илмий-оммабоп ишлар концептуал тузилиши, олдига қўйган вазифаси, услугубий жиҳатлар хилмакиллигига йўл қўйилмаганинги, ягона сиёсий мафкура қолипида ёзилганинги эътиборга олиб, совет даври тарихий адабиётларининг ҳар бирiga алоҳида баҳо беришни лозим кўрмадик. Шунингдек, 73 йиллик совет тузуми даврида социализмни улуғлаб ёзилган тарихий адабиётларнинг сон-саноғи йўқлигини инобатга олиб, мавзуга оид адабиётлар рўйхатини беришни ҳам мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобладик.

20.6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакаси даврида. Тузувчилар М. Жўраева ва бошқалар. -Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Ўзбекистон тарихи. Р.Х. Муртазоева таҳр. остида. -Тошкент, 2003.
3. Ўзбекистон тарихи (1917-1993йиллар). 9-синф учун дарслик. -Тошкент, 1994.
4. Аҳмад Закий Валидий Тўрон. Бўлинганни бўри ер. -Тошкент: Адодлат, 1997.

20.7. Мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган саволлар

1. Шўро давридаги қандай манбаларни биласиз?
2. Шўро даври расмий манбалар деганда нимани тушунасиз?
3. Шўро даври тарихига оид қандай тадқиқотларни биласиз?
4. Қайси чет эллик тарихчилар асарларида шўро даври тарихи ёритилган?
5. Замонавий тадқиқотларда шўро даври тарихи қандай талқин қилинади?

21-мавзу. Мустақиллик даври тарихи манбалари

Дарснинг мазмуни: Мустақиллик йилларида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар акс этган манбалар тўғрисида умумий тасаввур бериш ва уларни таҳлил қилиш малакасини ўргатиш.

Режа:

- 21.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар.
- 21.2. Расмий ҳужжатлар.

- 21.3. Президент И.А.Каримов асарлари.
- 21.4. Мустақиллик даври тарихи замонавий тадқиқотларда.
- 21.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
- 21.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар.

Асосий тушунчалар. Давлат суверенитети, Мустақиллик, истиқлол, давлат рамзлари. Олий Мажлис, Сенат, Парламент, маънавият, миллий истиқлол фояси, инсон омили.

21.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар

Мустақиллик йиллари ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг шиддатлилиги, оламу одам тақдирига даҳлдор бўлган дунёвий муаммолару серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган умумий қарашларимиздан тортиб, энг кичик, энг шахсий юмушларимизгача бўлган барча ҳодисаларни ўзида мужассам этди. Мудроқ босган туйғуларимизни жунбушга келтирди. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётта тийракроқ қарайдиган бўлдик. Ўзлигимизни англай бопладик.

Табиийки, бундай ҳаётий зарурият барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори тарих фани олдига ҳам янги вазифалар қўяди. Тадқиқотчилар биринчи навбатда халқнинг истиқлолга эришиш йўлидаги фидойи меҳнатини, миллий мустақилликка эришиш йўллари ва воситаларини, миллий давлатчилик қурилишига доир тажрибани, истиқлолни мустаҳкамлашнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий омилларини ўрганиш ва миллий истиқлол мафкурасини яратиш каби бир қатор муҳим муаммоларни ҳар томонлама мушоҳада қилмоқлари лозим. Дарҳақиқат, ўрганишга, тадқиқ этишга, дастлабки илмий-назарий хуносаларни ўргата ташлашга асос бор.

2000 йил, 6 апрел куни Оқ саройда мамлакат Президенти бир гурӯҳ олимлар, файласуфлар, тарихчилар ва мутахассислар билан учрашиб, миллий мафкура, миллий онг тараққиёти, унинг зарурати ҳақида гапирди.

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ», -деган эди И.Каримов. Дарҳақиқат, тарих хотираси инсон тараққиётига кучли таъсир ўтказади, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Миллий онг, миллий тафаккур халқ тарихи, унинг ривожланиш босқичларини нечоғлик ўрганиш, ундан сабоқ чиқариш билан боғлиқ. Улуф алломалар айтганидек, тарих инсонни истиқболга даъват этади. Улкан яратувчиликни рағбатлантиради. Зотан, унинг мураббийлик, тарбиячилик, йўналтирувчилик кучи худди ана шунда.

Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошида

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» Марказини ташкил қилиш тўғрисида чиқарган Фармойиши катта тарихий ва сиёсий аҳамиятта эга.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришга доир тадбирлар, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносаб ўрин олиши манбаларда акс этган.

Хуллас, ҳаёт мустақиллик даврида ўтган кунларимизни манбалар асосида алоҳида ўрганишни, тадқиқ этишини, илмий ва назарий хulosалар чиқаришни тақозо этмоқда. Бунинг ўзига хос асослари бор.

Биринчидан, истиқбол йилларида Ўзбекистон мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамитида ўзига хос нуфузга эга бўлди. У ўзининг катта ишлаб чиқариш имкониятлари, бой ақлий ва жисмоний салоҳияти, tengsiz табиий бойликлари билан дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари диққатини тортид ва улар билан тенгма-тенг туриб ҳамкорлик қилиш қурдатига эга эканлигини кўрсата олди.

Иккинчидан, энг оғир, мashaққатли ва зиддиятли пайтларда, ўтиш даврининг ўзига хос мураккабликлари мавжуд бўлган бир вақтда мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорликнинг сақлаб турилиши мамлакат ҳукумати сиёсатининг нақадар ҳаётий ва халқчил эканлигини кўрсатади. Айниқса, юздан ортиқ миллат ва элат яшаётган мамлакатда турли ақидалар ва ғоялар таъсирида бўлган аҳолининг талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш, уларнинг қарашларини бир нуқтада жамлаш алоҳида уддабуронликни ва қатъиятликни талаб этади. Ўзбекистон ҳукумати худди ана шундай қатъиятни кўрсата билди.

Учинчидан, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, дунёвий давлат қуришнинг асоси бўлган қонун устиворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш таомонилари вужудга келди. Туб ислоҳотларнинг Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойили истиқболнинг дастлабки йилларида ёки жаҳон ҳамжамиятида юқори баҳоланди ва тўла тан олинди.

Тўртинчидан, хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет эллик ишбилиармонлар билан ҳамкорликни йўлга кўйиш, шу асосда мамлакат ишлаб чиқаришини тубдан ўзгартириш, уни жаҳоннинг энг илфор технологиялари билан қайта жиҳозлантириш йўли туттилди. Бу Ўзбекистоннинг жамиятни бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатта ўтказишда барча ёш муста-

құл мамлакатлар ўртасида энг түғри йўл танлаганини кўрсатди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ҳукуматининг ислоҳотчилик сиёсати бевосита халқ дунёқарапи, унинг минг йиллар мобайнида шаклланган урф одатлари, анъаналари билан уйғун ҳолда амалга оширила бошланди. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак», «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақдли, доно ва албатта баҳтли бўлиши керак» сингари шиорлар халқимизнинг орзу-истаги, умид ва интилишлари билан уйғун ҳолда дунёга келди. Бугунги Ўзбекистоннинг том маънода маънавий тикланиш ва руҳий покланиш майдонига айланганлиги ана шу энг эзгу ниятлар асосида давлат сиёсати ва халқ орзу-умидларининг уйғунылиги натижасидир.

Маълумки, жамият тараққиётida шахснинг роли бениҳоя катта. Айниқса, ўтиш даврида давлат арбобининг, сиёсий етакчининг ўрни яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Чунки, бу пайтда ҳали маълум бир сиёсий тузум, сиёсий қатлам ва жамиятни йўналтирадиган оқим шаклланмаган, қарашлар бир ўзанга тушмаган, турли қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар мавжуд бўлган мураккаб бир вазият вужудга келади. Бундай пайтда халқ ўз келажагини асосан давлат раҳбарига қараб белгилайди. Ўзининг иймон-эътиқодини, тақдирини у билан боғлади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда мустақилликнинг ўтган даврида мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ишлар бевосита давлат раҳбарининг шахсияти, унинг иш услуби, воқеа-ҳодисаларга ёндошиш усули билан боғланиб кетган. Хоҳдаймизми-йўқми, давлат арбобининг сиёсий қиёфаси ўтиш даврининг ноёб маҳсули сифатида тарих саҳифаларида Бош ислоҳотчи қиёфасида мустаҳкам ўрнашган бўлади. Демак, мустақиллик даври тарихини ўрганар эканмиз, бу жараён бевосита мамлакат Президенти И.Каримов фаолияти билан узвий боғланганлигини яққол кўрамиз ва уни саҳифаларга айнан кўчиришга интилдик. Тарихий ҳақиқат ҳам, ҳаётий ва илмий ҳақиқат ҳам шуни тақозо этади.

Шубҳасиз, юқорида тилга олинган масалаларни ўрганиш ва мушоҳада қилиши кишиларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшлиарни тарихий анъаналарга, умуминсоний қадрияtlарга ҳурмат, Ватангага муҳаббат, истиқлол фоялирига садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашади.

21.2. Расмий ҳужжатлар

Ўзбекистон мустақиллигига оид расмий ҳужжатлар деганда собиқ шўро даврининг хокимияти тизими сўнгти қарорларини тушунамиз. Чунки, мустақиллик собиқ иттилоғнинг барҳам топиши билан юзага келди. Бу давр ҳужжатларининг бир қисми собиқ иттилоғ тизимида қабул қилинган.

Иккинч гуруҳ расмий ҳужжатлар мустақил Ўзбекистон раҳбарият органлари томонидан қабул қилинган «Мустақиллик декларацияси», «Ўзбекистон конституцияси» ва бошқа қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқалардир. Айрим тармоқ ҳужжатлари ҳам юртимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Ўзбекистон мустақиллиги даври энг муҳим ҳужжатлари «Янги Ўзбекистон тарихи» 3-жилдида (2000), Р.Х.Муртазаева таҳрири остида чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» (2003) дарслигида ўз аксини топган.

21.3. Президент И.А.Каримов асарлари

Ўзбекистон мустақил бўлгач, тараққиётнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг доклад ва нутқларида, монографик асарларида акс этган. Мустақилликка эришиш foяси халқимизга азалдан мерос, шу мақсад аждодлар орқали минг йилликлар қаъридан бизгача етиб келмоқда. Президент И.А.Каримов: «Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат, юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини қунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir»¹²⁵, -деганда ана шу ҳолатни назарда тутади. Халқимизнинг узоқ тарихи у ўз ўтмишида озодлик, истиқлол учун тинимиз кураш олиб борганидан гувоҳлик беради.

И.А.Каримов асарларида кўп асрлик тарихимиздаги энг йирик тарихий шахслар Ином ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улугбек каби буюк аждодларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси ҳамда мустақил республикамиз тараққиётининг устувор йўналишлари ўз аксини топган. Бундан ташқари Президент давлат раҳбари сифатида республикамизнинг халқаро миқёсида олиб бораётган сиёсатини аниқлайди. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари халқимиз тарихини ўрганишда методологик қўлланма сифатида, замонавий жараёнларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Унинг энг муҳим асарлари инглиз, француз, испан, немис, ҳинд, хитой, араб каби ўнлаб турли хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда бир неча бор нашр қилинган. Республикамизда эса И.А.Каримов асарларининг 13 жилдлик тўплами нашр қилинган.

¹²⁵ Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳукуқий кафолати // Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 92-бет.

21.4. Мустақиллик даври тарихи замонавий тадқиқотларда

Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изти-рбларини ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гулто-жи сифатида ҳамиша озодлик ва ҳурриятга иргилиб яшайди. У ҳамиша ҳар жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилишга, таҳликасиз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам кишилик тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун курашни, шаклан турли-ча, моҳиятган ўхшаш бўлган ҳурриятга интилиш ҳодисаларини кўп қўрган. Бугунги кунда кечайтган воқеалар, асосан вақтли матбуотда, журнallарда ва замонавий тарихчилар асарларида ёритилмоқда. Уларни маълум даражада умумлаштирган ҳолда талабаларга етказиш, таҳлил қилишга ўргатиш манбашунос, тарихчи, педагоглар вазифасидир.

21.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафку-ра. 1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И. Биздан озод ва обид Ватан қолсин. 2-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлап-давр талаби. 5-жилд.-Тош-кент: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Тош-кент: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

21.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар

1. Мустақиллик декларацияси нима?
2. Президент И.А.Каримов асарларида Ўзбекистон тарихи қандай ёритилган?
3. Ўзбекистон Олий Давлат Органлари тўғрисида маълумот қайси ман-бада акс этган?
4. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари қандай манбаларда ёри-тилган?

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
1-мавзу. Манбашунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари	5
1.1. Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад	5
1.2. Манбашунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари	5
1.3. Манбалар турлари	6
1.3.1. Моддий (ашёвий) манбалар	6
1.3.2. Этнографик манбалар	7
1.3.3. Лингвистик манбалар	7
1.3.4. Халқ оғзаки адабиёти	7
1.3.5. Ёзма манбалар	8
1.3.6. Мўъжаз расм-миниатюралар	9
1.4. Манбашуносликка оид адабиётларнинг таҳлили	10
1.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	12
1.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	12
2-мавзу. Манбашуносликнинг асосий йўналишлари. Назарий ва амалий манбашунослик	12
2.1. Манбашуносликнинг йўналишлари асосий мақсад ва вазифалари	13
2.2. Назарий манбашунослик (йўналиши)	13
2.3. Манбаларни туркумлаш	13
2.4. Археография	15
2.4.1. Тарихий манбаларни аниқлаш, танлаш ва таҳлил этиш	16
2.5. Амалий манбашунослик (йўналиши)	17
2.5.1. Манбаларни ташқи белгилари моддий-техник маялумотларига қараб таҳлил этиш	17
2.6. Манбаларни ички белгиларига қараб таҳлил этиши	18
2.7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	21
2.8. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	21
3-мавзу. Манбаларни ўрганиш ва ўргатиш усуллари	22
3.1. Ёзма манбаларни тавсиф усули ва уларни талабаларга тушунтириш	22
3.2. Кодикологик маялумот	25
3.3. Асар муаллифи ва унинг яшаган даври	26
3.4. Асарнинг таркиби ва мазмунни таҳлили	26
3.5. Манбадаги асарнинг умумий характеристи	27
3.6. Асар таркибининг таҳлили	27
3.7. Манбанинг мазмунига қараб таҳлил этиш	28
3.8. Манбанинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш	28

3.9. Асарнинг илмий аҳамиятини аниқлаш	28
3.10. Манбанинг ўрганилиши, унинг төрихнавислиги	29
3.11. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	29
3.12. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	30
4-мавзу. Қадимги замон тарихи манбалари (Милоддан аввалги VI-милоднинг V асрлари)	30
4.1. Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар	31
4.2 Қадимги Эрон ва ҳинд манбалари	33
4.2.1. Қадимги Эрон манбалари	33
4.2.1.1. Тош ва сополга ўйиб ёзилган катибалар (михий ёзувлар)	33
4.2.1.2. «Авесто»	35
4.2.1.3. Хвадай намак	36
4.2.1.4. Матақдани хазар датастан	36
4.2.1.5. Шоҳнома	37
4.2.2.2. Қадимги ҳинд манбалари	38
4.3. Қадимги Юнон ва Рим манбалари	38
4.3.1. Херадот	38
4.3.2. Диодор	39
4.3.3. Помпей Трог	40
4.3.4. Ариан Флавий	40
4.3.5. Квінт Курцій Руф	41
4.3.6. Гай Пліний Секунд	41
4.3.7. Полібій	42
4.3.8. Страбон	42
4.3.9. Птоломей Клавдій	43
4.4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	44
4.5. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	44
5-мавзу. VI – VIII асрлар тарихи манбалари	45
5.1. Мұхим сиёсий воқеалар	45
5.2. Қадимги Турк манбалари	48
5.2.1. Енисей битиклари	49
5.2.2. Мұгулистондан топилған битиклар	49
5.3. Хитой манбалари	51
5.3.1. Ши Цзи	51
5.3.2. Цянь Хань шу	51
5.3.3. Хоу Хань шу	52
5.3.4. Бэй шу	52
5.3.5. Суй шу	52
5.3.6. Цзю Тань шу ва Синь Тань шу	53

5.4. Сўғд тилидаги манбалар	53
5.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	54
5.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	55
6 – мавзу. Ислом манбашунослиги асослари	55
6.1. Куръон ва қуръоншунослик	56
6.2. Ҳадис ва муҳаддислар	56
6.3. Тафсир илми	56
6.4. Исломшунослик	57
6.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	57
6.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	57
7 – мавзу. IX–XII асрлар тарихига оид манбалар	57
7.1. Асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар	58
7.2. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар	61
7.3. Араб тилида ёзилган манбалар	63
7.3.1. Китоб ат-тариҳ	63
7.3.2. Китоб ал-сурат ал-арз	64
7.3.3. Китоб ал-мағозий	64
7.3.4. Китоб ал-булдан	64
7.3.5. Китоб футух ал-булдан	65
7.3.6. Китоб ул-хирож	66
7.3.7. Китоб ахбор ул-булдан	66
7.3.8. Китоб масолик ул-мамолик	67
7.3.9. Тарихи ар-русул вал-мулук	67
7.3.10. Китоб ал-масолик вал-мамолик	69
7.3.11. Китоб ахбор уз-замон ва ажойиб ул-булдан	70
7.3.12. Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба	70
7.3.13. Китоб масолик ул-мамолик	71
7.3.14. Китоб ул-масолик ва-л-мамолик	71
7.3.15. Аҳсан ат-тақосим	72
7.3.16. Тарихи Яминий	73
7.3.17. Йатимат ад-даҳр	74
7.3.18. Мафотих ул-улум	75
7.3.19. Осор ул-боқия	75
7.3.20. Китоб тажориб ул-улум	77
7.3.21. Девону луғат ат-турк	77
7.3.22. Нузҳат ал-муштоқ	78
7.3.23. Китоб ул-ансоб	78
7.3.24. Ал-комил фи-т-тариҳ	79
7.3.25. Вафаёт ул-аъён ва анбөй анбөй уз-замон	80
7.3.26. Сирот ус-султон Жалолуддин Менқбурни	81

7.3.27. Мулдашларни суроғи 5.10. СМЖ 5.10.1. Араб тилининг манбаларининг хусусиятлари 82	82
7.4. Араб тилининг манбаларининг хусусиятлари 83	83
7.5. Фойдаланишган адабиётлар рўйхати 85	85
7.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар 86	86
8 – мавзу. XIII-XIV асрлар тарихига оид манбалар 86	86
8.1. Асосий сиёсий ижтимоий воқеалар 86	86
8.2. Мўғул ва Хитой тилларида ёзилган манбалар 89	89
8.2.1. Монгол-ун ниучча тобчан 89	89
8.2.2. Цзин-ши 90	90
8.2.3. Юань-чао мин-чень ши-люэ 90	90
8.2.4. Шэн-у цинъ чжен-лу 90	90
8.2.5. Юань-ши 91	91
8.3. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва ёзишмалар 91	91
8.3.1. Васиқа 92	92
8.4. Форсий тилининг манбаларда тутган ўрни 93	93
8.5. Форс тилидаги манбалар 94	94
8.5.1. Бухоро тарихи 94	94
8.5.2. Ҳудуд ул-олам 95	95
8.5.3. Сиёсатнома 95	95
8.5.4. Чор мақола 96	96
8.5.5. Мужмал ат-таворих ва қисас 97	97
8.5.6. Зайн ал-ахбор 98	98
8.5.7. Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд 99	99
8.5.8. Тарихи Муборакшоҳ 99	99
8.5.9. Тарихи Масъудий 100	100
8.5.10. Лубоб ул-албоб 102	102
8.5.11. Тарихи жаҳонкушой 103	103
8.5.12. Жомеъ ут-таворих 105	105
8.5.13. Тарихи гузида 108	108
8.5.14. Равзат ули-л-албоб 109	109
8.5.15. Зафарнома 110	110
8.5.16. Мунтахаб ут-таворихи Муъиний 111	111
8.5.17. Мажму ат-таворих 112	112
8.5.18. Тарихнома 114	114
8.5.19. Зафарномайи Темурий 115	115
8.5.20. Улуси арбаъ-йи Чингизий 116	116
8.5.21. Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн 118	118
8.5.22. Равзат ус-сафо 120	120
8.6. Форс тилидаги манбаларнинг хусусиятлари 121	121
8.7. Фойдаланишган адабиётлар рўйхати 123	123

8.8. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	123
9-мавзу. Туркий-ўзбек тилидаги тарихий манбалар	124
9.1. Манбаларнинг яратилишида туркий-ўзбек тилининг тутган ўрни	124
9.2. Ўзбек тилдаги манбалар	127
9.2.1. Кутадғу билик	127
9.2.2. Темур тузуклари	127
9.2.3. Таворихи гузида, Нусратнома	128
9.2.4. Зубдат ул-асар	129
9.2.5. Вақоийъ	130
9.2.5. Шайбонийнома	133
9.2.6. Шажарайи тарокима ва Шажарайи турк ва мӯғул	134
9.2.7. Фирдавс ул-иқбол	136
9.2.8. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин	138
9.2.9. Шажарайи Хоразмшоҳий	138
9.3. Ўзбек тилидаги манбалар хусусиятлари	139
9.4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	140
9.5. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	141
10-мавзу. Алишер Навоийнинг асарлари тарихий манба сифатида	141
10.1. Алишер Навоийнинг ижодида тарихий мавзудаги асарлар	141
10.2. Алишер Навоийнинг тарихий мавзудаги асарлари тавсифи	142
10.2.1. Тарихи анбиё ва ҳукамо	142
10.2.2. Тарихи мулуки Ажам	143
10.2.3. Хамсат ул-мутаҳайирин	144
10.2.4. Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер	144
10.2.5. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад	145
10.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	147
10.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	148
11-мавзу. XVI-XIX аср биринчи ярмига оид форс тилидаги манбалар	149
11.1. Муҳим ижтимоий сиёсий воқеалар	149
11.2. Форс тилидаги манбалар	151
11.2.1. Фатҳнома	151
11.2.2. Шайбонийнома	151
11.2.3. Меҳмонномайи Бухоро	153
11.2.4. Ҳабиб ус-сияр	155
11.2.5. Тарихи Рашидий	157
11.2.6. Аҳсан ут-таворих	159

11.2.7. Абдулахома	160
11.2.8. Акберон	162
11.2.9. Мусаххир аз-Билод	163
11.2.10. Ҳафт иқлим	164
11.2.11. Тарихи оламоройи Аббосий	165
11.2.12. Баҳр ул-асрор	166
11.2.13. Дастур ул-мулук	168
11.2.14. Тарихи Муқимхоний	169
11.2.15. Убайдулланома	170
11.2.16. Тарихи саййид Роқим	171
11.2.17. Тарихи Абулфайзхон	173
11.2.18. Силсилат ус-салотин	174
11.2.19. Номайи оламоройи Нодирий	176
11.2.20. Туҳфат ул-хоний	177
11.2.21. Тарихи Амир Ҳайдар	178
11.2.22. Фатҳномайи сultonий	179
11.2.23. Мунтакаб ут-таворих	179
11.2.24. Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад	180
11.2.25. Тарихи салотини Мангития	182
11.2.26. Тарихи Салимий	182
11.2.27. Тарихи жадидайи Тошканд	183
11.2.28. Тарихи Шоҳруҳий	184
11.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	185
11.4. Мавзуни мустакамлаш учун бериладиган саволлар	185
12-мавзу. XVI-XIX аср биринчи ярмига оид ҳужжатлар	185
12.1. Ҳужжатлар Ўзбекистон тарихининг муҳим манбалари	185
12.2. Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатлар	190
12.2.1. Бухоро амири Ҳайдарнинг фармони	190
12.2.2. Жуйбор хожаларининг ҳужжатлари	190
12.2.6. Мажмуъайи васойиқ	193
12.2.7. Хатти Иқрор	193
12.2.8. Хатти Иқрор	193
12.2.12. Терма ҳужжатлар	196
12.3.13. У (Худо) ғанийдир!	197
12.3.14. У (Худо), ягонадир!	197
12.3.15. (Ҳукмнома)	198
12.3.16. У, Аллоҳ!	198
12.3.17. Ҳу, Аллоҳ ал-Мустаъон!	199
12.2.18. Амир Насрулло ҳукмномаси	199

12.2.19. (Ижара акти)	200
12.2.20. Расмий ёзишмалар	200
12.2.21. Мактуботи Темурия	200
12.2.22. Мактуботи Алломий	203
12.2.23. Мураққаъи Мир Алишер	203
12.2.24. Саййид Амир Ҳайдар Баҳодирхон мактублари	204
12.2.25. “Силсилат ас-салотин” асаридаги мактублар	207
12.2.26. Турли масалалар ҳақидаги ҳужжат, фармонлар ва мактублар	209
12.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	211
12.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	211
13-мавзу. География ва космографияга оид асарлар	212
13.1. География ва космографияга оид асарлар тавсифи	212
13.1.1. Мўъжам ул-булдон	212
13.1.2. Китоби Муллазода	213
13.1.3. Самария	214
13.1.4. Мажмуъ ал-ғаройиб	215
13.1.5. Ажойиб ат-табақот	216
13.1.6. Дили ғаройиб	220
13.2. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	223
13.3. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	223
14-мавзу. Ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар	224
14.1. Ўзбек халқининг шаклланишига оид манбалар умумий хусусиятлари	224
14.2. Манбалар тавсифи	225
14.2.1. Тарихи Абулхайрхоний	225
14.2.2. Насабномайи ўзбек	225
14.2.3. Асомийи наваду ду фирмайи ўзбек	226
14.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	226
14.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган саволлар	227
15-мавзу. Биографик асарлар	227
15.1. Биографик асарлар хусусиятлари	227
15.2. Биографик асарлар тавсифи	227
15.2.1. Тазқарат уш-шуаро	227
15.2.2. Музаккири аҳбоб	229
15.2.3. Хотироти Мутрибий	231
15.2.4. Музаккири ал-асҳоб	233
15.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	236
15.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	236
16-мавзу. Агиографик асарлар, маноқиблар ёки ҳолотлар	236

16.1. Агиографик асарларнинг умумий хусусиятлари	236
16.2. Агиографик асарлар тавсифи	237
16.2.1. Тазкирайи Буғрохоний	237
16.2.2. Маноқиби хожа Юсуф Ҳамадоний	237
16.2.3. Рисолайи шайх Нажмиддин Кубро	237
16.2.4. Маноқиби Амир Кулол	238
16.2.5. Хожа Мұҳаммад Порсонинг «Мақомати хожа Алоуддин Аттор», «Фасл ул-хитоб», «Рисолайи қудсия» ва бошқа асарлари	238
16.2.6. Маноқиби Хожа Баҳоуддин Нақшбанд	239
16.2.7. Мақомоти хожа Аҳрор	239
16.2.8. Раشاҳоту айн ул-ҳаёт	240
16.2.9. Равзат ур-ризвон ва ҳадиқат ул-ФИЛМОН	241
16.2.10. Жомиъ ул-мақомоти Маҳдуми Аъзам Косоний	244
16.2.11. Насимат ул-қудс мин ҳадойиқ ал-унс	246
16.2.12. Матлаб ут-толибин	248
16.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	253
16.4 Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	253
17-мавзу. Мемуар асарлар	253
17.1. Мемуар асарлар хусусияти	254
17.2. Мемуар асарлар тавсифи	254
17.2.1. Мужмали Фасиқий	254
17.2.2. Бадойиъ ул-вақоийиъ	255
17.2.3. Миръот ул-мамолик	256
17.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	258
17.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	259
18-мавзу. Сайёҳлар ва элчиларнинг эсдаликлари	259
18.1. Сайёҳлар ва элчиларнинг эсдаликлари	259
18.2. Сайёҳ ва элчиларнинг эсдаликлари тавсифи	260
18.2.1. Рисола	260
18.2.2. Рисолат ул-аввал	260
18.2.3. Марко Поло хотиралари	261
18.2.4. Иоганн Шильтбергернинг Европа, Осиё ва Африка бўйлаб қилган саёҳати	261
18.2.5. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундаликлари	263
18.2.6. И.Д.Хохлов элчилиги ҳужжатлари	265
18.2.7. Ака-ука Пазухинлар элчилиги тўғрисида манбалар	269
18.2.8. В.А. Даудов ва Мұҳаммад Юсуф элчилиги тўғрисида манбалар	273

18.2.9. Флорио Беневини элчилиги тўғрисида манбалар	274
18.2.10. Митрополит Хрисанфнинг эсдаликлари	278
18.2.11. Филипп Назаровнинг эсдаликлари	281
18.2.12. Николай Муравьевнинг Туркманистон билан Хивага саёҳати	283
18.2.13. Дмитрий Гладишев ва Иван Муравинлар Хива хотиралари	287
18.3. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	290
18.4. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	290
19-мавзу. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврига оид манбалар	290
19.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар	291
19.2. Маҳаллий манбалар	292
19.3. Россия манбалари	293
19.4. Расмий ҳужжатлар ва ушбу давр тўғрисидаги адабиётлар	293
19.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	293
19.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	294
20-мавзу. Совет даври манбалари	294
20.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар	294
20.2. Расмий манбалар	296
20.3. Давр тарихи тадқиқотларда	297
20.4. Шўро даврида тарих хорижий олимлар асарларида	297
20.5. Шўро даври тарихи замонавий тадқиқотларда	297
20.6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	298
20.7. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	298
21-мавзу. Мустақиллик даври тарихи манбалари	298
21.1. Асосий сиёсий-ижтимоий воқеалар	299
21.2. Расмий ҳужжатлар	301
21.3. Президент И.А.Каримов асарлари	302
21.4. Мустақиллик даври тарихи замонавий тадқиқотларда	303
21.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	303
21.6. Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар	303

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети
Илмий кенгаши томонидан нашрға тавсия этилган.**

Мұҳаррір: *M. Содиқова*

Нашиёрт рақами: М-206 Босишга рухсат этилди 09.03.06.

Қоғоз бичими 60x84^{1/16}. Таймс гарнитура.

Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма т. 19,5.

Хисоб-нашиёти т. 23,0. 300 нұсха. 06-буюртма.

Келишилған нархда.

**ҮЗР ФА «Фан» нашиёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Фуломов күласи, 70.
ҮЗР ФААК босмахонасида чоп этилди. Тошкент, И. Мұминов күласи 13-үй.**

جلوپس پس ایتی بیا ز سکا

دید بیز سکا که میز
نیز نیز نیز

قطف پل شخ عالی تمام

کایند آقیدی شارت سکا

نیز ار تیچه ده
بینته نور راهه

ینیک پاری خاد قیدی کلام

